



Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Шарк Толғузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

5 1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ХОШИМОВ

Таҳрир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИХ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ.



Султон Акбарий

ҚАТАҒОН

Достон¹

Эй кўнгул, келким бало базмида жоми
ғам тутай,
Уз қатиф ҳолимга ўлмастин бурун мотам
тутай...
Навоий.

1
Қуёш мўмиёланган,
Шамгин ётар даҳмада.
Доҳийбоз бош ролни шаън
Ижро этар саҳнада.

2
Тахт, кўрк этгандек ато,
Азада ҳам ҳайитлар.
«Халқлар отаси»н ҳатто
Қўпиб алқар майитлар.

Латифа

Амир кайф устида мучалини суриштириб қолган эди, Афанди ҳисоблаб қиқиб: «Мучалингиз ит экан» деди.

Амир оғринди:

— Жаҳонга шер бўлиб танилган бир жаҳонгир наҳот ит бўлса! Адашмай дурустроқ ҳисобланг, ҳеч бўлмаса бўри чиқаринг.

Афанди жавоб қилди:

— Бу ёғини дейдиган бўлсангиз, сиз итлигингизда тура беринг-у, мақташни менга қўйиб беринг. Мучалингиз фил!

¹Журнал нусхаси

Колима ва калима

Жойи осойиш эмас ҳеч кима бу кўҳна равоқ,
Ёғдирур бошимиза санги жафо, гарди фироқ,
Йўқолиб расму вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,
Мулқдин адлу карам кетти, келиб кину фироқ,
Яхшилик қилма тама, зулм ила дўлди офоқ.

Турди.

Қора ер қочик,
Абадий музлок.
Ғам уйи очик,
Висолдан узоқ.

Зар керак шонли
Беш йилликларга.
Олтинлар қонли
Хор ўликларга.

Ҳув элас-элас
Қоялар совут.
Ҳузур ис келмас,
Дарахлар тобут.

Ялпоқ бараклар,
Зах ертўлалар.
Руҳи ҳалаклар,
Курси ғўлалар...

Даралар ўпқон,
Аждар жағидай.
Шахталар қопқон,
Жон тузоғидай.

...Қочсанг қон ютиб,
Ким без теради.
Шимолий кутб
Тутиб беради.

Чақир ўрмонда
Арралар ғиқ-ғиқ.
Жаҳаннам конда
Йўталлар бўғиқ.

Ё ўро зафар,
Ё ўро хатар.
Ўлмасанг агар,
Бир кунинг баттар.

Шўттаям «лик!» миз!
Тепадан план.
Социализм —
Гўё Монблан.¹

Магадан. Ухта.
Мамлакат — ҳибс.
Норильск. Воркута.
Юҳо ва иблис.

Абадий музлок,
Чоҳдир Колима ...
Дунё — қилтузоқ,
Ўгир калима!

Маҳбус воласи

Мен бошқа йиқилмайман, йиқилмайман,
Бурчакка тиқилмайман, тиқилмайман,
Бойқушдай сиқилмайман, сиқилмайман,
Мен бошқа йиқилмайман, йиқилмайман.

Отсинлар, оғдарсинлар, йўқотсинлар,
Сотсинлар, соямни ҳам йўқотсинлар,
Қотсинлар, қатқалоқда йўқотсинлар,
Мен бошқа сиғинмайман, сиғинмайман.

Колима, Магаданми, Читамиди,
Одамзод куямиди, митамиди,
Шу қадар сийналарни титадими,
Мен бошқа йиғилмайман, йиғилмайман.

Олтин дор, кумуш кунда бўлганми ҳеч,
Валийлар ўзи мунда бўлганми ҳеч,

¹Тоғ номи

²Магадан, Ухта, Норильск, Воркута, Колимани бандилар бунёд этган.

Эркинлик ялдо тунда бўлганми ҳеч,
Мен бошқа тикилмайман, тикилмайман.

Мен бошқа йиқилмайман, йиқилмайман,
Бурчакка тикилмайман, тикилмайман,
Бойкушдай сиқилмайман, сиқилмайман,
Мен бошқа йиқилмайман, йиқилмайман.

Латифа

Афанди «паррандаларнинг тилини биламан», деб мақтаниб юрарди. Подшо буни эшитиб қолиб, Афандини чақиртирди ва ўзи билан овга олиб чиқди. Йўлда бораркан, подшо вайронада сайраб ўтирган бойкушни кўриб, Афандидан сўради:

— Бойкуш нима деб сайраяпти?

— Бойкуш айтдики, — деди Афанди, — агар подшонинг зулми шу хилда бўлаверса, тез кунда шаҳар менинг маконимга қўшилиб кетади.

Тамғали

Ҳақни айтсанг, ҳалқумингдан
олади.

Ўзбек халқ мақоли.

Сафга! Сафга! Сафга!
Сана ўнгдан чапга!
Дальстрой¹ байроғига — ғўдай!
Шапка
Қулоқ ос гапга,
Нима демоқчи худой?!

Ротмистрлар зиндонбонлик миёнасида,
Давлат моёнасида,
Қон томар ўрма даррасидан.
«Серпантин» мағорасидан
Арвоҳлар чиқар кўкариб.
Маълумингиз, арвоҳлар орасида
Бўлмайдир исм-шариф.

Тамғалилар пешонасига
Қорамолдоқни тирарлар.
Шохли моллар қушхонасида
Қассобларга таништирарлар.

«Кимсан? Нечанчи модда?»
«Маники фавқулодда,
...эллик саккиз бир»²
«Ҳаром ўлгир,
Йиқит» дер.
«Есть, лаънати, чиқит!» дер.

(Қонунларнинг моддаси кўп, банди кўп,
Алак дунёнинг сари ёй, каманди кўп.)

«Сенчи? Модданг нимадир?
«Отишга илинадир».
«Модда деяпман, модда?»
«Олтмиш уч-да, эй, хода».

¹Узоқ шимолдаги қамоқ ва лагерлар Дальстрой тасарруфида эди.

²Жиноят мажмуасининг моддалари: 58¹ — отиш; 63 — аксилинқилобий зиёнчилик; 78 — озодлиқ душмани.

«Карцер! Ун сутка» дейди.
 «Ма, ебсан, дудка!» дейди.
 «Сен?» дер мачит одамин.
 «Омин ва раббул оламин,
 Эллик саккиз, бисмилло!...»
 «Гурков!»
 «Астафурилло!»
 (Шайхулисом деди сайлаб,
 Гурков қилди итоб айлаб.)

«Сен қайси модда бирлан?»
 «Юз олтмиш етти...»
 «Сеники?» дер жухудга.
 Сигмагандек мухитга:
 «Майда миллат, дер, отма!»
 «Расход!»
 «Иби, би Фотма!...»
 Кимга — беш йил ёрғи,
 Кимга — ит мақом.
 Оч қолмас итолғи,
 Кекирар ҳокон.

Тамғали эллик саккизлар
 Қуш қонига беланди.
 Шунқор тоғлар пастланиб,
 Булуткачай эланди.
 Қора қушлар чоғиллаб,

Кўз, қоринни тиланди.
 «Туманли», «Шторм», «Партизан»
 Қум-қуют,
 Кун заволга уланди...
 Шом еган ой юзин беркитди...

Латифа

Подшо одамларни йиғиб:
 — Мен золим подшоми, одил подшоми?— деган саволни ўртага ташлади
 ва «золим» деганни ҳам ўлимга буюрди, «одил» деганни ҳам. Шундан кейин
 Афанди ўртага чиқди.
 — Золим биз!— деди.— Худо бизга жазо бергани сизни юборди.
 Подшога бу жавоб маъқул бўлди.

Қулоқ қилиш

**«Кимки колхозга кирмаса, у совет
 ҳокимиятининг душманидир».
 Еппасига коллективлаштириш шиори**

Шоми ғарибон...
 Батракқўм
 Қирлини кулоқ қилаётир,
 Қулоғини кесиб чиноқ қилаётир,
 Истиғфор айтишга нўноқ қилаётир,
 Ўр ёғини бермай, гуноҳ қилаётир.
 Ташқарида ёғар пилта-пилта қор,
 Қозоннинг чиркидай қурумли омбор.
 Қўй пўстин, кепанак, пахталик, жубба,

¹167— террорчилик ҳаракати.

Чувурма, кулоқчин қубба ва қубба.
Қийга этак уриб ўт олдирарлар.
Жин чироқ дилдирар. Танг қолдирарлар.

— Қани, турсинлар, бой!...
— Бойингдин ўргилдим, ўртаҳол Туртой...
(Аспижаллоб гуё турғизар отни,
Парқинда кўргандай ипак қанотни.)
— Ер-сувлари қанча?
— Ислоҳ кесганча.
— Тақрибан? Мўлжаллари?
— Қирқ десатин-ов ўлжалари,
Сойқочди, Итолмас атрофларида.
— Қароллари нечта?
— Ҳеч-да!
Қаролларим — болларим.
— Макиёндан нечта матраплаарида?
— Шариатга мувофиқ...
— Бинобар тўртов.
— Тўртов бўлса булар,
Қўлқанотим улар.
— Ол-о, «Хужум»нинг душмани.
— Майли, ёт унсурга кўш мани.
— От-улов?
— Ёби, шамиён синдирган ҳўкиз.
Майда улоқ бир тўққиз.
— Ғаллани қайга кўмдинг, ноинсоф?
— Солиққа топширдим ғаллани.
— Қолганлари қани?
— Турипти, уруғлик, жами ўн уч қоп.
— Ву-у-йй!..
— Нима, вуй,
Саккизта очик оғиз,
Йийман, ичарман,
Қандоқ насибадан кечарман?..

Раис:

— Хў-ш-ш, жамоа, нетдик судхўрни?

Туртой:

— Судхўрмас, ўртаҳол деган гўрни...

Овоз:

— Саллани ол, «ТОЗ»га¹ кир, тавбангга таян,
Сиёсий онг ўсиб, Қизил Шўрога айлан!

Туртой:

— Ўзимам ўйлаб турувдим, а,
Нима чиқаркин бу ҳангамадан,

Раис:

— Занғар, янги тузумни англамаган!

Овоз:

— Ҳалиям кирсин — кеч эмас.

Туртой:

— Ҳе хотинчалиш, камина

Умум қозондан ош эмас.

Овоз:

— Мол-мулки, ер-суви этилсин мусодара,
Ўзи — бадарға!

Туртой:

— Ҳов, нима қияпсизлар муслимни?

Раис:

— Ўл қияпмиз синфий иблисни!..

...Буғдойиқ йўк ёғинда,
Мол маърамас оғилда,
Тирикчилик қаттиқ
Совуш бойлаган соҳилда.

Сувли ариқ учун, а?
Қизил тариқ учун, а?
Замин кимдан қолмаган,
Қири сариқ учун, а?

Изғор ҳайдади қайга,
Қора қасрдай Тайга.
Гуппили «қулоқ» Туртой
Шак улар шўр манглайга.

«Ол, ма, текинга ер-сув,
Энасой, Иртиш серсув.
Туянгни суғор деган
Тайга хўжаси Дерсу».

Муз синса портга юрар,
Юк тушириб, юк урар.
Қишда қалайи кўчган
Идишдай шумшиқ турар.

Шимолда сийрак танти,
Аммо кенг бағир ханти.
Буғудай қор остидан
Уланг топар фарзанди.

Тўбўл, тўшанчинг қани?
Шарафа ганчинг қани?
Сақл ёкути, олмос,
Олтинли ганжинг қани?

Овчилар қурултойи
Қуруқ қўймас Туртойни.
Илвасин халтасида
Широлға турумтойи.

Мўйна-ку, ҳатто патак
Гўё қиммат кебанак.
Сорт мусофирга ҳам
Ажратдилар зах катак.

«Ма, чаққон қозонга сол,
Ичиб ўбдон терлаб ол.
Тумов қочар соянгдан,
Эртангача яхши қол».

Бўтқоч қилиб ейдилар,
Пўстлоқ шилиб ейдилар.
Оҳ, ойлар шафтоли,
Субҳон ўрик дейдилар.

Манси эса уқтирар:
«Айиқ ёғ семиртирар».
Буғу қони — иссиқлик,
Зарангда симиртирар.

Бирни биров беради,
Осмон қиров беради.
Пешанасини қириб,
Туртой жилов беради.

«Қоғоз пулдан бой бўлмас,
Муздан, кулдан лой бўлмас.
Тирикка тирик керак,
Қўноқсиз уй-жой бўлмас».

Сўрамаслар оятни,
Туб жойни, вилоятни.
Модда, қисм етарли
Туслашга жиноятни.

«Оғоч мўл — ускунабоп,
Кетмонингга пишиқ соп.
Уладиган дунёда
Ўзингга тоза том ёп».

Қотил десанг, муштарлар,
Ўғри десанг, ушларлар,
Қулоқ десанг, вой тавба,
Томдан пастга тушарлар.

Одамдан ўчоқ қолар,
Тухумдан пўчоқ қолар.
Уй солдилар. Ҳовлида
Чўтир ёрғучоқ қолар...

Кун кўринмай, ой чиқмай, бирлашди кеча-кундуз,
Қай буржда туғилди, қай буржда ўлди юлдуз?!
Даврон кетиб, чалчикда, ахир, чириди илди.

Уллари «вой отам»лар, хотинлари гўянда,
Нўғой мулла майитни ўраб-чирмаб қўйганда,
Кўк ҳам «уҳ»лаб юборди, болут тобут чўяндай.

Туртойнинг арвоҳига ис чиқардилар сўнгра,
Боғлон буғу сўйдилар, бу урф шимолда кўҳна,
Касал кўрпа қатидан хат чиқди гўё хўнграб...

Туртойнинг шўрога таваллоси

Шўро! Айри, аро йўлда турибмен,
Унг соғлом аёғи ерда турибмен,
Чап оқсоқ аёғи гўрда турибмен,
Қирли мазоридин бир мағора бер.

Ош-сув тиланмасмен, ўзингга сийлов,
Ғам ила тўкилди Тўбўлда мўйлов,
Бош кўяй, энамни тўшидай яйлов,
Қирли мазоридин бир мағора бер.

Туртой йўқ десалар бойлаб энгагим,
Бибишлар қонатса сиқиб эмчагин,
Бўбакларим йиғиб борса сўнгагим,
Қирли мазоридин бир мағора бер.

Латифа

Афандидан бир содда одам сўради:

— Афанди, одамни тупроқдан ясалган деган гап ростми?

— Рост!

— Одам тупроқдан ясалган бўлса, лойига сомон қўшилганми, йўқми?

— Сомон қўшилган! Сомон қўшилмаганда одам бу дунёнинг қайғу-ҳас-
ратига тоб беролмай, минг бир жойидан ёрилиб кетмасмиди?

Аксилнарком

Шу халқ дея дор остига бордим.
Чернишевский.

Туш — даракчи, саросима рух,
Сир ойнаси гарчанд қоронғи.
Армуғони гоҳ олтин шукух,
Гоҳ том босар, вишиллар ёнғин.

Бизга икки дунё аламон,
Мирғазаблар ўсмас илоё.
Савоб истаб бориш қатағон
Таборақ ул Маккатиллога.

...Бошида қоп, қўлида арқон,
Дор остига судраб келдилар.
Хайр, кўк турналар! Хайр, армон!
Жаллодлар ғайратга эндилар.

Қумурсқалар ўрмалар токим,
Бўйинга қил солаверамиз.
Утар Машраб, ҳар бенавоким,
Биз ўрдуда қолаверамиз».

«Кўриб ўлсин кўкни сўнгги бор!»—
Қорақизнинг кўзин ечарлар
Ва шиқирлаб қочаркан тик дор,
Худо билан қасам ичарлар.

Кўкни қарғар Шарқнинг рухсори:
«Хотин осмай ўл бу кунингдан!
Сен-да йиқил, зулмнинг дори!»
Омин! Нидо келар жунундан...

«Биз қуллармиз,
Шақатуллармиз,
Қалламиз ҳам пошшонинг хасми.
Ўликларни кимга пуллармиз,
Уйқуда ҳам тинч қўймас расми.

Хайрият туш. Туф-туф! Алҳазар!
Эржонидан хавотир аёл.
Қочиб кетган бўлмаса агар,
Масков нима — зуд элтар хаёл.

* * *

Ўша кун ва ўша тун эди,
Иши ўнгламай Шарқли хун эди.
Ки сирғалиб кирар уч шарпа
«Метропол»нинг хосхонасига,
Ҳар эҳтиёт, нозик тоифа,
Соқчи қўйиб остонасига.
Ҳе йўқ, бе йўқ. Ҳоким ирода.

— Янглишмасак, нарком Алиев?!
— Нақ ўзлари! Қизиқ ҳарҳолда...
— Лубянкадан.
— Ҳимм, келинг...
Мана мандат, мана ваколат,
Коминтерн... Средазбюро...
— Мана ордер — ҳибсга далолат...

(Олтин деса, мис экан туғро!)
«Атларида бордай палахмон,
«Итобларни юлқиб титарлар.
«Утган кунлар», «Меҳробдан чаён».
Аксил! Мусодара этарлар.

«Капитал» ва Ленин жилдлари
Алоҳида хавфли шахсдай.
«Изгилари ва таъкидлари
Сталинга зид кажбаҳсдай.

Шерозадан хатчўпга қадар
Оланқираб кўриб чиқилар.
Алоқа хат ва қўйин дафтар
Сўроқ берган каби сиқилар.

Ҳамма нарса увун, уст-остин,
Биларми мол қадрин пастарин?
Ширт-ширт сўқар каверкот костюм,
Ёстиққача авра-астарин.
Бир тортмадан совуқ тўппонча,
Хуфя қурол чиқар. Суиқасд!
Нарком бўғилгандай тўфонда:
«Ғаламислик! Меникимас паст!»

Кишан тушар ёйиқ қўлига.
— Финг демай юр!
— Қаққа?
— Қамоққа!
...Умидлари Масков йўлида,
Қорақиз ағнарди янтоққа...

* * *

Етти кеча тергов, сиқув сурунка,
Наркомнинг эгнида қонли тиринка.
Ки ғаров юрғизиб тирноқ шиларлар,
Ўликни турғизиб қистоқ қиларлар,
Шу қадар фаранг бўб кетганми жазо?
Шу қадар қийинми шўрода қазо!
Чалажон чўзилса, сувга пишарлар,
Қўй ютган аждаҳо янглиғ шишарлар.
Ахир, у чибин-ку, эмас каркидон,
Отиб юборсайди тезроқ аркидан.
— Тўдабоз Икромов киминг бўлади?
— Фирқадоз жигарим, иним бўлади.
— Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!.. Хўжаев эса?
— Чекинмас большевик — ким нима деса...
— Пойтахтга келишдан мақсад аслида?
— Пахтанинг таннархи масаласида.
— Та-к, та-к! Та-к, та-к!.. Қай бирин амри?
— Икковин бир ундан қорилган хамри.
— Демакким бириккан қора гуруҳчи?
— Зинҳор! Улус бахти учун қўриқчи.
— Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!.. Тўппонча қайдан?
— Қўрчоқбозлик! Бу бир қилиқ малайдан.
— Ўв, ҳали биз малай, қўрчоқбоз ГПУ?
— Тукли башарангга, турқингга тфу!..
Бирдан кулочкашлаб жағин ёрарлар,
Ўттиз икки тишин қоқиб оларлар.
На жуфту, на етим қовурға қолар,
Очлик эълон қилар, кўзи олаяр.
— Биз не эксак, сен ҳам шуни экасан,
Ўқиб айбномани имзо чекасан!
— Қўшмозор бўл ёлғон айбноманг билан,
Биллоҳи олтинқуш туғмаган илон.
— Та-к, та-к.. Та-к, та-к!.. (юмшаб кажфеълга):
Олиб борайликми «Гранд-отель»га?
— Шарт эмас. Ҳолим йўқ...
Имо қиларлар,
«Очил дастурхон»ни бино қиларлар.
Оқ булка, овчининг найча қазиси,
Килкиллаган этнинг беғараз иси.
Туркона қаҳва ҳам армани коньяк,
Биллурий идишда ушатишган ях.
Нафси ўлик ҳинду зоҳид бўлса-да,

Хирсни тиёлмасди мундоқ бўсадан.
 Бир қути «Эпоха». Бодринг, потинжон.
 (Қайдайдинг шу вақтга қадар, хотинжон?!)
 — Е, ич, кўндамларга илтифот ҳам бор,
 Ё бу турфа неъмат, ёхуд баланд дор...
 Татирми елқадан босганда тухмат,
 Музайян ҳаёт-у, лаззатли луқма.
 Идорада қора кўзойнак тақмиш,
 Ялқамсиқ ходими устидан чақмиш.
 Ки Тошканд қозисин ҳаромзодаси,
 Завжасин бўйнинда маржон шодаси,
 Давлатни қантариб миниб олгандир,
 Раҳбар қўлтиғига қўлин солгандир.
 Ҳаром тукича ҳам кўрмас ишчини,
 Зиёфат айлайдур паст «миш-миш»чини.
 Туркистон давлатин тузар эмишлар,
 Шўролар бирлигин бузар эмишлар...
 — Ол, е, ич!..
 Нафсан-ку муаттар ислар,
 Хаёлида тирик декабристлар.
 Тарих сурати-ла унсиз гаплашур,
 Имон сийрати-ла нега чаплашур?
 — Шарти?
 — Тўғри дейсан ҳаммаси аслан?
 — Ҳаммаси нимаси — чинон, масалан?
 — Икромов, Хўжаев — қўшалоқ чаён,
 Мен, улар думига, зарари аён...
 «Во дариғ! Тилимга куйдирги чиқсун,
 Жинлар бўғзим йиртиб, лаҳадга тиксун!»
 — Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!..
 — Ким ўша акилдак?
 — Бизнинг пуллик агент, «Икс» деган шахс...
 — Айбимни бўйнимга кўйиб берсин наҳс...
 Тағин бир ишора. Заҳил киради.
 «Винтик» ялтоқланиб тек ўлтиради.
 Ана у! Кафанчи. Офати миллат,
 Мажидиддин тусли қадимги иллат.
 Ана у! Риёкор. Сотқинлик пеша,
 Шиллиқ қурт, ширангни сўрар ҳамеша.
 ...Сўлагини ялаб қулт-култ ютқунар.
 «Ол-а — дейди — ювиндихўр, итхунар».
 Лочинмас, ғажирга буюрган экан.
 Нафс балоси эски суюрғол экан.
 У жағи, бу жағи чап-чап қилади,
 Тур деса туради, тап-тап қилади.
 «Эпоха»дан битта қистириб лабга,
 Бошқатдан янги тўн кийгизар гапга.
 — Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!.. Гумондоринг ким?
 — Манаву Алиев — биринчи ғаним!
 — Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!..
 — Инчунин, Ҳасан,
 Ўртоқ Сталиннинг номи-ла қасам
 Ичиб дерки: гарчанд тилида шакар,
 Алиевнинг бўғин-бўғини заҳар.
 Икромовнинг думи, лайчаси, яғни,
 Хўжаевнинг беш қўл, панжаси, яғни...
 — Та-к, та-к!.. Та-к, та-к!..
 Танаффус андак.
 Сўнги жон толасин юлқиб олгандак.
 Бурчакдан бурчакка тўпдай тепарлар,

Ярага қоратикан туз сепарлар.
 Шафоат тилашдан ҳазар қилар у,
 На шикваю, на-да тавба-тазарру.
 «Сотмадим. Сотмаймен. Минбаъд сотмасмен,
 Уликка уялиб қараб ётмасмен».
 Етти кеча тергов, сиқув сурунка.
 Наркомнинг эгнида қонли тиринка...

* * *

Пат-қанотсиз учиб келган мояси
 Тополмасди ҳатто юпқа соясин.
 Қора туйнукдан бир улги тутқаздилар,
 Гўё қарғишдан ўзни қутқаздилар.
 Қон билан ёзилган сурп кўйлак эди,
 Қорақиз ўпарди, қирқ бўлак эди.
 «Кўзларингни учин ўпай, Қорақиз,
 Дунёнинг тухмати кўп-ай, Қорақиз,
 Гўримда ҳам додлаб кўпай Қорақиз,
 Оқман, инжимасин падар, волидам,
 Хайр эмаса! Кетган даврон олдидан».

Латифа

Бир куни подшо Афандидан сўради:
 — Афанди, одамлар қачонгача туғилиб ўлаверади.
 Афанди жавоб берди:
 — Дўзах билан жаннат тўлгунча!

Миллий шоир

Чиқойин ер ичиндин нола янглиқ,
 Кафанни қонға булғаб лола янглиқ.
Юсуф АМИРИЙ.

Қиёфасин йўқотган итлар,
 Акакаев, Бобовхоновлар,
 Қидирарлар сочлардан битлар:
 Миллатчилар! Кўзлари қонлар!
 Миллат десанг ёруғ, музайян,
 Миллий ғурур, муқаддас ўзлик,
 Миллат билан тарих узайган,
 Қадимларда тузилган сўзлик,
 Кир ўрага тикарлар бошинг,
 Устингдан мағзава тўкарлар.
 «Раҳмат диёр» — демас курдошинг.
 «Турк афанди» қилиб сўкарлар.
 Тешган экан неча ўқ деса,
 Юрагингни тополмас ҳозик.
 Сен нимадинг? Қайси пуч жусса,
 Ерга — ўғит. Ох, нечук ёзиқ?!

Қани зиё! Қани у билиг?
 Қани муғон? Қани шуаро?
 Қани адл — Кунтуғди элиг,
 Солиҳ Самарқанду Бухоро?
 Қани ақл қути, ривож?
 Қани тилак рамзи Аторуд?
 Қани туннинг тўзғиган сочи?
 Қани қуёш ёши марварид?



Қани сабза? Қани оқ шабнам?
Қани тўғри ва кўзлари чин?
Қани собит қадам, тик қалам?
Қани кумуш? Қани хил-олтин?

Хаёл эшигида йўқ тутқич,
Ер қаърида ҳайдалган ҳамал.
Абас, абас тонгги ёритқич!
Абас, абас таълимга амал!

Келма-кезак дунё,
Эски тезак дунё,

Иситмаси борми,
Сохта безак дунё.

Қизил оёқ дунё,
Қора таёқ дунё.
Ўлим-йитимли,
Сарсон-саёқ дунё.

Қарға шойи дунё,
Пахта мойи дунё.
Новвот дурдаси йўқ,
Олма чойи дунё.

* * *

Миллатчи дедилар сайрон қушни.
Патриот дедилар ватанфурушни.
Феодал дедилар қизил гулни.
Пролетар дедилар қулни.
Пантуркист дедилар туғма сўзни.
Марксист дедилар олакўзни.

* * *

Дуволга, семонга
Саҳбо-ла ёзир.
Саҳбо не, селонга
Сафро-ла ёзир.
Сафро не, осмонга
Сахро-ла ёзир.
Сахро не, Усмонга
Савдо-ла ёзир.

Устида уринган
Булут галаси.
Хаёл бир ўрилган
Беда даласи.
Тошқалам ўрнига
Кўмир чаласи.
Юрагин ўрнига
Дарднинг халаси.

Бир дардким, оламнинг
Тузидай кўҳна.
Бир дардким, одамнинг
Кўзидай кўҳна.
Бир дардким, аламнинг
Музидай кўҳна.

Бир дардким, Ажамнинг
Ўзидай кўҳна.

Дардким, ибтидо бор,
Интиҳо йўқ Сўз.
Дардким, бисмилло бор,
Итобо йўқ Сўз.
Дардким, истиғно бор,
Истило йўқ Сўз.
Дардким, истеҳзо бор,
Истисно йўқ Сўз...

Юрагини санчиб,
Ўтга бердилар.
Маржон тутни янчиб,
Тупроқ тердилар...
Унутмас боғини
Умтулиб ёзир.
Навқирон чоғини
Унутиб ёзир.
Кукулу тоғини
Ундириб ёзир.
Диёр тупроғини
Унниқиб ёзир...

* * *

Хуснсоқол чиқмай, сочлари чипта,
Адам саҳросида мисли ошифта.

Мустасно этилса бўтакўзлиги,
Унут қорачанинг лобар ўзлиги

Саҳарда қон туфлар, сил-симён, ориғ,
Фориси девона сингари сориг.

Қийнар на хавфу жон, на зулм тоғи,
Қийнар тушовланган эрк арғумоғи.

Қизил гул эпкини келарму, қачон?
Эрдам эр туғарму иккиқат жаҳон?

Шу нашъада гўё мизғиб тураркан,
Илҳом изғирини изғиб тураркан,

Бир шарпа лип этди. Ишш, қора кафан!
— Кепсиз деб эшитиб қолдик дафъатан...

— Қоронғи говгумда нетиб юрурсиз?
— Узиз-чи, қорликда кетиб турурсиз?

— Байтулаҳзанда хуш сайрарми булбул...
— Шойир акамла-ей! Кетирдим ул-бул...

— Қайси кухнадан?
— Аёл зўнадан...
— Не экин?
— Жун пайпоқ, жижи егулик.
— Такаллумларига шукрон дегулик.

— Тайинлаб қолдилар аҳволингиз суст,
Парвариш қиламиз дедилар дуруст.

Қалинроқ ўралиб юрар эмишсиз.
Кир-чирни чиқазиб турар эмишсиз.
Хўш эмди, янаги сафарга қадар!..

Кўланкага қуллуғ айлар дарбадар...
Ох, бибишлар, қора асоратда ҳам
Меҳр сутин ийдириб қолган илоҳа!

Тарк этмай оналик жозибасини,
Уфуриб турурлар жоним сасини.

Аёғина бошим суртса арзийди,
Клеопатрани олқаш қарзийди!

Шоирнинг энг гўзал миллати — Она,
Шоирнинг мозори — азиз остона.

Шоирнинг бирдан-бир раббони — адл.
Шоирнинг азалий армони — кадр.

Ёзган қўлин орқасига қайирма,
Унинг имонида битта айирма:

Ростлиқ ва норостлиқ, хўблик ва худлик,
Миллий кўрнаклик ва миллий маҳдудлик.

Унга муҳаббати куйган қанотдир,
Тулпорига бағир қони банотдир.

Зиндонда миллатчи, динчи демаслар,
Мардикор, йилқимон, синчи демаслар.
Совнарком демаслар, пошшо демаслар,
Авлиёлар бирла ошно демаслар.

Бирга аржаной йўқ, бирга кўмач йўқ,
 Ҳаммаси тозидай бир ипга боғлиқ.
 Шуаро худонинг қовурғасидан
 Яралган сингари берадилар тан.
 Ёлғиз ишқ даҳоси — Гёте, Ҳомерга,
 Чаадаев руҳи эсган номерга
 Пушкинни етаклаб олиб кирарлар,
 Николаймас, унга қулоқ берарлар:
 Сибирь конларида сақланг тўзимни...
 Носирий дер: унга ёқай ўзимни...
 Бандилар учун бу пайғамбарона,
 Чидам, тоқатларга улуғ тарона!
 Бошларида қанот урса-да Шайтон,
 Умидсизлик чала ўлгандан ёмон...

* * *

Назм шоҳи чўкиб айтар тирикка
 Завол, тили темир, дили чирикка!
 Йигирма бешимда бошга келдилар,
 Чоғиллашиб қора бошим едилар.
 Қирчинида туби қирқилдим, вой-вой!
 Ажал сипоҳидан ирғилдим, вой-вой!
 Югрукмидим, йўрғамидим, вой-вой!
 Ичқорага бургамидим, вой-вой!
 Жисмим унмас, шеърим унар: вой-вой!
 Майдониға ёшлар дўнар, вой-вой!
 Энам туби қумримиди, вой-вой!
 Фиғон булбул умримиди, вой-вой!»
 «Ҳай ўликлар! Келинг! Ҳай... тўда!»¹

Латифа

Бир суқма шоир мастнинг алжишига ўхшаган шеър ёзиб Афандига кўрсатди.

— Ҳаммасини бопладим-у, лекин «саид» деган сўзга қофия тополмай турибман.

Афанди ўйламай-нетмай жавоб берди:

— «Саид»га «пошшо»дан зўр қофия йўқ!

Шоир ҳайрон бўлди:

— «Саид»га «пошшо» қофия бўлмайти-ку!

— Сен «пошшони» қофия қила бер, бирорта жонидан тўйган одам «бўлмайти» деса, пошшога маълум қил. Мукофот олсанг мени йўқлагин, мени ўша одамнинг жанозасидан топасан.

Игарка каккулари

**Болаларингизнинг кўз ёшлари-
 ни асранг, токи, уларни мозо-
 рингиз устида тўкадиган бўл-
 синлар!
 Пифагор.**

Игарка² каккулари
 Офтобни соғинарлар.
 Оғизда какалари,
 Кўзга жим чоғиларлар.
 «Қуёшжон, чиқ, чиқ,
 Совуқ бизди олачиқ.
 Танларимиз муз-кесак,
 Ўт йўқ исинай десак.
 Энамиз ун қоргунча
 Ташлавор тешиккулча.
 Кирс-кирс еб ўлтирамиз,
 Иткана ўлдираамиз.
 Музқаймоқ ҳам қиларсан,
 Май байрамда сийларсан.
 Ҳозир есак, боламиз,
 Ғип бўғилиб қоламиз.
 Боққандан кўра касал,
 Узат бир ялам асал.
 Қуёшжон, чиқ, чиқ,
 Совуқ бизди олачиқ...»

Сағирларнинг зорига
 Офтоб ғилтайиб чиқар.
 Кўзи қисик, бориға
 Каккулар шукр қилар.
 «Иннана, хўйт, иннана,
 Ёғоч отим, индама!...»

* * *

Шодликни ўғирлашган,
 Лек онгни тўғрилашган.
 «Бу кимми? Уртоқ Ленин!»
 Болалар сукут сақлар.
 «Бу — доҳиймиз Сталин!»
 Нимжон «Ура»лар қалқар.

Онгни хўб пишитганлар,
 Туруханни эшитганлар.
 Разлив чайласи шартмас,
 Зўр музейга борарлар,
 Социализм дарғасин сарбаст
 Тимсолини кўрарлар.

Қаср ичида қаср,
 И. В. С. чиқиб келар.
 Гўё болалар басир,
 йўл оч! — деб йиқиб келар...

¹ Усмон Носирнинг сатри.

² Игарка — кутб ортидаги, Энасой белидаги шаҳар.

* * *
Шумшик синфда беҳол
Сабоқ тайёрлайдилар.
Калла ўрнига дастмол
Қовоқ тайёрлайдилар.

Қўйма ақл ўрнига
Туртма ақл йиғарлар.
Ўйма нақл ўрнига
Суртма нақл йиғарлар...

Латифа

Афандидан бир бола сўради:
— Афанди, минорани қанақа қилади?
Афанди жавоб берди:
— Эски қудуқни тўнтариб қўяди.

Аддоий

Нимаики сўзим бўлса мангу тошга ўйиб ёздим. Унга
қараб билинг. «Кул тегин битиги»дан.

Эйким қора жон қор ичинда,
Қулларга ура-ура Сўз тешасин синдурдим.
Жириш нон еб, узун тилни зор ичинда
Байри отдан индурдим.
Чилпоёнлар, йилонлар вишиллаган ғор ичинда
Ситам пардаларин тиндурдим.
Лек қон уйқуламас, ҳамин бедор,
Саросима ёнадир олов башаралар.
Оқлов маросимида руҳлар кўришмас дийдор,
Нисбий озодликдин сотқинлар яшарарлар.
Керакму шаҳидларга дилнавозу дилдор,
Ё ижтимоий чиқиш, силсила, шажаралар?!
Кесук бошлар ўрнига бош қўйсам-да, улар
Хун довларлар мингоёқ, каждумлардин.
Отилган муҳаббатлар, тафаккурлар, туйғулар
Ёпишар қора тикан киби чиқиб қумлардин.
Ноқисул ақл Хотирот ойинасидин кулар,
Кўҳи Нидо келаркан яқосиз маҳқумлардин.
Манго ором талх токи, манго олам тор токи,
Иғво калласин магар кесмаса тили бирлан.
Эрдамни эркак ҳайвон қилса чулчит зўраки,
Нечун бўғзини бўғмай от думин қили бирлан.
Қаро кўзим тубида ёлин мардумлар хоки,
Мақсудию матлаби, сирланган сирин бирлан.
Даф пастлар, софилин тубанлар,
Ўзингдан чиққан тепанг баланд ўлғой.
Даф заққум булутлар, аччиқ туманлар,
Боғингда битган меванг қанд ўлғой.
Даф симу зар деганинда гумонлар,
Тоғингдан топган тошинг карим ўлғой.
Даф қоғозгул, сўқма ёсуманлар,
Субҳингда эсган елинг сарин ўлғой...
Омин!

Латифа

Бир жинни кўчанинг ўртасига тушиб олиб одамларга: «Ҳамманг бир томон-
га юрасан» деб хархаша қила берди. Унга ҳеч ким гап уқтиролмади. Афандини
топиб келишди.


Афанди жиннининг қулоғига:

— Дунё каттакон қайиқ, ҳамма одам бир томонга юрса ағдарилиб кета-
ди, — деди.


Жинни дарров тийилди.

Тошкент-Подольск-Москва-Магадан-Тошкент.

1988 йил, 7 июль — 17 сентябрь.



Турсун Иброҳим



Қисса

МУҚАДДИМА

«Олам — этак остида қолган бола...»

Ҳа-а... Ажаб, наҳот бунга келиб-келиб энди фаҳмим етаётган бўлса-я?! Ешим юзни қора тортганда, кўзимдан нур, белимдан қувват кетганда... Ахир олам одам боласи қўлида камол топади, одам боласи билан тирик-ку!..»

Хув... Ув-в... Еру кўк шундай нидо қилаётгандай: ғичир-ғичир чархпалак айланади, оромини йўқотган бобонинг хаёллари ғичирлаётгандай... Қоқ пешин. Қуёш осмонда лов-лов ёниб туради. Гўё у ҳали-замон уфққа бош қўйиб, саҳармардонда яна ажиб бир тароват билан уфқдан юз кўрсатмайдигандай... Дарахтларнинг барглари салқи. Уларнинг ёнбар илдиэларидан, бужур таналаридан юлқиниб чиққан бачкиларни, атрофдаги гулли-тиканли ўт-ўланларни муроқ босган. Гўё улар шу кўйи қоладилар: бачкилар ўзларини тутиб турган дарахтга қараб бўй қўймайдилар, ўт-ўланлар эса ҳали очилиб-очилмаган гулларини, тиконларини кўз-кўз қилмайдилар...

«Йў-йў... ниҳоллар дарахт бўлиши, дарахтлар эса мева тўкиши керак! Ҳамиша шундай бўлган... Ажаб, ҳаловат — фалокат!.. Аслида худди шу ҳаловатни деб топталган, этак остида қолган юрт учун курашмаганмидик, қон қусмаганмидик?! Демак, киндик қонимиз томган макон, ер етим экан-да?»

«БУСАҒА» ҲАҚИДА

Бадий ижод — ижтимоий ҳаёт ҳақидаги ва энг муҳими, шу ҳаётнинг воқелиги, ҳаракатлари омилларидан бири бўлган одамлар ҳақидаги тадқиқот. Биз кичик шеър, ҳикоядан тортиб, йирик дoston, романларда кўз ўнгимиздаги доимий жараённинг у ёки бу жозибаларини кўрамиз, кўлами кенг кўнгилнинг қай бирдир жиҳатларини туйгандек, ҳис қилгандай бўламиз. Адабий асарнинг (агар у чинакам ижод маҳсули бўлса) оҳанрабоси ҳам, сеҳри ҳам шунда.

Узоқ йиллар назм билан шуғулланган Турсун Иброҳим насрда ҳам бир гап айтишга жазм этибди. Шоирнинг насрда қалам тебратиши ижобий бир ҳол. Мен буни мазкур қиссада яна ҳис этдим.

«Бўсаға» енгил ва иштиёқ билан ўқилади. Қаҳрамонлари — Октябрь инқилобини кўнгил инқилоби деб билган, унинг босқичма-босқич тараққиётида сидқидилдан хизмат қилган Турон бобо, ҳаётини бировларга мутеълиқда ўтказиб, охирида тавбасига таянган Самад чол, қишлоқнинг содда донишманди Ҳусан ота; кейинги ва кенжа авлодга мансуб — уруш қатнашчиси, колхознинг олашовур бригадири Карим дўбир, эри урушдан қайтмаган, ёлғиз ўғли Маъмуржонга суяниб қолган Каромат хола, таъбир жоиз бўлса, қайта қуриш даврининг жонкуярларидан Диёра, Жўравойлар қиёфасини кўрамиз, улар билан мулоқотда бўламиз.

Айни чоқда шахсиятпараст, худбин, бойликка ружу қўйган Ойша биби, Ҳосил Қуроқ, Ҳалимжон, Чиннихон сингари маънавий жиҳатдан тубан кетган, асарда маромига етказиб тасвирланган

Биз — ота-она... Уни ардоқлашимиз, ҳар дамда, ҳар дақиқада меҳр-оқибат кўрсатишимиз, бошини силашимиз керак экан-да?.. Ҳей, одамлар!..»

Анҳор бедор. Йилларнинг юки босиб, букчайиб қолган сада, унинг тарвақайлаб кетган шохларига қўр тўккан қушлар бедор; анҳорда куй бедор, кўнгил бедор... Осмондан дув-дув қуёшнинг сели тўкилади, босиқ, шуурсиз қалқиётган тўлқинларнинг ели тўкилади... Кўзлари ярим юмуқ, узоқ-узоқларга тикилган бобо садага, сада бобога суяниб қолган. Мойсиреган, нови чириб, ёрилиб кетган, илма-тешиқ пақирларида ярим-ёрти сув олиб яна қайта анҳорга ағдарганча чархпалак айланади: «Ғичир-ғичир... Ғийқ-ғийқ...»

«Ер тортаётибди... Тупроқман... Бунинг нутмоқлик — нобакорлик. Улсам, оғринмасдан бағрига олармикин? Ҳаққим борми?! Энг ёмони — кўрар кўзинг, айтар сўзинг тупроққа айланганида топталгани...»

Эшботирим-а, мен сенга қилич яланғочлаб, ўқ-довулларда бошимни панага олмай курашиб эришганман-а, топганман-а!.. Не жойларга йўлим тушмади, не йўлларга изим тушмади. Шукрки, ундан тикон кўкламади, ўт чақнамади...

бу ёғи... ҳаром аралашди. Шунақа юртим, Эшботирим... Каромат!.. Сенларни кимларга ташлаб кетаман? Кимларга ишонсам бўлади?!

Алаҳлаяпсанми, Турон? Ноҳақликнинг юзига тик қараган, унинг қовурғасини синдирган ўша Туронмисан ўзи? Наҳот ўша бўлсанг? Уят-э! Тур ўрнингдан!..»

Бобо турди. Қорасув ҳам ўрнидан тургандай бўлди: чамаси, ногоҳ уйқуга кетган тўлқинлар уйғондилар, уйғондилару нимадандир ҳадик олдилар, нимадандир ҳаяжонландилар — эпкинга келдилар. Гўё унга анҳор торлик қилаётгандай... Бир-бирларига човут соладилар, чалишадилар, айрим чалғиганлари қирғоқдаги қумлоқларга сингиб, ном-нишонсиз йўқолакан, бошқалари хуррам бир кайфиятда атрофга таъзим бажо этиб, яна оқим бўйлаб ошиқадилар...

Ҳа, борлиқ — бола...

БИРИНЧИ БОБ

Турон бобо

I

Девор наҳрасидан шитирлаб тупроқ тўкилди. Куз офтобининг шалхак нурида мудраб ётган калтакесак эндигина беҳи узиш учун келган Каромат холанинг чўвак оша оёғи устидан югургилаб ўтди. Унинг аъзойи бадани жимирлаб кетди, кўлидан савати тушди. «Мунча турқи совуқ бўлмаса?!» Кўзига тупроқ томи устига шифер ётқизилган уй, наридаги мўрисидан тортиб, эшигию деворларигача қурум босган ошхона, кўпдан теша кўрмай чакалакзорга айланган боғ, ёғин-сочинда сархови ювилиб, чўккан туядек чўкиб қолган деворлар совуқ кўриниб кетди. Атрофни туман қоплаётгандай. Назарида ўрқач-ўрқач

қахрамонлар эътиборимизни тортади. Ва биз тараққиётга, одамгарчиликка путур етказган, турмушимизни қайта қуришга мажбур қилган иллатлар шулар туфайли пайдо бўлмадимикан, деган фикрга борамиз. Тўғри фикрлаймиз. Бу фикрларимиз ҳар бир ўқувчи кўнглида акс-садо беришига ишонамиз. Бунга ёзувчи ишонтиради.

«Бўсаға» — ўзига хос асар. Муаллиф бизга кўпдан таниш, аънавий йўлдан бормади. Яъни қахрамонларининг ўтмиши ва кечмишларини узундан-узоқ, зерикарли баён қилмайди, аксинча, уларга руҳ битади, воқеа-ҳодисаларни жонлантиради. Бу ҳол кўникма ҳосил қилмаган ўқувчига эриш туюлмасин, моҳият-эътибори билан жиддий изланиш самарасидир. Шунингдек, асарнинг композицион қурилишида ҳам, тилида ҳам ўзига хослик, энг мақбулли, халқ ҳаётига, тилига яқинлик бор. Самимийлик бор.

Самимийлик — адабиётнинг юзи. «Бўсаға» самимий асар. У ўз ўқувчиларини топмоғи лозим. «Бўсаға»нинг қўлёзмасини ўқиган ўртоқлар узоқ вақт баҳс юритдилар. Асар нашр этилгандан кейин ҳам баҳс уйғотиши мумкин. Бундан сира чўчимаслик керак. Чунки адабиёт баҳсларга суяниб ривож топади.

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
котиби

деворлар даҳшатли калтакесакларга айланган-у, қандайдир қоронғилик, рутубат қаърига югургилаб бормоқдалар.

Узини йўқотган, хилвату харобазорларни хуш кўрадиган беозор жониворнинг жонсараклиги баҳона, аслида ҳувиллаб қолган кўнгилнинг аламли куйманишидан, ёлғизликдан ногоҳ донг қотган Каромат хола кўксига туфтуфлаб олди. Умрида калтакесак кўрмаганмиди, у? Куни кеча эмасми, отасининг тегирмони деворларида югургилашиб қоладиган хунук жонивор мўъжизадек кўриниб, соатлаб термилганлари? Энди-чи?! Унинг эшикка тикила-тикила охири хира тортган кўзлари пирпираб кетди. Дарвоқе, эртаю кеч ун бўйини бурқситиб турадиган, ёруғ дунёнинг сирли-синоатли сўқмоқларию қулфу дилини жаранглатиб очган ўша тегирмон қани? Узининг ярашимли қилиқлари, ҳазил-мутойибалари билан одам тугул оламни кулдирадиган отаси қани? Юрагига ўт солган, уни ёниб битмайдиган ўтинга айлантирган Содиқ-чи?..

Кунлар, йиллар мунча елдек ўтмаса...

* * *

Каромат отасининг тушлик овқатини олиб келди. Ҳар куни шу аҳвол: дўлга соладиган бир кафт дон борми-йўқми, бари бир, Муса тегирмончи тегирмонини ташлаб кетмайди. Ҳақ деб ётиб олган, уйига ҳафтада бир-икки борса боради, бормаса йўқ. Хотинининг димоғ-фироқлари, «болалар ота меҳридан бебаҳра қолаётир» деб гап билан узиб-узиб олишлари унга заррача кор қилмайди. Гоҳо бу гапларни эшитмаганликка солади, гоҳо ҳазиломуз «хотин нобоп бўлса хонадондан, чойхоначи билан тегирмончи нобоп бўлса, юртдан барака қочади, сочинг узун, ақлинг калталиқ қилиб саннайбераркансанда», деб баста жавоб қилади. Узи шундай, уйда ҳам, кўчада ҳам бирдай одамохун, ҳеч кимнинг дилини оғритмайди: кулдиради, кулади. Етти даҳага, Муса тегирмончи — Кўса тегирмончи аталиб, доврўғ қозонганлиги ҳам бежиз эмас.

Тегирмонга кимлар келиб-кетмайди. Буғдойми, жўхорими, биров қопда—от-уловга ортиб келади, биров халтада — қўлтиғига қистириб келади. Тез-арикдами, Эшботирдами, қай бир қишлоқдан бўлмасин, қайси хонадон кишиларининг қандай яшаётгани Муса кўсага маълум. Ҳаммага бирдай муомала қилиб бўлмайди: бирида бору бирида йўқ, биров очу биров тўқ... Ким тегирмонга олиб келган буғдойими, арпасини унга алиштириб кетади, ким ўзимники баҳори буғдой, деб туриб олади, куни ўтса ҳам ёнида эзмалиқ қилиб ўтириб, торттириб кетади.

Ҳар матонинг ўнг-терси, яъни авра-астари бор. Авраси — бежирим, силлиқ; астари эса дағал, кўримсиз. Уни ушлаб ҳам, кўриб ҳам билиш мумкин. Аммо, кўнгилнинг-чи? Кўнгилнинг авра-астарини билиш қийин... Шундай кунлар келадики, тунми, оқшомми, ён қўшни ё атроф қишлоқлардан аллаким бекорчиликдан Муса кўса билан суҳбатлашиб ўтирган бўлади. Аввалига ҳола-аҳвол сўрашиш, бола-чақа, ёр-биродарларнинг сиҳат-саломатлигини сўраб-истаб, яхши тилаклар билдиришдан бошланган суҳбат аста-секин баҳорнинг қуруқ келганлигига, лалми ерлардаги ғалланинг бош тортмай қовжираб қолганлигига, экилган жўхорининг эса, сўтаси ярим қулочга ётган бўлса ҳам ҳали тегирмонга етилмаганлигига келиб тақалади. Муса кўса нима қилсин? Суҳбатдошининг асл мақсадини тушунади, кетарида, «йўғ-э, бу нима қилганингиз, худога шукр, қора қозоннинг тагида ўт ёниб турибди, сувга ташлаганимиз йўқ...» дейишига қарамай, «ҳечқиси йўқ, тегирмонга келиб, лоақал гард юктириб кетмаслик яхшимас, бу тегирмон ҳақидан, топганингизда берарсиз», деб беш-ўн қадоқ унни халтачага ағдарибми, белидаги кўша белбоғининг бирини еча солиб тугибми, қўлтиғига қистириб юборади...

Муса кўча тегирмон орқасидан таҳорат олиб чиққанида қизи Каромат гулзор ичида райҳон шохларини силкитиб, ҳузур қилиб юрарди.

— Келдингми,— деди Муса кўса, қўлидаги човгумини супа ёнига қўйиб, юз-кўзини артган қийиқчасини тол шохига иларкан.— Яхши кепсан, қизим.

— Ассалому алайкум.

— Ва алайкум...

У ҳужрасига кириб, янги якак-иштонини, анчагина уринган кавушини кийиб чиқди.

— Бир ёққа бормоқчимисиз?— сўради Каромат.

— Ҳа,— деди Муса кўса белбоғига қистириқлик носқовоқдан кафтига нос солиб отаркан.— Бандаси меҳмон... Ризқ-рўзи узилдими, бўлди, гарддай соврилади-кетади... Валлоҳи алам, раҳматли билан куни кеча худойида бирга бўлгандик.

— Қаримидилар?— сўради Каромат, эътиборсизлик билан қўлидаги райхонни ҳидлаб.

— Мен тенги эди...— Муса кўса сўлиш олди. У ўйга чўмганча туксиз ияқларини сийпалаб бир зум турди-да, қизига қув назар ташлади, кулимсиради.— Ҳа, айтгандай, онанг менга кўпдан-кўп дуои салом деб юборгандир.

— Ойимла кир юваётгандила...

— Шунақа дегин?..

Новдан отилиб тушаётган сувнинг шовиллаши, ўқи мойсираб қолган паракнинг ғичир-ғичири, ҳаммасидан ҳам дўлни оҳиста силкитиб айланаётган тошнинг гусир-гусири Муса тегирмончининг кўнглига кўчгандек бўлди. Унинг хаёллари икки тош орасига тушиб майдаланаётган буғдойдай майдаланмоқда эди. У гоҳ гавжум — отларнинг кишнаши, эшакларнинг ҳанграши билан тўладиган, гоҳ ҳувиллаган — новдан сиқилиб оқаётган бир қулоқ сувнинг «уввоси», гала-гала мусичаларнинг «ҳув-ҳув»си билангина қоладиган қадрдон маконига назар солар экан, ўзини алланечук ҳис қилди.

Кечагина олқиндидек силлиқ даҳанини сийпалаб, соқол чиқишини, йигит бўлишини орзулаган Муса бола эди. Кейин, бойнинг эшигида қарол бўлди. Мана шу тегирмонни ўз кўли билан қурди, ҳузурини бой кўрди. Кейин ... инқилоб бўлди, колхоз тузилди. Ҳамма колхозга от-арава билан, сигир-бузоқ билан кирганида, у йўқчилик боис кўпдан уни ўчган тегирмон билан кирди.

— Ҳа-я, буни қара-я?..— Муса тегирмончи қизига кўз ташлади.

Кароматнинг оқ-сарикдан келган, пича қизилга мойил лўппи юзларига кулги ёйилди, қўлидаги райхон дастасини тўйиб-тўйиб ҳидларкан, яноғидаги майин туклар қуюқ тол шохлари орасидан тушган офтоб шуъласида олтин зарраларидек ял-ял товланди.

— Ҳа,— деди у ҳамон димоғида тутиб турган райхон баргларидек алланечук бутун вужуди ила қалқиниб,— кўпдан-кўп дуои-салом деб юбордилар. Кирни қуруқ ишқалаётиб, совун ўлгур ҳам тугади, дедилар. Яна, бўзчи белбоққа ёлчимагандек, тегирмончи бўлатуриб биз унга ёлчимаймиз, дедилар. Ундан кейин, ёғ эритиб, озгина жизза қилган эканлар, озроқ ун бўлганда, жиззалик нон ёпардим, дедилар.

— Шунақа дегин,— Муса кўса кутилмаганда соқол битгандек чайир, дағал бармоқлари билан яланг даҳанини сийпалади.— Онангга айт, думбаёғ, жизза бўлса, ун топилади.

У пешин қизиғида сайроқдан қолган қатор тўрқовоқлардаги беданаларнинг сувдонини бир-бир кўздан кечира бошлади. Ичгулиги етарли. Жониворлар тариқ, наша дони ҳамда ўзларининг қумалоқлари тўла тўрқовоқ тубига ҳурпайганча тўшларини бериб мудрамоқда. Кўсанинг сайратмаларидан кўнгли тўк бўлди. Қайтиб келгунича ичарга сувлари, еярга донлари бор. Фақат биронта ишқибоз ҳожатманд келиб, киркий-миркийини «чучут»латиб безовта қилмаса бас.

— Хўп, мен борай,— деди Муса тегирмончи тол шохидеги белбоғини олиб, бошини танғиркан.— Тез келаман. Мен сенга айтсам, дунёда тобутдан тез юрадиган нимарса йўқ. Биз фақат шошамиз... Э-ҳа, шошиб қаёққа ҳам борардик?! У бўлса бирпасда маконга етказиб қўяди... Шунақа... Ҳай, майли, дўлда дон кўп, мен ҳаял ўтмай қайтаман. Мабодо, биронта ҳожатманд келиб қолса юкини хампадаги унга алмаштириб кетаберсин.

Муса тегирмончи юртга тинчлик, тўқис-туғаллик, имонсизларга имон тилай-тилай тупроғи билқиллаган кўча бўйлаб иштони почасини чангга ботирганча жанозага йўл олди.

«Қизиқ,— деди Каромат кўнглида, анчайин адл қадди букилиб, букчайиб бораётган отаси орқасидан ўйчан кузатиб қоларкан,— шундай гапга чечан, ҳазилкаш, кўчадагиларни ҳам, уйдагиларни ҳам икки оғиз гап билан хандон оттириб кулдирадиган одам бирдан бўшашиб қолдилар-а?! Наҳот бировнинг ўлими бошқа бировни куч-қувватдан қолган қари туядай чўктириб кетса?! Ўлим шунақа даҳшатлими?! Отам бечора...»

Қизнинг ҳали етилиб улгурмаган нозик вужудига қалтироқ кирди, уни даҳшатли ваҳм босди. «Ўладиган бўлса нега туғилади одам?!— Ногоҳ новдан шовуллаб ўтаётган сувдек қаёққадир, нимагадир ошиқаётган мудҳиш хаёллар унинг яшаш учун, яйраш учун қинидан чиқади даражада қаноатсиз ураётган юрагини ҳибсга ола бошлади.— Нега ўлади, а? Улғайиб, энди ернинг ерлигини, осмоннинг кенглигини, гулнинг чиройини, ҳидини англаганда ўлиб кетиш... Йўқ, йўқ!..»

Ана, тепалар сарғайиб ётибди. Кечагина кўм-кўк эди. Майсалар, бир тутам сочдек чучмўмалар, гулбарглари сингилчамнинг юзчасидай қип-қизил қизғалдоқлар шабадада ҳилпираб турарди. Бугун бўлса, қуриб, қовжираб ётибди... Ўзи ҳаёт шунақами?!»

Кароматнинг кўлидаги бир даста райҳон, жамбил сирғалиб ерга тушди. У оч-яшил рангини, ажиб бўйини йўқотгандек эди. Қизнинг ғунчалаган, нафис гулбарг ёзабошлаган кўнгли зил-замбил хаёлларга дош беролмади, оёқларидан мадор қочди, ўтириб қолди.

«Боғ аро қўйсам қадам...»

Қиз даванги эшақда кўча чангитиб, тегирмонга юк олиб келаётган ёш ҳожатмандга ҳайратомуз кўз ташлади. У минғирлаб ашула айтарди. «Мунча қувноқ бўлмаса?! Гўё бир қоп буғдой эмас, еру кўкни қоплаб олиб келаётгандай, ўлмайдигандай...»

— Муса амаки, э-ҳа, ким бор?!

Йигит чақиришга чақирди-ю, тегирмонда бировнинг бор-йўқлигига парво ҳам қилмай, тепа бағрига, қатор қозиқлар қоқилган жойга келиб эшагидан тушди. Айрим қозиқлар ёнида беда, ғумай нишхўрди бўлиб, атрофни от, эшақларнинг тезаклари босиб ётарди.

— Мана, етиб ҳам келдик,— деди у. Кейин юкни тушириб, бир чеккага қўйди-да, эшагининг сувлиғини оғзидан чиқариб, қозиққа боғлади.— Ол, е, ўзингга ўхшаган шалпангқулоқлардан қолган нишхўрд. Билсанг, бу ерларни Тезариқ дейдилар. Қорнингни тўйғазиб ол. Ишимиз тез битиб, Эшботир қай-дасан, деб йўлга тушсак, толиқиб қолма тагин.

Йигит эшагига яна алланималарни уқтирган бўлди. Оғир юкдан халос бўлган жонивор, гўё эгасининг ўгитларини маъқуллаётгандай, қулоқларини динг қилар, хумдай бошини қимирлатиб қўярди. Ниҳоят, у ёзилиб силкинди, чўзиб-чўзиб ҳангради, сўнг, бурун катаklarини кериб пишқирди-да, ўзини нишхўрдга урди.

— Бу бошқа гап,— деди йигит курт-курт хашак чайнаётган эшагига қараб.— Озиғлик от ҳоримас, дейдилар. Ҳангиликнинг ҳавоси, йўрғаликнинг давоси — емак. Чимхўрлик қилмасдан еб ол, кейин ўзинг хурсанд бўласан.

Ҳали-ҳамон қора хаёллар оғушида бу дунёда бордай-йўқдай ўтирган Каромат пиқ этиб кулиб юборди. Кулишга кулди-ю, уятданми, кўрқувданми нимчаси чўнтагидан дастрўмолини олиб, лабларини яширди, сапчиб ўрндан турди. «Дунё шунчалик ширинми?!— ўйлади у карахт танасига қандайдир илиқлик югураркан.— Оламни сув босса тўпиғига чиқмайдигандай-а!... Ўзини-ям яхши кўради, эшагиниям...»

Бир қоп юкни осонгина қўлтиғига олиб, тегирмон ичига кириб кетган йигит ҳеч кимнинг йўқлигидан ҳайрон бўлиб ташқарига чиқди. Осмонда қайсидир болохонадан кўтарилган хонаки каптарлар чарх уриб, ўйин тушарди. Каптарларга кўзи тушган йигит узоқ тикилиб қолди, ҳуштак чалиб, уларнинг ўйинига ўйин, парвозига парвоз қўшган бўлди, завқланди. Кейин, тегирмонга юк олиб келганлиги, ун торттириб тезда қайтиши кераклиги эсига тушиб қолди шекилли, атрофга аланг-жаланг қарай бошлади.

— Муса амаки! Ҳой, қаёқдасиз?

— Отам йўқлар...

Каромат анҳор ёқасидаги толга суянганча оғзини рўмолчаси билан ярим ёпган кўйи жавоб қилди. Йигит ялт этиб унга қаради.

— Э! Сан... сиз кимсиз?

— Кароматман, қизлари...

Қизнинг биринчи марта йигит зоти билан ёлғиз қолиши, сўзлашиши эди. Унинг юрагини шу пайтгача бошидан кечмаган ҳаяжон, ширин бир кўрқув қоплади. Йигитнинг аҳволи ҳам бир ҳол-бир сар эди. Ниҳоят, у Кароматга

шошқич кўз ташлади-да, томоғи қақраб қолаётгандек ютиниб, тилга кирди:

— Мен — Содиқман, Эшботир гузаридан келдим.

— Яхши,— деди Каромат уни гўё кўпдан биладигандай.

— «Қизил Шарқ» колхозиданман. Ҳисобчиман,— тушунтирди йигит.— Муса амаким қанилар?

— Жанозага кетдилар.

— Ҳа... Ҳа, кун ҳам исиб кетди... Энди мен нима қилай?

— Қайдам,— деди Каромат ҳалигина оламни сув босса тўпига чиқармайдиган йигитнинг довирашидан ичида кулиб,— ўзингиз биласиз. Хоҳланг, юкингни тайёр унга алмаштиринг, хоҳланг, дўлдаги дон тугагач тортиб олинг... Отам шундай деганлар.

— Ўзимникини ун қилиб кетардим-ку... Келинг, майли алмаштирақолай.

— Ихтиёрингиз.

Содиқ тегирмон ичига кириб кетди. Каромат энтикиб нафас олар, ҳозиргина Содиқ билан нима ҳақда гаплашганини қанча ўйламасин, эслай олмасди...

Кўп ўтмай, афт-башараси ун, қоп орқалаб тегирмондан Содиқ чиқди. Эгасини кўриб, нишўрддан бошини кўтарган эшак пишқирди. У қопни эгарга юклади, эшакни ечиб, юкнинг орқасига ирғиб миниб олди-да, ҳайиқибгина Кароматга қаради.

— Кетаётиман, Каромат,— деди ерга тегай-тегай деб саланглаб турган оёқларининг тиззалари билан эшакни ниқтаб.— Тегирмон ҳақини қолдирдим, ортиқроқ қолдирдим... Яна келаман, юк олиб келаман...

У орқасига қараб-қараб борар, йўғалаб кетаётган эшак туёқларидан энгил чанг кўтариларди. Содиқ бурилиб, тепа орқасига ўтгунча Каромат ҳам қараб турди. Тепа устида сарғиш ҳарорат ловуллар, қизнинг назарида узоқ-узоқларда юрадиган қуёш нимагадир адашиб-улоқиб Тезариққа келгану дала-дашт уёқда турсин, суяниб қолгани толни, вужудини лов-лов ёндираётгандек эди...

— Каром... Каромат, болам...

Каромат чўчиб йўлакка кўз ташлади. Кейин, ўзи ҳам билиб-билмай оҳори тўкилган, яшил-оқ, писта гулли кўйлагининг у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди. Қайнотаси Турон бобо ҳеч қачон мунчалик майин тортиб, қунушиб муомала қилмасди. Юраги ҳаприқди, тўғри ёқасини қайтадан тўғрилаб, ёнига қаради: ярим сават беҳи, қўлида беҳи... Нима учундир ичидан эзилди, нима учундир дадил тортди ва деди:

— Ҳозир, дада!..

2

Куз. Хазонрезгилик. Атрофдаги бир-бирига туташиб кетган чорбоғлар, қовун-тарвузлари узилиб, тўйнақларигина қолган полизлар, ўркач-ўркач тепалар, жар-жилғалар заъфарон тусга кирган. Бу манзара — кечки қуёш нурида беқасам тўндек товланаётган дала-дашт, сўмбула туғиб тиниққан сувдек тиниқ тортган осмон, унда чарх ураётган захчаларнинг «чағ-чуғи» кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солиши ҳам, ўкинтириши ҳам мумкин. Кимга қандай...

Турон бобо тақир чиққан эски шолча, уринган кўрпача солинган супага келиб ҳорғин ўтирди. Супа устини хазон босган. Ток сўриси яна ҳам чўкиб қолгандек. Ёз офтобида обдан етилган, шарбатга тўлган узум бошлари атрофида ари ғувиллайди, боғда палапонларини учирма қилган, иссиқ ўлкаларни қўмсаб қолган қушлар чуғурлашади. Салқин шамол эсмоқда:

— Тўкилган ёнғоқларни териб олдингми, қизим?— сўради қария қотмадан келган қаддини боғдаги азим туп ёнғоқ томонга бураркан.— Бола бола-да... Мактаб болалари кекса дарахтнинг қайси шохига чиқди-ю, қайси ҳосилини қокди дейсан.

— Ҳа, ҳозиргина тагидан ярим қоп териб олдим. Устида кўп.

— Яхши. Ёнғоқ қирқ хил дардга даво...

Турон бобо, йўғон, дағал бармоқлари билан кўксини қоплаган оппоқ соқолини силади. Кейин, ойнаси дарз кетган кўзойнағини олди-да, қалами

яктаги устидан елкасига ташланган қийиқчаси билан юз-кўзларини артди. Унинг вужуди сезилар-сезилмас титрар, бундан йиғлаётганини ҳам, эти жунжикиб қалтираётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Тобингиз қочдими дейман, дада?

— Йўқ,— деди Турон бобо келинига қараркан, ҳорғин товушда.— Чарчадим, чамаси... Шу, ҳайронман, ҳозиргилар узумини ейди-ю, боғини суриштирмайди. Ахир узум деган нарса боғда битади-ку! Товба. Чойхонадан қайтаётгандим, мактаб ерида кўчат ўтқазаётган болаларнинг ишига кўзим тушиб, ўзимни тутиб туролмадим. Шунақа ҳам кўчат ўтқазадими?! Худди уларга боғ эмас, чакалакзор керакдай!..

— Бола бола-да!..

— Болани бола дейсан, катталари-чи?! Директори Норқўзи бўлса, бўйни-да товуқ патидай гулдор латта, устида ечиб шу супага қўйса тик турадиган энгилбош, ўзини пуф-пуфлаб юргани-юрган. Нима, ердан, тупроқдан ҳазар қиладими, а? Имоним комилки, пишиб турган меваси бўлмаса олма билан беҳини ажратолмаса керак.

— Осон тутиб бўлмайди уларга ҳам,— деди Каромат хола ярим тоғора пўчоқни вастрма тагига боғлоғлик сигир олдига қўйиб келаркан,— бош қашишга вақтлари йўқ. Болақайларга дафтар, китоб varaқлатиб, ҳарф танитсинми, далага олиб чиқиб, мева-чева тердиришсинми!.. Бригадир Карим дўбирни биласиз, ҳар куни дарс тугашига кўнғироқ чалинар-чалинмас кажавали аравази билан мактаб дарвозаси олдига келади: «Қани, митти полвонларим машинага чиқишсин, бугун помидори терамиз, узум узамиз» деб мўйлаб бураб туриб олади.

— Шу, ўзимизнинг Карим дўбир-а? Оғзидан она сути кетмаган болаларга куни қолибдими?!

Каромат хола ялт этиб қайнотасига қаради. Унинг бу қарашидан «наҳот хабарингиз бўлмаса, буни ҳамма билади, қолаверса, ўзингиз ҳам қари-қартанглар билан гоҳо ҳашарга чиқиб, даладан инқиллаб-синқиллаб қайтасиз-ку?!» деган маънони уқиш мумкин эди.

Турон бобо жим бўлиб қолди. «Шуни олдин ўйламаган эканман-да, а?— хаёлга толди у.— Ахир одам боласининг ёшлиқдан илигини тўқ қилиш, бошини ақлга тўлдириш керак-ку! Дарвоқе, фарзандларимиз-меваларимиз, бизнинг ўчмас чироқларимиз, деб айюҳаннос соламиз-у, аслида ўзимиз... Э, аттанг!.. Боласи тушмагурлар мактабда уч-тўрт соат ўқир-ўқимас далага чиқса, колхозчилар билан қўшилиб баҳорда пилла, ёз, куз ойларида помидоридан тортиб, узуму картошкагача терса... Нимага ҳавас қўйсин?! Уқишгами? Меҳнатгами? Бир ёғи суяги қотмаган бўлса... Бу аҳволда улар эртага мактаб деса юраги зирқирайдиган, дала деса қўли қалтирайдиган, хуллас, иш деса, ўқиш деса безиллайдиган ичи пуч одамлар бўлиб етишмайдими?!»

Турон бобонинг белига оғриқ кирди, эсини танибдики, биринчи марта супага таяниб ўрнидан турди.

— Уйга жой солиб қўйдим,— деди Каромат хола сават тўла беҳини кўтариб, боғ томондан чиқиб келаркан.— Кириб, дам олинг.

— Раҳмат, болам...

У уйга кириб, юмшоқ ўринга чўзилди-ю, узоқ ётолмади, ўрнидан туриб ўтирди. Очиқ деразадан уфуриб кирган куз ҳавоси юзига урилди. Бобо ички бир энтиқиш билан кўнгил хижиллигини ёзмоқчи бўлди ва истар-истамас узоқ-узоқларга кўз ташлади.

Ана, қуёш ботай-ботай деб турибди. Уй тепаликка, бунинг устига қиблага қаратиб солинганлиги, деразасининг очиқлиги учун ҳаммаёқ аниқ-тиниқ кўринарди. Боғлар бир-бирига туташиб кетган. Полиларда қучоққа сиғмайдиган қирқма қовунлар, қумга кўмиб асралса ёзнинг юзини кўрадиган қора тарвузлар узилмоқда. Тўнлари устидан чилвир билан белларини боғлаб олган зарбадаст ийгитлар узилган қовун-тарвузларни машиналарга базўр ортмоқдалар. Ботаётган қуёшга елка тутгандек ястанган Улоқтепа устидан юлқа чанг сузиб келаётир. Бу шунчаки чанг эмас, елинларига сут тўлиб, оғилларда боғлоқлик турган бузоқлари томон ошиқаётган сигирларнинг, қоринлари тўйиб, шўхликлари авжига чиққан таначаларнинг вужудидан кўтарилган ҳовур ҳамдир.

Қуёш гўё толиқиб қолгану қоматлари адл дарахтларнинг шоҳларига илаш-

ган нурларини тортиб ололмаётгандай. Турон бобонинг ёнғоғи шохига ҳам келини Каромат қаерларгадир яшириб юрадиган қийиқчадек келадиган нур чулғаниб қолибди. У тобора оч яшил-қирмизи тусга кириб бораётир. Қизиқ, қуёш толиққан бўлса, бир ёғи ботаётган бўлса, қандай қилиб ўзи билан бу нурларни олиб кета олади? Йўқ, олиб кетолмайди! Энди бу нурлар сарғайган, шохидан жудо бўлган япроқларга ўхшаб ушалиб-ушалиб ерга тўкиладилар...

Турон бобонинг кўзлари бирдан жайнаб кетди. Назарида атрофни бутун борлиғича энди кўраётгандек, шу пайтгача қулоғининг остидан ўтиб кетадиган яхши-ёмон шовқин-суронларни аниқ эшитаётгандек эди. «Ҳа-а...— деди у ичидан ширин куйиниш билан.— Бу — Қорасувнинг шовқини... Бунча жарангдор бўлмаса?! Шу пайтгача билмабман-а!.. Кечагина айқириб-ҳайқириб, лойқаланиб оқарди. Бугун эса... Сумбула туғди-да, тиниқди... Буниси? Э, бу чархпалакку?! Гичирлашини-чи?! Мойсираган, ўқи ейилган чоғи. Наҳотки, мойлаб кўйиш бировнинг эсига келмаса!..»

Унинг хаёли бўлинди. Улоқтепада кимдир от чоптириб юрарди. Ешлигини эслади.

* * *

Турон йиқилганни суйайдиганлардан чиқди.

Эшботир гузари одамлар билан гавжум. Чойхона олдида, катта ҳовуз ёнидаги майдонда қари-қартанг, ёш-яланг уймалашади. Ҳовуз атрофидаги супаларда маҳалланинг казо-казолари қалин кўрпачаларга чордана қуриб ўтириб олишган. Биттаси алоҳида ясатиғлиқ. Чўғдай ёниб турган гилам устига қават-қават атлас, кимхоб кўрпачалар тўшалган, ёстиқлар қўйилган. Чойхонага яқин хонадонларнинг эшиклари қия очик. Чамаси диққинафас аёллар, тўрқовоқларда уринаётган беданалардек юраклари типирчилаётган қизу жувонлар, бу қандай ҳангома экан, деб ҳуркибгина мўралайдилар. Учоқларга дошқозонлар осилган, ошпазларнинг қўлларида пичоқ, капгир ўйнайди. Ҳаво дим. Пиёздод ҳидига босволдию чўғари қовунларнинг, райҳону жамбилларнинг бўйи қоришиб кетган.

— Қоронғи жувозхонадан ёруғ дунёга чиқиб яхши иш қилибсан, Турон,— деди Тошхўжа юзбошининг чоракори Самад исмли ғилай йигит қулт этиб ютинаркан.— Ҳозир даладан қайтдим. Полиздан босволди, чўғари олиб келдим. Ажойиб томоша бўлади, кўрасан.

— Қанақа томоша экан?— сўради Турон.— Отамга нос олгани келгандим.

— Кетма, отанг бангилигини биров кўятурсин,— деди гердайиб, атрофга аланг-жаланг қараркан Самад.— Шаҳардан тўралар чиқишган. Ҳозир Бўзсувнинг ёқасида ов қилиб юришибди. Бизнинг хўжайин ҳам ўшалар билан бирга.

— Шунақа дегин...— Туроннинг энсаси қотди.

— Шунақа. Катта тўранинг ўзлари оқсоқол бобога, атроф кишлоқлардаги билагида кучи бор йигитларингни даврага сол, беллаштир, қани, пичоққа илинадигани бормикин, деганмишлар.

Туроннинг отаси Ҳасан мойпурушнинг уйида қарол. Эртадан кечгача жувоз ҳайдайди. Кечқурун қоронғи, зах жувозхонанинг димоғни ёргудай қўланса ҳидидан боши айланиб уйига қайтади. Қўлтиғида кичик бир бўлак кунжара, бир қозон аталага ёхуд тўрт-беш қатирмага етадиган ун. Меҳнат ҳақи шу. Яхши ҳам қўлтиғига Турон кириб қолди, вақти-бевақт қарашиб туради.

— Тўрамгилар келишяпти, келишяпти!..

Кўлида челак, йўл-йўлакка сув сепиб юрган Самад пайдо бўлди. Унинг оғзи қулоғида. «Камбағалнинг бир тўйгани — бир бойгани,— деди кимдир.— Самад совуқнинг босар-тусарини билмай югургилашини қаранглар!» «Қозонларда палов пишмоқда, қази-қарта қайнамоқда, ювиндисидан умидвор»— гапга аралашди эғнида тердан шўрлаб кетган бўз кўйлак, бошига кўпдан дастурхон ўрнини ҳам, қўл сочиқ ўрнини ҳам ўтаб келган доғ-дуғ қийиқча танғиб олган қария аламли товушда. Афтидан у дилхушлик қилиб юрган тўра ва унинг лаганбардорларини иззат-икроми учун даладан, ишлаб турган жойидан ҳайдаб олиб келинган кўринарди.

— Қани, йўлни катта очинглар!— Эшвой оқсоқолнинг ҳирқироқ овози эшитилди.— Қўл қовуштириб, таъзим бажо қилинглар!

Турфа кийим, турфа кайфиятда қуралган қуроқдек ғуж бўлиб турган халқ хос йигитларнинг қистови билан икки томонга ажралди. Ғилдирагидан тортиб, соябонигача нақш солинган извош сув сепилиб, тупроғи бостирилган кўчадан аста келиб, чойхона рўпарасида тўхтади. Извошга қўшилган икки бурил от сувлиғини чайнаб, гўё халойиққа салом бераётгандек бош силкири, уларнинг пешоналаридаги, ёпинчиқларидаги кумуш тақинчоқлар офтоб нурида осмондан узилиб тушган юлдузлардек жилоланар, жирингларди.

— Олиймақом тўрамининг пойқадамларига ҳасанот!

Эшвой оқсоқолнинг тантанавор овози эшитилди. Олдинги сафдаги эгниларидан шоҳи либос, оёқларида амиркон кавуш, аксари юпун оломондан ажралиб турган давра соҳиблари тавозеландилар:

— Қадамларига ҳасанот!..

— Хоки пойингизни олай!..

Шу пайт отларини оқсоқолнинг йигитларига тутқизиб, икки миршаб извош ёнига келди-да, нарвонча кўйди ва икки ёнга ўтиб тош қотди. Извошдан аввал гўштдор юзига кулги ёйилган Тошхўжа юзбоши, кейин қиличининг дастасини ушлаб ҳоким тўра тушди. Улар икки ёнда ҳосил қилинган жонли девор орасидаги йўлак бўйлаб ясатилган супа томон йўл олдилар. Тўра йўл-йўлакай қўл қовуштириб турган юртнинг казо-казоларига кулумсираб қараган бўлди, «қора халқ» олдидан ўтаётганда эса унинг заҳил юзи яна ҳам заҳил тортди.

Ҳоким бошлиқ мансабдорлар катта супага, маҳаллий бойлар, ўлпончилар кичик супаларга жойлашишди. Қолганлар кураш майдонини давра олиб чордона курдилар. Ҳаяжонданми, ички беҳаловатликданми, тасбеҳ ўгиришга бошлаган қози Тошхўжа юзбошининг имоси билан дориламон дунё устунни ҳазрати оқпошшо ҳаққиға, пушти-паноҳ ҳоким тўра ва унинг пешонаси кўҳлик бола-чақалари ҳаққиға узундан-узоқ дуо қилди. Ҳамма юзига фотиҳа тортди. Бундай анжуманда биринчи бор қатнашаётган Турон ҳангу манг эди. «Қизиқ,— ўйларди ичида,— қози аниқ-тиниқ тилёғламалик қилаётибди. Товба, тилёғламалик қилаётганини билатуриб худодан қўрқмайди ҳам. Бошқалар... Рангларидан кўриниб турибди, ҳаммалари ҳозир қорин ташвишида. Тўрага дилдан қуллуқ қилишаётган бўлса ўлай агар!.. Нега одамлар бунақайкин?!»

— Қара, ана қара,— деди шу пайт Самад Туроннинг енгидан тортиб.— Гаплашишяпти.

— Ким? Нимани?— Турон ажабланиб Самадга қаради.

— Ким, нима дейди-я... Супага қарагин!

Турон қаради. Катта супада тўра билан Тошхўжа юзбоши нималар ҳақдадир суҳбатлашарди. Бирдики, Самад тўра билан бемалол гурунглашаётган хўжайинини рўқач қилиб, мақтанмоқда эди. Туроннинг ғазаби қайнади, унинг тиржайиб турган башарасига бошлаб туширмоқчи бўлди-ю, ўзини тийди.

— Нималар ҳақида гаплашаётганин?

— Бўлажак кураш ҳақида,— жавоб берди Самад уларнинг гапларидан хабардордай.

— Кимлар тушади курашга?

— Талабгорлар.

— Сен ҳам тушасанми?

— Хўжайин буюрсалар, тушаман...

Қозон бошидагилар ғимирлаб қолишди. Бир-бирига урилган тоғора капирларнинг кўнглини сусти кетгизувчи тақир-туқири, чойнак-пиёлаларнинг жиринг-жиринги эшитилди. Самад ўрнидан турди, Туронга: «Ана, кўрдингми, ишим чиқиб қолди, мен ўшалар билан биргаман», деган маънода қараш қилди-да, ликиллаб ошхона томонга йўл олди.

Эшвой оқсоқолнинг йўл-йўриғи билан аввал катта супадагиларга, кейин кичик супадагиларга лаган-лаган палов, косаларда шўрваси билан қазичарта тортилди. Калла-саллалар дастурхон устига эгилдилар, енглари шимарилган узун-қисқа, семиз-ориқ қўллар лаган, косаларга югургилаб қолдилар. Елкасида сочиқ, кўлида коса, тилимланган қовун-тарвуз кўтарган Самад у супа билан бу супа олдиға бориб-келиб юрарди.

— Халойиқ,— деди шу пайт ўрнидан туриб Тошхўжа юзбоши ютунаётганини бир-бирдан яшириш учун қисинишиб-қимтинишиб ўтирган кишиларга қараб.— Ҳоким жаноблари йигитларимизнинг мардликларини, чаптастликла-

рини кўрмоқчилар. Бу, биз учун катта шараф. Ҳозиргина Тариқтешар, Бўтавой, Далли қишлоқларини, Бўзсув ёқаларини айландик, овбоп жойларда бўлдик. Ҳоким жаноблари авваламбор оллоҳ таолога, қолаверса, оқпошшо ҳазрати олийларига шукроналик билан яшаётган, беш вақт намозни қанда қилмай дуоғўйликда бўлаётган жами бандаи мўминлардан бениҳоя мамнунлар. Тўра-мизнинг қувончлари — бизнинг қувончимиз. Модомики, сояи давлатлари паноҳида каму кўстсиз яшаётган бизлардан мамнун эканлар, йигитларимизни даврага солиб, беллаштириб, уларнинг чапдастликларини намойиш этиб яна ҳам мамнун этайлик! Омин!

У ер-бу ердан «Омин!», «Омин!» деган овозлар эшитилди.

Майдонга одми беқасамдан кўйлак-иштон, оёғига қизил этик кийган, белига кўк белбоғ боғлаган баковул тушди. У қоида бўйича ҳар қишлоқ, маҳалла, гузар курашчиларининг бошлиқлари билан қисқа-қисқа суҳбатлашиб, чамаси кураш шартлари ҳақида келишиб олди-да, майдон ўртасига келиб қичқирди:

— Томошани бошлаймиз! Йигитларнинг ҳаммаси уста кўрмаган, яъни кураш ҳадисларидан беҳабар бўлганликлари учун отиш усулини ҳам, тутиш усулини ҳам кўллашлари мумкин. Гап уларнинг кучларида, қандай бўлмасин бир-бировларининг куракларини ерга теккизишда.

— Бу қанақаси, қоидасиз олишув?!— деди қош-киприклари куйган, бошига тақир дўппи кийган, афтидан новвотпазга ўхшаган йигит.

— Уриштириладиган хўроз учун ҳам, кўчқор учун ҳам қоида бор... Ахир булар одам-ку!— аччиқланди кимдир.

— Буларга томоша керак...

Чордона қуриб ўтирганлар ўзаро бўлиб ўтган суҳбат таъсиридан беихтиёр кимирлаб олишди. Баковул майдон ўртасида тик қотиб, одатда кураш олдидан бўладиган баҳс, тортишувнинг босилишини, жимликни кутиб турарди.

* * *

Ҳовли эшиги ғийқ этиб очилди. Донлаб юрган товуқлар қақолаб қаёққадири чекинди. Аллаким гурс-гурс қадам ташлаб келарди. «Бу, Карим дўбир, — деди Турон бобо кўзларини ишқалаб, дараза раҳига суянганча ташқарига қараркан. — Ҳа, ҳа, ўшанинг ўзи... Болаларни ишлатармиш-а! Галварс... Ўзи ҳам ажаб вақтида келди. Эшвой оқсоқолнинг ўғлини ўнганмайдиган қилганимдек, бир таъзирини бериб кўяй буни ҳам!..»

3

Ўзбекнинг кими кўп — Карими кўп. Аммо бригадир Каримни Карим дўбир деб атамаса бир қишлоқ наридагилар у ёқда турсин, ҳатто девор-дармиён қўшнилари ҳам танимайди. Ўзи ўрта бўй, чорпахилдан келган, суҳбатда гапнинг орқа-олдига қараб ўтирмайдиган чўрткесар киши. Бундайларни суяги бузуқ ҳам дейишади. Юрганда оғир, залворли қўлларини икки томонга силки-тиб, лапанглаб юради. Айтишларича, бу залворли қўллар, тугилганда гурзидай-гурзидай келадиган муштар урушда қанчадан-қанча немиснинг бошини сапчадай учириб юборган. Лекин урушда қон кечган, одам боласининг чумчуқ-чалик қадри бўлмаган жанг майдонларини кўрган, бу даҳшатлар ўз касрини қолдириши табиий, шунинг учун қарашлари совуқ, диди-дийдаси қаттиқлардан бўлса керак, дейишга ҳеч кимда асос йўқ. Аксинча, табиатан юмшоқ кўнглини бошидан кечган уқубатлар — ўқлар довулида чалғи солинган буғдой тупидай йиқилган одамларнинг ёруғ дунёдан бевақт кўз юмиш олдидаги оҳи-фиғони; вайроналиклар, оч, юпун гўдакларнинг илтижоли боқишлари — шунга ўхшаш аламли воқеалар яна ҳам юмшоқ қилиб қўйган. Гап айланиб қолгудай бўлса овозига овоз қўшилади-ю, момақалдироқдай гулдираб: «Бэ, бургага ачиқ қилиб кўрпа куйдириш керакми?! Инсон бир-бирига ғанимат... Орқамда веш-мешок, станкавой пулемёт, немисни қувиб бораётибмиз-у, йўл-йўлакда қўл чўзиб турган нимжон болаларга ёнимдан бир бурда нон чиқариб беришга иложим йўқ... Ҳали-ҳали ачинаман...» деб кўяди.

Ўзининг ҳам ўлгудай қўли очиқ. Қолаверса, «дўбир» лақабини ҳам кўнглининг бўшлигидан, қўлининг очиқлигидан топган...

Урушдан кейинги йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайтлар эди. Жангдан баданининг у ер-бу ери чақа бўлиб қайтган Карим колхозда ўнбоши. Деҳқонни қўлтиқлайдиган, оғирини енгил қиладиган техника йўқ. Қандай бўлмасин ер бўш қолмасин, мўл ҳосил олинсин — ҳукуматнинг деҳқонга топшириғи шу. Карим ўнбоши қишлоқнинг қари-қартаг, хотин-халаж, ёш-ялангларини йиғиб, кичкина йиғинча ўтказди. «Хўш, — деди қаддини командирлардай ғоз тутиб, — раз ҳукумат топширдими, бажарамиз! Раз ерни бўш қолдирмаслик керак эканми, қолдирмаймиз, ариқ бўйларини, уватларни торайтириб эканмиз!..»

Экишди. Экишга экишди-ю, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга келганда қўллари калталиқ қилиб қолди. Нима қилиш керак? Бош қашларга ҳам вақт тополмай юрган раисдан ёрдам сўрасинми? Бефойда. Умуман колхозда одам кам. Шунда Карим ўнбоши шаҳардаги қайсидир заводга ёрдам сўраб хат ёзди. Уйчи ўйини ўйлагунча таваккалчи ишини битиради-да! Хатга, хатдаги илтимосга биноан заводчилар дам олиш кунлари, бўш вақтларида ўзларининг машиналари билан ёрдамга чиқиб туришди. Кўпдан кўён қочиб қутулмас, деганларидек буғдойдан тортиб қовун-тарвузгача, картошкадан тортиб сабзи-пиёзгача йиғиштирилиб, давлатга топширилди. Кеч кузга келганда кўк, рангпар помидорларнигина йиғиштириш қолди. Уни ҳам кўплашиб териб олишди. Шу кунни Карим ўнбоши шаҳарлик ҳашарчи биродарларни зиёфат қилмоқчи бўлди. Юки енгиллашган раис зиёфатга қўй бермоқчи бўлганди, кўпнинг ҳақи кулги қилади, деди, кўнмади. Лапанглаб индамасдан уйига кетди-да, кўп ўтмай, товукларига ўлат тегиб бева қолган хўрозининг ёнига битта курка кўшиб кўтариб келди. Унинг орқасида қопга солинган бир хум мусаллас ҳам бор эди.

— Ҳаммаларингга маладес, — деди Карим ўнбоши дала шийпони ўрнини ўтайдиган бостирма ёнига келиб бригада аъзоларига, кўпроқ ҳашарчиларга бир-бир қараб. — Бопладик. Энди ётсам кўзимга уйқу келади, елкамни ер искайди.

У орқасидаги хумни бостирма тагидаги похол, йиртиқ шолча солинган курсига қўйди. Қўлтиғидаги курка филнинг хартумига ўхшаш хартумчасини осилтириб «кулли-кулли...» қилди, хўроз қақолади. Тахтаси кўчган яшиқларни миҳлаётган чолларнинг ҳам, хирмон қилиб уйилган кўк, рангпар помидориларни қутиларга жойлаётган русу ўзбек аёлларнинг ҳам юзларига кулги ёғилди. Ҳашарчиларнинг бошлиғи, ярим ҳарбий, ярим гражданча кийинган, юзлари чандиқ киши кулиб юборди.

— Нима қилмоқчисан, Карим? Ё давлатга курка билан хўроз ҳам топширишинг керакмиди?

— Раз ишни дўндирдикми, дўндирдик! — у чандиқ юзини тириштириб кулаётган кишига қаради. — Зиёфат қиламиз. Мана, бу мусаллас, Мишка, аскарчасига айтганда вино, понимайиш! Хўш, мана буларни, — курка билан хўрозни кўрсатди, — сўй, патини тозола, шўрва, йўқ, борш қиламиз. Мусаллас билан русский борш... Оҳ, оҳ, оҳ... Сен, Валя, — у помидори тўла қутиларни устма-уст тахлаётган аёлга буюрди. — Ишингни қўй, юз-қўлингни юв, русский борш ясайсан! Гап шу...

Миша курка билан хўрозни сўйиб, боршбоп қилиб тилишлаб берди. Валя ва унинг дугоналаридан икки-уч аёл картошка, қизил лавлаги артишди, карам, пиёз тўғрашди. Бошқалар помидорининг қизил-қизилидан танлаб олиб аччиқ-чучук қилишди, ёзилиб ўтириш учун жой ҳозирлашди. Бу орада тушдан кейин кўринмай қолган Карим ўнбошининг хотини Замира бир сават иссиқ нон кўтариб келди.

— Маладес, — деди Карим ўнбоши хотинидан сават тўла нонни оларкан. — Аммо-лекин боплабсан. — Кейин у бир бурда иссиқ нонни оғзига ташлаб, лунжини тўлдириб чайнарган, ошхона томонга юзланди. — С-сен-чи, Валя, боршинг г-гатобми?

— Гатоп, гатоп, Карим ака, — жавоб қилди Валя кулиб.

— Бўлмаса суз! Қани ҳамма садисилсин!

Ҳамма тайёрланган жойга ўтирди. Фақат қариялар, кампирлар, эмизикли боласи борлар, ҳам қарз, ҳам фарз бўлган беш вақт намозни ишдан қайтганда уйдаи, гоҳо шудгордаи беш думалаш билан узадиган намозхонлар «бизни

маъзур тутинглар» дея сўрига чиқишмади, пастга, похол устига жойлашишди. Дастурхонларда иссиқ нон, буғланиб турган борш. Карим ўнбошининг олдида бир челак мусалласу бир қўлида чўмич, бир қўлида заранг коса. Яллиғланган чўғдай товланаётган заранг косадаги мусаллас тошгудай, уни шипқирганларнинг завқини топширгудай қилқиллаб турибди.

— Шаҳарлик қадрдонларим, азиз ҳамқишлоқларим, — сўз бошлади Карим ўнбоши. — Раз зиёфатми, зиёфат! Шунга яраша гап қилмоқчиман. Гап шундаки, кенг далада, бизга буғдой, картошка, карам, помидор берган кенг далада хўрак қилаётимиз. Тупроқнинг исини, овқатнинг таъмини қаранг! Ох, ох, ох... Далада ейилган овқатнинг таъми бошқача бўлади!.. Далада ейилган овқат фақат қориннигина эмас, кўнгилни ҳам тўйдиради... Хуллас, демоқчиманки, бизларни боқаётган даламиз омон бўлсин! Ҳаммамиз омон бўлайлик!..

У косадаги мусалласнинг бир томчисини ҳам қолдирмай сипқорди. Ўтирганлар қарсак чалиб юборишди. Ўз-ўзидан косагул бўлиб олган Карим ўнбоши пастда ўтирган қарияларни, намозхонларни ҳисобга олмаганда барчага косани лим-лим тўлдириб шароб тутқазар, истаса-истамаса ичирарди. Улар шароб қизиғида узоқ гурунглашиб ўтириб қолишди. Хумнинг таги кўринса кўринарди-ю, ширин суҳбатнинг таги кўринмасди.

Ниҳоят, ҳашарчилар кетишга рухсат сўрадилар. Хурсандлигидан ҳаммадан олдин етилиб олган Карим ўнбоши ҳисобчисини чақириб, қаршилик қилишларига қарамай, машинага ҳашарчиларнинг ҳар бирига атаб иккитадан қирқма қовун, иккитадан қора тарвуз, бир яшиқдан помидор орттирди.

— Тихирлик қилманглар, бу ўз ҳисобимдан! — дерди у яланг.

Сўнг эркагу аёл билан бирдай қучоқлашиб, ўпишиб хайрлаша бошлади. Буни кўрган қариялар соқолларини селкиллаб кулишар, ерлик хотин-халажлар бўлса, «Вой ўлмасам!» деб тескари қарашарди.

— Карим ака, ты очень добрый человек!... — деди Валя ва уни қучоқлаб ўпди-да, машинага чиқди.

Улар жўнаб кетдилар.

Шу-шу Карим ўнбоши — Карим дўбир бўлиб қолди.

* * *

— Келинг, оға, келинг. Юмушлар билан чарчамайгина юрибсизми?

Ҳовлидан Каромат холанинг овози эшитилди. Дерзадан қараб турган Турон бобо тескари ўғирилди-да, ғумбак бўлиб ўтириб олди: «Ўзи, Дўбири тушмагур, яхши бола. Қўли очиқ, кўнгли тоза. Бироқ лақма. Лақма бўлмаганда қаддини тутмаган мактаб болаларининг кўлига пақир тутқазиб, картошка тер, помидорини уз, деб зах тортган далага солармиди?! Аниқ, биронта обрўталаб бошлиқнинг гапига учган...»

— Ассалому алайкўм.

— Ва алайкўм...

Турон бобо кўзойнаги устидан бригадирга қаради.

Улар ўтиришди. Каромат хола дастурхон ёзди. Нон, чой, бир пиёлада асал келтирди. Шу пайт дарвоза олдига тариллаганча трактор келиб тўхтади. Каромат хола бир пиёладан чой узатиб, ўрнидан турди.

— Жўравой болангиз, — деди Карим дўбир нимагадир феъли айнаб, хўрпайиб ўтирган Турон бобога қараб. — Бобонга қовун-тарвуз келтиргин дегандим. Бу ёғи, олди қиш... Ўзингиз қўриққа экканингиздан.

Жўравой—Дўбирнинг ўғли. Отасига ўхшаган суяги бузуқ, олашовур йигит. Шу йил ўнинчини битириб, Политехника институтига ҳужжат топширганди, бўлмади шекилли, сиртқи бўлимга илиниб қайтди. Алами ичида. Ўзи билан бирга имтиҳон топшириб, ундан паст баҳо олган агрономнинг ўғли ҳозир сочини елкасига тушириб, зулукдай мўйлабига оро бериб, институтда гердайиб юрибди. Айтишларича, шаҳарлик тоғалари қўллаворганмиш. У бўлса: «Қандай қилиб давлатнинг кўзини шамғалат қилишдийкин?.. — деб ўзича ўйлаб, мулоҳаза қилиб қўяди гоҳо. — Ҳай, майли, бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин... Темирга тил киритиб, қани, эшит деб ўша олифтанинг қулоғига тутмасам мен юрган эканман!..» Шунақа, техникага жон-дилдан ҳавас қўйган: Институтнинг кундузги бўлимига киролмай қайтибдики, колхоз гаражида. Миниб

юрган тракторини ўзига ўхшаган каллахум ўртоғи билан у ер-бу ерда сочилиб ётган деталларни тўплаб, ясаб олди.

У тарвуз-қовунларни сомонхонага ташиб кўйди-да, дераза олдига келиб отасига қаради. Отаси, сен боравер, дегандек имо қилди. Жўра жўнади. Турон бобо ҳамон жим ўтирарди. Унга нима ҳам десин?! Бобонинг феъли маълум, бир оғиз ножўя гапдан гур этиб ёнади-кетади. «Ёнадиган одамнинг садағаси кетай, — ўйлади у. — Лоақал яллиғидан баҳраманд бўласан. Ҳай-ҳай, ёнмайдиган, сур одам билан ўтиргулик қилмасин, юрагини дим қилиб юборади, пана жой қидириб қоласан. Ҳа, сабр қил, тугурт чақма, Карим, қош қўяман деб кўз чиқариб ўтирма тағин... Омон бўлгур чолнинг ўзи ёнсин!..»

Чолнинг ўзи ёнди — кўзойнаги устидан мулойим кўз ташлади:

— Ишлар қалай, Дўбир?

— Ёмон эмас.

— «Ёмон эмас», деганинг нима деганинг?

— Демокчиманки, асосан иш битди. Планлар ортиғи билан бажарилди. Фақат, далада озгина сабзи қолди, шуни қишга қолдирмай йиғиб олсак бўлди.

— Дуруст, дуруст... Шаҳардан ёрдамчи ёллаганингда бу мушкулнинг ҳам осон бўларди.

— Шаҳардан дейсизми?! Бэ, ўн икки ой меҳнат қилиб топганимизни баракасини учирамизми? Уларга жой, озиқ-овқат керак. Бунинг устига ишлаганларига ҳақ тўлаш лозим. Кимнинг чўнтагидан?! Ўзимизнинг чўнтагимиздан. Мишаларни бўлса ҳадеб чақираверишга истиҳола қилади одам.

— Ҳа, энди, тезроқ қутулардиларинг, дейман-да...

— Қутуламиз, мактаб болалар ҳашарга чиқиб туришибди.

Карим дўбир тилини тишлаб қолди. Чолнинг хурпайиб ўтиришининг боиси энди маълум унга. Бўлар иш бўлди. Яхши ҳам келасолиб оғзидан гулламагани. Унда чол чарсиллаб ёнарди-ю, яллиғида иситиш ўрнига куйдирарди.

— Яхши эмас, — кўз жияклари қисилиб, тилга кирди Турон бобо. — Яхши эмас... Билсанг, таниш-нотанишга бериладиган салом ҳам омонат, қарз. Берган саломингга алик эшитмасанг алам қилади кишига. Ҳашар ҳам шундай. Аввало, тенг-тенги билан ҳашар қилишган маъқул. Сендан угина, мендан бугина, дегандай. Сен шундай қилаётибсанми? Йўқ! Болалар текиндан-текинга далангда ишлаб, ҳашар қилиб дегандай, сени қарзга ботиришмоқда. Қачон узасан бунини? Қайдам. Қарзинг бўйнингда кетмаса деб қўрқаман.

— Вот... Да...

— Мендан хафа бўлма, Дўбир. Аслида болалар олдига биз қарздормиз. Уларни соғлом, бақувват, эртанги кунга ярайдиган қилиб ўстиришимиз керак. Шундай қилаётибмизми? Йўқ. Оғир юкимизни мурғак елкалариға ортиб қўйибмиз. Хўш, тракторинг экиб беради. Сен буюриш, ҳайбаракаллачилик билан оворасан, бригадангнни тўрт-беш аъзоси сувчиман деб кетмон кўтариб юргани-юрган. Экиннингни яганасини ҳам болалар қилади, ўтоғини ҳам болалар қилади, ҳосилини ҳам болалар йиғиштиради... Майли, деҳқончилик сирлари билан ошно қилайлик, меҳнатга ўргатайлик. Лекин бунақа йўл билан эмас. Туяга миниб, узоқни кўзла, деган гап бор...

Хонтахта четда ўтирган Карим дўбирнинг йўғон гавдаси кичрайиб бораётгандек эди. Дарвоқе, у нима учун бу ҳақда олдинроқ ўйламади? Урушда қон кечиб юрган пайтларида очликдан ўлган, жон бераётган қанчадан-қанча болаларни кўрмади! Шунда кўзига қўйилиб келаётган алам ёшларини қайтаролмай, «ўққа учмасам болалар учун яшайман, меҳнат қиламан» деб ичида қасам ичмаганмиди?! Наҳотки, ўз жонининг ҳузурини ўйлаётган бўлса?!

— Очдан эҳтиёт, тўқдан эҳтиёт, деган гап бор, — деди Турон бобо Карим дўбирнинг елкасига қўлини қўйиб, — оч кўпинча очликка бардош беролмай шарму ҳаёнинг, диёнатнинг юзига бормай қўяди, тўқ эса, гоҳо ўтган кунларини унутади... Ўтган кунларимизни унутмайлик, дейман, чироғим!..

Карим дўбир лом-мим демасди. У иягини йўғон панжаларига суяб, бир нуқтага тикилганча ўтирар, чамаси мойсираб қолган чархпалакнинг ғич-ғич овозигагина қулоқ соларди.

— Кўнглимга яқин боласан, — гапида давом этди Турон бобо бурнининг учига сирғалиб тушган кўзойнагини тўғрилаб. — Кўп фазилатларинг билан отангга ўхшаб кетасан. Отанг Салим, менинг дўстим, туяга миниб узоқни

кўзлайдиганлардан эди... Агар у бўлмаганда шунча кун кўрмас, бугун ёруғ дунёда юрмас эдим. Ёшлигимда жуда қизиққон эдим... Ушанда Эшботирга ҳоким келганди. Ҳаммаси эсимда...

Ушанда...

* * *

...Кураш қизигандан-қизиди. Ҳоким буни кўрай ҳам демасди. Қипиқ сепилган майдонга тушган йигитларнинг камдан-ками бел олишар, аксари, кўпчилиги тарафкашликка бориб, рақибининг илинган жойига қўл ташлар, юлар, юмдалар, зум ўтмай қора қонига беларди. Маҳаллалардан, гузарлардан келганлар ўз вакилларининг ғалабаси ё мағлубиятидан қувонганликларини ҳам, аччиқланганликларини ҳам сездирмасдилар. Фақат дастурхонга мук тушиб, кавшаниб ўтирганлар орасидангина: «Балли!», «Яша, азамат!» деган узук-юлуқ овозлар эшитиларди.

— Ҳоким тўрага қара! — деди Салим Туроннинг қулоғига шивирлаб. — Тошхўжа юзбоши билан гаплашгани-гаплашган. Нимага келган ўзи?

— Немага бўларди? Томошага, сайилга.

— Томошага, сайилга келган бўлса, ўлай агар! Унинг нияти бошқа...

— Нияти нима бўлиши мумкин?

— Билмадим. Қорамол бозорида пичоққа илинадиган мол танлаётган қассобдай йигитларга тикилгани-тикилган...

— Курашни кўргани келганмисан, ҳокимнимми?

Турон дўстининг биқинига туртди. Улар қиқирлашиб кулишиб олишди. Майдонда Эшвой оқсоқолнинг ўғли Султонбек курашарди. У рақибини чалар, силтаб ташлар, очикдан-очик ғирромлик қиларди.

— Номард! Ҳажикиз!..

Ялангда илдиз қўйган ниҳол сувсизликка, ёзнинг қовжиратгувчи гармселига-ю, қишнинг аччиқ совуғига дош беролсагина ўсади. Турон ҳам ялангда бўй қўяётган ниҳолдай гап эди. Ёлланиб жувозкашлик қилувчи ота, уй ишларига ўралашиб қолган она фарзандларининг тарбияси ҳақида эмас, уларнинг қорнини қандай қилиб тўйдириш ҳақида ташвиш чекардилар. У одат тусига кирган — катталар калтак кўтарса сен бошингни ҳам қилгин, қабилидаги панд-насихатлардан, мутеликдан холи, бир сўз билан айтганда, ўз кўзини ўзи очарди. Шунинг учун ҳам ёмонлик рўй берган жойда жим туролмас, бир зумда туюқиб кетарди.

— Султонбек энгди! Азамат Султонбекка тараф борми?

— Нима?! — жаҳлдан ерга тупуриб ўтирган Турон баковулнинг бу гапидан ажабланиб Салимга қаради. — Султон энгдими?

— Ҳа, й-ў-қ... Рақибни майдонни ташлаб чиқиб кетди.

Туронни титроқ босди. Унинг яноқлари ёнар, кўзлари чақнар, қўли мушт бўлиб тугилганди.

— Мен! — деди шахт ўрнидан туриб.

Давра қалқди. Ҳоким тўра олдига келиб қуллуқ қилиб турган Эшвой оқсоқол ялт этиб Туронга қаради. Супаларда ўтирганлар: «Бу машиқи нима қилмоқчи, ўзи?» деган маънода энгакларига энгак тираб, сўзлашиб, кулишиб олишди. Баковул бўшашганча бир чеккада турарди. Бу орада Туронга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиққан ҳоким Тошхўжа юзбошига нималардир деди. Юзбоши бош ирғаб ҳокимнинг гапларини маъқуллади-да, ярим ўрнидан туриб, баковулга қаради.

— Тушир! Қани, бир кўрайлик!

— Олишувга талабгор Турон Бурҳон ўғли!

Баковул баланд овоз билан эълон қилди. У ҳозиргина, Султонбек йиқилиб қолса, оқсоқолнинг олдида нима деган. одам бўламан, деган ташвишда эди. Юзбошининг буйруғи унга жон киритди. Туроннинг белига белбоғ боғлади-да, Султонбекнинг олдига келиб, яктагини тузатди, қулоғига алланималарни шивирлаб қўйди.

— Қани, бўлмаса... Бошланглар!

Улар бел олишишди. Даврадан қилт этган товуш эшитилмас, оқсоқолнинг юзини деганлар ҳам, ғўза чопиғидан, молхонадан, беда ўримидан келганлар

хам юрак ҳовучлаб ўтиришарди. Султонбек ҳам анойилардан эмасди. У узоқ тортишиб, Туронни кўтариб уриш қўлидан келмаслигини пайқагандан кейин, найранг қилишга ўтди. Турон ўнгроқ ушлаб олиш учун белбоғидан хиёл қўлини бўшатган ҳам эдики, сирғалаб унинг қучоғидан чиқди-да, тумшуғи аралаш тушириб қолди. Ҳаммадан олдин баковул қарсак чалиб юборди.

— Аблаҳ! — деди Турон эшитилар-эшитилмас, қон аралаш қўпорилган тишини тупуриб ташларкан.

Эшвой оқсоқол ҳокимга қараб, мана, бизнинг ўғил шунақа, дегандек қуллуқ қилди. Ҳоким оқсоқолга эмас, қадди-қомати келишган, билакларида куч ёғилиб турган Туронга, унинг важоҳатли кўзларига тикиларди. Шу пайт Турон курашишни хаёлига ҳам келтирмай, белидаги шоҳи белбоғини ечаётган Султонбекка яқинлашди-да, қўлтиғи аралаш биқинига зарб билан урди. Султонбек шилқ этиб йиқилди. Чордана қуриб ўтирганларнинг тунд юзларига кулги тепчиди. Оқсоқол, баковул ва супадагилардан икки-уч киши чалпак бўлиб ётган Султонбекнинг атрофида уймалашишарди.

— Уриш мана бунақа бўлади! — деди Турон Салимнинг олдига келиб чордана қураarkan.

— Утирма, қоч! — деди Салим. — Оқибати яхши бўлмайди...

Жуфтакни ростлаганинг маъқул, дегандек мамнун кўз қисисди ёндагилар ҳам. Турон ўрнидан турди-да, ҳали ҳушига келмаган Султонбекка бир қараб, жуфтакни ростлади.

* * *

— Шунақа, ўшанда жуфтакни ростлаб қолганман...

Чолнинг ҳикояси саргузаштларга ўч, ўзининг ҳам бошидан қанчадан қанча саргузаштлар ўтган Карим дўбирни ҳаяжонлантириб юборди. У икки қўли билан қорнини ушлаб, силкиниб-силкиниб куларди.

— Боплабсиз! Оббо, номард-эй!.. Локигин боплабсиз!..

— Мен эмас боплаган, — деди Турон бобо Карим дўбирга қўшилишиб куларкан. — Отанг! Агар Салим, қоч, демаганда бопланиб қолардим... Улар қулишиб ўтирганларида дарвозага велосипедини суяб, хат ташувчи кириб келди.

— Сизга пул, Полвон ота, — деди узоқдан салом бериб.

— Қанақа пул? Пенсиямни куни кеча бериб кетгандинг-ку! — ҳайрон бўлди Турон бобо.

— Сизга айтсам, бу пулқоғоз, шаҳардан.

— Кимдан бўлиши мумкин?

— Маъмуржондан бўлса керак...

— Маъмуржондан?! Олмайман! Мен ариқда сув туриб ёмғирга челақ тутадиганларданмасман!..

Турон бобо терс ўгрилиб олди. У ҳозиргина курашиб юрган дамларини эсалаб ўтирганди, ёшлигига қайтганди. Кўнглини тўлдирган ёшлик, ёшликнинг битмас-туганмас қудрати, ғурури устунлик қилди.

— Ахир мен нима қилай? — ҳадиксираб сўради хат ташувчи.

— Билганингни қил!

— Бўлмаса, орқасига «олмайман» деб ёзиб беринг.

Турон бобо пул қоғозни олди-да, орқасига ўқлоғидай-ўқлоғидай ҳарфлар билан «олмайман» деб ёзиб берди. Хат ташувчи кетди. Маслаҳатли иш билан келган Дўбир ҳам ўрнидан турди. Энди чол билан гаплашиш қийин эди.

4

«Чакки бўлди, — хат ташувчи билан Карим дўбир чиқиб кетганидан кейин ўзини босиб ўйлай бошлади Турон бобо. — Чакки бўлди... Фирт унар-унмасга машама чикарадиган инжиқ боланинг ишини қилдим. Аниқ, хат ташувчи ҳам, Дўбир ҳам оғринди мендан...»

Бобо оғир тин олди, уф тортди. Қунишибгина ўтириб олган, бир уф билан барваста қомати бужмайибгина қолган. Узи Маъмуржон ҳам кўпдан йўқламай қўйди. Содикдан-ку, буюрмади, кўзи юмилгудай бўлса гўрига тупроқ тортади-

гани шу, хонадонининг чироғини ёқадиган шу. Нима қилсин, қариганида бошини қаёққа урсин? Мунглиғ, мушфиқ Кароматнинг бир ўзи нима қила олади?.. Аслида Маъмуржоннинг бот-бот йўқламаслигига, оёғини тортиб кетишига ўзи сабаб.

Совуқчилик куда чақириқдан бошланди. Аини пишиқчилик, ҳар уч хонадоннинг бирида базми жамшид: боғларда мева-чева тўкилиб ётибди, уйларда куй-қўшиқ тўкилиб ётибди... Турон бобо ҳам обдан тўкилган — қўйлар сўйилган, уйларга, шохсупага қават-қават духоба, адрас кўрпачалар тўшалган, дастурхонларга даланинг бор неъматлари сочиб ташланган. Томир отдик, бир болам икки бўлди, деб қувонган Каромат югуриб-елади, қўли-қўлига тегмайди.

Қишлоқ болаларининг қий-чуви жўрлигида автобус тўла меҳмонлар ҳам келишди. Йўл-йўлакка шакароб берилганига қарамай кўтарилган чанг босилди, тирсиллаб турган автобуснинг эшиклари очилди. У эшикдан ҳам, бу эшикдан ҳам гурра-гурра ясанган-тусанган хотинлар, қиз-жувонлар туша бошлашди. Мезбонлар саф тортиб тавозеланганлар. «Ана, куда пошшангиз, — Каромат Турон бобонинг енгидан тортди. — Танимаётибсизми, сизга қараётибдилар». Турон бобо, тўй куни эътибор қилмаган эканми, қудасига кўзи тушиши билан кўнгли муз қотди, энсасини қашлади. Лорсиллаган, кампирга ҳам, танноз жувонларга ҳам ўхшамайдиган бир аёл. Катта-катта, нурсиз кўзлари гардишига қора бўёқ суртилган, юзи ҳозиргина товадан олинган бўғирсоқдай қип-қизил. Эгнида юпқа парча гулли кўйлак, бошида барги хазондай йилтираб турган «минг симли» рўмол. «Қудажонимдан ўргилай!» У шундай деб хинага чўмилтирилган бикқа қўлларини чўзиб кўришишга чоғланаркан, Турон бобо чорночор елка тутиб, тескари қаради. «Ҳали бу ёш, бўш-баёв, шамол қай томондан эсса шу томонга шох ташлайдиган Маъмуржонга қайнона... она бўлдимми? Упа-эликка буланган ёсуман, бузоқбошининг ўзи-ку! Аттанг!..»

Зиёфат қизигандан-қизиди. Мева-чева, қуюқ-сууюқ тортилди, удумга кўра кудага, келинга, яқин хешларга бўхча-бўхча сарпо-суруғ қўйилди. Очилиб-сочилиб кетган Ойша бибининг орқаси қўниш топмайди. Мўраламаган эшиги, кириб-чиқмаган тешиги йўқ. Бир қарасанг, вақир-вуқир қилиб боғда олманими, шафтолиними силкитаётган, бир қарасанг, касир-кусур бодринг чайнаб, ошхонада у-бу ишларга қарашиб юрган, қўл учида бўлса ҳам келинлигини ўтаётган қизи Чиннихоннинг қулоғига омади гапларни қуяётган. Оғзи ҳам тинмайди, кўзи ҳам тинмайди. Унинг назари тушмаган қўшнининг ҳовузи-ю, қовунлари тарс-тарс ёрилиб ётган колхознинг полизи ҳам қолмади.

«Айлана, қудажон, — деди зиёфат охирида қолганда Ойша биби. — Сизнинг уйингиз бизнинг уйимиз... Ишқилиб у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам болаларимиз эгалик қилишсин. Мавруди келиб қолди, айбга буюрмайсиз, сизни танқид қилмоқчиман. Юзга айтганнинг заҳри йўқ, одатим шунақа!..»

«Хўш-хўш?..»

Шохсупа ёнидан ўтиб кетаётган Турон бобо таққа тўхтади, овози томоғидан қирилиб чиқди. Унинг феъли маълум: бир четда ўғли билан суҳбатлашиб турган Каромат анграйганча қолган, Маъмуржоннинг кўзи ерда.

«Боғингизни айланиб чиқдим, — куда пошша риюю андишани унутган, ундаги оч назар ўзини-ўзи ошкор қиларди. — Ер билан битта мева-чева-я... Оҳ-оҳ... нақ дув тўкилган олтин танга дейсиз...»

«Олинг-а... Тавба!..»

«Увол-а! Увол!... Кўриб эзилиб кетдим, ич-этимни едим. Шунақа ҳам исрофгарчилик қилинадими, шунақа ҳам эътиборсизлик бўладими? Урик, олмаларга қарасангиз, товланади, Олойга олиб борилса, бозорнинг юзи-я!.. Бу ишингиз, қудажон, худога ҳам, бандага ҳам хуш келмайди...»

«Э... худони тинч қўйинг-э!.. — Турон бобо терс ўгирилиб ташқарига йўл олди. У алам-аччиқ билан қадам ташларкан, пўнғиллаб борарди. — Ўзи сенга ўхшаганлар худонинг ҳам жонига тегдиларинг! Кўргани — бозор, тутгани — бозор!.. Э... қўшмозор!..»

«Ҳай-ҳай, нималар деётибсиз, — югургилаб келган Каромат унинг қулоғига шивирлади. — Меҳмон-ку!..»

«Ҳа, меҳмон, меҳмон!.. Эга эмас!.. — дарвоза ортидан Турон бобонинг гуриллаган овози эшитилди. — Уволмиш, бозорга солмиш... Э, эккан одам уволини ҳам билади!..»

Бу ҳангомадан даврадагиларнинг бирови хабар топди, бирови йўқ. Совуққина: «Боринглар!», «Келинглар!» дейишган бўлишди. Шу куни Маъмуржон бобоси билан хайрлашмасдан кетди.

«Ҳа-а... — Турон бобо оғир сўлиш олди. — Аслида, ўзимдан ҳам ўтди. Ёлғизимни, гулдай боламни аждаҳонинг оғзига ташлаб қўйибман-а. Тортиб олсам бўлмасмиди?! Пешонаси шу экан, дедимми, андиша қилдимми? Яна ундан айбиситиб ўтирибман-а!...»

Кексалик — ўксиклик... Кексаларнинг кўнгли — турғун кўлмакнинг ўзи. Уни ногоҳ эсиб қолган шамол ҳам, кўкдан улоқиб тушган бир томчи ёмғир ҳам чайқатади, безовта қилади. Энди у ариқларда қаёқларгадир ошиқаётган тўлқинлар билан тарафкашлик қилиб оқолмайди, фақат чайқалади, холос. Шундай экан, худди шу лаҳзада Турон бобонинг кўнгли ҳам жиндек шамолдан чайқалгувчи кўлмакдай чайқалаётган бўлса не ажаб! Одатда кексалар бугунги кунларига қараганда қанчалар аччиқ, аламли бўлмасин ўтган кунларини чуқур идрок этадилар, қўмсайдилар... Ҳозир кўз юмиб, ўтган кунлари қаърига мункиб ўтирган Турон бобо нималарни кўраётганикин?!

* * *

Турон Салимнинг маслаҳати билан даврадан сирғалиб чиқиб, чакалакзор олдига келганидан кейингина аҳволнинг жиддий эканлигини тушунди. Эшвой оқсоқолнинг кўзлари қинидан чиққудай олайиб кетганини, ол деса ҳибсга олгудай ўрнидан турган миршабларнинг совуқ важоҳатини эслади.

У ўзини чакалакзор ичига урди. Қуёш уфққа оға бошлагани, Улоқтепа томондан қувламачоқ ўйнаётган молбоқар болаларнинг қий-чуви, сигир-бузоқларнинг маърашлари эшитиларди. Наъматак, итбурун, тиконли япасқи буталар айқаш-уйқаш бўлиб ётган чакалакзор ваҳимали. Қандайдир шарпадан дарак бераётгандек зағизғон қағиллайди, чигирткалар чириллайди. Балки оқсоқолнинг бузоғини чақиб ўлдирган илондир... Ҳадемай кеч бўлади, шақаллар ҳам ғимирлашиб қолади. Уюри билан келиб қолса, нақ қитиқлаб ўлдиради-я!.. Султондан, қилич таққан миршаблардан қўрқмаган Турон оёқ-қўли тилиниб, бутанинг устига чиқиб олди.

Бурҳон жувозкашнинг уйи Қорасувнинг бўйида, тепаликда. Маҳалланинг элликбошисига, оқсоқолга ялиниб-ёлбориб анҳорга кичкина чархпалак қуриб олган. Қишин-ёзин айқириб оқадиган Қорасув тўла бўлмаса ҳам тўрт-беш пақир сувни баҳору ёз ойларида Бурҳон жувозкашнинг қўриғига томизиб туради. Тепадан очилган майдон кўп эмас, бор-йўғи ўнтача бўйранинг ўрничалик жой. Шу озгина жойга бир тилма-бир тилма бўлса ҳам маккажўхори, мош, сабзи, пиёз ва қовоқ зоти қуриб кетгандек ойимқовоқ экилади. Сабаби, чиқит чиқмайди, уруғини қовуриб писта қилиб чақиш тугул, ҳатто пўчоғини ейиш мумкин.

Турон қош қорайиб, кўчадаги пода кўтарган чанг босилар-босилмас уйига қайтди. Сўри тагидаги супада ғужанак бўлиб онаси ўтирарди. — Келдингми, болам, — деди у энгил тортиб ўрнидан тураркан. — Ҳозир овқатингни олиб келаман.

— Овқат егим йўқ, — деди Турон шишиб, қувраб қолган лабини ялаб.

Она ошхонага кетаётиб, ярим йўлда тўхтади. Уғлининг қора чироқ нурида мўлтираб турган кўзидан қаттиқ ташвишда эканлиги, ич-ичидан қуяётганлиги сезилиб турарди. Борлиқни тун қоплаган, кўкда бир парча ой кўриниб-кўринмай қалқиб юрарди.

— Эшвой оқсоқол келди, — деди она қуроқ дастурхонни ёзиб, бир товоқ қовоқ шўрвани қўяркан. — Хода ташлаб, чархпалакни тўхтатиб кетди...

— Нимага?

— Билмасам... Анҳор тўла сув, камайиб қолармиш. Яна, юргизсаларинг, чархпалакларингни буздириб ташлайман, деди.

— ...

— Уғлини йиқитиб, яхши иш қилмабсан.

— Қураш бўлгандан кейин биров йиқитади, биров йиқилади.

— Тенг келиб бўладими улар билан? Йиқилиб қўяқолсанг бўлмасмиди. Турон, шу гапларни сиз гапиряписизми, деган маънода онасига қаради.

«Онамга нима бўлди? — ҳайратда эди йигит. — Ҳамиша ростгўй бўл, бошинга қилич келса ҳам ноҳақлик олдида тиз чўкма, деб насихат қилардику?! Энди эса...»

— Мени кечир, болам, — деди она кўзига ёш олиб. — Ёлғизимсан. Азбаройи, сенга бир гап бўлса, қариганимизда ҳолимиз нима кечади, деганимдан...

— Хафа бўлманг, — Турон онасининг қоқ-қуруқ қўлларини кафтлари орасига олди. — Отам қанилар?

— Отанг оқсоқолникига кетди... Бўлар иш бўлди. Энди шовла кетса кетсин, обрў кетмасин.

— Нима қилардилар бориб?

— Кўнглидан чиқармоқчи, чамаси. Балки ишлаб берар, балки бир нима бериб, рози қилар...

— Нега рози қиларканлар? Қарзимиз борми?

— Ундай дема, болам. Уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Оқсоқол ёмонликка юз ўгириб, сени яна бир балога гарифтор қилмасин, дейди бечора отанг.

Она томирлари бўртиб чиққан озғин, ингичка бармоқлари билан иягини тутганча жим қолди. У ортиқча ташвиш орттирганидан эзилиб, ўзини қўярга жой тополмай ўтирган ўғли ҳақида ўйлар, шишган, қонталашган лабларини ачиниш билан кузатарди.

— Қўй, кўп ҳам қайғурма, — деди у ниҳоят энги билан қуйилиб келаётган кўз ёшларини артиб. — Яшшамагур, ёмон урипти лабингга. Мен ҳозир пахта қиздириб бераман, шишини қайтаради. Яна, отамнинг юзига қандай қарайман, деб хижолат чекиб ўтирма. Ҳамма гапдан хабардор. Ўртоғинг Салим айтиб берди...

Бурҳон ака оқсоқолникидан қайтиб келганида ўғли супада ўтирарди. Ичида севинди.

— Ҳаммасидан хабардорман, — деди Туронга қарамасликка ҳаракат қилиб. — Шукр, йигит бўлиб қолдинг, ўз ақлинг билан иш тутганинг маъқул. Бироқ йигитга ўлим йўқ, ўзини ўзи тизга уради, деган гап бор...

— Нима гап бўлди, дадаси? — сўради пахтадоғ қилиб келган онаизор шошилиб.

— Оқсоқол ўғлини оқпошшонинг хизматига йигит қилиб бермоқчи экан. Ҳозир уйда яримжон бўлиб ётганмиш. Агар ўзига келмаса пешонангдан кўр, Туронинг Султонбек учун хизмат қилади, деди.

— Бу нима дегани?

— Билмадим.

— Илоҳим шумтакаси ўзига келсину ёлғизимиз бағримизни ҳувиллатиб кетмасин...

* * *

Турон бобо чўчиб кўзини очди. Тахмонда ўрин-кўрпа тахлоғлиқ, қозикда чакмони илиғлиқ турар, кун ҳали ёруғ эди. У хонтахта устига ёзилган дастурхоннинг букланиб қолган жойларини тўғрилаб, ташқарига қаради. Салқин шамол кўзгалган, эртанги учмақантак ўрикнинг қизғиш-сариқ барглари ногоҳ кўчган хаёлдек, ҳовлида чанг-тўзон аралаш сузиб юрарди.

— Овқатим ҳам пишди, ҳозир сузиб келаман, — деди қўлида челак тўла сут билан Каромат хола кириб келаркан. — Даладан пода қайтмоқда, биратўла қўй-эчкиларни ҳам жойлаб олай, кейин бафуржа овқатланамиз.

— Маъқул, — Турон бобо ўзича ғудранди. — Кеч бўлди, ҳа... Ким етди, ким етмади...

Каромат хола индамади. У токчадан гулдор сопол товоқларни олди-да, уларга сут тўлдириб, осма чамбаракларга оҳиста қўйиб чиқди. Сўнг очиқ эшикдан маърашиб кирган қўй-кўзиларни, эчки-улоқларни оғилга қамади, ўчоқбошида қозон-товоқларни тарақ-туруқ қилиб, овқат келтирди. Боғ кўча томондан узун кун қўй-кўзилари, сигир-бузоқлари ортидан югургилаб чарчаган, белларига боғлаб кетган нонлари тугаб, қоринлари очиққан тўпори болаларнинг қий-чувлари, қўшиқлари эшитиларди:

**Фотиҳа порин,
Тўймади қорин;
Бўлсайди норин,
Урарди қорин...**

— Болалиг-а, болалик!.. — энтикиб, бурун катаклари керилиб сўзлади Турон бобо. — Қариб, шох-шаббаси қуриб-қовжираб, ерга қадалиб қолган дарахтдай чўкиб қолганингда айниқса болалигингни эсларкансан. Утган кунинг ўтин бўлди, аччиқ-аччиқ тутун бўлди, деганлари шу экан-да!..

Каромат хола товоқдаги қатиқни аталаб, бобонинг косасига икки-уч қошиқ солди-да, маставани чайқатмаслик учун секинлик билан аралаштирди.

— Олинг, совимасин...

— Ҳа, айтгандай... — Турон бобо келинининг маънос қиёфасига зумда кўз ташлади-ю, ўғлингдан пул келган экан, қайтариб юбордим, дейишга тили бормади, довдираб қолди. — Шу Маъмуржон...

— Нима, Маъмуржонга бир гап бўлибдими?! — ҳовлиқиб сўради Каромат хола.

— Йўқ, ҳеч гап йўқ... Яхшиман, депти.

— Ким айтди?

— Ҳали почтачи айтди... Бола-чақам ҳам яхши, депти.

— Хайрият, ишқилиб, омон бўлишсин.

— Кейин, салом депти... Соғиндик, келишсин, депти...

Улар, икки бошда икки хаёл, овқат ейишга тутиндилар.

ИККИНЧИ БОБ

Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам остона ҳатлайди

1

Гўшт дўкони олдига одам йиғилган. Қора клеёнкадан пешбанд тутиб, қон юки энгини билагигача шимариб олган бақувват, жингалак сочлари тор пешонасига ёпишган қассоб йигит хотиржам, дастаси калта ўткир болтаси билан гўшт бузади. Пичоқбоп қилиб бузилган гўштнинг уёқ-бу ёғини айлантириб кўради-да, йиғилган одамларга кучга тўлган билакларини кўз-кўз қилаётгандай, эринмай қанораларга илади. Осмонни булут қоплаган. Қаёққа, нима учун кетаётгани номаълум минг-минглаб машиналар, мотоцикллар, поездлар пуркаган тутундан, завод-фабрикаларнинг мўриларида чикқан қурумдан дарахтлар анчайин яшил тусини йўқотган, қовжирай бошлаган япроқлари шилдираб туради.

Навбат кутувчиларнинг бири пенсионер: уйда йиғлаб қоладиган боласи йўқки, шошилса, менга бари бир, эртароқ бўлмаса кечроқ, дегандай бамайлихотир, нақ мук тушиб олгудай бўлиб ёстикдай келадиган китобни варақлайди. Эндигина ишларидан чиқиб, уйларига ҳориб-чарчаб қайтаётганлар ҳам бор. Улар оғирликларини у оёқларидан-бу оёқларига олиб, азбаройи тоби-тоқатлари тугаганидан босиб-босиб сигарет тутатадилар. Безовталиқ дўконда гўшт кўриб, трамвайданми, автобусданми тушиб қолган йўловчилар қиёфасида аниқ-тиниқ кўринади. Шундайлардан бири — жомадон, яна тўрхалта тўла алланима кўтариб олган қирқ беш-эллик ёшлардаги киши ортиқ чидаб туролмади, ёрилди:

— Тезроқ бўлақолинг, акаси, шошиляпмиз!

— Шошилсангиз йўлингизни тўсаётганим йўқ, — деди қассоб йигит анчайин қўполлик билан. Унинг тилла тишлари йилтиллаб кетди.

Гапга гап улайдиган, йўловчи кишининг ёнини олиб, уни қўллаб-қўлтиқлайдиган бўлмади. Ҳаммалари, афтидан сиркаси сув кўтармайдиган бу йигитга бир-бир қараб қўйишиб, шундай бўлиши табиийдек ўзаро суҳбатга киришдилар.

— Азамат музхонадан яхши гўшт келтирибди бугун, — деди китобдан кўзини олиб кўзойнакли чол.

— Семизгина, кейин музхонада кўп ҳам турган эмас, қаранг, сели оқиб

турибди, — жавоб қилди ёши ҳам ўрта, бўйи ҳам ўрта, тикмачоқдек билакларига, бармоқларига тила тақинчоқлар тақиб олган аёл сурма тортилган кўзларини сузиб, қассоб йигитга қараб оларкан. — Бозорда, қўлда сўйилиб сотиладиган гўшдан кам жойи йўқ.

— Ҳа, икки-уч паррак шолғом, қизил лавлаги солиб қайнатсангиз, ажойиб шўрва бўлади.

— Паловга солсангиз-чи, қозонни яйратади. Кеча денг, бозорга тушгандим, гўшт палон пул. Тўрт-беш кило келтириб, қотириб-сур қилиб олиш ниятим бор эди. Ноинсофлар отасининг хунини сўради. Кел, қўй, шу пайтгача дўконда ёмон гўшт кўрмадим, ўша ўзимнинг укажонимдан олақолай, дедим.

Кўзойнакли чол билан кўринишидан, гап-сўзидан унча-мунча бозорчини бир чўқишда қочирадиган аёл ҳаш-паш дегунча осмонни ерга олиб тушиб қўйишди, ерни эса осмонга олиб чиқиб қўйишди. Эмиш: шундай илму ҳикмат бор эмишки, гўшт суйилтирилиб, вазелин ҳолатига келтирилмиш, космонавтлар бошқа таомлар қатори шундан танавул қилармиш... Эмиш: яйловда боқилган қўйнинг гўшtidан қўлда боқилган қўйнинг гўшти, думли қўйнинг гўшtidан думбали қўйнинг гўшти бемаза бўлармиш... Эмиш...

— Мана, мени айтди дерсиз, — деди кўзойнакли чол гапини тасдиқлатиб олиш учун ярим қулоч келадиган пичоғини қайроқда ўткирлаётган қассоб йигитга қараб, — шу гўшт Мўғулистондан келтирилган. Кўп еганман, жуда мазали...

— Гапингиз тўғри, — деди ўзини эшитмаганликка солиб пичоғини қайрашда давом этаётган қассоб йигитнинг ўрнига жавоб қилаётганидан кўзлари ўйнаб аёл. — Аниқ, Мўғулистондан келтирилган. Мен ҳам нуқул шу гўшдан оламан. Жуда мазали. Негаки, у ерда яйлов кенг, ҳаммиша юриб туради...

— Ҳа, балли! — гапига аёл эмас, қассоб йигит жавоб қилгандай қувониб кетди кўзойнакли чол. — Турғун сувдан оқар сув ширин, деганлар.

Киши кўзига ўзларини бошқалардан кўра кўпни кўрган, билармон қилиб кўрсатсалар ҳам аслида тилёғламалик қилаётган кўзойнакли чол билан дўмбоқ аёлга ҳеч ким бирон оғиз сўз демасди. Улар ҳаммани оғизларига қаратаётганларидан мамнун эдилар.

Шу пайт биров «туп» этиб нос тупурди. Рўмолли, дўппили, сочли, сочсиз каллалар беихтиёр ўша томонга бурилди. Тагига қопини солиб, дўкон деворига суянганча етмиш беш, саксонлар чамасидаги зуваласи пишиқ, чуваккина чол ўтирарди. Дўпписи аралаш бошини эски қийиқча билан танғиб олган. Эғнида қора тўн, оёғида кирза этик. У ўрнидан туриб, қопига илинган хас-чўпларни қоқди. Кейин кўпдан устара тегмаган даҳаннини, иякларини тўрлаган қўли билан қиртиллатиб ишқаларкан, кулимсираб, кўзойнакли чол билан аёлга юзланди.

— Гапларингга қулоқ солиб ўтириб, болалигимда отам раҳматликдан эшитган бир ҳикоя эсимга тушиб кетди ҳозир.

— Қанақа ҳикоя экан? — сўради чимирилиб аёл.

Ҳамма қоп қўлтиқлаган киши атрофига қовишиниб келди. Эндигини турганларнинг охиридан навбат олган Маъмуржон ҳам унга яқинлашди.

— Қадимда бир чўпон бўлган экан, — гап бошлади қоп қўлтиқлаган киши осмонда сузиб юрган булутларга қараб олиб. — Маълум, чўпонлар яйлов танлайди. Ўти қуриган яйловни ўти ўсган яйлов билан алмаштириб туради. Ўзи қўй жонивор ҳам юриб туриб қорин тўйғизади, юрган йўлида қўзилайди-да.

Шу денг, ўша чўпон шунақанги кеч куз пайтида қўйларини қирдан тоғ ёнбағри томонга ўрлатиб кетаётса, сизга ўхшаган мулланамо киши учрабди. — У кўзойнакли чолга қараб гапида давом этди. — Улар салом-алик қилишгандан сўнг, мулланамо одам: «Хўш, йўл бўлсин?» деб сўрабди. «Тоғ бағрига. Шу топда зап ўти етилди, қўйларимни ёйиб, ўтлатиб тушаман,» дебди чўпон. «Чакки қиласиз, — дебди йўловчи. — Асло чиқманг, чиқишингиз билан ёмғир, довулга йўлиқасиз, қўйларингиз хароб бўлади...»

Чўпоннинг жаҳли чиқибди. Негаки, эллик йилдан ортиқ ўша жойларда қўй боқиб, йилнинг тўрт фаслида нима воқеалар содир бўлишини — қачон қор, ёмғир ёғиб, қачон довул кўтарилишини биларкан. «Майли, сен йўлингдан қолма, лекин гапингда жон бор. Қачонки, мен қўйларимни тоғ бағрида ўтлатиб,

обдан қорнини тўйғазиб, этига эт қўшиб қайтганимдан бир ҳафта ўтгач довул бўлади», дебди чўпон ва йўлга тушибди.

Чўпонни йўлдан қайтармоқчи бўлган муллонамо одам, муни қаранги, авлиё экан. У худодан: «Бандангинг шу гап ростми?» деб сўрабди. «Рост» дебди худо. Шунда авлиё: «Эй, парвардигор, мен сенинг ердаги вакилинг бўлсам, бир бандан ноқобилинг олдида юзимни шувит қилма, довул юбор!» деб ёлборибди. Худо кўнибди, довул юборибди. Довулда қолган чўпон учдан бир қўйини йўқотиб, зўрға ортига қайтибди. Шунда эсон-омон қирга тушиб олган чўпон: «Буёғи қандай бўлди, аслида ҳисобим тўғри эди, лекин битта қоқбош мулла парвордигори оламни ҳам йўлдан оздирди-я!..» деган экан.

Одамлар бир қалқиниб олишди.

— Муни қаранг, — қоп қўлтиқлаган киши кўзойнакли чол билан узук тўла бармоқларини ўйнаб турган аёлга қаради. — Сизлар ҳам чўпонга панд берган, худони йўлдан оздирган ўша авлиёнинг ишини қилаётисизлар.

Навбат кутувчиларнинг бири пиқ этиб, бири қиқирлаб, бири мийиғида кулиб юборди. Аслида уларнинг ҳам чол билан аёлнинг олди-қочди гапларидан энсалари қотиб турганди. Қоп кўтарган киши мўлжалга урди.

— Бу, нима деганингиз? — аччиқланди кўзойнакли чол.

— Гапининг совуқлиги-чи! — минғирлади аёл.

— Етмиш йилдирки деҳқончилик қиламан, мол боқаман, — уларнинг пичингларини эшитмагандек сўзида давом этди қоп кўтарган киши. — Икковингиздан бирингиз ҳам, кўриниб турибди, кўчат экиб, тупроқнинг бўйини туймагансиз, ҳатто кичик бир улоқча деб қўлингизга чилвир ушламагансиз!..

— Нималар деяпти ўзи?! — кўзлари чақчайди кўзойнакли чолнинг.

— Э, шу далачини... — чимирилди аёл.

Бўлаётган гап-сўзлардан Маъмуржоннинг юраги орзиқиб тушди. Бошқалар ҳам алланечук енгил тортган, таниш-нотаниш бир-бирларига қарашиб: «Боплади!», «Ҳақ гапни айтаётир, ота!», «Деҳқон — дўлвор, деҳқон — кон, деб шуни айтадилар-да!» қабалида гапиришарди. Бу гаплар Маъмуржонга қаттиқ таъсир қилди.

— Товба, Мўғулистондан келтирган гўшт ширин бўлармиш! А, ўзимизнинг ҳисори қўйнинг гўшти-чи?! Ёғини пиширмасдан еса бўлади-я!.. — ҳамон ўзига келмай пўнғиллади қоп кўтарган киши.

— Қани, ўша ҳисори қўйингиз?! — билқиллаган қўлларини пахса қилиб сўради аёл. — Дорига топиб беринг-чи, минг тиллага оламан.

— Минг тиллага олармиш... — пешонасини тириштирди қоп кўтарган киши. — Тўқликка шўхлиг-а!.. Ёрилади деб қўлимизни совуқ сувга уришдан орқилмаганимиздайди, кўпроқ оғиз билан эмас, оёқ билан юрганимиздайди!..

— Хўш, нима бўларди? — пичинг қилди кўзойнакли чол.

— Яхши бўларди.

— Ким айбдор?

— Ўзимиз айбдор. Яқиндагина қанақанги боғлар, мевазорлар, яйловлар бўларди. Эрта баҳордан кеч кузгача ариқлардан мева оқарди. Аттанг, аттанг. Ахир, битта дарахтни кўкартириб, ҳосилга киритишнинг ўзи бўладими?! Ёнғоқ, нок ками йигирма йил деганда, ўрик, жийда ўн йил деганда ростмана ҳосилга киради-я! Биламан, уруш йиллари аксари мева, сут-қатиқ очликдан асради одамларни. Мевазор ораласангиз, ўриги қолмаган бўлса, тагидаги данагини чақиб ёб ҳам қорнингизни тўйдириб чиқардингиз...

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Нима демоқчисан? Хўш... — қоп кўтарган киши, ўзинг ҳам шундай кунларнинг шоҳидисан-ку, наҳот унутсанг, ё кўркаламушдай қавак-катакда писиб юрганмидинг, деган назар билан кўзойнакли чолга қаради. — Дўппи келтир дейилса, бош келтиргулик иш қилдик демоқчиман. Билдингизми? Энди, буёғини эшитинг мендан.

... Эллик тўртинчи йилдамиди, ҳозир эсимда йўқ, қўриқ очиш керак, кичик-кичик, суғоришга ноқулай жойларни, кераксиз чакалакзорларни бир-бирига қўшиб кенгайтириш керак, дейдиган гаплар пайдо бўлди. Нафсиламри маъқул гап эди ўзи. Лекин «Ол-ҳа, ол!..» билан биз нима қилдик?! Ботмонлаб бўз ерлар турганда қўй-қўзиларни, сигир-бузоқларни бенасиб қилиб қанчадан-

қанча серўт яйловларни буздик, қанорлаб ҳосил берадиган ёнғоқларни, азим-туп нокларни, ўрикларни илдизига болта урдик...

— Вей, амаки, нималар деяпсиз ўзи?! — бир қўлида гўшт, бир қўлида пичоқ, важоҳат билан сўради қассоб йигит. — Уйламай-нетмай жамоатчилик жойида ҳукуматга тил тегизаяпсиз-а!

— Нима?.. Нега тил тегизарканман?!

Орага сукунат чўқди. Катта кўчадан кетма-кет ўтиб турган машиналарнинг шовқини, дарахт япроқларининг босиқ, оҳиста шовуллаши эшитилар, аммо дўкон олдидаги кичик жамоа ичидан фанг этган товуш чиқмасди. Улар гуноҳ қилиб кўйган болалардай, бир-бирларига ҳайиққаннамо қараб-қараб қўйишарди.

Ҳаммадан олдин ҳали-замон оладиган гўштлирини олиб, бир чеккада томошабиндай турган кўзойнакли чол билан дўмбоқ аёл ўзига келди. Улар нотаниш бўлсалар ҳам бир-бирларига кўпдан яқин кишилардай маъноли қараб олишди-да, сирғалибгина жўнаб қолишди. Фақат қоп кўтарган кишигина хотиржам, бошини сарак-сарак қилиб аҳён-аҳёнда унсиз кулиб қўяр, кўкрагини тўлдириб тўйиб-тўйиб нафас оларди.

— Оббо, сен-эй! — деди у ниҳоят, навбати етгач қассоб йигитга пул узатиб. — Ғўр десам, ғўрга ўхшамайсан, пишиб ўтган десам пишиб ўтганга ўхшамайсан... Топган гапингни қара-ю!.. Ҳукумат нима ўзи, биласанми? Ҳукумат — бу, мен! Ҳукумат — бу, сен! Ҳукумат — бу, биз! Қайси боши бор одам оқ сут берган онадан, ўзидан кеча олади?! Уйлаб гапириш керак... Шу дейман, ақлингни топибсану бир қўлингга болта, бир қўлингга гўшт тутибсан-да, а?! Ҳай, майли, ҳали ёшлигинг-бебошлигинг бор. Ҳарқалай, суягинг қотғудай бўлса қорнингни эмас, кўпроқ қадрингни қайғусини қилсанг, яхши эди.

У олган гўштини қўлтиғидаги қопи орасига қистирди-да, салмоқли одимлар билан автобус бекати томон кетди. Кутилмаганда суҳбатнинг бошидан охиригача бўлганлар ҳам, ярмидан илинганлар ҳам унинг орқасидан қандайдир мамнуният, илиқ меҳр билан қараб қолдилар. Фақат қассоб йигитгина ҳеч гап бўлмагандай жим турар, болтасини кундага тишлатиб, пичоқ чархлаш билан машғул эди.

— Қизиқ киши экан, — деди кимдир.

— Унақа-бунақа бўрон, довулни писанд қилмайдиган чайир қайрағочга ўхшайди-я!.. — деди Маъмуржоннинг олдидаги аёл ўгирилиб.

— Тўғри, — деди Маъмуржон гўштини ўраб олганча жўнаб кетаётган киши томондан кўзини оларкан. Олдида комбинат қаршисидаги почтада ишлайдиган хушбичим жувон турарди. — Э, сизмисиз? Салом.

— Салом, — деди жувон. Сўнг енгилгина хўрсиниш аралаш қўшиб қўйди. — Шунақа одамларни кўрсанг, яшагинг келади...

Улар кетма-кет гўшт торттирдилар. Жувон сумкачасидан тўрхалта олиб, бир қўллаб қандай жойлаштиришнинг иложини қилмай Маъмуржонга қаради. Маъмуржон қўлидаги ўроғлик гўштни портфелига шошилиб солди-да, жувонга қарашиб юборди. Бирга йўлга тушдилар. Ёмғир томчиламоқда. Дарахтлардан тўкилган оч яшил-қизғиш япроқлардан асфальт йўлка лахтақлардан қуралган қуроққа ўхшарди. У эрта ёқилган чироқлар нурида гилам-пойандоздек ял-ял товланади. Қадди-қомати таранг, кийим-бошлари ўзига ярашиб тушган жувон бежирим туфлисини асфальтга — кузнинг гилам пойандозига тақ-туқ босиб, афсоналардаги маликалардек савлат тўкиб боради. Дарвоқе, чиндан ҳам шаҳарни маликалар, шаҳзодалар босгандай. Ранго-ранг либосларга бурканган қиз-жувонлар, олифта ошиқ йигитлар товусдай товланиб, бир-бирларининг пинжиларига кирганларича одим отадилар. Гўё улар учун дунёда қоматини букувчи, юзларга ажин солувчи рўзғор ташвиши, дамларнинг ўткинчилиги бегонадай.

— Жуда уятчан экансиз, — деди жувон рўпарадан келаётган кампирни ёнлаб ўтиб. — Шунча ёнма-ён бирга йўл босибмиз-у, мундай зериктирмаслик учун гапга солай, ухаживат қилай демайсиз.

У Маъмуржонга кулиб қаради. Жувоннинг оқдан кўра қорага мойил лўппи юзи, қуюқ киприклаги даврасида қолган катта-катта йирик кўзлари нурланиб турарди. Юзларидаги мулойимлик, теран кўзларидаги илиқлик, самимийлик Маъмуржонни доводиратиб қўйди.

— Йўғ-э, унчаликмас, — деди тутилиб. — Мен... мен кўпдан шаҳарликман...

— Шаҳарликлар беҳаё бўлади, демоқчимисиз?!

— Асло! Мен бошқа маънода...

Жувон индамади. «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатри олди кечки сеансга келган томошабинлар билан гавжум. Курсиларга ўтириб олган йигит-қизлар бир-бирлари билан шивирлашадилар, сигарета тутатадилар, ўпишадилар.

— Гоҳо бахт ҳам, бахтсизлик ҳам ана шу бўсагадан бошланади. — Жувон сергажим эшикдан жуфт-жуфт бўлиб кино залга кириб кетаётганларга кўз ташлаб олди ва кутилмаганда гапни бошқа ёққа бурди. — Кечирасиз, ҳали сизга ранжитадиган гап қилдим чамаси. Аҳён-аҳёнда шунақа шайтоним кўзиб туради ўзи. Уятчан, номусли бўлишга нима етсин!

— Ҳа... — Маъмуржон сигарета тутатди.

— Айтгандай, — деди жувон тўхтаб, — оз бўлмаса эсимдан чиқай депти. Қайси кунни юборган пулингиз қайтиб келди.

— Қачон?! Қанақа пул?! — ҳайрон бўлди Маъмуржон.

— Почтадан юборган пулингиз. Отангизгамиди, бобонгизгамиди?..

— Нега қайтади?! Адресни аниқ ёзгандим шекилли. Ё...

— Қўрқманг, олишмапти.

— Нега олишмас экан?!

— Уни билмадим. Эртага почтага кириб, пулингизни қайтариб олинг. Хўп, хайр. Ўйши ҳамроҳ экансиз...

— Хайр...

Маъмуржон бўшашди. У шу лаҳзада ўзининг анчайин ожиз: бобосидек дунёга бардам қаролмаслигини, қоп кўтарган кишидек мустақил, лоақал ҳозиргина кетган жувончалик самимий эмаслигини ҳис қилди.

2

Қоп кўтарган киши билан кўзлари шаҳло жувон ҳақида ўйлаб, ухлаб қолган Маъмуржон кеч уйғонди. Одати бўйича ички, энгил кийимда пешайвонга чиқди. Кўп қаватли иморатларнинг пешайвони тор бўлади. Ёнламосига битта қаравот қўйилса сиғмайди. Шунинг учун ҳам оғиз тўлдириб «пешайвон» деб ўтирмадан одат тусига кирган бир оғиз сўз билан, яъни «балкон» деб атаб қўяқолган маъқул. Негаки, «пешайвон» дегани «олди очиқ уй, росмана бир хона» дегани. Хуллас, қиёс қилишга ўрин йўқ: пешайвон билан балконнинг орасида осмон билан ерчалик фарқ бор. Лекин Маъмуржонлар балконининг олди очиқ эмас. Кўчиб келганлари ҳамона Чиннихоннинг зўри, қайнонаси Ойша бибининг фотиҳаси билан яхшигина уста топиб, сўраган пулини бериб ром қилдиришган. Ром бино тусидаги бўёқ билан бўялиб, кўзларига ойналар солиниб, ичкаридан қаралса, бутун ташқари кўринадиган юпқа сарғиш матодан пардалар тутилганки, бу билан бошқаларнинг аксари кир-чир осифлиқ турадиган балконларидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уни кичик бир хона деса ҳам, тўғрироғи, саранжом оилаларда учрайдиган, рўзғор учун майда-чуйда қўйиладиган омборхона деса ҳам бўлади.

Балконда бир одам зўрға юрса бўладиган учта тор йўлак бор. Бири устма-уст тахланган ун, гуруч, сабзи, пиёз томон бошласа, иккинчиси бутуни тагига, заха бўлгани, яра-чақалари устига тахланган қовун-тарвуз, оқ ёғ, пахта ёғи билан тўлдирилган флягалар ёнига етаклайди. Бетоқи, силлиқ ганчли шип ҳам бўш эмас. Миҳ отар тўппонча билан темир илгаклар ўрнатилиб, қази, норинга, мантига ишлатиладиган бойлам-бойлам оқ пиёз, сур гўштар осиб қўйилган. Йўлакларнинг энг кўримлиси учинчисидир. Бу йўлак орқали ромнинг пардалари, деразалари очиб, ёпилади. Яна бир афзаллиги — кичик бир курсича қўйиб олиб, чекиб, маза қилиб атрофни кузатиш мумкин.

Ҳали уйқуси ўчмаган Маъмуржон келиб, пардани тортди. Учқунлари йирик-йирик, сийрак қор ёғарди. Биринчи қор. Маъмуржон қишда туғилган. Одатда биринчи қор қувонч бағишлайди: кексалар, «кўрсатганинга шукр, оқ юзингдан ўргилай», деб қор учқунларини кўзларига суртишади, ёш-яланглар, ёру дўстлар бир-бирларига «Қор хат» ёзишиб, зиёфатлар уюштиришади, гурунг қилишади.

Бу йилги биринчи қор Маъмуржонни хушнуд этмади, эти жунжикди.

У хонасига кириб, елкасига тўнини ташлаб чиқди-да, япаски курсичага оғир чўкаркан, сигарета тутатди. Тўққиз қаватли иморатнинг энг тепа қаватидан атрофга назар ташлаш қандай ажойиб! Қор... Қиш уйқуси олдидан мудроқ босган ярим яланғоч дарахтларнинг таналарида қор, юраклари жунбушга келган йигит-қизларнинг лов-лов ёнаётган яноқларида қор, қор гаши сайилга ундаган қарияларнинг қор янглиғ киприкларида қор...

Маъмуржон балкони деразасини ланг очганча тўнига ўраниб, қунушибгина ўтирибди. Қўлида ярмигача ёнган сигарет. Ундан ўрлаётган тутун тонгнинг ажиб тиниқлигига қўшилолмаётгандек ҳалқаланиб, буралаб тўлғанади. «Бобом мен юборган пулни нега олмадийкин?! Нимадандир аччиғи чиққан. Ё касалмикан?.. Йўғ-э, яқинда Карим дўбирнинг ўғли Жўра полвонни учратгандим, «михдай юришибди» деб айтганди-ку... Ҳарқалай... Бориш керак!..»

У ота юзини кўрмади. Отаси урушга кетганида ҳали хирмон қилинмаган, бошоғидан ажратилмаган дондайн гап эди. Содиқ ўнбошидан хабар келмай-келмай, беш ой деганда тумордеккина хат келди. У йўлда бомбардимонга учраб, оғир ярадор бўлганини, касалхонада ётганини ёзиб, қолдириб келган «уруғини» унган-унмаганини сўрабди. Бу орада Маъмуржон ёруғ дунё юзини кўрган, чуваккина бола катталар қатори уруш ташвишини тортиб, эртадан-кечгача оч-наҳор юрадиган онасининг кўкрагини чўзгилаб ётарди.

Уйдагилар Содиқ ўнбошига: «Ўғил!», «Ўғил муборак бўлсин!» деб ёзиб юборишди. Қайси йигит фарзанд кўрса, хусусан, ўғиллик бўлса қувонмайди?! Кўп ўтмай Содиқ ўнбошидан ҳам қувончли хат, хат билан суврат келди. Уша хат ҳозиргача Каромат холанинг сандиғида сақланади. Жумладан, унда шундай сатрлар бор:

«...Ўғил кўрганлигимдан хабар топиб, бошим осмонга етди. Белимга қувват, кўзимга нур бўлди у. У менинг кўнглимда, мен билан жанг қилаётир. Уруш — жаҳаннамнинг ўзи... Осмон қип-қизил, ер қип-қизил... Истагим: агар исм қўймаган бўлсанглар, Маъмур бўлсин! Демокчиманки, ер ҳеч қачон қон ичмасин, тўйиб-тўйиб сув ичсин... Сув маъмур бўлсин! Одам боласини бунчалик ваҳший деб билмасдим... Ваҳшийлик битсин, одамийлик маъмур бўлсин. Агар Маъмур деб исм қўйсанглар, Маъмурим номардга бош эгмайдиган йигит бўлиб ўссин, маъмурчилик, тинчлик учун яшасин!

Биз енгамиз!...»

Содиқ ўнбоши урушдан қайтмади.

Етимнинг кими кўп — ота-онаси кўп.

Таскин-тасаллилар, юпатишлар — етимнинг насибаси...

Маъмуржон Эшботирга боришга қатъий қарор қилиб, приёмникни қўйди-да, соқол-мўйлов олишга тутинди. «Ёлғиз» куйи тараларди. Қулоқ сола бошлади. Назарида девор соатининг «чиқ-чиқ»и тинди, даҳан ва иякларини сийпалаётган электр устаранинг «ғир-ғир»и тинди. Най, ғижжак ташқарида поч-поч очилган бодироқдай ёғилаётган қор учқунларининг ичини қизитар, танбур бўлса:

**Совуқ симлар деманг торим; куйи бор, озори бор,
Тирикларнинг тирикликда кузи бор, баҳори бор... —**

деяётгандек. Чилдирма аҳён-аҳёнда: «Шундай... Шундай...» дегандек «Так-тум, так-тум» қилиб қўярди.

Эшикни ташқаридан очиб кирган Ойша биби куёвининг туриш-турмушини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Маъмуржон бир қўлида электр устара, бир қўлини тиззасига қўйганча курсида ҳайкалдай қотиб ўтирарди. «Бу нима ўтириш! Тавба! Эламас касали бор-йўқлигини шу пайтгача билмагандим. Ё?.. Худо кўрсатмасин...»

— Ҳай, сизга нима бўлди?!

Маъмуржон чўчиб, бошини кўтарди, қўлидан электр устара тўп этиб полга тушди. У азиз бир нарсасини йўқотиб қўйгандек атрофга аланг-жалаң қаради. Олдида кўзлари ола-кула, дастурхонга ўроғлиқ тоғарасини омонат ушлаганча қайнонаси турарди.

— Ўзим, шундай... — деди Маъмуржон хижолат чекиб. — Далага, уйдагиларнинг олдига бормоқчи эдим.

— Дала!.. Уйдагилар!.. Вой ўлмасам, эс-ҳушингизни йиғинг бундай?!

— Эс-ҳушим... жойида. Далага бормоқчиман.

Ойша биби шошиб бориб приёмникни ўчирди, қўлидаги тоғорасини ғижим духоба ёпилган думалоқ стол устига қўйди-да, ошхонага қараб йўрғалади. «Оббо, — деди Маъмуржон эзилиб. — Бу еб тўймас қаёқданам пайдо бўлиб қолди?! Э, расво-я!.. Энди нима деб ўйлайди?.. Узи нима қилди? Куй ҳам шунчалик одамнинг ҳушини оладими?!»

* * *

Йўқчиликнинг ҳам йўли, йўриғи бўлади. Муҳтожлик, маҳорабалар, ўзаро низодар, оилавий жанжаллар, бўлинмайдиган ер учун давлатлар ўртасидаги ихтилофлар эркак зотини сондан, саноқдан чиқарса, аёл зотини йўлдан, имондан оздиради.

Ойша бибининг оёқ узатиб ўлгиси келмади.

Етимхонада ўсган етим қиз ўзидек етим йигитга турмушга чиққан, Ўшнинг чекка, тоққа яқин Булоқбоши қишлоғида яшашарди. Эри қадди-қомати келишган, икки елкасига икки тегирмон тошини қўйса кўтарадиган, қора кўз, қора қош, хуллас, эр деса эрдек, кўр деса кўргудек йигит эди. Чўпон. Колхоз фермасида соғувчилик қиладиган хотини, ҳуснда тенгсиз Ойшахоҳни қўярга жой тополмасди: оқ ўтов тикиб оқ юзини кўрарди, кўк ўтов тикиб кўнгил сўрарди.

— Ойша, — деди бир куни йигит чўпон таёғини ташқарида қолдирмай кўтариб кириб, ёнига суяб қўяркан. — Сени яхши кўраман, сени қизғанаман!..

— Намунча, — деди Ойша кулиб, юзининг оқи оқ, қизили-қизил бўлиб.

— Сени қизғанаман...

— Намунча, — деди яна Ойша қоядай адл эрининг бағрида балиқдай ййнаб.

— Отанг йўқ, отанга ишонсам... Онанг йўқ, онанга ишонсам...

— Сиз борсиз, — деди Ойша эрининг қучоғига сингиб.

— Мен... Мени сенга кўп кўрса-чи, худо!

— Гапирманг!..

Йигит сукутга чўмди. У баланд-баланд тоғ чўққиларига, тоғ бағридаги арчаларга, ундан пастроқда чумолидек ёйилиб, ўтлаб юрган қўй-қўйиларга, ёнидаги таёғига энди ҳеч қачон кўролмайдигандек очиқиб кўз ташлар, хотинини яна маҳкамроқ бағрига босарди.

— Офтобдан қизғанаман, сени!..

— Офтобга тик боқмайман...

— Ойдан қизғанаман сени!..

— Сизсиз ойдинга чиқмайман...

— Шамолдан қизғанаман сени!..

— Шамолдан четда юраман...

Эрининг эркалаларидан эриб кетган Ойша тўсатдан қотди: «Намунча... Нега бунақа деёттибди?!» Унинг ҳозиргина еру осмонни остин-устун кўраётган кўзлари олдини туман босди, иссиқ вужуди бўшашди, совуқ тер чиқди:

— Нега бунақа деёттибсиз?!

— Уруш... Немислар уруш бошлапти. Эртами-кеч сени ташлаб кетаман...

Етим камдан-кам йиғлайди. Бундан турмушнинг тутуми йўқ ғалвалари унинг бошида кўпроқ кечган, диди-дийдасининг қаттиқлиги шундан, деб хулоса чиқармаслик керак. Ота-оналилар, хешу-ақраболилар ота-оналиларнинг, ёру биродарларининг ўзи бўлмаса соясига суянадилар. Етим-чи?! Етим етдим деганда ўзига, ёлғизлигига етади. Нима қилсин! Буни билади у. Шунинг учун ҳам атрофи кўтарма қилиб кўтарилган сунъий кўлнинг сувидек қалқиб туради, тошса ёмон тошади...

Ойшахоҳ йиғлаб юборди. Пиқиллаб йиғлади, ҳўнграб йиғлади... Ўксиб-ўксиб йиғлади. Нега йиғламасин?! Топдим деганда топгани, кўрдим деганда кўргани, ота ўринда ота, она ўрнида она, бирдан-бир суянчиғи кетмоқдайди. Усиз ҳар куни оқариб отадиган тонглар яна отармикин, қиш ойлари қорга, баҳору ёзда турфа гулларга беланиб турадиган яйловлар қандай бўлса шундай ётармикин!.. Усиз..

— Кетманг!.. Мени ташлаб кетманг!..

— Иложим йўқ, — деди йигит гавдасига ярашмаган алфозда қулт этиб ютиниб. — Юрдан четда қололмайман...

— Мен нима қиламан?

— Кутасан... Кутасанми, а?

— Ҳа, ҳа, кутаман... Кўзимни тўрт қилиб кутаман... Кўнглимни бут қилиб кутаман...

Ойшанинг кўзёшлари йигит кўксини шалаббо қилди. Бу ёшлар топдим деганда топарини олдирган, ёлғизликдан яна ўксиб, ўкиниб қолаётган етимнинг кўзёшлари эди. Йигит ҳам бардош беролмади, Унинг қоядек улкан қадди қалқиб кетди, кўзларидан бир жуфт юлдуз тўкилгандай эди.

Ҳафта ўтмай улар хайрлашдилар. Бу хайрлашув уруш туфайли вайрон этилган муҳаббат кошонаси билан хайрлашув эди.

Йигит шу кетганча дом-дараксиз кетди, Ойша тақдирнинг аёвсиз гирдобиде қолди...

Қиз — ёввойи гулдай гап. У қанчалик кўзга яқин бўлмасин, тикони, тиконли бачкилари борки, ҳар қандай кимсани эҳтиёт билан ёндашишга мажбур қилади. Жувон, хусусан бева қолган жувон — қайчи теккан, қомати расоланган гулга ўхшайди. Унга қаровчилар, ҳидлашга орзумандлар кўп топилади. Ҳар қалай, бундай гулларни бевақт сўлиб, хазон бўлишдан эҳтиросли илтифотлар асрайди.

Шундай илтифотга Ойша ҳам беихтиёр мойиллик билдирди. Бу илтифот уруш бошланмасдан бир ой бурун, ўзининг айтишича, хашак майдалаётиб ўнг қўлининг бармоғини жодиде олдирган ферма мудиридан бўлди. Бир-икки ҳол сўради, ачинди; бир-икки кўнгил сўраб, қийиқчасиде гўшт-ёғ кўтариб кирди; бир-икки ёлғизлик ёмон нарса, киши дардини олади, деб қимиз, қимизга қўшиб арақ ичирди... ичирди...

Шундай қилиб Ойшанинг ҳуснда ойлиги, кўнгли бўшлиқда оқар сойлиги қишлоққа аён бўлди. Қўлини жодиде олдириб, аттанг, шундай касофатга йўлиқмаганимде ёр-биродарлар билан жанг қилиб юрардим, дейдиган ферма мудирю бошқа қаланғи-қасанғилар тунлари деворни наҳра қилиб тушиб, эшикдан силлиқ чиқардилар. Бева қолган хотин-халаж, ёш-яланг, қари-қартанг ундан юз бурди.

Ойша бир сидра энгил-бошини бўхча қилиб кўтарганча Фарғонага қочди. Энди у нима ҳам қила оларди?! Кўп кунлари, тунларини кундузи одам ёримайдиган чойхоналарнинг хосхоналарида ўтказди. Ойни этак билан ёпиш мумкинмас. Бу ердан ҳам мусуво бўлди. Қочди. Ёши ўтган провонникка илашиб Тошкентга келди. Бу ерда у катта хонадоннинг бекаси, маҳалланинг эса қўли гул, суҳбати ширин, тақводор келинчаги бўлиб олди.

* * *

— Ҳай, айланай, бу нима қилиқ? — деди Ойша биби қўлидаги бир пиёла қайнаган сувни узатиб. — Ичинг, ўзингизни босинг!

— Хавотирланманг, алаҳлаётганим йўқ, — деди Маъмуржон. — Далага, онамларнинг олдига бориб келмоқчиман.

— Ҳим... Чиннингиз хат қолдирган экан.

— Қанақа хат?

— Уқиб кўринг.

Маъмуржон хатни Ойша бибининг қўлидан олиб, ўқий бошлади:

«Жоним, — деб ёзган эди хотини. — Холодильникда тухум бор. Уч-тўрттасини товада ёғ қиздириб, қовуриб енг. Яна дам олиш куним деб ҳаммасини паққос туширманг (Ҳазил!) Биласиз, бозор куни дўконда савдо қизийди. Мен кечроқ қайтаман. Айтгандай, сешанба куни қизингизни туғилган куни. Раҳбарларимни, касбдошларимни тақлиф қилиб қўйганман. Бозорни каттароқ қилишингизга тўғри келади. Пулингиз камлик қилса, ясағлиқ уйдаги ишла-тилмайдиган тўшакнинг қатида пул бор. Олинг-да, Эски шаҳардан ёғ-гўшт, мева-чева, ГУМнинг продтоваридан коньяк, шампан харид қилинг! Чиннингиз».

— Нима депти? — сўради Ойша биби.

— Шундай... Салом хат.

— Ҳа, эр-хотин — қўш ҳўкиз...

«Ана холос, «ҳўкиз» ҳам бўлиб қолибмиз. Демак, Раҳмат, Пўлатлар билан

қишлоқда кўча чангитиб юрган пайтимиз «той» эканмиз-да. Қандай даврлар эди-я... Энди бўлса, бўйнига бўйинтуруқ солинган «хўкиз»...»

Маъмуржон пишқириб электр устарасини жойига қўйди.

3

Сўқмоқ йўл бўйлаб уч ўспирин тушиб келарди. Уччаласи ҳам қишлоқ шароитига ёпишмайдиган оқ сурп кўйлак, тринка шим, брезент туфли кийиб олишган. Кийим-бошларининг бир хиллигини, қўлтиқларига қистириб олган юпқа картон папкаларини ҳисобга олмаганда, учаласи ҳам бир-бирининг акси. Бири новча, қотмадан келган, буғдойранг юзини седана сепилгандек хол босган, пешонаси тириш ўспирин. Афтидан ўта ҳазилкаш, ўта тажанг табиатли эканлиги сезилиб туради. Иккинчиси — шу тенги бўлиб, тўладан келган, занжи қиёфа, йирик кўзларининг йилтиллаб туришини айтмаганда босиқ, кўнгилчан кўринади. Учтинчиси тамоман буларга ўхшамайди. Ҳамроҳларига қараганда бўйи паст, думалоқ, сарғиш қош-киприкли, лўппи юзини ўқра, яъни эрта келган йигитликнинг ҳуснбузарлари қоплаган ўспирин. Кўринишидан ичимдагини топ дейдиганлардан, писмиқ.

— Шундай қилиб, оғайнилар, хайр, болалик, хайр, жонажон қишлоқми? — тор пешонасини тириштириб деди қотмадан келган биринчи ўспирин.

Учаласи беихтиёр орқаларида, тепаликда қолаётган уйларига қараб олишди.

— Хайрмиш, — деди минғирлаб, курак тишлари орасидан чирт этиб тупураркан малла, думалоқ ўспирин. — Олдин ўқишга киринг, кейин болалик билан хайрлашиш қочмайди.

— Раҳмат сўпи «Боғаро»ни ваданг қўйиб, истаган институтларига кириб кета берадилар, — луқма ташлади занжи башара ўспирин кўзлари йилтиллаб.

— Кираман ҳам, — гердайиб жавоб қилди Раҳмат. Ошкор-ноошкор ашула айтиб туришига, овозининг ингичкалигига қараб ўртоқлари унга «сўпи» лақабини қўйишганди. — Пўлат ғалатига ўхшаб ўқитувчи бирон нарсани сўраса мум тишлаб ўтирадиганлардан эмасман. Билетни қўлимга олдимми, билсам-билсам сайрайман.

— Сайрармишлар, — пичинг қилди малла ўспирин, — сизни жа сайратиб қўяр...

— Ишқилиб, сўпи ошнам, паттангиз қўлингизга тегиб, Эшботирдаги мен сайрайдиган бедапоя қайдайкин, деб қолмасангиз бас.

— Бэ, ғалати-ғалати гапларни қиласан-а, Пўлат, нима қилганда ҳам кимсан Зойир ғалатининг ўғлисан, — ҳазил-мутойибани йиғиштириб, жиддий гапира бошлади Раҳмат сўпи. — Эшитишимча, институтларда қишлоқлардан келганларга конкурс йўқ эмиш. Хўш, десанг, сен билан мен кирмай ким қиради? Эй, сен бу «ғалати»га тушунтирсанг-чи, Маъмур бемалол!

Унар-унмасга кулавермайдиган Маъмур аталмиш малла ўспирин тиззасига уриб қотиб қолди.

— Ҳа, нимага куласан?!

— Қишлоқданмиш... Қишлоқнинг шаҳарнинг биқинида-ку!

— Нима бўпти?! Қаерда бўлмасин қишлоқ-да!

— Оббо, сўпи-ей, шунақа дегин, — гапга аралашди Пўлат ғалати, — Бу, бўлган гап. Қирқ йил поездда проводниклик қилиб пенсияга чиққан Эгамберди амакининг ўз оғзидан эшитганман.

Бундан ўттиз йил бурун, ҳалиги синфдошимиз Қоровой бор-ку, ўшанинг бобоси нима юмуш биландир Эгамберди амакига ҳамроҳ бўлиб қолибди. Поезд оқшом пайти Сирдарёга кириб борибди. Бояги одам қараса, темир йўл ёнида бекат назоратчиларининг бошпаналари-ю, атроф кета-кетган саҳромиш. «Эгамберди, Эгамберди», депти ўша одам, Эгамберди амаки «ҳа» депти. Ҳа, деса, атрофга анг-танг қараб туриб, «Шу жойлар ҳам Советга қарайдими?» дермиш. «Ҳа» депти. Ҳа, деса, «Вой-бў, Совет жа катта экан-ку!» деган экан...

Раҳмат сўпи ҳам ўша кишининг гапини қилди. Қишлоқ деганда марказдан четдаги областларни тушуниш керак. Э, каллаварам сўпи ошнам, мезанингиздан нарироқни ҳам кўриб қўйинг!

— Бўлди, — деди Раҳмат сўпи, — қачон қараса, ғалати гапларни топиб юрасан.

Улар сўқмоқдан эниб, арава, машиналарнинг ғилдираклари зарбидан чуқурлашган, тупроғи билқиллаб ётган кўча ёнбошидаги йўлга ўтдилар. Атроф чакалакзор. Итбурунлар, чангаллар орасида эзилиб, япаски бўлиб ўсган наъма-так мевалари ёқутдек товланади. Дим ҳаводан лоҳасланган чирчирлар чангалдан-чангалга кўчиб чириллашади, тунда бўрсиқ ва тулкилар кавлаган тупроқ уюми устида чумолилар уймалашади.

— Ғалати, оёғингни кўтариб бос, ҳаммаёқни чанг қилаётибсан, — деди Пўлатнинг орқасидан бораётган Раҳмат, — яна бу оқ кўйлақлар темир йўлга чиқмасимиздан хирмон совурувчиларининг жомакорига айланмасин.

— Оббо, олифта сўпи-эй, ундан кўра мени бетаҳорат қилаётибсан, деб кўяқол, — жавоб қилди Пўлат ғалати.

Маъмур бемалол курак тишлари орасидан чирт этиб тупурди.

Чангалзор ортада қолди. Ён пайкалларга бодринг, помидор экилган бўлиб, меваси ғарқ пишиб ётарди. Нариди қўлларида пақир, рўмолларини пешоналаригача тушириб олган хотин-халажлар бодринг теришарди. Кўчанинг икки томони эса, бир-бирига шох ташлаган ўрикзор. Буваки, кўкпар, қантак ўриклар тагига тўкилиб ётибди. Олди туршак бўлган.

— Оғайнилар, ўрикхўрликка! — қичқирди Раҳмат сўпи.

Ўспиринлар тўкилиб ётган ўриклардан ҳовучларини тўлдириб, ариқ бўйига чўнқайиб ўтирганларича ўрикхўрлик қила бошладилар.

— Қантакиси қантдек...

— Бувакиси болдек...

— Ош бўлсин, — деди ёндан биров, ўспиринлар энди ўрикнинг мақтовига тушганларида. — Айтганларинг рост. Қишлоғимизнинг бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди.

Бу ўнбоши Карим дўбирнинг салмоқли овози эди. У ўспиринларнинг тепасига келиб помидор, бодринг пайкалларини оралай берганидан кўкариб, қўнғир тусини ўзгартирган брезент этигини қўлидаги хипчини билан чирт-чирт этказиб уриб турарди.

Ўспиринлар ўринларидан туришиб, салом беришди. Дўбир алик олди.

— Жа, пўрим бўлиб олибсанлар, — деди у дўлвор табиатига ярашмайдиган жиддий қиёфага кириб. — Нима, куёв бўлгиларинг келиб қолдими?

— Йўқ, Дўбир амаки, ўқишга кирмоқчимиз, — жавоб қилди ўспиринларлар бурроси Раҳмат.

— Қанақа ўқишга?

— Ўқишдақа ўқишга-да! Шаҳарга борайлик, дуч келганига кириб кета берамиз.

— И-я, буниси қандай бўлди?! Гапларинг қизиқ-ку! Ҳарф таниш-танимаслигини билмайман-у, Самад бувага ўхшаб қуруқ қори бўлмаларинг яна! Ё инженер бўл, ё ўқитувчи... Раз уйдан чиқиб, бир ишнинг этагидан тутаман, дедингми, тамом, гатоп қил, маладес бўлиб қайт!

— Биз Самад бувага ўхшамасмиз... — қовоғини уйиб, тескари қаради Маъмуржон.

— Сенларни Самад бувага ўхшаларинг демоқчи эмасман, — негадир тез ва баланд овозда деди Карим дўбир. — Шунчалик айтдим-қўйдим-да! Хўш, Самад бувага ўхшасаларинг нима бўпти? Унга ҳавас қилса арзийди. Ман-ман деган мол дўхтир, олим олдига қуллуқ қилиб келади. Билсаларинг, туғилган бузоқнинг овозидан, кўрмасдан туриб урғочи ё эркаклигини, катта бўлганида кунига қанча пақирдан сут бериши-ю, неча юз кило гўшт қилишини айтиб беради у. Айтган ғазалларини эшитсанг!..

Улар жим қолишди. Чамаси ўспиринлар Самад бува ҳақида ўйлашарди. Самад бува тўқсонларни қоралаб қолган, қорачадан келган, қотма; узоқ йиллар жаҳонгашталиқ қилиб кўпни кўрган, кўп нарсани уққан, сўзамол бир чол эди. Ўзи ҳам қишлоқда яқинда пайдо бўлиб қолганди. Дўбирнинг Самад бува ҳақида илиқ, меҳр билан айтган гаплари ўспиринларни қизиқтириб қолди.

— Э, шунақами? — сўради Раҳмат.

— Шунақа, — жавоб қилди ғўлабир гавдасини ғоз тутиб Дўбир. — Ўқи-

ганларинг-ку, яхши-я, оқ-қорани танийсанлар... Лекин, шу дейман, ўзим ўқитиб қўяқолсам қандай бўларкин сенларни?

— Сиз-а? — кулиб юборди жарангдор овозини яна ҳам жаранглатиб Раҳмат сўпи.

— Нима қипти, ўқитиш қўлимдан келмасаканми?

— Келади, — четга чирт этиб тупурди Маъмуржон, — Дўбир амаким увот чопишу бодрингни қандай теришдан дарс берадилар.

— Тўғри айтасан. Жуда тўғри айтасан. Худди шу хунарни бобонгдан, менга қараганда ерга меҳрлироқ дўстим отангдан ўргандим. Ҳозир бошқаларга ўргатаётибман, ўнбошиман!

Карим Дўбир офтобда кўм-кўк палаги яна ҳам товланаётган бодринг полизга, Улоқтепада ўтлаб юрган қўй-қўзиларга кўз ташларкан, оҳиста энтикди. Кейин, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандек қанчалик оҳиста энтиккан бўлса, шунчалик оҳиста пичирлади:

**Қизни ўқитсанг, ўчоқни ким ёқади,
Болани ўқитсанг, отани ким боқади!..**

Унинг шивирлаб айтган бу гапларини ўз хаёллари билан банд ўспиринлар илғаб олишолмади. Улар ўрта мактабни битирганликлари ҳақидаги гувоҳнома, справкалар солинган папкаларини қўлтиқларига қистирганларича жим туришарди.

— Хўп, бўлмаса, — деди Карим дўбир бармоқлари йўғон, қадоқ босган қўлини ҳамқишлоқларига узатаркан, — раз ўқишга аҳд қилдингларми, яхши ўқинглар! Омадларингни берсин!

— Хўп бўлади, Дўбир амаки...

Улар автобус йўлида машина кутиб узоқ туриб қолдилар. «Янгийўл — Тошкент» автобуси одам тирбандлигидан тўхтамас, ташкилотларнинг бор-йўқ кучини урушда қолдириб қайтган юк машиналари бўлса, бўш эканлигига қарамай, тўхтаи деса қайта юролмайдигандай орқасидан кўкиш тутун чиқариб вариллаганча ўтиб кетарди. Бекатдагиларнинг аксари бозорчилар. Тахтаси кимлар томондандир суғуриб олинган ўриндиқнинг дастагига қоп-қоп олмами, бодрингни суяб қўйилган. Юзи эски рўмол, қийиқча билан танғилган пақирлар тўла шафтоли, ўрик, олхўри... Обкашларини елкаларига осиб олган эгаларинини устида тургандай безовталанади. Нима ҳам қилсин, шафтоли пақирда бир соат туриб қолса, димиқиб қораяди, помидор лиққо бўлиб қолади.

— Ана холос, ўқишимиз бошланди, — деди Пўлат қора мунчоқдек кўзларини йилтиллади йўлга қараркан.

— Ижарага уй оламиз, — тўнғиллади Маъмуржон.

— Вой-вой, вой-вой... Оёқлари толиққандир, а? Мана, ижарага олинган уй, шинамгина; ана, сим каравот, ётинг, ҳордигингизни чиқаринг! — Раҳматнинг пешонаси тиришиб, тижанглиги ошди. — Ошнагинамнинг кўнгилгинасидан ўргилдим-а! Яна нималарни тусамайди? Нима, шаҳар сенга Эшботирнинг чорбоғими, истаган дарахт тагида ёнбошлаб мизғиб оладиган? Олдин ўқишга кир!

— Бўлди!..

— Бўлдиммиш...

— Вақт пешиндан ошди, шу туришда турсак кечгача тураверамиз, — билиб-билмай совуёзган суҳбатга ўт ташлади Пўлат.

— Вей, мен сен каллаварамларга айтдим, — яна қизишди Раҳмат, — аҳмоқ бўлиб машина кутиб ўтирмайлик, дедим. Поезд йўлидан гурунглашиб бораверсак, ҳаш-паш дегунча шаҳар автобуси буриладиган жойгача етиб оламиз, дедим!

— Ҳали ҳам шундай қилайлик?!

Улар шундай қилишадиган бўлишди.

Шу куни маълумотлари ҳақидаги гувоҳномани, қишлоқ Советидан берилган справка билан қовоқларини уюб тушган учу тўрт ҳажмдаги суратларини Тўқимачилик институтига топширганликларини билдирувчи бир парча қоғозни чўнтакларига солиб, ярим кеча деганда уйларига қайтдилар.

Кириш имтиҳонларига тайёргарлик қизғин бошланди: эрта тонгда туриб одатдагидай мол-ҳолга қараш, чой учун сув келтириш, ўтин қилиш сингари

ишлар бутунлай йиғиштирилди. Уйдагиларнинг ҳам юриш-туришлари ўзгариб қолган: ўқишга кираётиб, тўсатдан катта одам бўлиб қолгандек кўринган фарзандларининг хаёлини бузмаслик учун бир-бирлари билан шивирлашиб гаплашишади. Дастурхоннинг тўри, овқатнинг гули уларники. Улар эса, эрталаб нонушта қилганларидан кейин, девор-дармиён қўшни бўлсалар ҳам бир-бирларини хуштак билан қақришиб, бўз халталарга керак-нокерак китоб, дафтарларни соладилар-да, гўё кенг ҳовли торлик қилаётгандек, Қорасув ёқасига йўл оладилар.

Оғайниларни анҳор бўйида тутнингми, толнингми тагида ўтиришларини кўрсангиз! Ярим ялангоч; сочиқ гоҳ белларида белбоғ ўрнида боғлоғлик, гоҳ бошларида салла... Атрофларида китоб-дафтар очилган, шабадада варақланиб ётади. Э-ҳэ, шунчалар илмга мук тушганларки, олдиларидан бола-чақа, таниш-нотанишнинг яқинлаб ўтиши у ёқда турсин, ҳатто осмонда учиб келаётган қуш ҳам буларни кўриб четлаб ўтади. Уззу кун мук тушиб дарс тайёрлашнинг ўзи бўладими?! Гоҳо Пўлат ғалати сув ичишга келган ариларнинг асаларими, ёввойими эканлигидан баҳс очади, Раҳмат сўпи эса дўпписини яримта қилиб «Бир боқишдан ақлим олган нозли жононим ўзинг» деб бошланадиган ашулани ваданг кўйиб қолади. Кўнгилларини ёзишади...

Биринчи имтиҳон физикадан бўлди. Учаласининг афтидан қўрқаётганликлари, юраклари пўкиллаётганлиги шундайгина кўриниб туради.

— Кушхонага ҳайдаб келинган бузоқлардек нимага қалтирайсанлар? — деди, студент бўлса керак, билагига қизил латта боғлаган йигит мулойимлик билан. — Қўрқмаларинг, мактабда ўқиганларингдан ортиқча нарса сўрашмайди.

Домлалар келиши билан ютаман деб турган залга абитуриентлар таклиф қилинди. Навбатчи йигит-қизларнинг қистови, юпатиши билан уч оғайни эшботирликлар залга қандай кирганликларини билмай қолдилар. Билет олиб ўтиришгандан кейин Раҳмат сўпи Пўлат ғалати билан, Пўлат ғалати Маъмур индамас билан унсизгина кўз уриштириб олишди. Гўё осмон қулаб юлдуз-пулдузи билан бошларига тушадигандай, ер тарсса ёриладигандай...

Биринчи бўлиб Маъмуржон имтиҳон топшириб чиқди. Унинг оқ-сарик юзига қизиллик югурган. Баҳоси — «яхши». Қани, ўртоқлари ҳам тез чиқиша қолса-ю, Эшботирнинг чанг кўчаси бўйлаб гердайиб одим отса, Карим дўбир билан ҳорма-бор бўл қилишса!

У ўзи билан ўзи бўлиб, ич-ичидан қувониб турганда эшик ғийқ этиб очилиб, йўлакда Пўлат ғалати кўринди.

— «Уч» — деди бўшашиб, — Қолганларини ҳам «уч»га топширсанг, ўтишинг мумкин, дейишди.

Раҳмат сўпи икки олиб чиқди.

— Нима савол тушди, ўзи? — юрак ютиб сўради Пўлат йўлда келишаётганида.

— Э, — деди Раҳмат сўпи, — ҳаммасини онасини!..

— Аччиқланишдан нима фойда, бошинг туйнукдан чиқиб кетаётибдими, келаси йили қайта келасан-қўясан? — катталардек ўртоғига тасалли берган бўлди Маъмуржон.

— Нима бало, домланинг олдига ўтиришинг билан сайроғингни унутдингми? — ҳазиллашди Пўлат ғалати.

— Ўзи арзимаган савол, — кекирдагини чўзди Раҳмат сўпи. — «Кўз оптик асбоб». Нима деган гап! Сайрадим. Кўз дедим, тўрт мучани бир мукамал аппарат, десак, унинг энг султони, ёруғ дунёнинг ёруғлигини намойиш қиладигани дедим. Тўғрими, ахир?!

— Тўғри, — деди Пўлат ғалати ичидан тошиб келаётган кулгисини лабларини тишлаш билан зўрға босаркан.

— Ҳа, яша! Ўзим ҳам шундай сайраб кетдим дегин, домла демаганинг кўзойнагини кўзидан олиб, бу дунёда бордек-йўқдек ўтирди. Хўш, дедим, қора, кўк, шахло, қисик, яна сўқир, ғилай кўзлар бўлади, дедим. Домла «Бўлди!» деди томоғи қирилиб.

— Шунақа дедими? — сўради Маъмуржон қизариб-бўртиб.

— Ҳа-да! Бопладим, қолган саволлар ҳақида оғиз ҳам очмайди, деб ўтиргандим, домла: «Баҳойингиз икки, боринг!» деса бўладими?! Нима гап ўзи

деб бундай қарасам, бир кўзи ғилай экан. Унинг ғилайлигини қаёқдан билиб ўтирибман?! Шундай қилиб, ўзимга ўзим қилдим...

— Кўзнинг физик хусусиятини айтмабсан-ку?!

— Энди бошлагандим, ҳали унга келмагандим...

Кўнгилнинг йўли, йўриғи кўп. Унга етиш ҳам, етмаслик ҳам мумкин. Ҳар қалай, шу куни улар уйларига эсон-омон етиб келишди.

4

Ғалати... Сўпи...

Маъмуржон хўрсинди, Кейин, ичидан қўйилиб келаётган кулгисини босолмай аввал силкиниб-қиқирлаб, сўнгра эса қотиб-қотиб кула бошлади.

— Ҳай, сизга нима бўлди?!

Газ печкада пахта мойи чучир-чучимас чақалоқнинг кафтидек келадиган картошка перашкаларни қиздириб олаётган Ойша биби ошхонадан чиқди: «Ё тавба, — ўйлади у, қорнини чангаллаганча қиқир-қиқир кулаётган куёвига қараб, — бунга нима билди ўзи?! Куёв бўлиб хонадонимга келибдики, тишининг оқини кўрсатмаганди. Нима бало, кесақдан ўт чиқдимми?! Ҳали гулдай қизим эркак зоти касотга учраган пайтда бева бўлиб, боши бошвоқсиз қол-маса гўрғайди...»

У, оғзи очилиб бироз турди-да, ошхона томон бурилди. Бутун хоналарни яхши чучитилмаган ёғ, хамири куя бошлаган картошка перашканинг аччиқ, нафасни қайтарувчи дуди қоплаб олганди.

* * *

Бозор борни йўқ, йўқни бор қилади. Бозорни тўкинлик, маъмурчилик ҳайқириғи — тўлқинли дарёга ҳам, имонни банду банд этадиган кишанга ҳам ўхшатиш мумкин. Наинки, бозорда тийин болалайди, диёнат гаровга қўйилади.

Ойша биби — тахи бузилмаган сўқсурдек ёшлик дамларини ҳисобга олиб айтганда Ойшахон — эри урушга жўнаб, дом-дараксиз кетгандаёқ диёнатини гаровга қўйганди. Унинг диёнати, имони қопдан тарозу палласига тўкиладиган туршак билан тортилар; уринган картошка билан қиймаланиб хамирга тугилар; қўлдан-қўлга, халтадан-халтага ўтар; қайтдим деганда ғижимланган пул бўлиб тўла кўкраклари қатида сақлаб юрадиган халтачага тушарди.

Беайб парвардигор... Элда шунақанги жўн, ҳар қандай борди-келди гаплардан осонгина қутулиб қолса бўладиган таскин-тасалли бор. Бировнинг қизи йўлдан оздиргувчи кўчага бурилди; биров хоҳ ошқора, хоҳ яширин ўғирлик сўкмоғида... Шундай пайтда ҳақиқатдан юз буриб, оч қорним — тинч қўлогим, қабилда «беайб парвардигор» деб қўйилади. Шу пайт ўзини мусичадай беозор билган ўша зот худони ҳам, покиза дунёни ҳам, қолаверса, виждонини ҳам гуноҳқор қилаётганини ўйламайди.

Ойша бибининг сўнги — проводник эрида айтарлик гуноҳ йўқ эди. У ҳаром пул топиш йўлига тушган хотинини кўп тергади, маҳалладан номус қилаётганини ўртага қўйиб насиҳатлар қилди. Ойшахон ҳам анойи эмасди. Ҳар гал эри насиҳат қилганида гоҳ кўз очиб кўрганлари-ёшгина Чиннихоннинг тақдирини рўқач қилди, гоҳ икки қўлини кўксига қўйиб тавба қилди. Бари бир Ойшахон савдогарчилигини ташламади: эри ишга кетганида ошқора, уйда бўлганида енг учиде давом эттирди. Проводник нима қилсин, этак силкиб қўяқолай деса, ёлғиз зурриёди Чиннихоннинг юзидан ўтолмайди.

— Адо бўлдим-а... — деди у бир куни қарашга ҳазар қилгандек Ойшахондан юз ўгириб. — Ҳувиллаган ҳовлида она-бола ёлғиз қоласанлар...

— Нафасингизни иссиқ қилинг-э, — бобиллаб берди Ойшахон. — Ҳали қизингизни орзу-ҳавасини кўрасиз!

— Кошқийди... — деди проводник бўғзига типратикондай қадалган нарсани тупуги билан қайтаришга уриниб. — Афсус...

У очиқ деразадан ҳовлига қаради. Кун пешиндан оққан, отасидан қолган, каллакланавериб тўмтоқ бўлиб қолган бир туп ўриқдан ҳазон тўкиларди. Ҳовли юзи билан битта сарғайган, қовжираган барглар. Э-ҳэ, бу ҳовлини бир эмас, икки аёл сўпурди. Ойшахон учинчиси... «Анув иккитаси... қанчалар пок,

дилбар аёллар эди. Аммо одам боласи ҳам ниҳолдай гап экан, кўкариш, ҳосил тугиш, яъни зурриёд қолдириш учун жой танларкан...»

Укинч, алам уни исканжага ола бошлади. Шипга тикилди. Тоқи санай бошлади: «Бир икки... Эллик... Олтмиш уч, олтмиш уч... — лаблари қуруқшаб, ҳансираб пичирлади у. — Ё, тавба, нега нарёғига ўтолмаётибман: кўриб турибману санаёлмаётибман?! Отам ҳам ўлими олдидан шипга тикилиб ётганди... Қизиқ, ўзи шунақа бўладими?..»

Кўзлари намланди... Қовоқлари остига ҳалқобланган ёш кутилмаганда чимилдиққа айланди-ю, кўз олдида ширин ёр-ёр, айтишув, шодон лапарлар беланчагида кириб келган маҳбубаси намоён бўлди. Хона ота-боболаридан қолган расм-русм: кампирларнинг «оёқ босди», «келин туғди» сингари гурунглари билан тўлиб-тошгандек бўлди. Ана, улар — бир-бирига талпинган икки кўнгил, икки вужуд чимилдиқда. Қиз ҳансирайди, бир уй хотин-халажнинг салобати босган йигит қалт-қалт қалтирайди... Кейин, бир-бирларига сингишиб ўтгазган кунлар... Йиллар ўтиб, фарзанд кутиб, ҳам хижолат, ҳам ачиниш аралаш термулишлар... Кейин иккинчиси... «Қаердан, нечун пайдо бўлишди булар? Бошлари ҳам, кўзларида мунг... Во дариғ, қачонлардир ажрашган эдик-ку! Ё... рози-ризолик тилашаётибдими?!»

У инграб юборди. Унсиз, боладай ўксиниб-ўксиниб йиғларди. «Болагинам-э, ёстиқ бошинга ботибди-да... Чўчиётибсанми?! — Онасининг овози: — На илож, бири кам дунё. Умринг давомида нимани кўрдинг-у нимага эришдинг — билмайсан. Билдим деганинда...»

Унинг оёқлари музлаб, кўз нури хиралашиб бораркан, қаёққадир ғойиб бўлган онасидан нима сабабдан ниятига эришолмай кетаётганини сўраб билмоқ истагида беўхшов талпинди. Бироқ қанчалик илтижо қилмасин, йўқламасин, онаси қайтмади. Эҳтимол, қайтишга ҳожат ҳам йўқ эди. Фақат узоқдан бўғиқ бир садо келди: «Дадил бўл, болам, ўлим ҳамманинг бошида бор гап!..»

Кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Чақир!

«Алаҳлаётибди шўрлик, узилай деб қолган ўзи, — Ойшабиби кумуш ангишвонасини ўйнаб унга бироз қараб турди, сўнг бармоғига кўндириб, яна кўрпа қавишга тутинди. — Дунёга келиб нима кўрди бечора. Темир йўлнинг одми қора пальтоси-ю, кўк шапкадан бўлак кийим кийган эмас. Пешона... Ўзи ҳам ўлимлигини бадастар қилиб қўйган экан. Худо хоҳласа, маъракаларини элга манзур қилиб ўтказаман. Лаҳадга қўйилиб, жаноза ўқилиб бўлгандан кейин ҳаммага учига бир сўмдан ўн сўмгача пул тугилган қийиқча тарқаттираман. Эл-юрт кўриб қўйсин, қойил қолсин менга...»

Суюқоёқни либосу безбетлик, ҳаромтомоқни сарфу харж эл кўзидан яширади. Ойша биби эрининг кўзи юмилар-юмилмас хонадонини бошига кўтариб айюҳаннос солди: «Войдод, етимларни бошини силаган пуштипаноҳимдан айрилиб қолдим-эй!..» Унинг нолаю фиғони қўни-қўшнилари кўнглини дарз кетказди. Улар юмушларини, дастурхонда ҳўпланмаган чойларини ташлаб югургилашиб чиқдилар.

Эгасининг кўзи юмилган хонадоннинг кўзи очилади. Бир зумда ҳовли одам билан тўлди. Кимдир ҳовлига тўкилган хас-хазонни супурар, сув сепар, кимдир эшикка, йўлакнинг икки четига узун курсилар қўйиб, устига кўрпача соларди. Ошхонанинг эшиги ланг очиқ. Ойша биби аллақачон ертўладан маъракага етиб-ортадиган ун, гурунч, ёғларни чиқартириб қўйган. Ҳозир керак бўлса жонини берадигандай қўшни хотинлар даврасида сочини ёйиб йиғи бермоқда:

Суюнчиғим, сирдошим,

Бу дунёда йўлдошим,

жигар-рэ-эм!

Кўзда кўлобдир ёшим,

Қайларга урай бошим,

жи-га-рэ-эм!!

— Бечора, энди рўзғор қилиб, тиндим деганда... — уф тортди биров. Биров қулт этиб ютиниб, деди:

— Ёлғизнинг боши — жилғанинг тоши...

Ойша биби ҳамон айтиб-айтиб, йиғилганларнинг юрагини олиб йиғларди:

**Отам ҳам сиз эдингиз,
Онам ҳам сиз эдингиз —
жи-га-рэ-эм!
Тупроқ бўлди изингиз,
Етим ёлғиз қизингиз,
жи-га-рэ-эм!..**

Кечагина эшикдан кириб-чиқиб юрган Ойша бибининг жуфти ҳалоли бугун кафанланган, тобутга узала тушган, устига уринган олача туни ёпилган яқинлари кўмагида деразадан чиқди.

Марҳум сўнги манзилига узатиб қўйилди. Орадан ҳафталик хадимлари, йигирмаси ўтди, фотиҳага келиб-кетувчиларнинг қадами ҳам тинди. Ҳайҳотдек ҳовлида қизи билан сўппайиб қолган Ойша биби катта уйига тўртта талаба йигитни ижарага қўйди. Маъмуржон ҳам шулар орасида эди.

* * *

— Ҳа, айтгандай, — деди Ойша биби ошхонадан бир тоғора картошка перашка дастурхонга ўраб чиқаркан, — Чиннихон қачон қайтишини айтмадими?

— Йўқ.

— Хат қолдирибди-ку?

— Ҳа... Набирангизни туғилган кунига... Жиндеккина тўйчиқ...

— Тўйчиғи нимаси, тўй деяберинг. Биттаю битта қизларинг!

— Сиз ҳам қарашиб юборсангиз... — энсаси қотди ширин хаёллари бўлинган Маъмуржоннинг. — Тўй бўлса тўй-да!..

— Биз — кампирларнинг топганимиз нима бўларди, тўй-ҳашамдан, ўтин-кўмирдан ортмайди, — гапни четга бурди Ойша биби.

— Бозор... Бу ёғи ижарачи талабалардан тушиб турибди.

— Бэ, қўйинг ўшаларни, уч ой бўлди бир тийин беришмайди. Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ...

Маъмуржон ижарада турган йилларини эслади.

— Ҳа, жа ўйлашиб қолдиз, куёв?!

— Шундай, ўзим... — Маъмуржон юзи перашкасидек бўғриқиб турган қайнонасига қаради. — Ўзим...

— Сизлар бошқача эдинглар, — деди Ойша биби дастурхонга ўроғлиқ перашка тўла тоғорани бағрига босаркан. — Мўмин-мустафо эдинглар. Тирикчиликми, бировнинг юкини кўтарардинглар, ҳаммоллик қилардинглар. Ҳозирги болалар такасалтанг. Айтган гапингга хўп дея қолмайди, тик туриб айтишади. Топгани опала сочию кўнғиз мўйловига етмайди-ю, осмондан келади.

— Ҳа, улар, бошқача... — деди Маъмуржон дудуқланиб. — Одам қорнини эмас, қадрини ўйлайдиган пайт.

— Қадрини ўйлармиш. Нима, уйингизга келиб, газингиздан фойдаланганим оғирлик қилдими. Худо кўтарсин, асли етим ёримас, доди-ҳасрати ари-мас, деганлари шу!..

Ойша биби бобиллаганича чиқиб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

Карим дўбир ёхуд кунлар кўнгилда кўклайди

1

Ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр...

Алҳол бугунги кун куёв болани фиरोқда қолдириб, арзимаган баҳона билан онасининг уйига жўнаб қолган аразчи келиннинг ишини қилди: юмшоқ

қор дала-тошни, одамларни уйқуда босди. Ут-ўлани қуриб, тақрири чиққан яйловлар, ҳосили ҳали тўла йиғиштирилиб олинмаган далалар, боғу чорбоғлар оппоқ қорга беланди. Атайин узум бошлари бир қировни кўрсин деб қолдирилган ишқомларнинг устида қор; пайкаллардаги картошка, сабзи, карамларнинг, қирқма қовунларнинг ҳали сўлимаган палаклариди қор. Эндигина япроқлари тўкила бошлаган дов-дарахтлар, нав-ниҳоллар оқ ҳарир либосда гўё кўкка илтижо қилгандек қимтиниб туради. Шивалаб ёққан ёмғирдан сўнг чанги босилган кўчаларда, йўлларда, йўлакларда қорга буланган хас-хазонлар сури-нади. Сарҳови нураган деворларда қор, томларда, тарновларда қор...

Одатда бундай пайтда деҳқон куйиниб, куйманиб қолади — далада ётган ҳосилини, мол-ҳолининг емини ўйлайди. Аксинча, бугун ҳаммада ўзгача кайфият. Илк қор, илиқ қор каттадан-кичикнинг кўнглига илиқлик келтирган. Катталар оқликдан, тиниқликдан кўзлари қамашиб, атрофга ҳавас ва иштиёқ билан боқди, бола-бақралар бўлса чуғурлашиб ер тутмаган қорда из қолдириб чаналарни судрайди.

Бу хайру хушнудлик, биринчи қор завқи узоққа чўзилмади. Уфқда уймалашиб юрган булутларни юлиб-юлқилаб кўёш чиқди. Унинг дув сочилган заррин сели аввал тиниқ, нилий осмон билан туташиб кетган Улоқтепада, сўнгра эса Эшботирнинг тартибсиз, айқаш-уйқаш солинган иморатлари томидаги оппоқ қор юзида тийғанчиқ отган бўлди. Кейин тарновлардан, бўғотлардан, дарахтларнинг япроқларидан тўкилаётган дуру гавҳарлардай ял-ял ёниб, томчилай бошлади. Боғ-чорбоғлардан, пайкаллардан ҳовур кўтарилар, эриб битган қордан кейин бўрсиллаган борлиқ янги бўшанган онадай маъсум эди. Яна қушлар чуғурлашиб қанот қоқа бошлади, яна чумолилар ўз сўқмоқлари бўйлаб ўрмалай кетдилар.

— Ана, қиш ҳам юз кўрсатди, — деди Каромат хола ҳовлидаги ҳўл хазонларни супураркан, чуқур хаёлга толиб. — Баҳорга, ёзга нима етсин!..

* * *

Содиқжон Тезариққа, Муса кўсанинг овлоқдаги тегирмонига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. У эшагига арпами, жўхорими ортиб келар, шалпанқулоғи муюлишдан ўтиб, тегирмонкўчага эниши билан кутилмаганда алп қомати ғужанакланиб қоларди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Новдан тушиб, парракка урилаётган сув шовуллайди, бир маромда айланаётган тегирмон тоши йигит юрагидек гусир-гусир қилади.

«Қизиқ, — деди ичкаридан чиқиб келган Муса тегирмончи эшак устида сўлжайиб ўтирган Содиқжонга кўзи тушаркан. — Девдай йигитнинг манзилга етганида дармони қуриганига не боис?!» У анҳор бўйига бориб яхтак, иштонидаги ун гардини сувга қоқди. «Қизиқ, — деди яна кўнглида, қиров кўнгандек оқарган киприкларини пирпиратиб. — Дарвишга ўхшайди. Бот-бот келади. Иши битгунча мум тишлаб ўтиради. Узи-ку шу, девнинг чала туғилган боласидай чирсиллаган...»

Боши ялангнинг соддаси сойни алдайди, даҳани ялангнинг соддаси девни бойлайди, деган гап бор. Муса кўса ҳам ана шулар тоифасидан. Гап келса тақир даҳанини қашлаб туриб манман деган одамни мулзам қилади. Қурашиб енгилган ўзидан кўнгил сўрайди, гапдан енгилган ерга қарайди. Муса кўса гапда басма-бас келмоқчи бўлганларга бирон марта ёнбош бермай итқитиб, чилпарчин қилиб юрган одам. Содиқжоннинг эшакда қунушиб ўтириши унинг қитиқ патига тегди.

— Вей, оқаси, — деди у бошидаги тақир, бир парча супрага айланган дўпписи устидаги унни анҳорга қоқиб. — Онанг сени эшакнинг устида туққанми? Қара-я, оғзингга нон чайнаб, латтага тугиб солиб кўймаган экан-да, маза қилиб шимиб ўтирардинг.

— А?! — чўчиб хумга тушган аридек ғўнғиллади Содиқжон. — Ассалому алайкум.

— Ваалейкум ассалом, — четга қараб пиқ этиб кулди Муса кўса. — Ё, эшакдан тушириб қўяйми?

— Йўқ, ўзим...

Ўзини йўқотиб қўйган Содиқжон эшакдан тушаётиб қопдаги жўхорини ағдариб юборди. Чанг тўзиди, безовталанган эшак бурун катакларини кериб пишқирди-да, яна нишхўрд кавшашга тушди.

— Жўхори экан, — деди Муса кўса йигитга далда берган бўлиб. — Йўқса, қопинг ёрилиб кетарди.

— Нега? — сўради қизариб-бўзариб Содиқжон.

— Негаки, жўхори йирик, буғдой ёинки арпа майда бўлади. Майданинг машмашасидан қўрқ...

— Ҳа, — деди йигит гапнинг таг-заминига тушуниб етмай.

Муса яна кулди. Аслида у бу гап билан, буғдой майда, ерга зарб билан тушганида сиқилиб қопни ёриб юборади, ҳаёт ҳам шунақа, йириклик қилмасанг, ҳақ йўлда ҳақиқат қидирмасанг майдалашасан, эл ичида бурдинг кетади, демоқчи эди.

Содиқжон оғзи бўғиқ қоп тўла жўхорини бир қўли билан енгилгина елкасига олди-да, тегирмон ичига кириб кетди. Муса тегирмончи тол шохларига илинган тўрқовоқлардаги беданаларнинг сувдонини сувга тўлдирди. Ҳаво иссиқ. Шабада яқин боғ-чорбоғларда фарқ пишган шафтоли ҳидини димоққа келтириб уради. Ёзнинг дастурхони ёзиғлиқ — ўриқлар, олмалар етилган, тиллоланган; ошрайҳонлар, садарайҳонлар, жамбуллар бўй таратган, келин-чаклар тугул қизу қизалоқларнинг, аллақачон ойим рўмолини бошларига солган аёлларнинг қўллари хиноланган пайт. Бундай кунларда уйланмаган йигитлар бозор-ўчар ташвишида юради, қизли уйларда қўни-қўшни жам бўлиб пахтасавар қилинади, кўрпа-кўрпачалар қавилади.

«Уйқусида ёстиқ кучоқлаб алаҳлайдиганлардан», деди юзига интиқ бир кулги ёйилиб Муса тегирмончи. Сўнг, ичкаридан чиқиб, қўл қовуштириб турган йигитдан сўради:

— Тортдингми?

— Тортдим.

— Яхши... — Муса кўсанинг яна қувлиги тутди. — Уйланганмисан?

— Йўқ, ҳали...

— Неччига кирдинг?

— Ун тўққизга.

— Айни пайти экан, — кўсанинг пешонаси тиришди. — Ёшим ўттиздан ошганда чимилдиққа кирганман... Сенга айтсам, оқаси, қанча тез уйлансанг, шунча яхши, белинг майишмасдан ўғил-қизларинг ёнингга киради. Қариганинг-да ўзи дон топиб еёлмайдиган жўжаларингга кўз тикиб қолмайсан.

Содиқжон хўрсинди, хўрсинди-ю, сезиб қолмадимикан, деган хаёлда Муса тегирмончига қаради. У йигит кўнглидан кечаётган гапларни мунчоқдек ипга бир-бир тизиб олаётган эди.

— Отинг нима?

— Содиқ.

Муса тегирмончи икки ўғил, бир қиз кўрди. Аммо ўғиллари пешонасига сиғмади. Кўзининг оқи-қораси — шу Каромат. «...Қиз монанд тандирга ёпилган нондай гап... Эгаси чикса узади-кетади. Агар ўғилларим ўлмаганда, каттаси мана шу Содиқдай забардаст йигит бўларди, — ич-ичидан эзилиб, йигитга ҳавас билан қаради Муса тегирмончи. — Буқадай бақувват, фариштали бола. Ота-онасининг бахти бор экан».

— Ҳа, айтгандай, қаердансан? — сўради тегирмончи.

— Эшботирдан.

— Отанг ким? Балки танирман.

— Турон...

— Оббо азамат-эй, қадрдонимнинг ўғли экансан-ку! — Муса кўса Содиқжонни елкасига қоқиб қўйди. — Оқпошшонинг даврида Сибирь бўлган. Ҳа-ҳа, ўша Туроннинг ўзи! Қалай, соғ-саломат юрибдимми?

— Раҳмат, юрибдилар.

— Йиллар ўтиб, бола-чақа, тирикчилик дегандай, одам ўзи билан ўзи ўралашиб қоларкан. Тезариқ билан Эшботирнинг ораси нима деган йўл — Эшботирда чилдирма чалинса Тезариқнинг қизалоқлари ўйинга тушади. Шунақа. Биз отанг билан ҳафтада бўлмаса ҳам ўн беш кунда бир учрашиб турар-

дик. Шунақа! — деди Муса тегирмончи Содиққа бошдан-оёқ кўз ташлаб. — Бошга тушганини кўз кўраркан. Бу кўз нималарни кўрмади дейсан...

Содиқжон жўхорисини унга алмаштириб чиқди. Узини тутишга қанчалик уринмасин, Кароматни кўриш ниятида кўзлари олазарак эди. Муса кўсанинг зийрак, қув кўнгли ниманидир сезди, наинки йигитнинг талмовсираши, кўзларининг олма-кесак териши унинг бор сир-асроридан гувоҳлик бериб турарди.

— Хайр, амаки...

— Хайр, — деди тегирмончи кўнглида мавж урган ширин хаёллар оғушида энтикиб. — Отанга салом айтгин. Қайси Муса амакинг, дейдиган бўлса, Муса кўса амаким кўпдан-кўп салом айтдилар, дегин.

* * *

— Баҳорга, ёзга нима етсин...

Каромат хола хўрсинди. Бу хўрсиниш сирли-синоатли баҳор шукуҳидан сархушланган; адоси йўқдай кўринган дилбар баҳор зумда ўтиб, ёзга юз тутган, етдим деганда етолмай, тўкин ёздай тўкилолмай қолган кўнглининг илтижоси, ўкинчли нидоси эди.

Улар Содиқжон билан не-не умидлар, орзу-ҳаваслар билан бир ёстиққа бош қўйгандилар. Чимилдиққа кирган кунлари Содиқжон ҳаяжондан тили тутилиб, юраги бежо уриб қайнота бўлмиши — Мусо тегирмончи билан қилган суҳбатини дам қизариб, дам кулиб гапириб берганди. Уша ширин дақиқа Каромат холанинг хотирасида, Содиқжоннинг сўзлари ҳамон қулоғи остида жаранглаб турибди.

Кун чошгоҳдан оғган. Қор аллақачон эриб битганди. Улоқтепа узоқ йўл юриб чўккан туядек бўғриқиб турибди. Ҳовлида пайдо бўлган кўлмакчалардан, йўлларда, сўқмоқларда тимирскиланиб қолган ирмоқчалардан қуёш сув ичмоқда. Дарахт япроқларида, гулзордаги гулларнинг гулбарглари яноқларида феруза янглиғ томчилар диркиллаиди.

— Ҳайтовур уйдаикансан...

Олача тўнини елкасига ташлаб уйдан чиққан Турон бобо келинига қаради. У бир қўлида супурги, бир қўли иягида, очиқ дарвозадан ташқарига қараганча ўйчан турарди: «Қорда баҳорни, баҳорда қорни қўмсайди одам... Яна хаёлга толибди. Қийин бўлди шунга. Маъмур демаган бундай йўқлай ҳам демайди...» Турон бобо томоқ қириб қўйди. Ширин, эндиликда армонга айланган хотиралар оғушида бўлган Каромат хола ялт этиб унга қаради. «Ўзларини сезмаганга олаётирлар, куйинмасин дейдилар. Алаҳситмоқчи, юпатмоқчи бўладилар...»

— Қуёш кўп қизиқ нарса-да... — унга кўз қисиб қараганча, сўзида давом этди Турон бобо. — Юзимни булут тўсди ҳам демайди. Бардошига қойил қолиш керак. Одамзод ҳам асли қуёшнинг боласи...

— Отланиб қолибсиз?

— Шу, Дўбирдан ҳол сўраб келай.

У остона ҳатлади.

Каромат хола алланечук енгил тортиб, атрофга назар ташлади. Дала-тош юзига заррин парда тортгандек. Фақат сарҳови буғланиб турган чорбоғ деворлари тагидагина олачалпоқ қор ётарди.

2

Карим дўбирнинг кўзи узоқда, уват бўйлаб икки қўлини орқасига белбоғ қилганича оҳиста одим отиб келаётган Турон бобога тушди. Ун чоғлиқ аёл-эркак колхозчи, элликдан ортиқ мактаб болалари карам узишар, қутиларга жойлаб трактор прицепага ортишарди.

Ҳаво иссиқ, кечаги ёққан қордан асар ҳам қолмаган. Қуёш Улоқтепага ёнбош қўйган, гўё ҳордиқ олаётгандек. Оппоқ қордан чайинган қовун-тарвуз полизлари; картошкаси қазилиб, палаклари у ер-бу ерда уйилиб ётган ўйдимчуқур пайкаллар; карам узаётган колхозчиларнинг, ўқувчиларнинг тер босган пешоналари қуёш селида йилтиллаиди.

Карим дўбир Турон бобога қараганча жим қолган. Тут тагида қутиларга

ўтириб олганча Пўлат агроном билан мактаб директори Норқўзи ўзаро суҳбат-лашишмоқда:

— Уйга қора тарвуз, қирқма қовундан юбортирган экансиз, — дейди чиройли юзига чиройли табассум ёйилиб Норқўзи. — Раҳмат, қишда маза қиладиган бўпмиз... Адамла сизни овқат олдида дуо қилдила...

— Арзимаиди: Кўйнидан тўкилса кўнжиги... — жавоб қилади агроном қора, барзанги юзига анчайин ярашиб тушган шоп мўйлабини мамнуният билан силаб. — Ўзи ҳам қирда битган, бир кафт дори емаган.

— Қант бўлиб кетган десангиз-чи?

— Ҳа.

Улар бир-бирларига қараб олишади. Норқўзи «Ту» сигаретасидан олдириб, тўйиб-тўйиб ичига тутун ютади, тунда инқиллаб-синқиллаб сомонхонага ташиб олган қовун, тарвузларнинг мазасини тотаётгандек тамшанади. Агроном қимирлаб кўяди, тагидаги қути қирсиллайди.

— Бу йил ҳар йилгига қараганда ҳосил мўл, — дейди Норқўзи, ҳаммасига сизнинг илмингиз, тажрибангиз сабаб, дегандек агрономга қараш қилиб.

— Ҳа, — дейди Пўлат кекириб, — ҳосил мўл бўлди, юртга ҳам, элга ҳам етади. — Бу билан давлат плани ҳам бажарилади, ёр-биродарлар, сизга ўхшаган ошина-оғайнилар ҳам қуруқ қолишмайди, демоқчи бўлади. — Фақат, совуқ тушмасдан йиғиштириб олсак бас. Энди, иним, буёғи сиздан, бир ҳафта бағрингизни кенг қилиб болаларингизни далага ёйсангиз, ҳосил ҳам йиғиштирилиб олинади, план ҳам бажарилади.

— Бажонидил-ку... — чайналади Норқўзи. — Буёғи қанақа бўларкин? Кўчат экиш, яганалаш пайтида, авлод-аждоқларимизнинг шоҳи атлас кийишдан боши чиқмасин, пилла қуртини боқиш пайтида ўқувчиларимиз ҳашар-ҳушар билан бўлиб анча дарс қолдиришди...

— Етказиб оласиз! — директорнинг гапини бўлади агроном. — Қиш кунлари узоқ кунлар, ҳар қанақа дарсни етказиб олса, ҳар қанча китобни ўқиб ташласа бўлади...

— Энди, программа деган гаплар бор...

— Ер илми ҳам программага киради. — Қора мунчоғдек кўзлари йилтиллаб кетади агрономнинг. — Қолаверса, мактабингизни ременти, рўзғор деган ғор бор, бозорга овора бўлиб юрмайсиз...

Директорнинг нафаси ичига тушади. Кечагина уйига ташлаб кетилган қовун, тарвуз, яшик-яшик узум, помидор, бодринг кўз олдидан бир-бир ўтади, кўнгли хижил тортади, қизаринади.

— Ҳа, айтгандай, — дейди Норқўзи қовоғи уюлган агрономнинг елкасига қўлини қўйиб. Бу билан, хотиржам бўлинг, илтимосингиз сўзсиз бажарилади, демоқчи. Лекин, ўқитувчи эмасми, дарслари қолиб кетаётган ўқувчилар олдидаги бурчини ҳис этиб, ич-ичидан эзилаётганлиги афтидан сезилиб туради. — Жияннинг ўқишлари қалай, белни боғлаб иккинчи курсни ҳам бошлаб юбордиларми?

— Бошлаганда қандай, — Пўлат ишшаяди, мамнун қимирлаб кўяди, яна тагидаги қути ғичирлайди. — Яқинда институтга бориб келдим. Домлалари билан пича ўтиришдик... Ҳозирги ёшлар ўйинқароқ, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрсак дейди...

— Ҳа... — дейди Норқўзи.

— Ҳа... — дейди Пўлат.

Улар бир-бирларига кўз ташлаб ўринларидан турадилар. Шу билан гап тугагандай кўринади. Аммо икковининг ҳам асосий гаплари ичларида қолаётганлигини, ҳозирги мулоқотлари зўраки артистлик, тилёғламалик эканлигини биладилар, ихтиёрсиз у ёқ-бу ёққа аланглаб, ўзларини чалғитадилар.

— Оқсоқол келаётибдилар, — дейди Норқўзи.

— Келаётибдилар, — дейди Пўлат. — Панд-насихатга қулоқни чоғлаб туриш керак...

Карам узаётганлар ҳам аҳён-аҳёнда қарияга кўз ташлаб кўядилар. Карим дўбирнинг бўлса томиридан қон эмас, қандайдир олов оқаётгандек вужуди қизийди, трактори атрофини айланиб юрган ўғли Жўравойни тонг қолдириб қовушимсиз гаплар қилади. Бу орада масофани борган сари яқинлаштириб Турон бобонинг ўзи ҳам, хаёли ҳам одим отади.

«Тунов куни хат ташувчини ҳам, Дўбирни ҳам ранжитдим. Хат ташувчига-ку, пул қоғозни деб аччиқ қилдим, дей. Дўбирда нима гуноҳ? Камбағалнинг иши бошидан ошиб-тошиб ётган бўлса... Беш-ўн кишининг бошини қовуштириб, элнинг юкини кўтаришнинг ўзи бўладими? Э, аттанг!..»

Қизиқ, қариганинг, кўзингга тупроқ тўладиган кунлар яқинлашган сари дунё жилва қиладими, дейман. Ҳа, жилва қилади... Наинки, бошвоқсиз тойдай бошингга кўкка қилиб ўтказган кунларингга кадри билинади, кўролмайд қолган нарсаларинг, юролмайд қолган йўлларинг ҳақида ўйлайсан, ўкинасан... Бунинг устига тўғри йўлда кўзинг очик бўла туриб тойганларинг, ҳавога, бемаъни ғурурга берилиб, беҳудага аллакимларнинг дилини оғритганларинг... Шулар хаёлингдан ўтади, орқангда қолаётганларга афсус ва надоматлар билан ўзинг қилган хатоликларни такрорламасликларини, дамларни ғанимат билиб ғайирликдан, худбинликдан холи ҳалол, пок умр ўтказишларини баралла айтгинг келади.

Биламан, ҳозирги ёшларга турмуш тажрибангдан гапирсанг, «мяси ачиб, кўзи хира тортиб қолган чол, биз кўрганларни кўриб, биз тушунганларни тушунармиди», дейди. Сиртида айтмаса ҳам ичида айтади... Э, одам боласи қариганида дунёни тиникроқ, бутун ўнги-тескариси билан кўришини билишсайди!..»

Турон бобо оқава сув оқаётган ариқдан ҳатлаб ўтаркан, негадир ўкинч билан орқасига қараб-қараб қўйди. Назарида сувга ардоқли бир нимаси тушди-ю, хас-чўпларга илашиб, оқиб кетаётгандек эди.

— Ҳорманглар! — деди у ҳансириб. Сўнг, ҳам ҳавас, ҳам қандайдир паришонлик билан олдинма-кейин салом бераётган ўқувчиларга қаради. — Баракалла, болаларим!..

Қариянинг истиқболига Карим дўбир, Пўлат агроном, Норқўзи директорлар салом-алик қилиш учун юришди. Жўравой бир чеккада мой босган қўлларини кўксига қовуштирганча тортиниб турарди.

— Хирмонга барака, — деди Турон бобо Карим дўбир билан қўл олишиб сўрашаркан. Кейин Пўлат, Норқўзилар билан омонлашди. — Яхши, қиш босмасдан даланинг ҳосилини йиғиштириб оладиган бўлибсизлар.

— Умрингизга барака. Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, деганларидай, — Карим дўбир Турон бобонинг елкасидан кучди. — шукр, қаторимизда сизга ўхшаган отахонлар, қолаверса...

Дўбир патила соқолини тутамлаб, ўқувчи болаларга зумда кўз ташлаган Турон бобога қараркан, тилини тишлаб қолди. Узилган гапни Пўлат ямашга тушди.

— Ҳа, отахон, Карим акам тўғри айтадилар. Бизнинг норларимиз — ана шу болалар. Қаранг, ҳаммалари юлдузни бенарвон урадиганлардан.

— Лекин уларга юлдузни бенарвон урдириб, ўзларинг осмонларингга қоронғи қилиб қўймасаларинг эди...

Пўлат кулди, Турон бобо кулган бўлди, Норқўзи қизарди.

— Ғалати гапларни айтасан-да, Пўлат, болам, — гапида давом этди Турон бобо. Пўлатнинг мунчоқ кўзлари йилтиллаб кетди. Ичига гап сиғмайдиган Карим дўбир гуп этиб кулди. Норқўзи билан Жўравой кулиб юбормаслик учун тескари қарашди. — Отанг Зоир ғалати раҳматлик тилла одам эди. Қарабсанки, Тошхўжа юзбошининг уйида қарол. Ичадиган ош-тузидан тортиб, сўзлайдиган сўзигача ўлчоғлиқ. Хўжасининг, хўжазодаларнинг қош-қовоғига қараш керак. Бу мутёликдан ичи зардобга тўлади, эзилади. Узининг, ўзига ўхшаганларнинг аҳволи шу. Бор-э, тахта-ўқлоғингга йиғиштир, дейдиган бўлса, осмон узоқ, ер қаттиқ — очликдан ҳаром ўлади. Э, кимни ўлгиси келади...

Хўш, десанг, нима қилсин? Атайин ғалати гапларни гапиради, ҳазил-мutoйиба қилади, кулдиради. Хуллас, бу билан жиндеккина бўлса ҳам ҳар лаҳза ғазабга миниб турадиган хўжасининг кўнглини юмшатган, ўзига ўхшаган йўқсил, бечораларнинг дардини енгиллатган бўлади.

Шундан «ғалати» деган ном орттирганди отанг. Чоракорлар, жувозкашлар, қароллар, яъники, у бари бу барига етмай юрганлар донишманд Насриддин афандини ҳурмат қилгандай ҳурмат қилишарди уни. Ёруғ кунлар келиб, энди чинакамига кулай, бошига офтоб текканларни кулдирай, деганда бевақт оламдан кўз юмиб кетди, шўрлик...

Кеч қарвонсаройни ҳориган туяқарвонлари босгандек, осмонни қора бу-

лутлар қоплай бошлади. Юзига булутдан парда тортган қуёш ҳам Улоқтепага, колхознинг донг чиқарган олмазорига, карамполизига илашиб қолган заррин этагини йиғиштирди. Атрофни қора кўланка босди, совуқ шамол югургилаб қолди. Кўтармадаги тол, теракларга титроқ кирган: сарғайган япроқлари тўкилар, Қорасувнинг суви безовта шовулларди. Узилган карамлар яшиқларга жойланиб, прицепга ортилган, Жўравой трактори ўриндиғига қунишиб ўтириб олганди. Бир чеккада ишларини тугатган колхозчилар, ўқувчи болалар катталардан рухсат бўлишини кутиб, жунжикишганча турардилар.

— Вазифа юз поиз бажарилди, — деди Турон бобога қараб олиб Карим дўбир. — Ҳаммаларингга раҳмат. Энди уй-уйларингга борсаларинг ҳам бўлади. Маладес.

Колхозчилар, ўқувчилар йўлга тушишди.

Гоҳо отадан болага уй-жой, мол-ҳолгина эмас, давраларда у ҳақда бўлган яхши-ёмон гаплар ҳам мерос қолади. Турон бобо томонидан «ғалати» сўзини оғизга олиниши аввал Пўлат агрономни орига тегди, ранжитди, кўзлари йилтиллаб кетди, киприклари пирпиради, кейин эса кутилмаган тафсилотларни эшитиб юмшади, ҳатто мамнун бўлганини яширолмади қолди, тилга кирди:

— Гапни ўғил боласини айтганда, ёшларимиз колхозда асосий куч бўлиб қолди. Улар бизнинг келажагимиз. Биз юрмаган йўллардан энди улар юрадилар, биз тортмаган аравани энди улар тортадилар. Бу ҳаёт қонуни! А, нима дейсиз, домла?

— Албатта, албатта, — Норқўзи шошилиб қолди. Педагог эмасми, у Турон бобонинг кўнглидан ўтаётган гапларни ҳис қилган, хижолатликдан чиқиш учун муносиб жавоб излар, пайт кутарди. — Шу денг, отахон, давримиз тезоб давр, ёшларимизни шунга яраша тарбиялашимиз керак. Токи, улар деҳқончилик илмидан тортиб, фазо илмигача мукаммал билсинлар.

— Ҳа, балли! — луқма ташлади Пўлат.

— Шунинг учун ҳам, — сўзида давом этди Норқўзи. — Ўқувчиларимизни мактабда олаётган назарий билимларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб боряпмиз. Шундай бўлсинки, улар ҳам билимли, ҳам тажрибали фуқарога айлансинлар, бирор мушкуллик олдида доврираб қолмасинлар, оқар сувдек хас-хазонни писанд қилмай оқсинлар.

— Гапинг тўғри, мулла, ёшлик оқар сувдек гап, ҳайқириб оқади, — Турон бобо узоқда бир-бирини туртишиб, кулишиб бораётган ўқувчиларга қаради, — Оққан яхши... Ҳамманинг оққани яхши... Лекин катталар ёшларни оқар сувдек оқизиб, ўзлари кўлмакка айланиб қолмасликлари керак...

Норқўзи чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Карим дўбир, чол бало, деган хаёлда гурзидай-гурзидай қўлларини ишқаларкан, суҳбатга қулоқ солиб, трактор ўриндиғида ўтирган Жўравойга юзланди.

— Катталар ўзаро суҳбатлашаётганда кичикларнинг қулоқ солиши одобданмас. Тракторингни пақиллат, марш!

Жўравой тракторини ўт олдириб, жўнаб кетди. Турон бобо томоғини ҳўллаш учун қулт этиб ютинди. Сўнг деди:

— Ҳар ким: каттадир-кичикдир, ўз аравасини тортгани маъқул. Бошқаларнинг аравасига осилиб юргандан ёмони йўқ... Шундай қилса, барибир йўлда тушиб қолади...

— Ҳар кимнинг ўз араваси бўлсин, ўзганинг аравасига ўтирган йўлда тушиб қолади, дейсиз, — Пўлат тирсиллаб турган гавдасига ишора қилди. — Ғалати гапларни қиласиз-а! Бундай қаранг, ўзи мен сиғадиган арава, мени тарта оладиган азамат бормикин?!

Пўлат агрономнинг қорни селкиллай бошлади: у «қийқ-қийқ» этиб зўраки куларкан, қўллаворинглар деган илтижода Карим дўбир билан Норқўзига қаради. Улар оёқлари билан ер чизганча жим туришарди.

— Ана холос... — Турон бобонинг энсаси қотди. — Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам юқумли нарса. Одам боласи ўзига яхшиликни юқтиргани яхши... Отангнинг ғалатилиги самимий эди: сиртдан куларди, кулдирарди, ичида йиғларди — нафи бўларди... Сенинг ғалатилинг, фақат ўзинг учунгина!..

Пўлат ғалатининг йўғон гавдаси шалпайди. Норқўзининг юзи лов этиб ёнди.

— Ҳа, айтгандай, — деди Турон бобо Карим дўбирнинг тирсагидан тугиб. — Сен билан маслаҳатли гапим бор эди, болам.

Тирикликни қуёш асрайди. Қуёшсиз кўкнинг сарҳадсизлиги, инсон хаёлотини кенгайтирган, беҳаловат этган сеҳри; ернинг эса, тириклик манбаи эканлиги, унинг умидларни жўштиргувчи жонбахш жозибаси, жилолари қора тортгандек; оқ-қоранинг фарқи, яхшилик ва ёмонлик орасидаги тафовут кутилмаганда айқаш-уйқаш бўлиб кетгандек, ғойиб бўлгандек кўринади. Киши тундлашади, ўзини қанчалик тутишга, босишга уринмасин зимистонликнинг зуҳр этиб бўлмас аллақандай зуғумидан, таҳдидидан ваҳимага тушади. Бундай пайтда кексалар қуёшли дамларда бошларидан кечган яхши воқеаларни ичикиб эслайдилар, бировларга қилган дилозорликлари эса, ўзларига дилозорлик қила бошлайди. Қайтар дунё. Ёшларда бу ҳол бошқачароқ кечади. Улар учун ҳаёт энди бошланган. Демак, бефарқлик, мулоҳазадан кўра мойиллик ўстунлик қилади.

Турон бобо ҳам, Карим дўбир ҳам сўзсиз бормоқдалар. Бобо қўлларини қора чакмонининг орқасидан чалиштириб олган, гўё бу дунё унинг учун эътиборсиз бир нарсадай: Улоқтепа гумбазига чулғаниб қолган қуёш шафағи-ю, мискин сокинликни пайқамаётгандай; шу сокинликнинг унсиз нидосини бузаётган қушларнинг сайроғи, қўй-қўзиларнинг, сигир-бузоқларнинг маърашларини эшитмаётгандай; тун пардасига ўралаётган анҳор ёқасидаги азим туп ёнғоқларни, ар-ар теракларни, оёғи остидаги қарам ползни кўрмаётгандай, кўришни истамаётгандай хиёл букчайганича у ён-бу ёнига шох ташлаб одимлайди.

Карим дўбир ўзгача кайфиятда. Оламнинг ярмини уруш пайтида пою пиёда босиб ўтди. Қанчадан-қанча вайроналикларни, бевақт домига тортган ажал чангалида нолаю афғон чекаётган дўстларини, биродарларини кўрмади. Қон қақшаб, жон бераётган киши тепасида туришдан, унинг унсиз-унсиз илтижоларини кузатишу эшитишдан оғирроқ азоб йўқ. Дўбир қанча дўстларининг энгагини боғламади, кафан ўрнида шинелига ўраб қабрга қўймади! Шунда ҳам эти сесканмаган, асаби қилт этмаган. Лекин бугун у этни жунжиктирувчи изғирин билан судралаётган тун этагига чалишиб бораётган қария олдида ўзини нохуш ҳис қилар, дағал бармоқлари билан шоп мўйлабини қимтиб-қимтиб кўярди. Чунки кўпдан фақат унинггина эмас, қишлоқ аҳлини, қолаверса, элнинг отаси бўлиб келган одамни шу куйда, шу аҳволда кўрмаганди. «Қария... Қарибди!.. Нималарни ўйлаётганикин ҳозир?! Балки...»

— Уйга борайлик, ота...

Турон бобо қайрилиб қаради-ю, индамади. У ёпирилиб келаётган тунни олача тўни орасига қистириб, бўғиб ташламоқчи бўлаётгандек важоҳат билан борарди.

— Чарчаган кўринасиз?

Турон бобо ялт этиб Дўбирга қаради. Унинг бароқ қошлари, оқарган киприклари орасида пайдо бўлган бир жуфт чўғ, таажжубки, ҳам ёндиргудек, ҳам илитгудек эди.

— Кечирасиз...

Карим дўбир мулзам тортди. У ўзини илк бор нотавон, нохуш ҳис этди. «Жанггоҳларда ҳафталаб оч-яланғоч қолганимдаям, ўлим устига ўлим кўриб ҳолдан тойганимдаям бунчалик аҳволга тушмагандим... — жуссасига яраша хўрсиниш билан ўйлади Карим дўбир. — Демак, дунё кўрмоқ, кузатмоқ... унинг тузалмаган жойини тузатмоқ экан-да! Ҳа-да, битта одам ҳам, бир хонадон ҳам олам ўзича... Оламга, одамларга яхшилик қиламан деб, э тавбангдан кетай, уддасидан чиқолмабман. Тириклардан-ку, қарздорман, қарзимни узарман, ўтганларнинг кўнглини қандай олай?!»

Турон бобо Карим дўбирнинг кўнглидан ўтаётган гапларни пайқагандек, ҳамдардлик қилаётгандек, орага луқма ташлади:

— Яхши йигитсан, қоронғуда қоришиб юрмасанг бўлди.

— Ҳа, энди...

Бобонинг забардаст жуссаси силкинди, елпиниб бораётган тўни қатига илашиб қолган қоронғуликни сидириб ташламоқчи бўлгандек, чалиштирган қўлларини ёзиб, барини қоқди.

— Яхшиликнинг нархи арзон, — деди у кўксини тўлдирган соқолини сий-палаб. — Уткинчига қарз саломингни берсанг, яйраб, отасига раҳмат шу йигитни, деб кетади. Салом бермасанг-чи? Бири шу бўлса, бор эли ҳам одобсиз экан, деб ўтади.

— Биз ҳукуматга, эл-юртга камарбастамиз!

— Яхши, — деди Турон бобо Дўбирнинг ҳукуматга, эл-юртга камарбастамиз, деган сўзларини кўнглида салмоқлаб. — Кўп яхши. Лекин бу гаплар суяги йўқ тилнинг эмас, кўнгилнинг гаплари бўлиши керак.

У хотиржам чўкаётган, ҳеч нарсани, ҳеч нимани менсимаётгандек қанот-қуйруғини ёзаётган тун қаърига тикилди. Тун — тунд, тун — соқов... Узоқларда учларми, турфа чироқларми милтиллаётир. Чироқлар... Нима улар? Турон бобонинг кунларимикин?! Милтиллаётир, кутилмаганда қоронғулик қосган кўнглини равшан этаётир... Унда, сурлик қилиб хоки пойини олаётган тун нима? «Балки... — ҳўл ўтиннинг дудидай аччиқ хаёл қуйилди Турон бобонинг кўнглига. — Беҳуда ўтказган дамларимиз, худбинлик, дилозорлик қилиб ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам озор етказган кунларимизнинг ҳаққи давоси, совуқ шарпасидир!..»

У чуқур хўрсинди. Кейин ёнида ёш боладай мум тишлаб келаётган Карим дўбирга қаради.

— Қара, дунё кенг-а! Локигин кенг дунёдек кенглик қилсайдик...

— Ҳа!Ҳа!..

Дўбир беихтиёр дўриллади. У Турон бобонинг нималар ҳақида ўйлаётганлигини, кўнглидан қандай гаплар кечаётганлигини ҳали ҳам англаб етмас, фақат қариянинг тасаввурида дунё бутун борлиғича жунбушга келганлигини, тагига етиш ўзи учун шу топда амримаҳол эканлигини тушунарди.

— Қилмаган ишим, кирмаган кўчам қолмади... Болалигимда подачилик қилганлигим бор. — Турон бобо ижирғанди. — Навбатма-навбат хонадонлардан ошиҳалол йиғардик. Дўнғовоққа ҳоли қудрат биров ёвгон мастава, биров гўжа, биров сергўшт палов солиб берарди. Ошиҳалолни ким йиғса, ўша тақсимларди. Навбат менга келганда товоғимга билиб туриб сергўштлироқ солволган кунларим бўлган... Нима, бошқа подачилардан ортиқ жойим бормиди?! Ана пасткашлик, торлик... Ҳозир ҳам эсласам, ўзимдан ўзим уялиб кетаман.

— Нима бўпти, болаликда бўладиган гаплар.

Турон бобо, бу гапларни сен гапираяпсанми, дегандек Карим дўбирга ҳайратомуз қаради. Чолнинг юрагидаги чигили ёзила бошлади, деган хаёлда суюниб, талтая бошлаган Дўбир унинг бу қарашидан боладай қисинди, шумшайиб қолди.

— Ана холос!.. Лекин, гапинг нафсиламрига тўғри...

Дўбирга жон кирди. Қайсар чолнинг муросага келаётганлигидан мамнун бўлиб, уни юпатиш йўлларини изларди. «Чолнинг дарди ичида, — ўйларди у. — Уртоғим, ёлғиз ўғли Содиқ урушдан қайтмади. Қандай азамат, кўнгли тоза йигит эди. Бундай йигитлар дунёга бир марта келади. Шундай фарзанддан ажралишнинг ўзи бўладими?! Тағинам фил экан чол, сир бой бермайди... Бунинг устига Маъмуржон ҳам ноқобилроқ чиқди. Ўсма, сурма суртган сочли эшонга сиғинди кетди. Ойда бир хабар олай демайди... Э, дунё, дунё!..»

— Ҳа, энди, болаликда нималар бўлмайди, дейсиз. Уришади, талашади, ножўя қилиқлар қилади, киши... Болалик — ғўрлик, деганлари шу бўлса керак-да!

Турон бобо Дўбирнинг гапларини эшитиб эшитмаганликка олди. Улар индамасдан йўлда давом этардилар. Боши олинган карам япроқлари Дўбирга «хўш, энди нима дейсан», дегандек дилдираб силкинар, аччиқ шабада юзкўзига урилиб, жавоб кутарди.

Бирдан чол тўхтаб, Дўбирга тикилди. Унинг кўзлари ёнди.

— Болалик — ғўрлик, дейсан. Бекор гап! Билсанг, бола бошидан, ўғлон ёшидан, деган гап ҳам бор. Қилмиш — қидирмиш... Қилгиликни қилиб, оқибатини болаликка юклаш — инсофсизлик, диёнатсизлик!

— Тўғри айтасиз, — деди Карим дўбир оғир сўлиш олиб.

— Одам боласи бир зум бўлса ҳам ўзининг инсонлигини унутмаслиги керак. — Турон бобо энди босиқ, хотиржам гапира бошлади. — Йўқотдим,

имонидан ҳам, йўриғидан ҳам айрилади. Бир ўзи айрилса майли-я, бошқаларнинг имонини ҳам палағда қилади.

Қария, қани хўш, қармоққа илиндингми, ё ҳали ҳам мени ёш боладек буров солиб етакламоқчимисан, деган маънода Дўбирга қаради. Дўбир кўзини олиб қочди. Унинг назаридан чол шу топда тоғдай бўй қўяр, бирга ёнма-ён бўй қўйиш у ёқда турсин, қадди-бастига кўз ташлашга ҳам ботинмасди.

— Дўбир, — деди тўсатдан Турон бобо, — айт-чи, Пўлат ғалатига қай кўз билан қарайсан?

— Агрономгами?

— Ҳа.

— Қайдам... Ўзи ёмон бола эмас...

— Қайдам-пайдамсиз, чайналмасдан гапир!

— Ер шароитини билади, экинни билади... яна нима десамикин...

— Сен-чи? Сен!.. Ер шароитини билмайсанми? Ё?..

Дўбир чайналди. Нега гапидан тутилди, қайсар чол нима учун бундай савол бериб қолди, билолмади. Кўз олдида чертса юзидан қон томадиган Пўлат ғалати пайдо бўлди. «Ишбилармон. Муомиласи ҳам ёмон эмас, — хаёлга толди у. — Лекин ўзини қанча яқин олиб гапирмасин, дўст деб билмайсан, юрагинг жиз этмайди. Ҳайиқасан... Қизиқ, нега шунақайкин?! Ўзим ҳақимда ҳам, ўзгалар ҳақида ҳам ўйламас эканман-да!..»

— Ана, кўрдингми, ўйламагансан, — деди Турон бобо Дўбирнинг хаёлидан кечаётган фикрни давом эттириб. — Ўйлаганингда, бунақанги чайналиб ўтирмасдинг. Қолаверса, ғалатига ўхшаганлар ғалатилигини қилиб, ялло қилиб юрабермасди.

— Тўғри, — ҳақиқа кўчди Дўбир.

— Ўзинг диёнатли, имонли боласан. Худди шу диёнатинг, имонинг учун урушда жон олиб, жон бергансан. — Турон бобо қизишиб гапирабошлади. — Пўлат ғалати-чи? Кечагина тухумдан чиққан. Бугун бўлса оғзида халқ, одамийлик ҳақида қуруқ гап-у, ўзидан бўлак ҳеч кимга ярамайдиган «тухум» қўйиш билан овора! Хўш, уни Эшвой оқсоқолдан нима фарқи бор?

— Эшвой оқсоқол! Ҳалиги, подшо давридаги оқсоқолми?

— Уша бўлмай ким бўлсин!

— Дарвоқе... Лекин Пўлатнинг унга нима алоқаси бор?

— Қўй-э, билиб туриб билмагандай гапни пайсалга солади-я! — тутоқди Турон бобо. — Ахир сени ким айтади ҳукуматнинг ишонган одамларидан деб! Кўксинг тўла орден, медаль бўлса... Сен ҳукуматнинг, ҳукумат сенга ўхшаганларнинг ардоғида бўлса... Пўлат ғалатилар ким бўпти?

— Маслаҳатли гапим бор, дегандингиз, — деди гапнинг оқими қаёққа кетаётганлигини тушуниб, қандайдир андиша, истиҳоланинг салмоғидан ўзини ҳорғин ҳис этаркан Карим дўбир.

— Мени чалгитма, эшит! — деди Турон бобо ачинган қиёфада Дўбирга боқаркан. — Худди ўша айтганим, маслаҳатли гапимни гапираётиман. Қани айт-чи, мактабни «тўрт-беш» билан битирган сенинг ўғлинг колхозда тракторни пақиллатиб юрибди-ю. Пўлат ғалатининг зўрға «уч»га битирган ўғли инстутда талаба, яна тагида машина?! Нега?

— Ўғлим ота касбини севади.

— Тўғри, яхши одам туз ичган жойидан кечмайди. Сени ҳам, ўғлингни ҳам ниятларинг яхши. Лекин менинг сўровим бошқа маънода.

— Тушундим, — деди Дўбир момақалдироқдай гулдираб.

— Ҳа, балли! Тушунган бўлсанг, Пўлат ғалатининг Эшвой оқсоқолдан нима фарқи бор? — Турон бобо жаҳл билан этагини қоқди. — Фарқи шуки, Эшвой оқсоқол замонасининг кишиси эди. Юлғичликни очиқчасига, замонасини паноҳ тортиб қиларди. Пўлат-чи, Пўлатга ўхшаганлар-чи? Асли, булардан қўрқулик. Бундай қарасанг, оғзи тўла илм, йиғин бўлса, йилдирим отдай гапни чоптиради. Гўё халқнинг бошини силаб турган ҳам шулар, ҳукуматни суяб турган ҳам шулар... Аслида турган-битгани қаллобик, тилёғламалик! Уларга маишат бўлса, туғилмаган набирасига қаср курса, машина олиб қўйса... Э, одам бўлмай кет-э!.. Яхшики, булар дарёдан томчи. Аммо ифлос томчи бора-бора дарёни лойқалатиши мумкин. Шунинг учун ҳам андишанинг отини қўрқоқ билмаслик керак. Турон бобо ичини бўшатиб олганидан енгил тортиб, қаддини ғоз тутди.

— Чол қариганда суйилиб, икир-чикирларга ўралашиб нима қиларкин, деган хаёлга борма яна, — деди у. — Бу икир-чикир эмас. Бундай икир-чикирларни ойнага қўнган гарддай сидириб ташлаш керак. Қара-ки, ақлим кейинроқ кирди. Йўқса аллақачон бош кўтарардим. Кўнглимга ўтиришмайдиган бундай икир-чикирлар қаёқдан пайдо бўлди, билмайман. Бироқ, билиб қўй, мен шу ҳаётни деб қанча йиллар дарбадар юрганлардан, пайти келганда енг шимариб пойдевориға ғишт қўйганлардан бириман. Агар кимда-ким унинг неъматларидан бемеҳнат баҳра оларкан, кўзим очиклигидаги эмас, кўз юганимда ҳам мен унга душманман!

Карим дўбир қариянинг ҳам ёниб, ҳам совуб айтган сўзларини жон қулоғи билан тингларкан, уялганидан аъзойи баданини қайноқ тер босди. У ёнмайин тутаб битгудай аҳволда эди. «Чол ҳақ гапни айтди. Беҳудага ичидагини айтадиганларданмас, — мулоҳаза қиларди Карим дўбир. — Азбаройи ичига сиғди-ролмаганлигидан айтди. Вот где масала! Мен-чи! Э, хом сут эмган банда!.. Наҳотки, тинчлик, тўкинлик одамни хотиржам, оқ-қоранинг фарқиға бормайдиган қилиб қўйса! Ахир, қаровсиз қолдирилган майдондаги экинни ҳашарот босади-я!.. Так, так... Пўлатга ўхшаган ҳашаротлар пайдо бўла бошлаганлигини билмаганманми? Билганман! Унинг илдизини туб-тубигача кўролмаган бўлсам ҳам пайқаганман. Фақат лоқайд қараганман. Чол маладес, кўзимни очди... Бу ишни шундайлигича қолдириб бўлмайди. Тамом-вассалом!..»

Улар бригаданинг дала шийпонига етиб келдилар.

Шийпон урушдан кейинги йилларда қурилган. Икки хоналик, пешайвонлик, томи тунука билан ёпилган. Олди томони экин экиладиган майдон. Орқа ва ён томонларида Улоқтепа, чакалакзор — бутазорлар. Шийпон олди гулзор. Ҳозир гулзор қовжираб қолган. Райҳон, жамбулларнинг ҳиди анқийди. Пешайвоннинг деворлариға чорвачиликка, полизчиликка оид расмлар, одобга, меҳнатга чорловчи қақариқлар ёзилган алвонлар осилган. Бир устунга исириқ ҳам боғлаб қўйилибди. Хоналарнинг бири «Ленин бурчаги». Унда устига қизил алвон ёпилган стол, атрофида курсилар бўлиб, стол устига маккажўхориқчиликдан тортиб илм-фанга тегишли брошюралар қўйилган. Берк. Фақат тушликдагина очилади. Иккинчисида озиқ-овқат сақланади. Унда чироқ ёниб турибди.

— Чироқ ёқик? — сўради Турон бобо.

— Бандаи ноқобил... Ўзлари шундай дейдилар. Жой қилиб бердим.

— Ким дединг?

— Самад ота. Айтгандай, нимагадир сиздан ўзларини тортиб юрадилар.

— Э, Самад сатанг?!

— Шу ерликман, қидира-қидира ўзимни топмадим, гўримни топаё дейди.

— Паноҳингга олиб яхши қилибсан...

4

Улоқтепадан нарида, жарликда чиябўри улиди, чакалакзорда бўрсиқнинг шарпаси эшитилди.

— Беозор жониворлар... — Карим дўбир шийпон чироғини ёқаркан, таглиги йиртилиб, пахтаси титилиб кетган стулга ўтираётиб деди Турон бобо. — Э-ҳэ, қадимги дарахтзорлар, чакалакзорлар қани, оқшом тушдими, икки одим наридаги одамни ҳам, жониворни ҳам кўриб бўлмасди!.. Жар-жилғани ҳам, чакалакни ҳам бори яхши экан.

— Ёшлигингиз ўтганда-а, бу жойларда! Қўмсаяпсиз...

Дўбир қўлбола, тахтадан пардозсиз, наридан-бери ясалган курсиға келиб ўтирди.

— Ҳа, ўтган кунларинг, кўрган-кечирганларинг ёшинг бир жойға етганда кўзингга оловдай кўринавераркан. Бир исийсан, бир совийсан.

— Ҳали ёшсиз, бардамсиз.

— Бе, ёшлик, бардамлик қолибдими? Қаридим, толиқдим.

— Унақа деманг, ман-ман деган йигитнинг кучи, важоҳати бор сизда! Улоқтепадан кўриқ очиб, боғ-роғ қилмоқчимиз. Ёшлар зиммаларига олишган. Шуларға сизни раҳбар қилиш ниятимиз бор.

— Кошкийди шундай бўлса. Кўпдан ўлим ҳамроҳ менга, қўлимдан тутдими, кетдим, деявер!

— ...
— Улим ўлимни ўйламаганларга, ўргимчакдай кун кечирганларга даҳшат. Мен ҳалол яшадим...

Қария Карим дўбирга қаради-да, шунақа, дегандек кулумсираб қўйди. Узоқда бузоқ маъради.

— Адашиб қолибди... — деб қўйди Дўбир.

Чироқ нурида мудроқ босган дарахтлар, гулзордаги куз тушиб гулбаргини ёзиб-ёзолмаган гуллар, ғунчалар ажиб товланади. Уруғ боғлаган ошрайҳону садарайҳонлар, жамбиллар енгилгина силкиниб, атрофга антиқа бўй таратади. Дала шийпони ҳовлисида тарвуз, қовун пўчоқлари сочилиб ётибди. Нариди бостирма. Бостирма тагида қопқоғи ёпилиб, устига пақир, тоғора тўнтариғлиқ дошқозон. Дошқозон ёнида кичкина ўчоғу декча, ўчоқда милт-милт олов ёнмоқда.

— Ия, Самад ота қозонга қайнатма ташлаганлар чоғи, — деди Карим дўбир, ўчоқбошига кўзи тушаркан, ютиниб. — Бандасининг ризқи-насибаси йўлда, деб шуни айтсалар керак-да!

— Қўй, — деди Турон бобо ўрнидан тура бошлаган Дўбирнинг енгидан тутиб. — Ҳожати йўқ.

— Нима қипти, ярим коса-ярим коса сузиб келаман.

— Йўқ, болам! Балки ўзига лойиқдир. Ҳали айтганингдай, бандасининг ўзига буюрсин...

Турон бобо нечундир безовталаниб, ўтирган жойида қимирлаб қўйди. Дўбир ҳам қариянинг юзидан ўтолмай, яна курсига чўкди. Атроф сокин, фақат букчайиб қолган тол шохларидан тўкилаётган хазонларгина алланечук нидо қилаётгандек эди.

— Ҳалиги, бандаи ноқобилнинг бола-чақаси бор эканми? — тўсатдан сўраб қолди Турон бобо.

— Йўққа ўхшайди. Гапига қараганда бормаган, кўрмаган жойи қолмаган. Бола-чақаси бўлганида, бунчалик дарбадар юрмасди.

— Гапинг тўғри...

— Яна ким билади дейсиз.

«Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб шукр қил, деганлар... — Турон бобонинг кўнглида ўтмиш хотиралари жонланди. — Ачинади киши... Самад сатанг нима кўрди? Не умидлар билан дунёга келди-ю, қайси юз билан дунёдан ўтаётир?! Бир бурда нон, дастурхондан қайтган бир товоқ сарқит ош учун не кўйларга тушмади? Тошхўжа юзбошига, унинг димоғидан қурт ёғиладиган хотинларига кундузлари югурдаклик қилди, кечалари хуфия ишларида қатнашди, мараз меҳмонларини кутаман деб елкаси ёлчиб ер искамади. Одам боласи шунчалик ҳам тубан кетадимми?!»

Эх, Самад-а, Самад!..

Демак, шу дамгача дарбадарсан! Дарбадарлик шум тақдирга кўникишдан бўлади... Э, дунё!..»

— Ўзи кўринмайди?

Турон бобонинг овозида ачинишга ҳам, нописандликка ҳам ўхшаш оҳанг бор эди.

— Қайдам, — деди Дўбир ва ўрнидан туриб, чироғи ёниқ хонанинг эшигини очиб қаради. — Кўринмайдилар. Балки гузарга чиққандирлар.

— Кеч бўлганда гузарда нима қилади?

Карим дўбир елка қисди. Елка қисишга қисди-ю, Самад чолни илк бор кўрган куни хаёлидан ўтган гапларни хотирлади: «Тоза ташвиш чеккан кўринади. Икки букилиб қолибди, бечора. Нақ бир қоп суяк. Кўзлари ич-ичига ботган, рангида ранг йўқ... Оч, яланғоч қолган, деб бўлмайди. Ё нашавандмикин?! Шунақага ўхшайди...»

— Эҳтимол, — деди у кўз кўриб, қулоқ эшитиб, кўнгил қаноат ҳосил қилмаган гапни гапирётганлигидан хижолат тортиб. — Нослари тугаб қолгандир. Наша қидириб кетгандирлар, балки...

— Шунақа деб ўйлайсанми?

— Шунақароқ кўрингандилар кўзимга.

— Ҳа... Бундайларнинг юпанчи таряк. Ёшлигиданоқ ўзини бадбахтлик домига илинтирган...

Шийпон этагида, ҳали пояси ўриб олинмаган маккажўхоризор ёнидан ўтган ёлғизоёқ йўлда кимнингдир хирқироқ, мунгли овози эшитилди. Бу совуқ, хаста овоз шусиз ҳам атрофга зил-замбил қадди-бастини қўяётган тунга янада тундлик бағишларди. Турон бобонинг йўғон жуссаси қалқди, соқоли титраб, лаблари пирпиради.

— Ким бу?

— Самад бува, — деди Дўбир беихтиёр хўрсиниб. — Ашула айтиб келаетир...

Турон бобо индамади. Улар шодликдан, нимагадир орзиқишдан кўнгилга қуйилиб келадиған қўшиққа ҳам, тухмат, тазийқ остида бўйинга тушадиган сиртмоқ сиқиғида ногоҳ портлайдиган нолаю афғонга ҳам ўхшамайдиган овозга жим қулоқ сола бошладилар:

**Жаҳон бўлса менинг боғим,
Ғамим кўпдир, надандир бу!..**

Бирдан шамол кўтарилди. Осмонни чанг-тўзон, хас-хазон босди. У гирдоб бўлиб айланар, маккажўхори поялари ваҳимали шатир-шутир қилар, қай бир дарахтнинг қуриған шохлари қасир-қусир синарди. Карим дўбир кўзларини ишқалаб, Турон бобога қаради. Қария қилт этмай, томирлари бўртиб чиққан панжалари билан соқол-муртини тутганча ўйчан ўтирарди.

Кутилмаганда бошланган шамол шундай кутилмаган бир алпозда тинди. Яна ўша хаёлни тирнагувчи, кишини беҳаловат этгувчи хирқироқ овоз эшитилди. Энди у бошқача: мискин, мушфиқ — тавба-тазарруга, таваллога ўхшаш оҳангда эди: «О, бу қандай бедодликким, кенг дунё кўзингга тор кўринса!.. Жаҳон-ку, яйрагулик жаҳон — яйрайолмасанг, чувалчангдай чувалсанг... Ё, олло!..»

— Одамнинг эти жимирлашади, — деди Дўбир гавдасига ярашмайдиган тушкун товушда. — Қайси куни ҳам минғирлаб ашула, яна қандайдир гап қилаётган эканлар... Эшитиб, оҳангидан эзилдиму маънисига тушуниб етмадим. Узи, бирон маъно бормикин?!

— Бор... Оламча маъно бор!.. — асабий равишда соқолини тутамлади Турон бобо.

Яна ўша овоз эшитилди. Энди у ўкинч, илтижо оҳангида эмасди, қандайдир донишмандлик, ҳукмбардорлик сезиларди: «Боқий дунё — беҳаловат дунё!.. Бандаи ноқобилмиз. Фақат эгамгина ҳар ишга, ҳамишаликка қодир. Мана, машойихлар бунга қандай жавоб қилмишлар!»

У анчайин ёзилиб хиргойи қила бошлади:

**Азалдан ғам суви бирлан
Бино бўлган бадандир бу...**

Орага жимлик чўкди. Ҳозиргина шамолда айқаш-уйқаш бўлиб кетган маккажўхори поясию ўт-ўланлар, дов-дарахтлар, паррандалар қилт этмас, гўё борлиқ шу жимлик қаърига чўкиб кетаётгандек эди. Хайрият, Самад чол тилга кирди-ю, машъум сукунат қаърига чўка бошлаган борлиқ ўз жойида қолди: «Аҳли доноларнинг ақлига балли, топиб гапирмишлар... Баадан яхши-ёмон феълу атвор ўшал «ғам суви» меваси! Э, воҳ!..»

Самад чол дала шийпони ҳовлисидаги ёруғни кўриб таққа тўхтади. Эгнида қора чакмон, бошида бир ёқ қулоқчини осилиб тушган тақир қалпоқ, оёғида уринган маҳси-кавуш. Елкасига икки чети арғамчи билан турмаклоғлиқ халта осиб олган. Халта чап ёнбошида дўппайиб турибди. Ўнг қўлида бўйидан банд эгри таёқ.

— Келаверинг, келаверинг! — Дўбир юраги дов бермай турган «бандаи ноқобил»га тасалли берди. — Мен, Каримман. Шундай ўтиб кетаётиб...

Полиз кўриқчиси янглиғ қотган Самад бувага жон кирди.

— И-е, и-е! Вой, отам-эй! Вой, бегим-эй! Сизмисиз?

— Саломлар бўлсин!

Дўбир Турон бобога қаради. Бобо, бағринг кенг боласан, дегандай қулиб қўйди.

— Бегимнинг ташриф буюришларидан воқиф бўлганимда, ҳар қандайин

дафи савдодан кечиб, ўзларининг саройи аълоларида қумтошдай ўтирган бўлардим. Эҳ, аттанг, аттанг! — Самад чол кўланкадай суриниб шийпон томонга кела бошлади. — Қарасам, Улоқтепа томонда бузоқ маъраб қолди. Овози таниш.

— Бузоқ дедингизми?

— Ҳа, бегим, эшитгандирсиз сиз ҳам.

— Эшитдим.

— Узи денг, қорамолдай оғилини қора тортадиган, зийрак жонивор бўлмайди. Одамлар, ит — вафо, хотин — жафо, деб итни ўзларига яқин олишади, улуғлашади. Тўғримас. Ит барибир итлик қилади. Қорамол-чи? — Ҳа, ундан ақлли жонивор бўлмайди. Қолаверса, етти хазинанинг бири: сути — оқлик, эти — вақти чоғлиқ...

— Овозидан танидим денг-а?

— Ҳа-да! Бундоқ қулоқ солсам, тирранчанинг зоти шивит, шивитский кимда бор? Улуғимиз Пўлатда!

— Пўлат ғалатининг сигири шивитскийми?

— Ҳа-да!

— Қойил-э!

— Хўкиз бўлгур, боши яхши тўйларга кесилгур: олди қиш, тунда тумша-йиб қолмасин дедим, бориб хабар бердим.

— Ростдан ҳам Пўлатники эканми бузоқ? — ишонинқирамай сўради Дўбир.

— Бўлмасам-чи! Улуғимизники! Э, эсим қурсин мени! — У шийпон зина-сига яқинлашганида қўлидаги таёқ — ҳассасини саланглатиб бостирма томонга йўналди. — Қозонга эт ташлаб қўйгандим. Олови сўнаёзибди. Қайнонаси суйганлардан экансиз, бегим, отамлашадиган бўлдик!

— Ҳай...

Самад сатанг бостирма тагига борди. Ҳассасини дошқозонга тувоқ ўрнида ёпилган панерга суяб қўйди-да, чўкка тушиб, косов билан ўчоқни тита бошлади. Аввал кул тўзиди, кейин йилтиллаб қаламча-қаламча чўғ бўлаклари кўринди. Ўрнидан туриб декчага тувоқ ўрнида ёпилган тоғорачани олди. Ҳавога буғ ва етилаёзган таомнинг хуш бўйи таралди.

— Оҳ-оҳ... Локин иккитагина чўпнинг тафти етишмай турибди-да, бегим! — деди-да, ўчоққа аввал хас-хазон, кейин майда шох бўлақларини ташлади. — Мен сизга айтсам, бундай шўрвани оқпошшонинг губирлари¹ ҳам ичмаган. Нияти дарё ҳукуматга, ҳимматпешамиз сизга тасаннолар бўлсинким, емакнинг масаллиги оёқ остида: боғчангизни айланиб қарасам, бир жойда картошкаю пиёз, бир жойда шолғому сабзи, қизилча, саримсоқ пиёз. Шода мунчоқдек қизаришиб ётган қалампирни, гулзордаги ошрайҳону жамбилларни айтмасам ҳам бўлади. Ҳаммасидан оз-оз солганман, қозонга. Ҳидидан билаётгандирсиз?

— Ҳа-да!

— Илойим ўлманг...

Салқинда нам тортган хас-хазон лов этиб ёна қолмасди. Алангалатиб юбориш учун Самад чол мук тушганча бўғилиб пуфлар, қилаётган ишига қаттиқ ёпишганидан ногаҳоний қўш йўталга йўлиққанини ҳам пайқамасди.

— Қийналиб пиширган овқатинг тотли бўлади, Бегим, ҳа! Ў-хў, ў-хў... Бум... гум...

— Ана, холос! — деди Карим дўбир кулиб. — Чолнинг йўғон ичаги мишенга тўғри бўлиб қолганми дейман. Тўп отарлик қилаётганини пайқамайди ҳам, а?!

— Пайқамайди! Пайқайдиган нарсасини пайқаб бўлган!

Турон бобо ҳам мийиғида қулиб қўйди. Аммо унинг кулгисига ачинишга ҳам, таъна-дашномга ҳам ўхшамайдиган бир нарса соя ташлаб турарди.

— Бегим, отагинам, дейишидан одам хижолат чекади.

— Хижолат чекма. Унинг бўлган-тургани шу. Ўзгаргандир дегандим, ўзгармабди.

¹ Губирлари — губернаторлари, демоқчи.

Турон бобонинг кўз олдидан ўша қадим, ўша кечмиш воқеа: қишлоққа ҳокимнинг келиши, кураш, даврада орқасини сузма халтадай буриштириб, ялтоқланиб юрган Самад сатанг ўтди.

— Турсак бўларди, Дўбир болам, — деди Турон бобо оғир нафас олиб. — Нимагадир беҳузур бўлаяпман.

— Оловни юриштириб юбордим, шўрва дам ўтмай қиёмига етади, Бегим!

Шийпон зинаси олдада Самад сатанг пайдо бўлди. У эчки юз, эчки соқол, шилпиқ кўзидан ёш сизиб турарди.

— Келинг, келинг, — деди Дўбир ўрнидан туриб.

— Қани, ўлар дунёда бир омонлашиб кўяйлик, — деди чол эгилиб, чангак қўлларини узатаркан. — Ғаниматмиз. Кўрганинг, кўришганинг қолади...

Ўнинг кўзи ўзига алланечук хомуш, ўйчан тикилиб турган Турон бобого тушди. Каловланди. Дўбирга узатган қўллари шилқ этиб икки ёнига осилди.

— Турон!?

— Мен, — хумдан чиққандай овоз чиқарди Турон бобо. — Нима, танимадингми, Самад?

— Танидим... сени танимай бўладими... Тақдирнинг тақозосини қара, тоғ тоғ билан учрашмасакан, одам одам билан учрашаркан...

Улар совуқ сўрашдилар. Карим дўбир, икки қариянинг ҳаёти билан тўлиқ бўлмаса ҳам қисман хабардор, лекин бир-бирларини бунчалик нохуш қарши олишларини тасаввур қилолмасди.

— Кўргинг йўқ экан-да, мени?

— Аксинча, — Самад чол қулт этиб ютинди. — Кўргим келарди... Аммо худодан, илло-билло юз кўриштирамай қўяқол, деб илтижо қилардим.

Турон бобо индамади. Орага жимлик чўкди. Улар шу кўйи узоқ ўтирдилар. Агар Дўбирнинг ўғли Жўравой уйларига меҳмон келганлиги ҳақида хабар олиб келмаганда бу ўтиришнинг қанча давом этиши ва нима билан тугаши номаълум эди.

— Ҳоким туғилиб ўсган жойимга тўкилсин, деган ниятда келдим, — деди Самад чол хирқироқ товушда. — Муқим келдим... Бош уриб келдим, Турон!

Турон бобо ўрнидан тураётиб, унга қаради. Чиройи ёришди, чамаси, маъқул дегандек бош ирғади. Дўбир узр сўраб, эртага хабар олишини билдирди.

Улар йўлга тушдилар. Шийпонда шумшайганча Самад сатангнинг ўзи қолди. Аммо у мамнун эди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Қоп кўтарган киши билан учрашув

1

Ойша бибининг чимирилиб айтган бир оғиз сўзи Маъмуржонни турган жойига михлаб қўйди: «Эр-хотин — қўш ҳўкиз!» Демак, омов — оила, рўзғор. Оиланинг ҳузур-ҳаловати учун елкасини яғир қилиб шу омовни тортиши керак Маъмуржон. Тортаётибди ҳам. Маъмуржон — ҳўкиз, Чиннихон — ҳўкиз. Ойша биби — қўшчи. Ҳатто бурнига булоқи тушган ҳўкиз ҳам кўз очиб кўрган ўтлоғини, илк бор ем еган охирини қўмсайди-ку!..

Маъмуржон шаҳд ўрнидан турди. Диван, креслоларга қопланган бахмал, эшик, деразаларнинг атлас пардалари оташ алангага айланган, уни куйдирмоқдайди. «Нафас ололмаётибман!..»

Эшик тиқ этди. Маъмуржон зийрак тортди, қўлида ғижимланган қоғоз. Унга хомуш бир кўз ташлади-да, бахмал ёпиғлиқ доира стол устига қўйди.

— Салом, папуля!

Бўсағада қизи — Диёра турарди. Ота-бола бир-бирларига ҳайрону лол кўз тикдилар. Эрка қиз мўмин, қобил отанинг кайфиятидан ҳайрон, ота бўлса, бахмал ёпинчиқлик креслонинг рахидан тутганча омонат турарди.

— Салом, қизим, яхшимисан?! — Маъмуржон беихтиёр ҳозиргина ўзи кунгира стол устига ташлаган ғижимлоғлиқ қоғозни олди, — Яхши келдингми?

— Яхши... Гапингиз борми?

— Гапим... — Маъмуржон олдига бош эгиб келган Диёранинг сочларини

силади. — Гапим... Шу, бобонгни, бувингни олдиларига бориб келсакмикин, дегандим.

— Борайлик, папуля! Узим ҳам далани соғиндим!

— Энди, дада дегин мени, папулялик вақтим ўтди.

— Хўп, дадажон.

Диёра фариштадай уйни гир айланиб, рўмолу рўмолчаларини олиб, ташқарига чиқди. Маъмуржон қизининг «Дадажон!» деган бир оғиз сўзидан сархушу сармаст эди. У ҳузур қилиб керишаркан, стол устидагиғижимланган қоғознинг қатини ёзди, ўқиди: «... қизингизнинг туғилган куни... Бозор қилиб келинг... Чиннингиз!»

Маъмуржоннинг уй-жой қилиб топгани биттаю битта шу — Диёра. Бундан кейин фарзанд кўрмаслигини ҳам у яхши билади. Сабаби, Чиннихон ўқишимизни тугатиб олайлик, бир ёғи қарияларга қараммиз, деган баҳоналар билан Диёрадан кейин икки-уч бор докторларга йўлиқиб, пуштини куйдириб олган.

Хаёли фарзандига кўчган Маъмуржон бозор-ўчар ташвишига тушиб қолди. Кўчага чиқиб, бобоси қайтариб юборган пулни олиш учун почта томон йўл олди.

Шанба — дам олиш куни. Кинотеатр олди томоша, саргузашт иштиёқ-мандлари билан гавжум. Бола-бақраларнинг суҳбатлари, мунозаралари қулоқни қоматга келтиради. Уларнинг қай бирлари ота-оналарининг эркатойлари; ёлғондан қовоқ уюб, аразлаган бўлиб мўмай пул ундирганларки, чийилдоқ овозларининг баландлигидан, гердайишларидан маълум; қай бирлари оталарининг унутилган кармону овлоқда қолган кийимларидаги майда чақаларни қоқмалаб олганларки, ҳозир кўражак фильмнинг мақтовлари таъсирига берилганлари ҳолда, ҳали-замон уйга қайтишлари билан қулоқлари остида «қайнайдиған шовла»нинг аччиғини ҳис қилгандай, типирчилаб турадилар.

Ҳар хил тоифадаги томошабинлар бор. Айрим йигит-қизлар бир-бирларига сингишганларича алмойи-алжойи гап сотишади. Четдан қараган киши, ҳаво иссиқ-ку, намунча ёпишишмаса, деган ўйга боради. Аслида уларнинг баданлари кўпдан совиган. Улар кино кўриш учунмас, ишқсиз, иштиёқсиз музликка айланган кўнгилларини илтишга, тўғрироғи, ўзларини зўрлаб баданларини қизитишга келадилар. Шунинг учун ҳам ҳаёсизликлари ўзларига ортиқча билсинмайди, бошқалар ҳам уларга бефарқ қарайди. Яна бир хиллар бор: кимгадир, нимагадир интиқ — кўзлари жайнаб турипти. Эркаклари тилла тишларини йилтиллашиб, камёб сигаретадан тутатади, аёллари ўзларини бот-бот ойнага солиб, кўз сузади. Булар — ёш бўлсалар ҳам, кўпдан ўз тақдирлари ҳақида ўйламай қўйган, фақат ҳаёт лаззатларидан бебахра қолмай деган ниятда кўчага чиққанлар. Қари-қартанглар ҳам йўқ эмас. Скамейкаларда ҳассаларига ияк тираб, шўппайибгина ўтиришибди: бири қурут майдалаб оғзига ташлайди, бири туршак шимади.

Ҳавас-ҳаловатсиз юракнинг назари. Бу ерга бир-бирига мойиллик билдирганлар, ширин бир туйғу оғушига тушганлар ҳам келганлар. Улар бир-бирларидан йироқроқ: ё ботинолмай, ё кимларнингдир кўриб қолишидан истиҳола қилиб, қизариниб, гугурт чақса аланга оладигандай чирсиллаб турадилар. Булар — муҳаббат шайдолари. Кинотеатр бўсағасидан энди истасалар ҳам, истамасалар ҳам неча бор ҳатлайдилар. Бу ҳатлов уларга хайрли бўлармикин?!

Маъмуржон йигит-қизларга кўз ташларкан, кўнгли қизиди. «Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам шу бўсағадан бошланади. Почтачи аёл шундай деганди. Ҳа, мен ҳам худди шу бўсағадан ҳатлагандим...»

* * *

— Мумкинми, Маъмуржон ака, — дея кириб келганди Чиннихон бир қўлида ярим коса қатиқ солинган мастава, бир қўлида сўлқиллаган тандир нони билан ўшанда. — Ёлғиз ўтирибсиз?.. Шоир акамиз кўринмайдилар?..

Улар — Ойша бибининг бостирмасини бошпана қилган тойлоқлар — икки киши эдилар. Бир — пединститутнинг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирган шоирча Шоди Шўхий. Иккинчиси — Эшботир қишлоғида қанот чиқарган, Шоди Шўхийнинг таъбири билан айтганда, мусичамижоз Маъмуржон Танбал. У Маъмуржонга шундай тахаллус қўйган, аччиғини чиқариш учунми,

тўқимачилик, политехника институтида ўқийдиган йигитларни «наमत юраклар» деб атарди.

Хўжайкалар (Шўхий шундай дерди) ҳам икки киши эдилар. Бири — истаса бегойимлик ҳам, жодугарлик ҳам қила оладиган Ойша биби. Иккинчиси — медтехникумда ўқийдиган, илмга қараганда ўз ҳуснига меҳр қўйган қизи Чиннихон. Ойша биби Шоди Шўхийни ёқтирмас, орқасидан «бетайин, тўти», деб қарғар, Маъмуржога айрича муносабатда бўларди.

Уша куни Шоди Шўхийнинг институт газетасида шеъри чиққан, хурсандлигидан ўзини кўярга жой тополмай, арзон винодан икки шиша келтирган, ҳам-хоналар озгина «қизишиб» олишганди.

— Утиринг, — Маъмуржон Чиннихонга алмисоқдан қолган эски стол ёнидаги курсичани кўрсатди ва помидор, бодринг пўчоқларини йиғиштириб ола бошлади. — Шоир билан озгина ўтиришдик, газетда шеъри чиққан экан. Мен... Шу, кўярда-қўймай ичирди.

— Ичмаган йигит йигитми? — Чиннихон хандон отиб кулди. Унинг кулгиси жонон пиёланинг жарангидек ёқимли эди. — Қани, маставадан олинг, ўз қўлим билан пиширдим.

Маъмуржоннинг вино билан қизиган қони қайнаб оқа бошлади. У ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганди. «Шодининг танбал, ландовур деганича борман. Олдимда шундай қиз турса-ю... Юзлари оппоқ, кўзлари катта-катта... Оҳ!..»

Унинг «оҳ»ини, энтикишини Чиннихон сезмас, сезса ҳам ўзини сезмасликка олар, Шоди Шўхий томонидан деворга тартибсиз ёпиштирилиб ташланган шоир ва ёзувчиларнинг, артистларнинг сувратларини томоша қиларди.

— Шоир акамиз кўринмайдилар? — сўради у кулумсираб.

— Кетди... — Маъмуржоннинг томоғи қақраб борар, тобора ютинарди. — «Халқига, ижодига» кетди...

— Бу нима деганигиз?

— Шоди шундай дейди. Уйга қайтмайдиган куни шундай деб кетади. Билмадим, ўзига ўхшаганлар билан улфатчилик қилишса керак.

— Ҳа...

— Аям дурустмилар? Бугун кўрмадим.

— Аянгиз ҳам «халқларига, ижодларига» кетганлар. — Чиннихон крепдешин кўйлагининг ёқасини тузатган, сарғиш, жингалак сочларини тўғрилаган бўлди. — Чинозда бир опа-сингил тутинганлари бор. Ойда, йилда йўқлаб турадилар. Ким билади, улар ҳам шоир акамиздай ўзларича маишат қилишса керак.

Маъмуржон қуруқ ютинди.

— Олинг, мастава совуб қолмасин. Газга чой қўйгандим, қайнаб адо бўлмасин яна.

— Чиннихон!..

Чиннихон, мен ҳозир, дегандай йигитни умидвор этгувчи ноз билан ташқарига чиқди. Маъмуржоннинг юраги гурсиллаб урар, аъзойи баданига ўт ташгандай тобора қизиб борарди. «Бақириб чақирдимми, ё ичимда айтдимми? — беҳол бўларди йигит. — У келади, албатта келади!..»

— Вой, анулани, — деди Чиннихон чойнакда чой кўтариб кирганида ўзини Маъмуржон кўчоғида кўриб. — Куйдириб қўясиз-эй!..

— Куймайсиз... Куйдирмайман...

Маъмуржон унинг қўлидан чойнакни олиб, стол устига қўйди. Қиз ўзини олиб қочар, йигит уни тобора ўзига тортар, ҳансиради. Вужудлардаги табиий мойиллик устунлик қилди: улар билиб-билмай бир-бирларига ёпишганларича ўрин-кўрпаси йиғилмаган каравотга йиқилиб тушдилар...

— Тентагим, — деди Чиннихон эрталаб Маъмуржоннинг бўйнидан қучоқларкан, анор сувига ўхшаш доғ теккан шоҳи лозимини кўрсатиб. — Энди ўзимники бўлиб қолдингиз!..

Маъмуржон шу куни Чиннихон чой келтириш учун чиққанида крепдешин кўйлагини уринган гулдор халатга алмаштириб келганлигини пайқамади.

... Кинотеатр олдидан ўтаётиб Маъмуржон кечаги кунларини эслади. Негадир ижирғанди. Бобоси қайтариб юборган пулни олишни кейинга қолдириб, бозорга йўл олди...

2

Чиннихон чиндан ҳам чертилса жаранглайдиган чиннидек жозибали, хушбичим қиз эди. Болаликдаги суйгунчаклик-ку, бошқа, у ҳатто еттинчи синфдан саккизинчи синфга ўтган пайтлариданоқ ҳаммага суйгунчак бўлиб қолганди. Оқдан кўра сариққа мойил кулча юзлари, кулганида бир-бирини ёлғизлатмайдиган кулгичлар; чақнаб қандайдир шуълаланиб турувчи кўзлар, айттайликки, қариб қуйилган кексаларни ҳам беихтиёр қоқинтирар, маҳлиё этарди. Айниқса, ўн олтидан ўтиб, ўн етти ёшнинг этагини тутган ўспиринлар унинг кўйлакни эртароқ турткилаб қолган кўкракларига, тикмачоқдек болдирларига кўз ташларканлар, чўққа тушгандек чўғланиб, турган жойларида тушовланиб қолардилар.

Шошган ирмоқ дарёни ҳам, деҳқонни ҳам шоширади. Чиннихон ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ юқори синф ўқувчиларини шошириб қўйди. Унинг атрофида овозлари дўриллаб қолган болалар чироққа ўзини урган парвоналардек гир айлана бошладилар. Кўнгилда олов ёнса, чўғи тилда-ю, алангаси юзда кўринаркан. Йигитларнинг бири тутилиб, дудуқланиб севги-муҳаббатдан сўз очса, бири ҳар хил сайлларга, кинотеатрларга таклиф қиларди. Бу ҳол Чиннихонга ҳам хуш ёқарди. Хўш, нима қипти?! Муҳаббат мато эмаски, уни фақат кўнгилгагина тугиб юрса! У — бир ғунча, уни ҳар бир киши очилтириши, яшнатиши, лаззатидан лаззатланиши керак. Ахир шуни бир эмас, бир неча ошиқлар, қолаверса, бутун вужуди тусаётир-ку!

Қиз ўқиган китоблари таъсирига берилиб ўйларди: замонларнинг зайли сабаб, жоҳил ота-она сабаб лайлилар, ширинлар муҳаббат ғунчасини очилтира олмадилар, ўзларининг фарҳодларига, қайсларига етишолмадилар... Чиннихон-чи?! Наҳотки у ҳам ўшалардек муҳаббатнинг лаззатини тотимай ҳижронда, фиरोқда ўтиб кетса! Йўқ, йўқ... Танлаб ейдиган, танлаб киядига замон. Муҳаббат эркин, маишат эркин. Бировни севиб қолдим, деса, гап келса барчани ўзига қаратадиган, эл-юрт кўрган онаси бир нарса дермиди! Узи биттаю битта қиз бўлса?! Асло...

Чиннихоннинг кўнгли гўё ёйма тўр-у, унга илинган, типирчилаб қолган муҳаббат қушини учирмоқчи, эркин нафас олмақчи бўлди. Аввал мактабидаги юқори синф ўқувчиларининг бирига мойиллик билдирди. Биргалашиб гоҳ яширин, гоҳ очикча кино-театрларга тушишди, кечалари шаҳар кезишди. Аммо йигитнинг камгаплигими, нимасидир ёқмади; учрашмагандек, биров билиб, биров билмай ажралишди.

Кейин... Ўқиш битди, медицина институтига ҳужжат топшириб, конкурсдан ўтолмади, техникумга зўрға илинди. Катта даргоҳ, катта гурунг, оғзидан бол томадиган, юрганда оёғидан ўт чақнайдиган йигитлар... Хуллас, ўқиш, изланиш давомида Чиннихоннинг лаблари қурқшамайдиган бўлди-ю, учирган муҳаббат қушининг сайроғини эшитмади. Охири, тешик мунчоқ ерда қолмайди, деганларидек тупидан бевақт тўкилган олмадай салкам инженер Маъмуржоннинг назарига тушди...

Чиннихон ишдан кела солиб устки кийимларини, чармли пардоз халтасини диван устига ташлади-да, ўзини душга урди. У ваннага жўмрақлардан иссиқ-совуқ сув оқизиб, ички кийимларини еча бошлади. Баданига ёпишиб, тўлишган гавдасини уч бўлакка ажратиб турадиган ҳинд матосидан тикилган гулдор, ёқасиз кўйлагини ечиш асабини кўзитса ҳам ҳар кунгидек Маъмуржон уйда бўлса-бўлмаса ярим аччик, ярим карашма билан ёрдамга чақирадиган одатини қилмади. Тор кўйлак сиқигидан бўшанаётган тўла, оқ мрамардек тиниқ жуссаси шабада еб шайдоланар, унинг юзлари ловуллаб ёнади. Чиннихон ўзининг бўйи-бастига суқ билан тикиларкан, мастона жилмайди.

— Сиз менга бугун йўлиқсангиз. Ишдан кейин, уйга қайтишингизда, — деди магазин мудири тушлиқдан келишлари билан унга эмас, айланадиган чамбаракларга осийлиқ кийимларга бепарво қараб.

Ҳалимжон жиккакдан келган, қаримсиқ, сиёҳидан ўттизга кирмай ўтин бўлган, рангсиз, оҳори тўкилган йигит эди. У фақат бўлим бошлиқлари билангина гаплашар, бошқа сотувчиларга менсимай қарар, дуч келиб қолса, ўзини кўриб кўрмаганга соларди.

Кутилмаган ташриф Чиннихонни ўйлатиб қўйди: «Нимага чақирдийкин? Шунча пайтдан буён дурустгина гаплашмаган одам... Яна хонасига. Балки бирон иши бордир. Ё?...Наҳотки, кассирга билдирмай янги келган япон костюм-шимидан бекитиқча сотганимни сезиб қолган бўлса? Афтидан зикна одамга ўхшайди. Тамом...» У шу хаёллар билан юрагини ҳовучлаб мудир хонаси эшигини очди-да, ичкарига бир қадам қўйганча омонат туриб қолди.

— Узр... Сўрагандингиз, Ҳалимжон ака...

— Ҳа, ҳа, сўрагандим.

Ҳалимжон ярим тишланган қази бўлагини стол устидаги четига тилла суви югуртирилган тарелкага қўйди. Онасининг елинидан ажратилган мурғак бузоқдай тамшаниб, эринмай пахта гуллик чойнак устига ташланган сочиққа қўлини артди. Кейин ним кулги билан ўрнидан турди-да, Чиннихонга оч назарини ташлаганча туриб қолди.

— Агар... Вақтингиз бўлмаса, кейин...

— Йўқ... Йўқ. Марҳамат, ўтиринг.

Ҳалимжон ўриндиғию суянчиғига духоба қопланган стулни кўрсатди. Чиннихон стулга қимтинибгина ўтирди. Орага жимлик чўкди. Ҳалимжон сигарета ёндирди, ўзига ярашиб тушмаган ипир мўйлабини ингичка, рангсиз бармоқлари билан сийпалаб ўйнади, ютоқиб тутун ютди. Чиннихон айб иш қилиб қўйган қизчадай сариқ-тарғил сумкаси бандини ўйнаб ўтирарди.

— Хўш, Чиннихон...

Ниҳоят, Ҳалимжон нохуш жимликни бузди. Ўзидан беш-олти ёш катта жувонни «опа» демаганидан хижолат чеккандек юпқа, олқинди янглиғ лабларини жийириб, билиб-билмай оғзи тўла олтин тишлари тизмасини кўз-кўз қилди. Кейин, нимадандир ҳадиксираб, митти кўзлари жовдираганча атрофга аланг-жаланг қаради. Чиннихон унга эътибор қилмас, ер чизиб ўтирарди. Буни пайқаган Ҳалимжон дадиллашди, мағрурлик билан сўради:

— Ишларингиз қалай?

— Ишларим... — Чиннихоннинг ранги қув ўчди, бўғин-бўғинигача бўшашди. — Ишларим... Шу, тирикчилик ўтиб турибди.

— Яхши, яхши. Ҳар қалай биздан хафамасмисиз?

— Йўқ... Нега хафа бўларканман? Сизга... кўп раҳмат.

— Ундай бўлса... Бундай йўқлаб турай ҳам демайсиз? У-бу иш билан...

— Қайдам.

— Тортинмаслик керак. Бир коллектив — бир жон, бир тан, дегандай...

— Билмадим... — Алланечук Чиннихоннинг баданига сув югургандай бўлди, енгил хўрсиниб қўйди. — Ўзим ҳам, Ҳалимжон ака, сиз билан бир масалада гаплашмоқчи эдим-у...

— Хўш, хўш, Чиннихон? Қандай масала экан?

— Қизим мединститутга ўтолмай қолди. Шунга ўзимиздан иш-пиш топиб берасизми, демоқчи эдим.

— Ана, холос! Ҳали мактабни битирган қизим бор денг?! — Ҳалимжон энди анча ёзилиб ўтирган Чиннихоннинг қўнғир соч толалари қоплаган бўйнига тиниқ, ярашимли бақбақа ташлаган томоғига, ёқасиз зар кўйлақдан тошиб турган бўлиқ зувалали кўкракларига тикиларкан, мошранг духоба қопланган стол зиҳига таяниб ўрнидан турди. — Қизингиз борлигига ишонгиси келмайди одамни.

— Вой, нега! Ишонмайсизми?.. — деди Чиннихон, Ҳалимжоннинг ҳамон суқланиб боқаётганлигини пайқаса ҳам атайин эътиборсизлик билан гилам поёндозга тикилганча.

— Табиатга тараф йўқ, — деди Ҳалимжон ҳайратомуз товушда. — Наъма-

такдан гул, бир чимдим патдан булбул ясайди. Улай агар, қизингиз борлигига ҳеч ким ишонмайди. Ё?..

Чиннихон ёзилиб, силкиниб-силкиниб кулди:

— Рост, Ҳалимжон ака, рост! Бўйим билан бўйи тенг-а!

— Ишонгим келмайди.

— Нега ишонмайсиз?

— Негаки... ўзингиз қиздайсиз.

— ...

— Шундай қилиб, қизим ўқишга киролмай қолди, денг? — Ҳалимжон арқонни узун ташлади. — Ҳайф сизга!

— Қандоқ қилайлик, ё заринг бўлсин экан, ё зўринг.

— Э, аттанг, аттанг. Бир ташкилотда ишлаб, бир-биримизнинг оғиримизни енгил қилмасак, бу нима деган гап?!

— Қайдам, ким билади дейсиз?

— Ҳа, гоҳо илм очолмайдиган эшикни пул, зар очади. Бундай илгарироқ айтганингиздами, ўз қўлим билан қизингизни ўша институт партасига ўтқазиб қўйган бўлардим. Эҳ, Чиннихон, Чиннихон!

Гап билан гилам-пойандозни узоқ қадамлаган Ҳалимжон Чиннихон олди-дан ўтаётиб унга таскин-тасалли бергандек соч қоплаган бўйни аралаш елкасини сийпалаб қўйди.

— Ҳай, майли, бир йил ҳаш-паш дегунча ўтади. Келаси йили албатта ўқишга жойлаб қўямиз. Энди, иш масаласига келсак. Она-бола опа-сингилдай бир жойда ишлашларинг қандай бўларкин, — Ҳалимжон ҳиқиллаб кулди. — Кўз-пўз тегмасмикин?!

— Йўғ-э, суқ-нафасдан ўзи асрасин.

— Ҳа, ҳа, ўзи асрасин... Балли! Энди, ўзимизда-ку, жой топилади-я, лекин шу, заргарлик дўконига жойлаштириб қўйсак қизчани қандай бўларкин?

— Маъқул. Сиз нима десангиз шу.

— Келишдик. Хўш, ўзингиз биздан розимисиз? — Ҳалимжон паррак қилиб қирқиб қўйилган қазини тарелкаси билан Чиннихонга яқинроқ сурди, стол тортмасидан арман коньягидан бир бутилкасини олиб биллур қадахларга қуя бошлади. — Оддий сотувчилик сизга ярашмайди. Қадди-қоматга яраша қадр керак. А, лаббай? Нима қилсамикин? Бўлимга бошлиқ қилайми, ё шу бежирим қўлларингизга омбор калитини тутқазайми? Нима дейсиз. Қўлларингизни менга ишонасизми?..

Чиннихон индамади. Ҳалимжон ҳовурсиз қондек қалқиб турган ичимликни Чиннихонга тутқазаркан, унинг билинар-билимас титраётган қўлини ўзига тортиб ўпди.

— Қани, саломатлик учун ичайлик!

— Йўғ-э, мен...

— Ичмайман дейишингизга ишонмайман. Қани, олинг!

— Қанақа бўларкин?..

— Ҳаммаси яхши бўлади... — Ҳалимжон Чиннихонга нималарнидир атаб, ундан ниманидир умид қилиб кўз қисди. — Сизнинг соғлигингизга!

Шароб тотидан, шароб қизигидан илгари ҳам бохабар эди Чиннихон. Аммо бу галгисининг юtimi ҳам, қиздириши ҳам бошқачароқ туюлди.

* * *

Хотиралар икки хил таъсир қилади кишига. Бири — ёдга олиниши билан кули қўзғатилган кўрдай чўғланиб, совий бошлаган кўнгилни қайта алангалатса, ҳаяжонга солса, иккинчиси — битаёзган ярага теккан тигдай азоб беради, ўкинтиради.

Чиннихон ваннахонада ечинаётиб Ҳалимжон билан бўлган учрашувни бирма-бир хотирларкан, ортиқ ҳаяжонланмади ҳам, ўкинмади ҳам. Фақат тирноқлари локланган оёқларидан тортиб, диркиллаб турган кўкракларигача мамнуният билан кузатди. Унинг вужуди зухр этиб бўлмас туйғулар оғушида телбаланмоқда эди. «Ҳа, ҳусн ҳам бир давлат... Ҳар кимга ҳам nasib этавермайди бу чирой! Узи ҳам йигит ўлгурнинг бўлари бўлди: оёқларимни ўпишга тайёр. Нима қилай?! Бо худо, сирасини айтганда, оддий сотувчилик қайда-ю,

бўлимни бошқариш ё ҳар куни турли-туман газлама, кийимликлар билан тўлиб турадиган омборхонанинг калитини қўлда тутиш қайда!.. Ҳалимжон чигирткадай чиллашир кўринса ҳам шерюракли экан. Шернинг оғзидан емак ундириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўрамиз... Узим... чиндан ҳам қиздайман!»

Офатихон вужуд ҳаракатга келди: қўнғир сочлар елка узра тўздилар. Шу дам рўбарўда турган тошойна афсоналарда талқин қилинадиган сувпарилари макони бўлмиш сеҳрли кўлга айланди-қолди:

Сеҳрли кўл суви жунбушда. Аввал майда-майда кўпиклар пайдо бўлдилар ва бу кўпиклар бир зумда оқ ёлдор тўлқинларга айландилар. Сув қирғоқдан тоши даражасида чайқалар: кимларнидир, нималарнидир банду банд этмоқ учун турфа товушда шовулларди. Э-ҳэ, кўлнинг бу нидосига, бу нозли илтижосига майл билдирмайдиган жонзот йўқ ҳисоб дунёда. Дунёнинг юқтоб эканлиги, беиболиги, балки шундадир...

Ана, кўл тубида ажиб бир манзара: гуллар-чечаклар; хаёлни ўғирлайдиган сўник нурлар, бедор чироқлар... Улар гўё олтиндан чийрилган арғамчи билан боғлаб қўйилгандай. Бу анвойи гуллар, бу рангин япроқлар қандай қилиб, не сабабдан бу жойни макон тутганлар? Улар ростакам гуллар, ростакам чироқлармикинлар?! Шундай ҳам дейлик. Унда, уввос кўтараётган тўлқинлар зарбидан нечун гуллар пайҳон бўлмаётир, нечун чироқлар ўчиб қолмаётир?! Ё, сув парисининг маҳобатини деб ўз осмонидан, ўз маконидан жудо бўлган чечаклару юлдузларми булар?..

Шу пайт... таноб узган тўлқинлар тин олдилар. Нима бўлди, нима бўлаётир ўзи? Шу лаҳзада ажаб, сув тубидаги хира нурлар, бедор чироқлар ҳам ногоҳ сўндилар. Кейин, кўлда аввал сув парисининг суврати, сўнгра эса жонни бежон қилгувчи яланғоч қомат кўринди. У нимагадир ёқут лабларини жийириб пичирлади: «Боқибегамлар!..»

* * *

Бу — ўзидан кўнгли тўлган, хаёллари беҳаловат Чиннихон эди.

— Келдийизми? — ваннахонадан чиққан Чиннихон шойи халатининг белбоғини белидан сириб боғларкан, эрига қия қараб кўйди. — Яна ўлгудай тутатибсиз? Уф, одамни бўғаман, дейди... Чексангиз балконга чиқиб чекинг, деб айта-айта оғзим оғриди.

Маъмуржон индамади. Чиннихон эрини бунчалик тийрак, важоҳатли қиёфада кўрмаганди. Ҳамиша ёт деса ётиғида, юрса тушовида юрарди. Нима бўлди унга? Ё!.. Унинг илиқ сувдан сўнг бўғриқиб турган ол яноқлари хира тортиди, вужуди ҳавоси чиққан пуфакдай шалвиради. Кейин, одатига кўра нозланиб гап бошлади:

— Бозор-ўчарни қотирдийизми?

— Ҳа.

— Ҳамма айтганларимни олдийизми?

— Ҳа.

— Айтгандай, дадаси, — Чиннихон Маъмуржоннинг елкасидан кучди. — Қизингизга иш топиб келдим. Туғилган кунига айрича бир совға.

— Қанақа иш экан у?

— Қанақа иш бўларди? Ишдака иш. Ёнимиздаги тилла магазинга сотувчи керак экан.

— Сотувчиликка дегин?

— Нима, бўлмаса қурилишга кириб, бўёқчилик қилсинми? Асло рози бўлмасман.

— Ўз кўчанга етакламоқчи бўлибсан-да. Узингга ўхшаб...

— Узимга, кўчамга нима қипти? — Чиннихон эрига гап бермай сайраб кетди. — Мен шу кўчага кирдим: кўша-қўша гиламлик бўлди, уйимизга файз кирди, одамга қўшилдик!

— Уйга файз кирганмиш, одамга қўшилганмиш...

— Ахир ўзингиз ўйланг, жоним, сиз инженер, мен ҳамшира бўлиб нима орттирдик?! Ҳаммасини, шу...

— Кэ, қўй, гапирма!

Маъмуржон аччиқ билан ўрнидан туриб, балконга чиқди. Чиннихон ҳамон вайсарди:

— Тани-соғлиқ ёқмаган. Биров арпангизни хом ўрдими бугун? Намунча?

— Ҳа, арпам, бировнинг ўришига қайда, ҳали пишмаганга ўхшайди. Балки пишмас!..

— Анулани, эртага уйига меҳмон тўладиган кишининг ишини... Лоақал қизингизни ўйланг.

Маъмуржон узоқ-узоқларга тикилди. Ботиб бораётган қуёшнинг дарахт шохларига илиниб қолган сўнги нурлари заъфарон япроқларда жонсизгина алангаланарди.

3

— Биттаю битта фарзандимиз олий маълумот олармикан дегандим, — деди Чиннихон.

— Олий маълумотлилар тоғни талқон қилиб бераётибдими? — кинояомуз гап қотди Маъмуржон. — Биттаси менми? Ўзинг айтгандай...

— Ҳа, сизга шунақа гап бўлса... — Чиннихоннинг овози майин тотди. — Эр-хотин — қўш ҳўкиз. Шундай дейдила ойимла. Рўзғор — ғор... Топган-тутганингни ҳаш-паш дегунча ютиб турса. Шундай бўлгандан кейин, инженер бўлсангиз, унмайдиган жой йўқ, ундиринг дейман-да. Сиз...

— Нима, мен?

— Сиз бўлсангиз... узун бориб, узун қайтасиз. Бундай қараганда калава ипнинг-ку, ҳожати йўқ, уйда ип чуватиб пайпоқ тўқийдиган азамат қани...

— Яна эски гап!

— Эски гап, эски гап!.. — Чиннихоннинг овозига яна бир баҳя қўшилди. — Қилдан қийиқ чиқарса бўлади. Комбинатингизни омборларида нима кўп — материал кўп. Темирдан тортиб тезаккача бор. Далага, чол-кампирларга уй солиб бераман денг, тахта, тунука ундиринг.

— Э!..

Улар жим қолдилар. Эр-хотин орасида бўлиб ўтган гаплар Диёрага қизиқ туюлди, лаҳча чўғ бўлиб ёнаётган юраги совий бошлади. У ҳаёт, турмуш-тирикчилик деганлари шу экан: биров оларкан, биров олдираркан... деган хаёлда ўнг ёнбошига ўгрилиб ётди.

Ойдин кеча: деразадан қараганда булоқ кўзидай тиниқ осмонда тўлин ой оҳиста сузиб юрибди, юлдузлар худди давра қуриб ўйин тушаётгандай. «Қандай ажойиб, — Диёра ойдин туннинг оромбахш сеҳрига берилди. — Юлдузлар — сўнишни билмайдиган чироқлар, ой-машъала... Чарақлаган юлдузлардай чарақлаб яшасанг, сўнишни, ғам-ташвиш нима эканлигини билмасанг... — Кутилмаганда қалбининг туб-тубидан қандайдир ўкинч, маҳдудлик ўпирилиб чиққандай бўлди. — Нега одамлар анув юлдузлардай хотиржам, чарақлаб яшолмайдилар? Нега?! Нега биров омадли: осонгина ишини битиради, пул топади, ўқишга киради, бировлар эса...»

Энди Диёранинг назарида тўлин ой доғли, ҳасратли, ҳозиргина кулиб турган юлдузлар кўзёш тўкаётгандек кўринарди. У ғужанак бўлиб ўтириб олди. Ўйлаб-ўйлаб ўйининг охирига етолмаган, ўзини кераксиз латтадай ҳис қилаётган қизнинг қулоғига фақат ота-онасининг узук-юлуқ гаплари чалинарди:

— Гапингни тайини борми, — хит бўлган Маъмуржоннинг овози эшитилди. — Қизим дейсан, тахта, тунука дейсан... Нима демоқчисан ўзи?

— Ҳа айтгандай... пул — қўлнинг кири, дала ҳовли бўлса, вақти-соати билан битиб кетади, — Чиннихоннинг овози тортди. — Шу қизимга ачинаман.

— Нега?

— Олий маълумотли доктор бўлса дегандим.

— Буни айтдинг.

— Унда ота бўлиб нега қайишмадингиз?

— Нима қилишим керак эди?

— Нима қилишим керак эдимиз... Уялмай-нетмай гапираётган гапингизни қаранг! — Диван пружиналарининг ғичир-ғичири эшитилди. Чамаси Чиннихон ўрнидан туриб, яна ўтириб олди. — Имтиҳон пайти лоақал хабар ҳам олмадингиз. Бировларнинг оталари институт бўсағасига ўрин-кўрпа қилиб ётиб

олди. Таниш-билишлари ундан кўп. Янглишмасам сизнинг ҳам ошнангиз бор эди.

— Ким? Шоди Шўхийми?

— Ҳа, мухбир — шоир. Ўшанга айтсангиз бўларди. Хамирдан қил суғургандай, қизингизнинг ишини тўғрилаб берарди. Улардан ҳамма кўрқади. Ҳатто димоғидан қурт ёғиладиган директоримиз ҳам мухбир деган жойда юрагини ҳовучлаб қолади.

— Борди-келдимиз йўқ. Узоқлашиб кетганмиз.

— Пинжига кирилинг!

— Шунча йилдан буён салом-алик қилмасдан-а?

— Нима қипти, «шундай-шундай...» десангиз тилингизга тирсак чиқмасди.

— Деганимда ҳам бўлмасди.

— Нега?

— Мухбирлар, шоирлар қонундан ташқари иш қилишмайди.

— Ҳа, ўшаларни, — Чиннихон танглайини тақиллатди. — Қалам ҳақи нима бўларди. Бо худо, ит ётиш — мирза туриш...

— Ҳаромдан ҳазар қилишади.

Диван пружинаси яна ёғирлади. Гугурт чақилди, сигарет тутуни анқиди. Диёра нимагадир ўзининг, ота-онасининг аҳволидан қотиб-қотиб кулгиси келди. Ана, ҳозиргина чарақлаб турган юлдуз учиб, қандайдир қоронғулик қаърига сингиб кетди, ана, ой ҳам тобора хира тортиб, уфқ томонга оғиб бораётир... «Ёруғлик, ё қоронғулик... — ўйлай бошлади қиз. — Ё ёруғликда ярқ этиб кўриниш, ё қоронғулик этагини тутиб, ном-нишонсиз йўқ бўлиш!.. Бошқаси бекордай...»

Қизнинг ҳаёт, тирикчилик ҳақидаги ногихоний хулосалари эр-хотин учун бекору беҳуда эмасдек эди.

— Мунча тутатмасангиз, — Чиннихон йўталди. — Энди ётоқда чекиш қолувди. Бутун буюмларни қурум босади.

— Топилади, — бепарво жавоб берди Маъмуржон.

— Топиладимиш... Топилгунча жа белингиз майишган-да.

— Нима қил дейсан?! — хумга тушган аридай тўнғиллади Маъмуржон.

— Қизингизни айтаман! Ўзи, янглишмасам ойимларни тўрт-беш минг сўм ўлимликлари бориди, шунга ўзимиздан кўшиб, йўлини қилса бўлармиди...

— Йўли очилармиди шунда қизингни?

— Кўпчилик шундай қилаётибди-ку!

— Кўпчиликмиш. Қинғирлик билан ўз йўлини очганларни кўраётимиз. Бўлдим дегани, чўнтагида диплом, газбудкада газ сув ёки ё кўпиртириб пиво сотаётибди.

— Нима бўлгандаям сиздан яхши яшайди ўшалар.

— Бас!..

— Бемехр ота! — Чиннихон пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Қийналиб ўзи топсин йўлини қизинг! Шунда кўнгли тинч, еган оши ҳалол бўлади...

* * *

Диёра ҳамиша раъйига қарайдиган, бир дамнинг ўзида минг кулиб, минг кучиб, силаб-сийпалайдиган онасини хуш кўрар, камгап, назарида тўнг, маданиятсиз кўринган отасини ёқтирмасди. Биринчи бор отасини яхши кўриб кетди. Ўша суҳбат бўлиб ўтган кечаси бошини адл тутиб онасининг инжиқликларига терс қарагани, гапларини қайириб ташлагани учунми? Билолмади. Буни билишига ҳожат ҳам йўқ, Ўрда суви кўм-кўк, осмон тиниқ, атроф гўзал эди.

— Гўзал ойимчага саломлар!

Диёра ялт этиб қаради. Қаршисида жинси шим, костюм кийган, ёқавайрон, тарашадеккина йигитча турарди.

— Салом.

Қизнинг эйтиборсизлиги йигитчага эриш туюлди. У қизил рангли платформа туфлисини саржин палёнларидай бир-бирига қасир-қусур этказиб урди, елкасини тўлдирган сочларини силкитиб олқиндидай юзини, пўстакнинг йиртиғидай совуқ қош-кўзларини намойиш этган бўлди.

— Буни қаранг-а, ҳавойингиз баланд-ку! Утиринг ҳам демайсиз.

— Бу скамейкага кимлар ўтирмаган. Марҳамат!

— О, бу бошқа гап.

Йигитча қизга суйкалибгина ўтирди. Кулди, илдизи қотмаган мўйлабини озгин бармоқлари билан тартибга келтирган бўлди. Унинг бармоғидаги қўпол узуги, тишлари йилтиллаб кетди.

— Фол боқиб қўяйми? — йигитча яна ҳам Диёрага яқинроқ сурилди. — Қани, қўлингизни беринг-чи?

— Кераги йўқ.

Диёра ундан ўзини нари олди. Йигитчанинг оғзидан арақ ҳиди бурқсиди.

— Майли, зарари йўқ, — у ҳавода муаллақ қолган қўлини ўйнатиб гапира бошлади. — Яқин кунларда кўрган-кечирганларингизни кафтингиздаги чиққларга қараб эмас, чиройли юзингизга қараб бемалол айта оламан.

— Афсуски, сизга берадиган чақам йўқ.

— О, чақадан гапирманг! — йигитча қизга зимдан ҳайратомуз кўз ташлади. — Ҳэ, ўша, чақа нима деган гап... Бош омон бўлса топилади. Мен сизга айтсам, яқин бир ой ичида бошингизга кўп ташвишлар тушди.

— Қанақа ташвишлар экан?

Қиз монанд балоғат ёшига етганида дунёталаб, эътиборталаб бўлади. Ўзини очилиб-очилмай турган гулга қиёс этади: кундузлар қуёш, тунлар юлдузлар, ҳамиша эсаётган шабадаю оқаётган сувлар менга боқсин, дейди. Диёра ҳам шундайлардан, тўғрироғи, шундай жараёни бошидан кечириётганлардан эди. Чиройли, кўзга яқин эди у. Катталарнинг ҳавас билан қарашларидан, ёшларнинг гоҳ ошқора — шилқимона илтижоларидан лаззатланарди.

У ҳозир ёнида пати юлинган жўжаҳўроздай бевақт қичқириб, мастона алмойи-алжойи гапларни қилаётган йигитчага назар ташларкан, негадир ўзини енгил тортгандай ҳис этди, ичидан қуйилиб келган кулгусини яширолмади, тошириб юборди.

— Қизиғақансиз!..

— А, бу бошқа гап, — деди йигитча чўнтагидан «БТ» сигаретасини чиқариб. — Қани, бир чекишайлик-чи!

— Раҳмат.

— Йўғ-э, — йигитча таажжубланиб қаради. — Нега чекмайсиз? Дунёнинг лаззатларидан бебаҳра қолмаслик керак. Ҳалиги, чекиш, ичиш дегандай...

— Чекардим-у, — қизнинг шайтонлиги тутди, тескарига қараб лабининг бир чеккасига илинган табассумини зўраки ямлади. — Шу, ҳозир чекким йўқ. Кўнглим тусамаяпти.

— Кўнглингиз?!

Йигитча буюғ ургандай тумшайди. Босиб-босиб ичига сигарета тутунини тортди, ихтиёрсиз равишда чиллакдай оёқларига ёпишиб турган қимматбаҳо жинси шимига, бармоғидаги тилла узугига қаради. Афтидан бундай муомалани қизлардан биринчи бор эшитаётгандай эди.

— Шундай денг-а, — деди у танглайини тақиллатиб. — Ўзим чекиб, тутунлар орасидан сизнинг тақдирингизни кўришга ҳаракат қилиб кўраман. Яъни, фол боқаман.

Диёра ҳайрон бўлди. Бирон жойда кўргандирман, гаплашгандирман, балки хонадонимиз ҳақида эшитгани бордир, деган тусмолга борди. Эслолмади.

— Ихтиёрингиз, — деди у эътиборсизлик билан.

— Учқур қушдай узоқ-узоқларга парвоз қилмоқчи эдингиз, — деди йигитча митти кўзларини йилтиллаб. — Аммо институтнинг аудиториясигача учдингизу кўнолмадингиз... — У, қалай, топармонлигимга қойилдирсиз, дегандай илжайиб, ола-қура мўйлабини силади. Кейин, ушоқ гавдасига қовушмайди-ган гердайиш билан гапида давом этди: — Узоққа парвоз қилиш учун мустаҳкам қанот-қуйруқ керак! Акс ҳолда арзимаган елвизакдан акса уриб, дарвозадан нарига ўтолмайдиган кампир ҳолига тушасиз.

Қиз унга қизиқ қараш қилди.

— Хафа бўлманг, — йигитча қўлини кўксига қўйди. — Бу гапимнинг буромади, даромадини энди эшитасиз. Шундай қилиб десангиз, мен ҳам худди сизнинг кўйингизга тушганман. Бунга икки йил бўлди. Учинчи синфни битириб, ўқишга киролмадим. Куйдим, ёндим, овунарман деб ўзимни боғ-роғларга ўрдим.

— Нима бўлди? — қизиқсиниб сўради қиз.

— Нима бўларди, қулоғимдан судраб ишга киритиб қўйишди. Дўкондорликка! Яъни, сотувчиликка! — йигитча қулочини ёзиб сохти-сумбатини намойиш этган бўлди. — Мана, кўриб турибсиз! Истасам, агар пўлатдан бўлса ҳам, ҳар қандай институтнинг эшигини оча оламан. Истасам, учқур қушдай учиб, ҳар қандай баланд тоғдан ошиб ўта оламан.

— Қандай қилиб учасиз? — Диёра ярим ҳазил, ярим жиддий сўради.

— Қанот-қуйруғим — ошна-оғайним, қанот қуйруғим — пул!

— Буни қаранг-а! А, бу, ўзингиз айтганингиздай, ҳамма дўкондорлар ҳам сизга ўхшаган бўлишадими?

— Э, йўқ. Эртадан кечгача пул санаб, унинг ҳидини билмайдиганлар кўп. Қаловини билиш керак! Пийримиз бобом шундай дейдилар, тоғамлар шундай дейдилар. Қаловини топса қор ёнади, ҳа!

Қиз йигитчага, йигитча қизга қаради. Бу қарашлардан уларнинг кўнглидан нима гаплар ўтаётганлигини билиб бўлмасди.

— Ўзингизни бардам тутинг, Диёраҳон, — йигитча ўрнидан турди. — Довон ошиш учун аввало дармон керак, ҳа! Бир-икки йил деган гап, ҳадемай ўтиб кетади.

— Сиз мени қаердан биласиз?!

— Биламиз-да, билиш учун ҳам дармон керак, — йигитча соатига қаради. — Туғилган кунингиз экан, соғлигингиз учун ўзингиз бўлмасангиз ҳам девордаги сувратингиз билан уриштириб ичдик.

— Демак... Тушунолмаётибман...

— Тушуниб қоласиз. Ишқилиб, очган фолимнинг ҳаққини унутмасангиз бўлди.

Йигитча кетди. Орқасидан хазон тўзиди.

4

Маъмуржон меҳмон кутди. Қизи Диёранинг туғилган куни муносабати билан Чиннихоннинг ишхонасидан келганларга ош-нон тортди. Совға-салом билан эшикдан сувратдай кириб келган меҳмонлар тотли неъматлар, ўтли ичимликлар таъсирида яйраб, очилиб-сочишиб чиқиб кетишди. Аммо Маъмуржоннинг кўнгли маъмур эмас, хижил. «Нега? — ўз-ўзига савол беради у. — Нега булар бунақа? Мундай қараганда, тушуниб бўлмайди: бир-бирларига худди туғишган ота-боладай, ака-укадай, опа-сингилдай. Лекин... Тавба, нимадан гапириб, нимадан кулишди ўзи? Ё савдо, кўп билан муомала, пул кишини шу қўйга солармикин?»

У уйда ўтиролмади, сиқилди.

Узоқда барглари сарғайган азим туп толлар, дарахтлари кундаков қилинган дала, мол боқиб юрган болалар. Ҳали баргларини тўкмаган бир туп ўрик ловуллаб ёнаётган гулханга ўхшайди. Маъмуржон беихтиёр гулхан янглиғ ўрик, толлар, мол боқиб юрган болалар томон юраркан, энтикиб-энтикиб қўйди.

Толзор этагидаги пайкалда хотин-қизлар картошка теришмоқда. Ҳазиллашиб картошкани кавлаб бераётган тракторчининг орқасидан кесак отишади, нималардир деб қичқаришади, кулишади. Маъмуржоннинг ҳам юпун ҳолати, тенгқурлари билан ҳатто қишли-қировли кунларда қор титиб, лавлаги излаганлари эсида. Совуқ урган лавлагини ўт ёқиб пиширардилар, уйларига келтириб димлама қилардилар... Чуғурлашиб картошка пишираётган болаларга бу шунчаки эрмак. У пайтда-чи? Емак учун, очдан ўлиб қолмаслик учун қилинарди.

— Чой ичинг, мулла.

Маъмуржоннинг ўйлари чайқалиб, тинди. Нариди букчайган қари тол, қирғоқлари нураб, ичини хас-хазон босган ҳовуз. Ёнида рахлари кўпдан сувалмаган супа. Супада яқтак устидан қора тўн кийган, оқ иштонининг почаси сизилган, доғ-дуғ, жуссаси кичик бир чол ўтирарди.

Чолга кўзи тушган Маъмуржоннинг кулгиси қистади: елкасида эски сурп қийиқча, бошида тескариси ағдарилиб, пилтаси чиққан жиягини гардиш қилиб қўндирилган дўппи. Гўё чоли тушмагур осмону фалакни дўппи қилиб кийиб олгандек, хотиржам. Ёнида ўроқ, олдида ёзиғлиқ рўмолча устида нон, узум.

— Асли қишлоқданмисиз дейманов?

Омонлашарканлар, супанинг нураган чеккасига аввал дастрўмолини ёзиб, кейинидан шимининг чанг-чунг бўлишини хаёлига ҳам келтирмай ёзилиб ўтириб олган Маъмуржонга кўз югуртириб олди чол.

— Нимайди?

— Негаки, — чол тўнининг барини кўтариб термос билан пиёла олди, чой куйиб узатди. Кейин қандайдир ўкинчга ҳам, истеҳзога ҳам ўхшаб кетадиган жилмайиш билан гапида давом этди: — Шу, десангиз, қишлоқ боласи даланинг мевалари, ширин-шакар боғ-чорбоғини ҳам, шамол кўпса кўтариладиган чанг-чунгини ҳам бирдай кўради...

Маъмуржон чолга қизиқиш билан қаради. Таниди, «бу, ўша, — эслади у, — қоп қўлтиқлаган киши. Бунақаларнинг қиёфасини ҳам, гап-сўзларини ҳам унутиб бўлмайди. Ушанда гўшт дўкони олдида дўмбоқ аёл билан кўзойнакли чолни, қассоб йигитни тоза тузлаганди...»

— Гапингиз тўғри, — деди чолга яқинроқ ўтириб. — Қишлоқданман. Лекин қарийб йигирма йилдан буён шаҳарда тураман. Ўқиш, кейин иш дегандай. Қишлоқда кам бўламан. Рост, қишлоғимизнинг удумларини ҳам унутмаёзим.

Чол сезилар-сезилмас бошини сарак-сарак қилиб қўйди-да, сўради:

— Қайси қишлоқдансиз?

— Эшботирдан.

— Эшботирдан? Эшботирни биламан. Қонқус, Бўтавой, Тариқтешар деган қишлоқларнинг этагида. Меванинг кони. Э-ҳа, қовунларини айтмайсизми! Аиниқса, чўгариси тилни ёради.

— Ҳа. Ҳар жиҳатдан тўкин.

Маъмуржон энтикди, ҳар жиҳатдан тўкин қишлоғини қўмсаб узоқ-узоқларга кўз ташлади.

— Туз-насиб, — чол мўйлабини ялаб, шикаста товушда давом этди. — Ота-она болам деркан, бола далам деркан. Шу бизди каттамыз ҳам домда туради. Ўзи инженер, уй қуради. Ҳар келганида биз чол-кампирни бирга турамыз деб юлқигани-юлқиган.

— Бориб турасизларми?

— Гоҳ ўғлим, гоҳ келиним ҳафта сайин келишиб, олиб кетишади. Бундай қараганда, дом ўрганган одамга жоннинг ҳузурини: ўтин-чўпсиз ошхона, узала тушиб ётсанг, одам сиғадиган жамошови билан иссиқ сув... Аммо биз бир кун ўтмай димиқиб кетамиз. Ўрганмаганмиз-да. Мани бўлса, кўзимнинг олдидан сигир-бузоқ, дала-ўтлоқ ўтаверади. Кампирни-ку, қўяверинг, отамерос қозон-товоғини соғиниб қолади.

— Ҳа...

— Бу, мулла дейман, ўйлаиб қолдиз?

— Шунчаки, ўзим, — Маъмуржон чолнинг зийраклигига ҳайрон қолди. — Сизни аввал ҳам учратгандим.

— Бўлса бордир. Қолаверса, менга ўхшаган чоллар камми. Бировга ўхшатаётгандирсиз.

— Йўқ, рост.

— Эҳтимол.

— Ушанда қассоб йигитни, кўзойнакли киши билан бир аёлни бошлаб сизга тортгандингиз.

— Эслолмаётибман.

— Ҳалиги, кеч куз тоққа ёйиб келиш учун қўйларини ҳайдаб кетаётган чўпон билан авлиё ҳақидаги ҳикоянгиз...

— Э-ҳа, — чолнинг чувак юзига ўйчанлик чўкди, асабийлик билан бошидаги дўпписини айлантириб-айлантириб қўйди. — Эсладим... Локин одам бола-сига наҳ уриб бўлмайди-ю, ўшанақаларни кўрсам, азбаройи жаҳлим чиққанидан етти қават пўст ташлаб юбораман.

Маъмуржон кулди:

— Етти қават этларини сиз шилдингиз ўша куни!

— Э, садқаи одам-э, — чол беихтиёр қўлини дўпписига узатди. — Ҳаво пайдо қилган, оёқлари ердан узилган. Унақалар ўзига ҳам, элга ҳам вафо қилмайди.

— Бу дейман, отахон, машинага минган, самолётга тушганларнинг ҳаммаси ҳам ҳаво пайдо қиларкан-да?

— Қилади! — чол кўзини қисиб осмонга қараб олди-да, гапида давом этди. — Самолётга чиққанларни билмадим, ўзлари йиқилиб тушмасайдим, деб жон ҳовучлаб ўтиришса керак. Локин оёғи ердан узилган борки, мен сизга айтсам, ҳаво пайдо қилади. Машинани қўятулинг-у, эшакка бир миниб кўринг-а, ўзизни аллақандай туясиз. Назаризда ердаги жами нарсалар — одамлардан тортиб жониворларгача, ариқлардан тортиб ўт-ўланларгача қандайдир майдалашиб кетгандай бўлади. Шунақа!

Ҳамма гап одам одамлигини йўқотмасликда, яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам тупроқ билан боғлиқ эканлигини унутмасликда! Шуни билган одам ҳаволанмайди.

— Сиз билан қайта учрашганимдан минг-минг хурсандман.

— Одам одам билан учрашади. Локин, тоғ тоғ билан учрашмасин... Учрашса борми, охир замон деяверинг. Мен ҳам кўришганимдан хурсандман. Қани, узумдан олинг!

— Раҳмат, едим. Жуда ширин экан.

— Ўз боғимизда битган, чиллакининг асл навидан. Қизимаса ҳатто чирманда жарангламайди. Бу мева-ку! Ҳа, мен сизга айтсам, узумнинг ширин бўлиши, бир жиҳати хомтоққа ҳам боғлиқ. Негаки, маромида офтоб тегса, ҳосили ширага тўлади, ортиқчаси куйдиради. Олинг, ош бўлсин. Ҳа, сўраганинг айби йўқ, хизмат қаерда?

— Комбинатда. Читга гул босиш фабрикасида инженер бўлиб ишлайман.

— Газмол чиқараман денг?

— Ҳа.

— Балли. Қаранг, далада битган данак шаҳарга келиб ёзди палак. — Чол чўққи соқолини тутамлаб селкиллаб кулди. — Шу дейман, юзингизга айтаётибман, нафсиламрини айтганда, касбингиз улуғ касб. Э, халқни едириб, кийинтиришдан ҳам савобли иш борми дунёда!

Чол жим қолди. Кейин, атрофга ўйчан кўз ташларкан, сўради:

— Чол-кампирлар омонми?

— Бувам, ойим борлар. Қишлоқда туришади. — Маъмуржон ногоҳ бевозталанди, чоли тушкур суриштириб қолмасайди, деган хижолатда шошилинч гапни бошқа томонга бурди. — Отахон, бу жойлар бир вақтлар зап боғ-роғлар бўлганми дейман?

— Э, нимасини айтасиз! — Чол рўмолдаги нон, узумни йиғиштираркан, ғурур ҳам қандайдир ички бир дард, ўкинч билан деди: — Кучоққа сиғмасди... Шунақанг ю ёнғоқлар бориди. Нокзорларни, ўрикзорларни айтмайсизми! Ками эллик, юз йиллик. Эрта баҳордан кеч кузгача ариқларда мева оқарди. Ярмини дом қуриш учун кесишди. Анув, сиз кўриб турган, кундаков қилинган жойлар бор-ку, ўшатга мошинларга бостирма солинади, деган гап бор.

— Тўғри, автопарк, бир ёғига шаҳарлараро автостанция қурилади.

— Ҳа, ана!.. Локин колхоз катталари шаҳарга ўтган жойлардан эрта қўл силкишди. Бедапояга қаранг! Озмунчами?! Суғорилмай қолиб кетди. Ўзим суғорай дегандим, тўғонлар бузук, қувватим етмади.

Чол дам сўзлар, дам шайтон ялагандай яланиб, қовжираб ётган бедапояга қараб-қараб кўярди. Маъмуржон қандайдир енгил тортиб ўрнидан турди. У рўмолчасини, ёпишган хас-чўпни қоқиб, шимининг чўнтагига солди-да, чол ҳузурида тавозе билан қўл қовуштирди:

— Анча суҳбатлашдик. Кўп раҳмат, сизга.

— Асло, асло. Қайтанга гурунглашиб, толмачой қилдик.

— Янги кўчиб келганмиз, мана шу домга! — Маъмуржон чолни меҳмонга таклиф қилди, адресини айтди. — Саккизинчи қаavat, йигирма тўртинчи хона. Албатта киринг.

— Қуллуқ, ўғлим. Одам ўлмас — ризқи қийилмас, деганлар. Насиб этса албатта ўтиришамиз. Хўп, омон бўлинг.

Чол рўмолчасига тугилган нон, узумни тол шохига илди, термосни чириган кунда қувирига кистирди. Сўнг, ўроғини кўтарганча, ялпиз босган уват бўйлаб йўл олди. Ҳамма ёққа ялпиз бўйи анқиди.

Маъмуржон туриб қолди. Уйига қайтгиси келмас, қайтадиган бўлса кўз олдидаги қуриб-қовжираб ётган бедапоядан, ташландиқ супадан, дўпписини бошига чамбарак қилиб қўндириб олган чолдан бир умр айрилиб қоладиган-

дек эди. «Ёшим бир жойга борганда оёғим ер искади чоғи, — ўзини ўзи сўроқ қила бошлади у. — Наҳотки шу пайтгача, чолнинг таъбири билан айтганда, ҳаволаниб юрган бўлсам?! Уқидим, инженер бўлдим дедим, ўзимни бошқалардан баланд қўйдим. Кейин, уйландим. Чиннининг чиройига ипсиз боғландим. Шунинг ўзи ҳаволаниш эмасмиким?! Бобом юборган пулимни, «олмайман» деб қайтариб юборибди. Почтачи жувон, шундай эркаклар борки, гоҳо хотинини, ҳатто ота-онасини ҳам кўрмай қолади, деганида ҳазил, нимагадир шама десам, аслида пичинг қилаётган экан-да! Ана, холос! Оббо, чоли тушмагур-эй, ҳаволаниш, тўғри йўлда қоқилиш, деб шуни айтади. Ҳатто машина рулини тутмасдан, эшакка минмасдан туриб...»

— Ҳой, мулла, мулла дейман! — Маъмуржон овоз келган томонга илкис қаради. Нариди, уруғ боғлаган кулранг ялпиз орасида ҳалиги чол турарди. — Ҳув, қатор тол ортидаги кекса шотутни кўраётибсизми? — у ўроқ тутган қўли билан сийрак хонадонларни кўрсатиб, тасдиқ ишорасини олгач деди: — Ҳа, балли! Қўштут дейди ўша жойларни. Қишлоғимиз. Бекор кунларингиз болачақани олиб боринг, қаймоқ еб келасиз. — Чол кетишга чоғланиб, яна тўхтади. — Ҳа, дарвоқе, Ҳусан отанинг уйи қайси деб сўрасангиз қишлоқнинг етти ёшидан етмиш ёшигача айтиб беради. Етти пуштимиз шу ерда ўтган. Уйимиз шундайгина мактабнинг ёнида. Шох тутилган ҳовли... Хўпми?!

— Хўп бўлади, отахон! Албатта бораман!

Маъмуржон яқиндан пайдо бўла бошлаган жуссасидаги оғирликни ҳам сезмай ҳуштак чалиб, қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча уйи томон йўл олди.

БЕШИНЧИ БОБ

Одамгарчиликка қайтиш

1

**Ёмонлик қилдингми, ёмонлик кутгил,
Табиат жазонгни бергусидир, бил!..**

Самад совуқ пиёладаги винони зарб билан ичди-да, бошини солинтириб тамшанди. У дарбадарликда кечган даври давомида гўлаҳ ҳам бўлган, мачит имомига шогирдликка тушиб китоб ҳам кўрган; вақти келганда худодан кечиб бўзагарлик ҳам қилган, тап тортмай у дунёю бу дунёнинг гуноҳини обдан бошига илган; ҳозир эса, азбаройи ачиб қуйилмаганлигидан, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирарди: «Машойихлар ҳақ гапни айтурлар: ёмонлик қилдингми, офатлардан ўзингни холи билма, андоқким, бу рўйи заминдан сенга ҳам қайта-дурғон жазо мустажодир...»

У... шаробдан тан ўртанур, дил ўртанур!..

Ўтган кунларга, андоқким аҳволи руҳимга разм солмоқ оғир.

Оғир... Фақат шу шароб замзамидан анчайин таскин-тасалли топамен, таряк бангидан қаддимни тутгандек бўламен. Э-ҳа, юз ёшнинг юзини кўрмакдамен. Елдайн ўтди, дамлар. Едим-ичдим — танам яйрамади, одамларга, тирноққа орзуманд бўлдим — хони моним яйрамади... Мен юзи куйган одамлардан, ёруғ дунё мендан юз бурди. Не учун, қайси гуноҳларимга, эй, худо?! Астағфирулло!..»

У бийдай даланинг қоқ ўртасида бўй қўйган дала шийпонининг хосхонасида, зимзиё тунда ҳамон ўзини изларди. Хонада чироқ чарақлаб ёниб турибди. Печкага қаланган ўтин Самад совуқнинг хаёлларидай дам тутайди, дам алангаланиб чирсиллайди. У қўлларини қовуштирганча мук тушиб ўтириб олган. Олдида гуллари, қатимлари титилиб, тўзиб кетган кир қийиқча. Қийиқча устида ушатилган нон, яхна гўшт. Ёнида ёғлари қота бошлаган ярим коса шўрва. Тарашадек жуссага жон бахш этган, унинг тилини таваллога келтирган портвейн шишаси коса ёнида думалаб ётибди.

«Ичим тўла яра... Қачон, қандай қилиб орттирдим?! Қайси қилмишимга, қайси гуноҳларимга танамдан жой олди бу?! Афсус, ўзини кейинроқ сездирди. Кўплар мендан тесқари қараганларида, ҳазар қилганларида зирқиради, билдим. Юзим шувит, дарбадарлик кўчасига кирганимда, ёру биродарларсиз,

уруғим қуриб ҳешу ақраболарсиз қолганимда яна ҳам кучлироқ зирқиради, билдим... Мана энди, кўзимдан нур, белимдан қувват кетганида, у дунёнинг совуқ дарвозаси очилган бу пайтда, гўшанишинликда ситилиб оқаётир... У сиртга тепди, нолаю афғоним еру күкни тутгидайин!..»

У зимзиё, совуқ, қорли кечада ўзини ўзи сўроқларди. Ярим кеча. Қишлоқ аҳли пинакка кетган. Оғиллардаги мол-ҳоллар, қўй-қўзилар, қўноқлардаги қанотли жониворлар ҳам уйқуда, жим. Фақат аҳён-аҳёнда санғилиги, вафосизлиги учун хонадонлардан қувилган итларгина чорбоғлардаги хазон уюми орасидами, пичан босиғлиқ чайлалардами, қаердадир ғингшиб, увлаб қўядилар.

Самад ота қўнимсизлиги учунми, таомилга яраша элнинг яхши, ёмон кунларида элакишмаганлиги, одамовилиги, кўрслиги учунми, ҳар қалай, «совуқ» лақабини орттирган. Лекин шу пайтгача бировга қаттиқ-қурум гапирганини ҳеч ким билмайди. Айтишларига қараганда, кўрмаган жойи, кирмаган кўчаси қолмаган. Кавказу Қозоғистоннинг поёнсиз тоғу тошларида, чўлларида, Хўжанду Конибодомда, ҳатто Россияда бўлган. Мактаб кўрмаган бўлса ҳам илмли, кўп тилни, кўп ҳунарни билади, дейишади. Эҳтимол. Бир одати қизиқ. Ўзини одамлардан кўра ҳайвонларга яқин тутади. Қаерга қадами теккан бўлса, у албатта ё чўпонлик қилиб, ё паррандабоқарлик қилиб туз-насиба топган. Авваллари ҳам Эшботирга беш-ўн йилда бир келиб, уч-тўрт кун турмай қайтарди. Бу гал келганига бир ойки, кўзғалгиси йўқ. Ким билсин, от айланиб, қозиғини топади, деганлари шудир.

«...Хушёрлар ҳаловат уйқусидадирлар. Яхши, хайрли тушлар кўрадилар... Тушларида ҳам ёруғ дунё ёруғ, ярлақавувчидир алар учун. Наинки, хонумонлари бут, имонлари бут. Терак экиб, бино қурганлар; элга элашиб, юртга қатишиб бола-бақра топганлар. Ўлим — ҳақ. Ёғоч отга миниб, қора ер қаърига сафар қилгудай бўлсалар уларни йўллагувчилари, бир калима қуръон билан қўллагувчилари бор. Шундан ҳаприқишдан, мажҳул хаёлотдан холи, ҳаловат уйқусида ётадилар. Шундан марази май роҳатини, сархушлигини чикора биладилар.

Адашган банда...»

Самад совуқ кўзларини ғира-шира очиб, атрофга совуқ назар ташлади.

Хонада чироқ чарақлаб ёниб турибди. Лампочка атрофида иссиқдан жонланган чивинлар чувалашади. Кавак-катакларда увчишиб ётган хира пашшаларга ҳам жон битган: косадаги ярим қайнатма шўрва, қийиқчадаги нон, яхна гўшт таловда. Ҳатто бу хира-хандон жониворлар пиёладаги, шиша оғзидаги вино юқидан нўш уриб, ажабтовур қанот ҳам қоқиб қўядилар.

Қандайдир қўнғир тусли, олма баргидек келадиған капалак пайдо бўлди. У чироқ атрофида толиққунча гир айланиб, қозикдаги Самад совуқнинг яғир чакмонига қўнди. Афти одамга ўхшайди. Бўртиб чиққан кўзлари қизил, йилтиллайди. Чириган тўнкадек мук тушиб ётган чол, капалакка кўзи тушаркан, бир қалқиб қўйди.

«Арвоҳ капалак, — деди Самад совуқ кўзларини йириб-йиртиб, қандайдир ҳайиқиш билан унга қараркан. — Отамнинг арвоҳимикин, онамникими? Қошу кўзлари отагинамнинг қош-кўзларига ўхшайди. Худди ўзи! Аммо соқоли кўринмайди... Ҳа-я, отам кўса эдилар. Балки, онам бўлсалар-чи?! Бечора отам, муштилар онам... Хорликда, зорликда кўз юмишди. Бир бурда нон билан йўқлолмаганмен, фарзандлик бурчимни адо этолмаганмен!.. Уликлар — тирик, тириклар — ўлик дейдилар. Тирик-ўлик ўғилларини йўқлаб келмадилармикин?.. Ё, ёнларига чорлаяптиларми?! Э, дунё!..»

У қалтироқ қўллари билан юзига фотиҳа тортди. Капалак худди унинг кўнглидан ўтаётган гапларни, қилаётган тоат-ибодатларини англагандек атрофида икки-уч айланиб, яна чакмонига бориб қўнди. «Йў-йў... Ота-она ҳар қандай бадхулқ, нобакор бўлмасин, ўз фарзандининг гуноҳидан ўтади. Бу арвоҳ капалак бўлса... Мунча еб қўйгудек тикилмаса? Балки, Тошхўжа юзбошининг, Эшвой оқсоқолнинг арвоҳимикин?! Наҳотки, ўлганларидан кейин ҳам тинч қўйишмаса?! Ё, навзамбилло!..»

Самад совуқ ўтириб олди. Унинг кайфи тарқай бошлаган, ҳувиллаган хонада арвоҳ капалакка ҳам, ғувиллаётган пашшаларга ҳам эътиборсиз равиш-

да узоқ ўтмишни эслар, чамаси ғойиб бўлган дамлардан ўкинч билан нурли бир дақиқа қидирарди.

* * *

...Тошхўжа юзбошининг ҳовлиси қишлоқда энг кўримли ҳовлилардан. Катта нақшин дарвозали, болхонали, дераза-ромли, ўн-ўн беш арава, ёйинки минг қўй сиғгулик саҳнли. Саҳн, яъни ҳовли атрофи аксари икки қаватли иморат: қўш хотинга алоҳида-алоҳида уй, хосхона, меҳмонхона. Бу хушбичим, баҳаво биноларга қарама-қарши томонда қароллар, хизматчилар яшайдиган уйлар. Тошхўжа юзбошининг таъбири билан айтганда, мусофирхона. Ундан нарида узундан-узун молхона, жувозхона. Молхонада миниладиган отлар, сотишга, сўйишга ажратилган бўрдоқи қўйлар, жувозга қўшиладиган ҳўкизлар сақланади.

Дарвозахона биқинидаги ҳужрада Самад истиқомат қилади. Саккиз-тўққиз ёшларида ота-онадан етим қолган. Саккиз йилдирки, умр бўйи хизмат қилиб, бири икки бўлмайдиган оламдан кўзи очиқ кетган ота-онасининг қарз-қаваласи бадалига Тошхўжа юзбошининг эшигида. Қарол ва хизматкорларнинг ҳукмбардори Самад, кўрғоннинг тунги кўриқчиси, дарбони Самад. Аёллар ундан қочмайдилар. Хўжайиннинг улар билан бўладиган ишлари ҳам Самад орқали битади.

Кеч. Овқат вақти ўтган. Кундошлар ўз бола-бақралари билан ясатиғлик, шам нурида оловдай ёниб турган уйларида биқиниб олганлар. Қароллар — бири ёнбошлаган, бири чордана қурган кўйи гоҳ чилим тортиб, гоҳ носвой отиб мусофирхонада қизғин суҳбат қурмоқдалар. Ошхонада оқсоч хотин билан юзбошининг қизлари тарақа-туруқ қилиб идиш-товоқ ювмоқда.

Кимдир эшик зулфинини қоқди.

— Ким? — Самад ҳужрасидан чиқиб, дарвозанинг кичик тавақаси олдида яқинлашаркан, яна сўради. — Кимсиз?

— Оч, эшикни!

— Ҳа, сизмисиз, — йўқлаб келгувчини овозидан таниган Самад эшикни очиб, тавозе билан таклиф қилди. — Киригиз, эшон бувам болхонадалар.

Эшвой оқсоқол Самаднинг саломига алик олдида, дарвозахона чеккасидаги зиналарни оҳиста босиб болохонага кўтарилди.

Оқсоқол тўладан келган, ялпоқ юзли, оқ оралаган соқол-мўйлови патала, писмиқ киши. Унинг қисик кўзлари бугун яна ҳам қисилган, авзойи бузуқ кўринарди. «Жўжахўрозининг Турондан пати юлинганига чидолмаётганга ўхшайди, — ўйлади Самад дастурхон кўтариб, болохона эшиги қаршисига келаркан. — Ажаб бўлди. Аммо-лекин Турон Султонбекни бошлаб туширди, тишини қоқиб кўлига берди. Тўраларнинг олдида гердайиб ўтирган оқсоқол бошини кўтаролмай қолди. Шуни алами! Ишқилиб, Туронга чоҳ қазимасайди...»

Кўлини эшик бандига узатган Самад таққа тўхтади.

— Хўкизнинг шоҳига урса танаси зирқирайди, — бўғилиб сўзларди Эшвой оқсоқол. — Гап ўғлимнинг бурни қонаганида эмас, қонни ювса кетади, гап, мен сизга айтсам, битта итваччанинг юрт катталарини пошшоликнинг кишилари олдида юзхотир қилмаганида.

— Ҳа, энди кураш бўлса, курашнинг қонун-қоидалари бўлса... — Тошхўжа юзбошининг босиқ овози эшитилди. У атайин оқсоқолнинг ярасига туз сепарди. — Хўш, нима деб бўларди? Қолаверса, ўғлингизнинг ўзи талабгорлик қилди.

— Гап бунда эмас!

— Нимада бўлмаса?

— Яна сўрайсиз-а? — бўғилиб, хириллаб гапида давом этди оқсоқол. — Ҳали юкиниб, ўғлингизнинг гуноҳини сўраб Бурҳон келди. Ўзини ҳам ит ғажиган мушук аҳволига солдим.

— Бўпти, яна нима керак?.. Болалар уришади, ярашади.

— Йўқ, мен у зумрашани Сибир қилдираман!

— Қизишманг, оқсоқол, — бир оз жим қолган, қандайдир мулоҳазаларга борган юзбоши энди мулойим товушда гапира бошлади. — Сабр қилинг, Сибир қилиш қочмайди. Хабарингиз бор, ҳадемай мардикорликка одам оли-

нади. Шунда, Бурҳоннинг зумрашасини ёшини ошириб рўйхатга тақаймиз, вассалом!

Самад дастурхон кўтариб кирганида улар хуфтон намозига отланмоқда эдилар. Юзбоши салласини бошига қўндираётди, кераги йўқ, ишорасини қилди. Самад ҳужрасига қайтди. Юрт катталари ораларида ҳеч гап бўлмагандай илиқ гурунглашиб, мачитга йўл олдилар.

Оқсоқол билан юзбоши ўртасида бўлиб ўтган гап Самадни ўйлантириб қўйди. Нима қилсин? Туроннинг олдига бориб, шунақа-шунақа, шўрингга шўрва тўкиладиганга ўхшаб турибди, деб бўлган гапларнинг ҳаммасини айтсинми? Йўқ, айтмайди. Турон отдан тушса ҳам эгардан тушадиганлардан эмас. Агар бориб айтадиган бўлса, нима чақимчилик қилиб келдингми, ҳўжайнларнинг қўлидан келганини қилсин, бор, тошингни тер, дейишдан тоймайди.

Самад, баттар бўлсин, деган хаёлда узала тушди. Аммо ётолмади, юрагининг қаеридир ачишди. У шаҳд билан ўрнидан туриб, огоҳлантириш учун оёқяланг Салимнинг олдига жўнади. Салимларнинг ҳовлиси Қорасув бўйида. Атрофи ёнғоқзор, ўрикзор: ваҳимали. Яна бунинг устига ҳали-замон чиябўрилар, тулқилар увлашиб қоладиган чакалакзорни ёқалаб бориши керак. Чумчуқ пир этса юраги шир этадиган Самад бу гал нимагадир қўрқмади.

У келганида Салим, иштон-кўйлаги шилтий-шалаббо, чархпалак ёнидаги супада шовуллаб оқётган сувга тикилганча ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди? — Салимнинг аҳволини кўриб сўради Самад. — Отанг урдими?

— Йўқ, чархпалак тузатдим, — одатига кўра бефарқ, салмоқланиб деди Салим. — Пақирларини пачоқлаб кетибди.

— Ким?

— Мироб.

— Нега?

— Оқсоқолнинг ерига сув етмаётганмиш. Туруп, шолғом қақраб ётибди, намланиб олсин деб ўтирибман. — Салим бошини кўтариб Самадга қаради. — Ўзинг нима қилиб юрибсан?

— Туронга бир гапни айтиб қўйсанг дегандим.

— Қанақа гап экан?

— Чатоқ... — Самад оқсоқолнинг важоҳатини, болхонада бўлган гапларни оқизмай-томизмай айтиб берди. — Беш-ўн кун қорасини кўрсатмай юрса бўлармиди... Лекин мени айтди дема.

— Яхши.

Салим сўкинди. Улар хайрлашдилар. Самад ҳужрасига енгил тортиб қайтди.


Самад совуқнинг ярқ этиб кўзлари очилди. Сесканди. Наҳотки ухлаган бўлса? Туш кўрган бўлса? Йўқ, ҳамма кори хайрни билиб, кўриб турибди, ақалли кўзи ҳам илинмади. Унда?.. Унда Тошхўжа юзбоши, Эшвой оқсоқол қани? Ҳозиргина хуфтон намозини ўқигани мачитга чиқиб кетишган эди-ку?! Балки қайтишмагандир, дунёнинг олди-қочди гапларидан масала таллашиб ўтиришгандир... Балки, улуғлар худонинг уйида имонларини ютиб, муштдекки-на Туроннинг манглайига қора кунларни битишаётгандир... Турон кўрс, Турон кўрс! Пайти келганда эшакни тоға дегин, деганлар. Мунча кўрс бўлмасанг, улуғларнинг юзига чопмасанг!..

Чархпалак қани? Супада шилтайи-шалаббо бўлиб ўтирган Салим қани? Ҳар қалай Туронни Салим орқали бошига тушадиган нохуш кўргиликлардан огоҳлантиргани яхши бўлди. Билса билар, билмаса худо...

У ўзидан мамнун бир кайфиятда ён-верига қаради. Чироқ ёниб турибди. Коса, қийиқча устидаги нон, яхна гўшт атрофида пашша ғувиллайди. Деворларни синчиклаб кузати: арвоҳ капалак ҳам ғойиб бўлган. «Менга нима бўлди? Ер чақираётирми?! — Самад совуқ сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Йўқ-йўқ!.. Салим... Турон... Қаердаман ўзи? Тўхта-тўхта, Дўбирнинг шийпони-ку, бу! Ҳа, ҳа, худди ўша. Карим, Карим болам!..»

Ташқарида қор ёғарди.

Охири келгуси сонда



Муҳаммад Раҳмон

РУҲИНГНИНГ ЗАНЖИРИНИ УЗ

...Руҳингнинг занжирини уз
Ой кўрмаган,
қуёш кўрмаган,
Қордан ҳам оқ бу елкаларга
Энг камида бир азаматнинг
Чайир қўли қўниши керак:
жонсарақ қуш бўлиб, нафис гул бўлиб,

Ой кўрмаган,
қуёш кўрмаган
Қордан ҳам оқ бу елкаларда
Ярашади қиқирлаб турса
Ун бир ойли чақалоқ.

Ой кўрмаган,
қуёш кўрмаган,
Қордан ҳам оқ бу елкаларга
Миниб олиб ҳар шом, ҳар сахар
Сопол кўза булоққа тушар.
Икки қўли белида —
гердайиб тушар!

Кўзани тўнтариб тиниқ сатҳида
Ночор булоқ юм-юм йиғлайди:
«Елкаларинг оғримадими, санам?...»
Юлғун йиғлайди
Юзларига қизилча тошиб:
«Елкаларинг оғримадими, санам?...»

Тошзинага қоқилиб бир кун
Йиқиласан. Синади чил-чил,
Узилиб тушади кўзанинг қўли.
...Тур, турақол, ёшларингни арт,
Айт,
тошларнинг юраги бор, де!
Кечирдим, де тошларни!..

«Тиззаларинг оғримадими, санам?...»

Вайрон Дишон қалъа, Оқсарой вайрон,
Оғзи очик қолган — дахмалар ҳайрон...
Кимдир ул қатағон — одамми, ҳайвон?!
Юзидан ниқобин юларман бир кун.

Юртбузарларними сақлар хотирда —
Гирдобдан тугун бор Амуда, Сирда,
Бу жоним озурда... бирдамас-бирда
Дарёдек тошарман, тўларман бир кун.

Қошида ўсмамас, даланинг чанги,
Қирққокил қизларнинг сўлибди ранги,
Оғалар, қўймижоз, молпараст, банги,
Бир жонимни мингга бўларман бир кун.

Чархи кажрафторнинг нобакорлиги —
Гўдак билагида ўлим ёрлиғи,
Аслинга, наслинга зулм ёрлиғи,
Қақнусдек ўтларда куярман бир кун.

Ох, тилим, туркулар айтган Туроним,
Насли-насабимдан белгим, ўроним,
Ёв ишғол қилмаган сўнги кўрғоним,
Ўлсам шу кўрғон деб ўларман бир кун.

Юлдузлар парпирар — осмонимда чўғ,
Руҳи равонимда, имонимда чўғ,
Маҳкум Улуғбекман — чакмонимда чўғ,
«Сен ҳам билдингми?!» — деб сўрарман бир кун.

Босириқ тушларнинг таъбирини буз,
Нотанти тақдирнинг таҳририни буз,
Ўз, халқим, руҳингнинг занжирини уз,
Кетсам-да, мен қайтиб келарман бир кун.

Турғунлик йиллари қўшиғи

Шўрванинг шўрваси — ёвғондан тўйдим,
Бол, шакар қўшилган ёлғондан тўйдим.

Боши бўш, қорни оч, кўзлари хира,
Ўзни доно билган нодондан тўйдим.

Файратсиз, рағбатсиз ношуд ғамкашдан,
Девори намкашдан, нолондан тўйдим.

Қаттиқроқ йўталсанг қалтирар тизи,
Оғизда элпарвар «полвон»дан тўйдим.

Шиор бор, битик бор қайда тешик бор,
Олзада ҳўкиздедек алвондан тўйдим.

Воҳ, ҳолинг хароб-ку, манзилинг сароб,
Қайт, карвон, субутсиз сорбондан тўйдим.

Ҳар неки қилдим мен замонга боқдим,
Инсонга боқмаган замондан тўйдим.

Чидади ерини таласалар ҳам,
Чидади элини таласалар ҳам,
Ҳаттоки тилини таласалар ҳам

Чидади, ташвишга тушмай бу ҳолдин...
Олтин деди фақат,
Сабр таги олтин!

Бир кун кетмон урди
ва кўрди; э воҳ
Қанақа фириб бу, бу қандай алдоқ:
Сабрнинг тагидан қўш бармоқ чиқди,
Қўшбармоқдан эса чиқди бошмалдоқ!..

Кенжа Ботир ҳасрати

Яхшилик қилдим мен чумолиларга —
бир кечада юз ботмон донни саралаб беришди.

Сичқонларга яхшилик қилдим —
лаҳм ўйиб зиндон остидан
маҳбусликдан халос этдилар.

Балиқларга яхшилик қилдим —
сувости салтанатига олиб тушишди.

Қушларга ҳам яхшилик қилдим —
семурғ қанотига ўтқизиб
Кўҳиқофга етказди мени.

Одамларга яхшилик қилдим —
акаларим қудуққа ташлаб кетишди
икки кўзимни ўйиб...

Мустабиднинг ўлимига

Абгор эл бу кунга етгунича то
Ғам-андуҳ қон қилиб юракларини,
Ўтди, олиб ўтди мазорларга, о,
Ёстиқларда қанча гўдакларини.

Сийлар қайтар дунё феълига қараб
Тамуғнинг ҳар шонли, бешонларини:
Ана, ўтмоқдалар кўтариб бугун
Ёстиқларда унинг нишонларини!..

* * *

Эмишким, хорижда раҳбар эл, Ватан
Равнақиға қўшса бирор-бир ҳисса,
Достон қилармишлар уни дафъатан,
Адиблар битармиш роману қисса.

Бизда-чи, дейсизми? Биз ҳам чакки-мас!
Ёшдир ул, кексадир, таъби назми бор...
Носирларимизнинг бирмас, икки-мас,
Жилд-жилд асарларга рағбат, жазми бор.

Фақат ўзларини туришар тийиб, —
Қўйганмиз сиғиниб шахсга бир пайтлар...
Устига-устак денг, катталаримиз
Бирам камтарларки, оҳ, бирам камтар.

Айби не ҳожатманд бечораларнинг,
Қабулга кирмасин ҳеч ким эгилиб, —
Улар қайта қурар идораларни:
Эшиклар туради нақ шифтга тегиб!


Халққа совун керак,
шакар, ун керак,
Кун керак навбатинг етгунича то...
Улар халқ ризқига бўлмай деб шерик...
Хос дўкончалардан қилишар савдо!

Қаранг, ҳиммат борми бундан ҳам ортик,
Бодин даволасин сириб уйига:
Ишчига қилишар қуёшни тортик,
Ўзлари ...кетишар денгиз бўйига!

Мажлис, зиёфатда, сафарлардами,
Турар тирсагидан ушлаб мулойим...
Ахир, халқ вакили янгамиз! Яъни,
Тўра Тўраевич халқ билан доим!

Эмишким хорижда раҳбар эл, Ватан
Равнақига қўшса бирор-бир ҳисса,
Достон қилармишлар уни дафъатан,
Адиблар битармиш роману қисса.

Бизда ҳам илҳом бор, деманг, латталар,
Ҳаммасини кўриб-билиб юрибмиз...
Айтдим-ку камтар, деб бизнинг катталар,
Ҳозирча... латифа тўқиб турибмиз!




Акс садо

М. Пирриев қадимги туркий қабила ва уруғлар номини тиклашга уриниб жуда хайрли ишга қўл урган экан. «Теран томирлар» мақоласини («Шарқ юлдузи») 1989-й., 12-сон) ўқиб тасаввурим бироз кенгайди.

Чироқчи райони даштликда жойлашганиданми ё шаҳарлардан узоқ бўлганиданми ё... ишқилиб, қадимги туркий қабилаларнинг номлари яхши сақланиб қолган. Муайян қишлоққа меҳмон келгудай бўлса, албатта унинг уруғи суриштирилади. Айрим қариялар меҳмоннинг гап-сўзига қараб, унинг қайси уруғдан эканини билиб оладилар. Биз томонларда қутчи, уз, чуют, қиёнли деган уруғдаги одамлар ҳам яшайдикки, бу журналда келтирилган рўйхатга кирмай қолган.

Азамат Шохўжаев,
Чироқчи райони



Илҳом ҲАСАНОВ

ТАҲЛИКА

ҲИКОЯ

...Ниҳоят, тонг отди.

Ҳуши ўзига қайтар-қайтмас, у шоша-пиша ҳисоблай кетди: бугун — иккинчи, эртага — уч, индин — тўрт... Уни эсон-омон ўтказса, саккизинчига яна тўрт кун қолади. Бехавотир яшайдиган тўрт кун. Бу ойда хавфли кунлар нечта ўзи — бештами, олтитами? Бекорчиликдан нималарни ўйлаб топишмайди, а, бу одамлар? Вақтни гоҳ олдинга, гоҳ орқага суришади. Энди кунларни ҳам хавфли, хавфсизга ажратишибди. Аксига олиб, ўша айтилган кун юрак қурғур ўйноқлайдики, нақ обориб-опкелади. Ҳойнаҳой, бу — кунларни аниқ билганидан. Баъзан ҳаяжон зўридан дард ярим кун аввал бошланади. Барвақт келгач, барвақт кетса-да, номард... Айниқса, шунақа, дард узайганда қийин. Бўлди, бас, шу охири ой, энди қизиқмайман дейди-ю, йўқ, ой охирлагач, қулоғи динг — радио пойлайди, кўзлари тўрт — газета кутади. Гўё об-ҳаво маълумотлари сўнгидаги сонлар илоҳий қудрат касб этади, адоқсиз қийноқларга маҳкум этувчи шафқатсиз ҳукмга айланади. Ҳукм шунчалар бешафқатки, унинг дастидан бировга дод деёлмайсан. Кутасан, қассоб пичоғининг ялтирашини кузатаётган қўзичоқдай мўлтираб кутасан. Мени сезмас... кўрмас... четлаб ўтар... — яп-яйдоқ кўнгилда етим бир илинж... Шунақа. Сонларга кўзи тушади-ю, ҳаёт уни ўраб-чирмаб олган бир тўрга айланади. Ўттиз-ўттиз бир катакли бу тўрнинг тўрт-беш банди бўш, исталган пайтда эшилиб кетади. Ушанда у тўрни тарк этади... пастга қулайди... Фақат қачон? Тўртдами, саккиздами — қачон? Бугун — иккинчи. Эртага — уч, индин — тўрт. Тўртинчи — хавфли кун. Аммо унга ҳали роппа-роса икки кун бор. Бутун бошли икки кунни яшамоқ керак. Намунча қийин бу — яшаш? Алдовлар, олқишлар, хушомад, тавозе, илжайиш, маънисиз жиддийлик... Кўп, бир бошга жуда кў-ўп! Наҳот ийманибгина нафас олиб, судралиб яшашнинг тўлови шунчалар катта?.. Аммо, барибир, яшаш — ширин, барини бир йўла ташлаб кетиш... йў-ўқ, кўз қиймайди. Бу ёруғ дунёнинг сендан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандай туравериши тасаввурингга сиғмайди. Дунёни аяйсан...

Дарпарда орти оқарди. Шовқин кучайиб, тобора аниқроқ эшитиларди. Дераза панжарасига қўнган чумчуқ ожиз чирқиллади. Товушини моторлар шовқини ютди. Негалигини ўзи ҳам билмайди, чумчуққа раҳми келди. Одам ғуж яшаган сайин ўзини ожиз, майда ҳам пачоқ ҳис этаркан. Ногоҳ бостириб келган бу ўй дилига хушёқди, қушчага шафқати баттар ошди. Аммо унга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини ўйлаб, эзилди. Бечора, сенга нима зарил эди ўзингни шаҳар деган улкан қафасга уриб, бош олиб кетмайсанми поёнсиз қир-адирларингга!.. Ўзига қайиш кесолмаганининг ўзига чучвара тугишни ўргатгани қизиқ. Майли-да, қайда бўлса ҳам яшаса бўлди-да. Яшаш — бу кураш, демакдир. Уф-ф, яна бировнинг гапи! Ким айтганди буни, қаердан ўқиганди? Эслолмади, лекин бировники экани аниқ. Назарида, туғилиб, эсини танигандан буён саҳнада зерикарли ҳам узундан-узоқ роль ўйнаётгандек. Ўзига тегишли гапларни ёдлаб олган-да, ўрни-ўрнида тўтиқуш каби такрорлайди. Такрорлайди-ю, ичида, қовурғалари остида бўлак бир қушча жон куйдириб чуғурлаганини сезади. Яна шуни сезадики, Асл қиёфаси, Асл гапи ана шу беному нишон қушчада... Баъзан уни қафасдан халос этиб, озод қўйвормоқчи бўлади, уялади, уни ҳеч ким тушунмаслигидан, қувғин қилишларидан қўрқади. Шу боис кўчирмалар, шиорлар билан яшаш анча осон кўринади.

Энди туриш керак, кўчирма ва шиорлар маҳтал қолди, туриш керак...

Хотинининг кўзларига тик қаролмади. Қўрқди. Кўзи дилдаги ўйларни, кечаги мул-

замлиг-у шармандаликни ошкор этишдан кўрқди. Лаънати қушчанинг чирқиллашига итоаткорона қулоқ тутиб икки бурда нонни узоқ чайнаб, зўрға ютди. Асал чойни тамшана-тамшана ичди-да, кўзғалди. Эшикдан чиқаркан, кўзи нохос хотинининг кўзларига тушди. Хотиржам ҳам бефарқ эди улар. Баттар уялди. Узини лаънатлади: «Сан худосиз, кўрқмайсанми-е, уволи тутишдан кўрқмайсанми-е? Қанақа дарди бедавосан, бировга тариқча меҳр беролмайсан-у; тоғдай меҳрга умидвор бўласан. Олиб ҳам қонмайсан. Инсоф борми сенда?! Ҳали ҳам кеч эмас, йиғиштира-э, бу номаъқулчиликни!..»

Ана шундай истиҳола баробарида дилининг бошқа бир бурчидан нафрат кўзиб келди. Кўз деган ҳам шунчалар сўник, бедард бўладими, а? Ҳаётнинг бор ҳузур-ҳаловатидан аллақачон тўйиб, бўккан одамгина шундай қараса керак. Биз ахир очмиз, меҳрга, янишга интиқмиз. «Хотин,қўй, бундай қарама!..»

— Валидолни олволдизми?

— Олдим, олдим, — жавоб бераркан, ҳамон чирқиллаётган қушчага қулоқ тутди. «Кошки фойдаси бўлса! Кошки фойдаси бўлса!!!»

* * *

... Боя, тонг отар олдидан у жисмини Жон тарк этаётганини кўрди. Қайнаётган сувдан оппоқ буғ кўтарилишига ўхшарди бу. Ҳовурга маҳлиё бўлиб, ўзи ҳам беихтиёр унинг ортидан эргашди. Аллақандай қудратли қўл уни зўр бериб нарига судрарди. У бу сеҳрли куч хоҳишига батамом изн беришдан олдин ортига бир қараб олди. Жасадини, ўз Жасадини кўрди. Гулларга кўмилиб, хушбахт ётарди у. Ҳаваси келди. Унинг атрофида қўлларида қизил-қора боғич, юзларига ғамгинликнинг арзон-гаров мойидан суртиб, ғоз қотганча маъруза қилаётганларга қулоқ тутди: «Марҳум чин дўст эди», «Тўғри зўр, ҳалол эди у»... Қулоқларига ишонмади. Наҳотки?.. Оҳанрабодек жозибадор кучни сўз бериб енгди, ортига қайтди. Жон жисмига ўтаркан, Жасад бир қалқиб тушди — тонг отганди.

* * *

Вестибюлдаги электрон соатнинг кўкимтир кўзлари кечикканига шаъма қилгандек чарақларди. Қаватга кўтарилди. Кашандалар бурчагида, енгилгина тутун остида гурунглашиб турган тўда жим қолди. Қўшни бўлимда ишлайдиган Муртоз лаб буриб, орқа ўгирди. Саттор ака қўл соатига намойишкорона қараб олди. Қўйнидан дафтарча чиқариб, алланима ёзди. «Касаба союз ўз постида сергак, — деб аламли кулимсиради у хонасига буриларкан. — Қизик, илгари байрам ва ё биров ўлгандагина кўринарди. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да!..»

Қабулхонада Муниранинг ёлғиз ўзи эди. Уни кўриб юзи ловуллаб ёнди, кўзлари миннатдор чакнади, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Аммо у кутолмади. Ортидан касаба союз раҳбарининг сергак нигоҳи қадалиб турарди. Қолаверса, эрта-лабки нохуш ўйлар уни ҳали тарк этмаганди. Ўтиб кетди.

Ўз хонасидан чиқаётган Рауф ака уни кўриб тўхтади. Изига қайтмоқчи бўлиб, эшикни очди. Бир оз иккилангач, негадир қайта ёпди. Масофа — яқин, кўришмасликнинг имкони йўқ эди. Раҳми келди унга. Кўрмагандек ёнидан индамай ўтиб кета бошлади. Рауф ака уялдими, орқасидан уч-тўрт қадам қўйди.

— Ука, — деди у эшитилар-эшитилмас қилиб. — Бўш келманг. Бир гап бўлса, билинг, мен сиз билан.

Олдиндан, аллақайси хонадан ғала-ғовур эшитилди. Рауф аканинг товуши ўчди. Индамай изига бурилиб, кашандалар тўпига қараб кетди.

«Шунисига ҳам шукр» — чуғурлади Қушча.

«Шунисига ҳам шукр!» — такрорлади у. На хафа бўлди, на хурсанд.

Хонада Малоҳат опанинг ёлғиз ўзи эди. Демак, Самад Кўклямович билан Берди бояги тўдада, «сиёсий ахборот»да.

Уни кўриб, опанинг чехраси очилди. Тўқиётган нимчасини стол устига қўйди. Қалин сирдошдай яқин олиб ўзининг, уй ичидагиларнинг ҳол-аҳволини сўради. У самимият ортида бурқсиб турган бир чимдимгина заҳарни сизди. Буларнинг олдида бировга яхши гапириб ҳам бўлмайди. Мунирага ўйнаш деб ўйлашади...

— Келин шўрликка ҳам қийин-да, — опа бирдан жиддий тортди. Унинг юраги олатасир тепа бошлади. — Биладими, хабари борми? Укам деганман сизни, куйганимдан айтаман, ука. Хотин кишини олдида шайтон ҳам андиша қилади. Шу ишларинг...

«Ёсуман! Неча пуллик ишинг бор?»

— Опа, — деди у ўзини хотиржам кўрсатишга, қушчанинг овозини ўчиришга ури-ниб. — Тугса, чақалоқ кўришга битта нимча тўқиб берарсиз-да, майлими?

— Вой ўлай, тавба денг-э, фаришталар омин қилмай, тавба денг!

Хонага салобатли қадамлар билан Самад Кўклямович кириб келди.

— О-ҳо-о, суҳбат каллаи саҳардан кўр отипти-ку. Ишлаш керак, оғайнилар, ишлаш...

— Ишлаяпмиз, Самад Кўкламович, ишлаяпмиз, — опа шоша-пиша нимчани олди. «Самад Кўкламовичнинг жужуғига тўқияпти», — ишонч билан таъкидлади қушча.

— Ҳаммаси яхши-ю... — Самад Кўкламович сермаъно «ю»дан сўнг бирпас тўхтаб олди. — Шу-у, саркашлигиз чакки-да, ука. Таёқдай тўғри бўп кимга ёқмоқчисиз? Салпал атрофга ҳам қаранг-да, ука, одамлардан ўрганинг.

— Кам бўлманг, Самад Кўкламович, — ишдан бош кўтармай маъқуллади Малоҳат опа.

— Сизга нима бўлган ўзи, илгари дуппа-дуруст эдингиз... Таёқ бўлиб нима ортирасиз, ҳайронман. Биласизми, таёқни даф қилишдан осони йўқ. Ё бошига ура-ура ерга киритишади, ё куйдириб кул қилишади.

У пойгакдаги столининг янада қуйироққа сурилганини шундагина сезди. «Қизик, бу нимага ишора — ерга киритишгани ва ё ўт қўйишга? Шу кетишда эрта-индин коридорга чиқариб қўйишмасайди. Йўқ, ўзимни чиқаришса ҳам, бунга тегишмайди. Стол керак буларга..» Қайси кун Самад Кўкламович иш тополмай сарсон юрган жияни ҳақида тагдор гап қилувди. Аллақерда яримта штат — яримта нонга ишларкан. Тоға-да, куяди. Унинг ҳам тоғаси бўлганидами, э-ҳэ-э... Барибир уялди. Самад Кўкламовичнинг жияни қолиб, у тўлиқ штатда ишлаётганидан уялди.

— Биласизми, — Самад Кўкламович оёқларини кериб хона ўртасида туриб олган, бир қўли шимининг чўнтагида, бошқасини ҳавода ўйнатарди. — Одам озми-кўпми сичқон бўлиши керак, ука. Кўплар бу жониворни қўрқоқ дейди. Аслида, қўрқоқ эмас, бор-йўғи тадбиркор у. Эшикни очиб кўриб ҳам ундан шоша-пиша чиқиб кетмайди. Аланглай-аланглай ўзини эшик тирқишига уради. Сичқон бўлишимиз керак, ука, сичқон!

У кўзларини юмди. Бир дақиқа Самад Кўкламовични сичқон қиёфасида кўриб, жилмайди. Сер эт, думи узу-ун сичқон. Орқа оёқларида тик турганча аллабалоларни уқтиради. Опага қаради — Она сичқон, таниш-нотаниш сичқонларни кийинтиришдан бошқасини билмайдиган меҳрибон Она сичқон!... Узи-чи? Дафъатан ўзининг мучали сичқонлигини эслади. Жиддий тортди.

Олдидаги қўлёмани ўқиётган бўлди. Шу пайт хонага яна бир сичқон — Берди кириб келди. Аллақерни гап билан ўмариб келдиёв...

Тўрт кўз тугал бўлгач, ишга тушишди. Самад Кўкламович одатича йўл-йўлакай олиб келган газеталарини варақлай бошлади. Берди кеча поёнига етказолмаган бошқотирғич устига мук тушди. Малоҳат опа энди ўзгача ихлосу диққат билан тўқирди.

— Гулнинг номи, олти ҳарфли бўлсин... Нима бўлдикин, а?

— Вой қиззиғарлар-эй, Африқодаги шу митти мамлакатчада ҳам ғалаён эмиш. Эрк сўрашаётган экан. Ейишга бир парча нонинг борми, очликдан ўлмайсанми, тинчгина яшайвер-да, ярамас, эрк, эрк деган билан қорнинг тўярмиди? Ана оқибати, қанча қон тўкилипти.

— Ажаб бўпти, соз бўпти. — Малоҳат опа бошлиқнинг гап оҳангига мослаб бидирлади. — Ушоқларда ҳам одамлардан дину диёнат кетганми дейман.

«Буниси энди африқоликлардан ҳам кўра кўпроқ сенга тегишли».

Дод деворгиси келиб кетди. Бўғзига, кўзларига аччиқ алланима текилиб келди. Қонга беланиб ётган занжирларни тасаввур қилди... Тепадан қуёш аямай ўт пуркайди. Осмон чексиз, тип-тиник. Занжи ўшоқларга бош олиб кетмоқ истайди. Аммо дармони қуриб, қимирлашга мажולי қолмаганини сезади. Тепага ютоқиб тикилади, хаёлан интилади... Фойдаси йўқ. Остидаги қон халқоби аллақачон қуюқ тортиб, тани каби қорайган... У дурустроқ разм солиб, тани совиб бораётган занжида... ўзини кўрди. Ярим сичқон, ярим одам — ўзи эди бу! Сесканиб тушди. Илкис бир гап айтишга чоғланди-ю... худди шу пайт бурчакдаги радио хириллаб, вишиллаб тилга кирди. Уни Катта Бошлиқ чақирарди. Оғир тин олиб қўзғалди.

* * *

Мунира уни алланечук бир тадорик билан қаршилади. «Бардам бўлинг», — деб шипшиди у кабинетнинг биринчи қават эшигини очаркан. Кейинги қаватни унинг ўзи дадил итариб, ичкарига қадам қўйди. Қўйди-ю, бор дадиллиги эшикни очишга сарф бўлганини сезди. Ижирғанди. Бошлиққа қаҳр билан тикилди. Зум ўтмай нигоҳи майин тортди. Бошлиқнинг дўмбоқ юзлари, силлиқ таралган сочлари ялтирар, лаби жилмайишга мойил, кўзлари, «не дардинг бор, барини кўриб турибман, ҳозир ҳаммасига чора топамиз», дегандай мамнун боқиб турарди. «Квартира керакми? Дала ҳовлими? Ҳалигача машинангиз ҳам йўқ шекилли, а? Сизни қаранг-у, иним, бир оғиз айтмайсизми? Хў-ўш, мен сизга айтсам, кичикроқ бир мансаб бор эди, шу-у ўзимизга яқинроқ, тиришқоқ одам ўтиргани маъқул-да, а, нима дедингиз? Соғлиқнинг мазаси йўқ дейсизми? Мундоқ вақтлорқ билдирмапсиз-да. Ошқозонми? Юракми? Бўлди, бўлди хавотир олманг, ажалдан бошқасининг давоси топилади. Хотиржам бўлинг. Келинг, мундоқ ўтиринг, яйраб ўтираверинг, сизни қаранг-у, ўзиздан билиб бир кирай ҳам демайсиз. Энди-и, гап мундоқ, иним, конфетдан олинг, чой ичинг, сиздан бошқа ҳамма... нима десам экан, ёзганларидан тонди. Ўзиздан қолар гап йўқ...

— Тинчликми, иним, рангиз оқарди?

— Дори ичсам, майлими?

Бошлиқ тушунди. Бари елга кетганини сезди. Хўмрайди. «Яхши гапга кўнмадингми, ўзингдан кўр, бола!..»

— Органдан ўртоқлар сўраб келишган экан. Олдин ўзим гаплашиб кўрай деб жўнатвордим.

У Бошлиқнинг мулойим чехраси тунд тортишини хотиржам кузатолмади. Уялиб, кўзларини олиб қочди. Бошлиқнинг нақ боши устида, зарҳал рамкада баҳайбат сурат осиглиқ. Сал аввал бошқаси билинар-билинмас жилмайиб турарди. Аллақачон алмаштириб улгуришипти. Суратлар алмашади-ю, рамка ҳамон ўша-ўша: ўймакор, зарҳал. Ҳадеб олиб, қўйилавергандан девор илма-тешик бўп кетган. «Фалокат босиб, сурат тушиб кетсами!..» Ўз ўйидан чўчиб, кўзини суратдан узди. Ўз хонасида ҳам, нақ боши устида шундай сурат осиглиқ турганини эслади. Тўғри, у оддий рамкада, аммо барибир, тушиб кетсами...

Бошлиқ ҳамон жавраётганди. У тахтадай жонсиз дўрдоқ лабларнинг беъмани қимирлашини столнинг ялтироқ сиртидан кузатиб, хуш-беҳуш ўтираверди.

— Беш йил бурун коллектив ҳашарга чиққанда, ҳисобчи бўлган экансиз. Уша колхоз раҳбарлари устидан тергов кетаётса, сизни ҳам жел тортишибти. Уч тонна пахта сотволган экансиз...

«И-е, ўзлари ҳам фаришта эмас-ку, бир оёқ шерик эканлар-да, а? Хорманг энди!... Аммо лекин пахтага ҳам қойилман, шу ерга ҳам топиб келди-я!»

— Эсиздами, катта байрам олдидан эди. Ҳамма байрамда уйда бўламиз деб туриб олди, — гапни бошлади-ю, ўзи пушаймон еди. Нимани исботламоқчисан? Бегуноҳлигингнми? Кимга?.. Эҳ, нима бўлса, бўлди, ўладиган мол пичоқдан қайтмайди. — Баридан пул йиғиб ол-да, бир ҳафтага жавоб бер, дегандингиз. Ушанда...

— Бас!.. Мен дам олишда бўлганман, ҳужжатларим бор. Мендан умидвор бўлма, андак-мундакка жон бермайман. Бугунча қайтардим, аммо яна келишади. Эртагача обдан ўйлаб кўр, эртагача имкониятинг бор!

Кўзғалди. Суяклари қисирлади. Ғажиди, суякларигача ғажиди-я, бўри!

— Ҳа-а, тўхта, эсимдан чиқипти. Устингдан хат тушган. Икки йилда олган қалам ҳақингнинг саккиз сўмидан аъзолик бадали тўламапсан. Бўни шундоқ қолдириб бўлмайди.

Столнинг Ялтироқ сирти — Бошлиқ ёйилиб жилмайди. Жилмайиши ўзига ярашиб тушди. Фолибларга, шунақа, ҳамма нарса ярашади!

Қабулхонада Найим Қамбаровичга рўбарў келди. Унинг авзойидан бор гапни тушунди шекилли, тирсагидан аябгина суяб, йўлакка бошлади.

— Янги мансаб муборак, Найим ака, чарчатмаяптими?

— Ука...эҳ, шунақа бўп қолди энди. Бир оғиз «адашипман, билмай қўл қўйипман», деб ёзиб берсангиз бўлгани. Хом сут эмган бандамиз, ука, мунақа бўлишини ким ўйлапти, ахир. Юқоридаги акагонлар аралашувди. Бир энлик хат қилсанглар бўлгани, қолгани бизга тан дейишганди. Орада бизнинг ақлимиз етмайдиган нимадир бўлди шекилли. Ёмон-ёмон, сизу менга ўхшаган кичик одамларга ёмон. Вақтида ҳаракат қилмасак, икки ўт орасида қолиб кетамиз шекилли.

— Найим ака!

Найим Қамбарович сесканиб бошини кўтарди. Кўзларида ҳадик қотганди. Ўзига ўқдай тикилган нигоҳларга дош беролмади, кўзларини олиб қочди. Аммо, барибир қутулмади... Алланарса «шир-р» этди. Найим Қамбарович ўткир нигоҳ юзидаги ниқобни йиртганини сезди. Аммо оёқлари остига тўкилаётган қоғоз парчаларини териб олишга журъат этолмади, серрайиб тураверди.

— Найим ака, бўғоз сичқонни кўрганмисиз? Йўқми?.. Боринг, ойнага қаранг.

— Ҳай, ҳай, ука, оғзингга қара. — Бўғоз сичқоннинг кўзларидаги ҳадик ўрнини совуқ беорлик эгаллади. — Ичак-чавоғингдан салла ясайми?

«Энг даҳшатли жонивор — сичқон, айниқса, бўғоз сичқон!»

Йўлакда Берди кўринди. Юраги сиқилган. Нима гаплигини тезроқ билиш учун чиққан, деган хулосага келди у. Ўзини хотиржам, тетик кўрсатишга уринди, аммо Бердининг индамай келиб қўлтиғидан олганидан сездики, уддасидан чиқолмади.

— Тоза ҳавога чиқайлик.

Балконда, салгинада ўзига келгандек бўлди. Тетик тортиди. Берди сигарет тутатди. — Битта ол.

Юраги санча бошлагандан бери чекмаганди. Эҳ, юраги оғриган бир у эмас-ку, Оҳ-оҳ, жоннинг ҳузури-да бу... Кўзлари гўё ярқ этиб очилди. Қўл чўзса етгудай яқин булутлар, қаршисидаги баланд-паст бинолар, тубанликда қўғирчоқдай пилдираб юрган митти одамчалар, ҳатто танини жунжиқтира бошлаган совуқ шамол — бари-бари кўзига оловдай иссиқ кўринди. Ўзини шу яхлит оламнинг узвий бўлагидай ҳис этиш, шунга ишониш қанчалар мароқли. — Ҳаёт гўзал, а, Берди?

— Бўлмасам-чи. Ҳаётга келдингми, ундан ўз тегишингни ол. Ҳеч нарсаи ўйламай,

ҳеч нарсага куймай яшаш керак. Адолат, принцип... бари нисбий, ўткинчи гаплар. Шундай эмасми?

— Шунақа шекилли...

— Нима, муросага кўнмадимми? Кел, ўзим яраштираман.

«Қўшмачи! Қўшмачи!» — чуғурлади Қушча.

Тишлари гижирлади. Олам яна белатофат қолди. Бердининг юзига тик қарашдан ўзини тийди. Қушча яна тилга кириб, унинг юзидаги ниқобни ҳам шириллатиб йиртишидан, тасавуридагидан ҳам қўрқинчлироқ қиёфани кўришидан қўрқди. Юраги қайта санчди.

«Қўш-ма-чи! Бу кунингдан ўлганинг аъло эмасми, Берди...»

— Дўстим, — деди у мулойим қилиб. — Мана бунинг номини биласанми? — У панжасини ёзиб кўрсатди.

— Хи-хи-хи, билмай нима, бешбўрсоқ. Тўхта, тўхта, шуни барвақтроқ айтмайсанми? «Беш» етадимми? Қўрқмай айтавер. Бошлиққа «беш» нима деган гап?

— Энди бунинг номини айт! — Бош бармоқни кўрсаткич ва ўрта бармоқ орасидан ўтказиб, Бердининг нақ тумшугига тиради. Қўли қалт-қалт титрарди. Бердини тахтадай қотириб, ўзини ичкарига олди.

Ойнаванд эшик қарсиллаб ёпилди.

* * *

Қушча, айт, одамларга нима бўлган, а, биласанми, айт. Кўрми, карми булар? Қачонгача бир-бирини сотади, бир-бирини қовлайди? Бошқа юмуши йўқми буларнинг, айт, Қушча? Ўз ҳолингга қўйишмаса, ўз билгингча бирор иш қилолмасанг, айт, шу ҳам ҳаёт бўлдимми? Улар назарида кимдир ҳамма учун, барча даврлар учун яроқли яшаш қонунларини ишлаб чиққан-у, энди ҳамма ўша қонунларга бўйсунушга маҳкум. Ахир ҳаётни қонунга сиғдириб бўладими? Юрак қонунга сиғадими, Қушча? Нега ўз ҳолингга қўйишмайди, нега? Менинг ўйларим, дилим, тақдирим устидан ҳукмронлик қилишга уларга ким ҳуқуқ берган, ким?

Қушча, яхши ҳам сен бор экансан, йўқса, дардимни кимга ёрардим? Ким тушунарди? Нега аввалроқ дуч келмадинг, Қушча? Юрак хиёнат-у беорликлардан тилка-пора бўлганда, сенга дуч этгани қодир эгамнинг марҳаматими ва ё жазоси? Нега индамайсан, нега жимсан? Айт, қайда эдинг сен?!»

* * *

«Ҳаммасини сезиб юрардим...

Билмадим, Малоҳат опа бўлмаса, яна қачонгача ўз ёғимда қоврилардим. Ўзи эр-гаштириб обориб кўрсатди. Кўрдим... Ўз уйингиздай эмин-эркин кириб кетдиз...

Соғ бўлинг.

Исламанг, суриштирманг. Болалар сўраса, «ўлган» дейман. Излаб бориб уларни қўрқитманг!..»

Собиқ хотиниз».

Ҳеч вақо тушунмади. Қайта ўқиди. Кейинги сафар бир парча қоғоздаги даҳшат дилига кўчди. Дили кўтаролмади... «Эҳ, Малоҳат!.. Қабоҳат!..»

... Сичқон, улкан сичқон. Аввал ўзига разм солди: эғнида костюм, бўйнида чет эл бўйинбоғи, қўлида электрон соат. Сўнг атрофга мўлтираб тикилди. Зимистон. Ваҳимага тушди. Шунда тун қўйнидан зумрад шуъла таратиб икки чўғ чиқиб келди. Сичқон уларга жовдираб тикилди. Еввойи миёвлаш дилини, танини титратди. Сичқон қон-қонига сингган қўрқув туйғуси тазйиқи билан қочишга шайланди. Аммо зумрад учқунлар шунчалар жозибали эдики, сичқон улардан кўз узолмади. Қоронғилик қаъридан шу қоронғилик каби баҳайбат мушук чиқиб келаётганини кўрганида, кеч бўлганди. Ожизлигини сезди. Тани жимирлаб, совуқ тер кўпди. Мушукнинг ташланишини ҳар лаҳза кутиб, эси кетай деди. Мушук эса, ҳадеганда ташланавермади. Бундай гўл, мўрт сичқонни энди кўриши шекилли. «Бирор балоси йўқмикан», дегандек узоқ тикилди. Сўнг панжа урди. Сичқон ўткир тирноқларнинг танига ўқдай ботишини ҳис этди. Оғриқ чандон эди — чийиллаб юборди. Мушук бунга сайин авжи келиб, уни панжалари орасига олиб, эза бошлади. Сичқон тирноқлар азобига кўниккандек бўлди. Аммо шунда бошқа бир азоб бошланди. У энди мушукнинг оғзида эди. Сичқон ўз қовурғаларининг қисир-қисир синишига беҳуш қулоқ тутди. Қушчани ўйлади. Ҳоли не кечдийкан?.. Сал ўтиб суяклар қисир тинди. У энди бир луқма гўштга айланганди. Мушук толиқди чоғи, тин олмоқ учун уни бир муддат тишлари исканжасидан бўшатди. Ўз қурбонига ғолибона тикилиб тамшанди. Сичқон ҳадемай қўйноқларнинг қайта бошланишини сезди. У қалт-қалт титрай бошлади. Шунда ич-ичидан бир қудрат бош кўтариб келди.

«Кетаверасанми, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўлиб кетаверасанми?.. Қизиқ, охири-оқибати шундайин беъмани ўлим бўларкан, узундан-узоқ умр кўриш шартмиди? Балли-е сенга!» — қовурғалари остида аллаким бўзларди. Чидолмади. Улик танга жон

кирди — сичқон ўзини қоронғилик қаърига урди. Мушук буни кутмаган экан, шошиб қолди. Ўзига келганида эса, кеч бўлганди — сичқон хийла узоқлашганди. У кўзлари қонга тўлиб, ҳаллослаб келаётган мушукнинг иссиқ нафасини сезиб, янада тезроқ чопа бошлади. Шунда...

У бир лаҳза ўзига келди. Кўзлари очилди. Ҳозиргина қарсиллаган қопқонни кўрмоқчи бўлди. Қоронғилик қуюқ эди, ҳеч нарса илғамди. Ички бир ҳадик билан бўйинбоғининг тобора маҳкамроқ бўғилаётганини туйди. Бўйинбоғ тугунидан ушлаб, нариги учини аёвсиз тортаётган қўл ўзиникими, ўзганикими, ажратолмади. Аммо негадир бўйинбоғ исканжасидан қутилишга ҳам уринмади, аксинча... Фақат ичида, дабдаласи чиққан қовурғалари остида ҳамон алланималардир деб бўзлаётган Қушчани озодликка чиқариш лозимлигини элас-элас эслади...

«Олишсин, танни истаганча қиймалашсин, аммо руҳни... ҳеч қачон! Руҳ — абадийдир!... У чегара билмайди. Руҳ бу илвриқ вужудни тарк этиб, узоқларга бош олиб кетади, у билан мен ҳам кетаман, ўша Қушчадай енгил, озод бўламиз. Ҳадсиз кенгликлар, баҳмал чўққилар Ватан бўлади бизга... Биз...»

Ўйи поёнига етмади...

Ойнинг учинчи куни бошланганди. Тўртинчига яна бир кун бор. Бутун бошли бир кун..

Ривоят қиладиларки...

Султон Ардашер деди:

— Ҳар бир халқнинг суянчиғи диндир. Давлат таянчи эса — шоҳ. Асоси мустаҳкам бўлмаган бино тез нурайди. Эгасиз қолган уй тез орада талонга учрайди.

* * *


Ануширвон деди:

— Таралабедод қилиб юриш инсоннинг фикр-хаёлини бузуқликка бошлайди. Бузуқ фикр-хаёл қайғу-ҳасрат келтиради.

* * *

Хисрав деди:

— Қутулишинг қийин бўлган одамга нафратингни билдирма.



Қайта қуриш ва тарихий мерос

Муҳаммад Содиқ Кошғарий

ЯХШИ КИШИЛАР ОДОБИ

...Аммо баъзи арбоби илму урфон қошларида равшан ва мубарҳан (очиқ)дур ва асҳоби завқ (завқ соҳиблари) ва виждон олдиларида муайян ва мубайян (аён) дурким, одабийга яхшиларнинг мусоҳибати (суҳбати) кимёи саодати абадийдур. Ямонларнинг мухолитати (аралашуви) тухми шақовати сармади (доимий бадбахтлик)дур, бу маънодан ҳеч райб (шубҳа) ва шак йўқдур. Лекин яхшиларнинг суҳбати кўб-кўб фойдалар берур башарти адаб. Бас, модомики толиби содиқнинг зохиру ботини маросими одоб ва макорими ахлоқ (яхши хулқлар) бирла муаддаб (одобли) ва муҳаззаб (тоза) бўлмаса, талаби анга ҳеч фойда бермас...

Маснавий:

**Беадаб танҳо на худро дошт бад,
Балки оташ дар ҳама офоқ зад.
(Адабсиз нафақат ўзи учун ёмонлик қилади,
Балки бутун дунёга ўт кўяди.)**

Бас, толиби содиқлар... одоби зоҳирий ва одоби ботинийнинг билиб, анга амал қилмоқлари лозим келди, токи булар ҳам талабу сулук (йўл)ларини фойда топиб, улуғлар мартабалариға етгайлар ва ушбу нусхада зарурий одоби зоҳир ва ботиний кутуби мўътабарлари (мўътабар китоблар)дин жамъ қилинди...

Ва бу китобга «Одоб ас-солиҳин» от қўйилди ва тартиб берилди етти боб бирла ва ҳар қайси бобни яна тўрт фасл бирла...

БОБИ АВВАЛ — истийзон (изн сўраш) ва салом ва мусофаҳа (кўришиш) ва тақбили айдий (қўл олишиш) баёнидадур тўрт фасл бирла.

ФАСЛИ АВВАЛ — истийзон, яъни бир киши олдиға кирмоқға изн талаб қилмоқни одоби баёнидадурки, анда беш одоб бордур.

Адаби аввал — ҳар ким бир кишининг эшигига бориб кирмак истаса, аввал ул кишига ўзини келганини эшикни орқасидин билдирғай, ушбу тариқадаки, эшикни оҳиста қоқғай ё сўрфа қилғай (йўталғай).

Иккинчи, агар овоз чиқса, эшикни орқасидин анга салом бериб, айтғайки: «Ичкари кирайму?» Бу изн тиламоқ то уч мартабағачадур. Ҳар изн тилагандан сўнг тўрт ракаат намоз ўқумоқ миқдори таваққуф қилғай (яъни кутиб турғай).

Учунчи, агар уй эгаси уч мартабадин сўнг киришга изн бермаса ва овози чиқмаса, кўб илҳоқ (мажбур) қилмағай ва эшикдин тез қайтғай.

Тўртинчи, уй эгаси сўрсаки: «Сиз ким бўлурсиз?» Жавобиға отини айтғай, аммо: «Ман ё сизнинг қулунгиз ё дўстунгиз» демағайки, иштибоҳ (шубҳа)ға солур.

Бешинчи, агар уй эгаси ҳамроҳ бўлса ва они бошлаб олиб борғувчи бўлса, изн талаб қилмағай киришга эшикка келгандин сўнг.

ИККИНЧИ ФАСЛ — саломнинг адаблари баёнидадурки, анда ўн икки одоб бордур.

Адаби аввал — икки мўъмин бир-бириға қаршу келсалар, хоҳ ошно ва хоҳ ноошно, салом беришгайларки, салом бермак суннатдур, жавоби фарзи айндурагар салом берилган бир киши бўлса ва фарзи кифоядур агар кўп бўлса.

Иккинчи, саломни... ассалому алайкум... дегай, аммо ассалому алайка ёки салом алайкум демағай.

Учунчи, уламои ислом қавл (сўз)ларидаки жавобни бергай, чунончи, «ва алайкумус салом». Албатта жавобда: «Ва алайкумус салом» дегай, «вов» бирла «ва алайка» демағай, ва алайкумни «вов» и-ни тарк ҳам қилмағай. Ва яна бетаваккуф (тўхтамай) жавоб бергай ва агар таъхир қилса фарз гарданидан соқит бўлмас. Ва яна жавоби саломни салом берувчиға эшиттургай ва илло фарз соқит бўлмас. Агар икки киши бир-бирлари-

ға ибтидо (биринчи бўлиш)ни қасд қилиб салом беришсалар, агар бири илгари ва бири кейин воқеъ бўлса, жавоб адо топғай. Ва агар икки салом бир замонда воқеъ бўлса, бир-бирига жавоб бўлмас, ҳар қайсисиға алоҳида жавоб лозимдур.¹

Тўртинчи, агар киши бир жамоа мўъминларининг олдиға кирса, бир кишини тахсис қилиб (алоҳида ажратиб) салом бермағай, балки барчасини қасд қилғай. Аммо кўчада ва бозорда бир кишини хос қилиб салом берса ҳам бўлур. Ва агар жамоа бир кишиға салом берсалар, жавобда лозимдурки, ҳаммаларини қасд қилғай ва агар алардин бирини тахсис қилиб жавоби салом берса, ўзгалар саломи бежавоб қолғай ва фарз соқит бўлмас. Ва агар бир киши, яна бир кишиға бир кимарсадин салом айтиб юборса ва ул қосид (хабарчи) ўртада ул кишини саломини еткурса бетавақуф жавоб вожибдур. Ва аммо қосидни жавоби саломға қўшмаклик мустаҳаб (маъқул) дур ва бу тариқадаки: «Ва алайка, ва алайҳи, ва алайкумус салом» деғай. Ва агар мактубда салом битилса, бу суратда ҳам жавоби салом лозимдур.

Бешинчи, салом берган вақтда бошини тубан қилмағай. Ва яна қўл ё кифт ё бош бирлан ишорат қилмағайки, мазмум (хунук ва макруҳ (ёқимсиз) дир.

Олтинчи, баланд салом берғайки, ул тараф эшитғай ва жавобни ҳам салом берувчиға эшиттирғай. Ва агар карга салом берилса, саломда ҳам жаҳр (овоз чиқариб) ва ҳам қўл бирла ишорат қилғай ва агар қўл бирла ишорат қилмаса ва кар тингламаса, анга жавоб лозим эмасдур. Ва агар кар салом берса, жавобда ҳам талаффуз ва ҳам ишорат қилинғай. Ва агар гунгга салом берсалар, ул гунг қўл бирла ишорат қилиб жавоби салом берса, фарз соқит бўлғай, ва агар гунг салом берса, жавоби тил бирла қайтарилғай ва яна ишорат ҳам қилинғай, токи фарз гардандин соқит бўлғай.

Еттинчи, улуғ кичикка, отлиғ пиёдаға ва юргувчи ўлтирғувчиға ва хожа қулиға ва биби канизга ва оз кўпга салом берғайлар.

Саккизинчи, бегона киши соҳибжамол хотунға салом қилмағай ва агар ул салом берса жавоб олмағай. Ва агар соҳибжамол бўлмаса, анга салом бермак раводур. Ва агар ул салом берса, жавоб ҳам лозим, аммо салом бермак ўз хотуниға ва маҳрамларига ҳарчанд жамила (чиройли) бўлсалар ҳам жоиздур ва аларга жавоб лозимдур. Ва хотунлар бир-бирига салом бермаклик суннатдур ва жавоби фарздур. Агар бир киши жамоаи бегонаи хотуни соҳибжамолларга салом берса, ҳеч боки (зарари) йўқтур ва аларга жавоб лозимдур ва агар алар салом берсалар бир бегона номаҳрам кишиға жавоби салом лозим бўлғай. Ва агар кўп киши бир бегона хотинғаки соҳибжамолдур, салом берсалар ё бир бегона жамила хотин бир жамоаи эркакка салом берса, бу икки суратда ҳам жавоб лозим бўлғай, башартики ўртада фитна бўлмаса.

Тўққизинчи, ўн бир жойда салом бермағайки — макруҳдур ва жавоб лозим эмас. Аввал, ҳожатхонадаги кишиға. Иккинчи, хотуниға мубошарат (жинсий яқинлик) қилгон кишиға. Учунчи, киши ухлаган вақтда. Тўртунчи, ҳаммомда жунуб (ювинмаган)га. Бешинчи, таом еб турган кишиға, агар таом оғзида бўлса ва агар таом оғзида бўлмаса, салом жоиз ва жавоб лозимдур. Олтинчи, хатиб (имом)ға хутба ўқиғон вақтда. Еттинчи, муаззинга азон ва иқомат айтиб турғон вақтда. Саккизинчи, намоз ўқуб турғон кишиға.

Халқимиз азал-азалдан хушхулқ кишиларни ҳурматлаб, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадилар. Гўзал хулқ ва одоб соҳиблари элу юрт ичида ҳамиша иззат ва обрў топишган. Доғнишмандлар «Олтин олма, адаб ол!» ёки: «Одоб — бир ҳовуч олтин!» деб бекорга тарғиб қилишмаган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жувайний, Хавофий каби кўпгина олим ва шоирларнинг асарларида олижаноб инсонлар, комил хулқ эгалари васф этилган. Уларнинг ижодий бисотида кишиларни ахлоқли бўлишга чақирувчи ажойиб ҳикмат ва ҳикоятлар мавжуд.

Шарқда одамларни чиройли хулқ эгаси бўлишга ундовчи, ажойиб одобларни баён қилувчи «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Носирий» каби ўнлаб китоблар ёзилган.

Шу кунларда ҳам катталар баробарида ёшларнинг маънавий баркамол, ахлоқан етук кишилар бўлиб ўсишлариға катта аҳамият берилмоқда. Бу борада доно аждодларимиз томонидан ижод қилинган ва асрлар оша халқ орасида синовдан ўтиб, сайқал топган ахлоққа доир асарларни нашр этиш, шубҳасиз, беқиёс ўрин тутади. «Қобуснома»нинг қайта-қайта босмадан чиқиши ҳам халқимизнинг бундай китобларға чанқоқ эканини кўрсатиб турибди.

«Одоб ас-солиҳин» («Яхши кишилар одоби») китоби туркий тилда ёзилган. У «Зубдат ал-масойил» («Масалаларнинг қаймоғи») номли асар билан бир жилдда беш марта нашр этилган: икки марта Тошкентда (1889, 1901) ва уч марта Истанбулда (1891, 1892, 1986).

Маълум бўлишича, Мухаммад Содиқ Кошғарий 1740 йилда Кошғарда камбағал деҳқон оила-сида туғилган. 1849 йилда шу ерда вафот этган. Унинг «Одоб ас-солиҳин» ва «Зубдат ал-масойил» китобидан ташқари, «Дурр ал-музоҳир» («Кўмақдошларнинг дурдонаси») ҳамда «Тазкираи хожагон» («Хожалар тазкираси») номли асарлари ҳам бор.

«Одоб ас-солиҳин» мундарижасиёқ унинг зарур ахлоқий асар эканини кўрсатади. Мазкур асарда саломлашиш ва кўришиш, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат аҳлининг ўзларини тутиши, эру хотин муомаласи ва ҳаммомда бўлиш, касал кўриш ва таъзия изҳор қилиш, зиёфат ва овқатланиш ҳамда сафар одоблари баён қилинади.

Ўйлаймизки, «Одоб ас-солиҳин»ни ҳозирги алифбоға табдил қилиб, тилини ўз ҳолича қолдирганча, эълон қилаётганимиз кўпминг сонли журналхонларимиз учун муносиб тухфа бўлади.

Асардаги замонавий ўдумларға мос келмайдиган баъзи фасллар тушириб қолдирилди.

Тўққизинчи, қуръон ўқиб турғон кишига. Унинчи, дуо ўқиб турган кишига. Ун биринчи, муҳрим (ҳажда эҳром киювчи) талбиҳ этиб турғон ҳолда. Ун иккинчи, мубтадиъ (бидъотчи) ва фосиқи бебок ва золимга... салом бермагай ва агар алар салом берсалар жавоб бермагай. Агар мусулмон киши аҳли китоб (ўзга диндаги)га салом бермоқчи бўлса, бу тариқада айтгайки: «Ассалому ала манит табавал худо» (тўғри йўлда юрвчига салом). Ва агар хат юборса, ахйри мактубда саломни ҳам ушбу тариқада айтгай ва аммо «Ассалому алайкум» демагай. Ун учунчи, агар зиммий (мусулмонлар ичидаги ғайридин) салом берса муслимга, анинг жавобига «Ваалайкум»дин зиёда демагай. Ун тўртунчи, видео (хайрлашув) вақтида ҳам салом суннатдур ва булар лозимдур уламолар қошларида.

УЧУНЧИ ФАСЛ — мулоқот (учрашув) одоби баёнинда. Анда олти адаб бордур. Аввали — мулоқотда мусофаҳа қилгайлар (яъни кўришгайлар). Иккинчи икки каф бирла мусофаҳа қилгайлар, қўл учи бирлан эмас, чароки (негаки) асли мусофаҳа луғатда сафҳай каф (кафт юзи)ни сафҳай кафга қўймоқни айтурлар. Суннат ҳам ушбудур. Ва яна мусофаҳага ибтидо қилган (биринчи бошлаган) киши қўлини тортмагай, то ҳамроҳи қўлини тортмағунча. Учунчи — юзини очиқ тутқай мусофаҳа вақтида... Олтинчи — кофир ва мубтадиъ ва золим ва фосиқи бебок ва амради (бузуқ эркак) соҳибжамолни мусофаҳаларидин ижтиноб қилгай (қочгай), балки (бузуқ эркакни) юзига қарамагайки ҳаромдур. Ва қўлини масоси (силаши) андин ҳаромроқдур хотинга ўхшаш.

ТҮРТИНЧИ ФАСЛ — муъонийқа (қучоқлашиб кўришиш), қўл ўпмак адаблари баёнидаки, анда тўрт адаб бордур. Аввали — сафардин келган киши кўратурғон кишилар бирлан муъонийқа, яъни қучоқлашиб кўришгай ва ёш ўғлонларни ҳам қучоқлаб ва ҳам юзидан ўбса жоиздур. Аммо бузуқ эркак соҳибжамоллар бирлан қучоқлашиб кўришмагайки, макруҳи таҳримий (манъ этилган макруҳлик)дур. Ва ҳеч ким алар бирла муъонийқа қилмагай асло, на мусофир ва на мужовир (доимий турувчи). Иккинчи, мужовирлар ҳар кундаги мулоқотларида муъонийқа қилмагайларки, макруҳдир, балки ўртада неча кун ўтгай. Учунчи, солиҳ бандаларни қўлини ўпмак мусофаҳа қилғон вақтида мустаҳабдур. Тўртинчи, машойиҳи изом (улуғ шайхлар)нинг қўлини ва оёғини ҳам ўпгай мусофаҳа вақтида.

ИККИНЧИ БОБ

Ухламак ва йўл юрмак ва отга минмак адаблари баёнинда. Ушбу боб ҳам тўрт фасл бирла мураттаб (тартиб берилган)дур.

...Иккинчи, ухламакни қасд қилган вақтда эшикларни маҳкам қилгай ва зуруф (идиш)ларни оғзини беркитгай ва тўшакини енги бирла ё ридо бирла шупургай ва фирош (кўрпа)ини уч мартаба силкиб солгай ва ўту чироғини ўчургайки, бу барчаси суннатдур...

...Тўртинчи, жойи хоб (ухлаш жойи)га кўп мулоим нимарсаларни тўшамагай ва юзини қиблага қилиб ўнг қўлига бир оз така қилиб (суяниб) ётгайки, суннат ушбудир.

...Еттинчи, яхши туш кўрса изҳор қилгай ва анга шуқр қилгай. Ва ёмон ва паришон туш кўрса, ҳеч кимга изҳор қилмагай...

ИККИНЧИ ФАСЛ — либос киймак адаблари баёнидадурки, анда етти адаб бордур.

Адаби аввал — кўнгли бир либосга муқайяд (боғлиқ) бўлмагай ва ҳар қайси либос муяссар бўлса они кийгай...

Иккинчи, либосда такаллуф қилмагай ва аксари авқот (вақт) либоси дурушт (қўпол) кийгай.

Учунчи, қўйлак ва жома (либос)ни енгини то банди дастга (қўл бандигача) қилгай ва то бармоқлари учиғача ҳам жоиздур. Андин узун қилмагайки, макруҳ ва муҳолифи суннатдур. Ва яна енгини кенг қилгайки, суннатдур. Ва танг қилмагайки бидъатдур. Ва қўйлак ва изор (иштон)ни узунлиғи почани ярмиғача бўлгай ва то тўпуққача ҳам жоиздур. Андин зиёдати бидъатдур.

Тўртинчи, оқ либос киймак суннатдур.

Бешинчи, либосни покиза тутқай хабари саҳиҳ (тўғри ҳадис)да келибдурки: «Анназофату мин ал-иймон» (тозалик иймондандир). Бу ҳадисни муқтазоси бирла барча нимарсани ҳам покиза тутмоқ мустаҳабдур, хусусан, либосни кўпроқ риоят қилгай.

Олтинчи, аҳли неъмат (бадавлат киши)лар яхши либос кийгайлар неъматни изҳор қилмоқ учун, башартики кибру наҳват (манманлик) қилмасалар. Ақобири тариқат (тариқат улуғлари)... айтубдурлар, латиф либос киймак андоқ кишига жоиздурки, раъванати нафс вартасидин (қинғир нафс чоҳидан) қутулган бўлса ва ҳавойи нафсни ўлдирган бўлса.

Еттинчи, янги либос кийгандан сўнг... эски либосни садақа қилгай.

УЧУНЧИ ФАСЛ — йўл юрмакни одоблари баёнидаки, анда ўн етти адаб бордур. Адаби аввал, уйдин бир ишга юзланиб чиқарда бу дуони ўқиғай: «Бисмиллоҳи та-

ваккалту аллалоҳи валаҳавла валo қуввата илло-биллоҳ...» (Худо номи билан, таваккал қилдим Худога, Худодан бошқа ҳеч кимда куч ва қудрат йўқ).

Учунчи, йўл юришда қадамни тез-тез қўймағай, оғир-оғир ҳам юрмағай, балки ўрта қадам қўйғай.

Тўртинчи, икки оёғига кийғай ё иккаласи яланг бўлғай, беузр бир кафш ё бир маҳси ё бир муза (этик) бирла юрмағайки, бу хислатлар макруҳдир. Ва яна попуш (оёқ кийими)ни нажосат (ифлос нарса)дин эҳтиёт қилғай.

Бешинчи, юрғонда танҳо юришдан ор ва номус қилмағай ё бир кишини кейнидин солиб юришга кўнгли кашола бўлмағай (тортмағай). Ва анга одат қилмағай.

Олтинчи, кўча лойлик вақтда бир кишига танг жойда дучор келса, ўзини анинг либосига нажосат англаб қочиб турмағай.

Еттинчи, йўлда кўзини қадам узасидан айирмағай ва ҳар ёна беҳуда қарамағай ва огоҳлик бирлан йўл юрғай.

Саккизинчи, йўлларда ўзини эҳтиёт қилиб йўл юрғай, хусусан, бозор жойда ва мардум (одам) кўп ерда, то макруҳи ва изо (азият) бир кишига андин етмағай. Чунончи, паҳлуси (ёни) бирла бир кишини урмағай ва ё кишини оёғини босмағай. Ва агар икки киши йўлда ҳамроҳи сухан қилиб юратурғон бўлсалар аларнинг ўрталаридин кесиб ўтмағай, хусусан, хотунларни ўртасига кирмағайки, бағоят макруҳдир.

Тўққизинчи, йўлда қари кишиларни эҳтиром қилғай ва аларнинг ақиб (орқа)ларидан юрғай. Хусусан, агар жаноби устози ё пири бирла йўлда ҳамроҳ бўлса, буларнинг албатта орқаларидин юрғайлар. Аларни изларига эҳтиёт бўлиб, қадам қўймағайки, беадаблик бўлғай.

Ўнинчи, йўлда ҳамроҳларини риоя қилғай, агар илгари юрса, ниҳти хидмат бўлғай, агар кейин юрса, қасди мулоҳазани адаб ва ҳурмат бўлғай. Балки ҳамма ёронлар йўл юрушларида балиғлар сув ичинда юргандек бўлғайлар. Илгари ва кейинлик асло кўнгилларига келмағай.

Ўн биринчи, йўл узра бир киши бирла сўзлашиб турмағай, саломлашиб тез ўтгайлар. Агар зарур сўзлари бўлса, бир гўша (чекка)га чиқиб сўзлашгайлар, аммо манзилда ва уйда ўлтирган бўлсалар, бир-бирларини ҳолларин сўрашмак ҳўбдур ва сабаби зиёдати улфат ва муҳаббатдир.

Ўн иккинчи, йўлдин ётган тош ва изо (азият) еткурадуган нимарсаларни, агар воқеъ бўлса, ироқ қилғай. Бурнини суйини ва оғзидин балғамни йўлга агар ташласа, беркитуб ўтгай ва оғзини суйини олдиға ва ўнг тарафига ташламағай, балки чап тарафга ё орқасига ташлағай...

Ўн учунчи, йўлда нотавон ва мазлум кишиларни кўрса аларга мадад еткурғай. Ва агар канизак ё гўдакни кўрсаким, қўлидин зурфи (идиши) тушуб синғон бўлса, алар анинг учун маҳзун (ғамгин) бўлсалар, аларга андоқ зурф (идиш) олиб бериб, аларни кўнглини хурсанд қилғай...

Ўн олтинчи, кўча бошларида бекор ўлтирмағай, агар, мабодо ўлтирса, йўл ҳақини бажо келтирғай. Йўл ҳақи будирки, номаҳрамларга назар солмағай ва саломға жавоб берғай. Амри маъруф ва наҳий мункар қилғай (яъни яхши ишга буюриб, ёмон ишдан қайтарғай), ва мазлумни фарёдиға етгай.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ — от минмак одоблари баёнидаки, анда етти одоб бордур...

...Учунчи, отлиғ ҳар чанд улуг киши ва соҳиби шоҳ бўлса ҳам, пиёдага салом бергай, агарчи пиёда фақирҳол ва ҳурдсол (кичик) ва бечора бўлса ҳам.

Тўртинчи, отни йўлдан эҳтиёт бирла ҳайдағай. Ва ҳеч бир кишига озор еткурмағай ва яна тез-тез юргизмағай ҳарчанд зарур иши бўлса ҳам, хусусан, кечалари вақтда.

Бешинчи, отлиқ хизматкорни ва қўлни ҳолини риоят қилғай, агар алар анинг инонида, (яъни юганини тутиб) борур эрсалар. Бу тариқадаги отни тез ҳайдамағай, токи ул бечоралар югуриб юруб, ҳоримағайлар. Ва агар бориш жойи ироқ бўлса, аларни пиёда юргизмағайки, бу иш бидъат ва хилофи муруватдир. Ва гар муяссар бўлса, аларга ҳам улов топиб бергай. Ва гар муяссар бўлмаса, гоҳи-гоҳи орқасига миндиргай агар маркаб (улов)ни икки кишига тоқати бўлса ва илло гоҳи ўзи пиёда юруб аларни миндиргай.

Олтинчи, маркабни бошиға ва юзиға чуб ва ё қамчин бирла урмағай ва бир жойда отни устида таваққуф қилиб (тўхтаб) турмағай. Ва яна устида ухламағай ва пинакка бормағай ва отни кўб оч ва ташна қўймағай. Ва яна кўб иссиғ ва совуқ жойда қўймағай. Ва агар борадурғон жойи кўб узоқ жой бўлса, гоҳи пиёда юрғай...

УЧУНЧИ БОБ

Аҳли суҳбатнинг одоби ва шароити баёнидаки, тўрт фаслдир. УЧУНЧИ ФАСЛ — аҳли суҳбатга лозим нимарсаларни баёнидаким, ўттиз икки адабдур.

Адаби аввал — суҳбатни хилватдин ихтиёр қилмоқда тасҳиқи ният (яхши ният) қилғай, яъни беғараз бўлғай.

Иккинчи, таҳорат бирла бўлғай.

Учунчи, либос ва баданни покиза ва муаттар тутғай ва бадбўй нимарсаларни алардин изола (узоқ қилғай, то аҳли суҳбатга нафрати таъб бўлмағай ва тишини ҳам чиркинни изола қилғай ва оғзини ҳам хом пиёз ва саримсоқ ва мунга ўхшаш ислик нимарсалардин покиза тутғай, то сабаби кароҳати асҳоб (дўстларни нафратлантирувчи) бўлмағай.

Тўртинчи, яхшилар суҳбатига ҳарис бўлғай. Азизе айтибдур: «Намознинг қазоси бордур ва суҳбатнинг қазоси йўқдур, яъни яхшиларнинг суҳбатини фавти (йўқолгани)дин сўнгра топиб бўлмас». Бас, эҳтимом (ҳаракат) қилғайки, фавт бўлмағай.

Бешинчи, зикр вақтларинда асҳоб ҳалқа тутқайларки, анда неча фойда бордур. Бири улки бир-бирлариға юзлари бўлғай. Ва яна бир-бирлариға назар қилғай ва яна қўйи ва юқори анда маълум бўлмағай, беимтиёз ҳаммалари бир ватира (хил)да ўлтирғайлар... Ва агар аҳли суҳбат ўрталарида бир улғу киши бўлса, адаб улки, ўзгалар юзларини ул кишига қилиб ўлтирғай. Ва агар икки киши суҳбат тутсалар, рўбарў ва зону-базону (тиззама-тизза) ўлтирғайлар.

Олтинчи, ҳалқанинг ўртасида ўлтирмағайки макруҳдир, магар зарурат бўлса, ўлтирса жоиздур бекароҳат. Чунончи, бир кишига зарур сўзи бўлса ва ё бир хизматни бажо келтирмоқчи бўлса.

Еттинчи, мажлисда одоб ва ҳурмат бирла ўлтирғай ва аҳли суҳбатга ерни кенг қўйғай ва тизини ўзгани тизига қўймағай ва икки кишини ўртасига беризо бориб ўлтирмағай.

Саккизинчи, чап қўлини орқасидан ерга қўйиб така қилиб ўлтирмағай. Ва агар аҳли батариқаи эҳтибо (тиззани кўтариб) ё мураббаъ (чордона қуриб) ўлтирса жоиздур. Эҳтибо улдирки, икки тизини кўтариб, икки қўли бирла соқ почасини ушлаб ўлтирғай.

Тўққизинчи, аҳли суҳбат кирган ва чиққан вақтида ўрнидан турғай.

Унинчи, афзал кишини юқори ўтқузғай ва таъзим қилғай, балки ҳар кимни ўзидан яхши англаб анга таъзим қилғай.

Ўн биринчи, ўзини беадабона сўздан ва ямон ҳаракатдин ва ноҳамвор (ноўрин) сукунатдин сақлағай.

Ўн иккинчи, улғу ва кичикларни ҳар қайсисини ўз мартабасига лойиқ ҳурмат тутғай ва қари кишини ато мартабасинда англаб, уларга ҳурмат қилғай. Ва ақрон (яқин)ларини оға ва ини қаторида тутиб, аларға ҳусни муъошарат (яхши муомала) ва мувофиқат ва исор (иззат) бирла муомила қилғай ва кичикларни ўз фарзандлари зумраси (қатори)да тинглаб, шафқат ва насиҳат ва таъдиб (адаб) бирла бўлғай. Ва ҳар нимарсаки, аларга салоҳе (яхши) бўлса далолат қилғай. Ва лекин (бузук) хушрўйлар суҳбатини парҳез қилғай. Ва агар заруратда аларни суҳбатига гирифтор бўлса, кўзини ва кўнглини алардин сақлағай.

Ўн учинчи, аҳли тавозуъга тавозуъ ва муҳсин (яхшилиқ қилувчи)ға эҳсон ва дуои хайр қилғай.

Ўн тўртинчи, агар аҳли мажлисда атса келса, ҳаттал-имкон (имкони борича) овозини паст қилғай ва мулойим атса берғай ва оғзига енгини ё ўзга нимарсани тутғай...

Ўн тўққизинчи, атса муқаррар бўлса, дурустроқ қавл улки, учинчи атсада анга зўрком (тумов) бўлибсизму? деғай...

Йигирманчи, аҳли суҳбатга ўзи хизмат қилғай тавъ (хоҳиш) ва рағбат бирла.

Йигирма биринчи, аҳли суҳбатдин ҳеч хидматни кўз тутмағай ва ҳеч кимга хидмат буюрмағай.

Йигирма иккинчи, паст ва забун хизматдин, чунончи, ҳаложойни пок қилмоқ ва кулуҳи истибро (тозаланиш кесагини) ушатмоқ ва мунга ўхшаш хидматлардин ор ва номус қилмағай.

Йигирма учунчи, қилғон хидматини миннат қилмағай, балки они хидматини аҳли суҳбат қабул қилғонлариға кўб-кўб шукр этиб, имтинон (миннатдорлик) тутғай.

Йигирма тўртинчи, ошно ва бегона суҳбатида юзини очиқ ва тилини сучук тутғайки, бу хислат макорими ахлоқ (ғўзал хулқ) ва маҳосини одоб (чиройли одоб) афзалиндур.

Йигирма бешинчи, амри шаърий (шариат буюрган) нимарсалардин аҳли суҳбатга мунофиқатлик қилғай хоҳ сўзда, хоҳ феълда ва таҳоший (тортинчоқлик) қилиб ўлтирмағай.

Йигирма олтинчи, ўз мулкини аҳли суҳбатдин дариг тутмағай, балки аларни ўзини мулкда баробар кўрғай, магар хотунини ва ҳақ субҳона ва таоло ҳаром қилғон нимарсаларни (раво кўрмағай).

Йигирма еттинчи, мажлисда агар ҳадя келса, агарчи хавос (улуғлардан) бўлса ҳам баҳукми: «Ал-ҳадоё муштарикун» («ҳадя ўртададур) аҳли суҳбатнинг барчаларини анга шерик қилғай ва ўзи бирла мулозим кишиларға ҳам ҳисса сақлағай агар ғойиб бўлсалар.

Йигирма саккизинчи, биродарларни залолат (адашув)ини авф қилғай агар содир бўлса ва аларни узрга келтурмағай ва айбларин юзига солмағай.

Йигирма тўқузинчи, агар биродари фисқага мубтало бўлса хилватда насиҳат қилгай, то тавба қилгай.

Ўттинчи, агар ҳамнишинидин бир амри макруҳий (ёмон иш) ё бир феъли қабиҳийни маълум қилса, анинг изоласи (йўқотиш)га кўшиш (ҳаракат) қилгай.

Ўттиз биринчи, азизларнинг насиҳат ва мавъиза (ваъз)ларининг дил ва жониға миннат қўйуб, қабул қилгай...

Тўртинчи фасл — баъзи атвор ва аҳвол зикридаки, аҳли суҳбат алардин ижтиноб (қочиш)лари лозимдир. Ул ўн тўрт адабдур.

Адаби аввал — суҳбат қилмағай ул киши бирлаки, кўнгли ани суҳбатида паришон бўлиб, жаъмияти хотир (хотиржамлик) кетадургон бўлса.

Иккинчи, суҳбатда ҳамёзма тортмағай, ҳаттал-имкон (имкони борича) ани дафъига кўшиш (ҳаракат) қилгай, бу тариқа бирлаки, юқори тиши бирлан куйи лабини маҳкам тишлагай. Бас, агар анинг бирла даф бўлмаса, чап қўлини ё енгини оғзига қўйган хоҳ намозда ва хоҳ ғайри намозда.

Учунчи, суҳбатда пинакка бормағай.

Тўртинчи, мажлисда ўзини ўзгалардан мумтоз қилмағай...

Бешинчи, бир киши сўзлаб турган вақтда сўзламағай, то сўзини тамом қилмағунча.

Олтинчи, сукутни ҳам суҳбатда ифротға (ортиқчаликка) еткурмағайки, ҳатто бир кун тамом сукутда бўлмоғлик макруҳ ва мазмун (ёмон)дир.

Еттинчи, кўп ҳам сўзламағай...

Саккизинчи, сўзламакда такаллуф қилмағай изҳори фасоҳат (чиройли сўзлаш) ва балоғат (сўзда етуклик) учун.

Тўққизинчи, ўз ҳол ва мақом (мартаба)идин зиёда баланд сўзлардин сўзламағай.

Ўнинчи, ҳамсуҳбатлар бирла жангу жидол (баҳс) қилмағай, магар фикс ё бидъат алардин мушоҳада қилса мужодала қилса (торишса) бўлур. Билмак керакки, биродари муслмонийдин уч кундин зиёда жудолиғ қилмоқлиғи дуруст эмас, вақтики иккаласи ўртасида бир амри дунявий (дунё ишлари) сабаби бирла жудолик тутса. Аммо ато фарзанддин ва устоз шогирддин ва эр хотундин ва мунинг амсолида (мисолида) ҳикмат мулоҳаза қилиб, уч кундин зиёда ҳам жудолик қилсалар жоиздурки, они меъёри йўқдур. Ва яна толиби содиқға лозимдурки, ғазаб келган вақтида ҳаттал-имкон ғазаб ўтини ўчиргай.

Ўн биринчи, ёронлариға кўп хушомад қилмағай...

Ўн иккинчи, ҳамсуҳбатлариға кўб мазох ва мутойиба қилмағай. Ва ҳадди эътидол (ўртача ҳол)да иш тутгай. Ва гоҳи рост сўзлар бирла ҳозирларни кулдирса, анда ҳеч боки йўқдир. Ва тифлар (болалар)га тилини чиқариб ҳаракат бериб аларни хушҳол қилмоғлик ҳам жоиздур.

Ўн учунчи, ҳеч кимни ғийбат қилмағай ва ғийбатга ҳам қулоқ солмағайки, ҳаромдур. Ғийбат деб бир кишининг орқасидин анинг кўнгли макруҳ тутадургон нимарса бирла сўзламакни айтурлар. Магар олти суратда ғийбат жоиздур. Аввал мазлум золимдин подшоҳға. Иккинчи — мункир ишни қиладурган, кишини орқасидин сўзламак анинг таъзириға қодир кишиға. Учунчи — мустафтий (фатво берувчи) муфтиғаким, манга фалоний андоғ-андоғ зулм қилди, бас, ҳукми шаръ (шариат ҳукми) на бўлур, деб. Тўртинчи — муслмонларни огоҳ қилмоқлик учун аҳли шарорат шарридин (ёмонлар ёмонлигидин). Бешинчи — андоғ мубтадиъ (бидъатчи) ва фосиқ орқасидинким, фикс ва бидъатни ошкор қиладургон бўлса ва ҳеч ору номус қиладургон бўлмаса. Олтинчи — бир кишини лақаби қабиҳи бўлса, чунончи, аҳвал (ғилай) ва аъмаш (шилпиқ) ва аъвар (бир кўзли) ва аъмо (кўр) ва асамм (кар) ва аъраж (чўлоқ) ва мунга ўхшаш ва бу лақаблар бирла машҳур бўлса, анинг танутмоқ учун бу лақаблар бирла зикр қилинса жоиздур. Аммо изҳори айб ва нуқсон учун ҳаромдур.

Ўн тўртинчи, мажлисда икки киши бир-бирлариға гўшаки (қулоққа пичирлаб) ва пинҳоний сўзлашмағайлар ва яна сўзлашмағайлар ул тил бирланки, баъзи аҳли мажлис ул тилни биладургон ва баъзилар билмайдургон бўлсаларки, бу хислат макруҳдир. Магар зиёфат қилғувчи ходимиға ё ходими анга гўшаки ва ишорат бирла сўзласалар тартиби таом учун жоиздур. Ва икки киши бир ердан бир-бирлариға сир ва роз этгувчи бўлсалар учинчиға, адаб ушбуки, алар ўртасига кирмағай ва қулоқ ҳам солмағай.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Эру хотин ва ҳаммом одоблари баёнидадур тўрт фасл бирла.

Фасли аввал — эр хотуннинг борасига қиладургон адаблари баёнидаки ўн адабдур.

Адаби аввал — бир кимарса хотун олмоқчи бўлса солиҳа хотунни олғай. Имом Шофийий... мазҳабларида никоҳдин илгари хотунни бир назар кўрмоқлик мустаҳабдур.

Ва яна бикр (эр кўрмаган) бўлғай. Ва яна тўрт нимарсада хотун эрдин паст бўлғай ва тўрт нимарсада эрдин баланд. Умрда ва қоматда ва молда ва насабда паст бўлғай. Аммо жамолда ва ҳусни хулқда ва адабда ва ифбатда баланд бўлғай.

Иккинчи адаб — улки, олти турли хотинни олмағай. Аввал — ақима, яъни бача (бола) туғмайдурғон, иккинчи — ҳаннона, яъни сўнгги эрини молини барбод бергувчи бўлса илгариги (ги) эрининг фарзандларига ва яна ўз хешларига. Учунчи — маннона, яъни миннат қилгувчи хотун ўз мулку жоҳ ва насаби бирла эрига ҳамиша. Тўртинчи — аннона, яъни нола ва фарёд қилгувчи хотин илгариги эридин кўрган роҳатларининг фавти (йўқолгани)га. Бешинчи — каййат ал-қафо, яъни ул хотунеки, анинг нопоклик ва ёмон сийрати (юриш-туриши) жиҳатидин ҳар ким анинг (ўзини) ва эрининг орқасидин сўзлагувчи бўлсалар. Олтинчи — ҳузро ад-диман, яъни хотунеки, зоҳирда тару тоза ва хушманазардур, аммо асли нопок бўлса. Андоғ хотун ғолибан бадхў (ёмон одатли) бадфеъл бўлғай. Ҳузро ад-диман-сабзаеки, тўда тезакни устига чиққанни айтурлар.

Учунчи — эр хотинга яхши зиндағони (муомала) қилғай. Юзини очиқ тутғай. Ва бехуда ғазаб қилмағайки, мурувват ва футувват (олижаноблик) муқтазоси ушбудур...

Тўртинчи, хотуни жафосига сабр қилғай ва агарчи хотун тунд-хўйлик (тезлик) ва дуруштгўйлик (қўполлик) қилса ҳам эр анинг борасига рифқу мадоро (келишув) ва ҳикмату мавосо (ёрдам) бирла муомала қилғай...

Бешинчи, нафақанинг аёл ва атбоиъ (тобелари)га васиғ (бемалол) ва кенг тутқай ҳалол молидин. Ва агар баногоҳ зарурат жиҳатидин нафақа ва кисват (кийим) ҳосил қилмоқда шубҳадор молға гирифтор ва мубтало бўлса, ҳалол молни тамға ва шубҳадорни либосға сарф қилғай.

Олтинчи, камоли ҳусни хулқ ва мулоиймати таъб бирла хотунни кўп ҳавойи нафсига тобе бўлмағай...

Еттинчи, аҳли аёл борасида ғажур (ғайратли) бўлғай. Ва шарти ғайрат улдурки, номаҳрамнинг ҳарамига кирмоқиға рози бўлмағай...

Саккизинчи, хотун такаббурлик қиладурғон бўлса ё эрни тоқати йўқ нимарсага таклиф этса анга таъдиб (адаб) бергай. Таъдиб улдурки, аввал насиҳат қилғай. Ва агар фойда қилмаса бир ойғача фиरोшига (ёнида кўрпасига) ётмағай... Ҳар вақтки салоҳ (тузалиш)га келса, журмини (гуноҳ)ини авф қилиб, яна илгаригидек шафқат ва марҳамат бирла бўлғай...

ИККИНЧИ ФАСЛ — хотуннинг эр борасига қиладурғон адаблари баёнидаки, етти адабдур.

Адаби аввал — хотун эридин изнсиз ҳеч жойға бормағай. Ва ҳеч кимарсани уйиға келтирмағай. Ва эрини молини беизн сарф қилмағай.

Иккинчи, уйда ул хизматларики, хотунларға тааллуқи бордур, ани хотун интизом (адо) қилғай.

Учунчи, эри шод бўлса шод, ғамгин бўлса ғамгин бўлғай.

Тўртинчи, эрни тобқонига қаноат қилғай.

Олтинчи, эрига мувофиқатчилик қилғай...

Еттинчи, эри ўлса мотам тутғай...

ТҮРТҲИНЧИ ФАСЛ — ҳаммомға кирмоғлик одоби баёнидаки, анда етти адаб бордур.

Адаби аввал — ҳаммомға ҳар нечук фўта (лунги) ва торс келтурса қабул қилғай ва қайси ходим хизмат учун келса қайтармағай...

Иккинчи, сув куймоқ ва мўйи эри ноф (киндек ости мўйини) олмоқ мундин бошқа ҳолатда аврат (уят жой)ини тамом очмағай хоҳ ҳаммом холи бўлсун ва хоҳ бўлмасин. Ва яна ўзгани авратиға назар қилмағай. Ва (бузуқ) ходимларға ўзини уқалатмағай...

Учунчи, сувни исроф қилмағай ва эҳтиёт қилуб сувни бошидан қуйғай, токи ўлтирғон кишиларға сачрамағай.

Тўртинчи, тақилинч вақтда кишиларға изо (азият) ва озор бериб охурни бошига бормағай сув олмоқ учун... агарчи издиҳоми мардум бўлса ҳам.

Бешинчи, сувни ўрта қуйғай, на кўб-кўб ва на оз-оз.

Олтинчи, ҳаммомдан чиқадуғон вақтда ҳар қайси фўта ва чодирни келтурсалар қабул қилғай. Ва ўзини пок, ўзгаларни нопок тасаввур қилиб, мустаъмал (ишлатилган) фўталарни қайтармағай.

Еттинчи, ҳаммомчи ва ходим фўтадор ва сартарош музд (пул)у ҳақларини тамом адо қилғай. Ва ҳаммомдин чиққандан сўнг анинг ёру биродарларига адаб ушбудурки, анга мулоқий (рўпара) бўлсалар: Таҳҳарақаллоҳу ё таба ҳаммомака («Худо сени пок қилсин, ҳаммоминг ёқимли бўлсин») дегайлар ё бунга ўхшаш дуони қилғайлар.

БЕШИНЧИ БОБ

Иёдоти мариз ва таъзия ва аҳли мусибатнинг одоблари баёнидадур тўрт фасл бирла.

Фасли аввал — иёдоти мариз, яъни касални ҳолини сўрамакни адабларни баё-

ниндаки, анда етти одоб бордур.

Адаби аввал — ошнолардин ҳар қайси мариз (бемор)ни хоҳ кўз оғриғи ва хоҳ тиш оғриғи ва хоҳ чипқон ва хоҳ булардин ўзга бўлсун бориб ҳолини сўрғай. Ва ҳол сўрамакни бир нав касалға тахсис (алоҳида) қилмағай.

Иккинчи, мариз агарчи кофур бўлса ҳам иёдат қилғайки жоиздур...

Учунчи, касални олдиға кирган вақтда юзи очик ва дилжўйлик ва улфат ва шафқат бирла мулоқат қилғай. Ва янги либос бирла ва кир либос бирла ҳам кирмағай. Ва кулуб кируб бошиға ёқин ўлтирғай. Ва тез-тез касални юзиға қарамағай ва кўб сўзлашмағай. Ва қаттиқ ҳам сўзлашмағай. Ва қўлини пешонасига ё қўлиға ё юзига қўйиб ҳолини бу тариқада сўрағайки, кундузи қайси ҳолда ва кечаси қайси ҳолдасиз, деғай. Ва касални ҳар кун сўрамағай, балки бир кун келиб икки кун келмағай.

Тўртинчи, ...андин сўнг сўрағайки кўнглингиз нимани тилайдур деб. Агар бемор кўнгли тилайдурғон нимарсани изҳор қилса ва анга зарар қиладурғон бўлмаса анинг муҳайё қилғай хоҳ ўзи ва хоҳ анинг аҳлиға амр қилғайки топиб беринглаз деб. Ва агар касални давосини билса буюрғай, башартики ҳаром нимарсалардин бўлмаса, яъни ҳамр (ароқ) ва қурбака ва мунга ўхшаш нимарсалардин бўлмаса.

Бешинчи, беморни олдиға кўб ўлтирмағай ва сабук (тез) турғай, магар тариз ўзи тақозо қилсаки ўлтирғайсиз деб, андак таваққуф қилғай (тўхтағай), анинг ризоси учун. Лекин вақти хуш бўладурғон сўзлардин ва ҳикоятлардин сўзлаб ўлтирғай.

Эй азиз, билгилки, маризнинг ҳолини сўрамакнинг замонини қадри миқдори ҳалбудур, яъни чорподин сут соғиб олмоқлиғ миқдори замондир...

ИККИНЧИ ФАСЛ — маризнинг ўзига хос адаблари баёнидаки, анда ҳам етти адаб бордур.

Адаби аввал — бемор гоҳ-гоҳ нола қилғай суннат жиҳатидин, на шикоят ва курбат (ғам) вайҳидин ва бошини бир нимарса бирла боғлаб нола қилғай то баъзи аламлар сабук (енгил) бўлғай... Ва бош оғриғи бўлса: «Во раъсан», яъни «Вой бошим» демак суннатдур.

Иккинчи, бемор дарду алам ориз (пайдо) бўлғон вақтда шукргузорлик қилғай ва ўзига ўлим тиламағай...

Учунчи, бемор гуноҳлардин тавба қилғай ва яхши гумон бирла бўлғай... ва кишиларнинг ҳақи бўлса адо қилғай ва ошно ва ҳамсуҳбатларининг барчасидин ризолик тилағай. Бас, жаҳд қилғайки, хотима бахайр бўлғай.

Тўртинчи, тажҳиз (жиҳоз) ва такфин (кафанлаш) ва мунга ўхшаш нимарсаларға васият қилғай, яъни менга сизлар андоғ кафан қилғайсиз ва фалон жойға кумгайсиз... деб васият қилса дуруст ва жоиздур.

Бешинчи, ...васият қилғай атбоъ (тобё) ва қариндош ва фарзандлариғаки, мусибатға сабр қилғайсизлар деб...

УЧУНЧИ ФАСЛ — аҳли мусибат одоблари баёнидаки, анда етти адаб бордур.

Адаби аввал — ҳар бир киши эшитса биродари мўъминни вафотини айтғай: «Инна лиллоҳи ва инна алайҳил рожиъун» («Биз худоникки ва биз албатта унга қайтувчимиз») деб.

Иккинчи, таъзия қилғай аҳли мусибатға. Бу таъзия мустаҳабдурки хоҳ дафндин илгари, хоҳ дафндин сўнг. Имом Муҳаммад наздларида таъзия то уч кунгача жоиздур, андин сўнг макруҳдир.

Учунчи, тобут бирла ҳамроҳ кишиларға сукут вожибдур ва мустаҳаб уч ҳолда зикр ва фикрга машғул бўлмоғлиқдур. Ва хотун тобут бирлан ҳамроҳ эшикка чиқмағайларки макруҳдир...

Олтинчи, йиғламоқда аҳли мусибат овоз кўтармағайларки ҳаромдур...

Еттинчи, ўлукни кўмгандин сўнг ҳар қайсилари ўз ишларига кетгайлар. Бир ерда йиғилишиб ўлтирмағайлар майит (ўлик) учунки макруҳдир. Имом Мажиддин Фирузободий «Сирот ал-мустақим» деган китобларида айтубдурларки, дафндин сўнг жамъ бўлуб ўлтирмоғлиқ ва қуръон ўқумоғлиқ ва хатми сура қилмоғлиқ хоҳ қабрни бошида ё ўзга жойда бидъатдур. Аммо таом тартиб бериб (тайёрлаб) аҳли мусибатни уйига юбормаклик мустаҳабдур. Ва қабрни устиға пишиғ ғишт ва тош ва мунга ўхшаш нимарсалар бирла қубба ва иморат қилмоғлиқ ва чироқ ёқмоғлиқ бу барчаси бидъатдур.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ — зиёрати қубур (қабрлар) одоби баёнида. Анда етти одоб бор.

Адаби аввал — гўристоннинг кўб зиёрат қилмоғлиқ эркакларға мустаҳабдур. Агар киши ато ва аносини гўрларини ҳамиша зиёрат қилғувчи бўлса, анинг гўрини ўлгандан сўнг фаришталар зиёрат қилғайлар. Ва хотунларға ҳам зиёрат қубур (қабрлар)дин манъ йўқ...

Тўртинчи, мусулмонларнинг гўрларини таъзим ва тақрим (иззат) қилғай, гўристоннинг устиға отлик чиқмағай. Ва гўристонлиғ устидин бинобари зарурат агар пиёда юрмоқчи бўлса, кафш ва наълайни (этик)ни қўлиға олғай. Ва гўристонда ҳеч қабрни устида ўлтурмағай. Ва гўрға тақя ҳам қилмағай. Ва арқосини қабрга қўймағай...

Бешинчи, хотунлар уйларидин чиқуб, қабрни кам зиёрат қилғайлар ва они ҳам эрларидан изн тилаб борғайлар, беизн бормағайлар...

Еттинчи, қабрлар қошида доим мужовар (доим турувчи) бўлмағай, яъни ато ва ано ва қариндоши ё ўзгаларнинг қабрларининг қошинда сукунати доимий ихтиёр қилмағайки, жоҳилият аҳлининг одатларидиндур.

ОЛТИНЧИ БОБ

Зиёфат ва аклу шурб, яъни емак ва ичмак одоби баёнидадур тўрт фасл бирла. Фасли аввал — меҳмондорчиликнинг одоби баёнидаки, жумла ўн адабдур.

Адаби аввал — фуқарони меҳмон қилғай. Ва бойларнинг зиёфатга тахсис (хос) қилмағайки, пайғамбар алайҳис-салом айтибдурлар: «Ямон таомдур ул таомки бойларни хос чақуруб берилса ва қашшоқларни чақурмаса». Ва яна бир шарти шулки бир уйдин атосини чақурса, боласини ҳам чақирғай ё ул уйдан чақирилғон кишини яқин қариндоши бўлса, они ҳам қўшиб чақирғай ва анинг маҳрум қилмағайки, бу иш жафодур.

Иккинчи, меҳмонни хўб икром ва эҳтиром қилғай ва меҳмоннинг икромининг муддати то уч кунгачадур. Тўртинчи куни кўб-кўб такаллуф (дабдаба) қилмаса ҳам бўлур.

Учунчи, уйнинг деворларининг меҳмон учун парда ва палос бирла ясамағайларки, макруҳдир. Лекин нақшлик фарш (кўрпа-тўшак)лар меҳмон остига ёзсалар, башартики ипак ва саъба (йиртиқ ҳайвон)нинг терисидан бўлмаса жоиздур...

Тўртунчи, таомни меҳмон қошига тез келтургай ва кўб таъхир қилмағай. Ва яна нон ва ўзга таомни исроф бирла иш тутмағай. Ва нонни суфра (дастурхон)га тоқ қўйғай. Ва нонни кўрси (юмалоқлиги)нинг кўб-кўб улуғ қилмағайки, мутаккабирлар расмидур. Ва яна суфранинг устига ҳозирларга кифоя қилғудек нон қўйғай. Ва зиёда қўймағайки, исроф ва таҳовун (хорлаш)га қўшулур.

Бешинчи, меҳмонга таом қўйгандин сўнг таом емакка изн бергай. Мустаҳаб улдурки, аввал уй эгаси таомга қўл узатғай. Ва яна қўлини ҳаммадан охир таомдан тортғай, башарти меҳмон бегона бўлса. Ва агар ўз ошно ва ёронларидин бўлса аввал аларни мурут (ҳурмат) қилғай, алардин илгари қўл узатмағай...

Олтинчи, меҳмоннинг таомга ҳаддин ошуқ тарғиб қилмағай, уч мартабагача тарғиб қилғай андин зиёда қилмағай.

Еттинчи, меҳмонга таом емакликда мувофиқат (шерик)лик қилғай ва агарчи рузаи нофила (қўшимча рўза)га ният қилғон ҳам бўлса.

Саккизинчи, лаззатлик ва латифроқ таомни меҳмонга едирғай ва ўзи ғайри лазизни егай. Ва агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса навъе қилғайки, ўзи кам еб, таомнинг аксарини меҳмонга едиргай ва меҳмон таомдан фориг бўлгандин сўнг агар кетмакчи бўлса, ижозат бериб то эшиккача ҳамроҳ чиқиб узатгай, чунончи келган вақтда олдиға чиққандек. Ва меҳмондин жудо бўлғон ҳолатда меҳмонга бу дуони қилғайки: «Акрамтамуни жазакумуллоҳу ҳайран» («Мени ҳурмат қилибсизлар, сизларни худо яхшилиқ билан мукофотласин!»).

Тўққузунчи, ҳар нимарсаки уйда ҳозир бўлса, меҳмоннинг олдиға қўйғай.

Унунчи, такаллуф (ортиқча дабдаба) қилмағай таомда, магар яхши ният ва дуруст қасд бирла такаллуф қилса бўлур.

ИККИНЧИ ФАСЛ — меҳмоннинг соҳиби хонадонга қиладурғон адаблари баёнидаки, бул ҳам ўн адабдур...

Адаби аввал — ижобатдур, агарчи қўйнинг бир почасиға чақурсалар ҳам, хусусан, аҳли салоҳ (яхши) ва фақир киши чақурса албатта боргай.

Иккинчи, ижобат қилғай рўзадор бўлса ҳам, билғилким, никоҳ учун қилган таомга чақирсалар баъзи уламолар ижобатни воҳиб дебдурлар ва баъзи уламо мустаҳаб дерлар ўзга даъватга ўхшашки, бас, агар кимарса беузри шаръий (шариат) бормаса гуноҳкор бўлмас ва мухтор (ихтиёр) ушбу қавл (сўз)дур.

Учунчи, золим ва фосиқ ва аҳли риё ва аҳли бидъат агар таомга чақирсалар бормағайки, мустаҳаб ушбудур. Тўртинчи, чақирмасдан бир кишини таомини устига бормағай ва агар икки киши чақирган бўлсалар, қайсики ҳамсояликда яқинроқ бўлса, аввал анга боргай. Ва агар баробар бўлсалар қайсиларининг ошнолиғи кўпроқ бўлса, аввал анга боргай. Ва яна адаб ушбудурки, чақирилмаган кишини қўшиб олиб бормағайки, макруҳдир, беизни соҳиби таом. Ва агар ўзи қўшилиб борса, чақирилган кишининг орқасидин соҳиби таомнинг эшигига келганда айтғайки, бу киши ўзи келди, агар изн бўлса кирсин ва илло қайтсин деб.

Бешинчи, меҳмон ўзининг жойида андак таом еб боргай, токи меҳмон бўлган жойда кишилар орасида ҳирсу шора (очкўзлик) бирла таом емағайки, мазмуддир.

Олтинчи, соҳиби хона ҳар жойдаки ўлтурғузса, анда ўлтирғай ва ҳар нимарса

келтурса, танавул қилғай. Ва кўзини ҳар қаёнға қарамоғлиқдин сақлоғай ва соҳиби хонаға ҳеч ҳукме қилмағай ва таом жиҳатдин ва на ўзга ваҳдин, магар бир-бирлари бирлан илгаридин иттиҳод (алоқа)манд бўлсалар, ҳукме қилса бўлур.

Еттинчи, меҳмонлар бир-бирлариға луқма бермағайлар, магар ходимға ё ошпазға жоиздур, ва тариқи ихват (биродарлик) ушбудурки, бу иковиға ҳам бермағайлар. Ва гадо ва ит ва पिшакни ҳам ҳукми ушбудур.

Саккизинчи, залла (насиба) кўтармағай беизни соҳиби таом, анинг учунки таом учун қўйилгандур, на олиб кетмак учундур...

Тўққузунчи, соҳиби таомни дуойи хайр қилғай суфра (дастурхон) кўтаргандин сўнг...

Унунчи, таомдин сўнг ижозат тилағай кетмоқға ва кўп сўзлашуб ўлтурмағайки, бу бобда: «Фаиза таамтум фанташиру» («Овқат еб бўлдингларми, тарқалинглар») ворид бўлбудур ва беижозат ва берухсат ҳам кетмағай...

УНУНЧИ ФАСЛ — емак ва ичмакнинг одоблари баёниндаки, анда ўттиз адаб бордур.

Адаби аввал — таомни кам еғай. Ва то дуруст очлик ориз бўлмаса (юз бермаса) таом емағай. Ва яна таомни кўб тўйиб емағайки, озроқ табъида очлик қолғай.

Иккинчи, шубҳалик таомдин ҳазар қилғай ва агар зарурат жиҳатидин шубҳага мубтало бўлса, бақадри имкон оз еғай. Ва яна кўнглида нодим (надомат қилувчи) ва пушаймон бўлғай. Ва шубҳанок таом улдурки, ваҳжи ҳурмати (ҳаромлиги) зоҳир эмас, лекин лозим ё фосиқнинг таомидур.

Учунчи, ўз нафси учун таоми лазизнинг ўзиға махсус муҳайё қилмағай ходимларининг таомидин ўзга, балки фақирона ғазо (овқат)ларға бетакаллуф қаноат қилғай.

Тўртинчи, таоми хуш ва лазиз агар бетакаллуф ва тартиб ҳозир бўлса, анинг танавул қилғай мутобиъати суннат (суннатга тобе бўлиш) учун, ва лекин гўшти доимий емағай ва тарк қилғай, ва қирқ кун туташ ҳам тарк қилмағай...

Бешинчи, намарса бордурки, аларнинг бирининг устиға бирини ақл ва шурб (еб-ичиш)да жамъ (бирга) қилмағайки, хилофи суннатдур ва яна музир (зарарли)дур: балиғ бирла сутни, ва сут бирла нордон нимарсани ва сут бирла тухумни, ва яна сут бирла гўшти, ва гўшти бирён (қовурилган) бирла қайнатилгон гўшти, ва қоқ гўшт бирла янги гўшти. Ва икки иссиғлиқ нимарсани ва икки совуқлиқ нимарсани, ва икки қобиз (қотирувчи)ни ва икки муҳил (сурувчи)ни ва яна бири қобиз, бири муҳилни, ва тез ҳазм бўладургон ғазо бирла узоқ ҳазм бўладургон ғазони. Ва ислик таомни ҳам емағайки, муҳолифи суннатдур. Ва ҳам пиёз ва саримсоқни (пиширмай) ҳам емағайки, пайғамбари худо... эмас эдилар...

Еттинчи, ўлтуриб таом еғай.

Эй дарвеш, билғилки, бу бобда уч нав ўлтурмоғлиқ суннатдур. Аввал улки, икки тизини букуб ўлтурғай. Лекин қорнини тизига еткурмағай юзтубан тушганга ўхшаш. Иккинчи — ўнг тизини кўтариб, чап оёғини букуб ўлтирғай. Учунчи — икки тизини кўтариб қорнига ёпуштириб ўлтирғай. Ва яна суннат ушбудурки, кафш ва этикни оёғинин чикарғай таом емак ҳолатда. Ва яна этоки ва енгини шимирғай.

Саккизинчи, таомни суфра ё дастурхон устиға қўйиб еғай. Ва поядор хонни оёқли хонтахта устида таом қўйиб емаклик макруҳдир. Ва агар хони поялик (оёқлик) ердан кўп юқори бўлмаса, анинг устиға ҳам таом қўйиб еса жоиздур.

Эй дарвеш, билғилки, хон устиға таом қўйиб емак подишоҳлар феълдур. Ва дастурхон ёзиб таом емак ажам (форс)лар феълдур. Ва суфра (дастурхон)да таом емак араб феълдур...

Унунчи, таомға аҳли мажлис қўл узатмағайлар, модомики, аларнинг улуғи қўл узатмағунча. Ва ул кишиға қарағайлар, агар ўзи улуғ киши бўлса, ул мажлисда таомға тезроқ қўл узатғай. Ва аҳли мажлисни мунтазир қилмағай.

Ун биринчи, ...(таомни) туз бирла ибтидо қилғай (бошлағай) ва охирида ҳам туз бирла хатм қилғай (тугатғай)...

Ун иккинчи, огоҳлиқ бирла таом еғай ва ичғай...

Ун учунчи, ўнг қўл бирла еғай ва ичғай. Ва яна уч бармоқ-ибҳам, яъни бош бармоқ, саббоба, яъни бош бармоқ ёнидаги (бармоқ) ва вусто, яъни ўрта бармоқ бирла таом еғайки, суннат ушбудур. Ва гоҳи бунсур (номсиз бармоқ)ни ҳам қўшса жоиздур ва муҳолифи суннат эмасдур. Ва икки бармоқ бирла таом емак манҳий (ман этилган)дур.

Ун тўртинчи, таомни ўз олдидин олғай. Аммо меваларни ҳар қайси тарафдин олса бўлур.

Ун бешинчи, нон ва нон реза (ушоқ)ларини икром қилғай ва нонни икки қўл бирла синдирғай ва қўлини ёғини нонга суртмағай. Ва агарчи нонни емакчи бўлса ҳам. Ва оғзидин ё қўлидин тушган нон резани ё ўзга донларни дарҳол териб еғайки, анда хосият кўбдур. Ва ташламағайки, такаббурлик ва худпараст (худбин)ликдир.

Ун олтинчи, таом емоқлиғ вақтида тез-тез, шитоб бирла емағай ва агарчи оч бўлса ҳам ва бу нав таом емакни ҳирсу шара (очкўзлик) дерларки кўнгилнинг қасвати (қотиши)ға ва кўрлигига боис бўлур, балки кўнгилни ўлдирғай.

Ун еттинчи, луқмани ўрта олғай, ва катта ва на кичик. Ва оғзидаги луқмани хўб

чайнагай ва оҳиста ютгай. Ва таом иссиғ бўлса таомни пуфламагай ва сабр қилгай. Ва оғзини таомга андозадин зиёда очмагай. Ва таомни ўнг тараф тишлари бирла чайнагай-ки, суннат ушбудир. Магар ўнг тарафда тиш оғриғи ва ё ўзга узри бўлса, чап тарафдаги тиш бирла чайнаса ҳам бўлур. То оғзидаги таомни ютмағунча қўлини таомга узатмагай. Ва тишлаган таомни яна зурф (идиш)даги таомга қўймагай. Ва агар таом иссиқ бўлса замоне таваққуф (сабр) қилгай ва таомлик қўлини косага ва табақга силкумагай. Ва ёғлиқ луқма ва ё пора гўштни сирка ё монанди сиркага ботириб олмагай, балки аввал қуруғ луқмани сиркага ботуруб, гўштини анинг устига қўйиб егай. Ва иликни ўнф (куч) бирла ноннинг орқасига ё юзига ё табақни лабига ё дастурхонга урмагай.

Ўн саккизинчи, таомнинг устида аввалдан то охиригача хомуш бўлмагайки, мамнуъ (ман қилинган) дур ва макруҳдир... Ва ҳеч таомни мазаммат қилмагай (ерга урмагай). Ўн тўққузинчи, таомни танҳо емагай агар имкон бўлса, чароки кўб-кўб қўл таомга жамъ бўлмоғи сабаби баракати таомдир.

Йигирманчи, иттифоқчилик қилгай аҳли суҳбатга то инқироzi суҳбатгача. Ва яна суфра (дастурхон) кўтарилмасдин илгари жойидан турмагай, магар зарурат бўлса раводур.

Йигирма биринчи, агар зурфи таом (таом идиши) устида мубтало (касал) кишилар ҳамроҳ бўлса, чунончи, жузом (мохов) ё барас (пес) ё қўтирга мубтало кишилар, алардин парҳез қилмагай, башартики мутаваккил (таваккал қилувчи) бўлса... ва агар аҳли таваккул бўлмаса, парҳез қилмоғлиқ авлодур. Ва аларга ихтилот (аралашув) ҳукми ҳам ушбудур.

Йигирма иккинчи, яхшироқ таомни ҳамкоса ва ҳамроҳига қўйгай ва ўзи анга қўл узатмагай. Ва муни исор дерларки, савоби кўбдур.

Йигирма учунчи, агар гўшт хўб мулойим пишган бўлса, қўл билан реза-реза қилгай. Ва пичоқ урмагайки, суннат ушбудур.

Йигирма тўртинчи, маъқулот (емиш)ларики адаб (сано)га кирадиган бўлса онда адади тоқни риоя қилгай, чунончи, хурмо ё анжир ё самбуса ё чучбора бўлса, ё уч, ё етти ва ала ҳозал қиёс (шу қиёсда) егай, ҳосили калом (қисқаси) адади тоқ (тоқ сон)га хатм қилгай... Ва қошуқ бирла таом емақда ҳам адади тоқни риоя қилинса яхшироқдур. Масалан, икки киши бир табаққа шерик бўлсалар, банавбат қошуқ бирла ош ичсалар, ҳар қайсилари бир қошукдан ё уч қошукдан ичгайлар. Ва агар танҳо бўлса, қошукни тоқда хатм қилгай ва яна қошукни кўб тўлдириб ичмагайки, аломати ҳирсу шара (очкўзлик)дур. Ва оз-оз ҳам ичмагайки, қошукдан шўрпа ё ош супрага ё либосга томмагай. Ва яна қошукдаги ошни ёрим ичиб, қолғонини косаи ошга қайтармагай. Ва қошуқ бирла ичишда чорполарга ўхшаш оғзини косои ошга кўб яқин келтирмагай. Ва яна оғзини кўб катта очмагай, қошуқ учун. Ва яна оғзини ичига қошукни элтмагай. Ва яна қошуқ бирла ичишда оғзидан нохуш овоз чиқармагай. Ва қошукни табақ лабига қаттиқ ташламагай. Ва яна қошукни табақга тўнкариб қўйгайки, агар таомдан қатралар қолғон бўлса, анга томмагай.

Йигирма бешинчи, бармоқларини ва зурфи таом (таом идиш)ни хўб ёлагай, ва таомдин фориг бўлғондин сўнгра яламасдан қўлини ювмагай. Ва қўлини дастурхонга ва суфратга артмагайки, макруҳдир. Ва тириқайи бармоқларни ёламоқ ушбудурки, аввал ўрта бармоқни ёлагай, андин сўнг бош бармоқни ёлагай, андин сўнг бош бармоқни ёнидаги бармоқни ёлагай.

Йигирма олтинчи, агар киши пўстлик ё доналик меваларни емакчи бўлса, адаб ушбудурки, анинг донасини ва пўстини мевалик зурфга қўшуб қўймагай, балки узоқ ерга ташлагай. Ва агар мажлис танг бўлса ироқ ерга ташлашга мажол топмаса, аларни рўймол ё бир латта гўшаси (бурчаги)га жамъ қилиб сақлагай. Ва аҳли мажлисни кўзидан пинҳон тутгай. Ва агар рўймол бўлмаса чап қўлига сақлагай ва агар фурсат топса чап қўл тарафида холи ер бўлса, анда ташлагай. Ва ташлашда эҳтиёт қилгай, то агар кафш бўлса ул ерда, кафшнинг ичини олуца (ифлос) қилмагай.

Йигирма еттинчи, янги мевага етишган вақтда дуои баракат қилгай, андин сўнг бир кичик бача (бола)ни чакуруб анинг қўлига бергай... Ва яна бир ривоятда келубдурки, янги мева қўлига еткан вақтда кўзига суртгай ва ўбқайки, ушбу феъл суннатдур...

Йигирма саккизинчи, таомдин сўнг тишни кавлагай хилол (кавлайдиган чўб) бирла. Эй дарвеш, билғилки тил бирлан тишдан чиқарган таомни емак макруҳ эмасдир. Аммо хилол бирла чиқарғон таомни ташлағайки, анинг емак макруҳдир. Ва тишни орасини кўб кавламагай, токи тишни гўштига зарар еткурмагай. Ва ходимга хилолнинг тақсимида адаб ушбудурки, хилолнинг учуни ўрта бармоқ бирла жинжилоқни ёнидаги бармоқнинг орасидан аҳли мажлисга тутгай. Хилол олғувчи ўнг қўлини орқаси бирла анинг бармоғи орасидан олғай ва дуо қилгай...

Йигирма тўққузинчи, таомдин илгари қўлини ювгай ва таомдин сўнг ҳам ювгай. Таомдин илгари бу кайфиятда ювгайки, икки тизи бирла ўлтиргай ва икки билакини икки тизини ўртасига қўйгай, андин сўнг икки қўлини учини бўғумгача ташт (чилопчин) ичиға ювгай. Ювган қўлини таштга силкумагай, токи қатралари фарш (тўшак) ва либосга сачрамагай. Ва қўлини ювгандин сўнг мустаъмал (ишлатилган) нимарсага артмагай, балки агар хоҳласа жомасини қўлтуғини тагига суртгай. Ва таомдин сўнг қўл ювғонда

оғзини таштга ювмағай, мабодоки, баъзи аҳли мажлис хотираларига кароҳат (нафратли) бўлмағай. Ва қўлини ювгандан сўнг покроқ латтага артгай, «Ширъат ал-ислом»да келтирибдирки, ходимға адаб улдурки, таомдин илгари таштни аввал ўнг қўл тарафга, аҳли мажлисининг кичикларининг олдиға қўйуб, илкни ювдирғай ва ушбу ўнг тарафдин бошлаб тамом аҳли мажлисининг қўлига сув қуйғай. Ва таомдин сўнг аввал аҳли мажлисининг улуғларининг қўлиға сув қуйғай. Андин сўнг ўнг тарафига юрғай. Ва яна адаб шулки, аҳли мажлисининг барчаларини қўлларини ювдирғандан сўнг таштни ҳоли қилғай, ўртада қилмағай, магар ташт тўлган бўлса ўртада зарурат учун ҳоли қилса ҳам бўлур. Ва яна бир адаб шулки, эҳтиёт қилуб сув қуйғай, токи қатралари фаршга ё бир кишининг либосига сачрамағай. Ва яна ҳар қайси кишига уч навбатдин сув қуйғай. Навбат аввалда озроқ, иккинчида андин кўброқ, учунчида беинқитоъ (узмай) сув қуйғай.

Ўттузунчи, ...таомдин фориғ бўлғондин сўнг ҳамд айтғай... андин сўнг соҳиби таомни дуо қилғай. Агар аҳли мажлисда бошлиқ улуғ киши бўлса, ул киши дуо қилғай... агар улуғ киши бўлмаса, ходим дуо қилғай...

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ — сув ичмакни одоби баёнидадурки, анда ўн бир адаб бордур.

Адаби аввал — сувни ўлтуриб ичғай, магар монеъ бўлса туриб ичса ҳам бўлур. Иккинчи, баъзи сувни турбу ичғай, чунончи оби замзам (замзам суви)ни ва таҳоратдин қолғон сувни ва оби сақони (меш сувини).

...Учунчи, сувни уч навбат нафас олиб ичғай ва ҳар нафасда косани оғзидан жудо қилғай. Нафаси аввалда бир ғурфа (қисм) ичғай, иккинчи нафасда уч ғурфа, учунчи нафасда беш ғурфа ичғай, сувни бирдан симирмағайки, макруҳдир.

Тўртинчи, сувга нафас урмағай...

Олтинчи, сув ичмасдин илгари зурфдаги сувға ҳўб мулоҳаза қилғай, то хас ё ўзга нимарсалар тушган бўлмағай ва яна ичган вақтда эҳтиёт қилғай, то анинг қатралари фаршга ё либосға томмағай. Ва агар қоронғу кеча бўлса кўзани лабиға бир юпқа латтани парда тутуб сув ичғай. Ҳазрати ибни Аббос шишадин сув ичмакни дўст тутар эрдилар.

Еттинчи, оғиз ва қўли ёғлиқ бўлса, анинг бирла кўза ё обдастанинг дастасини ушлаб, олуда қилмағай, агар бинобарин зарурат ушламоқчи бўлса, хунсур (жимжилоқ), бунсур (номсиз бармоқ) бирла аларнинг дастасини ушлағай ва агар дастаси бўлмаса аввал қўлини ва оғзини пок қилиб, андин сув ичғай.

Саккизинчи, маскани оғзидин ва косани синган еридан сув ичмағайки, анда чирқлар жамъ бўлади. Ва аригдин ва ҳавздан бошини тубан қилуб, оғзи бирлан сув ичмағайки, макруҳдир ва бу феъл чаҳорполар феълдир. Ва яна сув ичидин зарар қилғувчи нимарса ичига кетмак эҳтимоли бордир.

Тўққузинчи, шарбат ё совуқ сувни бовужуди ҳожат ва рағбати тамом ўзи ичмасдин ҳозирларға берғайки, мун исор дерларки, суннатдур ва савоби беҳаддур, башартики ўзи соқий бўлса...

Унунчи, сув ичгандин сўнг ўнг қўлидаги кишига узатғай, агарчи чап қўлида улуғ киши бўлса ҳам...

Ўн биринчи, соқий, яъни сув бергувчини дуо қилғайлар...

ЕТТИНЧИ БОБ

Сафарнинг одоби анга муталлиқ нимарсаларнинг баёнидадурки тўрт фасл бирла.

ФАСЛИ АВВАЛ — ...билгилки, сафар уч қисмдур, бири фарз, иккинчиси — фазилат, учунчиси — мубоҳ (рухсат этилган), аммо сафари фарз беш навдир. Аввал жиҳод учун, иккинчи ҳажжи фарз учун, учунчи ато ва ано чақирсалар ижобат учун, тўртинчи радди мазолим (зулми қайтариш) учун, бешинчи талаби илми фариза учун, башартики ўз шаҳрида бу таъллум (илм) ҳосил бўлмаса... Аммо сафари фазилатнинг анвои кўбдур... Аммо сафари мубоҳ икки навдур, аввалги нави улки, сафар қилғай тижорат учун ушбу ният бирлаки, ўзи ва аҳли аёллари нафақаси шояд андин ҳосил бўлғай ва кишидин тамаъ қилмағайман деб... Ва агар нияти зиёдати молу дунё бўлса, бу сафари тижорат анга вубол (зарар) ва охиратиға мазаррат (зиён)дур. Иккинчи навъи тафарруж (кўнгил ёзиш) ва томоша учун сафар қилмоқлиқдур, башартики гоҳ-гоҳ бўлса, агар одат қилса, жоиз эмас. Ва бу сафарларнинг барчаси эронларғадур. Аммо хотунларға ҳамма ҳолда бемахрам сафар қилмоғи ҳаромдур.

ИККИНЧИ ФАСЛ — сафарнинг фойдалари баёнидаки, ҳазрати Али... сафарнинг фойдаларидин беш улуғ фойданинг қитъаи манзумоти (назмий қитъаси)да келтирибдурлар, ани зикр қилинур, яъни (мазмун шундай): сафар қилғилки, сафарда беш фойда бордир. Аввалги фойдаси шулки, ғам ва андуҳ кетгай.

Иккинчи, касби зиндагоний (тирикчилик сармоясини) ҳосил бўлғай.

Учунчи, таҳсили илм.

Тўртинчи, такмили (тўлиқ) одоб ва ахлоқ.

Бешинчи, улуғлар суҳбатларини топғай. Бас, агар савол қилинсаки, сафарда ҳорлиқ ва танҳолик ва биёбон кезмоқлик ва қаттиқчилик тортмоғлиқ бордур. Жавоб айтармиз ангаки, ҳар оина бўлмоғлиқ жувонмардға бу машаққатлар бирла яхшироқдур ғаммоз (чақимчи) ва ҳасид (ҳасадчи)нинг аросида тирик юрмоғлиқдин.

УЧУНЧИ ФАСЛ — аҳли сафарнинг одоби баёниндаки, йигирма тўққуз одобдур.

Адаби аввал — сафар қилғувчи сафаридин бир оз кори хайр (яъни иш)ни қасд қилғай: ҳаж ё жиҳод ё радди мазолим (золимни йўқотиш) ё талаби илм ё заёрати равзаи муқаддаса (пайғамбар қабри) ...Ё тижоратики андин тараз таҳсили қути аёлу атфол (хотин ва болаларнинг ризқи)дур ё буларга ўхшаб нимарсани ният қилғай. Андин сўнг баҳукми «Шоварҳум фил умур» (ҳар бир ишда маслаҳатлашинглар) бир доно кишига машварат қилғай.

Учунчи, васият қилғай ва яна ато ва ано, ва арбоби ҳуқуқлар (ҳақ эгалари)дин руҳсат тилағай ва мувофиқи суннат кунларда чиқғай. Панжшанба куни хўброқ ва агар шанба ё душанба ё чаҳоршанба куни ҳам сафар қилса мувофиқи суннатдур. Ва яна агар кишиларки ҳақи бўлса, аларни ҳақини адо қилиб чиқғай. Ва яна аёлу қариндош ва дўсту ёрон ва ҳамсоюву ошна ва аҳли ҳуқуқ бирла видолашуб, аларнинг дуойи хайр талаб қилғай...

Ўн биринчи, йўлда кечаси кўброқ юргайки, узун марҳала (жойларнинг ва узоқ манзилларининг қатъ қилмоғлиқ (босиб ўтмоғлик) шабгирлик (тунги юришлик) бирла бўлғай ва бу амр (иш)га албатта тоғофул (ғофиллик) қилмағай ва кеча юрғонда агар хоҳласа бир соат тушуб ором олмоқда суннат улдурки, йўл узасидин гўша (чекка)роқ ерга тушғайки, йўл узра кечаси зарар қилғувчи жонворлар кўб бўлғайлар...

Ўн учунчи, агар мухталиф (ҳар хил) йўллар келса билолмасаки мақсаднинг йўли қайсидур, ўнг қўлдаги йўлга қараб юргайки, ўнгда фаришта бордурки, йўл кўрсатур...

Ўн тўртинчи, ҳеч вақт танҳо сафар қилмағай, хусусан тунда ва ҳамроҳлари уч тандин оз ҳам бўлмағай.

Ўн бешинчи, агар кўб киши сафарга чиқсалар манзилга тушқанда бир-бирларига яқин тушғайлар, балки бир манзилда мужтамиъ (жам) бўлғайлар ва мутаффарриқ (тарқоқ) бўлмағайлар.

Ўн олтинчи, бир жамоа ҳамроҳ бўлиб сафарга чиқсалар алар ўрталарида бир олим муттақий (тақводор) киши бўлса, анинг ўзларига амир (бошлиқ) қилғайлар, агар андоғ киши бўлмаса баҳимматроқларини амир қилғайлар ва бу амирга адаб улдурки, ҳамроҳларига мушфиқ ва хизматкор бўлғай, ҳеч хизматни алардин дариг тутмағай ва ўзи ҳукумат маснади (тахти)да ўлтуруб, ўзгаларни ишга буюрмағай.

Ўн еттинчи, йўлда заифу нотавон кишилар ҳамроҳ бўлсалар, қудрати бор кишиларни йўлда қўйиб кетмағай ва аларга мададкорлик қилиб, карвонга еткурғай. Ва агар алар нотавонлиқдан йўлда туруб қолсалар, аларга мувофиқатчилик қилиб турғай ва ташлаб кетмағай, то карвонга ҳамроҳ қилмағунча.

Ўн саккизинчи, киракашнинг даббаси (ҳайвон)ға қарордин зиёда юк ортмағай ва юкнинг ортишда ҳам онинг ҳозир қилуб назарида ортғайки, токи рози бўлғай. Ва киракашларнинг дуруштўй (кўпол) ва сихтўй (бадфеъл)лиқларига таҳаммул (сабр) қилғай. Ва ҳосили калом тариқати шафқатни ҳар ваҳждин кўлдан бермағай.

Ўн тўққузунчи, чаҳорпо (ҳайвон)ларга юкни бақадри тоқат ортғай ва аларни очлик ва ташналиқдин ҳифз қилғай (яъни сақлағай) Ва манзилга тушганда то аларнинг орқасидин юкни олмағунча ўзга ишга машғул бўлмағай.

Йигирманчи, сафарга мо лобудда минҳудин (заруратдин) зиёда нимарсани олмағай. Ва зарурийга қаноат қилғай. Ва баъзи улуғлар айтубдурлар: мо лобудда минҳу, яъни зарурий (нарс) сафарда бири либосдурки, анинг бирла сатри аврат (уят жойни бекитиш) ҳосил бўладурган бўлса. Ва яна бири сажжода (жойнамоз)дур намоз ўтамак учун. Ва яна бири иб (арқон) ва кўзадурки, анинг бирла қудуғдин сув тортиб олғай. Ва яна бири кафш ва наълайн (этик)дурки, аёқ ювганида кийғай ва сажжода устиға борғай. Ва яна бири асоий найзадор (учли ҳасса)дурки, офатларни ўзидин даф қилғай. Ва бу асода ўзга фойдалар ҳам бордур. Ва агар суннатни мулоҳаза қилуб соқолтароқ ва мисвок (тиш тозалагич) ва қайчи ва йийна ва сурмадон ҳам олса жоиздир.

Йигирма биринчи, ...агар мусофир билсаки, бир шаҳридаки анда ўлат ё ўзга фитналардин пайдо бўлғон бўлса, ул шаҳарни устидин ўтмағай. Ва агар бир шаҳарда сокин бўлса, андин сўнг ўлат пайдо бўлса қочмағай...

Йигирма олтинчи, сафардин қайтганда аҳлу аёл ва қариндошларнинг олдиға баноғоҳ (тўсатдан) кирмағайки, макруҳдир, балки шаҳрига яқин келганда бир кишини илгари юборғай ва аларнинг хабардор қилғай. Ва яна чошт (туш) вақтида ва асра киргайки мустаҳабдур. Ва макруҳдир кечаси кирмаклик...

Йигирма саккизинчи, аҳлу аёл ва авлоду акрабо (қариндош) ва ёрону дўстларига туҳфа ва савғот (совғалар) олиб келғай ҳар қайсиларини ўз ҳолларига лойиқ нимарсаларни. Ва масканиға қарор олғондин сўнг таом тартиб (тайёрлаб) берғай кўргувчи кишилар учун.

Йигирма тўқузунчи, шаҳардаги муқим ва ошно кишиларга мусофирнинг олдиға кирмасдин илгари пешбоз чиқмоқлари мустаҳабдур.

ТҮРТИНЧИ ФАҲЛ — бегона мусофирнинг мужовир (муқим турувчи)ға ва мужовирнинг бегона мусофирға қиладургон адаби баёниндаки, барчаси ўн бир адабдур. Анинг тўрти мусофир мужовирға қиладургон адаблардур.

Адаби аввал — мусофир мужовирни олдиға кирса одоб ва ҳурмат ва салом бирла киргай ва қуйироқ жойда ўлтургай. Ва агар мужовир онинг сидра мажлиси (юқори)га икром қилиб ўтқурса ибо (тортинчоқлик) қилмағай ва қайси жойға ишорат қилса анда ўлтургай.

Иккинчи, мужовирға таклиф ва эътироз қилмағай магар номашруъ (шариатга хилоф) иш бўлса, таарруз (эътироз) қилса бўлур. Ва мужовирни хизматга буюрмағай. Ва нафсини хоҳиш қилган нимарсалар бирлан анинг хотирини машғул қилмағай. Ва умри-дунявий (дунё ишлари) учун ва ё ўзга нимарса учун анинг подшоҳлар ва аҳли шоҳлар даргоҳиға зўрлаб ҳамроҳ қилиб олиб бормағай.

Учунчи, агар мужовир анга бир ҳукмени қилса тавъ (хоҳиш) ва рағбат бирла қабул қилгай.

Тўртунчи, мужовирға изҳори фазлу камол қилмағай. Ва сафар ичинда ўтган аҳволидин ҳикоят қилмағай.

Аммо одоби мужовир мусофир учун етти адабдур.

Адаби аввал — агар мусофир ворид (кирувчи) бўлса, мужовир хўб икром қилгай хоҳ қисвати сўфия (сўфийлар либоси)да бўлсин ва хоҳ бўлмасин...

Иккинчи, мусофиреки ворид бўлубдур, агар либоси фақирда бўлса, мужовир сўрамағайки қайдин келдингиз ва қаён борурсиз ва отингиз нимадур ва мунга ўхшаш нимарсаларни.

Учунчи, фаросат бирла маълум қилгайки, мусофирнинг табъи (хоҳиши) суҳбатдаму ё хилватдаму, анга муносиб иш тутгай. Агар матлуби суҳбатдур бетакаллуф суҳбат қилгай. Агар билсаки, матлуби хилватдур анга муносиб манзили ҳоли муҳайё қилгай...


Тўртинчи, агар мусофирнинг кўнгли ҳаммомға бўлса, сўраб, ҳаммомға олиб бергай ва анинг либоси чирк бўлгон бўлса ювдиргай. Ва агар қудрати етса янги либос бергай. Бу амрларға тақсир (нуқсон) қилмағай.

Бешинчи, уч кундин сўнг сўроғайки, кўнгли зиёрати мазор ва азизларга борму экан. Агар бўлса шаҳрини азизларининг олдиларида ва мазоратға олиб бергай, ва агар кўнгли бўлмаса, анга эътироз қилмағай.

Олтинчи, анинг мубоҳ мурод (қилса бўладиган мақсад)лариға қиём қилгай агар изҳор қилса.

Еттинчи, суҳбатдин фойда олмак учун анга неча кун турмакчи бўлса мужовирнинг суҳбатига мусофир изожат бергай, башартики, толиби содиқ (чин талабгор) бўлса, на муддаийи каззоб (ёлғончи даъвогар).

Маҳмуд ҲАСАНОВ ва **Убайдулла СОДИҚОВ** нашрга тайёрлаган



Тоҳир Қаҳҳор

КЎЗГА КЎРИНМАС МАХЛУҚ

Эртак достон¹

БЎРИ

Ростдан ҳам «Чаман» иши
Булди кўпнинг ташвиши.
Энди не қилмоқ керак —
Шуни тез билмоқ керак!
Илон ҳам, ахир, нозир,
Тафтишда эди ҳозир,
Жим бўлинг, эй оломон,
Сўзлайди доно Илон!

ИЛОН

Тингла, аҳли Қурултой,
Сўзим ҳақиқатга бой!
Ростдан ёмон ҳолимиз,
Ошиб кетган болиимиз!
Айқнинг бу асали
Кўпайтди қанд касалин...

ТУТИ

Қанд касалин давоси —
Мусичанинг шўрвоси!

ИЛОН

Ростдан ёмон ҳолимиз —
Ошиб кетган болиимиз!
Оддий емаклар аммо
Топилмас бизда асло!
Ҳамма ерда танқислик,
Ривож топди хасислик.
Ҳайвонлар бир-бирини,
Ҳатто оға-инини
Танимай қўйди, ҳайҳот!
Эсни йиғинг, махлуқот!

ТУТИ

Ҳайвонлар бир-бирини,
Ҳатто оға инини
Танимай қўйди, ҳайҳот!
Эсни йиғинг, махлуқот!

ИЛОН

Хўш, бунга ким айбдор?!
Бу ерда нозик гап бор!..

ТУЯ

Арслонбека Бош овчи
Бўлгач, юртга қаровчи,
Тартибларни сақловчи,
Ғуноҳсизни оқловчи
Бирор махлуқ қолмади!
Авж олди қувғин, ҳадик!..
Минорага ўшар деб,
Узоқларни тўсар деб,
Туяларнинг ўрқачин
Кестириб, қилди қувғин!
Эмишки, ҳамма туя —
Эскиликка ин, уя!

БЎРИ

Ростдан ҳам, аҳвол ёмон!
Фикрингни айт, оломон!
Кимлар айбдор — билайлик,
Ёмондан қутулайлик!

ОТ

Чўчқа элчи бўлган йил
Мегажин бўлиб вакил,
Кезиб атроф ўлкани,
Еб гўшту нон, бўлкани,
Тузиб келди битимлар —
Чўчқага ошди емлар!
Кўп итлар иш ташлади —
Чўчқа боқа бошлади.
Сассиқдан бўлдик безор!
Мегажин бош айбдор!

АЙИҚ

Мегажин фикри билан,
Чўчқанинг зикри билан,

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Кўрада жавлон урган
Ялқов, ифлос, қутурган
Чўчқалар ажратилди,
Ҳар ерга тарқатилди —
Улар бой ўлкаларни,
Серўт, тинч кўлкаларни
Бузишди, қулатишди,
Ахлатга тўлатишди;
Осмонга чиқиб ҳиди,
Бурунлар кетди битиб!
Тушди гулзорлар қадри,
Хор бўлди гуллар атри!
Асал камроқ йиғилди!..
Хўш, бу айбни ким қилди?
Мегажин эмас зинҳор,
Бунда Тулки айбдор!
Модаларни кўтариш
Фикри, ички фармойиш
Гояси ундан чиққан!

ТУЛКИ

Ҳаммани мода туққан!
Яшанг бошга кўтариб,
Модани эъозланг деб,
Наҳот бўлсам айбдор?
Тухмат қилма, эй, ғаддор!

ЭШАК

Беҳуда кўтар-кўтар,
Тўғриси, жондан ўтар.
Кўтарилгач модалар,
Ортиб кетди хатолар!
Кўтарилгач Мегажин,
Юзимга тушди ажин...

ВАКИЛ БАҚА

(шошиб унинг сўзини бўлади)
Модаларни кўтариш
Келтирди фақат ташвиш:
Кўтарилгач баландга,
Ҳар томонга аланглаб,
Неча-неча Оқбалик
Бўлиб қолди қоқбалиқ!

ЭШАК

Кўтарилгач Макиён,
Хўрозлар бўлди пиён!
Шундан бери мочахар
Менга кун бермай қарғар:
Кўтар-кўтар ўтар, дер,
Сен ҳам мени кўтар, дер!

ИЛОН

Бас қил, Эшак, эси паст!
Бу гаплар ҳеч керакмас!
Бошқа-ку бош масала,
Қилайлик бир ҳафсала:
Махлуқларча ўйлайлик,
Уз фикримиз сўйлайлик!
Кўзга Кўринмас Ҳайвон
Талаб қилмоқда қурбон!
Топайлик бирор чора...

ТУЛКИ

Тутқазиш керак пора!

БҮРИ

Унинг қорни — бир ўра,
Берилганда ҳам Кўра,
Барибир у тўймайди,
Емонлигин қўймайди...

ИЛОН

Ҳа, у ваҳший қутурар,
Ҳаммани еб битирар!
(Махлуқлар хавотирга тушишади.)
Юз тутдикми заволга?
Қачон тушдик бу ҳолга?
Хўш, бунга ким айбдор?..
Бу ерда нозик гап бор:
Шу ҳолни билатуриб,
Доимо айшин суриб
Юрган Бўри айбдор!..

ТҮТИ

Шухратпараст бу Бўри —
Тугамас «Шошмай тур»и...

ИЛОН

Қози Бўри паст экан,
Манфаатпараст экан:
Чет элга бориб юриб,
Қуённи йўлдан уриб,
Кинога тушди роса,
Шарманда бўлди тоза!

БИР МАХЛУҚ

Қурултойдан қувилсин!
Думига челақ илсин!

БОШҚА БИР МАХЛУҚ

Қуён унинг «думи»дир,
Далада эмиш мудир,
Барча қуён ўғридир!
Барча қуён бўридир!

ИЛОН

Ҳа, барчаси бўридир —
Йиққани кўп, ўғридир!

ТҮТИ

Бўрилару қуёнлар,
Бу муттаҳам ҳайвонлар
Қурултойни тарқ этсин,
Бутун ўрмондан кетсин —
Қилинсин мангу сургун!

ИЛОН

Дунё тургунча тургин!
Ростдан ҳам Бўри, Қуён

Неча йиллардан буён
Телвизурни бўшатмай,
Ўшатиб, гоҳ ўшатмай,
Томоша кўрсатишди...
Аммо бизни сотишди!..

МАХЛУҚЛАР

(норозилик билдирадилар)
— Жонга тегди Айиқ ҳам!
— Муму сузган қайиқ ҳам!
— Алдаркўса алданди!
— Мушук кетди талтайиб!..

БҮРИ

Эй, гўл тўда, шошилма,
Ким не деса, қўшилма!
«Шошмай тур» деган кино —
Кино! Бизда не гуноҳ:
Эсингни йиғ, оломон,
Муттаҳамдир бу Илон!
(Махлуқлар тинчиб, жим эшитишадди)
Эмасман ер устуни,
Сўзлай гапнинг ростини:
Сизларга бўлсин маълум —
Мансабпараст Илон шум!
Текширувда бўлди фош —
Экан Айиққа қондош!

ИЛОН

Виш-виш, виш-виш,
Виш-виш-виш!
Ахир бу қандай тафтиш?
Қани айт-чи, доно зот,
Қўйга бўри, филга от
Қондош бўларми, наҳот?!

БҮРИ

«Гулзор қилиш» ғоясин,
Бўлиб Айиқ сояси,
Тарғиб қилган шу Илон!
Кўп йил бўлди Бош нозир,
Сўнгра бўлиб у Вазир,
Қарорларга қўл қўйди,
Хатоларга йўл қўйди!
Айиққа бўлиб йўлдош,
Қуда-қудағай, қўлдош,
Умум мулкин талашди,
Бирга асал ялашди!

ТҮТИ

Умум мулкин талашди,
Бирга асал ялашди!

БҮРИ

Бу Илон асал ялаб,
Қавмидан этди талаб —
Эҳ, илонлар экан ғўр,
Бўлиб кетди асалхўр!
Заҳари худди шакар!
Табобатга соф заҳар

Керакми? Чексиз керак!
Бунга бир жазо берай:
Соқчи! Этгин кишанбанд,
То бермасин бизга панд!

(Соқчи Маймун Илонни кишанлайди.)

ИЛОН

(Вишиллаб, норозилик билдиради.)
Бу қандайин салтанат —
Бир Бўрига алданар?!
Юз йилки, шу қозидир,
Гўллар ундан розидир!
Ахир ҳамма бўрилар
Салтанатни ўғирлар!
Бу эса, кўрмас чора —
Олади катта пора!

БҮРИ

Эй, Илон, кишандасан,
Рост гапга ишон-да сан!
Ҳамма қашшок, бечора —
Ким берар менга пора?
Урмондаги бор маҳсул —
Шилта асалдир нуқул!
Хўш, Бўри асал ерми?
(Илон жим)
Ё Бўри ёлғон дерми?

ИЛОН

Кечиринг! Рухсат беринг —
Уйлашга фурсат беринг!
(Илон сеҳру жоду билан танасини ўраган кишанни олтин занжирга айлантириб, Бўрига беради).

БҮРИ

Бизлардан, эй оломон,
Кечирим сўрар Илон!
Кўрсатиб ўз сеҳрини,
Изҳор этди меҳрини!..
Айтган каби Арслон хон,
Одил бўлинг ҳар замон!
Надир ўзи адолат?
Кечирмоқ, раҳму шафқат!
Биз Илонни кечирдик,
Кишанини ечирдик!

МАХЛУҚЛАР

Олқиш! Олқиш!

ИЛОН

Виш-виш-виш!
Бўри, Арслонга олқиш!
Одил замонга олқиш!
Ростини айтсам, аммо,
Жуда кўпдир муаммо!
Насриддин сабаб, бешак,
Шухрат топди шум Эшак!

БИР МАХЛУҚ

У аҳмоқни улуғлаб,
Баъзи ғилтим махлуқлар
Ҳайкал қўйишди ҳатто!

БҮРИ

Бу иш мутлақо хато!

ТУТИ

Бу иш — мутлақо хато!
Эшак қувғин қилинсин,
Териси ҳам шилинсин!

МАХЛУҚЛАР

Эшак қувғин қилинсин,
Териси ҳам шилинсин!

ИЛОН

Мен — сахий бир нозирман,
Не хизмат бор, ҳозирман!
Сўзинг тўғри, халойиқ,
Эшак жазога лойиқ!
(Соқчи Маймунга имо қилади,
у Эшакни кишанлайди.)
Хизмат қилиб Айиққа:
Хонга ва халойиққа,
Бўлмадим ҳайкалталаб,
Юрибман-ку судралиб!
(Ҳайъат Тепада, Арслон хон ёнида
ўтирган Тулки хушомадли овозда
бу гапларни маъқуллайди.)

ТУЛКИ

Тўғри! Ким бўлса камтар,
Доим судралиб юрар.
Эшак ҳеч судралмаган,
Билганидан қолмаган!
Ҳанграр доим бир хилда —
Ўз-ўзига қойил-да!
Ҳа, жудаям такаббур!
Фитначидир бу манфур!
Истаган пайтда ҳанграр,
Ҳанграб, ҳар ён аланглр!..

ЭШАК

Ҳар замонда ҳанграйман!
Не ёмонлик бор бунда?

ТУЛКИ

Бор фитна ана шунда!
Бу Эшакнинг ҳанграши
Олий тартибга қарши!
Бунда режа бор қатъий:
У ҳанграб-ҳанграб қаттиқ,
Арслонни уйғотсам дер,
Туполон қўзғотсам дер!

ИЛОН

У — ғаламис ва жосус,

Кўринмас Ҳайвонга дўст!

МАХЛУҚЛАР

(кўркувга тушиб, увлашади)
Бу фитначи отилсин!
Эшаклар йўқотилсин!

ТУТИ

Эшаклар йўқотилсин,
Ҳанграганлар отилсин!

ИЛОН

Тингла, аҳли қурултой,
Сўзим ҳақиқатга бой!
Биз анча чалғиб кетдик,
Беҳуда шов-шув этдик.
Бош масала шу, дўстлар,
Эй ваҳший, олакўзлар!
Тафтишда бўлди маълум —
Орамизда бордир шум!
Удир балойи замон —
Кўзга Кўринмас Ҳайвон!
(Махлуқлар кўркувдан таҳликага
тушадилар.)
Арслон ва Чўчқа насли,
Ҳайвонларнинг энг асли
Камайиб кетди бирдан,
Огоҳ бўлдик бу сирдан!
Ахир, бунга не сабаб?
Жавоб қилинар талаб!

ТУТИ

У ғаламис қирилсин,
Жазосини берилсин!

ИЛОН

(Тўтига)

Юрагингда, эй Тўти,
Бордир Арслоннинг ўти!
Тўғри сўзлайсан доим —
Такрорлайсан мулойим.

(Тулкига)

Бош масала бобида
Фикрингни айт, эй қуда!

ТУЛКИ

(Илонга ўхшаб судралганча мин-
барга чиқади.)

Виш-виш, виш-виш, виш-виш-виш!
Илонга бўлсин олқиш!

ИЛОН

(ўзича)

Хушомадгўй боёқиш,
Керак пустагинг қоқиш!

ТУЛКИ

Мен ҳеч кимдан тортмай тап,
Айтиб қўяй бир зўр гап:
Ўрмонимиз жуда бой!
Оламда йўқ бундай жой!
Юз йилдирки, тинч замон —
Чунки тинч ухлар Арслон!
Чин ҳайвоний ғафлат бу,
Махлуқларга шафқат бу!

ТЎТИ

Чин ҳайвоний ғафлат бу!
Махлуқларга шафқат бу!

МАХЛУҚЛАР

Арслон мангу ухласин!
Ўлка мангу кўкласин!

ТУЛКИ

Тафтишда бўлди маълум —
Орамизда кўпдир шум!
Арслон ва Чўчқа насли —
Ҳайвонларнинг энг асли
Камайиб кетди бирдан
Мен огоҳман бу сирдан!
Ўтибдир ахир юз йил,
Арслон ухлар бир зайл.
Шул сабаб бўлиб, доим
Арслонбека, хонойим
Билганича иш тутди
Ўз қавмини унутди!
Кийиб сохта ёлини,
Бўлди тўнғиз келини...

БЎРИ

Бу-ку зидмас қонунга...
Махлуқлар не дер бунга?
(Махлуқлар жим)

ТУЛКИ

Аммо туққан авлоди
На чўчқа, на шер зоди.

ИЛОН

Демак, янги бир ваҳший
Яралипти, бу — яхши!

ТУЛКИ

(хушёр тортиб)

Тўғри, янги бир ваҳший
Яралди, бу — кўп яхши.

(Махлуқлар норози бўлиб ўкиришади, бўкиришади... Соқчи Маймун Тўтини олтин қа-
фасдан олиб, қамиш қафасга солиб, жазони адо этади.)

МУШУК

Шу билан не ўзгарар?
Кўрсин учун ўзгалар
Қафасни алмаштирдинг,
Гўёки жазо кўрдинг!

Аммо жуда беомон...
Кўргилиқдир бу ҳайвон.
Мана, барча йиғилган,
Ночорликда бўғилган
Авом ўзи сўзласин,
Дардин айтиб бўзласин!

ТЎТИ

Ўрмонимиз озод, кенг,
Барча авом яшар тенг!
Шу турмуш этсин давом —
Шуни истайди авом!

ҲАККА

Бас! Сўрайман ўтиниб:
Қувинг маддоҳ Тўтини!
Ким не деса, такрорлар,
Авомни доим хорлар!
Мақтар ёмонми-яхши,
Муросасоз бу бахши —
Қафасдаги муттаҳам,
Соз иши йўқ битта ҳам!

ҚАРҒА

Ҳакканинг сўзи тўғри!
Тўти — ўғри, сўзўғри!
Мақтаб ёшу қарини,
Салтанат шакарини
Фақат бир ўзи ейди,
Доим ширин сўз дейди!
Кун йўқдир қарғаларга,
Ақлли, дарғаларга!
Эй салтанат қозиси,
Бўриларнинг тозиси,
Жазо бер! Бир кўрай ман,
Эл номидан сўрайман!

БЎРИ

Бу гап тўғри, эй Қарға,
Эй гўнхўр, қора дарға!
Яшаб юксак мақомда,
Олтин қафасда, томда,
Тўти анча бузилди,
Хонга нонкўрлик қилди!
Салтанат шакарини
Бир ўзи еб барини,
Худбинлик қилди ғоят —
Рўй берди зўр жиноят!
Ширинлик танқис бўлди,
Кўп тўти «Қанд!..» деб ўлди,
Жазо шудир: Тўтини,
Юлиб олиб патини,
Майдондан олиб чиқинг;
Қамиш қафасга тиқинг!

БЎРИ

Шошма! Кимсан, миттивой?
Айтгин, билсин Қурултой!

БИР МАХЛУҚ

Бу ҳам чиққан оmidан —
Гапирсин эл номидан!

ТУЛКИ

У — арслонлар наслдан,
Ҳайвонларнинг аслидан,
Мушукларнинг мушуги,

(Озғин, касалманд Мушук судралиб бориб, минбарга етай деганда холсизланиб ётиб қолади. Соқчи Маймун унинг олдига сичқон ташлайди — Мушук жонланиб минбарга кўтарилади.)

МУШУҚ

Касалман... кўнглим озди...
Вақт ўтмоқда беҳуда —
Кўзим очиқлигида
Сўзлайин гапнинг ростин!
(Ухлаётган Арслонга қараб кўяди.)
Анави Арслон бобом
Юз йилки, ухлар мудом.
У ухлар — хонлик ухлар,
Кучлилар зулм қилар,
Чидар ночор халойиқ.
Мана: Бош вазир Айиқ
Ҳамма вақт деди: «Асал!» —
Оммани қилди касал!
Бор ўрмонни кестирди,
Ҳар ерда гул ўстирди —
Бойликларни совурди!
Бу қандайин даврдир?!

БҮРИ

Эй мушук, билиб сўзла,
Даврга тил теккизма!
Тинч ухлар, қара, Арслон,
Турмушимиз фаровон!..
Сен сичқон тутишингдан,
Қандай кип ютишингдан
Сўзла... Айт том, чордоқдан,
Кўрсатилган ардоқдан!
Сўзла ё шум итлардан,
Ялоқи иркитлардан!

МУШУҚ

Мени чалғитма, Бўри!
Турибман айбинг кўриб!
(махлуқларга)
Қозимас, този Бўри —
Бўлди чорванинг шўри!
Арслонга деб қўй ташир,
Ўзи еб, қорнин қашир,
Хонга хушомад этар,
Номидан иш юритар!

БҮРИ

Бу гапларинг ғирт ёлғон!
Ана, гувоҳ Арслон хон!
Хон кўпнинг бахтин ўйлар,
Келади ўзи қўйлар —
Уларни биз тутмаймиз!

Ялтиллаган тумшуги!
Улуғ Арслон авлоди —
Мушукдир бунинг оти!
У — вакил бор оmidан,
Юрган юртнинг томида!
Чаққон Мушукка олқиш!

МАХЛУҚЛАР

Полвон Мушукка олқиш!

Бир ўзимиз ютмаймиз —
Бурчимиз унутмаймиз!

МУШУҚ

(бургутга имо қилиб)
Улакса ташир Бургут,
Арслонга дер: буни ют!
У ҳам хонни эритар —
Номидан иш юритар,
Улакса бериб, аммо
Хоннинг ичин чиритар!

БУРГУТ

Тухмат қилма, эй, Мушук!
Тилиннга чиқсин учуқ!
Мен учаман юксақда,
Сен ётасан пойгақда
Кўзлаб сичқон, тузоқни —
Кўролмайсан узоқни!
Кўкда нелар қилганим,
Хонга не опкелганим
Сенга ҳеч маълум эмас!
(Махлуқлар унинг сўзини
маъқуллаб ўқиришади.)
Арслон ўлакса емас!
Тухмат қилдинг хонга сен —
Тош отдинг замонга сен!

МУШУҚ

Қўриқчи, қўрқоқ Бургут,
Бориб, чумчуқни қўрқит!
Ерда юрган Мушукман,
Ўз ишимга пишиқман.
Баринг бирдай ўғрисан —
Тулкисан ё Бўрисан!
Илон, Йўлбарс, Айиқлар
Ҳеч нарсадан ҳайиқмай,
Ўрмон мулкин талади —
Махлуқларни алдади!
Юз йилдирки, хон ўлик,
Сиз уни дейсиз тирик!

БҮРИ

(Соқчи Маймунга)
Бўхтончининг оғзин ёп!

СОҚЧИ МАЙМУН

Қоп беринглар менга, қоп!

МУШУК

Бир сакрайман, қочаман...
Аввал сирни очаман:
Хон умрин яшаб бўлган,
Юз йил аввал у ўлган —
Сизлар буни беркитиб,
Узларинг ҳоқим этиб,

Маҳлуқлар тўдаси ғалаён солиб, Ҳайъат Тепага бостириб боришади, тахтда қотиб ўтирган Арслонга ўкирадилар, уни турткилайдилар. Ҳеч бир тазйиқ бўлмагач, хонни — қотириб кўйилган қуруқ пўстакни тортқилаб, бурда-бурда қиладилар.

БҮРИ (афсусланиб)

Парчаланди Арслон хон!..

ТУЛКИ
(саросимада)
Бир сўз айт, доно Илон...

ИЛОН

Виш-виш... маҳлуқлар, виш-виш,
Жасур Мушукка олқиш!
Тўғри, Арслон ўлганди,
Паймонаси тўлганди...
Сирли сувга ботириб,
Уни мумдай қотириб:
Уликни тирик қилдик,
Ўзимизга хон билдик...
Бердик тожу тахтини,
Унвонини, бахтини!
Чунки биз — содиқ қулмиз,
Салтанатга ўғилмиз!
Шундай қилмасак агар,
Бўларди бундан баттар —
Салтанат қолиб шоҳсиз,
Бўларди хор, бошвоқсиз!

БИР МАХЛУҚ

Лақиллатма! Шоҳ шуми?
Шу ҳолимиз яхшими?
Бўлмас ҳеч бундан баттар!
Керакмас сиздай раҳбар!

БОШҚА БИР МАХЛУҚ

Барин бир-бир бойлайлик!
Сўнг бошқа хон сайлайлик!

МАХЛУҚЛАР

(Ҳар бири ўз қавмидан хонликка номзод кўрсатади)
— Хон бўлсин Ола Буқа!
— Хон бўлсин Вақил Бақа!
— Хон қилайлик Оқ Қўйни!
— Уни қўярлар сўйиб!
— Бўла қолсин Мушук хон!
— Кўпайиб кетар Сичқон!
— Хон бўлсин Қора буқа!
— Йўқ, ундан кучли Чўчқа!
Ҳа-ҳа, Чўчқа кучлидир,
Тумшуғи ҳам учлидир!..

Сурдингиз юз йил даврон,
Салтанат бўлди яқсон!
(маҳлуқлар саросимада)

Ишонмаса кимда-ким,
Хон қорнига тиқсин сим —
Чиқмайди бир томчи қон,
Улган у аллақачон!

БҮРИ

Эй бечора ҳайвонлар,
Бўлманг сўнг пушаймонлар:
Эсланг, ахир, бир замон
Бир Чўчқа бўлганди хон.
Чўчқалар тез бирлашиб,
Бор маҳлуқни зўрлашиб,
Хўриллайсан дейишди,
Маҳлуқлар панд ейишди!
Чўчқадай хўр-хўрлашди,
Ўз-ўзларин хўрлашди...
Энг ёмони, қиш тушиб,
Чўчқалар совқотишиб,
«Тез ўт ёқинг!» дейишди.
Муте маҳлуқлар шошди:
Сафарга шайландилар,
Чўчқага айландилар —
Айқаш-уйқаш бўлишиб,
Гоҳ озиб, гоҳ тўлишиб,
Бир-бирининг туёғи
Остида гоҳ ўлишиб,
Ҳар тарафга чопдилар,
Охир ўтин топдилар.
Ўрмонга ўт кўйишди,
Исинишиб, тўйишди...

ТҮТИ

Ўтган гапни эслатма,
Бўри, бизни қўрқитма!
Бунда барча маҳлуқ тенг,
Ўрмонимиз озод, кенг!
Фикрин айтсин ҳар ҳайвон!
Айтинглар, ким бўлсин хон?

МАХЛУҚЛАР

— Хон бўлсин Ола Буқа!
— Сузиб, обрўсин тўкар!..
— Эшак ҳам менга маъқул —
Гапга кирар, мўмин қул.
— Жасур Мушук бўлсин хон!
— Итдан қочиб, берар жон!..

ТҮТИ

Ўрмонимиз озод, кенг,
Барча ҳайвон бўлди тенг:
Хон бўлайлик галма-гал!

ТУЛКИ

Яша, тилиннга асал!
Майли, Тўти хон бўлсин!

ЭШАК

Аввал Хўтик хон бўлсин!

МУШУК

Эҳ, қанақа тўдасиз?
Кимларга тахт тутасиз?!
Бор тартибни бузайлик,
Олий кенгаш тузайлик!
Бизга одил хон керак,
Тирик бир Арслон керак!

БҮРИ

Кимсан ўзинг, эй Мушук —
Майда, газанда, шумшук!
Тентак, каллаварамсан,
Бир аҳмоққа қарамсан!
Не берса, еб-ялайсан,
Таги паст бир малайсан!
Бизга ақл бўлмайсан —
Айт-чи, энди қалайсан?!

МУШУК

Рост, эгамга қарамман,
Мен ҳам каллаварамман,
Аmmo эмасман ўғри —
Эмасман Тулки, Бўри!
Сиз дунёга маълумсиз —
Ваҳшийсиз ва золимсиз!
Эзиб ҳайвону қушни,
Буздингиз тинч турмушни,
Арслон хон буюрди деб,
Юрдингиз ҳар нени еб.
Махлуқларни йиғдингиз,

Бир қўрага тиқдингиз,
Бунда барча тенгсиз, деб,
Бир-бирингиз енг сиз, деб,
Гиж-гижлаб қайрадингиз,
Юз йилки яйрадингиз!
Улик Арслон — ёлғон хон,
Кўзга Кўринмас Ҳайвон —
Бари сизлар эдингиз!
Сиз бизларни едингиз!

МАХЛУҚЛАР

Улик Арслон — ёлғон хон,
Кўзга Кўринмас Ҳайвон —
Бари сизлар эдингиз!
Сиз бизларни едингиз!

МУШУК

Бас, энди бу Қўрадан,
Зиндонсифат ўрадан
Озод бўлсин махлуқлар!

ҲАЙВОНЛАР

Мушук, сенга қуллуқлар!

МАХЛУҚЛАР


Ўзимиздан бир Арслон
Бу Урмонга бўлсин хон!

ТУТИ

Бўлди ўрмон озод, кенг,
Барча махлуқ яшар тенг!..

«Қўра гимни» янграйди.

ТАМОМ



"Мунуз ва муноздра"

1998 й. 5-117-117-с.с.с.с.

Қудрат Дўстмуҳаммад

БОШ САБАБ

(Қайта қуриш ҳақида ўйлар)

Салкам уч юз миллион кишилик улуғ мамлакат нима сабабдан бунчалик қашшоқлашиб кетди? Қайси моддий неъматни айтманг, деярли ҳаммаси тақчил. Энди бутун дунё мамлакатлари — аксарияти капиталистик, СССРга мол сотяпти. Уларнинг бахтига юртимиз омон бўлсин!

Мана, беш йилдирки, аввалига «жадаллаштириш» дедик, «ошкоралик» дедик, кейин «қайта қуриш»ни топиб олдик, аҳвол яхшиланиш ўрнига кундан-кун бешбаттар бўлиб боряпти. Нега шундай? Сабаблар кўп: техника етишмайди, сифати паст, фан ҳаётдан ажралиб қолган, малакали кадрлар кам, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар номукаммал, мафкура соҳасида имкониётлар бой берилган, маъмурий-расмиятпараст бўлимлар бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетган, улардан қутулиб бўлмаёпти ва ҳоказо ва ҳоказо.

Аксари ҳолларда раҳбарларнинг шахсий нуқсонлари ҳам рўқач қилинади, биз таянган ижтимоий назария, тарихни айрим шахслар яратмайди, деб ўргатади.

Тақчилликнинг сабабчиси қилиб чайқовчилар, қўли эгрилар, ширкатчилар, мафия, халқ мулкига бепарволар ҳам кўрсатилади.

Иқтисодиётнинг қийинчилигидан қуюниб, жамиятнинг дардига даво изламаган одамнинг ўзи йўқ. Ким билан гаплашманг, қатор-қатор, турфа сабаблар тилга олинади, йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Ҳокимият фақат партия қўлига ўтиб қолганини, партия эса яккаю-ягона эканлигини сабаб қилиб кўрсатувчилар ҳам бор.

Айтилган, айтилмай қолган сабабларнинг ҳар бири иқтисодий тангликка ўз «ҳисса»сини қўшиб келяпти, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин: «Нима учун ана шу сабабларнинг ўзи мавжуд? Нега уларни бартараф қилолмадик? Қонуннинг аёвсизлигига қарамай, салбий ҳодисалардан нега қутула олмаёпмиз? Дардимизни енгиллатадиган даволар бор экан, нега уларни амалда қўллай олмаёпмиз?» — каби саволларни ўз-ўзимизга бериб кўрсак-да, мамлакатимизни дунёнинг бошқа юртлари билан таққослаб, озгина мулоҳазага берилсак, қандайдир битта Бош Сабаб борлигини кўраемиз.

Нима экан бу Бош Сабаб?

Марказий матбуот уни айтмаяпти. Аввалига пардали қилиб, сўнг ошкора айта бошлади. Халқ депутатлари сессия ва съездларда тилга оляптилар. Лекин бу овозлар ола-тўпалон ичида яхши эшитилмай қоляпти, эшитилгандаям, овознинг «оғзига» уриб, нафасини ичига тушириб юборишяпти. Бошқалар эса, «одоб» сақлаб Бош Сабабни эшитмаганга, билмаганга оляптилар, натижада мамлакатнинг дардларига даво бўлажак таклифлар сувнинг юзида қалқиб юрган пўкак мисол залворсиз, ўткинчи бўлиб қоляпти, амалга оширалаётган тадбирлар бир йил ичида эскириб, ўзини оқламай, яна аввалги ҳолатга ўтиляпти, салкам уч юз миллион кишининг иши «қуриш-бузиш-қуриш»дан нари ўтмаяпти.

Ушбу мақолада Бош Сабабни мумкин қадар баралла айтиб, қашшоқлигимизнинг шу нуқтаи назардан таҳлил қилишга жазм этдим. Бош Сабаб — хусусий мулкнинг тақиқланганлигидадир!

Мамлакатимизнинг, жамиятимизнинг қайси бир «касал»ини, ўтмишда йўл қўйилган «хато»ларни, қатағонларни, турғунлик ҳолатларини (юмшоқроқ қилиб айтган яхши-да),

ҳозирги чала қайта қуришни, исталган биттасини олинг-да, ҳар тарафлама таҳлил қилиб кўрсангиз, ана шу Бош Сабабга келиб тақалаверасиз.

* * *

Бизда ер, сув, табиий бойликлар, ишлаб чиқариш воситалари — завод, фабрикалар, корхоналар, уларнинг биносидан тортиб «кипидан игнасигача» ҳаммаси умумхалқ мулки, деб аталади. Умумхалқ мулки шиори остида яшадик, яшапмиз, не-не ишларни қилмадик, қилаяпмиз.

«Умумхалқ»нинг аниқ эмас эгаси йўқ. Давлат эгалик қилади. Лекин «давлат»даги кишиларнинг ҳам мулки бор, улар лавозимда турган пайтдагина хўжайинлик (яна қай аҳволда денг!) қила оладилар. Модомики, шундай экан, мулкка самимий қайғурадиган, уни асраб-авайлайдиган, самарали ишлатадиган бирор кимса йўқ экан-да? Айрим кишиларнинг шароит зуғуми остида узоққа бормайдиган жонкуярлигини айтмаганда шундай бўлиб чиқаяпти. Ҳозирги пайтга келиб, юқори доираларда, олимлар орасида «умумхалқ мулки» деган баландпарвоз тушунчаларнинг ўрнига «давлат мулки» дейилаяпти. Тўғри қилишади, чунки «Давлат — бу халқ демакдир», деган ақида ўзини оқламаяпти.

«Давлат» деганда қонун чиқарувчи, ижрочи, назоратчи маҳкамаларни, ишлаб чиқариш корхоналарини, идораларни тушунамиз. «Мулк» учун булар камлик қилади, унга Инсон қўли керак. Инсоннинг эса, мулкка ҳеч қандай эгаллиги йўқ.

Давлат мулкидан ўзга колхоз-кооператив мулки бор, деган эътироз туғилиши мумкин. Тўғри, бор. Аммо колхоз, кооперативлар шу пайтгача ўз мулкни ўзи истасанча сотаяптими? Йўқ, фақат Давлат назорати остида ишлатаяпти. Давлатга топширяпти. Давлат ҳамма нарсани монополия қилиб олган.

СССР Олий Кенгашининг 1989 йил кузги сессиясида кўрилган қонун лойиҳасида хусусий мулк ҳақида ҳам сўз юритилди. Бу ҳали хом гап. Хусусий мулкка рухсат берилгандаям, унинг бошига ширкатчилик ва ижарачиликнинг кунидан беш баттар кўргиликлар тушса ажаб эмас.

Биз фан ютуқларига суяниб, аксарият мулкни давлат қўлида сақлаган ҳолда қайта қуришни амалга оширмақчимиз. Лекин суянчиғимизнинг ўзи қай аҳволда экан, бир оз таҳлил қилиб кўрайлик-чи?

* * *

Тузумимизнинг назарий асослари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Бу ҳақда Александр Ципкодан ўтказиб бир нарса айтишим қийин. (Қаранг: «Наука и жизнь» журнаlining 1988 йил 11, 12-сонлари ва 1989 йил 1, 2-сонлари. «Сталинизм манбалари».) Ана шу назариядан келиб чиқадиган бошқа бир назария бор, бу «Социалистик ишлаб чиқаришни бошқариш асослари» дейилади. Суянадиган бўлсак, марксизм-ленинизм ва социализмнинг сиёсий иқтисодидан кейинги навбатда шу фанга суянамиз. Унда машҳур, ленинча бошқариш принциплари баён қилинган.

Принципларни китобларда турлича ёзишади. Қайсиниси биринчи-ю, қай бири иккинчи, учинчи ва ҳоказо ёки уларнинг сони нечта, жавоб қидириб овора бўлманг, топа олмайсиз. Шунинг ўзи бу фаннинг қусури. Ҳамма ёқдан териб-териб олсангиз тўққизтача принцип йиғилиб қолади.

Сиёсий раҳбарларимиз айтишича ва маҳкамаларимиз талаб қилишича, шу принципларга амал қилинса — олам гулистон! Ҳеч қандай ур-сур, сан-ман бўлмайди, қарабсизки тўкин-сочин, фаровон ҳаёт!

Ҳақиқатда ҳам шундай бўларди, агар... бу принципларни амалда жорий қилишнинг иложи бўлса. Гап шундаки, ҳар бир принцип мисоли ўт билан сувдан қурилган.

Принципларнинг бири «Сиёсий ва иқтисодий раҳбарликнинг бирлиги» дейилади. Бундан, ҳар қандай раҳбар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан етук бўлиши лозим, деган маъно чиқади. Яхши гап. Аммо унинг заминидан раҳбар ҳам сиёсий талабни, ҳам иқтисодий талабни ўринлатиши лозим, деган қатъий ва беаёв талаб ҳам яширинган. Мана бу анча мушкул иш, чунки бу икки хил талаб кўпинча бир-бирини инкор қилади, бир-бирига халал беради, раҳбар эса, биттасини бажариб, иккинчисига келганда сал қоқилиб қолса, ҳеч ким кечирмайди. Ҳар қандай раҳбар аввал сиёсий талабни бажаради, имкони қолса, иқтисодга сарфлайди. «Иқтисодиёт сал нари-бери бўлса ҳеч нарса қилмайди, планни бажарсак бас» дейди-да, ишлаб чиқариш технологиясини бузадими, қўшиб ёзадими, билганини қилади. (Сиёсий органлардан келаётган ҳар қандай буйруқ сиёсий талаб деб талқин қилинади.)

Сиёсат биринчи ўриндами ёки иқтисод, деб сўрасангиз ёш бола ҳам «сиёсат!» деб жавоб беради. Сиёсатсиз ҳаёт кечириш мумкин, аммо иқтисодсиз кун кўриб бўлмайди. Шундай экан, нега сиёсат етакчи бўлиши керак? Иқтисодга бўйсунмаган, аксинча унинг устидан ҳокимлик қиладиган сиёсатнинг кимга кераги бор? Жавоб битта: сиёсатчиларга!

Хусусий мулкчиликка асосланган жамиятда, иқтисодга тушов бўлиб қолса, сиёсатнинг йўналишини осонгина ўзгартирадилар. Уларда иқтисод ҳукмрон.

Қайта қуриш даврида зўр берилган принциплардан бири, бу — демократик централизмдир. «Демократия» сўзи халқни, «централизм» сўзи эса, халқни бошқарадиган гуруҳни, яъни марказни билдиради. Назарий жиҳатдан марказнинг ўзбошимчилиги билан халқнинг талаблари доим зиддиятда бўлади. Амалда ҳам марказ катта имкониётларга эга эканлигини ўтмишдаги, шу кунлардаги ҳаёт кўрсатиб турибди. Принципнинг тўғрилиги — халқнинг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда марказдан туриб бошқаришидир. Уни ривожлантириш, ҳаётга жорий қилиш ҳақида кўп гап айтилди. Эришилгани шу бўлдики, қатор юқори лавозимлар қуйидан туриб сайланяпти. Бунинг гоҳо салбий томонлари бор бўлса ҳам, ҳарҳолда демократик централизм томонга кичкина қадам ташланди, дейиш мумкин. Қиёмега етмаган бўлса-да, сайлов тартиблари ислоҳ қилина-япти, амалдорлар эса, турли фирромликлар билан ўз ҳукмларини ўтказаетганликларига қарамай, бу ҳам муайян қадам.

Демократик централизмни тўла-тўқис жорий қилиш ҳақида китобларда баландпарвоз сўзлар кўп айтилган, лекин улар инженерчасига аниқлиқ билан тушунтириб беришмайди. Тўғри, КПСС Уставида уни тушунтириб берадиган бешта банд бор. Шулардан тўрттаси демократик централизм ғоясига монанд, аммо бешинчиси — юқори ташкилотнинг қарорларини қуйи ташкилотлар сўзсиз бажариши ҳақидаги банд, принципнинг кулини кўкка совириб турибди.

Эҳтимол, кимдир, партия сафида темирдек интизом бўлиши керак-да, дейиши мумкин. Балки шундайдир, лекин халқ хўжалиги — армия ва партия эмас, демак, демократик централизмни иқтисодиёт учун бошқача таърифлаш керак. Биз суяниб келатган фан ҳозирча бундай саволларга жавоб бергани йўқ.

«Кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш» принципи бизнинг жамиятда ҳамма вақт муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳеч қачон «хайрият-э, тўғри танладик, жойлаштирдик» ёки «тўғри танлаган эканмиз» дейилмаган. Дарвоқе, ким «танлайди» ва «қўяди»? Ким экан у бениқсон олий зот? Қайси мезонларга қараб танлайди ва қўяди? Ҳар қандай раҳбар, фаришта бўлгандаям, ўзига керакли, ўзини қўллаб-қувватлайдиган кадрларни танлашга интилиши икки карра иккидек аён эмасми?!

Хусусий мулкчиликда бу ақидага зарурат қолмайди, чунки мулкнинг эгаси тайин ва уни ҳеч ким ағдариб ташлаб, ўрнини эгаллаб олмайди. Носуд одам раҳбарликка кўтарилиб қолгудай бўлса, узоққа боролмайди, корхона бир мартагина моддий зарар кўрган заҳоти ўрнини бўшатиб қўяди.

Қолган мезонларни ҳам таҳлил қилиб кўрсак, келиштириб бўлмайдиган зиддиятларга, албатта, йўлиқамиз.

Зиддиятлар бир дунё бўлса, ақидаларнинг сероблиги иккинчи муаммодир. Улар раҳбарнинг оёқ-қўлларини, тилини, ҳатто миясини ҳам тушовлаб ташлаган, натижада раҳбар сиёсий маҳкамалар ва ўзидан юқори раҳбарларнинг иродасини амалга оширадиган темиртанга айланмасдан бошқа иложи йўқ. Начора, давлат мулки шунақа мезонларни тақозо этаркан. Хусусий мулкчиликда мулк эгасининг (эгаларининг) талаблари ҳукм суради. Улар Инсоф, Адолат деган тушунчаларга хилоф бўлмаса, жамият учун шунинг ўзи кифоя эмасми?

* * *

«Фан ишлаб чиқарувчи кучга айланди» деган, алмисоқдан қолган ақидани биз ҳанузгача кўтариб юрибмиз, шундаям амалда исботлай олмаяпмиз.

Фан ютуқларини давлат корхоналарида жорий қилиш анча хатарли иш. Биринчидан, план бажарилмай қолиши мумкин, иккинчидан, технологияни ўзгартириш керак, хомашё масалалари дарров ҳал бўла қолмайди, кейин, ишчиларни янги технология ва техникага ўргатиш бор, уларнинг маошини ҳам қайта кўриб чиқиш керак ва ҳоказо. Мабодо, янгиликни қўллаш муваффақиятсиз бўлиб чиқса борми, ана унда кўрасиз раҳбарнинг бошида таёқ синишини. Буларнинг ҳаммасини бир четга суриб қўйлик-да, теварак бепарқ, бепарво одамлар билан лиқ тўлиб ётганида, ҳар ким қўлига илинганини ташмалаб кетаётган шароитда янгиликни қўллаш раҳбар учун нақадар асабий зўриқиш эканини бир тасаввур қилиб кўринг! Ким ўзини бундайин ўтга уради? Чуқурроқ таҳлил қилсак, яна бошқа сабаблар топилади.

Хусусий мулкчиликда ва фақат фан, ҳатто оддийгина маълумот ҳам ишлаб чиқарувчи кучга айланади ва бунинг учун мулк эгасининг (эгаларининг) истаги ва имкони кифоя, холос. Ҳеч қандай мажлис, кўчирма, қарор, рухсатнома керак эмас, планини бажармадинг, деб биров фирқа билетини тортиб олмайди, нима кўргилик бўлса, ўзи (ўзлари) кўраверади. Капиталистик мамлакатларда фойдали маслаҳатлар берадиган фирмалар, маълумот сотиб кун кўрадиган мутахассислар беҳисоб. Бизда матбуот органлари ҳар куни фиғони фалакка чиқиб, не-не фойдали гапларни баён қилмайдилар! Айтинг-чи, биронта одам ёки тегишли ташкилот улардан фойдаланяптими? Фойдали гапни ўртага ташлаган одам халқ мақолидаги итга ўхшаб ақиллаб қолаверади, қарвон

эса (ношуд карвон, тентак карвон) ўтиб кетаверади. Бизда ҳар бир давлат корхонасининг раҳбари ишлаб чиқаришни самарадор қилишнинг кўпдан-кўп йўллари, сирларини билади, бироқ улардан фойдаланишга келганда, қўли калталик қилиб қолади, чунки унинг ҳуқуқлари чекланган. Чекланадими-да! Нима, корхона унинг отасидан қолган меросиди? Давлатники!

Бу аҳволда фан ютуқларини қўллаб бўларканми?

Совет фани катта кашфиётлар, ихтиролар қилади. Уларни амалга жорий қила олмай юрганимизда капиталистик мамлакатлар аллақачон ўзлаштириб ҳазм қилиб юборган бўлади, кейин Совет корхоналари тиллага, валютага улардан ўз техникаларини сотиб оладилар.

Бизда «фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш» деган тушунча бор. Шунинг ўзи фан ва ишлаб чиқариш тил топиша олмаслигидан дарак беради. Хусусий мулкчиликда фан намояндаси «меҳнат маҳсулимни нима қилсам экан-а?» деб бош қотирмайди, мулк эгалари унинг натижаларини, хулосаларини қўлидан юлқиб олиб ишлаштиради. Олим учун бундан ортиқроқ бахт борми?

Бизда ишлаб чиқаришнинг фанга бепарволиги бошқа бир муаммони — фаннинг ишлаб чиқаришга бепасандлигини юзага келтирган. Бу иллат девпечакдек ҳамма ёққа тарқаб, ўрашиб-чирмашиб кетганки, фаннинг ичига кирган одам ҳайратдан ёқа ушлайди. Фанимизнинг бағри кенглигидан (аслида хусусий мулк йўқлигидан) шу кунги долзарб муаммолар билан шуғулланмай, умуман назария яратиш билан машғул кишилар сон-мингта! Бошқаларни ғийбат қилмай, ўзим шуғулланган илмий иш ҳақида айтишим мумкин. Йигирма йил илгари химоя қилган номзодлик диссертациям, агар халқ хўжалиги йўлга тушиб, ривожланиб кетгудек бўлса, яна эллик йиллардан сўнг керак бўлиб қолади. Мен ўн беш йилдан бери талабаларни зўрлаб ўқитиб келаётган фанлардан бири ҳақида ҳам шу гапларни айтсам бўлади. Ҳозирги кунда кераксиз ишлар (муаммолар дейишга тил бормайди) билан шуғулланиб юрганлар камми? Ишлаб чиқариш корхонаси оғзига олса, ютолмай ўқчиб ташлайдиган «фан»лар йўқми? Ҳаммасига жиддий тус бериб, ўқитиб ётибмиз-ку. Алдаймиз, зўрлаймиз, стипендия, диплом тушунчалари билан кўрқитамиз. Мен, бекорчи, бир тийинга қиммат юмуш билан умр ўтказиб юрибман, деб мардларча тан оладиган замон келмадимикан?

Қачондир ҳаётда қўллаш мумкин бўлган илмий ишлар кўп. Бугун ҳам, эртага ҳам, юз йилдан кейин ҳам ҳеч кимга керак бўлмайдиган, назария деган сўзнинг яқинига йўламайдиган номзодлик, докторлик ишлари-чи? Диссертация химояларида ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, савлат тўкиб, виқор билан ўтирадиган Кенгаш аъзоларининг сохта илмни кўкларга кўтариб мақташларини ниманинг оқибати, деб тушуниш лозим? Хусусий мулкнинг тақиқланганидан эмасми бу ҳам? Сохта илмни «умумхалқ» мулкига жорий қилиб бўладими-йўқми, кимнинг неча пуллик иши бор? Агар диссертация химоясида рўқач қилиш учун справка зарур бўлиб қолса, «умумхалқ» мулкни тўзатиб юборса ҳам ўша сохта илмни жорий қилишга кучи етадиганлар бор. Корхона — директорнинг хусусий мулки эмаски, йўқ, бизга бунақа илм тўғри келмайди, деса.

Балки илмий кенгашлар фаолиятини мустаҳкамлаш лозимдир? (Неча марта «мустаҳкамланади»?) Эҳтимол, олимлар олдига қаттиқ талаблар қўйилса, ҳар қандай қинғирликнинг олди олинса (Неча минг маротаба?) фан мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқар?

Олий таълимни яхшиласак-чи? Болалар тарбиясига боғчаданок катта эътибор бериб, мактабда зўр ўқитиб қўйсак-чи? Бир вақтлар келиб, ҳамма ёппасига ўта маданиятли, илмли бўлиб, шахсий манфаатни бир четга суриб қўйганча умумхалқ ишига жонини фидо қилавермасмикин?

Мумкин. Ҳаммаси мумкин. Аммо мулк «умумхалқ» бўлган шароитда бу ниятларга фақат зўровонлик, зуғум, куч ёки алдов билан эришиш мумкин. (Эришиш ҳам — назарий жиҳатдан қараганда!)

Хусусий мулкда биров-бировни зўрлашга ҳожат қолмайди, яхши яшайман десанг, яхши ишлайсан, ишлаганингда яраша даромад олсан. Ривожланган капиталистик мамлакатларда, айниқса, Японияда ишчиларнинг ўзи маъмуриятни аралаштирмасдан меҳнат унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга интилишлари ибратлидир. Бизда эса, шиор, шиор, шиор: «Меҳнат унумини оширингиз! Янги техникани қўллангиз! Маҳсулот сифатини яхшилангиз!» каби энсақотирмалар. Қулгили ва ачинарли ҳол.

* * *

Мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари билан мулкка эгалик тушунчалари ўртасида қандай алоқа бор? Ешларнинг ҳаммаси илмларни ёппасига пухта эгалласа иқтисодий тангликдан қутула оламизми?

Халқ таълимини ислоҳ қилайлик, педагогларни рағбатлантирайлик, мактаблар, ўқув юртларини ҳамма нарса билан таъминлайлик-да, кўрайлик, нима бўларкин? Шундаям ешларнинг билим олишлари, ҳунар ўрганишлари яхшиланмаса... айб кимда ёки нимада бўлади? Педагоглардами, ешлардами, уларнинг ота-онасию аждодларидами?

Халқ таълими неча марта ислоҳ қилинди, бирини ўзлаштиришга улгурмай янгича ислоҳ қиялпмиз. Аҳвол ёмонлашса ёмонлашаяптики, яхшиланмаяпти. Мактабларда ёшларнинг кўп вақти бесамар ўтиб кетаётганидан юрак-бағринг эзилади. Бунда ҳам Бош Сабабнинг қўли бор. Чунки ҳозирги шароитда давлат корхонасида ишлаш учун кўпам билим керак эмас. Битта технологияни ўрганиб олсанг ёки қандайдир хужжатларни тўлдиришни билсанг, одамлар билан муомалани қойиллатсанг, бас. Илмий ғояларинг бор бўлса — ортиқча, миянгнинг қайсидир бир қатида ётаверсин, барибир жорий қилолмайсан!

Ишлаб чиқариш билан фан ажралиб қолган шароитда ҳамма фанларни ўқийверишга ҳожат йўқ. Битта-иккита энг керакли фандан унча-мунча хабардор бўлиб қўйилса бас, у ёғига топқирлик, тадбиркорлик ёрдам беради, муваффақият билан ишлаб кетиш мумкин. Ҳаётини илмга бағишлаган ёшларнинг йўли бошқа, улар кўпроқ фанларни ўқиши керак.

Хусусий мулк эгаси фандан бир баҳя узоқлашса, бозори касод бўлади, синади. Шунинг учун унинг ўзи илмнинг кетидан қувиб юради.

* * *

Қайта қуриш муносабати билан капиталистик ишлаб чиқариш тажрибаларини кўплаб ўзлаштиряпмиз. Иқтисодий синиш, ким ошди савдоси, акционерлик жамиятлари, ширкатчилик, хусусий меҳнат фаолияти, хусусий мулк шулар жумласидандир. Капиталистик мамлакатларга тақлид қилиб халқ хўжалиги таркибида йирик-йирик фирмалар, концернлар, корпорациялар (бу тушунчалардан яқин-яқинларда хазар қилардик) бунёд қилинапти. Энди биз ҳам тадбиркор, ишбилармон кадрларни, даромад ва фойда олиш усталарини тарбиялаш ҳақида бош қотираяпмиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги иш услублари ҳақида кўплаб китоблар, мақолалар чоп этилаяпти, махсус ўқув даргоҳлари ташкил этилмоқда. Масалан, Иттифоқнинг катта шаҳарларида менежерлар (иш ташкил қилувчилар) мактаблари очилаяпти, чет элларда ўқиб келиш учун кадрлар юборилаяпти.

Энди, бир фараз қилиб кўрайлик. Корхоналаримизни турли-туман қиёфага кири-тиб, номини капиталистчасига ўзгартиргангиз билан маҳсулот ишлаб чиқаришда бирор яхшилик бўлармикин? Йўқ. Одамларимиз тадбиркор, ишбилармон, даромад олишда устаси фаранг бўлиб кетсалар, чет эллардан капиталистларнинг бутун сирасорини билиб қайтсалар-да, энг шимариб ишга тушсалар, амалда бир янгилик ярата оладиларми, билимни сарфлай оладиларми? Менимча, улар ички зўриқишдан инфарктга йўлиқишлари эҳтимолга яқинроқ. Чунки бизда мулк давлат қўлида-ку, ким у менежерларга ҳаммаёқнинг жиловини тутқазиб қўяди? Ҳеч ким! Ундан ташқари билимни, иқтидорни сарфлаш учун ҳам муҳит керак, муҳит эса, бизда йўқ.

Бир нарсага умид қилса бўлади: агар ишбилармонлар кўпаяверса, улар муҳитни секин-аста ўзгартиришлари мумкин.

* * *

Узоқ йиллар мобайнида бизнинг энг катта афзаллигимиз — планли пропорционал ривожланиш, деб келдик, мамлакат хўжалигининг ягона режасини ишлаб чиқаришни билмайдиган, ўйламайдиган капиталистлар ахир бир кун инқирозга юз тутуди, деб масхараладик. Натижа — шу кунлардаги моддий ва сиёсий аҳволимиз. Биз, яқин-яқинларда энг қолақ, деб ҳисоблаган, «Бечоралар-эй, қандоқ кун кўраётганикин?» деб ачиниш билан қараб келган мамлакатлар энди бизга нима керак бўлса, етказиб беришга тайёрмиз, дейишяпти. Энди билсак, план тушунчаси билан ўзимизни ўзимиз тушовлаб келаётган эканмиз. Планнинг ўзи тушов эмас, у зарур нарса, капиталист ҳам усиз ишлолмайди. Давлат мулки шароитидаги план ва унга муносабат мана булар тушов.

Аввало, режаларимиз мукамал тузилмайди, тасдиқлангандан сўнг қонуний тус олади, яъни уни бажармаган корхона ё масъум ходим қонунни бузган ҳисобланади. План тасдиқлангандан буён, уни бажариш вақти етгунча шароит ўзгариб қолгани (табиий шароитлар, янги материаллар, технологиялар топилиши, маҳсулотнинг маънавий эскириши ва шу кабилар) билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Режалаштирилганми, бажарилиши шарт, тамом вассалом!

Бу шароитда корхона раҳбари шунчалик тушовлаб қўйиладики, у бирор янгиликни қўллайман, деб асосий вазифасидан четлагиси келмайди. Тўғрими, нотўғрими, керакми, кераксизми ўйлаб ўтирмасдан бажараверади! Йўқса, лавозимдан ажраласан, нотўғри танланган кадр бўлиб қолсан!

Халқ хўжалигининг узоқ муддатга мўлжалланган йирик режалари одатда фаннинг тавсияларига асосланиб, партия ва ҳукумат кўрсатмаларига биноан тузилади. Беш йиллик ва йиллик планлар эса, қуйидан юқорига томон узатилади, юқорида тасдиқлангандан сўнг қуйига туширилади ва бажариш учун дастуриламал (Қонун!) бўлиб хизмат қилади.

Бу жуда мураккаб жараён, камида ярим йил вақтни олади. Давлат план комитети бош ҳакамлик вазифасини ўтайди. Бизнинг фанимиз планлаштиришнинг бундан яхшироқ тартиботини топгани йўқ ҳали. Бу тартибнинг камчилиги беҳисоб: қуйи ташкилотлар план лойиҳасини илмий асосда ҳисобламайди, юқорига ўз вақтида юбормайди, камроқ мажбурият олиб, кўпроқ маблағ сўрайди, имкониятларини яширади. Нима қилади, катта план билан бошини қотириб, балога қолиб? Уни бажаришни айтинг! Давлат («умумхалқ») мулки бўлса! Ҳа, энди кичикроқ планни тасдиқлашиб олиб, дўппини яримта қилиб юрганга нима етсин!

Юқорига узатилаётган лойиҳалар Давлат план комитетига тушгунча анча ўзгариб қолади. У ерда ҳамма ёқдан тушган планлар бир-бирига ибтидоий усуллар билан узоқлаштирилиб, халқ ҳўжалигининг ягона плани тузилади ва Олий Кенгашга узатилади, доимий комиссиялар кўригидан ўтади, ниҳоят, тасдиқланади. Бу жараён ҳам мураккаб, лекин содда усуллар қўлланилади, озгина тиришқоқлик қилган депутат ёки маслаҳатчи олим ўз ҳўжжатини ўтказиши ёки аксинча, озгина бепарволик билан (кўпинча шундай бўлади!) жамиятга катта зарар етазилиши мумкин. Хуллас, мукамал «умумхалқ» планини ҳозирги иш усулларимиз ва дунёқарашимиз билан тузиб бўлмайди.

* * *

Маъмурий расмиятчи маҳкамани қисқартирсак ва секин-аста йўқотиб юборсак инқироздан чиқиб олмасмикинмиз?

Шундай қилинаёпти ҳам. Бир қанча министрликлар, бошқармалар бекор қилиниб, иккитаси, учтаси қўшиб юборилди, бир йил ўтмасдан яна ўз ҳўлига қайтарилди ва бу жараён ҳали тўхтагани йўқ. Халқ ҳўжалиги, жамият бу ишлардан нима фойда кўрди? Идоралар бекор қилиниб, қўшилзўтган пайтдаги (тўсатдан эмас-ку!) ва бирилашиб олгандан кейинги карахтлигу довлдирашдан бошқа бунинг «фойда»си бўлганмикин? Бир лавозимдан олиб, иккинчи лавозимга ўтказиб қўйишлар-чи? Лавозим етмай қолганида янги-янги идораларни бунёд қилишлар-чи?

Расмиятпарастлик фақат бизда эмас, капиталистик мамлакатларда ҳам бор, фақат давлат корхоналари ва идораларида! Бизда эса ҳаммаси давлатники. Нега ҳаммаёқни бюрократлар босиб кетган, деб ҳайрон қолмасак ҳам бўларкан. Демак, расмиятпарастликни йўқотиш — мулкни давлат қўлидан тортиб олиб, халққа улашиб бериш, деган мазмун касб этаркан.

Биз ҳар куни ишимиз тушиб юрган раҳбарларни икки тоифага ажратамиз. Интизомни қаттиқ сақлаганларни расмиятчи деймиз, уни бузиб, иш битириб кетадиганларни, агар ўзимизнинг фойдамызга бўлса, чаққон, ишбилармон, уddaбурон, зараримизга бўлса — шайтон, қаллоб, ўғри деймиз. Бизга иссиқ ҳам ёқмайди, совуқ ҳам. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

* * *

Нима учун бизнинг мамлакатда (эҳтимол, тузумда) шахсга сиғиниш даврлари бўлди? Репрессия шахсга сиғинишнинг узвий, ривожланган давоми эмасмикин?

Шахсга сиғинишни ҳар қанча қоралаганимиз билан бари бир ундан қутула олмаёптимиз. У катта-кичик доираларда ҳўкм сураёпти. Бу ерда ҳам яна ўша Бош Сабаб манаман деб турибди. Мулк ягона, давлатники бўлгандан кейин унга вақтинчалик бўлса ҳам эгалик (раҳбарликни) қўлга киритиш мақсадида ёки қўлимдан биров тортиб олмасин, деган ўйда хушомад қилиш, шахсга сиғиниш табиий бир ҳўл!

Нима учун бизда кўп партиялилик сиёсатини жорий этиш тез ҳўл бўлмаёпти? Яна ўша Сабаб — мулк давлат қўлида, бошқа мулк деярли йўқ, демак, партия ҳам ягона.

Хусусий мулкни ривожлантирмай туриб янги сиёсий партия очиш кўпам иқтисодий самара бермайди, лекин мулкни давлат қўлидан тортиб олишни тезлаштириши муқаррар. Асримиз бошларида айтилган «Ҳокимият Советларга!» шиори шу кунларда яна баралла янграёпти.

* * *

Давлатимизга ҳам қийин. Салкам уч юз миллион фуқаросини яхши боқаман, дея ўзини ўтга-сувга уради. Ҳали планлаштириш, ҳали ишни ташкил этиш, назорат, неъматларни ҳаммага «баробар» тақсимлаш... касб ўргат, тарбияла, жазола, уй-жой қуриб бер, соғлиғига қара... Эҳ-ҳе! Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон лозим бўлса, миллион-миллион одамга нимадан қанча кераклигининг ҳисобини олишни айтинг! Уларнинг фаолиятини бир-бирига мослаш-чи? Ҳатто яратганнинг ўзи ҳам «Борларинг-э, билганингни қил!» дея қўл силтаб кетган шекилли? Фуқароларини ҳар қандай ташвишлардан озод қилиб қўядиган давлатга тасаннолар бўлсин!

Ҳозирги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий инқирозни ўйласанг хаёлингни беихтиёр

Ҳамид Олимжон 1931 йилда Педакадемияни тугатиб Тошкентга кетгач, «Ёш ленинчи» газетасига масъул котиблик вазифасига ишга кирганини эшитдик.

Уша йили, ёз кунларининг бирида Тошкентга борган эдим, дастлаб Ҳамид Олимжон билан кўришишни истадим. Шоир уй йўқлигидан Дзержинский кўчасидаги меҳмонхонада яшар экан. Ишдан келишлари билан кучоқлашиб кўришдик. У Самарқанддаги ўртоқларини сўради, адабиёт ҳақида, Маяковскийнинг «Ҳайқириқ» асари тўғрисида қизиқ гапларни айтиб берди. Шу вақтда меҳмонхонага Ҳамиджоннинг қалин дўсти Маҳмуд Султонов келиб қолди, у Тошкент шаҳар партия ташкилотига ишга ўтган экан. Ҳамиджонни кўришга келибди. Унинг илтимоси билан Ҳамиджон «Ўлка сафарбар» шеърини ўқиб берди. Ҳар иккимиз беихтиёр «Офарин сизга» деб юборганимизни билмай қолдик.

Ҳамид Олимжон учун 1931 йил жуда қувончли келди. «Олов сочлар» номли шеърлар тўплами нашр этилди. У энди илмий иш билан ҳам шуғулланиш учун 1932 йили Ўзбекистон ССР Маданий қурилиш илмий-текшириш институтига катта илмий ходим бўлиб ишга кирди. Бу ерда профессорлардан Фитрат, Поливанов, Ғози Олим, доцентлардан Олим Шарафиддинов, Қайюм Рамазон, Ҳоди Зариф, Буюк Каримий, Собиржон Иброҳимовлар ишлашарди.

Мен 1932 йили Педакадемияни тамом қилиб, Тошкентга келдим ва Ўзбекистон Давлат Илмий шўросида Тил ва адабиёт бўлимига ишга кирдим. Бизнинг бошлиғимиз Олим Шарафиддинов эди, у билан ҳамкорликда тил ва адабиётдан янги қўлланма ва дарсликлар туздик. Аввалги дарсликларда Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Фулом, Уйғун, Ғайратий, Элбекнинг асарлари йўқ эди. Биз уларнинг асарларини программа ва дарсликларга киргиздик. Учинчи синфлар учун тузилган «Адабиёт хрестоматиясига Ҳамид Олимжоннинг «Баҳор», «Ўзбекистон», IV синф учун тузилган «Адабиёт хрестоматиясига «Қизил Москва», «Доҳийнинг мотами» каби шеърлари киритилди.

1932 йил 25 июнда Ҳамид Олимжонга ўзбек адабиёти бўйича илмий-назарий асарлар ёзгани учун доцент унвони берилди. Эртаси Олим Шарафиддинов билан бирга Ҳамид Олимжоннинг Обсерваторская кўчасидаги уйига бориб уни табриқладик.

1933 йилда мен Қизил Армия сафига чақирилдим.

Бизнинг институтимиз 1934 йилнинг биринчи январида тил-адабиёт институтига айланди, у Фанлар Комитетига қарар эди. Мен Қизил Армиядан 1934 йилда қайтганимдан кейин шу институтига аспирантурага кирдим. Менинг раҳбарим Ойбек эди. Иззат Султон Фитрат раҳбарлигида, Юсуф Султон Ҳамид Олимжон раҳбарлигида тадқиқот олиб борарди.

Замонанинг долзарб масалаларига бағишланган Ҳамид Олимжоннинг илмий, бадий асарлари адабиётимиз тарихида муайян ўрин тутди.

Ҳамид Олимжоннинг томирига ҳам машъум, ур-йиқит йили аталмиш 1937 йилда болта урдилар. Минг-минглаб гуноҳсиз кишиларнинг ёстиғини қуритган Сталиннинг қонли диктатураси ўз заҳарли панжасини Ҳамид Олимжонга ҳам чўзган эди. Уни «миллатчи», «аксил-инқилобчи», «Қизил қалам» жамиятининг аъзоси, «халқ душмани» Нормат Исроиловнинг куёви сифатида айблашди ва яна бир қанча бўхтон-туҳматлар билан 1937 йили 2 ноябрда Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзидан ҳайдашди. Ҳамид Олимжоннинг:

**Япроқлар
сарик эмас.
Япроқлар
Ерик.
Япроқлар
ориқ эмас,
Япроқлар
Тетик,—**

деган сатрларидан ҳам айб топилди. Гўё шоир япроқлар деб «миллатчи, босмачиларни айтмоқчи, ҳали улар ўлмаган, тирик, тетик, яна Советларга қарши курашади, ана шунга ишора қилади», деб айблашди. Машҳур «Ўрик гуллаганда» шеъридаги:

**Мана сенга олам-олам гул
Этагинга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол,—**

деган сатрлардан ҳам «яширин» маъно топишди. Гўё бу шеър «Шоирнинг дўстлари бўлмиш миллатчи — халқ душманларига қарата ёзилган» эмиш. «Сизлар ҳеч қаерга кетманглар, то ўлгунча Советларга қарши курашинглар» деб даъват қилган, «бу шеърда қора ўйлар кўп» деб айблашди. Орадан кўп ўтмай Ёзувчилар союзидан ҳайдалган Ҳамид Олимжонни комсомол сафидан ҳам ўчиришди. Буниси етмагандай, Тил ва адабиёт институти маъмурияти уни катта илмий ходим вазифасидан ҳам бўшатди. Ҳамид Олимжоннинг оғир кунлари бошланди, ўртоқлари ундан юз ўгиришди. Шоирнинг уйига бориб ҳол-аҳвол сўраш нари турсин, у билан учрашмасликка, ҳатто, ногоҳон дуч келиб қолса қўл бермай, тескари қараб ўтишарди. Унинг шеърлари на газета, на журнал ва на бирор нашриёт тўпламида чоп этиларди! Ҳаммаси «союздан ҳайдалган, миллатчи-шоирга ўрин йўқ»,— дейишарди.

Ҳамид Олимжоннинг оиласи катта эди: онаси Комила хола, сингиллари — Роҳат, Сабоҳат, Муҳаббат, укаси Сарвар, бир ёшга тўлмаган қизи Хулқар — бари саккиз жон. Уларни боқиш осонми? Жамғарилган пул йўқ, янги рўзғорда ошиқча нарса йўқ. Зарур нарсаларни: кийим-кечак, келиннинг тақинчоқларини сотишдан бошқа на чора бор? Саккиз киши икки кичик хонада турарди. Уларда на янги гилам, на бир уй жиҳози бор. Темир сим каравоту эски шифонер. Полда қўлда тўқилган эски палос, вассалом.

Мен устознинг уйига тез-тез бориб ҳол-аҳволини сўраб турардим, кечираётган кунини билар-

дим. Аспиратури тамом қилганимдан кейин 1937 йил 10 майда Ўқувпеднашрга муҳаррир-ташкilotчи вазифасида ишлай бошладим. Ушбу нашриётда ўзбек, рус, қорақалпоқ, уйғур, маҳаллий яхудий тилларида дарслик ва қўлланмалар чиқар эди. Уттиз еттинчи йилнинг ўрталарида уйғур редакцисида ишловчи ходимларнинг деярли ҳаммасини Хитой империясининг жосуси деб қамашди, маҳаллий яхудий редакциясида икки-уч киши қолди. Ўзбек тили ва адабиёти редакциясида ҳам бир қанча муҳаррирларни миллатчиликда айблаб қамашди. Уч-тўрт ой ичида бошлиқ бир неча бор ўзгарди. Бирин-кетин Холмуҳамедов, Аминов каби директорларни иш жойидан қамоққа олиб кетишди. Баъзилар қўрққанидан бошқа юртларга қочиб кетишди. Нашриёт бошлиқ-сиз қолгандан кейин Рауф Ҳабибий деган коммунист татар йигитини директор қилиб тайинлашди. Қизиғи шу ердаки, орадан кўп ўтмай Партия нашриётининг иккинчи директори қамалгач, у ерга Р. Ҳабибийни раҳбар қилиб ўтказишди. Ўқувпеднашр яна бошлиқсиз қолди. Директорликка фирқа аъзоси топилмади. Шунда мени Ҳабибий Марказкомнинг Матбуот бўлими бошлиғи Абдурахмон Валидов ҳузурига олиб борди. Бу вақтда эндигина йигирма олтига қадам ташлагандим. Ҳали нашриёт ишида тажрибам йўқ, ўқишдан бошқа ҳеч нарсани билмаганман. Марказком биносига ҳам биринчи марта қадам қўйишим.

— Уртоқ, Шарипов, сиз партия аъзосимсиз?— деб сўради Валидов.

— Йўқ,— деб секин жавоб бердим.

— Кандидатмисиз?

— Кандидат ҳам эмасман.

Валидов ўйланиб қолди, нима қилишини билмади, шекилли, Ҳабибийга қаради:

— Нашриёт директори партия аъзоси бўлиши керак,— деди у қатъий.

— Партия аъзоси бўлган, шу ишга иқтидорли кишини топмадик. Ўзингиз ҳам топмадингиз,— деб Ҳабибий унга жавоб берди, бироз сукутдан сўнг:— Жуманиёз йигирма бешинчи йилдан бери комсомол аъзоси, ўзи адабиётдан дарсликлар ёзган, яқинда аспирантура битказди. Директорликка арзийдиган шахс. Бунга ёрдам берсак эплаб кетади,— деди.

— Нашриёт директори Марказкомнинг номенклатураси-ку, секретарларга нима деб айтамиз?

— Усувчи ёшлардан кўтаряпмиз деймиз.

Валидов кимгадир телефон қилиб гаплашди, сўнгра бизга қараб «маъқуллади», деди.

— Жон акалар, мени директорликка ўтказманглар, ҳеч нарсани билмайман, ташкilotчилик ишига ўқувим йўқ, ҳали ёшман,— деб туриб олдим.

— Сиз комсомолсиз, партиянинг топшириғини бажаришингиз шарт! Комсомол Марказкомга айтаман, рад қилсангиз комсомол билетидан ажраласиз,— деди Валидов қатъий қилиб. Мен ўйлаб қолдим, шу пайт у менинг ҳақимда Анненковга телефон қилди.

Эртаси куни Ўзбекистон ССР Комиссарлар Шўроси қошидаги Матбуот, Полиграфия бошқармаси раиси Анненков мени ўз олдига чақириб, 1937 йил 5 декабрдан эътиборан Ўқувпеднашрга директор қилиб тайинлаш ҳақидаги буйруқни қўлимга тутқазди.

Нашриётда қанча одам қамалган, қанчаси бўшаб кетган, қанча ўрин бўш! Бунинг устига янги дарсликларнинг кўпчилик муаллифлари НКВД ертўласида... Қандай иш бошлашимни билмай бошим гаранг эди.

Бизнинг нашриётнинг иш ҳажми бошқа нашриётларга қараганда икки-уч марта катта эди. Ун миллион нусхадан кўпроқ дарслик, қўлланма, программалар нашр этиларди. Энди кўпгина дарсликларни янгидан ёзиш, бу ишга янги ёш муаллифларни жалб этиш керак эди. Мен муаллифлар коллективининг рўйхатини тузиб, маориф нозирлигига олиб бордим. Янги муаллифлар билан ишлашини ўзи бўлмас эди. Нашриётдан кетиб қолган, қамалган муҳаррирларнинг ўрнини тўлдириш, қобилияти одамларни олиш ундан ҳам қийин кечди. Маълумки, ҳар кимни ҳам нашриётга олиш мумкин эмас, таҳрир, таржимага уста бўлиши керак. Қўлидан иш келадиганларнинг кўплари ишга киролмай доғда юришибди.

Мавруди келиб қолди. Уттизинчи йилларнинг қора кунларини сослам, юрагим суст бўлиб орқага қараб кетади. Замона зайли билан ўша йилларнинг изғирин, эвоқш шомоллари мендай ёш йигитни ўз гирдобига торган эди. «Ёшлик — бебошлик» деганларидай хатога йўл қўйдим. Мен устозим Олим Шарафиддинов билан ҳамкорликда Абдулла Қодирий, Чўлпон ҳақида газеталарга мақолалар ёздик. Ушбу мақолаларнинг ўта хатолигини ўша вақтлардаёқ ёш қалбим сезди шекилли, умуман танқидий мақолалар ёзмай қўйдим. Кейинчалик ўзимни ҳам 1937 йилда «Қодирий, Чўлпон, Элбек, Усмон Носирнинг миллатчилик руҳидаги асарларини Жуманиёз Шарипов ўз хрестоматия-дарсликларига чоп қилган, уларнинг ҳомийсига айланган», деб тоза дўппослашди. Ўз хатомни амалий иш билан оқлашга тиришдим. Шунга айтиш керакки, бундан ўттиз икки йил илгари ҳали бирорта тадқиқотчи, адабиётчи, таржимашунос олим Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Элбекнинг номларини тилга олиши қийин бўлган пайтларда уларнинг ажойиб бадий таржималарини таҳлил қилиб, адабиётимизга, маданиятимизга қўшган улкан ҳиссаларини кўрсатиб, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдаги ўринларини аниқ мисоллар орқали исботлаб монографияларимда махсус боблар ажратдим. А. Қодирийнинг ўлмас, классик таржимаси «Уйланиш»нинг танқидий матнини босиб чиқардим. Бу жуда оғир иш эди.

Шундай қилиб, 1937 йилда Ўзбекистон ССР ўқув-педагогика нашриётида директор бўлган пайтимда миллатчи деб аталган кишиларни бирин-кетин ишга олавердим. Бўш қолган ўринларни тўлдириш учун ҳаракат қила бошладик. Ойбек, Миртемир, Холида Сулаймонова, Ф. Эрғозиев, Ўразаев, Бойжонов каби ишдан қувилган, «ишончсизлик» баён этилган бир қанча ўртоқларни ишга олдик. Баъзилар «Улар миллатчилар, халқ душманларининг ҳомийлари-ку, нега ишга олдингиз?» деб қаршилик қилсалар-да, асло қўрқмасдан «назорат қилиб тураман» деб ишга ола бердик. Шулардан яна бири дўстим, устозим Ҳамид Олимжон бўлди.

Нашриётга директор бўлиб ўтганимга ҳали ой тўлмаганди. Мен ишдан кейин Ҳамиджондан хабар олай деб уйига борсам у жуда хафа бўлиб хомуш, маҳзун ўтирибди.

— Ҳамиджон, бир гап бўлдими, соғ-саломатмисизлар?— деб сўрадим ташвишга тушиб.

— Баримиз соғ-саломат. Баъзи бир қўрқоқлардан хафаман. Янги ёзган шеъримни газетага олиб борган эдим, босишмади. Бадий Адабиёт нашриётига янги шеърлар тўпламинини олиб

борсам, «Езувчилар союзидан ўчирилган кишининг асари қабул қилинмайди», дейишди.

— Мени Уқувпеднашрга директор қилишди, бизга ишга кириш, бу аҳволда юрсангиз...

— Ҳа, қамаб қўйишди, ишламасангиз эл назаридан қолибди, дея НКВДдагилар олиб кетишди, шундай демоқчимисиз?

— Йўқ, мен ундай демоқчимасман. Моддий жиҳатдан қийналиб қолдингиз. Ахир саккиз жон, унинг устига чақалоққа сут, онасига яхши овқат керак...

— Гапингиз тўғри. Бир-икки идорага борган эдим, буни биласиз, «Миллатчилар ҳомийси» деб ишга олишмади.

— Чораси бор, нашриётимизнинг тил ва адабиёт бўлимига мудир бўлиб ўтасиз,— дедим.

— Сиз кўрқмайсизми?

— Кўрқсам ишга таклиф қилармидим.

— Ҳа, эшитдим, анча «ёт унсурлар»ни ишга олибсиз. Қачон бораё?

— Эртагаёқ боринг,— деб қўлини маҳкам қисиб, хайрлашиб чиқиб кетдим.

1938 йилнинг январь ойидан бошлаб Уқув-педагогика давлат нашриётининг Тил ва адабиёт бўлими мудирини вазифасига тайинланган Ҳамид Олимжон завқ-шавқ билан ишга шўнғиб кетди. Ташкилотчилик қобилиятини ана шу ерда кўрсата бошлади. У бўлимнинг режасини қайта тузиб, ойлик топшириқни ошиғи билан, сифатли бажарди. Эндигина дарслик ёзишга киришган ёш муаллимларга йўл-йўриқлар бериб турди. Узи кўпгина дарсликларга муҳаррирлик қилди.

Қисқа муддат ичидан нашриёт атрофида етук ходимлар тўпланди. Мана улардан баъзилари: Ойбек, Теша Зоҳидов, Адҳам Юнусов, Ёлқин Тўрақуловлар (кейинчалик академик бўлишди), Олим Шарафидинов, Ҳамид Олимжон, Иззат Султон, Ҳусни Рустамов, Абдулла Султоновлар (кейинчалик академиянинг муҳбир-аъзоси бўлишди). Буларга ўхшаш талантли ходимлар кейинчалик профессор, фан доктори бўлганлари жуда кўп эди.

Ҳамид Олимжон нашриётимизда ўзига хос ғайрат, шижоат билан эртаю кеч тинмай тил-адабиётга оид программа, қўлланма, дарсликлар чиқариш билан бирга, янги асарлар яратиш, бадиий таржималар қилиш ишини баб-баравар олиб борди.

Ҳамид Олимжон нашриётимизда ишлаётган пайтда «Ойгул ва Бахтиёр» достонини ёзиб тугатиб нашрга тайёрлаганини хурсанд бўлиб айтган эди. Бир куни у ҳузуримга нимагадир ранжиган ҳолда келиб қолди.

— Нега хафа кўринасиз, Ҳамиджон?— дедим мен. (Уни кўпинча ўзимга яқин билиб, ҳурматлаб «Ҳамиджон» деб мурожаат қилар эдим.)

— «Ойгул ва Бахтиёр»ни Бадиий давлат нашриётига олиб борган эдим, у ердагилар: «Езувчилар союзидан хат олиб келинг» дейишди. У ерга борсамми, бормасамми деб андиша қилдим, охири таваккал деб бордим. Тавсиянома ёзиб бериш нари турсин раис қабул қилмади ҳам, хафа бўлиб чиқиб кетдим.

— Қўлёмангиз қани?

— Асар ёзганимга ҳам пушаймонман. У энди керак эмас, йиртиб ташламоқчиман,— деди жаҳл аралаш.

— Жаҳл келганда ақл қочади, деган нақл бор. Менга олиб келинг, ўқиб чиқай-чи, кейин маслаҳатлашамиз.

Эртаси «Ойгул ва Бахтиёр» достонини олиб келиб берди. У халқ достонлари услубида ёзилган экан, мени ўзига асир этди. Мазза қилиб ўқидим. Шу асарнинг тақдири тўғрисида кечаси билан ўйлаб чиқдим. Бадиий адабиёт нашриётининг раҳбари билан гаплашай десам фойдасиз. Ҳамид Олимжонни Езувчилар союзидан ҳайдалганини рўқач қилиши турган гап. Уйлаб-ўйлаб охири бир қорорга келдим: «Уқувпеднашрда «Мактаб кутубхонаси» сериясини ташкил қиламиз. Ана шу серияда биринчи бўлиб «Ойгул ва Бахтиёр» достонини чиқарамиз!» Эртасига нашриётдаги ўртоқларга ўз фикримни айтдим.

— Уқувпеднашр бадиий асарларни чиқармайди,— деди бош муҳаррир ва сўнг:— ҳаққимиз йўқ,— деб фикрини дадил айтди.

— План тасдиқ бўлган. Маориф комиссарлиги, Марказкомдан рухсат олиш керак, бадиий адабиёт нашриёти бор-ку, ўшанга борсин,— деди ўринбосарим.— Бошингизга ғалвани сотиб оласизми, алғов-далғов кунлариде тинч яшайлик, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемирни ишга олиб Марказкомдан қанча гап эшитдингиз,— деб қўшиб қўйди у.

Уларнинг гапида жон бор эди. Бир куни мени Марказкомга, Абдушукуров ҳузурига чақириб қолди.

«Нашриётни ёт унсурлар билан тўлдирибсиз-ку. Марказком сизга ишониб нашриётни топширса, сиз эса уни миллатчилар маконига айлантирибсиз. Мана органларнинг маълумоти», деб ишга олган одамларимнинг фамилиясини ўқиб берди. «Улар миллатчилар эмас, жуда ҳам яхши ишлашяпти, қолаверса назорат қилиняпти,— деб жавоб бердим. Бу гапим унга ёқмади.

«Сизни партиядан ўчирамиз», деди қаттиқ қичқириб. «Мен партия аъзоси эмасман». «А? Ким сизни у ерга юборди?» «Ўртоқ Валидов». «Валидов ишдан кетган, барибир сизни жавобгарликка тортамиз...» «Ихтиёрингиз»,— деб чиқиб кетдим. Бу гапни нашриётдагилар билар эди. Лекин кўп ўтмай Абдушукуров ҳам Марказкомдан кетди.

Дарҳақиқат, нашриётнинг йўналишига алоқаси бўлмаган асарни чиқариш табиийки, редакция ходимларни ўйлантириб қўйган эди. Мен уларга ётиғи билан тушунтирдим. «Ҳамид Олимжон бадиий нашриётга, Езувчилар уюшмасига борган, натижа чиқмаган, ёзувчимизга ёрдам беришимиз керак», десам ҳам кўнмади. Улар: «Оқибати ёмон бўлади, жавобгарлиги бор, бизни бунга аралаштирманг. Билиб қўйинг, Узлит бор», дейишди.

Бу гапларни Ҳамиджонга айтмадим, хафа бўлиши мумкин эди.

«Мактаб кутубхонаси» серияси, унда «Ойгул ва Бахтиёр»ни чоп қилиш масаласи миямни чулғаб олганди.

— Ҳамиджон, асарингизни мактаб кутубхонаси сериясидан чиқарамиз,— дедим уни кабинетга чақириб. Бирдан шоирнинг ранги ёришиб кетди, лекин ўйланиб қолди.

— Ҳазиллашяпсизми? Ахир бундай серия йўқ-ку.

— Тўғри, ҳозирча йўқ. Ташкил қиламиз. «Ойгул ва Бахтиёр» шу серияда биринчи бўлиб чиқади.

— Гап-сўз тагида қолиб кетасиз, яқиндагина...

— Бу ёғини бизга кўясиз. Мухаррир топиш керак.

— Узингиз бўласиз. «Кавказ асири», «Сув париси» таржималаримнинг ҳам муҳаррири бўлгансиз-ку.

— Майли, бу ёғи бир гап бўлар, Мен Рассом Рейх билан гаплашаман. Яхши суратлар чизсин, китобни чиройли безасин.

Ҳамид Олимжон олдимдан хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Қўлэзма нашрга тайёр бўлгач: яна бир маротаба ўкиб қикдим. Рассом Рейх чизган суратлар муаллифга ёққан эди.

Қўлэзма унвонига: «Босиш мумкин, редактор Ж. Шарипов» деб қўл кўйдим. Узлитга шахсан ўзим бордим. У ерда Тоҳиров деган цензор ишлар эди. У аввал биз тузган «Адабиёт» дарслигининг муҳаррири бўлган. Бор гапни тушунтириб бердим.

— Қийин муаммони олдимга қўйдингиз,— деди.

— Ҳозир ҳамма нарса муаммо бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ўзим олдингизга келдим.

Қўлэзманинг икки нухасини бериб кетар эканман: «Уқисангиз маъза қиласиз» дедим.

Тоҳиров эртаси куни менга телефон қилди:

— Уртоқ Шарипов, бунинг жавобгарлиги борга ўхшайди, муаллифи...

— Муаллифини қўйиб туринг, асарда сиёсий хато йўқ-ку. Ахир мен муҳаррирман. Барча жавобгарлик менинг бўйнимда! Қолаверса, сиз адабати ҳозир яхши тушунасиз-ку,— дедим хуноб бўлиб.

Цензор билан қанча вақт гаплашганим эсимда йўқ. Анча тортишдик. Бу асарни чиқаришдан кўра чиқармаслик тарафдори шекилли, галга солди. «Раҳбарлар билан гаплашаман» деди. Мен ҳам бўш келмадим.

Ҳар эҳтиmolга қарши расмий қоғоз олиб келганим. «Қўл қўйиб бермагунингизча олдингиздан чиқиб кетмайман. Ахир унда бирорта махфий нарса, сиёсий хато йўқ», деб туриб олдим. Ҳар товур тушунтирганимдан кейинми ёки жонига текканимдан кейинми, қўл қўйиб берди. Узоқ бир нафас олдим. «Раҳмат» деб қўлэзмани олиб кетдим. Босмаҳона тез териб, корректурасини берди, кўп минг тиражда, «Мақтаб кутубхонаси» сериясида босилган, чиройли қилиб безатилган асар «Ойгул ва Бахтиёр» бўлди. У тезда тарқалиб кетди. Бундан кейин Ҳамид Олимжоннинг ҳам бахти очилди. Илҳоми жўш уриб, булоқдай қайнади. Унинг номи матбуотда яна кўрингач, Ҳамиджонга катта йўл очилди. Газета-журналларда янги асарлари бирин-кетин босилиб турди. Уша йиллари «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Горький ҳақида», «Ўзбекистон» каби шеърлари, «Ёзувчининг омонсиз ёви», «Эр Торғин бахт излаган халқ образи», «Ҳасан батрак» (Пўлкан шоирнинг асари ҳақида), «Толстой ва ўзбек адабиёти», «Алишер Навоий ҳақида», «Ўзбек халқининг улўғ шоири Навоий», «Муҳаммад Амин Муқимий» каби ўз даврининг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари ёзилди.

Шуни ҳам қайд қилиш мумкинки, Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» достонини шу наشريётда ишлаб юрган пайтида қиёмига етказди. «Семурғ ёки Паризод» достонини ёза бошлади.

Ойбек домла Уқувпеднашрда ишлаб юрган даврида «Қутлуғ қон» романини ёзиб томоглади. У киши ҳам Ҳамид Олимжондай ўз асарини Ёзувчилар союзида муҳокама қилдирилмас эди. Чунки у «миллатчи» шоир сифатида ёзувчилар союзидан ҳайдалган эди. Биз Ҳамид Олимжон, Миртемир ва бошқа ўртоқлар «Қутлуғ қон» романи муҳокамасини Уқувпеднашрда ўтказадиган бўлдик. «Қизил Ўзбекистон» газетаси ходимларидан Юнус Латиф, Тўхтасин Жалолов ҳам муҳокамада иштирок этди. Нашриётимизнинг ходимлари ва бир қанча ёзувчилар «Қутлуғ қон» романини муҳокамасида қатнашди. Мажлис раиси камина эди. Ҳамма романнинг фазилатларини айтиб, уни нашрга тавсия қилишди. Китобга муҳаррир этиб Ҳамид Олимжон кўрсатилди. Бу ишимиздан Ойбек домла ниҳоятда хурсанд бўлди.

Ойбек, Ҳамид Олимжон билан шундай қалин бўлиб кетдикки, бир-биримизнинг хонадонимизга тез-тез бориб турадиган бўлиб қолдик.

Ҳамид Олимжон уюшмамизга раҳбар бўлган йиллари Ёзувчилар союзининг иш шароити, иморати жуда нобоп эди. У ҳукумат олдида 1-Май кўчасидаги йигирманчи уйни (бу иморатни князь Алексей ўз севгилиси учун қурдирган) Ёзувчилар союзига олиб бериш масаласини қўйди, бу талаб бажарилди. (Бу осон бўлмаган албатта.) Ёзувчиларнинг ижод уйи йўқ эди. Унинг илтимоси билан ҳукумат Дўрмондаги катта боғ ва ундаги чиройли иморатни (У Марказкомнинг иккинчи секретари учун қурилган) ижод хиёбони бўлсин, деб беришди. У ёзувчиларни уй-жой билан таъмин қилишда жонбозлик кўрсатди. Бир куни мени союзга чақириб деди:

— Жуманиёз, эсингдами, Қашқар кўчасидаги уйингда Ўздавнашрнинг директори Абдураззоқ Мавлонов, муовинлар Раҳим Қориев билан меҳмон бўлиб ўтиганимизда: «Фалакнинг гардиши билан ичимиздагилардан ким катта вазифага ўтса ўша ҳаммамизга уй олиб бериши керак», деган эди Абдураззоқ ака. Мана энди у горкомнинг секретари бўлди, амали катта. Юр, олдига борамиз, ваъдасини эслатамиз.

Шу заҳоти мен ҳам рози бўлдим. Мавлоновнинг олдига бордик.

Салом-алиқдан кейин Ҳамиджон сўз бошлади.

— Абдураззоқ ака, янги вазифа билан табриклаймиз. Жуманиёзнинг уйдаги ваъда эсингиздами?

— Бари эсимда. Лекин шаҳарда уй-жой, квартира масаласи жуда чатоқ экан. Хабарларинг бор, квартирам ночор. Горкомдагилар шаҳар советига мурожаат қилишган.

Ижроқўмдагилар: «Ҳозир иложи йўқ: минг-минг одам навбатда турибди, сабр қилсинлар», дейишибди. Индамадим.

— Энди нима қиламиз?— деб икковимиз баравар сўрадик.

— Ҳозир участка беришяпти, участка олиб иморат солинлар. Шаҳар ижрокомига телефон қиламан. Ёзувчилар союзи учун массив ажратиб беради.

У сўзининг устидан қикди. Массив ажратилди.

Ёзувчилар Союзи президиумининг қарори билан иморат қуришни хоҳлаган ҳар бир ёзувчига,

ёши каттами-кичикми, ундан қатъи назар, олти сотихдан участка бўлиб берилди. Ҳукумат банкиси ҳар бир ёзувчига беш минг сўм қарз беришидан ташқари, Литфонд ҳам беш минг сўмдан узоқ муддатга Яшин, Олим Шарафиддинов, Шайхзода, Сафаров, Шокир Сулаймон, Мамарасул Бобоев, Нурмат Мақсудий, Ҳоди Зариф, хуллас олтмишга яқин ёзувчи участкали бўлди. 1939 йилиёқ ёзувчилар массивида қурилиш ишлари қизиб кетди. Ойбек, Миртемир, Шукур Саъдулла, Адҳам Раҳмат ва бошқа ёзувчиларга ҳам ишчилар шаҳарчасидан ер участкалари олиб берилди.

Ҳамид Олимжон Ёзувчилар союзи ва Навоий комитетига раҳбарлик ишларини биргаликда олиб борди.

Шоир бу комитетнинг ишлари билан Москвага тез-тез бориб турар, СССР Ёзувчилар союзи олдида Иттифоқ Навоий комитетини тузиш масаласини қўяр, СССР Фанлар Академиясининг диққатини улуғ шоирга бағишлаб илмий сессия ўтказиш масаласига жалб қиларди. Ўзбекистон Марказкомининг ёрдами билан Алишер Навоийнинг юбилейини ўтказиш ҳақида СССР ҳукуматининг махсус қарори чиқди. Союзимизнинг сардори Пенковский, Липкин, Державин, Рождественский каби Москва ва ленинградлик шоирларни Навоий асарларини рус тилига таржима этишга жалб қилди. Уларни Тошкентга чақириб яхши ижодий шароитлар тўғдирди. Хуллас, у ҳазрат Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашда салмоқли ишларни амалга оширди.

Марказком ва ҳукуматимиз унга ишониб, вазифа устига вазифа юкларди: Муқимий юбилейини ўтказиш комиссияси раисининг муовини, Лермонтов юбилейини ўтказиш комиссияси раиси ўринбосари ва ҳоказо ишларни топширишган эди. Орадан кўп ўтмай мени Марказкомнинг маданият ва санъат секторига мудир қилиб тайинлашди. Ҳамид Олимжон раҳбар бўлган Ёзувчилар союзи, Навоий комитети, турли-туман комитет ва юбилей комиссияларида биргалашиб иш олиб боришга тўғри келди.

1941 йил, 1 июль. Ҳамид Олимжон Марказкомга, маданият секторига телефон қилиб: «Жуманиёз, Америкадан келган совғалар бор. Тарқатаямиз. Шевердин билан бирга келинлар, сизларга ҳам олиб қўйибмиз», деди. У вақтда Шевердин ташвиқот ва тарғибот бўлимида инструктор бўлиб ишларди. Икковимиз ишдан кейин пиёда, Биринчи Май кўчасида жойлашган Ёзувчилар союзига келдик. Ҳол-аҳвол сўрашиб, совғаларни олдик. Сўнг Ҳамиджон бизларга қараб:

— Ярим соатдан кейин Ёзувчилар союзининг боғига борамиз. Уйғун, Чустий ҳам бирга бўлади, вақтларинг бўлса юринглар,— деди.

— Ҳамиджон, мен бугун эрталаб Сурхондарёдан сафардан қайтдим. Ҳали уйга ҳам борганим йўқ. Яхшиси бизникига келинг, гурунглашамиз,— дедим.

Шевердин ҳам оёғи оғришини баҳона қилиб боролмаслигини айтди.

— Борсаларинг дам олиб келардинглар,— деди ва қўшиб қўйди:— Гимни таржимаси учун Совнарком ҳар кимга тўрт минг сўмдан мукофот ажратди. Ойбек, Ғафур Ғулум, Миртемирларга айтдим. Сиз билан душанба куни соат ўнда Совнаркомда учрашамиз. (Гимни бешовимиз бирга таржима қилган эдик.)

3 июль. Душанба куни... Эрталаб соат 9 да Полиграфия кўчасига чиқиб Совнаркомга бордим. Бино эшиги олдида Композиторлар союзининг раиси Толибжон Содиқов турар эди.

— Уртоқ Шарипов, сизнинг уйингизга одам юборилди, бордимиз?

— Тинчликми?— ҳовлиқиб сўрадим.


— Сиз дафн комиссиясининг аъзосисиз.

— Нима деяпсиз, кимни дафн қиламиз?

— Эшитмадингизми, Ҳамид Олимжон автомобиль ҳалокатида вафот этган, дафн комиссияси аъзолари Султон Умарович кабинетида тўпланаёпти.

— Ахир, Ҳамиджон билан соат ўнда, шу ерда учрашмоқчи эдик-ку,— дея олдим, холос. Бошимга чакмоқ урилгандай бўлди, гаранг, беҳол, мадорсиз ҳолда Совнаркомнинг раиси ўринбосари С. У. Умаров олдида кирдим. Кабинетда тўпланганларнинг юзида ғам-надомат, шивирлаб гаплашади. Мен Султон Умаровичдан рухсат олиб, Ҳамид Олимжоннинг жасади қўйилган Жуковский кўчасидаги тез ёрдам касалхонасига кетдим. У ерга қандай етиб борганимни билмадим. Палатага кирганимда кўзимга стол устида оқ чойшаб ичида Ҳамид Олимжон ухлаб ётгандай кўринди. Е алҳазар! Унгимми, тушимми билолмай қолдим. Эй фалак, гардининг курсини! Шундай улуғ зотни не ҳолга туширдинг! Кўзимдан беихтиёр ёш оқарди.

Ҳамид Олимжон орамиздан ёш кетди, у ҳатто Пушкин ёшига ҳам етмаган, ўттиз беш ёшга ҳам тўлмаган, қирққа кириб қирчиллама йигит бўлмаган бир пайтда фожиали тарзда, бевақт вафот этди.



Тарихимиздан лаъзалар

Герман Вамбери

Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи



Асардан парчалар¹

Нашрга тайёрловчи
Сирожиiddин АҲМАД

Амир Темур

Ўрта Осиёда мўғуллар истилоси оқибатида қавмлар ҳаёти ўзгарди. Мовароуннахрнинг ҳамма жойларида турк эллари янада кўпайди. Турклар Тяншан далаларидан ва Олтой тоғларидан бу ерга мўғулларнинг тенгдошлари ва ёрдамчилари бўлиб келдилар. Жайхун соҳилида ўзларининг ҳамқабилалари ва қариндошларини — илгари замонларда келиб ўрнашиб қолган туркларни топдилар. Бинобарин улар бу ерларга осон жойлашишди. Улар жуда тажрибали жангчи бўлганлари учун сарой тантана ва дабдабаларида иштирок этдилар, улар қатлу вайрон ишларида чиғатойлиларга кўмаклашдилар. Чиғатойлилар эски Эрон маданиятига нафрат билан қараганлари учун мамлакатларини Оқсой шарқидан Оқсой шимолигача бўлган ерларда қурдилар. Шу сабабли турк қабилаларининг бошлиқлари Мовароуннахрда бошданоқ уларнинг вакиллари ва амирлари сифатида танилдилар. Улар кейинчалик чиғатойлиларга нисбатан ғайри хўжайин нуфузига эга бўлдилар. Улар ҳатто ўзларининг мўғул тилларини унутиб, туркча тилни сарой тили ҳамда жонли сўзлашув тили сифатида истеъмол қилдилар... Чиғатой подшолиги парчаланиб кетгач, Самарқанднинг шимолидаги жойларда сулдуз қабилалари биринчилар қатори ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Жанубда эса мўғул ҳокимияти харобалари ўрнида (яъни, Нахшаб ва Кешда) барлос қабилалари озодлик байроғини тикди.

Барлос уруғининг кўрагон тармоғидан Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ҳодиса бўлди. Бу шахс Оврупода Тамерлан ёхуд Темурланг номи ила машҳурдир. У 736 (1333) йил шаъбоннинг бешида, сешанба куни кечкурун, Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойи бўлгани учун «Шаҳрисабз» аталган маҳалласида дунёга келди. Кейин бутун шаҳар шу ном билан аталди. Темурнинг отаси Тўрғай барлос уруғининг бошлиғи эди. Шу муносабат билан Амир Қозғондан Кеш ва Нахшаб вилоятларини олди. У ўлгунча унга мухлис бўлиб қолди. Унинг ўғли Темур эса, болагидан суворийлик ва мусулмончилик руҳида тарбияланиб, мўғулларни даф қилиш фикрида ўсди. Тарихчи ва маддоҳ Шарафиддинга бутунлай ишонмасак-да, Темурнинг ёшлигидан иззат-нафсли бўлганини келажакдаги буюклигига ишора деб қабул қилиш мумкин. Темур ўзининг таржимаи ҳолида: «Мен ўн ёшимда ўзимда фавқулодда ҳукмронлик ва улуғлик аломатларини ҳис қилдим. Ўз олдимга келувчи ҳар бир кишини сезиларли даражада ғурур ва лаёқат билан қабул қилдим. Ун саккиз ёшимда ўзимнинг суворийлик ва овчилик ҳунарим

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

ҳақида кўп ўйладим. Умримни Қуръон ўқиш, шатранж ўйнаш ва от миниш машқларига сарф этдим», дейди. У йигирма ёшга тўлганда, балоғатга етгани аломати сифатида отаси унга бир кент берган. Темур ҳарбиёт ва жанг қилиш дарсларини ўрганиш учун бир одамга мурожаат қилади. Бу одам юқорида зикр этилган амир Қозғон бўлиб, отаси Темурни 758 (1356) санада унинг олдига олиб борган. Темур унга шунчалик маъқул бўлдики, ўғли Салойхоннинг қизи Ўлжой Туркон хотунни амир Қозғон Темурга беради. Сўнг уни Хуросонга, Ҳусайн картга қарши сафарида ўзи билан баробар мингбоши қилиб олади. Бу юриш муваффақиятли тугайди. Лекин Қозғон шунинг оқибатида тездан қотил қўлида ҳалок бўлади. У вақтда Темурнинг отаси вафот этган эди. Бу икки мотам тўғайли Темур жуда қайғуда қолиб, ўлдирилган амир Қозғон маъракасида амир Ҳусайннинг дўстлик таклифини қабул қилади. У билан бирлашиб, валинеъматининг қотилидан қасос олишга аҳд қилади. Бу қарордан сўнг юз берган жанглардан кейин Мовароуннаҳрда бошбошдоқлик, ҳукуматсизлик янада кучайди. Улуснинг муваққат ҳукмдори Туғлуқ Темур ўз сулоласини қатъий ҳалокатдан ҳимоя қилиш учун охириги имконият келганини билиб, Самарқандга қарши Олмалиқдан, ансариси жетелардан бўлган лашкар тортиди. У осий амирларни суриб ташлаб, аждодининг пойтахтини қайтариб олишга қатъий аҳд қилган эди. У келгач, осий амирларнинг баъзилари итоат қилдилар. Аммо баъзилари, масалан, Тўрғайнинг вафотидан кейин барлос уруғининг бошлиғи бўлган хожа Сайфиддин барлос Хуросонга кетди. Лекин ёш Темур чиғатойзолалар тарафидан мақбул кўрилиб, уларнинг саройига хизматга кириб, ўзига мулк сифатида Кеш вилоятини олди. Туғлиқ Темур Мовароуннаҳрда қолган пайтда тинчлик ўрнатилган бўлса керак. Аммо у Шарққа кетгач, нотинч амирлар бош кўтариб, янги урушга сабабчилик қилдилар. Истиқболда Осиёнинг фотиҳи бўлажак киши бу дафъада тинч урди. Туғлиқ лашкари билан Самарқандга келгач, бу ерга ўғли Илёсхўжани амир этиб тайинлади. Темурни ўзига энг содиқ киши билиб, ўғлига маслаҳатчи этиб қолдирди.

Мўғул шаҳзодасига васийлик — маслаҳатчилик вазифаси Темурга ёқмаганлигини олдиндан билиш мумкин. Узининг шу кунгача бўлган ишларига у узоқ мақсадга йнтилиш дебгина қарар эди. Шунинг учун у шаҳзода вазири билан жанжаллашиб, Самарқанд саройидан яширин равишда чиқиб кетди. Ўзига содиқ бир неча киши билан ҳозирги Бухоро ва Хива мамлакатлари орасидаги Ҳазар денгизигача чўзилган чўлга йўналди. Ушбу давр унинг жанглар билан тўла ҳаёт йўлининг бошланғичи, ваҳший чўлларда маҳрумлик ва қашшоқликни тамомила тажрибадан ўтказган вақтидир. Темур ўз хотирасида вафодор хотини Ўлжой билан баробар неча кун-тунлар ҳеч бир овқатсиз, сувсиз қолганини, бундай сарсонлик бир неча ой чўзилганини, сўнгра туркманга асир тушганини, туркман унинг суюкли хотинини асира сифатида молхонага қамаганини, унда қуртлар ва ҳашаротлар тўла эканини жуда содда, жуда таъсирли қилиб тасвирлайди. Бу урушларда амир Ҳусайн ҳам улар билан бирга эди. У булар билан чўлда тасодифан учрашган, Осиёнинг ярмини забт этажак бу киши ҳақиқатда ҳам оғир мактабни ўтаган. Темур бу ерлардаги бахтсизлик ўчоғида тобланиб, кейин шавкатли истиқболга эга бўлди. Яқинлари билан бирга асирликдан қутулгач, у яширин тарзда Кешга келган. Ўзининг илк қуролдош ўртоқларини, болаликдаги дўстларини тўплаб, Аму соҳилида қароқчиликлар қилиб юрди. Сўнгра Сейистонга ҳужум қилди. Бу ерда гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлиб, белужлардан бир-икки қалъани олиб, гоҳ яна қайтариб, шу жангларнинг бирида оғир мажруҳланиб, умр бўйи оқсаб ўтди. Шунинг учун форслар уни Темурланг, яъни оқсоқ Темур деб атаганлар. У жароҳатни даволаш билан банд бўлиб, можаролардан четда турган вақтда, унинг дўсти Ҳусайн Балхни забт этган. Темур тездан унинг олдига борди. Иккови бирлашиб, одам йиғишга киришди. Темурнинг тарафдорлари сони тезда 1500 кишига етди. У энди Илёсхўжа тарафидан ўзига қарши юборилган қўшинга қарши тура олар эди. 765 (1363) да Жайхўннинг чап соҳилида, Қундуз шаҳри ёнида булар ўртасида биринчи жанг бўлиб, унда Темур ғолиб келди. Душман аскарларининг сони беш баробар кўп эди, шунга қарамасдан Темур Илёсхўжани енгиб, унинг черигини Жайхўннинг иккинчи тарафига ирғитди. Ана шундан сўнг жетеларни тўхтовсиз таъқиб этиш бошланди. Шу билан чиғатойликлар Мовароуннаҳрдан тамом қувилдилар.

Бу пайтда Қутлуғ Темурхон вафот этган, унинг ўғли Сайхўннинг нариги томонига, Олмалиққа, падарининг тахтини олишга кетган эди. Бу ҳол Темурга қулай бўлди. Мовароуннаҳрдан энг охириги мўғуллар кетгач, Темур Самарқандга кирди. Аҳоли уни самимий қутиб олди. Шодлик ва байрам бошлангач, унинг шу кунгача яшириниб яшаган хотини келиб қўшилди. Энди Темур она халқининг ҳақиқий подшоиси эди. Шу вақтда тахтга чиқишга қодир эди. Лекин у асл мақсадига эришмоқ учун яна кўп тўсиқларни енгиши, кўпгина рақибларини инқирозга учратиши кераклигини билди. Хонлик унвони олиш билан душманларининг сонини кўпайтиришни хоҳламагани учун Илёсхўжа тарафидан қолдирилган чиғатой тахтига бу урушнинг иккинчи шаҳобчаси вакилини ўтқазмоқчи бўлди. Бу ниятини амалга ошириш учун қурултой чақирди. Қобулшоҳни ҳукмдор эълон қилишни буюрди. Бу билан обрўсини орттириб, ўзининг келажакдаги ниятларини амалга ошириш режасини пухталаб олди.

Тўғри, жетелар Мовароуннаҳрни осонгина бериб қўйишни истамас эдилар. Темур



Амир Темур. Номаялум
хинд рассоми асари

қишни Самарқандда ўтказаетган пайтда жетеларнинг Илёсхўжа қўмондонлигида тажовуз бошлаганлари ҳақида эшитди. Дарҳол дўсти амир Ҳусайнга хабар берди, у кучли аскар билан келиб қўшилди. Темур қароргоҳини Чиноз билан Тошкент ўртасига қурди. Ҳусайн Сирдарёни кечиб, тажовузчи душманга қарши саф тортди. Темур қўмондонлигидаги ўнг қанот душманни енгашга муваффақ бўлди. Аммо Ҳусайн раҳбарлигидаги чап қанот чекина бошлади. Фақатгина Темурнинг ҳарбий эҳтиёткорлиги ва саботи мағлубиятдан қутқарди. Бу ҳол икки дўст орасига низо солди ва улар рақибга айланишди. Шундан кейин икки рақиб орасида узоқ йиллар мобайнида тўқнашувлар бўлиб турди. Охири амир Ҳусайн фалокат топди, Темур ғолиб чиқди. Бу шундай юз берди: жанг майдонида 3000 ўлдирилган аскар қолдириб, иккала собиқ иттифоқдошлар қўшини ўз ерига чекинди. Ҳусайн Сирдарёнинг иккинчи қирғоғига ўтиб, ўзининг пойтахти Солисаройга қайтди. Темур Қаршига чекинди. Жетелар эса, маъносиз равишда жанубга ҳаракат бошлаб, Самарқандни қамал қилдилар. Агар улар шаҳарни олсалар, мўғулларнинг бузғунчилигини такрорлар эдилар, холос. Аммо бу ерда тарқалган «от ўлати» («Тоъуни фурс» — форс вабоси) сабабли ўзлари юкларини елкаларида зўрға олиб кетишга мажбур бўлдилар. Шу аҳволда иккинчи иттифоқ тузиб ҳужум уюштиришганда эди, шубҳасиз, мўғуллар ҳокимиятини узоқ давргача ёки бутунлай тугатиш мумкин эди. Лекин эски қуролдошлар ўртасида душманлик жуда кучайиб кетди. 767 (1365) йилда Темур Ҳусайнга қарши чиқишга ва шимолдаги жетеларнинг ҳаракатини кузатиб туришга мажбур бўлди. Ҳусайннинг

мамлакати каттароқ ва аҳолиси Темурникидан кўпроқ, бинобарин, унинг аслаҳаси ортиқроқ эди. Шундай эса-да, у душманини заиф деб ўйламади. Энг аввал дасисалар ва шов-шувлар билан ҳаракат қилиб кўрди. Темур душманини бу йўл билан қармоққа илинтира олмаслигини фаҳмлагач, Жайхуннинг нариги соҳилига амир Мусий қўмондонлигида лашкар юборди. Аммо улар қочилишга мажбур бўлди. Шундан кейин Ҳусайннинг ўзи Солисаройдан ҳаракат бошлаб, барча лашкари билан Жайхунни кечиб ўтди. Дарёнинг соҳилидаги Битик чакчак деган жойда қароргоҳ қурди. Темур душман аскарларининг сонини билгач, аввал Қаршига, сўнг Бухорога чекинди. Бу ерда иттифоқчиларнинг аҳволи билан яхшироқ танишмоққа қарор қилди. Темур улардан ёрдам кутар эди. У бу ерда иттифоқчилари жуда заиф эканликларини аниқ билди. Шунинг учун Мовароуннаҳрни вақтинча Ҳусайнга қолдириб, ўзи ғарбий Хуросонга ҳужум бошлаш баҳонасида душман таъқибидан қутулмоққа уринди. Ҳусайн шу соатдаёқ Бухорога юриши бошлади.

... Улар қуролланиб, Ҳусайн аскарига қарши чиқдилар. Ҳусайн отлиқлари уларни ўраб олиб мағлуб этди. Янгидан ҳужум қилишга ўрин қолмади. Ҳусайн чериги Мовароуннаҳрни маъносиз забт этиш билан овора бўлиб юрган бир вақтда, Темур бутун қиш мобайнида урушга тайёргарлик кўрди. Баҳорда Жайхунни кечиб ўтиб, қаҳрамонона ҳужум билан Қарши, Самарқанд атрофларида ва Тошкент йўлида жуда оз, лекин ғайратли кишилар билан душман аскарларининг сафини бузиб ташлади. Бу жанглarda унинг ўғли Жаҳонгир катта жасорат кўрсатди. Чунки у иттифоқчилари бўлган Кайхусрав ва Жалойрийларнинг ёрдамини кутган ва унга эришган эди. Кайхусрав ўз қизини Жаҳонгирга берди. Темурнинг ўзига эса ёрдамчи аскарлар юборди. У ана шу черик билан душманни Жайхуннинг нариги томонига ўтишга мажбур этди ва Сайхун томонга қараб қувди. Рақибини бўйсундириш учун ушбу ғалаба кифоя эди, аммо жалойир уруғи билан иттифоқ Ҳусайнга катта хавф туғдирди. Бинобарин, у ўртадаги низони сулҳ билан бартараф этишни маъқул кўрди. Темур уни мамнуният билан қабул қилди. Чунки Моваро-

уннаҳрнинг ташқи ишларига куч билан аралашиларини истамас эди. Ҳуд Темур маддоҳларининг таъбири билан айтсак, мўминлар орасида бир-бирини ўлдириш ва яғмонинг давом этишини хоҳламасди. Нима бўлса ҳам сулҳ тузилди. Ҳаттоки, Ҳусайннинг исён кўтарган Бадахшон амирини тобе этиш учун Темурнинг ўзи Жайхуннинг бу тарафига ўтди. Сулҳни мустақкамлаш, Кобулни фатҳ этиш ва билан Ҳусайннинг мамлакатини кенгайтириш мақсадида икки рақиб биргаликда ҳарбий юришида иштирок этдилар.

Шундай бўлса-да, улар ўртасидаги тотувлик муносабатлари узоқ давом этмади. Жетелар юқори Сайхунга тажовуз қилиб, яна таҳдид солишган эди. Темур уларни таъқиб этиб Бадахшондан кетди ва жетеларни қувди. Лекин шу пайтда Ҳусайн ихтилофни тўхтовсиз кучайтириб, рақибини яна қўлига қурол олишга мажбур этди. Темур Балхга юриш қилганда, унинг байроғи остида Ҳусайннинг энг ишончли одамлари ҳам бор эди. Улар, Шарафиддиннинг ривоятчи, Ҳусайннинг доимий васвасаларидан норози бўлиб, унга хиёнат қилганлар. Аммо эҳтимолки, улар Темурнинг омади келганлиги учун унинг тарафига ўтгандирлар? Ҳусайн бунга қарамай жадду жаҳд билан мудофаага ўтди. Унинг сўнгги манзили Балх куч билан забт этилгач, Ҳусайн ўлдирилди. Бу шундай рўй берди: у қалъадан бошини эгиб чиқиб, ғолиб рақибининг лашкаргоҳига кечирим сўраб келди, тавба қилди, жонини сақлашни ўтинди. Мирхонднинг ривоятига қараганда, «Ҳожи бўлиш учун Каъбага бормоқчи ва у ерда ўз гуноҳларини кўз ёшлари билан ювмоқчи» эди. Темур шунда олижаноблик кўрсатди. Суюкли хотинининг акасини афв этди. Лекин унинг саройидаги тўралар Ҳусайн туфайли тортган азоблари-ю, таҳқирланишларини унутмагандилар. Улар Ҳусайннинг жонига қасд этдилар. Гарчи Темур бунга узоқ вақт қаршилик қилса-да, кейинчалик розилик берган бўлса керак. Унинг ёшликдаги қуролдош ўртоғи, бахтсиз рақиб минорадан иргитилди. У охири дақиқада шу жойга қочган эди. Бу воқеа 771 (1329) йил содир бўлди.

Энди Темурнинг рақиб қолмади. Унинг ташқи душманлари, жумладан, Шарқдаги жетелар ҳам қувилдилар. Темур энди номигагина бўлган ўйинчоқ подшоҳнинг ҳокимиятига хотима ясаб, Мовароуннаҳр тожини шараф билан кийишни ўйлашга ҳақли эди. Аммо бу аъло шарафга, таомил бўйича, миллат мажлиси — қурултойнинг сайлови орқали эришишни хоҳлади. Чингизхондан кейин, неча асрдан сўнг Темурга насиб қилган бу нодир қайсарлик (цезарлик) ҳаёлини Шарққа хос маросимгина амалга ошира олар эди. Бу мақсад учун Балхда йиғилган қурултойда қадимги Чиғатой хонлигининг ҳам буюк тўралари, Темурнинг ёшлигидаги қуролдошлари ва аввалги душманлари ҳозир бўлган эдилар. Улар орасида амир шайх Муҳаммад, Баён Сулдузий, амир Олжойту, амир Кайхисрав Хатталоний, амир Довуд Дуғлат, амир Сорбуғой Жалойир, амир Жоқу барлос, амир Зинда Ҳашм ва бошқа мўътабар тўралар бор эди. Темур қадимги турк одатига биноан оқ кигиз устига ўтказилиб, юқори кўтарилди. Темурнинг пири Саид барака дуойи фотиҳа қилганидан кейин у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинди. 771 йил 10-рамазон (1369, 8 апрель) эди. Темур ўз яқинларига қимматли ҳадялар улашди, узоқроқда турганларни муҳаббат билан ўз тарафига жалб этди. Жайхуннинг бу томонида ҳокимиятни тиклагандан кейин Самарқандни пойтахт қилиш учун дарёнинг у соҳилига кечди. Самарқанд шаҳри шу кундан бошлаб Темурнинг вафотигача унинг сафар машаққатларидан кейин истироҳат қиладиган жойи бўлди. Осиё дунёсининг турли мамлакатларидан унинг қўлига тушган барча ғаний неъматлар шу Самарқандда тўпланди.

Темур бошқариш ишларини ўз қўлига олгач, жуда ҳолдан тойган мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этди. У ислом динига мухлис бўлиши билан бирга, Чингиз низомларини ҳам жуда ҳурмат қиларди. Бу қонунлар Туроннинг ҳикмат ҳукумати бўлгани учун, турк халқларининг ижтимоий ва сиёсий аҳволига мувофиқлиги учун Темурга маъқул эди.

Темурнинг «Ясоқ»қа рағбати ҳамда уни мусулмон руҳонийларидан ҳимоя қилишининг сабаблари ана шундадир. У мамлакатнинг ҳарбийлари орасида мўғул жаҳонгирининг (Чингизнинг — С. А.) олижаноблигига тақлид қиларди. Қуйидаги мансаблар таъсис этилган: Туман оғаси (10.000 боши), мингбоши, юзбоши ва ўн боши; сиёсий маъмурият қадимгидек қолганди. Фақат солиқ солиш қондаси Қуръон таълимотига мувофиқ бўлди. Турли мансабларнинг аломат фарқлари, сарой маросимлари таъсиси акари салжуқийлар ёки хоразмшоҳлар тартибига асосланган эди. Бекларбеги ёки амирул умаро мансаблари шулар жумласидан. Бу бизнинг сардори акрамга, «генералиссимус»га тўғри келади. Катта Қизил Байроқ унинг аломати эди. От ёли билан боғланган узун найза Туман оғасининг туғидир. Икки томонидан кокил осилган икки дўл ноғора юзбошининг аломати ҳисобланади. Суворий эгарининг икки томонида икки табл осилади. Салтанат маъмурлари адолатли ҳукм юритиши, деҳқонларга шафқат билан қараши, савдони ҳимоя қилишлари таъкидланган. Қўшин маъмурларига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш топширилган. Ҳар бир отликнинг икки оти, ўқ тўла садоғи, қилчи, жанг болтаси, арраси ва 10 дона игнаси бўлиши шарт эди. Урдагоҳда ҳар ўн саккиз кишига бир чодир бириктирилган. Зобит (офицер) ҳарбий тактиканинг муҳимларини билиши керак эди. Бу ҳозирги пайтда ҳам ўзбек сипоҳийлари ёки туркман сардори учун фарз саналади. Оддий нафар (аскар) низомни қатъий бажаришга мажбур; жангда

у аёвсиз ва довжурак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши лозим. Ҳарҳолда Темур душманлари тасвирлаганча ваҳший бўлмаган. «Темур тузуқлари»даги маълумотлар, мамлакатни маъмурий бошқариш тартиби бу фикримизга далилдир. Маъмурият бошида девонбеги (бош министр), унинг ёнида аркбеги (маросимларни ўтказувчи) ҳамда тўрт вазир бўлган. Буларнинг биринчиси ер солиқларини, кўпроқ чегара божини ундириш ҳамда миршаб ишларини бошқарган. Иккинчиси аскарларнинг маоши, озиқ-овқат ва бошқа таъминотлар билан шуғулланган. Учинчиси аскар шахсларига, уларнинг лавозиму мансабларга тайинланишига ҳамда мерос ишларига қараган. Тўртинчиси ҳоқон саройининг харажатларини бошқарган. Улуғ амалдорлар ўз вазифаларини бажарган пайтда, солиқлар йиғиш вақтида юмшоқ муомала қилишлари шарт бўлган. Қамчи ишлатиш ман қилинган. Бу тўғрида Темурнинг ўзи айтади: «Ҳар бир воли ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у киши туралик мансабига лойиқ эмас».

Тўғри, юз йилга яқин бошбошдоқлик ҳукм сурган мамлакатда қонунни жорий қилиш осон иш эмасди. Уни оз-оздан амалга ошириш мумкин эди. Лекин Темур бошда-ноқ футуҳот (забт этиш) ҳавосига берилди. Ташқаридан қараганда, қонунларни жорий этиш билан банд кўринса-да, лекин мамлакатининг чегараларини кенгайтиришга киришди. Албатта, у аввало хавфли душманларини йўқотиш пайига тушди. Булар жетелар эди. Уларнинг ҳақиқий ватанларидаги кучлари ҳали ҳам синдирилмаган эди. Зеро уларнинг Мовароуннаҳрни янгидан забт этиш ниятлари сезиларди. Шунинг учун вақтни ғанимат билиб, Темурнинг ўзи ҳужум бошлади. 772 (1370) санада Темурнинг биринчи зуҳури вақтида жетелар ихтиёрий таслим бўлдилар. Темур эса Самарқандга қайтди. Лекин шундан озгина вақт ўтмай янги воли — Кебектемур фитна қўзғади. Самарқанддан юборилган қўшин ғолиб келиб, уни сулҳ тузишга мажбур қилишига қарамай, Темур ўз сарҳангининг ишидан норози бўлиб, янгидан уруш ҳаракатини бошлаб юборди. Душманининг мамлакатини талон-тарож қилиб, юрт ғаниматларини қўлга киритиб, орқасига қайтди. Орадан тўрт йил ўтди. Жетеларнинг хони Қамариддин Кўктепа атрофига хосса қўшинни тўплаб, Темурни нақадар кучли қўшинлар билан келишга мажбур этди. Жетелар яқсон қилинди. Қамариддин аранг қочиб кутулди. Унинг ҳазинаси, ҳарми ғолиблар қўлга тушди. Ҳарам ичида Дилшод исмли гўзал қизи ҳам бор эди. Темур бу қизни ўзининг шаръий хотинлари қаторига қўшди. Лекин асл мақсадига — чиғатой улусининг Шарқ тарафини ўз мамлакатига қўшиб олишга фақат бешинчи юришдагина эришди. Шундан кейин Қамариддин тамом умидсизланиб, мамлакатини ташлаб қочишга мажбур бўлди. Бу иш 778 (1376) йили ниҳоятга етказилди. Мазкур иш бўлиб ўтгунча бизнинг қаҳрамоннинг назари Хоразмга тушди. Темур уни қўшиб олиш сиёсатини тутди. Ўзи ҳужум билан уруш очди. У гўё Кат ҳамда Хивак, ҳатто бутун Хоразм илгари Чиғатой улусининг ажралмас қисми эди, деб даъво қилди. Бинобарин, унинг ҳоқими Ҳусайн Сўфи қўнғирот Темурга бож тўлаши лозим эди. Темур бу даъвосига катта аҳамият бергани сабабли у ерга тавочи Алқамани юборди.

Ҳусайн унга: «Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин», деган жавобни айтишни буюрди. Бу жавоб мағрур ҳарбчини кўрол ишлатишга мажбур қилди. У дарҳол Хивак устига юрмоқчи эди, лекин кешлик шайх Жалолиддин масалани тажриба тариқасида яна бир марта сулҳ билан ҳал этишни маслаҳат берди. Бу тақводор кишининг маслаҳати аввалгисидай муваффақиятсиз чиқди.

Темур 773 (1371) йилнинг баҳорида жуда кўп лашкар билан Хоразмга юриш бошлади. Шу пайт унга Ҳирот ҳоқонидан табрик ва ҳадялар билан вакиллар ҳайъати келди. Қимматли ҳадялар ичида «Кўк ўғлон» номли бир жанг оти бор эдики, Шарқ тарихчилари уни мадҳ этиб тугата олмайдилар. Бухородан кейинги йўл чўлдан бошланар эди. Ҳазорасп яқинидаги кат машаққатли қамалдан сўнж забт этилди. Темур бу ердан Хоразмга йўл олди. Ҳусайн Сўфи шу ерда эди. Бу шаҳар, Кайхусрав ва Ҳатталонийнинг хиёнатига қарамай, хоразмликлар очик майдонда жанг қилишни истамаганликларидан кейин, олинди. Ҳусайн мухосара даврида вафот этиб қолди. Унинг биродари Юсуф Сўфи сулҳ тузди. Темур бу сулҳни мустаҳкамлаш учун ўзининг ўғли Жаҳонгирга Юсуф биродарининг қизи гўзал Суюнни сўради. Юсуф Сўфи мамнуния билан розилик берди. Темур сафарнинг муваффақиятли туганидан шод бўлиб, орқага қайтиб кетди. Лекин у Хоразмдан жўнаши биланоқ Юсуф Сўфи Кайхусрав ва Ҳатталонийнинг васвасига учиб, гўзал Суюн хусусидаги ваъдасига вафо қилмади. Балки Темурга қарши уруш очди. Темур 774 (1372) йилда иккинчи марта юриш бошлаб, бу гал ҳам ғалаба билан қайтди. Ўз ўғлига гўзал Суюнни кўп ва бой қалинлар билан олиб келди. Бу тўй муносабати билан Самарқандда қилинган байрам ниҳоятда дабдабали ўтди. Лекин Жаҳонгир бундан кейин фақат икки йилгина яшади. Аҳд этилган сулҳ ҳам узоқ давом этмади. Темур Хоразмга қарши учинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлди. Бу сафар пайтида Юсуф Сўфининг бошига қизиқ бир фикр келди. У икки тараф кишиларининг қони тўкилмаслиги учун ўзи Темур билан яккама-якка олишмоқни истади. Шу боис душманга «Икки одам учун қачонгача бутун олам азоб-уқубат чекади, инсоният ва мамлакатнинг хайрияти учун бу икки одамнинг бирга бир олишувларини ва майдонда баҳс қи-



Темур овга кетяпти

лишларини талаб қиладир», деб ёзди. Темур бу таклифдан жуда қувонди. Сайфиддин барлос унга ўзининг қимматли ҳаётини таҳликага солмаслигини тавсия қилса-да, Темур унинг гапига кирмай, жанг майдонига биринчи бўлиб келди ва жуда қаттиқ товуш билан душманини чақирди. Лекин Юсуф Сўфи келмади. У қўрқув ва хавф туфайли ўз таклифидан воз кечди, умумий ҳарбни талаб қилди. Шундан сўнг, 881 (1379) йили Хоразм қалъаси Темур томонидан қамал этилган пайтда, Юсуф Сўфи вафот этди. Ғолибнинг қўлига жуда катта хазина тушди. У бойликларни, моҳир ҳунармандларни уламо билан бирга Кеш шаҳрига олиб келди. Бу ғалабанинг шарафи учун бир сарой, бино қилишни буюрди. Она шаҳрининг яқинида қишни ўтказиб, истироҳат қилди. Ов овлаш билан машғул бўлди.

Темур душмани — қайнотаси Амир Ҳусайн билан урушиш ва жетеларни шимол-шарққа кўчириш учун кўп ғайрат қилди ва катта хуруж кўрсатди. Лекин Ғарбий Хоразмдаги душман устидан ғалаба қозониш янада қийинроқ бўлган эди. Чунки икки Сўфининг хос аскарий кучларидан ташқари Қипчоқ хони, Олтин Урда хони, Жўжи улусига кирар ва уларга ёрдамчи эди. Хоразм ва Сарой ҳукмдорлари кўп замонлардан буён Темурга қарши яширин битим тузишган эди. Бу иттифоқчилардан биринчисининг ҳалокати иккинчиси учун ҳам фожианинг муқаддимаси бўлди. Темур Хоразмдан ғалаба билан қайтиб, бутун Туронни ўз қўли остида бирлаштиргач, Сайхун ва Жайхун оралигидаги ҳудуд торлик қилади, деган фикрга келиши табиий эди. У ўзига ўрнак бўлган жаҳонгир Чингизхон изидан бориши лозим эди. Хуллас, бахтиёр Турон фотиҳи ўз юлдузига қараб, бутун жаҳонни забт этиш йўлига кириши учун имкон туғилди. У ўз асарида «Қандай бўлса-да, бир мамлакатда зулм ва ҳақсизлик кўпайса, омманинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш учун, ҳар қанақа фитначиларни ва қонун бузувчиларни тугатиш учун у мамлакатга ҳужум қилиш керак. Ҳақиқий ҳукмдор ҳар бир қавм ва қабилани уларга зулм қилувчилардан озод этишга ҳуқуқлидир. Ушбу нуқтаи назардан қараб, мен Хуросонни фатҳ этдим. Форс, Ироқ, Шом мамлакатларини

бўйсундирдим» деб ёзади. Унинг таржимаи ҳолини ёзганнинг ривоятчи, Темур шорнинг ушбу сўзини қайта-қайта такрорлар экан: «Оллоҳ ёлғиз, битта бўлгани каби подшоҳ ҳам битта бўлиши лозим. Бутун дунё улўф хоннинг якка ҳокимлигига нисбатан ҳечдир». Жаҳонгирлик вазифасини бажариш учун Темурнинг таъбиятул жайиш (тактика)даги маҳоратидан ва ўзга шахсий фазилатларидан ташқари, жангларда орттирган тажрибаси ва муҳими, қўл остида унга кўр-кўрона бўйсунадиган лашкарлари ҳам, уларнинг моҳир сардорлари ҳам бор эди. Унинг байроғи остидаги черкининг барчаси жангу жадалларда қаҳрамонлик намунасини кўрсатган ўзининг қуролдош дўстлари эди. Унинг сарҳанглиридан Жаҳонгир барлос, Сайфиддин барлос, Оқбуга, Усмон Аббос, Муҳаммад Султоншоҳ, Қамарий, Тибон баҳодир, Урусбуга, Пирхўсайн барлос, Ҳамза, Амир Муризода, Муҳаммад Қазғон, Сарик Атка ва Музаффар Учқора ўзларининг маҳоратларини гоҳо Темурнинг ёнини олиб, гоҳо унга қарши сарф этдилар. Албатта, аввало, Темурга ўша вақтдаги Осиёнинг паришонлик ҳоли қўл келди, кейин эса Туркистоннинг жангарилик руҳи ёрдам берди. Мўғул ҳукмронлиги инқирозидан сўнгра ҳукумат бирлигидан асар ҳам қолмади. Салтанат жуда кўп хонликлар ва бекликларга бўлиниб кетди. Булар бир-бирларига ёрдам этиш ўрнига, бир-бирларига жуда ёмон душманлик ва тажовузкорлик қилдилар. Бу аҳволда Темурнинг кучли, ташаббусли ва омадли қўли, албатта, Иртишдан Гангагача, Ғуби саҳросидан Мармар денгизигача ягона ҳукмдорлик таъсис қила олди.

Энди Темурнинг ўз ватанидаги ишлари ҳақида батафсил сўзлаб, унинг бундан кейинги истило сафарлари ҳақида қисқагина зикр этиб ўтмоқчимиз. Бу сўнги замонлар Мовароуннаҳр тарихининг энг шавкатли даврларидир, шунинг учун ҳозир бу ҳақда батафсил сўзлаш лозим. Шу билан бирга, асаримизнинг тор доирасида уларнинг натижаларинигина айтиб ўтиш kifоядир. Зотан, Темур ва у давр ҳаёти батафсил тасвирланган баъзи манбалар овруполик ўқувчилар оммасига бирмунча яхши таниш.

Темурнинг Урта Осиё чегарасидан ташқарига тажовузи дастлаб шимолга, яъни Жўжи улусига қаратилди. Узаро қаттиқ тўқнашувлар оқибатида бу улус ахли сийналаридан фотиҳ қиличининг излари қолди. Урусхоннинг забардастлиги билан Тўхтамиш ўз отасининг тахтидан туширилгач, у Темурнинг қошига ҳомийлик истаб келди. Тўхтамиш 777 (1375) йили жетеларга қарши урушга юборилди. Бу ихтилоф Темурнинг кўнглига жуда ёққан шекилли, у Тўхтамишни дўстона қабул қилди, Самарқандга олиб келди. Унга кўп ҳадялар берди. Ҳозирги Туркистондаги Утрон ва Саброн вилоятларини унга мулкона этди. Уни ўз рақибига қарши тура оладиган ҳолга келтирди. Урусхон шу орада ўғли Тўхтақойни лашкар билан уни қувишга юборди. Лекин Тўхтамишга толе икки тажрибадан кейин ҳам ёр бўлмади. У энгилди, жароҳатлар билан ярим урён ҳолда қочиб, учинчи марта Темурдан паноҳ истади. Бу дафъасида Темур меҳмоннавозлик вожиби билан лашкар бошига келди ва Урусхонга қарши уруш эълон этди. Бу мамлакатнинг саҳроларидаги совуқ ва ёмғир қатъий жанг бошлашга монеълик қилди. Икки қўшин бир неча ой бир-бирига уруш оча олмай ҳаракатсиз ҳолда турдилар. Темур 778 (1376) йил баҳорида, тагин ўз миллатини ҳимоя этишни хоҳлагандан кейин, бу иш энгил кўчди. Чунки энди Урусхон ҳам, ўғли Тўхтақой ҳам вафот этган эдилар. Тўхтамишга рақиб ўлароқ фақат Урусхоннинг кичик ўғли Темурмаликкина қолган эди. Албатта, маълумки, у иттифоқчилар лашкарига қарши тура олмади. Темур Қоратол ёнида унинг устидан ғалаба қилди. Уни асир олди ва маҳв этди. Тўхтамиш эса оёққа туриб олгач, ўзининг ғолибона тажовузларини давом эттирди. Бутун Қипчоқ хонлигини забт этди. Мамайни энгиб, ваҳшиёна ҳужумлари оловини янада узоқроққа — Русия ерларига олиб борди. 786 (1384) йилда Маскав шахрини ёндирди. Қуролининг муваффақияти билан сармаст юрган бу одам ўз ҳомийсига лозим бўлган шукронани тез унутди. У жаҳонгирлик даъвосига тушди. 789 (1387) йили, яъни Темур Озарбойжонда бўлган пайтда, Ҳазар денгиз соҳилидаги ғарбий вилоятларга тажовуз қилди. Темурнинг ўғли Мироншоҳ Кур дарёсининг бу томонига қараб унга қарши юрди. Тўхтамишнинг илғори энгилди, у қочди ва чекинди. Темур шу ҳолатда ҳам кенглик ва розилик аломатини кўрсатиб, «Ал фитната ноиъматлаун иламан иқзаҳо» ҳадисини мулоҳазага олиб, у билан сўлҳ тузишга розилик берди. Тўғри, бу ишни у муносиб фурсатни қўлга киритиш учунгина қилди. Икки йилдан кейин ўзининг ҳақли ғазабини майдонга қўйди. Яъни, 791 (1389) йилнинг қишида, қор от кўкрагига етган пайтда, Самарқанддан ҳаракат бошлади. Шимолдан тажовуз қилган Тўхтамишни у Сайхун соҳилида мағлуб этди. Кейинги баҳорда иккинчи соҳилда яна бир қарра энгди. Лекин у ҳануз таскин топмаган, ғзаби сусаймаган эди. 793 (1391) йил қишида Темур хос ва мунтазам қуролли лашкари билан Тўхтамишга қарши омонсиз жангга отланди. Жанубий Сибириянинг кимсасиз чўлларида олти ҳафта юрдилар. Унинг чўлдаги бу сафари қийинчиликлар ва заҳматлар билан тўла эдики, уни энг буюк тоғлардан ўтиш билан тенглаштириш мумкин. Чарчаган ва очиққан лашкар душманни узоқ вақт излади. Охир-оқибатда уни май ойида Ёйиқ (Урол) дарёсининг яшил соҳилларига келиб топди. Жасур ва шонли суворийлар кураши бошланди. Ҳар икки қўшин уч кун мобайнида баробар қаҳрамонлик билан жанг қилдилар. Ажойиб шийжоат кўрсатдилар. Аммо Тўхтамиш ўз қардошларининг хиёнати туфайли мағлуб этилди, озодликни қочишдан излашга мажбур бўлди. Темур ўқ тезлиги билан, уни Русия

Темур томон таъқиб этиб, суриб ташлади ва Маскавга бориб етди. Агарда Моваро-
ннор қаҳрамони эҳтиёт билан ўрта даражадаги йўлни тутмаганда эди, Масков аҳоли-
ларнинг таъбирича, биби Марямнинг мўъжизанамо суратидан бошқа ҳеч бир
нотополмас эди. Ун бир ойлик сафардан кейин у жуда кўп асирлар, бисёр ғанимат-
лар ва шимолнинг жавоҳири билан ўз пойтахтига қайтди. Асирлар ичида душманнинг
қасди, ҳарами ҳам мавжуд эди. У илгариги Чингиз мамлакатининг энг катта икки қис-
мига ўз ҳокимияти остига ола олганлиги билан фахрланса ҳақи бор эди. Энди унга
таънатнинг бори учинчи бир қисмигина, яъни Эрон, Арабистон ҳамда Ҳиндистоннинг
қисмигина нуқсонли кўринар эди. У айни замонда шимолга хотима чекиб, ўз наза-
рларини ғарб тарафга монесиз қарата олар эди.

Темур форс ерларини, яъни, Эрон ва Хуросонни фатҳ этишни Тўхтамишни енгмас-
дан олдин бошлаган эди. У 783 (1380) йилда ўғли Мироншоҳ мирзони бир неча етук
шоҳангларга қўшиб Хуросонни фатҳ этиш учун юборди. Еш ва қаҳрамон ўглининг
қасди билан очилган йўлга тездан ўзи етиб борди. Янги жаҳонгир бу ерда икки хона-
дон билан жанг қилишга мажбур бўлди. Шимолда сарбадорийлар сулоласи ҳукм сура-
р эди. Темур ўзининг заиф вақтида улар билан яхши муомила қилар эди. Энди булар ҳеч
қандай муқобаласиз бўйсундилар. Жанубда Карт оиласи ҳукм сура-
р эди. Бизнинг қаҳ-
рамон ёшлигидан буён улар билан курашиб келган. Бинобарин, бунда иш унчалик осон
олмади. Бу оиланинг раиси Ғиёсиддин Пирали ўзининг ёзмишини турк фотиҳига топ-
ширгундан кўра қилич тизига беришни афзал билди. У Шарқда Ҳиндикуш тоғларидан,
шимолда Мурғолибдан то Шоҳруд чўлларигача тарқалган мамлакатини нақадар ғайрат
билан мудофаа қилишга киришди. Унинг жангу жаҳдлари ўлим билан олишувга айлан-
ди. Пойтахт шаҳри Ҳирот жуда қаттиқ жангдан сўнг забт этилди. Аммо бошқа шаҳарла-
ри, масалан, Қобушон, Тус, Нишопур, Сабзавор — машҳур илм ва санъат марказлари ўз
дарвозаларини кўнгиллиларча очдилар. Улар ўз шаҳарларини хароба тоғларига ай-
лантиришдан кўра, унинг Темур аскарларига кечув манзили бўлишини афзал билди-
лар. Ғолиб Темур Хуросонга Афғонистонни, Сейистонни ва Белужистонни қўшиб олиб,
788 (1386) йили Арабистонга ҳамда хос Форс ерига тажовуз қилишга имкон топди.
Эроннинг бу жойларида ўша вақтда икки сулола ҳукм сура-
р эди. Жанубий Форсда,
Исфаҳонда — музаффарийлар ҳоким эди. Аммо Ироқ, Араб ҳамда Озарбайжон элхо-
нийлар қўлида эди. Биринчи сулоланинг бошлиғи Шоҳшужо оқил ва мудаббир одам
эди. У жанубнинг нозиклашган ўғлонлари билан Мовароуннаҳрнинг тажрибали жангчи-
ларига қарши чиқишни лозим кўрмади.

У ўз ихтиёри билан таслим бўлди ҳамда қизини марҳум Жаҳонгир мирзонинг ўғли
Пирмуҳаммадга бериб, сулҳни никоҳ билан мустаҳкамлади. Аммо Шайх Увайс Жало-
йирнинг ўғли Султон Аҳмад бошқача ўйлади. Узининг курд суворийларини ҳам Озарбой-
жон ҳарбийларини Темур аскарига бас кела оладиган куч, деб гумон қилди. У жангга
киришди ҳамда дарҳол муваффақиятсизликка учради. Узининг гўзал, таҳсинга лойиқ
Султония номли тахтгоҳини ташлаб, Бағдодга чекиншга мажбур бўлди. Аммо унинг
душмани Араксни кечи-
б, бир зарба ила бутун Қофказни ўз қўл остига олди. Нахчавон-
га, Урэнга, Тифлисга ҳам Ширвонга подшоҳ бўлиб кирди. Узининг болта кирмаган
уйлари ва тубсиз ботқоқликлари билан шу вақтгача ҳар қандай душманни тўхтатган
Гилон бўйсунушдан ўзга чора тополмади. Арманистон подшоҳи Тоҳиржон машҳур Ван
қалъаси забт этилгандан кейин узоқ Шарқдаги шавкатли хоқоннинг амири сифатида ўз
идорасини давом эттиришга мажбур бўлди. Айтиш мумкинки, турк хоқонининг бу
ғазабни сафарда фақат Қорақунли (қора кўзи) хонадони билан исёнчи Исфаҳон шаҳри-
нинг устига тушди. Бу хонадон ўзининг Ахлот ва Одил Жувоз каби энг мустаҳкам
қалъаларини йўқотди. Исфаҳон Темур билан аҳдини бузиб, унинг 3000 аскарини ўлдир-
гани учун шаҳар аҳолиси 70.000 кишини қурбон берди. Бу жуда катта қатли ом бўлиб,
Шоҳшужо ўғли Зайналабиддинни таҳликага туширди, у юкланган тобеъликни даф этиш
ниятидан қайтди. Темур Шероздаги музаффарийларнинг тахтини расмий равишда
қўлга киритгандан сўнг, 791 (1389) йилда шавкат ва тантана билан Самарқандга қайтди.
У одатига кўра бўш вақтини овда ва айш-ишратда ўтказиб истироҳат қилди. Сафар
машаққатларини унутгандан кейин янгидан куч тўплаб, яна ўз мақсадини амалга ошира
бошлади. Худди шу вақтда, юқорида тилга олингандек, Тўхтамишга қарши юриш
бошланган эди. Шундан қайтгач, Темур Ғарбда «беш йиллик уруш» номи билан донг
қозонган урушга киришди. Бу сафарги нияти — ўз мулкида кўзғалган фитналарни
бостириш баҳонаси ила Эрон ва Арабистонни бутунлай бўйсундириб, аввалги сафарла-
рининг ҳақиқий самараларини кўрмоқ эди. 794 (1392) йилда бир оз хасталаниб ётгандан
ва даво топгандан кейин, у хос ҳамда мунтазам лашкари билан Ҳамуя ёнида Амударё-
ни кечди, Эроннинг шимол ноҳияси бўйлаб Астрободга, осий Мозандаронга борди.
Тоғли Эроннинг асосий шаҳри ҳисобланган Омул жуда ҳам мўтаассиб ҳашошилар
(асосинлар)нинг ёхуд фидойиларнинг қароргоҳи эди. Шиддатли муҳорабадан кейинги-
га шаҳар забт этилди. Жасур мудофаачиларнинг мардликлари учун шу қадар кўп қон
тўкилдими, шарқ тарихчилари буни тасвирлашга ожиз эканликларини изҳор қиладилар.
Албатта, бундай жазодан кейин сукут тугади. Энди Темур қонга тўйган салоҳи билан
Хуристон ва Хузистон устига юрди. Ҳамадонга, Баружардга, Дизфулга гўё учиб борди.

Мустақкам тоғ қалъаси Қалъаи сафидни фатҳ этгандан сўнг одатдаги тезлиги ила Шоҳмансур Музаффарийга ҳужум қилди. Бу шоҳ Темур кетгандан кейин музаффарийларнинг беш хонлигини бирлаштириб, ўз қўли остида хос кучни тўплади. Лекин ғалаба билан руҳланган туркларга қарши тура олмади. Потил деган жойда ниҳоятда қаттиқ уруш бўлди. Шоҳ Мансур ўз суворийлари билан баробар Туркистон кўшини сафини ёриб кирди. Арслон каби ҳаммасини йиқиб, емириб, Темурнинг ёнига бориб етди. Унинг ёнида фақат 14 — 15 гина нафар қолган, ожиз бир ҳолатда эди. Лекин соқчилик қилаётган Шоҳруҳ мирзо қочган нафарлардан бир фирқа тўплаб, ҳужумчиларнинг йўлларини кесди ва музаффариятли олишувда Шоҳ Мансурнинг бошини кесиб, одатдаги табрик ибораси ила уни отасининг оёғи остига иргитди: «Ҳамма душманларингизнинг бошлари отингизнинг туёқлари остига мана шундай тушсин!» деди. Бундан кейин душман тамоман мағлуб бўлди. Музаффарийлар хонадони батамом қирилди. Бу сулоладан фақат илғари кўр қилиниб, Самарқандга юборилган фарзандлардан бири тирик қолди. Шоҳ Мансурнинг хазиналарини олиб, забт этилган мамлакатларни ўз сардорларига тақсим этгандан сўнг, Темур 795 (1393) йилда араб Ироғини янгитдан фатҳ этишга сафар қилди. Элхоний Аҳмад Жалойир бу иккинчи ҳужумда ҳалокатдан қутула олмади. Озарбайжонни қайта фатҳ этиб, Курдистонни тахт итоатига олиб, Темур Султоннинг хос кемасида Дажлаи кечди. Бағдод урушсиз таслим этилди. Унинг ҳукмдори фожиали Карбало даштида, араб отининг тезлиги соясидагина жонини сақлаб қолди. Аммо хотинлари ҳамда ўғли ғолибнинг қўлига тушди. Бу аҳамиятсиз кураш бўлди. Шунинг натижасида муқаррар халифат учинчи мартаба турк соҳибқиронининг қўлига тушди. Мобайнилнаҳрнинг (Дажла ва Евфрат оралиғи) бошқа шаҳарлари — Мордин, Диёрбакр ҳамда Тахрит кўп қурбонлар эвазига қўлга киритилди. Лекин, шундай бўлса-да, Темурнинг ғолиб байроқлари Арманистон ва Гуржистон устига ўтдилар. Ғалаба байрамларининг шодлик товушлари гўзал Мингул даласида тинар-тинмас, икки йил аввал исқот этилган Тўхтамишнинг тағин янги куч билан Дарбанд ёнида Кафказга тажовуз ила таҳдид этгани ҳақида хабар келди. Қўлдаги кўпикли касалар ўрнига янгидан қурол олинди. Темур сабр билан душманнинг яна яқинроқ келишини ва урушни ўзи бошлашини кутиб турди. У шундай дер эди: «Ов қопқонга ўзи келиб тушгани яхши. Уни излаб юрсанг, овлаш фурсати узоққа чўзилади. Қари товуқ қарчиғайдан қўрқмайди. Агар чигирткада қазил қанот ўсса, у ҳар қадамда ўзини қарғадан ҳимоя қилади». Сўнги дафъада Ҳазар денгизининг Шарқ соҳилида бўлгани каби, бу дафъа Ҳазар денгизининг ғарб қирғоғида ҳам ғалаба Темур байроғи тарафига ўтди. Тўхтамиш енгилиб, Сибириянинг жанубий далаларига қочди. Ғолиб уни таъқиб қилиб Русиянинг ичкарасига кирди. Масква шаҳрини талон-тарож қилди. Урдада амир этиб Уруسخон ўғли Қовурчоқни қолдириб, Гуржистонга қайтди. Совиб қолган ғалаба тўйларини яна давом эттирди. Шундан сўнг аввалги Туркистон саҳросининг саргузаштпарастни бўлган Темур шимоқли ва ғарбий Осиёни забт этди. Унинг подшоҳлик тожини гўзал, бой ва қадимдан таниқли неча-неча мамлакатлар безадилар. Иссиқкўл, Амударё ва Сирдарё бўйларидаги кучли жанговарлар Ғарбий Осиёнинг бутун хазиналарини, қимматбаҳо ашёларини Самарқандга ташидилар. Барча мамлакатлар элчилари, элчи ҳайъатлари мағрур жаҳонгирнинг оёғи остига қимматли совғалар келтирдилар ва табриклар, тақдим этдилар. Шундай эса-да, Темур жаҳонгирлик шуҳратидан қаноатланиб қолмади, дахшатли юришларга ҳаваси сўнмади. Беш йиллик осойишталикдан сўнг у 799 (1396) йили яна юришга ружуъ қилди. Аму соҳилида унга атаб хотинлари, қизлари ҳам соқчилари гўзал расм-русм ўтказдилар. Бу ернинг таомили бўйича, унинг устига ақчалар — олтин пуллар ва жавоҳирлар сочдилар. Мингларча безатилган отлар ҳам хачирлар унга табрик ҳадяси сифатида тақдим этилди. У отасининг қабрида шукрона фотиҳа билан тиловат қилди. Узининг йўқлигида қурилган гўзал биноларни кўрди. Шундай дабдаба ва тантана билан Самарқандга кирдики, уни тасвирлаш учун қалам ожиздир. 63 ёшлик соҳибқирон жуда кўп ғалабалардан кейин бу ерда ёш малика Тўқол хотунини кучоғига олди. Янги бино қилинган гўзал сарой — «Дилкушо»ни унинг ихтиёрига топширди. Жуда кўп тўйлар, байрамлар, пойғалар, от ўйинлари бошлади. Бу айшу ишрат шов-шувлари Темурда қурол товушларининг ҳавасини кўзғатди шекилли, у, пойтахтида фатҳ этган ерларни ўғиллари орасида тақсим этгандан сўнг, яна уруш отига миниб, лашкарларини узоқроқ мамлакатларга олиб кетди. Жаҳонгир номига тўлиқ лойиқ бўлиши учун унга жанубда Ҳиндистон, ғарбда Рум (Византия) етишмас эди. У Ҳиндистон деганда мусулмон Осиёнинг энг кўп бойлик тўплаган мамлакатини, Рум деганда энг буюк шавкатли фаҳмлар эди. Бинобарин, Темур буларни ўз футухотига қўшиб олмасдан туролмасди. Унинг илк мақсади Ганг ва Ҳинд дарёлари орасидаги ерларни эгаллаш эди. Унинг набираси Пирмуҳаммад аввал Ҳирот йўли билан бориб Мўлтонни ишғол этди. Лашкар бу сафар Темурнинг ўз қўмондонлиги остида нақадар зўр ва дахшатли равишда йўлга тушди. Ўзи Балх орқали Ҳиндикушнинг қорли чўққилари бўйича кетди. Киши вужудини зирқиратадиган совуқлар ҳамда тоғлар билан бўлган қизиқ тўқнашувларнинг ҳеч бири Темурнинг юришига халақит бера олмади. У улкан қоялардан арқонга осилиб тушишга амр этди. Ўзи ҳам шундай тушди. Душманларига дахшат солди. Темур Кобул воситасида Ҳиндистонга кириб борди. У юрган тоғ сўқмоқларидан, орадан 40 йил ўтгач, Европа

... давлатининг аскарлари мазкур қабилалар билан тўқнашиб, қонли мағлубиятга эришди. Темур қўшинлари. Ҳижрий IX асрнинг арафасида Ҳинд дарёсини кечиб ўтдилар. Темур қўшини Ситилиж соҳилларида ўғлининг чериги билан қўшилиб, Дехлига, Султони Маҳмуднинг пойтахтига сафар қилди. Асирларнинг бениҳоя кўплиги сафарнинг суръатига монелик қилди. Шунинг учун у асирларни юз минглаб қатл этишга буйруқ берди. Бу жуда ёмон буйруқ эди. Ҳар бир аскар ушбу буйруқни бажаришда иштирок этишга мажбур эди. Ниҳоятда юмшоқ бўлган аллома Насриддин ўзининг 15 ҳиндли қулларини қанчалик даҳшат ва нафрат остида қатл этиши лозим бўлганини тарихчилар нақл қиладилар. Темур илгари душманини урушга солиш учун ўзини заиф ҳолда кўрсатар эди. Бу савқулжейш (стратегия) ҳийласига бу ерда ҳам эришди. Ҳиндистонлилар унга тез ҳужум қилдилар ҳамда бутунлай мағлубиятга учрадилар. Ҳиндистоннинг бойлик ва саноат маркази ҳисобланган Дехли шаҳри ўзининг хазиналари ва уста аҳолиси билан баробар турк фотиҳининг қўлига тушди. Муқаддас шаҳар саналган Митранинг қисмати ҳам шундай бўлди. Даҳшатли қўрқув бахтсиз вишнуйларни умидсиз қилди, уларга нажот бермади. Уларнинг муқаддас санамлари хароб этилди, бутлари синдирилди. Темур Ганг дарёсининг бошланишигача бориб, ҳар ерда ўлим ва хароба қолдирди. У 801 (1399) йилнинг апрелида Самарқандга қайтди. У билан бирга кўп Ҳиндистон филлари, рассомлари ва бошқа асирлар келтирилдилар.



Темур. Рембрандт асари

Темурнинг Ҳиндистонга сафари унинг салафи, мўғул жаҳонгирининг ҳамда улардан кейин ўтган Нодиршоҳнинг ҳинд юришлари каби жуда дабдабали ҳарбий қаҳрамонлик ва ўлжага эга бўлишдан иборат эди. Аммо Ҳинд ва Ганг соҳилларида темурийлар байроғини асосли ўрнатмоқ юз йилдан кейин доҳий Бобур мирзога насиб этди. Бунга қарамай, вақтинча бўлса-да, бу муваффақият Темурнинг обрўсини янада юксалтирди. Унда кучли Рум подшолиги ила жанг қилиш ҳавасини кўзғатди. Гарчи унинг Фарбаги аввалги муваффақиятлари таъсири ҳамон мавжуд эса-да, аммо истилочилик заминига қурилган подшоҳлик биниси кўп жойларда ниҳоятда заифлашган ва қақшаган эди. Бу жиҳатдан қараганда, унинг ўғли Мироншоҳнинг заиф идораси Озарбайжонда ҳақли норозиликлар ва исёнлар келтириб чиқарди. Қисқаси, Темур ўзининг пойтахтида қисқа вақт дам олиб, Фарбий Осиёга қарши янги сафарга ҳозирлик кўра бошлади. Темур гуноҳкор ўғлига шафқат қилиб, унинг дўст ва маслаҳатчиларини йўқотгач, Ҳирот ва Қазвин орқали Араксга азимат этди. Энг аввал Гуржистоннинг осий князи Малик Георгий билан ҳисоблашишни истади. Бу бечора Темурдан қочиб, юриб бўлмас тоғ кавакларидан ҳамда қалъалардан паноҳ излади. Унинг аскарлари ҳар жойда қувғинга учради, унинг қалъалари ва пойтахти Тифлис забт этилди. Темур қисқа, лекин машаққатли сафардан кейин ўзининг лашкароҳини Қорабоғнинг гўзал даласига қурди. Туркистон чўлининг ҳарбийлари бу машаққатли сафардан кейин дам олиш имкониятига эришсалар-да, лекин уларнинг улў бошлиқлари ўзининг биродар ҳумоюни усмонли султонига, Султон Боязидга уруш эълон қилиб қўйди. Бунинг сабаби қуйидагича. Аввало, шавкатли

Румонинг вориси саналгучи бу султоннинг ҳоқимияти Темурнинг кўзида чўп бўлиб турар, сонан, Боязид туркманларнинг Қорақуюнли хонадони билан иттифоқ эди. У бутун турк қабилаларининг мустақил ҳоқими бўлгани учун салжүқийларнинг бутун амирларини итоат эттиришни лозим биларди. Шунинг учун Темурнинг унга нафрати чексиз эди. Ана шу тариқа Осиёнинг ғарбидаги ҳам шарқидаги турк ҳукмдорлари орасида даҳшатли ва ваҳшиёна уруш бошланди. Бунинг тафсилоти тўғрисида мусулмон ҳам насроний тарихчилар бизни даҳшатда солурлик ҳикоялар қолдирганлар. Оқибат бу уруш ҳам турк жаҳонгирининг фойдасига ҳал бўлди.

Темур илгари миср султони Феруж билан ҳисоблашишни истаган эди. Чунки унинг отаси Темурнинг элчиси аллома Совани қатл этган. Шунинг учун Сованингни ўғли ҳам даҳшатли қасос олишни ният қилганди. Турклар тўсатдан Сурияга ҳужум қилиб, унинг маъмур шаҳарларини хароб этдилар. Суриядаги бу муваффақият турклар билан араблар ўртасида низо яратди. Ана шундан кейингина, 805 (1402) йилнинг баҳорида, Темур Боязидга қарши йўналди. Боязид куч ва қудратда Темурдан унча ҳам кам эмасди. Мана шу тенглик сабабли у ўзининг душманини йўқ қилишга тушди. Ўзаро ихтилофни битим билан ҳал қилишни ҳам хоҳламади. Лекин Темур ҳам урушни жуда илтимос қилдирадиган одам эмас эди. У Сивасдан Қорашаҳр орқали Анқарага юрди. Худди шу жойда икки лашкар ўртасида қонли жанг бўлди. Усмонлилар батамом енгилдилар. Султон Боязид ўзининг ҳарами билан бирга ғолиб туркнинг қўлига асир тушди. Темур бу шавкатли ва муҳим ғалаба билан Кичик Осиё (Онатўли)ни забт этди. Шу юришда Измирга етиб олди. Агар денгизнинг шўр сувлари тўсқинлик қилмаса, у Европага ҳам бир зиёрат қилган бўлур эди. Унинг лашкари элларни талон-тарож қилиб, хароб этиб бўлгач, у 807 (1404) йилда Самарқандга тўққизинчи марта тантанали кириб келиш маросимини ўтказди.

Яна шикорлар, тўйлар, бениҳоя мажлислар бошланди. Бу шодиёна йиғилишда бутун Осиё мамлакатларининг элчилари билан бирга Европа ҳукмдорларидан, жумладан, энг насроний ҳисобланган Испания давлатидан вакил ўлароқ Дон Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам иштирок этди. У Испания қироли Генрих III тарафидан Темурга дўстлик билдиришга юборилганди. Темурнинг базмларда, сарой дабдабаси ичида унинг ҳаёт лаззатига берилганини кўрган киши, бу одамнинг толмас ҳарбий эканини жуда зукколик билан кашф эта оларди. Лекин унинг бу қисқа вақтли истироҳатлари, ҳатто жуда қариган чоғидаги истилочилик режаларини ўйлаш билан ғалаба тождарини йиғиш машғулотида иборат эди. Турли элчиларга расмий қабул мажлисида ҳам Темур Хитой императорининг элчисига ўзининг кўнгли бўлмаганини аёнлашган эди. Бинобарин, бутун Осиёнинг ярмисини фатҳ этган шавкатли Камбала (Хитой) ҳукмдорининг элчиси уни йиллик хирож тўлаб туришга кўндирмоқчи бўлганда, Темур ғазабига чидай олмаган эди. Масҳараланган иззат нафси унга ҳеч бир тинчлик бермади. Уруш бўлиши аниқ эди. Моҳир ҳарбий қаттиқ қиш ўртасида бениҳоя кўп, яши қуролланган лашкар билан «Самовий чечаклар подшоҳлиги»га қарши сафарга чиқди. Самарқанд ортда қолди. 1405 (807) йил 4 январда, ёмон ҳаво сабабли, унга қаттиқ совуқ теғди. У бунга аҳамият бермай, бўз Сирдарёни кечди. Февралда Утрор яқинида ўрдугоҳ қурди. Бу ерда унинг касали шу даражада авж олдики, сарой табиби Мавлоно Фазлulloҳ беморнинг ҳоли умидсиз эканини тўхтовсиз эълон этди. Ўлим билан юзларча марта юзма-юз келган Темур ҳаётининг бу сўнги дақиқаларида ўзининг қаҳрамонлик вазифасига содиқ қолди. Уни ўраб олган болалари, набиралари ҳамда қуролдош дўстлари дунёдан кўз юмаётган олий ҳукмдор учун аччиқ кўз ёши тўккан пайтда, у ҳаммасини ўзаро иттифоқ ва дўстона ҳаёт кечириларини истаб, ўзига ворис этиб тайинланган Пирмухаммадга итоат этишларини васият қилди. Унинг ҳузурига набираси Мирзо Халил Султонни ва бошқаларни чақириш учун ижозат сўраганларида, у ўзининг ҳаёти жуда оз қолганини айтиб, бунга салбий жавоб берди. Ўзининг суюкли ўғли Шоҳрух мирзони бир кўриб қолмаганига афсусланди. Шундай кейин тез ҳолдан тойдди. Бир ишора билан мулло Ҳайбатуллонинг Қуръондан бирор сўра ўқишини илтимос қилди. 807 (1405 йил, 17 февраль) йил шаъбоннинг 7 куни кечқурун жон таслим этди. Унинг жасади Самарқандга олиб келинди. Бу ерда ўзи ихлос қўйган имоми Саид Барака учун қурдирган муҳташам бинодаги турбага дафн қилинди. Саид Барака Темурга унинг иқтиқоблидаги шон-шавкатни ғайбдан хабар берган эди. Энди буларнинг ҳар иккиси бир гумбаз остида мангу истироҳатда ётадилар.

Темур 72 ёшида (1333 — 1405) вафот этди. У умрининг ярим муддатида Мовароуннаҳрда мустақил ҳукмдорлик қилди, сўнгра бутун мусулмон шарқида ҳоқим бўлди. Ягона шуҳрат, ҳарбий даҳо ва қатъиятлилик хосиятлари билан у жуда ҳақли равишда Македониялик Искандар, Цезарь, Чингиз ва ундан сўнг ўтган Наполеон билан бир сафда турадир.

... Темурнинг ҳаёти ҳамда ишлари хусусида тарих тартиби бўйича, китобнинг ҳажми кўтарганича ҳикоя қилиб, кейинги бобда, заифгина бўлса-да, унинг саройини, пойтахтини тасвир этиб ўтамиз. Чунки Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз энг дабдабали давр бўлиб, турк халқи учун шундайин зиё бердики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар. Жайхун ва Сайхун дарёларининг нариги тарафида-

маданияти асосини Туркистон чўлларининг юмшоқ тупроқларига кўчиришни ният қилган эди. Бунга таассуф билан қараш мумкин. Лекин уни жиноят деб ҳисобламаслик керак.

Темурунинг шу маслаги унинг азиз ватани Урта Осиё учун ниҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқдир. Қамбала, Ғазна. Бухоро саройларида ва бошқа сулолаларнинг пойтахтларида ҳеч қачон Самарқанд саройидагидек давлат ва бойлик тўпланмади. Бу ердаги давлат ва шавкат исроф этилмади. Темурунинг бойлиги ва тўйлари тўғрисида Шарафиддиннинг ҳикоя қилганлари олдида татар императори (яъни Чингиз — С. А.) саройининг кўз қамаштирадиган гўзал лавҳалари ҳечдир. Христиан элчиси дон Рюи Гонсалес де Клавихо у лавҳаларни гўзал тасвирлашидир. У кўп нарсаларни кўрган, у ҳамма нарсани кўрган, чунки Темурунинг ҳурматида бўлган, унинг бундай юксак илтифот кўрсатганини Темурунинг расмий қабул пайтида сўзлаган қуйидаги сўзи ҳам тасдиқлайди. Темуру ўз вазирларига хитобан юфтихор билан шундай деган: «Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини кўрингиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюғидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улўф халқлардир. Ўғлим, мен ҳам Испания подшоҳига ўзимнинг эҳтиромимни кўрсатмак истайман».

Биз Самарқанд саройини таъриф этганда, ўзимизга ҳужжат олижаноб Испания бекзодасини танладик ва унинг хотираларига суяниб, сарой одатлари, маросимлари ва нафис асарлари хусусида сўз юритамиз.

Темуру ўз салтанат тахтини қанчалик инқиروز ва харобаликка учраган хонадонлар ҳамда мамлакатлар заминига қўрган бўлса, уларнинг барчасидаги урф-одатлар ва маросимларни ўз саройида тўплади ва тараққий эттирди. Сарой аъёнларининг ипак, духоба ва атлас кийимлари араб ёки мусулмон расм-русумида тикилган эди. Саройдаги аёлларнинг либоси, хусусан бўрк, шокила қадимги Эрон ва Хоразм урфига хос эди. Сарой хонимлари олтин уқа билан безатилган узун қизил кийим (қабо — С. А.) кияр эдилар. У кийимнинг ёқаси бўйинини қисиб турадиган, ўзи енгсиз бўлган, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсус жориялар кўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан ўн беш кишига етарди. Юзга ҳижоб тугтанлар. Сафарда чанг-тўзандан ва ҳавонинг таъсиридан сақланиш учун юзларига оқ кўрғошин тусидаги упа қўйилган. Қизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли қалпоқ кийишган. Қалпоқ усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатилган, атрофида тишли қош бўлиб, ундан гўё оқ парлар «тўкилиб» турган. Бу патларнинг баъзилари то кўзларигача тушиб юрган вақтдаги ҳаракати билан юзга ўзгача гўзаллик берур эди. Темуру саройидан четдаги кўпгина аёллар ҳам Кичик Осиёнинг жуда қимматли жавоҳири-ю, Исфаҳон, Мўлтон, Ганжа, Дамашк, Бурса, Венеция заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берганларидек, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарларини кўрсатиб, кўзни қамаштирар эдилар. Эртақлардагидек кўп бойлик — кумуш ва олтин совут ҳам салтанат ерларида тез-тез кўзга ташланиб турар эди. Клавихо чодир ичида кўрган катта бир олтин сандиқни қуйидагича тасвирлайди. Унинг ялпоқ қопқоғи яшил ва кўк минозмалдан ишланган кичик қуббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандиқнинг қопқоғи эшикка ўхшаш, ичида бир неча қатор қадаҳлар терилган, дурлар ва жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти донна олтин ёмби ҳам бор эди. Бу сандиқнинг ёнида баландлиги бир метрча келадиган олтин хонтахта бор, унинг атрофи жавоҳир билан безатилган, устида эса икки метр узунликда бир забаржад бўлиб, у бутун хонтахтани эгаллаган эди. Унинг рўпарасида эман шаклида ясалган бир олтин дарахт; унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигида, атрофга ёйилган шохлари яшил билан қопланган. Бу дарахт мевалари ўрнида жуда кўп қизил ёқут, забаржад, феруза, сафир ва ажойиб, йурик дурлар шохларга осилган, япроқлари турли рангдаги мино билан ишланган, бутоқларидан олтин қушлар бор. Шаҳзодаларга берилган ҳар бир нарса катта кумуш товоқларда тақдим этиларди. Хоқоннинг оила аъзолари олтин косалардан фойдаланар эдилар. Шароб мажлисларида кўп вақт мингларча кишилар иштирок этар, шароб доимо олтин лаганларга қўйилган тилла қадаҳларда берилар эди. Темуру саройининг фавқуллода дабдабаси ва давлати тўғрисида шулар бир тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Бизнинг ровийимиз (Клавихо — С. А.) Темуру саройи улўғворлигини авжи камолга етган даврида зиёрат қилиб, Самарқанд атрофидаги Кониғул чўлида, чодиргоҳда тўй пайтларида кўрган ажойиботнинг ҳаммасини тасвирлашдан ожиздир. Турклар ҳар доим енгил чодирларда умр кечирганлар, бинобарин, уларнинг бойликлари, номдорликлари, безаклари бу кўчма юртларда кўзга яққолроқ кўринади. Темуру бутун ер юзидаги туркларнинг энг буюғи, энг шавкатлиси бўлгани учун ҳам бу чодирларда ҳозиргача кўринмаган шавкат ва шашааларини намоён этиши табиийдир. Темуру иқоматгоҳининг ҳақиқий зийнат ва ҳашаматини, шаҳарнинг шимолий шарқ тарафида бир милча чўзилган Зарафшон ва ҳисобсиз ариқлар билан суғориладиган чўлда ўтказилган тўй манзарасини тасвирлаш учун киши ўз кўзи билан кўриши зарур. Бундай чодиргоҳ (хиргоҳ) ўн-ўн беш мингдан иборат бўлиб, улларда сарой аҳли, вазиру вузаролардан ташқари аҳолининг турли табақалари ҳам жойлаша олулар. Бу ерда шаҳарлик барча ҳунармандларнинг бутун намояндалари ҳозир бўлиб, энг молдор дўконлар очилар, ҳунармандлар ўзларининг устaxonаларини қуришар, ҳаттоки, ҳаммомларга ўхшатмалар

ясалар эди. Аввало подшоҳ саройи учун чодир қурилган. Чодиргоҳ очиқ, соябон шаклида ясалган; сарой чодирлари одатда марказда ўрнатилган. Кейин бошқа чодирлар тикланган. Ҳар бир оила қаторини, ҳар бир вазир, ҳар бир тумангози ўзининг расмий тикланган. Ҳар бир оила қаторини, ҳар бир вазир, ҳар бир тумангози ўзининг расмий унвонига тегишли чодирнинг ўрнини ҳамда қаерда туришини билган, ҳеч қандай ноунқиқликка йўл қўйилмаган. Гўзал Конигул чўли қисқа бир муддатда ўзининг чодирлари тепасидаги байроқчалари бепоеън лолазорга ўхшаб, эл-улуси билан яшнаб турган ажойиб, катта гул боғчасига айланган эди. Чодирларнинг аксарияти доира сифат кигиздан иборат эди. У тарафда ҳозир ҳам шундай чодирлардан фойдаланадилар. Шу орада баъзи ўзига хос бўлган арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло сарпардалар (ҳижаб-би сарой) ҳам бор эди. Кастилиялик олижаноб меҳмон шуларнинг биттасини кўриб ҳайрон қолган эди. Тўртбурчак шаклидаги бу чодирнинг эни юз қадам, баландлиги уч найза эди. Кўшк шаклидаги ўрта қисми кўк рангли ва одам танаси йўғонлигидаги ўн икки дона олтин устунда туради. Чодир тепасида ярим карра шаклида ром бўлиб, устунларга тортилган ҳарир шоллар шамолда ҳилпираб, қабариб, ярим қавсни ташкил этарди. Бунга шуни илова қилиш керакки, кўшкнинг ҳар тарафида катта эшик бўлиб, унинг ҳар бири махсус кесакига беш юздан зиёд ҳарир иплар билан маҳкам боғланган эди. Кўшкнинг ташқари томонига қора, сариқ, оқ ранг берилган; у зардўзи чўғдек қизил гилам ва турли рангдаги ипак гуллар билан безатилган эди. Ён тарафларидаги ярим қабоқнинг ўртасида, тўрт бурчагида қора қушлар қанотларини очиб учмоқда. Тўрт бурчақдаги устунлар доира ва янги ой расмлари билан безатилган. Бешинчи — марказий устунга жуда катта ҳажмдаги шундай безаклар ишланган. Узоқдан саройга ўхшайдиган бу кўшк миноралар билан безатилиб, баланд деворлар билан иҳота қилинган. Подшоҳ хотин-қизлари учун ҳам алоҳида аъло чодирлар тикланган эди. Улар сариқ рангда, олтин нақшлар ипак билан тикилган, ташқи томонига эса уқалар тутилган. Ҳаммасининг эшиги катта-катта, уларнинг барчасига от миниб кириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси деразали. Чодирнинг ҳавосини янгилаш учун бу деразалар ташқарига очилганда, ипак тизимча билан тортиб қўйиларди; унинг ҳарир пардалари кўёш нуруни тўсиб туради. Тўғри, энг аъло нарсалар, бу замондаги каби қутилардаги холлар ва эшиклардаги безаклар эди. Буларнинг аввалгилари ниҳоятда маҳорат билан ишланган кумуш ва олтин нақшлар билан зийнатланган, Темурнинг Бурсадан келтирилган бир дарвозасида ховарийлардан (апостоллардан) Пётр ва Полнинг расми бор эди. Кейингилари эса ноёб тошлар билан безатилган, оғир, олтин ва кумуш симлардан иборат эди.

Уқувчига «Минг бир кеча» ҳикояларини эслатадиган бу чодирларда шоҳона меҳмондорчилик ва шаробхўрлик бўларди. Бизда турк таомларининг муфассал рўйхати йўқ. Лекин бунга тааллуқли айрим ривоятларга қараганда, энг сеvimли таомлар — қўй гўшtidан қовурма, от гўшти, ҳозиргидек тайёрланадиган палов, хамир овқатлар, фаво (мевали торт) ва чучук лочира эди. Энг лаззатли овқат — отнинг тўғралган сон гўшти ҳисобланарди. Уни олтин ва кумуш лаганда узатишарди. Аммо уста тўғровчилар томонидан тўғралган қовурмалар чарм дастурхонларга қўйилар эди. Подшоҳ биринчи луқмани тановул қилгач, атрофдагиларга рухсат берилар эди. Тўғралган гўшtidан иборат ош наҳорга берилар, ёз мавсумида, одатда, овқат билан бирга қовун ва узум тортилар эди. Кейин шароб бериларди, ўша вақтдаги Ўрта Осиё таомилига кўра, шаробхўрлик подшоҳнинг бевосита раҳбарлигида давом этарди. Унинг рухсатисиз ҳеч ким, уй аъзоподшоҳнинг бевосита раҳбарлигида давом этарди. Унинг рухсатисиз ҳеч ким, уй аъзолари, ҳатто меҳмон ҳам шароб ичишга журъат қила олмас эди. Шароб, чоғир, буза, шакарли қаймоқ ва қимиз уларнинг сеvimли ичкиликлари эди. Шароб ҳаммасидан олдин тортилар эди. Базмнинг бошланишида соқийлар шароб узатарди. Улар чўк тушиб, бир қўлларидаги лаганчада қадаҳ тақдим этадилар, иккинчи қўлларида ипак сочиқ тутиб, меҳмоннинг либосини шароб тўкилишидан сақлайдилар.

Таомил бўйича, қадаҳлар бир неча давра тутилгач, таклиф тўхтатилади, катта қадаҳлар қўлга олинади, уларни Темурнинг соғлигига кўтарадиган одам сўнги томчисини қолдирмай ичмоғи лозим. Осиёда, у замонларда, ҳозиргидек шароб ичишдан мақсад кайф қилиш эди. Фақат Темурнинг тенгдошлари ва ёки замондошлари овқат ейиш ва шароб ичишда ажойиб бир маҳоратга эришган эдилар. Кимлигидан қатъи назар, маст бўлиб ерга йиқилса, ёки қизиқ қилиқлар қила бошласа, уни масҳаралашарди, «таниқли» маст кишилар эса, кенг майдонда бўлгани сингари, ботир номини олар эдилар. Туркларнинг ҳиссиётига фақат катта нарсалар таъсир этгани туфайли, дастурхонга жуда кўп бутун қовурма отлар ва ниҳоятда катта чоғир чирпитлари қўйилгандан кейингина базм мажлиси энг аъло саналар эди. Клавиҳонинг ривоятчи, уч челақ чоғир сиғадиган бу катта чирпитларнинг жуда кўпи Темур чодирининг олдида тизилиб турарди. Бошқа чодирларнинг турли жойларида шароб ёки шакарли сут билан лиқ тўлган чирпитларни кўриш мумкин эди, муайян соатлардагина уларни ичиш учун кишилар таклиф этиларди.

Маълумки, бу ерда қизиқчилар, муқаллидлар, кўзбойлоғичлар, дорбозлар деярли кам эди. Буларнинг кўпчилиги Ҳиндистондан, Каширдан келар эдилар. Мазкур тўйларда хонимлар ҳижобсиз иштирок этардилар, маликалар изн ом (оммага рухсат этилган) базмлари: ясар, унда эркалар, ҳаттоки насроний элчи ҳам қатнашар эди. Ислон ва Ўрта Осиё турмуши билан таниш кишиларга бу ғайритабиий туюлади. Испания элчиларининг ривоятларига кўра, биз Мироншоҳнинг хотини катта меҳмонлар

йиғилишида берган бир умумий зиёфатни биламиз. У қирқ ёшлик семиз бир хонзода эди. Турк гўзаллари ушбу мажлисда шароб таъсири билан хушчақчақ сўзлашдилар. Бу зиёфатда ёш йигитлар ва катта баҳодирлар соқий бўлиб хизмат қилдилар. Бошқа бир пайтда подшоҳ ойм, яъни Темурнинг катта хотини мовут деворлар билан ўралган, олтин нақшлар ва ёзувлар билан зийнатланган олий чодирда катта тўй қилди. Хотинларга шароб тақдим этиш янада назокатлироқ эди. Бири олтин кўза, бошқаси олтин қадаҳ ҳам олтин даста тутарди. Улар уч марта тиз чўккандан кейин хотинларга яқин келарлар; соқийбоши маликаларга тегмаслик учун қўллариги рўмол ўрар эди. Лекин бу жузвий такаллуфот Темур саройидаги латиф жинснинг базм мажлисидан маст ўлароқ ҳолатига моне бўлмас эди. Негаки, Эроннинг назокатли хонимлари ҳозирги замонда ҳам шундай қиладилар.

Темур ҳар бир муваффақиятни (триумфни), ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ғишт терувчиларини, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гўзал иморатлар қурдилар. Мусулмон Осиёси икки юз йил мобайнида турк қўшинларига лашкаргоҳ бўлганига, бу қитъада — Темур салтанатида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод қилганига мазкур иморатлар шоҳиддир. Нақадар ваҳший этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир. Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, ҳазрат Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саховат ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларни қурдиришда кўрсатди. Ўзининг она Ватани ва ўзининг мангу истироҳатгоҳи бўлишга тайин қилинган биринчи шаҳарда, отасининг қабри устида олий мақбара бино қилди. Тўнғич ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурди. Ушбу масжиднинг кенг ҳовлисида мулалар фаровон яшаб, марҳумларнинг руҳини шод қилиш учун кеча-кундуз Қуръон тиловати ила машғул эдилар. Темур ғалабалари ва бахтининг илк даврида Кеш шаҳрига катта аҳамият бериб, уни Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантирган эди. Шу боис бу шаҳар «Куббатул илм вал адаб» унвонига эга бўлган эди. Хоразмдаги машҳур мадрасаларнинг мударрислари, Бухоро ва Фарғона уламолари унинг деворлари ортида ҳижратда яшар эди. Темур ўзининг пойтахтини ҳам шу ерда қуришни ният қилиб, гўзал Оқсаройни бино эттирган эди. Ун икки йилдан ортироқ вақтда бино қилинган бу сарой Эрон меъморларининг холис ишидир, улар бунда ўзларининг миллий услуб меъморлигига, аниқроғи, ғарбий ислом услубига содиқ қолиб, иморат пештоқига доира ва қўш аломатини тасвирлаганлар. Шунинг билан Турон фотиҳининг иқоматгоҳи Эрон шоҳларининг аломат белгилари билан безатилган эди. (Темурнинг аломат белгиси ушбу тарзда $\circ \circ$ қўйилган уч ҳалқадан иборат эди. Шиори: «Русти — рости». Бу ибора «Куч — адолатда» маъносини билдиради. Бу аломат унинг уч иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Фарғда ҳокимлигига ишора. Бу саройнинг (ўша замондаги бошқа иморатларнинг ҳам) энг кўркем ва олий мақомини унинг пештоқи ташкил этади. Пештоқ бутун иморатнинг юқори қисмини эгаллаган, катта, шакли ярим ойга ўхшайди. Хитой кошинлари, арабий нақшлар, гуллар ва ўймакорлик билан безатилган. Бу кошинлар Кошон шаҳрида ясалгани сабабли — коши деб аталади ва ҳозирги кунда ҳам шундай аталади. Деворнинг ташқи томони кўк ва олтин рангдаги арабий нақшли кошинлар билан зийнатланган, уларнинг замини олий кошинлардан иборат. Бу бино ҳайратга соладиган гўзал бўлиши керак.

Марви замон билан Самарқанд Кешга тенг келарди. Дарвоқе, Самарқанд Темурнинг пойтахти бўлди, ўзининг кенглиги, аҳамияти ва гўзаллиги билан улўф шаҳарлар даражасига кўтарилди. Испания элчиларининг ривоятчи, Самарқанд Ишблия (Севилья) дан кенгроқ эди. Лекин бунда арк билан қалъа, яъни шаҳарнинг ички қисмигина эътиборга олинган. Аммо шаҳарнинг энг гўзал ва ҳашамдор қисми ташқарида бўлиб, бир ярим, икки милга чўзилган боғлар, улардаги сайргоҳлар ва хоқон ўйин-кулги қиладиган жойлар (ишратхона) ҳисобга олинмаган. Шарқ томонда «Дилқушо» саройи бор, шаҳарга қараган эшигига «Дарвозаи фируза» деб ҳал билан жуда чиройли ёзилган. Бу саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузли кошлар билан безатилган пештоқи узоқдан ялтираб турар эди. Саройнинг ташқи ҳовлисида хоқон саройлари бор; бунда қуролланган аскарлар турадилар, ички ҳовлида эса, туғлар билан безатилган олти фил сафи зиёратчиларни ҳайратга соларди; фақат энг ички — учинчи ҳовлидагина Темур олтин нақшли тахтда ўтириб, зиёратчиларни қабул қилар эди. Бу ҳовлиларнинг ташқарисида ҳозирги Эронда бўлгани каби олма ва чинор дарахтлари билан ихота қилинган ҳовузлар бор, уларнинг суви, шодравони — фавворасида қизил ва сариқ олмалар ўйнаб туради.

Жануб томонда «Боғи биҳишт» саройи бор, у гўзал меъморий услубдаги қувончли оширадиган боғи билан машҳурдир. Шарафиддиннинг ривоятчи, бу сарой хандақ билан ихота қилинган сунъий тепа устига Табризнинг соф оқ мрамаридан бино этилган, бир неча кўприклар шу боққа уланган, бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бор. Темур бу саройни ўзининг ворисларидан бири — Мироншоҳнинг қизига ҳадя қилган эди. У бу

неварасини жуда ҳам севгани учун бутун бўш вақтларида унинг хилватхонасида (эрми-тажиди) бўларди. «Боғи чинорон» ҳам шаҳарнинг шу қисмида эди, гўзал йўллари, йўлларни беазаган кўркем чинорлари бор эди. Бу ерда, боғ ичида, сунъий тепада салиб шаклидаги қаср қад кўтарган. Унинг ташқариси Шом наққошининг моҳирона ижоди билан, ичкариси гўзал сурат ва лавҳалар билан зийнатланган, қимматбаҳо буюмлар билан лиқ тўла эди. Масалан, оғир қумуш қуббалар, тахтлар ва бошқа маиший қимматбаҳо ашёлар эртақлардаги ажойиботни эслатарди.

Яна «Боғи шамол» билан «Боғи нав» саройлари тилга олинади. Бу сарой тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам. Унинг мармар гуллари ажойиб, ҳайратли эди. Замини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли эди.

Самарқанднинг шавкатли давридан қолган асарларни ҳозирги заиф ҳоли билан қиёс қилинса, бугунги муҳташам биноларнинг тавсиялари муболағали туюлмайдди. Султон Худобанда тарафидан Султонияда юз йил илгари қурилган масжиднинг гўзаллиги Темур тарафидан бино этилган ҳозирги Самарқанднинг харобалари устида қад кўтарган «Масжиди шоҳ»нинг гўзал маҳобати билан тенглашолмас. Бобурнинг тавсифига кўра, унинг пештоқиға Куръон оятлари шунчалик йирик ҳарфлар билан битилганки, уни бир мил, ҳатто икки мил масофадан ўқиш мумкин эди.

Меъмориликнинг шундай услубида кейинроқ қурилган бинолар, масалан, Исфаҳондаги, Майдоншоҳдаги Масжиди кабир, Қум ва Машҳаддаги турбалар Темур ҳиммати билан бунёд этилган иморатга нисбатан такрорийдир. Кейингилар замонида, яъни Шоҳруҳ ва Мирзо Хусайн Бойқаро даврида Урта Осиёда иморат солиш ҳаваси ҳануз кучли эди. Ҳиротдаги Мусалло майдонининг харобаларида ва Машҳаддаги малика Гавҳаршод бегимнинг гўзал масжидларида бунинг нишонлари кўзга ташланади. Бу ҳаваснинг энг олий мақомга кўтарилиши фақат Темур замонида — «вахший, вар-вар» аталган Темур даврида бўлган.

Саноат ҳақида қуйидагича гапириш мумкин. Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йиғирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Чунончи, Самарқандда барча дин ва миллат кишилари жам эдилар. Клавиҳо бу ерда яшовчи аҳолини санаб, 130.000 дегани хато бўлмаса керак. Ушбу аҳволга кўра, Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори ўрнини олганини фаҳмлаш жуда осон деб ўйлайман. Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этиб, катта аҳамиятга молик эди ва ниҳоятда улўф миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва бўёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой бу ерга ипак газламалар, чинни косалар, қадахлар, мушк, қимматбаҳо ақиқ тошлар юборарди. Мамлакатнинг шимол тарафидан ноёб пўстинлар келар эди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорларида тойтой бойланиб, Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва буюк йўл орқали ғарбий Европага жўнатилар эди. Савдогарлар бир йўл билан Хоразм, Астробод, Нижний Новгород, Москва йўли билан Генуя кўлига борар эди. Иккинчи Ҳирот — Қазвин — Табриз — Трабзун йўли билан генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кема-ларига тушиб, Европага етарди. Ниҳоятда қўрқинчли, серуруш замонлар бўлишига қарамай, Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва сира хавфсиз эди. Биз қайта-қайта зикр этган Испания элчилари бунга энг ишончли орқали Самарқандга борган. Атрофида деярли соқчилари йўқ ҳолда, ғарбнинг ноёб ашёси юкланган кажавали карвонни улар манзилга безарар етказишган. Бу воқеа Анқарадаги қатъий тўқнашувдан кейин ва Ғарбий Осиёда бошбошдоқлик ҳукм сурган вақтда содир бўлган эди.

Темурнинг зуҳури билан Урта Осиё маънавий тараққиёти қандай кечгани ҳақида биз аввалги бобда айтиб ўтган эдик. Чунки бу тараққиёт Темурнинг авлод ва аждодларининг, яъни темурзодаларнинг хизматларига мансубдир. Урта Осиёда асл турклик даври Темурдан бошланади. Чунки хоразмшоҳлар ва салжуқийлар, гарчи маишат тарзи жиҳатдан турк бўлсалар-да, улар ғарбий ислом, эрон маданиятига мухлис эдилар, турк миллатининг ривожини учун жуда кам иш қилардилар. Нетонги, ҳозирги Эрондаги турк — қожар хонадони ҳам шундайдир. Темур ўз туркларининг мўғул-хитой дунёсининг устидан ғалабасини мужассам этди. У доимо ва ҳар жиҳатдан туркларга биринчиликни таъминлашга жаҳд этди. Гарчи унинг саройи ажнабий уламолар ва хунармандлар билан тўла эса-да, мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Ҳатто мўғул, уйғур билан тўла эса-да, мамлакатнинг расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан этадир. Шундоғ бўлса-да, у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва тақлиф сўзларига қулоқ соларди. Осиёнинг ярмини титратиб турган, тахти остида қанча шоҳлик хонадонларини яқсон қилган бу одам ўзининг сиёсий аҳдларини қуйидагича, жуда содда иборалар билан бошлар эди: «Мен,

тангрининг қули Темур, шуни айтаманки...» Кейинги хонларнинг ёхуд гадой Бухоро подшоҳларининг такаллуфли лақаблари билан бунинг орасида шу қадар фарқ каттаки...

Дарвоқе, Темур ўлкасининг шарқий қисмида, доимий уруш ва фитналарга қарамай, жаҳонгирнинг тириклигида тараққиёт, диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор эди. Тарих бизга ҳикоя қиладики. Имом Зайнулобидин сулоласидан бир улвий, яъни Шайх Саидали Ҳамадоний жаҳонни уч мартаба айланиб, тўғри йўл кўрсатиб, ваъз айтиб юрган. 786 (1384) йилда Амударёнинг бу тарафида, Хутталонда вафот этган. Ахлоқ ва тасаввуфга доир кўп асар ёзиб қолдирган. Нақшбандия тариқатининг асосчиси Шайх Хўжа Баҳовуддин Темур замонида яшаб, 791 (1388) йилда вафот этган. У ўша замонда Бухорода жуда ҳурматли киши бўлиб, Бухоронинг миллий авлиёларидан ҳисобланади. Унинг шаҳардан чорак соатлик масофадаги турбасини уч марта бориб зиёрат қилишлик узоқдаги Каъбага ҳаж қилиш билан баробар саналади. Дунёвий илмлар ичида тилга олишга лойиғи ушбулардир. Шоир Лутфулло Нишопурий — сарой шоири, шаҳзода Мироншоҳнинг маддоҳи эди. Ҳавас қиладиган мансабда эмасди. Чунки бу шаҳзода шаробхўр, бетамиз, фосиқ эканлиги маълумдир. Лутфулло ўз мансабининг вазифаси туфайли дурдона манзумаси билан бу ҳайвонни мақташга мажбур бўлди. Шундоқ эса, унинг шеърлари доимо тақдирланар эди. Темур ҳам уни жуда олий даражада мукофотлади. У 786 (1384) йилда вафот этди.

Шайх Камолиддин Хўжандий қасидалар ёзиш билан машҳур эди. Унинг адаши Камолиддин Исфаҳоний эса ўзининг ғазаллари билан шухрат қозонди. Унинг ватанини Тўхтамишхон забт этгандан кейин, ғолибнинг фармони туфайли бу шоир Идил соҳилидаги пойтахтга кўчишга мажбур бўлган эди. Илгари бу ер унга жуда маъқул келган эди. Лекин орадан тўрт йил ўтгач, у Табризга жўнади. Султон Ҳусайн Элхоний уни даъват этган эди. Бу ерда, унинг учун бино қилинган катта хонақоҳда яшаб, 792 (1391) йили оламдан ўтди. Шундан бир йил ўтгач, Самарқандда аллома Тафтазоний вафот этди. У 722 (1322) йилда Ироқда туғилиб, 16 ёшида шарҳ ёзган. У Ҳирот, Жом, Сарахс, Самарқанд, Ғиждувон, Туркистон ва Хоразмда яшади. У калом, фикҳ (қонуншунослик), наҳв (морфология) ва тафсири илмида шухрат топгандир. Унинг китоб ва рисолаларининг сони умр санасидан кўпроқдир.

Шоир. Аҳмад Кармоний Темур тарихини — «Темурнома»ни ёзган, улўввор соҳибқирон билан жуда яқин муносабатда эди, баъзан ҳаттоки унга қарши айрим ҳажвияларни ёзишга ҳам журъат этар эди. (Бир марта Темур Кармоний ва замонасининг бошқа адиблари билан бирга ҳаммомда эканлар, сўз одамларнинг шахсий хосиятлари ҳақида кечган. Аммо Темур шоирга савол бериб: «Агарда мени сотсалар, қанча баҳо қўяр эдинг?» деб сўраган. Шоир Кармоний жавоб бериб: «Йигирма беш динор» деган. Темур эътироз билдириб, «Менинг белимдаги камарнинг ўзи йигирма беш динор туради», деган. Кармоний «Мен шу камарни ҳисоблаяпман. Чунки сенинг ўзинг бир пул ҳам турмайсан» деб жавоб берган экан). Ҳозирги Осиёнинг бир неча ярим нодон подшоҳлари, бу журъат учун шоирни қатл этган бўлур эдилар! Темурнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган ажнабий уламо ва шоирларнинг сони ҳам аҳамиятсиз эмас эди. Бало даштида Мовароуннаҳрга ўзи олиб келганларнинг ҳаммасига соҳибқирон жувонмардона инъом ва эҳсон қилур эди. Истеъдодли бўлганлари, масалан, энг буюк қомусий арабий ёзувчи Жазирий жуда катта мансаб олди. Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгариде бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳақи олдилар. Умуман, Темур давлатининг қудратли даврида мадрасаларни таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди; ҳозирги кунда ҳам Бухорони зиёрат қилган кишилар бу осори атиқаларга ҳайрон қоладилар. Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унинг хонадони аъзолари, вазирлари ҳам мамлакатнинг бойлари — барча яхшилар мадраса-ю масжидлар, қироатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақа ўйнашган. Бинобарин, Урта Осиёнинг маънавий тараққиёти, билвосита бўлмаса-да, ҳарҳолда, Амир Темур хизмати ва ҳимматига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

Темурийлар

804 (1405) — 906 (1500)

Темур ворислари билан жаҳонгирлик майдонида ўзидан илгари ҳукмронлик қилган мўғуллар сингари бахтли бўла олмади. Мўғул ҳукмдори катта бир мамлакатнинг асосини тузди, ўғиллари ва ворислари воситасида уни кучайтирди ҳамда кенгайтирди. Темур эса, ҳокимиятнинг биносини баланд кўтарди; аммо унинг фарзандлари кучли суянчиқ бўлиш ўрнига, ноаҳиллик ва ўзаро урушлар қилиб, бу иморатнинг нураши ва емирилишига олиб келдилар. Чингизийлар Урта ва Фарбий Осиёда икки асрга яқин ҳукм сурди. Темурнинг ворислари эса, гарчи улар орасида ҳокимият ишларидаги маҳорати, порлоқ

истеъдоди ва олижаноблиги билан келажак насларни узоқ давр ҳайратга соладиган зотлар бўлса-да, салтанатни атиги бир асрга яқин бошқариб турдилар, холос.

Марҳум буюк Темурнинг Самарқандда дафн ва мотам маросими тамом бўлар-бўлмас, ворислар орасида дарров тож-тахт талашуви бошланди. Темурнинг Хуросон ҳоқими — оқил ва тадбиркор Шоҳрух мирзодан бошқа ўғиллари ўздан олдин вафот этган эдилар.

Темур ўзига валиаҳд этиб қаҳрамонлигига қаттиқ ишонган набираси — ўша вақтдаги Ҳиндистон ва Кобул ҳукмдори Пирмуҳаммадхонни тайинлаган эди.

Ёшлигини жанг майдонларида ўтказган Пирмуҳаммадхон кейинги пайтларда айш-ишратга берилиб, ҳукуматни бошқариш ишини ҳийлагар ва очкўз вазири Пирали Тозга топшириб қўйган эди. Пирмуҳаммадхон бобокалони Темурнинг вафоти ҳақидаги хабарни ишрат базмида олди. Бу пайтда Самарқандда, сарой доирасида қарорсизлик ва парокандалик ҳукм сураб эди. Агар Пирмуҳаммадхон шароб косаларини қўйиб, қўлига уруш қуролини олиб, дарҳол аскар тўплаб Самарқанд устига келганда, бувасининг тахтига эга бўлур эди.

Лекин у кечикди. Мироншоҳнинг Тошкентда яшаётган 12 яшар ўғли Султон Халил мирзо ҳаракат бошлади. У бу ердаги бир неча обрўли зобитларнинг қувватлаши билан буюк бобосининг тахтига даъвогарлик қилиб, тўсқинчиликсиз Самарқанд устига юрди.

У улўғ бобосидан қолган ҳазиналар воситаси билан ҳукумат бошига келди ва Пирмуҳаммадхонни тахтга ўтқозиш тарафдорларини ўз тарафига оғдириб олмоққа қарор қилди.

Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмуҳаммадхонни тахтга ўтқозиш тарафдорлари кучли бўлса-да, аммо Халил мирзо отни аввалроқ қамчилаб қолган эди: у Пирмуҳаммадхоннинг режаларини бузиб, Амударёнинг ўнг томонидаги ерларни ўз ҳоқимиятига қўшиб олишга эришганди.

Лекин бундан бир наф чиқмади. У ўзининг юмшоқ ва хаёлпараст табиати билан ҳукмдорга нисбатан кўпроқ шоир бўлиш учун яратилган эди. Халил бир томондан буюк бобосининг битмас-туганмас ҳазиналарини исроф қилиб, нуфузли аён ва киборлардан бир неча кишиларни ўз тарафига оғдиргани ҳолда, иккинчи тарафдан бобосининг садоқатли ходимларини бездирди ва қисқа вақт ичида анчагина душманлар орттирди.

Ривоятларга қараганда, Халилнинг Шодимулк исмли бир аёлни қаттиқ севиб қолгани норозиликларга сабаб бўлган. Шодимулк аввал Ҳожи Сайфуддиннинг канизаги эди. Халил тахтга мингач, унга ўйланди. Темур тириклик замонида бу жозибатор жорийани ўлдириб, Халилнинг ишқ ўтини сўндирмоқчи бўлган эди, аммо жория жазодан қочиб қутулган эди. Сўнгра Шодимулк, ҳукмдор хотини сифатида, ўзларининг аввалги жуда содиқ тарафдорларини эрига қарши қуроллантирди.

Биринчи бўлиб Туркистон вилоятига ҳамда Фарғонанинг бир қисмига ҳоқим тайинланган амир Худодод билан шайх Нуриддин Халилга қарши исён кўтардилар. Агар Пирмуҳаммадхон мерос даъвоси билан катта лашкар тўплаб, Амударёга яқинлашиб, Халилни кучли таҳликага солмаса, у ҳамон Самарқандда яшаб, гўзал маҳбубаси шаънига ғазал битиш билан овуниб ётаверарди.

Халил укаси Мирзо Султон Ҳусайн эса, Амударёнинг чап соҳилида ўз ҳоқимиятини тузмоқ қасдида исён қилди. Шу сабабли Халил аввало ўзи юборган аскар билан жанг қилди, сўнгра Мирзо Султон Ҳусайнга қарши аскар юбориб, Кеш вилоятининг Жийдалик деган жойидаги урушда ғалаба қозонди.

Ана шундан кейин икки тахт даъвогари ўртасида музокара бошланди. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Шу боис уруш янгидан, янада кучлироқ тус олди. Амударёни кечиб ўтган Пирмуҳаммад Насаф атрофида мағлубиятга учради. Урдагоҳию ашёсини ташлаб, зўрға қочиб қутулди.

Пирмуҳаммадхон яна бир марта ўз бахтини синаб кўрди, аммо бу сафар ҳам ғалаба қозона олмади. У бутун вужуди билан ичкиликхўрлик ва нодонликка берилгани сабабли унда аввалги қаҳрамонликдан асар ҳам қолмаган эди. Шундан сўнг орандан кўп ўтмади, Пирмуҳаммадхон Шибурғон яқинида 809 (1406) йилда, ўзининг чодарида машҳур вазири Пирали Тоз томонидан ўлдирилди. Ҳолбуки, Пирмуҳаммадхон Пиралини хизматкорликдан вазирлик даражасига кўтарган эди. (Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори бўлишни истаган Пирали Бекларнинг исёни туфайли Ҳиротга қочиб боради. Шоҳрух ўз биродарининг қасдини олиб, уни қатл этади).

Шу тариқа Халил жануб хавфсизлигини таъминлаган бўлса-да, бироқ шимол ҳаяжонли ва таҳликали эди. Чунки исёнчи Худодод ва шайх Нуриддин амирлар ва бошқа бекларни ўз тарафларига оғдириб, нуфуз доирасини кенгайтирмоқда ҳамда катта кўшин билан тўғри Самарқанд устига келмоқда эди.

Халил Арғуншоҳ ва амир Оллодод раҳбарлигида осийларга қарши лашкар юборди. Ваҳоланки, бу икки зот душман билан яширинча иттифоқда эдилар. Олижаноб, лекин бахтсиз Халил ўзини кўриқловчи, содиқ саналган кичик бир гуруҳ кузатувида қолган пайтда аскарлари унга хоинлик қилди ва у Шерор қальъаси харобаларида Худодод лашкарларининг тажовузига дучор келиб, асир тушди. Ўзининг собиқ тобеси ҳузур-

рига жўнатилди. У бу ерда тожу тахтдан воз кечिशга исёнчилар томонидан берилган Кошғар ҳокимиятини қабул қилишга мажбур бўлди. Шу билан баробар унинг энг катта фалокати, тақдирнинг кутилмаган зарбасидан эмас, балки дили-жонидан севган маҳбубаси Шодимулқдан айрилиш эди. Шу боис у ўзининг кўнглидаги барча ғам кудуратни кўз ёшлари аралаш шикоят тўла ғазаллар ёзиб, бўшатишга берилди. Зотан, бутун хазиналари билан Самарқандни эгаллаган, уни таҳқир ва масхара қилган, ҳатто малика Шодимулқни авомнинг энг расво ҳақоратига дучор эттирган Худододнинг бахти узоққа чўзилмади. Темурийларнинг энг каттаси Мирзо Шоҳрух ўша пайтда Ҳиротда яшар, нуфуз ва улўғворлиги энг банд мақомга етишган эди. У Мовароуннаҳрдаги бу ҳодисаларга лоқайд қарай олмади.

Шоҳрух — темурийларнинг энг машҳур ва олижаноб бир шахзодаси бўлиб, унинг саройи замонасининг фан ва маориф ўчоғи эди. Хуросоннинг маорифга мойил эрон унсури орасида у ўзини ниҳоятда бахтли ҳисобларди. Шу боис Мовароуннаҳрда ҳокимият масаласи ва отасининг вафотидан кейинги воқеалар унинг эътиборини қаттиқ тортарди. Лекин сулола манфаати таҳликага тушганлигини кўргандан кейин, урушни қанчалик севмаса-да, ўзини тутиб тура олмади.

Қариндоши Халилнинг фалокат хабарини эшитгач, дарҳол ўзининг лашкари билан Худододга қарши ҳаракат бошлади. Худодод урушга тайёр эмаслиги учун рижорона суратда унга итоат қилажagini билдирди. Шоҳрух бунга қарамай Самарқанд устига юрди ва шаҳар халқи тарафидан ғоятда тантанали равишда кутиб олинди. Худодод Тошкентга қочиб кетди ва мўғул хони Муҳаммадхондан бошпана сўради. Лекин Муҳаммадхон Шоҳрух каби иқтидорли бир зотга қарши курашга жасорат қилолмади. Аксинча, ўзининг биродари Шамъижохонга бу осий қочоқни тутиб олишни амр этди. Орадан кўп ўтмади: Худододнинг боши олинди, мўғул хонининг садоқати нишонаси сифатида Шоҳрухга тақдим этилди.

Шу тариқа Мовароуннаҳрда бир оз тинчлик таъмин этилгач, Мирзо Халилни эсга олдилар. Худодод ўлдирилгандан кейин Халил унинг биродари тарафидан Олтоғдаги қалъага кўчирилган эди. Шоҳрух ўзининг тўқсобоши (генерали) Шоҳмаликни уни озод қилиш учун юборди. Ғолибо, Мирзо Халил осий бекларидан — ўзини озод қилишга келувчилардан кўпроқ қўрққан бўлса керак. У ўзининг хавфсизлиги учун инobatли бир соқчи талаб этди ва унинг ҳимоясида Сирдарёнинг чап соҳилида турган Шоҳрухнинг ёнига кетди. Шоҳрух уни қучоқлаб қарши олди. Ҳар турли самимий дўстлик аломатини кўрсатди, ҳатто унинг жон-дилидан суйган маҳбубаси Шодимулқни ўзига қайтарди: у фақат тожу тахтдан маҳрум этилди. Шоҳрух уни бир оз тасалли топсин учун Ироқ ноиб тайин қилган эди. Мирзо Халил у ерга бораётиб, 812 (1409) йилда йўлда вафот этди. Ривоятларга кўра, ўзининг севиклиси ўлимидан кейин, Шодимулқ ҳам ўзини маҳв этибди. Айтишларича, у эри билан бир қабрга кўмилгандир.

Шоҳрух иккинчи йил яна бир мартаба қуролланиб, Амударёни кечиб ўтишга мажбур бўлди. Мовароуннаҳрда ҳокимларнинг алмашиб туриши, Халилнинг юмшоқлиги бекларнинг ҳаддан ортиқ журъат билан тез-тез ғалаён қилиб туришга одатлантириб қўйган эди. Амир Нуриддин шуларнинг бошида тургани учун тахтни олишга қасд этиб уруш бошлади. Лекин урушнинг бошидаёқ тўқсоба Шоҳмалиқдан енгилгач, Тошкентга қочди. Унинг шериклари қилган жиноятлари учун оғир жазога дучор бўлдилар.

Шоҳрух мирзо отасининг Сурия билан Арабистондан бошқа ҳамма жойларини ўз қўл остига олгандан кейин, Мовароуннаҳр тахтини тўнғич ўғли Улуғбекка топширди. Улуғбек отаси сингари аҳил киши бўлиш билан чекланмади, балки фан ва маорифга олижанобона майл кўрсатишда ундан ҳам ўзиб кетди. Темур сулоласидан исми ғарбдаги христиан дунёсида бир неча асрлар мобайнида ҳурмат билан ёд этилган бир зот бўлса, у ҳам Улуғбекдир. Унинг асл исми Муҳаммад Тўрғайдир. Буюк бобоси амир Темур вафот этган пайтда 15 ёшда, Мовароуннаҳрни бошқаришдек оғир иш топширилганда, у эндигина 19 ёшга тўлган эди. Аммо унинг хийла муддат давом этган подшоҳлиги темурийлар салтанатининг саодатли даври саналади.

Унинг отаси аҳолининг катта ҳурмат ва муҳаббатига сазоворлиги учун Турондаги тинчлик бузилмади. Гарчи мўғуллар кўп марта уруш очиб, уни жангга ундаб, ҳатто у бир гал Оқсувгада боришга мажбур бўлса-да, унинг ҳокимияти вақтидаги урушлардан фақат шимол тарафидаги бир тажовузни айтиб ўтиш жоиз. Чунки бу тажовузнинг фалокатли оқибати Мовароуннаҳр учун ҳам анчагина зарар келтирди.

Темур тарафидан Қипчоқ хони этиб тайинланган Қовурчоқнинг ўғли Бароқўғлон душманлар тазйиқига учрагани сабабли 828 (1421) йилда Туркистонга, Сифноқ атрофида кетишга мажбур бўлди. Бу қалъанинг кўмондони ҳар вақт, «Матлаъ ас саъдайн...» соҳибининг таъбирича, қипчоқ ва ўзбек сувориларининг тажовузидан шикоят билан ушбу Бароқўғлонга мурожаат қиларди. Шу боис бу қалъада ўзининг ҳақи борлигини маълум этди.

Улуғбек бунга қарши айнан ўзи боришга аҳд қилди. Отаси Улуғбекнинг лашкарбошлик иқтидорига у қадар ишонмагани учун ёрдамчи қилиб, иккинчи ўғли Муҳаммад Жўғуни юборди. Лекин Улуғбек унинг етиб келишини кутмасдан уруш бошлади ва Бароқўғлоннинг оз миқдорли мунтазам сувориси тарафидан даҳшатли равишда сочиб

Жўгу лашкари ҳам кўп зарар кўрди. Бу пайтда муваффақият ва ғалаба қипчоқ ўрдуси яғмо ва ғорат билан Хўжандгача келиши мумкин эди. Бу эътиқаддан кейин ёш ва нозик табиатли шаҳзода жангу жадалдан ўзини тортиб, улар мажлисига, илму фанга берилди. Буюк бир эркинлик билан фан, маорифни ривожлантиришга, пойтахтни меъморлик санъати билан безашга киришди. Шаҳарнинг ҳозирги харобалари қурувчиларнинг нафосат ҳиссидан, санъату саховатидан ҳамон дарак бериб турибди.

Уша вақтдаги Самарқанд ҳақида ўз хотираларида бир қадар тўғри маълумот берган Бобур унинг улкан биноларидан ушбуларни зикр этади: 1) «Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берарлар». 2) Ғоят гўзал мадраса 828 (1424) йилда бино қилинган. Лекин 200 йил ўтар-ўтмас унинг аввалги гўзал ҳужраларининг харобаларида ғайратлик талабалар ўрнида бойқушлар тунай бошлади. 3) Муқаттаъ масжиди. «Бу жиҳатдин Муқаттаъ «Зижи Кўрагоний»си («Кўрагон жадвали») 841 (1437) йилда тузилди. Улуғбек Птоломей (Батлимус) тақвимини Самарқанд шаҳрига мувофиқ ишлади, олимларнинг ёрдами билан уни тузатишга киришди. Шу тариқа юнон ҳақимининг асари турк (таржимада «татар» дейилган — С. А) олимларнинг тузатиши билан янги бир мамлакат топди. «Матлаъас саъдайн»ни ёзган Абдураззоқ Самарқандда ўзи кўрган юксалиш ва даражаларнинг берилиши ва бу аломатларнинг мукаммалиги ҳақида бир неча марта зикр этади. Кўк гунбазидаги сайёра ва турғун юлдузларнинг ҳаракат мавқелари ер куррасидаги бутун қуруқликлар, денгизлар, тоғ ва соҳраларнинг нақадар тўғри кўрсатилганидан ҳайратдалигини ва буни тасвирлашга ожиз эканини ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, бу расадхона ер юзининг мўъжизаси саналар эди. Буни кўриш учун ҳатто онаси Гавҳаршод бегим 823 (1420) йилда Ҳиротдан Самарқандга келганди. Улуғбек ёлғиз илми ҳайъат билан риёзиётга (астрономия билан математикага) эмас, балки бошқа фан ва илмларга ҳам берилди. Шоирлар, олимлар мамлакатнинг ҳар тарафидан кела бошладилар. Айрим олимлар ёхуд рассомларни ўзига жалб этмоқ учун ота-бола орасида, ҳатто баъзан рақобат пайдо бўларди. Улуғбекнинг ҳукумати замонасини улуғ сомониёлар даври билан бир даражада қиёслаш мумкин. Фақат, афсуски, бу аҳвол ёлғиз Шоҳруҳ мирзонинг вафотида қадар давом этди. 850 (1447) санада у вафот қилгандан кейин Урта Осиёнинг хийла муддат очиқ ва соф турган осмонини қуюқ ва қора булутлар ўраб олди. Тинчлик туфайли яралган сулҳ ва саодатнинг ноёб самаралари ўзаро қонли урушлар туфайли барбод бўлди.

Улуғбек тўнғич ўғиллиги учун отаси Шоҳруҳнинг бутун мулкига ўзини ворис ҳисоблаб. Хуросонга бориш учун йўлга чиққан эди. Лекин йўлда жияни Бойсунқур мирзонинг ўғли Алоуддавла Ҳиротни забт этиб, ўғли Абдуллатифни асир олгани ҳақидаги хабарни эшитди.

Марҳаматли Улуғбек боласининг ҳаёт-мамотини ўз қўлида тутган душман билан урушишни хоҳламади. Абдуллатифни озод қилиш, унинг аскарларини ва хазиналарини олиш-бериш шарти билан сулҳ тузишга кўнди. Алоуддавла шартнинг биринчи қисмини бажарса-да, аскарларнинг кўпчилигини қатл эттирди ва хазинани қайтариш ҳақида гаплашишни ҳам истамади. Шу боис Улуғбек уруш очишга мажбур бўлди. Ҳар икки тараф жуда кучли суратда жангга тайёрландилар.

Алоуддавла Шоҳруҳ эллик йил мобайнида тўплаган хазинанинг катта қисмини ўртага қўйди ва аскар тўплади. Улуғбек масалани урушсиз ҳал қилишга ҳар қанча интилса-да, бирор натижага эришмади. Ҳиротдан тўрт мил наридаги ерда, Турноб деган жойда уруш бўлди. Улуғбек тантана билан ғалаба қозонди. Алоуддавла тоғ-тахтини йўқ қилди. Аскарлари Машҳадга қочишга мажбур бўлди. Ҳирот ўзининг бор хазиналари билан қонуний ворис қўлига ўтди. Сунгра Улуғбек душманини таъқиб этиб ғарбий Хуросонга борди. Бу ерда биродари Абулқосим мирзо билан бирлашиб, бир неча шаҳарларни забт этди. Лекин бу вақтда жуда ачинарли воқеалар рўй берди. Улуғбек ҳибсда сақлаган Қорақуюнли қабиласидан, туркман раиси Ёралибек қочиб қолди. Темуррийларга қарши қадимдан бошланган Сулола адовати янгидан қўзғалди ва у Ҳиротга ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилди. Шоҳруҳ мирзо давридан буён сақланиб келаётган олий биноларни, қимматли санъат асарларини хароб этди.

Айни замонда шундай таассуфли ҳол Улуғбекнинг пойтахти Самарқандда ҳам содир бўлди. Бир гуруҳ ўзбек қавми суворилари босқин ясадилар ва йўлда дуч келган нарсани талон-тарож қилиб, Самарқанднинг дарвозаларига етиб келдилар, шаҳар нарсани талон-тарож қилиб, Самарқанднинг дарвозаларига етиб келдилар, шаҳар ташқарисидида саройларда ўзларининг ваҳшатларини намоён этдилар. Абдураззоқнинг ривоятча, Чиндан махсус олдирилган мазойиқ расмлар ўзбекларнинг тўқмоқлари билан парча-парча қилинган. Чиний нақшлар парчаланиб, деворлардан кўчириб ташланган. Олтин билан нақшланган мукаммал муқарнас айвонлар тирнаб тамом қилинган. Хуллас, кўп йиллар мобайнида вужудга келтирилган нафис санъат асарлари бир неча соатда йўқ қилинган.

Олижаноб Улуғбек учун булар афсуслананарли воқеалар эди, албатта, бироқ бундан ҳам кўпроқ ачинадиган бир воқеа рўй берди. Улуғбек шахсан унинг манфаати учун

уруш олиб борган, болам деб доим қайғурган ўғли Абдуллатиф, қарангки, отасининг шунчалик улкан муҳаббатига куфрона неъмат кўрсатди.

Абдуллатиф Турнобдаги жангда бироз қаҳрамонлик қилгани учун ғалаба шарафини ўзига олмоқ истагида даъво қилди. Ҳолбуки, Улуғбек муваффақият шарафини Абдуллатифнинг укаси Абдулазизда кўрарди. Бундан ташқари, Ихтиёриддин саройидан топилган хазиналарни Абдуллатиф ўз мулки деб ҳисоблагани учун Улуғбек уларни мусодара қилган эди.

Шундан кейин Абдуллатиф, кўп ялиниб-ёлворишдан сўнг, отасидан Балх ноиблигини олгач, дарҳол исён кўтарди ва Амударёга юриш бошлади. Ўғлининг бу ҳақоратидан ачиққанган Улуғбек қарши ҳаракат қилишга мажбур бўлди: лекин биринчи тўқнашувдаёқ енгилди. Мамлакатига қарашли Шоҳрухия (собиқ Бинокент) қасабасига қочиб қутулди. У бу ерда кенжа ўғли Абдулазиз билан бирга қўлга олинди ва шафқатсиз ўғли Абдуллатифнинг амри билан, эронли Аббос исмли бир хизматкор томонидан қатл қилинди.

Шарқнинг энг ёрқин фикрли ҳукмдорларидан бири шу тариқа йўқ қилинди. Улуғбек отасининг ноиби сифатида 38 йил, ўзи мустақил тарзда икки йилу 8 ой Мовароуннаҳрда ва Шимолу Шарқ ҳудудларидаги ерларга ҳукмдорлик қилгандан кейин фожиаги равишда ҳаётни тарк этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, падаркуш Абдуллатиф ҳам бундай жинояткорона ҳаракат билан ўзининг тубан мақсадига эриша олмади. Уша даврда Самарқанддаги ҳокимиятни Мироншоҳнинг набираси Абусаид мирзо эгаллаб олган эди. У Улуғбек саройига илк бор қочоқ сифатида ялиниб келди, ҳатто Улуғбек уни ўзига куёв қилиб олди. Лекин бунга қарамай, Улуғбек ўзининг осий ўғлини жазолаш учун пойтахтдан кетганда, Абусаид ўз валинеъматига кўрнамаклик қилиб, ихтилоф байроғини кўтарди. Улуғбек ўрнида пойтахтда қолган ўғли Абдулазиз Абусаиднинг кучли аскарига қарши туришга ожизлик қилди. Шу тариқа Абусаид мирзо Самарқанд ҳокимиятини ўз қўлига олди. Шунинг учун ҳам Абдуллатиф, отасини мағлуб этгандан кейин, ана шу Абусаид билан жанг қилишга мажбур бўлди.

Жанг париси нонкўр ўғилга табассум қилди, Абусаид мағлуб бўлиб, асир тушди. Лекин Бухорога қочиб қутулди. Абдуллатиф эса 854 (1450) йилда Улуғбекнинг илгариги хизматчиси Бобоҳусайн тарафидан, хўжайинининг ўчини олиш учун ўлдирилди. Абдуллатифнинг калласи кесилиб, отаси бино қилган «Улуғбек мадрасаси»нинг дарвозаси пештоқига осилди. Чунки ўша вақтдаги амалдаги барча қонунлар падаркушнинг ҳеч қачон тахтга эга бўла олмаслигини ва Мовароуннаҳрнинг бошига тушган кулфатларда ушбу ҳукмдорнинг жинояти катта эканини ва унга илоҳий жазо берилиши баёни билан бошланар эди.

Абдуллатифдан кейин тахт Шоҳрухнинг набираси Абдулло мирзога ўтди. У ҳам ўз вақтида Улуғбек саройига самимий суратда қабул қилинган ва куёв бўлган эди. Абусаид тезда у билан тахт талашиб уруш очди. Лекин енгилиб, Сирдарёнинг нариги томонидаги Абулхайрхон ҳузурига қочди. У бунга озгина аскар бериб, ёрдам қилди. Абусаид Абдулло мирзо устига қўшин тортиб, ҳам унинг ҳаётига, ҳам тахтига хотима берди. Абдулло мирзо мамлакатни фақат бир йилгина бошқарди. Ниҳоят Абусаид 855 (1455) йилнинг охирида темурийларнинг пойтахти Самарқандни ишғол қилди. Лекин бу муваффақият жуда қимматга тушди. Саҳродан келган ваҳший аскарлар шаҳарларни иккинчи мартаба яғмо ва ғорат этдилар. Ҳатто таланган нарсалар билан қоп-хуржунлари тўлгандан кейин ҳам улар ўз ватанларига олиб кетмоқ учун ҳийла ва найранг ёки зўрлик қилишни лозим кўрдилар.

Абусаид Темур ворислари орасида ягона мансабпарастдир. У ота-боболаридан қолган «Бу жаҳон айнаи замонда икки ҳукмдор учун жуда тордир» деган сўзларни такрорлашни севарди. Шу сўзга мувофиқ ҳаракат қилиб, Турон ўлкалари чегараларини кенгайтиришни лозим кўрарди. У мамлакат ҳудудини Мовароуннаҳрдан Хуросон ва ғарбий Эрон тарафига кенгайтира бошлади.

Бу вақтга келиб Темур авлодлари кўпгина табақаларга бўлиниб, эркин ҳокимият қуриш ҳавасига тушдилар. Абусаид мақсадига эришмоқ учун кўрқинчли рақибларининг кўпчилигини бартараф этишга мажбур эди. Абусаид Самарқандни ишғол этгандан кейин, аввало, Абулқосим Бобир мирзо билан жангга киришди. Абулқосим Бобир мирзо Шоҳрухнинг вафотидан кейин Улуғбекнинг ёрдами билан Хуросонга келган ва туркман хони Ералининг қатлидан сўнг, Хирот тахтига чиққан эди. Унинг салтанати бироз нурли эканлигини тавсиф этмоқдамиз. У бой Хуросон ўлкасининг яраларини бир оз тузатиш ниятида иш юритгани маълум. У Абусаиднинг ўзига кучли рақиб эканини яхши биларди. Лекин Самарқандни қирқ кунча қамал қилгандан кейин ҳам ғалабага эриша олмагач, сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Абдуллатифнинг ўғиллари Аҳмад ва Муҳаммад Жўги ҳам оталарининг тахтини забт этиш учун урушга қўшилиб, Абусаидга хийла заҳмат етказдилар. Абусаид шаҳзодаларнинг лашкарини 859 (1455) йили Балх атрофида мағлуб ва паришон қилди, Аҳмад шу ерда ҳалок бўлди, Муҳаммад Жўги қочиб қутулди. У Сирдарёнинг нариги тарафига ўтиб, Абусаид сингари ўзбек хони Абулхайрга мурожаат этиб, ёрдам сўради. Моваро-

уннаҳрнинг шимолидаги саҳро вилояти аскар кучлар топиш учун энг яхши бир хазина ҳисобланар эди.

Абулхайрхон ўзининг аввалги илтимосчиси Абусаиднинг юз хотири учунми ёки бошқа сабабданми, Муҳаммад Жўғига ўзи аскарий ёрдам бермаса-да, мамнуният билан четдан кўмак кучлари топиб берди. Унинг ёнгинасида саҳро қаҳрамони аталган Бурга султон бор эди. Абулғози унинг тўғрисида куйидагича ҳикоя қилади: гўё унинг кўкрак қобирғаси ўрнида яхлит суякдан иборат тахта ўрнашган. Абулхайрхон Бурга султонни ўзига чорлаб: «Кўзда тутилган мақсад учун менинг оиламда ҳеч ким йўқ, сен, Бурга, менинг ўғлим ўрнидасан, ўзингнинг одамларингни ол, мен сенга ёрдамчи аскар бераман, бориб, Темур авлодини балодан қутқар», деган.

Бурга султон Абулхайрнинг бу таклифини қабул қилиб, Тошкентга юриш бошлади. Бу ерда унга илгариги ўзбек тарафдорлари ва чиғатой қавмларидан норози кишилар ҳам қўшилдилар. Улар тезлик билан Шоҳрухияни босиб олдилар. Кейин Сирдарёни кечиб ўтиб, тўғри Самарқандга йўл солдилар. Шаҳар ҳокими амир Маждид уларга қарши чиқиб урушди. Жўғи лашкарининг ўнг қанотига бошқиб бўлган Абулхайр ёрдамчи лашкарининг раиси Пишканд ўғлон, чап қанотда чиғатойлар билан Бурга Султон турарди. Уруш самарқандликлар учун муваффақиятсиз тугади. Маждидхон тезлик билан қалъа чегарасига чекинди. Жўғи эса, тахминан бутун Мовароуннаҳрни забт этди.

Абусаид бу воқеа ҳақидаги хабарни олган пайтда ўзининг авлод аҳлларида саналган рақиби Ҳусайн Бойқаро билан Хуросонда урушмоқда эди. У тезлик билан Амударёнинг нариги тарафига ўтишга тайёрланди. Бу пайтда унинг ўнг соҳилида Бурга билан Жўғи мудофаа чизиги — хати ҳақида бир-бири билан келиша олмай жанжаллашмоқда эди. Бурга ўз ўзбекларига суяниб, мудофаа хати қилиб Амударёни таклиф этар, Жўғи эса чиғатойлиларнинг садокатига шубҳаланиб, Сирдарё бўлишини мувофиқ кўрарди.

Англашилдики, Жўғининг бу хусусдаги фикри тўғри экан. Чунки Абусаид Мовароуннаҳр ўлкасида от сурғач, чиғатойлилар тўп-тўп ҳолда унга таслим бўлди. Жўғи озгина аскар ҳамда катта заҳмат билан Шоҳрухия қалъасига ялиниб кирди. Бурга эса, йўлда дуч келган нарсани вайрон қилиб, ўзининг ватанига — саҳрога чекинди.

Абусаид Шоҳрухия қалъаси атрофида тўрт ой турди. Эҳтимол, у қалъани забт этарди, лекин мирзо Ҳусайн тарафидан янгидан бошланган тажовуз туфайли яраш эълон қилди. Яраш аҳди тузилгандан кейин Абусаид Журжон устига юриб, рақибини хароб қилди. 867 (1462) йилда қайтиб келиб, Шоҳрухияни ўн ой қамалда тутди. Ниҳоятда ҳолдан тойган ва охириги амирларигача йўқотган Жўғи мамнуният билан сулҳ мунозарасини бошлади. Ҳар икки томон учун улғу бўлган шайх хўжа Убайдуллоҳ Абусаиддан ваколат олиб қалъага келди. Хўжа Убайдуллоҳдан Қуръон ҳурмати бу ердан соғ-саломат чиқиб кетишига доир ваъдани олгач, Жўғи Абусаидга таслимлигини билдирди. Лекин Абусаид ўз ваъдасини бажаришга аҳамият бермади. Шоҳрухия забт этилгандан кейин, бечора Жўғини таъқиб этиб, Ихтиёриддин қалъасига қамади. У шу ерда вафот этди.

Абусаид шу тариқа Мовароуннаҳрни қўрқинчли бир даъвогардан халос этиб, Турон ҳокими бўлмоқ устига Самарқандни ўғли Султон Аҳмадга қолдириб, ўзи ҳукмронлигини таъкидлаш ва кенгайтириш учун Ироқ Арабистонининг ички тарафларини истило этмоққа Хуросонга кетди.

Мирзо Ҳусайн Бойқарони бу ердан ҳайдагач, ёлғиз Мовароуннаҳрнинг ва ўғли Умаршайх бошқараётган Фарғонанинг эмас, балки Хуросон, Афғонистон, Сейстон, Кирмон ҳамда Форснинг ҳокими бўлди. Шу зайлда унинг истилога ҳаваси кучайиб, Озарбойжоннинг саҳроларига йўл олди. 870 (1465) йили бу ерда туркман Оққуюнли сулоласининг раиси Ғозонбек номи билан янги бир қаҳрамон майдонга чиқди. Хуросон кўпдан буён кутган тинчлик ила бахтли яшамоқда эди. Абусаид эса кичик ўғлининг суннат тўйи муносабати билан беш ойдан бери давом этаётган умумий томошалар, зиёфатлар, шеър, мусиқа ва шаҳар ойдинлиги каби тантаналарни ўтказмоқда эди. Шу пайт Қорақуюнли туркман сулоласининг хони Ҳасан Али Марвда саройга келиб, Ҳасанбек ёки Узун Ҳасан билан урушда ҳалок бўлган отаси Шоҳжаҳоннинг душманига қарши Абусаиддан ёрдам сўради.

Абусаид бу хусусда қайта-қайта ялинишга ҳожат қолдирмади. Катта ва кўп сонли ўрдулар билан 872 (1467) йилда Марвдан ҳаракат бошлаб, тўғри Озарбойжонга йўл солди.

Бошқа бир мақсади бўлган Узун Ҳасан эса, унга вакил юбориб, сулҳ таклиф қилди. Лекин муваффақиятлари туфайли ўзига ишониб, мағрурланиб кетган Абусаид сулҳдан бош тортиб, Узун Ҳасанни қурол олишга мажбур этди. Бунинг натижаси ўзига қимматга тушди. Чунки Қорабоғ устига қийинчилик билан тажовуз этаётган аскар доимо ҳаяжонда бўлгани учун боргунча сийраклашди. Ниҳоят, Абусаиднинг ўзи қаттиқ ҳужумга учраб, асир тушди ва тезда қатл қилинди. (Абусаид Ҳиротни биринчи марта забт этганда Шоҳрух мирзонинг хотини малика Гавҳаршодни қатл эттирган эди. Шунга кўра, Узун Ҳасан ўз қўлига асир тушган Абусаидни Шоҳрухнинг ўғли Ёдгор Мирзога берди. У ўша қон интиқомини олмоқ учун уни дарҳол қатл эттирди.)

Ун саккиз йилча ҳукмронлик қилиб, Тяньшан тоғларидан Бағдодга қадар, қирғиз

сахроларидан Ҳиндистон ва Эрон кўрфазигача чўзилган ерлардаги Урта Осиё халқини бир тожу тахт атрофига тўплашга эришгандан сўнг, Темурнинг энг охириги авлоди бўлган Абусаиднинг тақдири шундай яқун топди. Агарда аҳвол бундан ҳам қулайроқ ва Абусаиднинг ҳоли ружияси бошқачароқ бўлганида, у шу қадар порлоқ аскарый маҳорати соясида кўп улуг ишларнинг уддасидан чиқар эди.

Абусаиднинг ўғли ҳам валиаҳди Султон Аҳмад мирзо отасининг меросидан ёлғиз Мовароуннаҳр ҳокимиятигини ўз кўлида сақлаб қолди — бу ҳақда гапириб ўтиришга эса ҳожат йўқ. Бу вақтларда кундан-кунга кучайиб бораётган сафидлар (сафавийлар — С. А.) сулоласи темурийлар ҳисобига ғарбда ўзларининг истиқболдаги шаън-шавкатларига асос солмоқда эдилар. Жанубда эса, Ҳусайн Бойқаро охириги мартаба эски Хуросоннинг порлоқ даврини ҳосил этиб, Ҳирот тахтига ўтирди. Чорак аср мобайнида шимол-ий Эронда, Афғонистон ва Сейстонда ҳукумат сурди. Унинг Шарқ тарафида Умаршайх ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Шу билан бирга чиғатой тармоғидан бўлиб, Чингиз сулоласига мансублигини даъво этган Юнусбек Сирдарёнинг шимол вилоятида, ўзининг ёрдамчи мўғул аскарига таяниб, Умаршайхга бўйсуншдан бош тортди. Шундоқ бир аҳвол ичида Султон Аҳмад каби бир тарафдан жуда диндор ва соф қалбли, иккинчи тарафдан жуда дунёқараши чекланган бир кишининг кўлидан нима келар эди.

Аммо тарихларда Султон Аҳмаднинг шахсий баҳодирлик қобилияти ҳам инкор қилинмайди. Мўғуллар тарафидан унга «Ўладшо» (Ўлим қотили) унвони берилиши бунга далилдир. Аммо унинг табиатида буюк кашфиёт вужудга келиши учун шу замон тақозаси билан берилган сохта диний тарбияси монэ эди. У бир тарафдан ўзининг шайхи Хўжа Убайдуллоҳга шу қадар ҳурмат кўрсатар эдики, унинг ҳузурини камоли хокисорлик ва муҳаббат билан тиз чўкиб ўтирарди. Ҳатто тасодифан тиззаси остига ўчли суяк кириб қолса ҳам, шуни олиб ташлашга жасорат этмай, оёғининг қаттиқ оғришига чидаб, ўша ҳолатда имкон кутар эди. Иккинчи тарафдан эса, шундай диндор ва тақводор бир одам, одатда, 20—30 кунни айш-ишратда ўтказар ва сарҳуш ҳолатда ҳам намоз ўқишни унутмас эди.

Ҳаётни севмайдиган шундай бир одамнинг Юнусбекка уруш эълон қилиб, Тошкент, Сайрам, ҳатто Туркистон вилоятини забт этиши ҳақиқатан ҳам жуда ажабланарлидир. У ўзининг укаси Умаршайхни итоатга олмоқ учун ташаббус кўрсатди. Бу икки биродар орасидаги ихтилофлар бир неча марта жангга бориб тақалди. Лекин зоҳидлардан машҳур Хўжа Аҳрор ҳазратлари сулҳга даъват қилиб, битим тузилди.

Ушбу воқеалар истисно этилганда, Мовароуннаҳр Султон Аҳмад ҳукумати вақтида хийла узоқ вақт тинчлик ва саодатда яшади. Зотан, Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройи доирасидаги маориф зиёси, гарчи бошқа бир жиҳатга боғланган бўлса-да, бу тарафларни, Сарафшон соҳилларини ёритмаслиги мумкин эмасди.

Саройлар, ибодатхоналар, мадрасалар, умумий ҳаммомлар қурилгани ҳақида Султон Аҳмад тарафидан кўрсатилган ибратга мўътабар бойлар орасидан чиққан ташаббускорлар ҳам кўшилди. Шулар жумласидан Дарвеш Маҳмуд Тархоннинг Самарқанддаги «сафолик ва ҳаволик ва мадди назарлик чорбоғи»ни кўрсатиш мумкин. Нарвонлар билан кўтарилган ва ёнида ғоят гўзал бир чаманзори бўлган бу саройнинг фавқулодда дилрабо эканини Бобур баён этган.

Хуросонда Султон Ҳусайн мирзо идорасининг матонати Мовароуннаҳрда жиддий равишда тартибсизликлар чиқишига йўл бермади. Мовароуннаҳр халқи унинг ва Султон Аҳмаднинг қадр-қимматини — у 27 йил мобайнида мамлакатни бошқариб, 899 (1493) йилда вафот этган — ўрнига укаси Султон Маҳмуд ҳукмдор бўлгандан кейингина англай олдилар.

Султон Маҳмуд отасининг вафотидан кейин, бир оз саботсизликдан сўнг, биродари ҳузурини келиб, ғоят яхши қабул этилди ва у билан жуда яхши муносабатда яшадилар. Бир кун келиб, Султон Маҳмуд ов баҳонаси билан Самарқанддан кетди, Амударёнинг нариги тарафига ўтди ва Бадахшонни забт этди. Сўнгра, акасининг вафоти муносабати билан тахтга етишди. Унинг биринчи иши — вафот этган биродарининг Кўксарой номли саройидаги тўртта гўдак ўғлини ҳибсга олиб, қатл эттирди. Бунинг устига маъмурларининг қонунсиз ҳаракату зулмлари ҳам кўшилди. Савдо ва тижорат ишларида турғунлик пайдо бўлди. Хусусан, Самарқанд халқининг мўътабар кишилари Чорсуга чиқишга журъат қила олмай қолдилар.

Бу ҳукмдор жоҳил одам эмасди, балки фано (сўфийлик таълимининг еттинчи мақомига эришган — С. А.) бўлиб, шеърлар ҳам ёзарди. Лекин доимий айш-ишратга берилиб, ибодат қилмас ва динга риоя этмас ҳамда жуда улуг ҳисобланган Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор валийга ҳам ҳеч бир ҳурмат ва илтифот кўрсатмас эди.

Султон Маҳмуднинг ҳукмронлиги ғоят қисқа бўлди. Чунки тахтга чиққанидан олти ой кейин вафот этди. Вафотидан олдин йиғлаганига қараганда, ўлими мажбурий бўлганлиги англашилади. Унинг ўлимини нуфузли ва ҳийлакор вазири Хисравшоҳ бир неча кун маҳфий тутди. Бундан мақсади — фурсатдан фойдаланиб, хазинани кўпроқ ўмармоқчи эди. У бунга эришди ҳам, фақат ҳукмдорнинг вафот хабари тарқалиши билан халқ орасида шиддатли ҳаяжон, ғала-ғовур кўнаиди. Хисравшоҳ аранг қочиб қутулди.

Мовароуннаҳрдаги Темур авлоди орасида мана шундан кейин ҳақиқий тўқнашув ва

низолар бошланди. Уларнинг тамомий инқирози яқинлашгани очиқ кўринди. Султон Махмуддан қолган беш ўғилнинг учаласи — Масъуд, Бойсунқур, Султон Али тахт учун низолашиб, ўрталарида қатъий душманлик пайдо бўлди.

Уларнинг энг каттаси Масъуд отасининг кучли вазири Хисравшоҳ билан бирликда ҳаракат қилди. У Амударёнинг чап тарафидаги Ҳисор, Қундуз, Бадахшонни босиб олди. Агар Султон Ҳусайн мирзо истило учун эмас, балки мамлакатнинг шимолий чегараларини бошқаларнинг тажовуздан мудофаа қилиш учун уларга қарши ҳаракат бошламаганида, Масъуд билан Хисравшоҳ Мовороуннаҳр тахти учун жанжалларида ниятларига эришар эдилар. Лекин Султон Ҳусайн мирзонинг ҳаракати Масъуднинг тахтга ворислик масаласини йўққа чиқарди.

Отаси барҳаётлигида Бухоро ҳукмдори бўлиб турган Бойсунқур мирзо тарафдорлари хийла кучли эдилар. У бу ердан Самарқандга даъват қилиниб, одатдаги тартиб ва эҳтиром билан тахтга ўтказилади. Қиёфаси туркманларга ўхшаш, лекин дунёқарashi тор 18 яшар бу йигит, ўзи истаса ҳам, маҳаллий, кучли улуғларга ва нуфузли руҳонийларга қарши ҳеч нарса қила олмади.

У Ҳисорга ноиблиги вақтидаёқ сертавозе ва назокатлироқ кўринган бадхоҳларнинг ҳар бири унинг ўз мақсадига хизмат қилишини хоҳлар эди. Ниҳоят, уларнинг барчаси Бойсунқурдан норози бўлиб, уни тахтдан туширишга қарор қилдилар. Зотан, у Самарқандга келгач, ўзини баланд тутиши уларга ҳақоратдек туюлди. Ҳақиқатда эса, улар унинг укаси Султон Алини Қаршидан Самарқандга чақириб, ёзлик Боғи нав саройида унга садоқат қасамини ичдилар. Таянчлари тарк этган Бойсунқур ҳам шу саройида маҳбусдай яшади. Умуман, ҳар икки шаҳзода айни бир мақомда сақланар эдилар. Бир куни кечқурун, ҳожатга чиқиш баҳонаси билан, у сарой ҳовлисининг орқа тарафига ўтиб, у ердан тор ариқ йўли билан қочишга муваффақ бўлди. Бағоят ҳурматли Хожага илтижо этди. Унинг қочиш хабари тарқалгач, аҳоли дарҳол Хожанинг ҳовлиси атрофига тўпланди. Лекин ҳеч ким ҳовлининг ичкарасига киришга жасорат эта олмади; шу аҳволда бир неча кун ўтди. Шу орада Султон Бойсунқурнинг тарафдорлари, обрўли Хожа Абулмакорим бошчилигида уни топинган жойидан чақириб яна тахтга ўтқаздилар ҳамда ўзлари исёни бостирмоқ учун чора-тадбир кўрдилар. Султон Али эса, ўзининг асосий тарафдори Дарвеш Муҳаммад Тархон билан бирга ҳибсга олинди. Улар қочишга уриниб кўрдилар, лекин урдасидан чиқа олмадилар. Ниҳоят, улар Бойсунқур ҳузурига олиб келинди. У Дарвеш Муҳаммадни қатл этишга, Султон Алининг кўзига мил тортишга амр этди. Осий Тархон шу ернинг ўзидаёқ дарҳол қатл қилиниши керак эди, лекин ҳовлининг олдидаги устунга қўл-оёғи билан ёпишиб, қаршилик кўрсатгани учун уни шу жойда парча-парча қилиб ташладилар.

Султон Алининг тақдири унга нисбатан бахтлироқ чиқди, чунки унинг кўзига мил тортмоқ учун буйруқ олган сартарош (ёки табиб) наштар уришни амалий билмагани учун осий шаҳзоданинг кўзларига зарар етмади. Бойсунқурнинг ўзи ўлди: чунки у ўзини тамом тинч-хотиржам ҳис этган бир вақтда Султон Али Бухорога қочиб кетишга муваффақ бўлди. Илгаригидан ҳам кўпроқ куч тўплаб акасига қарши исён кўтарди. Гарчи Бойсунқур тезлик билан унинг орқасидан аскар юбориб, таъқиб эттирса ҳам, Султон Алининг Бухорода кучли тарафдорлари бор эди. Икки орада уруш бошланди. Бойсунқур енгилди ва мажбуран Самарқандга қочди.

Натижаси Бойсунқур учун фалокатли бўлган бу урушдан кейин у уч томонлама тазйиққа учради. Ғарбдан, яъни Бухородан Султон Али, жанубдан Масъуд мирзо, Шарқдан, яъни Ҳозир Ҳўқанд деб юритилаётган Андижондан Умаршайхнинг ўғли Бобур мирзо ҳужум бошлаган эдилар.

Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур мирзо ўша вақтда ёш йигит бўлиб, шаҳзодаларнинг энг ақлдиларидан эди. Уни ҳақли равишда шарқу ғарбнинг энг шарафли шаҳзодаларидан бири деса арзийди. Уша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади.

У ўзининг ўткир назари билан Мовароуннаҳрда Темур авлоди ҳокимиятининг инқирози вақти яқинлашганини биринчи бўлиб кашф этди. Буни тўхтатиш учун илк бор қаршилик кўрсатди. Лекин келажакда бошига тушадиган ташвишлар сабабли толеи кулиб боқмади.

Хуллас, 903 (1496) йилда Самарқандга уч тарафдан ҳужум қилинди. Лекин Бойсунқурнинг бахтига қарши қиш яқинлашган эди. Совуқлар бошланди. Бобир Мовароуннаҳрни ўзаро бўлишиб олиш учун Султон Али билан бирлашди ва улар орқага чекиндилар.

Ушанда Масъуд мирзонинг шайх Абдулло Барлоснинг қизига янги уйланган пайти эди. У иззат-нафс масаласини бир чеккага қўйиб, ўзининг чин юракдан севган маҳбубасининг ёнига қайтиб кетишни эп кўрди. Лекин Бойсунқур бу билан тазйиқдан қутула олмади. Чунки ёз яқинлашиб, ҳаволар илий бошлаши билан иттифоқчилар шарқу ғарбдан янгитдан ҳужум уюштириб, Самарқандни етти ой қаттиқ қамал қилдилар.

Бу муддат ичида ёрдам сўраб у ҳар тарафга мурожаат этди. Фақат талон-тарож қилишни ўйловчи, умид этилган жойларга юришга тайёр турувчи ўзбекларгина Сирдарё-

нинг қуйи томонидан келиб, Бобур билан Султон Алининг бирлашган қўшинига қарши урушишга журъат топа олмадилар.

Қаршилик кўрсатишга чораси қолмаган Бойсунқур 903 (1447) йилда пойтахтини махфий равишда ташлаб кетди ва Термиз яқинида Амударёни кечиб ўтиб, акаси Масъуд мирзо ҳузурига қочиб боришга мажбур бўлди. У шунчалик кўп жангу жадалларни, воқеаларни бошидан ўтказиб, тахтидан воз кечганда эндигина 22 ёшда эди. У ҳақда душмани Бобур мирзо «адолатпеша ва одми, хуштаб ва фазилатли подшоҳзода эди» деб зикр этадир. Унга, хуфя шиа мазҳабиغا мансуб эди, деган айб қўйилади. Лекин у кейинчалик (Самарқанд тахтига ўтиргач — С. А.) аҳли суннат мазҳабиغا қайтган. Бойсунқур 905 (1449) да қатл этилди.

Бойсунқур қочганидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳокимият иттифоқчилар қўлига ўтди: Султон Али ўзига Миёнкол аёллати билан Бухорони, Бобир эса шарқ тарафлар билан бирга Самарқандни олди. Лекин буларнинг иккови ҳам узоқ вақт ҳукмронлик қила олмадилар. Чунки Султон Али ўзига тобе бекларнинг бошбошдоқликларидан заифланиб, Ҳиротга, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига қочишга мажбур бўлди. Бобир эса, бир томондан таланган ва оч қолган Самарқандда ўзининг аскари учун етарлик даражада озиқ топа олмаганидан, иккинчидан, онасининг эҳтиёж ва талабига биноан ўз ватанига қайтиб кетишни лозим кўрди.

Шуни инкор қилмаслик керакки, буларнинг ҳукумати кўғирчоқ ҳукумат эди. Бухорода бутун қувват ва нуфуз Абдулалӣ тархон, Самарқандда эса Хожа Абулмакорим қўлларига эди. Фақат, Бобирнинг сўзига кўра, унинг ҳузурида энг муҳим бир нарса бор эди — у ҳам Темур сулоласининг 140 йиллик тахти сира ҳам бегона кишининг қўлига ўтмаганидир. Лекин бундан нима фойда? Темур сулоласининг ботаётган юлдузини 19 ёшлик Бобур қўли билан ҳеч ерда ва хусусан Мовароуннаҳрда тўхтатишга имкон йўқ эди. Бир ёқда, Темур авлодлари бир-бирларининг қонини ичиб, ўзаро низоларни кучайтирмоқда эди; иккинчи тарафдан, Чингиз сулоласининг Жўжи хонадонига мансуб Шайбоний Муҳаммадхон истило ҳозирлигини кўрмоқда ва Мовароуннаҳрнинг бир неча муҳим нуқталарини ўз ҳокимияти остида тутмоқда эди. Ниҳоят, Шайбоний Муҳаммад ўзининг баҳодир суворийлари ёрдамида 905 (1499) санада Самарқанд тахтини забт этиб, Темур авлодлари ҳукмронлигига яқун ясади.

Бу сулола алмашувнинг тафсилотини кейинги фаслга қолдириб, Шаҳрисабздан чиққан оқсоқ жаҳонгир Темур сулоласи вақтида ҳам мазкур сулоланинг ёрдами билан ислом дунёсининг Шарқ қисмида вужудга келган маънавий ҳаракат — тараққиёт ва маданият ҳақида бир қадар ёзиб ўтиш муносибдир. Воқеан, темурийлар бу тўғрида Осиё тарихида улғу бир мавқе тутадилар.

Шу билан баробар Амударёнинг нариги тарафида маданий ҳаёт йўналиши Ҳиротдаги Шоҳруҳ мирзо ва Султон Ҳусайн мирзо Бойқаро саройидаги йўналишдан бошқачароқ бўлди. Бу ерда диний ва эътиқод илмларидан ташқари шеър, тарих, тиб, ҳуқуқ каби дунёвий фанларга ва нафис санъатга ўрин берилди. Аммо у ерда эса, Улуғбек ва Абусаид даврлари истисно қилинганда, фақат диний илм ва тасаввуф билангина шуғулландилар.

Бу икки ўлканинг адабиёти орасида қатъий бир тафовут чегараси қўймоқ анча қийиндир. Гарчи маънавий ҳаётнинг гўзал манбаи Эрон унсурларидан бошланса-да, ундан чигатой-турк олимлари кўп фойдаландилар. Шунингдек, турк хонлари ҳам адабиёт ва нафис санъат аҳлига катта ёрдам бериш билан чекланмадилар, балки баъзан ўзлари ҳам шулар билан бир сафда турдилар, ҳатто улар орасида кейинги ўринда туришдан ҳам тортинмадилар.

Мир Алишер ўзининг «Мажолис-ун нафоис» номли асарида Темур хонадонининг қуйидаги шаҳзодалари шеър ёзганликларини кўрсатди.

Шоҳруҳ мирзо туркий ва форсий шеърлар ёзган ва мазмуни қуйидагидан иборат мисралари машҳурдир:

**Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёраб еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина.**

(Ҳазрат Навоийнинг сўзларига қараганда, бу туюқ Абубакр мирзога тегишлидир. Вамбери уни янглиш Шоҳруҳга нисбат бермоқда. «Мажолис-ун нафоис»га қаралсин — С. А.).

У ишқ ва муҳаббатга доир адабиётда ҳам ўз кучини синаб кўрди. Астойдил севган рафиқаси Гавҳаршод ҳақидаги жуда ҳиссиётли баъзи таъбирларини Ҳирот халқи ҳозир ҳам ҳикоя қилиб юради. Умаршайхнинг ўғли Султон Искандар Шерозий, ҳам туркча, ҳам форсча шеърлар ёзган. Халил мирзо эса туркча шеърлардан иборат буюк бир девон қолдирди. Машҳур шоир Ҳожа Исмаил Бухорий бунинг номини катта ҳурмат билан тилга олади. Илми ҳайъат билан риёзиёт истеъдоди юқорида тилга олинган Улуғбек эса, бундай фанлардан ташқари нафис адабиёт, рассомлик, музика каби со-

ҳалар билан жиддий шуғулланган эди. Улуғбек Қуръоннинг етти қироатини ёдаки ўқий олган. Бу унинг хотира қуввати фавқулодда кучли бўлганига далилдир. Отасининг тириклигидаёқ вафот этган Бойсунқур (Шоҳруҳнинг 836 ҳижрий, (2432) жумодил аввалининг 6 куни вафот этган ўғли) ҳар вақт шоирлар, хаттотлар, рассомлар, муסיқашунослар билан ҳамсуҳбат эди. Унинг кўп ичиб маст бўлиши тўфайли ёш ўлиб кетган ўғли Бобир мирзодан кўпгина туркий фардлар қолмишдир. Мироншоҳ ўғли Саид Аҳмад мирзонинг «Латофатнома» номли девони ва маснавийси қолган. Булардан ташқари, мазкур рўйхатга Ҳиндистонда мўғул (бобурийлар — С. А.) сулоласининг асосчиси Бобур мирзони киритиш мумкин. Ўзининг «Бобурнома» эсдаликларида ёзган нарсалари билан у бизнинг кўз олдимизда ҳайрон қоладиган даражада ҳам шоир, ҳам сиёсий арбоб, файласуф сифатида гавдаланади.

Темурийлар давридаги сингари маданиятга ҳавас қўймоқ — Андалузия умавийлар давлатининг порлоқ даври билан Арабистондаги аббосийларнинг илк ҳукмронлик замонини истисно этганда — ислом оламининг бошқа биронта жойида содир бўлмади. Шарқнинг «Аланнос оли дина Мулкаҳум» (халқ ўз подшосининг динига эргашади) қоидаси хотирага олинганда, бу ҳолнинг ажабланарли жойи йўқ.

Гарчи темурийларнинг тараққиёт даврига Эронда мўғул ҳукмдорлари вақтидаги фикрий уйғонишнинг давоми назари билан қарамоқ лозим бўлса ҳам, аммо фанлар ва санъат Мароға, Табриз, Султония саройларида ҳеч қачон Ҳирот ва Самарқанддаги каби кўп ва турли шаклларда порламади.

Ўша замоннинг шоирларидан ушбу зотларни зикр қилиш ўринлидир. Мавлоно Абдурахмон Жомий, раббоний ёки илоҳий унвони билан аталувчи бу зот назм ва насрнинг ҳар иккисига ғоят моҳир; фикҳ, тафсир, ахлоқ, фалсафа, наҳв каби бир неча фанларда ниҳоятда истеъдодли, аруз санъатининг ҳар баҳридан хабардор ҳисобланар эди. Суҳайлий ёҳуд Амир Шайхим Суҳайлий. Илк бор Абусаид мирзо саройида, кейин 20 йилча мирзо Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган ушбу зот Ҳиндистоннинг «Тўтинома» масалларини фавқулодда гўзал таржима қилган. Қосим Анвар (асл номи Муъниддин Али) замонасининг буюк тасаввуф шоиридир. У аввал Шоҳруҳ саройида яшади. Кейин Самарқандга юборилди ва 837(1433) йилда вафот этди. Ҳожа Абдулло Отиф. «Темурнома» ёҳуд Темурнинг таржимаи ҳолини шеър билан ёзган бу зот «Масънавийгўй» деб аталади. Ҳожа Исмаил Бухорий. Бу зот ҳам Султон Халил, ҳам Улуғбекнинг сарой шоири эди. Улуғбекка аруз илмини ўргатди. 845 (1441) да вафот этди. Мавлоно Ҳусайн Куброий, Урганчада мўғуллар тарафидан ўлдирилган. Уламолардан Абулвафо Хоразмийнинг шогирди машҳур Наҳмиддин Кубро наслидан бўлган бу зот тасаввуфга доир шеърлари билан имтиёз топди. Жалолиддин Румийнинг маснавийсига шарҳ ёзди. Ҳожа Абдуллоҳ Марварид — Баёний номи билан бир қанча ғазаллар, мадҳиялар ёзиб «Мунисул аҳбоб» унвонли бир девон ва иншо услубига оид бир тазкира қолдирган. Мулла Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузилгунча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройининг илтифотига сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган. Ниҳоят, Шайбоний Мухаммадхон уни сарой шоири қилиб олган. 922 (1518) йилда вафот этди. Мухаммад Солиҳ жуда гўзал шеър йўли билан битилган зафарнома — «Шайбонийнома» соҳиби; «Лайли ва Мажнун»га ўхшаш туркий гўзал ғазаллар ва маснавийлар ёзган. Бобур унинг асарлари адабий қимматини инкор қилади. Бунга Мухаммад Солиҳнинг Шайбонийга мақбул киши экани ва ўзбек хони саройида яшагани сабаб бўлса керак. Ҳилолий. Бу зот кўп ўқилувчи «Шоҳ ва дарвеш» маснавийсининг муаллифидир. Бобур ҳақли равишда унинг аёлларга муҳаббат ҳақида эмас, балки эркаларга муҳаббат тўғрисида шеър бағишлаш каби уятсизлигини баён қилади.

Сўзимиз охирида севинч ва мамнуният билан Мир Алишерни зикр этмоқ лозим. Бу зот гўзал бир сиёсатдон эди. У моҳир кўмондон, ўткир қаламга эга адиб сифатида шуҳрат қозонди. Ҳар кимга ёрдам кўрсатгани каби, у шарқий турк адабиётининг асосчиси бўлмаса-да, кейинча ўзининг турк тилидаги битмас-туганмас асарлари билан, Эрон адибларининг камситиши ва кулишларига қарши турк миллати вакилларини чин қалбидан мудофаа этиш билан барҳаётлигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам ватандошларининг буюк ҳурматига сазовор бўлди. Унинг оламдан ўтганига уч ярим аср бўлса-да, гарчи ҳамма жойдаям халқ уни тушуниб етмаса-да, аммо унинг асарлари озми-кўпми адабиётдан хабардор ҳар бир ўзбекнинг хонадонида энг улуғ ўринда турадир.

Темурийлар даврида ақоид, тафсир, тасаввуф каби илмлар билан астойдил берилиб шуғулланган кўп одамлар бор. Булар «фан раҳбарлари»дан бири ёки иккинчисининг маслагини қабул қилиб, шу йўлда сўз ёки иншо орқали фаолият кўрсатар эдилар. Ҳар бир адиб ўзига лойиқ фанда салоҳият кўрсатишга мажбур эса-да, аммо бошига шоирлик тожини қўйдирганларнинг кўпи «улуми илоҳия» ридосини кийсалар ҳам, фақат бир неча кишигина мутахассис олим сифатида шуҳрат қозонган эдилар. Улар ушбулардир:

Мавлоно Осимий. Хивада туғилиб, узоқ давр Қорақўлда машҳур Хўжа Аҳрорнинг шогирди ва мусоҳиби эди. Хўжа Убайдулло Аҳрор, Баҳоаддин Нақшбандий тариқатининг муриди ва энг мухлис муршиди. Олим ва мутасаввуф сифати билан шу қадар буюк

хурмат ва обрў қозонган эдики, ўша вақтдаги хонлар бир-бирига рақобат қилгандек унинг хусн таважжухига ноил бўлишга интилар эдилар. Шу ҳолда ҳам у, гўё Муҳаммад пайғамбар тарафидан баён қилинган «Алфақр фаҳри» (камбағаллик менинг фаҳрим) сўзига фавқуллодда риоя этиб, Қоракўл яқинида ўз қўли билан қўш ҳайдаб, камбағалдай яшар эди. Хўжа Аҳрор валий 895 (1489) йилда Қумагирон кентига борган пайтда вафот этди. Унинг эътиқодига оид «Тухфаи Аҳрор» номли китоби кўп кишилар тарафидан ҳозиргача ўқилмоқда ва қабрини зиёрат қилиш учун Самарқандга ҳар тарафдан кишилар келадилар.

Мавлоно Фасиҳиддин. Мирзо Хусайн Бойқаро саройи доирасида яшаган бу зот Мир Алишернинг айрича ҳурматига сазовор эди. Унинг «Ақоид»дан бошқа тўпламлар ҳақидаги шарҳи Ўрта Осиё мадрасаларида ҳозир ҳам ўқитилади. Вафоти 919 (1513) йилдир.

Мулло Абдуғафур. Жомийнинг шогирди бўлган бу зот шуҳрати унчалик баланд эмас, аммо ўзининг шарҳи билан гўзал тақдирланиб, ҳуқуқ олими сифати билан шуҳрат топмишдир. Вафоти 916 (1510) йил. Муҳаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳолини ёзган Фуроҳли мавлоно Муайин ҳам машҳур улаомлардан ва ислонинг муҳим ходимларидан саналади. Мавлоно Камолиддин Хусайн Қуръон тафсирига оид кўпгина асарлари ва адаб-ахлоққа доир мустақил битиклари билан машҳурдир.

Мавлоно Муҳаммад Ғози (ёки Қози) ўзининг «Силсилаи орифан» асари билан машҳур. Тарих илмидан Шарафиддин (Яздий — С. А.) Темур ҳолатини тасвирловчи «Зафарнома»си, Абдураззоқ сермазмун «Темур сулоласи тарихи» номли асарлари билан донг таратган.

Кейинги вақтларда Шарқнинг ўн икки динидан баҳс этган «Дабистон» ёзилди. Уламодан У. Джонс буни Шарқнинг энг шарафли ибрати ва энг олий асарларидан ҳисоблайди. Риёзиёт, ҳисоб, одат (правоведение) фанлари ҳам эътиборсиз қолмади. Ниҳоят ҳайратланарли бу даврга оид бизга маълум бўлмаган яна қанча маънавийёт ва фикриёт асарлари мавжуд.


Биз бу ўринда адабиёт тарихи ҳақида муфассал маълумот бермоқчи эмасмиз. Шу боис бирмунча сарф, наҳв ва фикҳ олимлари ҳақида сукут сақлаб, фақат баъзиларининг номини зикр этиб ўтишни лозим кўрдик. Шу даврда яратилган бир неча сарф-наҳв китоблари ислом дунёсидаги ёшлар қўлида ҳозиргача дастуриламал тутилмоқда ва Ўрта Осиё мусулмонларининг эътиқод ва ибодатга оид кўпгина хусусиятлари шу вақтларда ёзилган фикҳ ва услуб китобларига замин бўлмоқда. Осиё ва умумжаҳон мусулмонлари қошида энг нозик санъат ва энг олий мукамал маълумот саналган, ҳозирда ёлғиз номларигина қолган нимаики бор бўлса, уларнинг орасида Ҳирот ва Самарқанд ҳуқуматлари вақтида тараққий этган нарсалардир. Шулар орасида аввало хаттотликни кўрсатиш мумкин.

Султон Али (Машҳадий — С. А.) бу санъатда камол топди ва Мир Алишернинг асарларини кўчириб ёзадиган пайтда шу усулни қўлади. Хаттотлик билан бирга мусавирлик санъати ҳам катта ўрин тутди. Бу санъатда Беҳзод ва Шоҳмузаффар шуҳрат топдилар. Гарчи темурийлар сунний мазҳабига ихлосманд эса-да, ўзларининг китобларини турли рангдаги тасвирлар билан безамоққа, биноларни ҳар хил расмлар билан зийнатламоққа интилдилар, сувбўёқ билан ишланган бу расмларда ранг-баранг нақшлар ва жонсиз нарсаларнинг суратлари эмас, балки машҳур хонлар, аскарлар, ҳатто авлиёларнинг тасвирлари ҳам бор эди.

Ислом Осиёсининг ҳозирги аҳволидан хабардор кишилар учун темурийлар даврида раққослар бўлгани тагин ҳам таажжублидир. Бобурнинг баёнига қараганда, ўша замонда раққосларнинг биринчиси саидлардан (пайғамбар наслидан) Баҳр исмлики бир киши бўлиб, раққослик санъатида ғоят моҳир экан. Унинг шахсан ўзи бир неча раққосларни ижод этган. Агар ҳозирги бир мусулмон бошига катта салла ўраган бировнинг раққозлигини кўрса, қанчалик даҳшатга тушар эди.

Замонлар шу даражада ўзгариб, темурийларнинг инқирозидан сўнг Ўрта Осиё ҳам олиймақом маданиятдан ва ҳақиқий нафосатга берилишдан айрилиб, ниҳоятда жаҳолат ва ваҳшатга тушдики, у бундан сира ҳам озод бўла олмас. Маданият даври сўниб, унинг ҳукмронлики ҳаёти ҳам заифликка юз тутди. Вақти билан ҳукмдорлар Ислом Осиёсининг энг муҳим китъаларида бир неча асрлар мобайнида нуфузини ўтказган Бухоро ва Самарқанд жаҳон тарихи саҳифасида ўз вазифаларини йўқотдилар. Ғоят гўзал ўтган замоннинг нақадар гўзали бўлган Мовароуннаҳр давлати бундан эътиборан қашшоқ Бухоро хонлиги тарзида таназзулга юз тутди.

Охири келгуси сонда



БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

ХАНДАҚЛАРДА БИТИЛГАН САТРЛАР

Улуғ Ватан уруши тугалланганига қарийб ярим аср бўлаяпти. Бу уруш 50 миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан 20 миллион ватандошларимизни олиб кетди. Улар хотирасига жанггоҳлар ўрнида, фидойи кишилар ватанларида мангу оловлар ёнмоқда. Мангу оловлар шаҳидлар ёдидир. Лекин уларнинг руҳи ҳар қандай ёдгорликдан кучлидир.

Ўзбек ёзувчиларининг кўпчилиги фашист босқинчиларига қарши курашиш учун жанг майдонларига отландилар. Ҳамюртларимизнинг бир қанчаси душман билан қаттиқ жангларда ҳалок бўлдилар. Султон Жўра, Олим Шарафиддинов, Талас Нормухаммедов, Борис Петров, Ғулём Ғафуров, Николай Звездин, Саидғани Валиев, Жалил Қодирий, Ҳасан Саид, Ақром Аҳоров, Зинат Боқиев, Қодиржон Имомов, Бурҳон Турсунов, Отамулло Тошматов, Исоқжон Юсуповлар ватанимиз бахти йўлида жонларини фидо қилдилар. Уларнинг дастлабки юрак нидолари, илк шеърлари, илмий публицистик мақолалари, очерк, лавҳалари қолди. Уларнинг орзу умидлари, руҳлари бизларда, келажак қалам соҳибларида яшайди. Оқолларда, тўзонли ҳамлаларда ёзилган асарлар халқимизнинг қахрамонона тарихининг оловли йиллардаги сўнмас обидаларидир.

Буюк Ғалабамизнинг 45 йиллиги башариятнинг улуғ байрамидир. Шундай кунда биз собиқ жангчилар ўша оловли йилларнинг ҳар бир кунини, ҳар бир дақиқасини, қаттиқ жангларда устун келиб, эсон-омон она-ватанга қайтишни ўйлаганларимизни ёдга оламиз.

Фронтдан қайтмаган дўстларимнинг оловли йўлларда ёзган шеърларидан айрим намуналарни хотира сифатида ҳурматли журналхонларга тақдим этишни ўз бурчим деб билдим.

Шеър қолур, кўшиқ қолур мерос инсонга,
Қуёш каби нур таралур ундан жаҳонга,
Қолур мардлик тарих бўлиб жанггоҳлардан у,
Киприк бўлиб боқар мангу нигоҳлардан у.
Унинг билан туғилар дард, яшар дилларда,
Унинг билан қанот ёзар тинчлик дилларда.

Назармат.

Аҳмад Бобожон

Ғолиб қайтаман

Хатинг келди, гўё сен келдинг,
Шодлик келди околга бу он.
Гўё тутдинг даста гулингни
Севганингга, сеvimли жонон.
Дебсан: «Кетганингга қор эди,
Келди элга сўлим гулбаҳор,
Юзин очди эккан гулларинг,
Йўлларингга улар интизор».
Қора сочинг ёзиб гўзалим,
Боққа анбар сочиб туратур,
Гуллар кўшиб ҳар бир толига,
Сиёҳ зулфларингни ўратур.
Мен қайтаман энгиб ёвларни,

Битар тамом фашистлар зоти.
Тугатамиз зулмат, ғовларни,
Қуёш кучар халқлар ҳаёти.
Қасам ичдим улуғ Ватан деб,
Онам ёши тўкилмасин деб.
Қурол олдим, отамнинг қадди
Ёв олдида букилмасин деб.
Душман бўлар мағлуб муқаррар,
Марди майдон бўлиб қайтаман,
Кутгин эркам, бўлиб музаффар,
Ўлкамга шон олиб қайтаман.

1941

151

Қасамёд

Фашизм тинч элга очди қонли жанг,
Қилайлик ёвларнинг ҳолини биз танг,
Мен ҳам фронтдаман, меҳрибон Ватан,
Фидойи сен учун бу жон, ҳам бу тан.
Қарзинг бор бўйнимда, она, эт талаб,
Жонажон умримни этдим сафарбар.
Маҳв бўлар фашизм, битар қабоҳат!
Онажон!

Мардона этай қасамёд:
Курашим ортида албат зафар бор!
Милтиғим қаламим бирла қадрдон,
Иккиси бир мақсад қасдида,
Жангчи томиримда дарё чайқалар.
Сен учун ҳар қандай жангга қодирман,
Хурматинг бағримда океан қадар!

1941. Ҳаракатдаги Армия.

Исоқжон Юсупов

Бахтиёр қизга

Хайрлашдинг дилинг тўла завқ,
Гуллар тутдинг бўлиб парвона,
Қўлинг қисдим, кетдим шунда мен,
Ватан учун бўлиб мардона.
Олган билим, қудрат дилимда,
Курашларда куrol у менга.
Сафарбарлик она элимда,
Мен ҳам бу кун йўл олдим жангга.
Ватанимнинг сен ҳам бир қизи,
Курашларда бирга юрасан.
Ҳозир бўлиб душман қасдига,
Бир околда зарба берасан.
Зафар чоғи кутгин, бораман,
Гуллар териb Ватан боғидан,
Шунда севиb гуллар тутаман,
Севги аҳдим ширин чоғидан.

1941.

Отамулло Тошматов

Қаламга хитоб

О, қаламим, ҳамдамим, жоним,
Хур Ватанда куйла борингни,
Жабҳаларда сенсан виждоним,
Янгат бу кун юрак торингни.
Жанггоҳларда Ватанни куйлаб,
Ёзгин шахдам, кенг қанотингни,
Олға интил марралар бўйлаб,
Халқим учун бер ҳаётингни.
Эй қаламим, қалб ифтихорим,
Номардларга найза бўлгин сен,
Сени тинглаб она диёрим,
Бахти учун фидо бўлгин сен.
Сени севиb ўқисин халқим,
Содиқ бўлгин унга ҳар доим,
Сен эурсан жангда ҳамроҳим,
Зафар сари ташла шахт одим!

1941

Йиғлама дейману...

Йиғлама дейману, ўзим йиғлайман,
Бу йиғим оламга қилинсин аён.
Еш тўкиб ачийди кўзим, йиғлайман,
Айласин юракнинг дардини баён.

Тупроққа беланган рўмолчангни бер,
Онангинг юзини ёпай абадий.
Иккимиз оқизган кўз ёшдан бу ер
Нам олди, ундан ўч гули ўсади.

Сумкада ювилган оқ кўйлагим бор,
Кийиб ол, бу қонли кийимингни еч.
Онангни ўлдирган у қотил, беор,
Фашистнинг бошини узар бу қилич.

1942 йил. Ғарбий фронт.

Султон Жўра

Пулемётчи овози

Армоним йўқ Ватан жангида
Бурчим ўтаб олдим жойимни,
Шу шараф-чун орзу тонгида
Талпинарди қалбим доимий.
Наводчикман, «Максим» йўлдошим,
Санчдим ёвга ўлим ўтини,
О! Қойилман аёло ишимдан,
Жон пулемёт менинг йўлдошим!
Зарнинг заргар... Курашнинг жангчи
Жангда билур қиммат-қадрини.
Ёв улгурмас, «Максим» сайраса,
Мурдасига қазиб қабрини.
Атрофимда портлар миналар,
«Зув-зув» учар ўқлар тепадан,
Майли, ёғсин алланималар,

Ахир, нега кўрқар эканман.
Тишларим ҳам ўқдай лентадан
Приёмникка ўтиб тургандай,
Шу қадарли зич сиқилганки,
Ёв бағрига ботиб киргандай.
«Олға» деди туриб капитан,
Фронт сари кўтариб қўлин,
Пулемётим билан кўчдиму,
«Сайра» дедим, жангчи булбулим.
Ғалабининг соати яқин,
Эй бўш келма, жангчи «Максим»им,
Биз енгамиз! Бу қатъий яқун,
Жангчинг билан ишинг ҳақ сенинг!


1943 йил, 5 ноябрь. Марказий фронт.

Бурҳон Турсунов

Кўз олдимда Карпат тоғлари

Кўз олдимда Карпат тоғи, буюк ўрмонлар,
Юрак тўла орзу ила чексиз армонлар,
Ўрмон тўла турли қушлар, булбул, майналар,
Парвонадек бош устида учар, айланар.
Бу ерларда жанг боради, улар билмайди,
Кеча-кундуз сайрашини асло қўймайди.
Бу манзара эслатади менга ўтмишни,—
Саргузаштин Отабек-ла гўзал Кумушнинг:
От устида йўлда кетар эди Отабек,
Кумушойга севгиси бор, душманига кек.
Атрофига қарадию қушларни кўрди,
Ёлғиз эди. Улар билан суҳбатга кирди.
Шу тариқа аста-секин ўтмоқда кунлар,
Бунча узоқ туюлади жанггоҳда тунлар!

1944 йил, 25 октябрь.
Польша.



Али Назар Эгам Назаров

САРГАРДОНЛИК

Ҳужжатли қисса

1943 йил август кунларининг бири. Саратон тугаган бўлса ҳам ҳали куёшнинг тафти сусаймаган. Ҳусан ака уч-тўрт кундан бери ишга боролмай, уйда бетоб ётарди. Шунинг учун ҳам тушдан кейин катта қизи Ойқарамга ишхонасига бориб, ўзига бериладиган уч кунлик «заборний» нонни олиб келишни буюрди. Ойқарам «хўп» деб чиқиб кетдию, кўп вақт ўтмай қайтиб келди. Унинг кайфияти ёмон эди.

— Нега хомуш кўринасан, қизим? Бирон киши хафа қилдимми?— деди отаси.

— Йўқ!..— дея олди Ойқарам ва пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Тинчликми ўзи? Нима ҳодиса рўй берди, айтсангчи?!— деди эрининг ёнида ўтирган Муҳтарам опа.

Ойқарам Зиямат акасидан келган, қўлида буклоғлиқ турган қора хатни хонтахта устига қўйди.

— Кимдан бу?!— деди ота беихтиёр жонсарак бўлиб.

— Зиямат акамдан.

— Буни сенга ким берди?!

— Почтачи.

— Уни қаерда учратдинг?

— Ҳозир йўлда учратдим.

Муҳтарам опа уввос солиб юборди. Чолнинг ранги оқариб, қўл-оёқларига қалтироқ турди.

Яна шу аҳволда кампирини юпатмоқчи бўлди.

— Узингни бос, кампир, енгил бўлма, ҳали бу рост гапми, ёлғонми, аниқлаш керак бўлади.

Лекин кампир фарёд қилишда давом этди. Унга болалар қўшилишди. Бир пасда уй қий-чув бўлиб кетди. Йиғи товушини эшитиб, қўни-қўшнилари чиқишди. Оқшом узоқ-яқиндаги қариндошлар ҳам етиб келишди. Улар бу кулфат ҳозир деярли барча хонадонда борлигини, юртга келган «тўй» эканлигини айтиб, чол-кампирга таскин беришди. Баъзилар қора хатга ишонмаслик керак ҳам дейишди.

Дарҳақиқат, ўша пайтларда ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келган йигитларнинг уйига кириб келиши ҳоллари ҳам бўлаётганди. Шунинг учун ҳам айрим кишилар қора хатларга анча ишончсизлик билан қарашарди. Аммо фарзандини яхши умидлар билан кутиб ўтирган ота-онанинг бирдан шум хабар эшитиши барибир оғир.

Ҳусан аканинг уч ўғил ва уч қизи бор эди. У фарзандларим ўқиб одам бўлсин, деб 1939 йилда Сайрамдан Тошкентга кўчиб келганди. Фарзандлар ҳам ота ишончини оқлашаётганди. Икки ўғли кетма-кет Тошкент педагогика билим юртини тамомлашди. Каттаси Шомақсуд Пискент раёнига йўлланма билан бориб, мактабда муаллимлик қила бошлади. Зиямат эса Низомий номидаги педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқишни давом эттирди. Қолган фарзандларининг ҳам ўқиши, одоби чакки эмасди.

Шунда бирдан уруш бошланиб кетди. Аввал Зиямат, кейин Шомақсуд фронтга жўнаб кетишди. Шомақсуд фронтга Пискентда ташкил этилган отлиқ ўзбек дивизияси сафида кетганди. 1941 йил охирида унинг бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар келди. Зияматдан келган қора хат эса ота-она учун иккинчи зарба бўлди. Яхшиямки, атрофда қўни-қўшни, қариндош-уруғ бор экан. Улар оғир пайтда Ҳусан ака билан Муҳтарам опанинг ғамига шерик бўлишди.

Юракдаги жудодик ўти энди сўнай деганда яна бир мактуб келди. 78-дивизия сиёсий бўлими бошлиғи Б. И. Мutowин имзо чеккан бу мактубда шундай дейилганди:

«Ҳурматли отажон, онажон!

Биз ўғлингиз Зиямат Ҳусановнинг ўлими муносабати билан сизлар қатори қайғу чекаёلمиз. Сизлар учун оғир дамларда ёнингизда бўлолмаганимиздан ўкинаёلمиз. Биз немис-фашист босқинчиларига қарши курашда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган Ватанимизнинг бу қаҳрамон фарзанди билан ҳарқанча фахрлансак арзийди. Сизнинг ўғлингиз ва бизнинг қуролдош дўстимизнинг сўнмас жасорати ёрқин хотирамизда ҳамиша қолади, бизни душмандан қасос олишга, Ватан озодлиги ва шон-шарафи учун янги жасоратларга ундайди».

Бу хат билан танишгач она яна фарёд қилди. Қариндош-уруғ Зияматга аза очишни таклиф қилишди. Хусан ака рози бўлди. Лекин Муҳтарам опа оёқ тираб туриб олди.

— Йўқ,— деди у бирдан,— Мен Зияматга аза очмайман! Шундай ўғлимнинг ҳалок бўлганлигига ҳеч ишонгим келмаяпти. У тирик, албатта қайтиб келади.

Чол кампирининг раъйига қаради.

1944 йил 22 февралда матбуотда СССР Олий Совети Президиумининг Зиямат Хусановга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида шоир Туроб Тўланинг саксон фашистни ер тишлатган бу ўзбек йигитининг жасоратига бағишланган шеъри босилди. Хукумат Хусан ака оиласига шахар ташқарисидан томорқа берди, моддий ёрдам таклиф этди. Чол томорқани экдию, лекин моддий ёрдамни олмади. «Мен ўғлимнинг ўлигини сотиб емайман» деди.

* * *

Зиямат ўзига келиб, кўзини очганда борлиққа тун қоронғулиги чўккан, фақат осмонда бир тилим ой хира нурини таратиб турарди. У калласи тинмай ғувиллаётганлигини, ўнг қўли ва оёғи зирқираб оғриётганлигини ҳис қилди. Аввалига қаерда ётганини ҳам яхши англай олмади. Фақат орадан бироз вақт ўтгач, кун бўйи бўлган жангни эслади. Бу жанг худди унинг тушида бўлган-у, ҳозир ўша даҳшатли тушни эслашга ҳаракат қилаётгандай туюлди назарида. Узоқ-узоқларда ора-сира автоматларнинг тариллагани, тўпларнинг гумбурлагани қулоғига чалинди. Яна яқин атрофда унинг ўқидан оғир ярадор бўлган, жон талвасасида ётган фашистларнинг баъзида инграгани, ўз тилида нималардир деб илтижо қилгани эшитила бошлади. Ана шунда Зиямат кундузги жанг тушида эмас, ўнгида бўлганлигини, ўзи эса блиндажи яқинида душман ўқидан яраланиб ётганлигини англади. «Икки жойимдан ўқ еганга ўхшайман, миям негадир ғувиллаяпти» деб хаёлидан ўтказди у.

Бир маҳал дарё сувининг соҳилга урилиб шалпиллаши, немис аскарларининг ўзаро сўзлашуви эшитилиб қолди. Беш-олти немис резина қайиқда дарёдан ўтиб, кун бўйи бетиним жанг бўлган дзот томон кела бошлашди.

Зиямат кўзини юмиб, ўзини ўлганга солиб ётди. Улар чироқларини ёқиб тепасига келганларида эса нафас олишни ҳам тўхтатди.

— Зип, шльюз-шльюз! ¹— деди улардан бири этиги билан Зияматни тепиб. Лекин «жасад»да жон борлиги сезилмади.

— Ер ат мет нох?! ²

— Найн, капут! Гейн вир ³.

Фашистлар нари кетишди. Улар ярадорларни йиғиб кетгани келган санитария батальони жангчилари эди чамаси. Шу атрофда анча вақт уймалашиб юришди. Кейин қайиққа ўтириб, яна дарёнинг нариги соҳилига ўтиб кетишди.

— Хайрият, сезишмади,— деди Зиямат ўзича суюниб.— Ажал шабадаси яна бир юзимни силаб ўтдию, аммо ўз комига тортмади. Ҳали умрим бор экан.

Зиямат қаддини хиёл кўтариб, атрофга аланглаб, инсон шарпаси сезилмаётганлигига яна бир ишонч ҳосил қилди. Унинг ўнг кифти ва оёғи ҳамон зирқираб оғриб, қулоқлари шанғилларди, юришга ҳоли йўқ эди. Аммо саҳаргача бу ерда қолиш хавфи. «Нима бўлса ҳам ўзимни панароқ жойга олишим керак». Унинг хаёлига чап томондаги, дарё бўйидаги қамишзор келди. Уша қамишзор ичига яширинмоқчи бўлди. Яраси азоб бераётганига қарамай қамишзор томон эмаклай бошлади. У ерга қанча вақтда етиб борганини эслай олмайди. Аммо етиб борганида пешонасидан совуқ тер чиқиб, батамом ҳолдан тойган эди. Бироз нафасини ростлагач, соғ қўли билан атрофдаги қамишларни синдириб, остига тўшади. Кейин унинг устига чўзилиб, пинакка кетди.

Бир маҳал уйғонганда осмоннинг шарқий томони оқариб, тонг отай деб қолганди. Зиямат жуда ҳам сувсаганлигини, оғзи қуришиб, тахир бўлиб қолганлигини ҳис қилди. Яралари оғриғи эса бирмунча пасаёган эди. У қамишзордан аста эмаклай чиқиб, атрофга яна бир разм солди. Ҳаммаёқ жим-жит, инсон зоти кўринмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, дарё томон сурилди. Чимли соҳилга етиб, тинч оқар дарёнинг муздек, зилол сувидан симира бошлади. Шу пайт ердан чиқди-ми, осмондан тушди-ми, билмай қолди, икки немис аскарлари югуриб келиб, унинг устига ўзларини ташлашди. Бақиртириб қўлларини орқасига қайириб боғлашди. Чўнтаklarини тинтув қилишди. Кейин резина қайиққа солиб дарёнинг нариги соҳилига олиб ўтиб кетишди.

Дарёдан ўтишгач, Зияматни усти брезент билан ёпилган юк машинасига ортишди-да, дала йўлидан ғарб томонга олиб кетишди. Бир қилшоқча етишганда машина тўхтади. Бу ерда яна бир соқчи ва ўнтача асир қизил аскар машинага чиқишди. Ярим соатча йўл юришгач, машина тўхтаб ҳамма асирларни пастга туширишди. Қизил аскарлардан бири Зияматнинг ярадорлигини, юришга қийналаётганлигини кўриб, унинг қўлтиғидан олди.

— Ўзингни тетик тут, биродар,— деди у секин,— акс ҳолда отиб ташлашлари мумкин. Буларга ортиқча юкнинг кераги йўқ.

Асирларни ярим ертўла, қоронғи бир бинога олиб киришди. Афтидан бу ер илгари сабзавот омбори бўлган бўлса керак, ундан ачиган карам ва картошка ҳиди анқирди. Бинода анчагина одам бор эди. Лекин улар дастлаб қанча эканликларини билиб бўлмади. Фақат бироз вақт ўтиб, асирларнинг кўзлари қоронғиликка ўргангач, бинода юзга яқин одам борлигини кўришди. Бу кишилар орасида соғи ҳам, ярадори ҳам бор эди. Аммо ҳаммаси бирдай ҳориб, ҳолдан тойган эди.

Асирларни бу ерда икки кун сақлашгач, Харьков яқинидаги лагерга ҳайдаб боришди. Йўлда талайгина асирлар яралари азоб бераётганлигидан, сувсизлик ва очликдан юролмай, қулаб қолишди. Немислар уларнинг ҳаммасини отиб ташлашди.

¹ Тўхта, рус-рус!

² У нафас олаяптими?!

³ Йўқ, у ўлган. Бу ёққа юр (немисча).



Ёшлик, навқиронлик даврлари қирқинчи йилларга тўғри келган авлод учун Улуғ Ватан уруши ҳаётларидаги энг асосий ҳодиса ҳисобланади. Зиямат Ҳусанов мана шу тарихий воқеанинг оғир юкини ўз елкасида кўтарган ўша ажойиб авлод вакили сифатида бир умр уруш хотиралари билан яшади. У ёшлар даврасида тез-тез бўлиб, жангоҳларда бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилишни яхши кўради. «У кунларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар, болаларим», деб кўп таъкидларди.

Харьковда бироз вақт туришгач, асирларни Днепропетровскдаги концлагерга жўнатишди. Зиямат шу ерда ҳамқишлоқ дўсти, сайрамлик Раҳмонқул Худойбергенов билан учрашди.

1943 йил сентябрь ойининг охирида Днепропетровск концлагеридаги жисмонан бақувват, меҳнатга яроқли асирларни танлаб, Берлин яқинидаги Люкенвальд концлагерига жўнатишди.

* * *

Люкенвальддаги концлагерда асирлар баракларга миллатига қараб жойлаштирилганди. Бу ердаги тартиб-интизом жуда ҳам қаттиқ эди. Асирларни 12—14 соатдан ишлатиб, ҳар куни бир маҳал қипиқ аралаштирилган 250 грамм қора нон, ачиган карам ёки ҳар хил ўтлар, картошка, сабзи пўчоқлари солиб қайнатилган ярим литр суяқ овқат беришарди. Овқатга гўшт ўрнига молнинг ичак-човоқларини ёки балиқ солишар, одамлар шишиб кетмаслиги учун тузини паст қилишарди.

Табийки, бундай шароитда кишини мунтазам очлик қийнарди, одамлар доимо атрофга олазарак бўлиб, егулик бир нарса топиш илинжида юришарди.

Бир кун кечқурун ишдан қайтишганда Зияматнинг кўзи йўл четида ётган иккита каттагина оқ лавлагига тушди. У соқчининг кўзини шамғалат қилди-да, лавлагини олиб қўйнига солди.

Аксига шу куни лагерга киришганда уларни тинтув қилишди. Зияматнинг қўйнидаги лавлагини тортиб олиб, бошига таёқ билан солишди. Миясидан қон оқиб, юз-кўзини қоплади. Ўртоқлари уни суяб баракка олиб киришиб, дока билан ярасини боғлашди.

Люкенвальддагиларнинг бирдан бир орзуси Украина ва Белоруссиядаги концлагерларга қайтиб бориш эди. Уша ёққа бориб олсак, партизанлар томонига қочиб ўтишимиз мумкин бўларди, дейишарди. Аммо бу бахт ҳам камдан кам одамга nasib бўлди.

Зияматлар келмасидан аввал бу ерда бир воқеа бўлибди. Сода заводида ишлайдиганлардан иккитаси бирдан трахома (шиллик) бўлиб қолибди. Фашистлар юқумли касалдан жуда қўрқишарди. Шунинг учун ҳам икки беморни дарҳол медицина кўригидан ўтказиб, Украинадаги бир лагерга жўнатишибди. Улар эса кетишганда «трахома»га қандай чалинганликларини ўртоқларига гапириб беришибди. Бунинг «сири» осон экан. Оддий содани сувда эритиб икки-уч томчи томзилса, кун бўйи кўзни қизартириб, ёш оқизаркан.

Бир маҳал бирдан концлагерда трахома кўпайиб кетибди. Немислар уларни ҳам медицина кўригидан ўтказишибди. Асирлар орасида ўн уч яшар партизан бола ҳам бор экан. Врач шу боланинг кўз милкларини очиб қараса, оппоқ бир нарса турганмиш. Уни олиб, текшириб кўришса, сода

эмиш. Боласи тушмагур врач кўриги олдидан содани сувда эритишдан эриниб, кўз милкига қуруғидан солиб олган экан.

Шундан кейин фашистлар «трахома»га чалинганларнинг ҳар бирини тахта кроват устига ётқизиб, резина таёқ билан эллик мартадан урибди. Уч киши, жумладан, ҳалиги ўн уч яшар бола ҳам бу калтакни кўтаролмай икки кундан кейин ўлибди.

Асирларни доимий қўрқув ва ҳақикда сақлаш, жисмонан ва руҳан синдириш учун фашистлар уларни арзимаган нарсага ҳам жазолашаварларди. Асир бош кийимини вақтида олмаса ҳам, совуқда қўлини чўнтагига тиқиб турса ҳам, ёмғир ёки шамол пайтида ёқасини кўтарса ҳам, лойгарчиликда ботинкасини яхши тозаламаса ҳам жазоланарди. Жазонинг эса калтаклаш ва карцерга ташлашдан ташқари, совуқда симёғочга боғлаб қўйиш, овқат бермаслик, икки қўлини кўтариб, остонага тик турғазиб қўйиш, қўшимча иш буюриш каби усуллари бор эди.

1944 йил бошида ўзбекларни югослав партизанларига қарши урушга юборишармиш, деган гап пайдо бўлиб қолди. Сал вақт ўтмай бу гапнинг ҳақиқатлиги маълум бўлди. Уларнинг олдига концлагерь коменданти, яна баланд бўйли, йўғон бир немис офицери келиб, ҳаммани барак олдига саф қилишди.

— Сизлар буюк немис миллати олдида жуда катта гуноҳлар қилган кишиларсизлар, кўплаб немис аскарларини ўлдиргансизлар,— деди офицер.— Бунинг учун ҳаммангизни отиб ташлаш керак эди. Аммо биз сизларга марҳамат қилиб, ўз гуноҳларингизни ювиш учун имконият яратмоқчимиз. Орангиздаги қурол кўтариб, жанг қилишга қодир бўлганларнинг ҳаммасини Югославияга юборамиз. Сизлар фюрер ўша ерда жорий этган тартибга қарши бош кўтарган бандитларни тугатишда қатнашасизлар. Бу вазифадан бўйин товлаганларнинг ҳаммаси отилади. Шуни яхши билинглари,— деди офицер гапини давом этказиб,— сизлар эртадан эътиборан Германия армиясининг аскари ҳисобланасизлар. Ундаги барча тартиб-қоида сизларга ҳам тўла дахлдор бўлади. Фюрерга садоқат билан хизмат қилиб, бандитларни кўп ўлдирган, жангда мардлик кўрсатганлар рағбатлантирилади, унвонлари оширилади. Аксинча, ўз командирининг буйруғини вақтида бажармаган, армиядаги тартиб-қоидага риоя қилмаганлар жазоланадилар. Тушунарлими?

— Тушунарли!

— Ундай бўлса, ҳозирча тарқалиб, баракка кириб дам олинглар. Эртага жўнаб кетасизлар. Комендант билан офицер кетгач, Зиямат билан Раҳмонқул секин барак орқасига ўтишди. Улар ортидан Сайлихон Файзиев, Асан Успанов, Саидхўжа Отахўжаев, Акрам Мирзааҳмедов ҳам боришди. Бу кишилар шу ерда танишиб, дўстлашишганди.

— Нима қиламиз, «хўп» деб кетаверамизми Югославияга?— деди Раҳмонқул бир қараб.

— Шахсан мен бу борада бирон гап айтишга қийналаман,— деди Отахўжаев.

— Менимча боравериш керак,— деди Сайлихон Файзиев.— Уларга итоат этмасак, барибир бизни ўлдиришади. Буни ўзлари ҳам айтишяпти.

— Немис формасини кийганимиздан, ўлганимиз афзал эмасми?! Ватан олдида юзимиз ёруғ бўлиб жон берамиз-ку!

— Саидхўжа, сиз масалага тор назар билан қараяпсиз,— деди Раҳмонқул Файзиевнинг фикрини қувватлаб.— Немис формасини кийиш, ҳали бу гитлерчиларга хизмат қилиш деган сўз эмас. Биз шундай қилсак, қўлимизга қурол тегади, югослав партизанлари томонига қочиб ўтиш имконига эга бўламиз. Улсак ҳам курашиб ўлайлиқда. Бу ерда итдек ўлиб кетишдан нима фойда?!

— Шу ернинг ўзида қочишнинг бир иложи бўлмасмикан?

— Шу пайтгача ҳеч бир иложи бўлмади-ку, энди бўладими? Ахир бу ер Украина ёки Белоруссия эмас, Германия! Мана, кўриб турибсиз, бу ерда концлагердан ташқарига чиқишнинг ўзи осон эмас. Гарчи бунинг иложи бўлганида ҳам, граждон кийимига, овқат запасига эга бўлиш, одим жойда эсэсчилар соқчилик қилиб турган шаҳар ва қишлоқлардан пиёда юриб ўтиш керак. Бундай қилиш камдан-кам одамнинг қўлидан келади.

— Агар Югославияга борадиган бўлсак, атрофимизга энг ишончли кишиларни тўплаб, дастлабки қулай имконият юзага келиши биланоқ партизанлар томонга қочиб ўтишимиз керак.

— Албатта, шундай қиламиз.

Эртаси ўттиз бир ўзбек йигити эски немис ҳарбий формасини кийиб, чехословак милтиғини олишди-да, бир немис майори бошчилигида Югославияга жўнаб кетишди.

Дастлаб Албаниянинг Печь шаҳрига боришди. Немис майори шу ерда уларни янги хўжайинларга топшириб, ўзи яна Германияга қайтиб кетди. «Ёланганлар» эса Печда уч-тўрт кун туришгач, пиёда йўл юриб Черногориянинг Гусина қишлоғидаги кичик бир гарнизонга етиб келишди. Уларни от минган комендант ва беш эсэсчи кузатиб келди. Отряд шу ерда тунаб, эрта-лаб яна бошқа бир гарнизонга жўнаб кетиши керак эди.

Оқшом Раҳмонқул гарнизон ташқарисига чиққанида йўл ёқасида велосипед фидирагига дам бераётган қора соч, қора кўз икки ўсмир болани кўрди. Бу болалар бир-бирлари билан туркча гаплашаётгандилар. Раҳмонқул улар ёнига борди.

— Салом, болалар!

Болалар немис формасидаги одамга ҳайрон бўлиб, қўрқа-писа қарашди-да:

— Салом!— дейишди.

— Сизлар мендан қўрқманглари, мен немис эмасман, россиялик мусулмон одамман.

— Яхши, бизда нима гапингиз бор?

— Бу атрофда қаерда партизанлар бор?

Болалар нима дейишларини билмай бир-бирларига қарашди.

— Нега бизга бундай савол бераяпсиз?— деди болаларнинг ёши каттароғи.

— Мен ўшалар томонга қочиб ўтмоқчиман. Бу чин сўзим. Бошқа мақсадим йўқ.

— Анави довондан ошиб ўтсангиз, партизанларга дуч келасиз,— деди бола чап томонни кўрсатиб.

— Йўлда немисларнинг заставалари йўқми?

— Йўқ. Кечалари партизанлар баъзан шу ерларга ҳам келишади.

— Раҳмат сизларга, болалар.

— Соғ бўлинг!

Раҳмонқул гарнизонга кирди-да, ҳовлида милтиқларини тозалаётган ўртоқлари ёнига бориб, болалардан эшитганларини уларга айтди.

— Ундай бўлса, вақтни бой бермай бугун-эрта қочишимиз керак, — деди Мирзааҳмедов.

— Албатта шундай қилиш керак, — дейишди бошқалар ҳам.

Кечки овқатдан сўнг кўп ўтмай дам олиш учун буйруқ бўлди. Йигитлар ечиниб, бошларини ёстиққа қўйишганда баракка эсэсчилар кириб келишди. Улар Худойбергандов, Успанов, Мирзааҳмедовни ўринларидан турғазлашиб, кийимларини кийишларига ҳам руҳсат бермай олиб чиқиб кетишди. Кўпчилик чақув бўлганлигини, бу уч йигитнинг куни битганлигини дарҳол фаҳмлади. Раҳмонқул Зияматга қаради-да, «Хайр, дўстим!» дегандек секин бош қимирлатиб чиқиб кетди.

Орадан ўн беш-йигирма минут ўтгач, олисдан кетма-кет отилган ўқ товуши келди. Кейин яна ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди.

Эрталаб комендант отрядни саф қилди-да, Файзиев бошлиқ беш йигитни олдинга чиқарди.

— Сенларга шундай топшириқ: бир соатда бешта от топиб келасанлар.

Беш йигит қишлоқ оралаб кетишди. Комендантнинг ўзида от бор эди. Беш от уларга ҳамроҳ бўлган беш эсэсчига керак эди.

— Бу аблахлар кеча кун бўйи биз билан баравар пиёда юриб чарчашди. Энди отда юришмоқчи, — деди Зиямат.

— Уларнинг отлиқ бўлиши биз учун яхши бўлмайди, — деди Файзиев. — Пиёда одамнинг отлиққа ҳужум қилиши осон эмас, буни унутмаслигимиз керак.

— Нима қиламиз, қишлоқда от йўқ экан, деб қайтиб борамизми?

— Шундай қиламиз. Йўлига уч-тўрт хонадонга кирайлик-да, орқага қайтайлик.

— Бу аблахлар чангалидан бугуноқ қўтилмасак, эртага ҳаммамизни гумдон қилишлари мумкин. Уч дўстимиз учун албатта ўч олишимиз керак.

— Албатта шундай қиламиз, — деди Файзиев. — Агар ҳозир қайтиб бориб йўлга тушсак, қишлоқдан чиқиб, овлоқроқ бир жойга етишимиз билан соқчиларга ҳужум қиламиз. Мен чалган ҳуштак ҳужумни бошлаш учун берилган сигнал бўлади.

Бошқаларни ҳам огоҳлантиринглар.

— Маъкул, — дейишди йигитлар.

Улар йўлига уч-тўрт хонадонга кириб, от сўраган бўлишди-да, «йўқ» жавобини олишгач, пана жойда бироз тамаки чекиб ўтиришиб, «қишлоқда от йўқ экан», деб қайтиб боришди. Комендантнинг қовоғидан қор ёғиб, ҳаммани гарнизон олдига саф қилди. От топиб келолмаган беш йигитни бир-бир саф олдига чиқарди-да, йўлдаги балчиққа беш мартадан ётқизиб тургازди. Кейин уларга кийимларини тозалашни буюрди. Беш йигит рўпарадаги қудуқдан сув олиб, кийимларини тозалашди. Фашистлар эса сигарета чекиб, уларнинг бу ишини томоша қилиб туришди.

Сўнгра комендант отига миниб яна ҳамманинг сафланисига буюрди.

— Сенларни бизнинг қўлимизга юборганларни ҳам, сенларни ҳам пешоналарингдан отиш керак! — деди комендант балчиққа ётганларга бир-бир ўқрайиб. — Лекин мен ҳозирча шу жазо билан кифояландим.

— Чапга қайрилиңлар! Марш!

Отряд йўлга тушди. Ҳадемай қишлоқ ортда қолиб, дала йўлига чиқишди. Бу йўл доволангача бориб, кейин ўннга бурилиб кетарди. Олдинда катта бир сой кўринди. Сой устида кўприк бор эди. Кўприк тор, бир арава зўрга сиғарди.

Файзиев айна шу кўприк ҳужум қилиш учун энг қулай жой эканлигини ўйлаб, шерикларига маъноли қараб қўйди. Улар ҳам Файзиевни дарҳол тушунишди.

Олдинда бораётган комендантнинг оти тахта кўприкдан ўтай деганда, Файзиев қаттиқ ҳуштак чалди-да, от устида бораётган комендантга ташланди. Унинг қўлига бутун залвори билан ёпишиб ерга тортди. От ҳуркиб эгасини йиқитиб қочди. Файзиев ерга қўлаган комендантнинг бошига милтиқ қўндоғи билан туширди. Орқасига ўгирилганда эса кўприк усти тўс-тўполон бўлиб кетганлигини кўрди.

Қизил аскарлар олти соқчининг ҳаммасини бир пасда ўлдириб, қуролларни олиб, жасадларини пасда кўпириб оқаётган сой сувига ташлашди. Кейин иккита граната отиб, кўприкни портлатиб, доволангача қочти.

Гарнизондагилар ўқ товушини эшитиб, уларнинг ортидан қувишди. Аммо фойдаси бўлмади. Қизил аскарлар уларнинг ҳужумини муваффақиятли қайтариб, қалин дарахтзор ичига кириб кетишди.

Партизанлар эрталаб соат ўнларда олисда отишма ва граната портлашларини эшитиб, доволангача бир рота жангчиларни юборишди. Улар олисдан пасга тушиб келаётган немис формасидаги ҳарбийларни кўришиб, мушт ўқталашди. Буни кўргач, Файзиев шартта ички қўлагини ечди-да, йиртиб, бир ёғочга боғлаб, улар томон дадил юрди.

— Рус-рус! Свобода народу! Смерт фашизму! — деб бақирди у русча ва югославча сўзларни аралаштириб.

Партизанлар ҳам қадамларини тезлатиб, совет жангчилари томон юришди. Улар тоғ бағридаги йўлда учрашиб, бир-бирларини танишгач, қучоқлашиб кетишди.

Бу воқеа 1944 йил 25 майда Черногорияда бўлди. Эртаси югослав партизанлари дивизиясининг командири Штрю Атанасов (Виктор) шу дивизия сафида жанг қилаётган болгар партизанлари батальони командири Боян Михнев Чобановни штабга чақириб, 28 ўзбек қизил аскарни қабул қилиб олишни буюрди.

Боян ўзбек йигитлари билан учрашиб, ҳар бири билан самимий саломлашди. Уларнинг концлагерда озиб-тўзиб, қоқсуяқ бўлиб қолганликларини кўриб, бир ҳафта дам берди. Йигитлар дала ҳаммомида чўмилиб, устларидagi кийимларини ташлашди. Уларга янги кийимлар берилди. Бир ҳафта тўйиб овқатланиб, роҳат қилиб ухлаб, анча ўзларига келиб қолишди. Шундан кейин уларни Преполле рўпарасидаги позицияга юборишди.

Файзиев Боян Михнев билан тўрт кун бирга бўлди. Бригада штабида у билан жанговар вазият-ни муҳокама қилди. Боян Силистрада — болгар турклари кўплаб яшайдиган шаҳарда туғилиб

ўсганди, турк тилини анча дуруст биларди. Бу унинг ўзбеклар билан тезда тил топишиб, дўстлашиб кетишига ёрдам берди. Файзиёв унга асирликдан қандай қочибсанликларини гапириб берди.

— Онадан қайта туғилгандай бўлдим, — деди Сайлихон Файзиёв ўшанда. — Фашистлар чангалидан қутулганимга, дўстлар орасида эканлигимга ҳеч ишонгим келмаяпти.

— Фашистлар кўп хўрлашдимми?

— Хўрлаш ҳам гапми! Бу аблаҳлар учун инсоннинг молчалик ҳам қадри йўқ экан.

— Дарҳақиқат, фашистлар кўп пасткашликлар қилишяпти, ҳали улар бу қилмишлари учун жавоб берадилар. Мана, Қизил Армия уларни тирқиратиб қуваяпти.

— Шундайми-а?! Биз бу ҳақда деярли ҳеч қандай ахборотга эга эмасмиз. Қизил Армия қайси шаҳарларни озод қилишга улгурди?

— Украина, Белоруссия деярли тўла озод қилинди ҳисоб. Ҳадемай Қизил Армия Польша, Чехославакия тупроғига қадам қўяди.

— Офарин-э!

— Файзиёв, сиз Ўрта Осиёнинг қайси шаҳридансиз?

— Бухоро деган жойни эшитганмисиз?

— Эшитганим бор.

— Ана ўша шаҳарданман.

— Урушгача нима касб билан шуғуллангансиз?

— Колхозда раис эдим.

— Қандай қилиб асирга тушиб қолдингиз?

— Мен ҳарбий хизматга 1939 йилда биринчи марта қабирилганман. Яна уч-тўрт ой хизмат қилгач, уйга қайтишим керак эди. Шунда бизнинг полкимиз Дрогобич вилоятидаги Новий Самбор шаҳрида турарди.

1941 йил май ойида бизнинг полкимиз Дрогобич вилоятидаги Новий Самбор шаҳрида турарди. Июнь ойи бошларида тактик машқлар ўтказиш учун Карпат тоғи этакларига кўчиб чиқдик. Шунда бирдан полкимиз турган жойларга снарядлар туша бошлади. Кўп ўтмай фашистлар Германияси мамлакатимизга уруш эълон қилганлигини билдик. Эртаси душман билан биринчи тўқнашув бўлди. Кучлар нисбатидаги фарқ катта эканлигини ўшандаёқ билдик. Полкимиз жанг билан чекина-чекина, кўп кучларни йўқотиб, Киевгача келди.

Уман шаҳри яқинида ўрмонзор қишлоқда яна бир даҳшатли жанг бўлди. Шу ерда оғир ярдор ҳолимда душман кўлга тушиб қолдим. Фашистлар мени офицерсан, деб кўп қийнашди.

— Ҳақиқатдан офицермидингиз?

— Йўқ, мен офицер эмасман. Уруш арафасида бўлинма партия ташкилотининг котиби эдим.

— Фашистлар бундан хабардор бўлишмадимми?

— Йўқ, ҳартугул, ёнимдагилар мени сотишмади. Бу офицер эмас, оддий аскар, яқинда уйига қайтиб кетиши керак эди, дейишди.

— Урушнинг бошида, ҳақиқатда Қизил Армия учун жуда оғир бўлди. Кўп шаҳар ва қишлоқларни ташлаб чиқишга, катта таловат беришга мажбур бўлдиларингиз, — деди Боян. — Биз ўша кезлари Совет Иттифоқи ҳақидаги хабарларни ташвиш билан эшитардик, Қизил Армия кўпи билан тўрт-беш ойга дош берса керак, деб ўйлагандик. Аслида эса ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Сизлар гитлерчиларнинг кучли зарбаларига дош берибгина қолмай, уларни ҳолдан тойдиришга, урушнинг боришида ташаббусни кўлга олишга ҳам муваффақ бўлдинглар. Ҳозир бутун дунё Қизил Армиянинг ҳар бир муваффақиятини ҳайрат ва ҳавас билан кузатиб турибди. Ҳамма сизларга қойил қоляпти.

— Армиямиз ҳақидаги шу даражада илиқ гапларингиз учун раҳмат! Биз ҳам шу армиянинг муносиб вакиллари эканлигимизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

* * *

Гитлерчилар совет асирлари бегона юрда қочиб кетилишга ҳаракат қилмайдилар, деб ўйлашганди. Лекин улар янглишди. 28 ўзбек йигити фашистларнинг қаттиққўллиги, эҳтиёткорлигига қарамай, югослав партизанлари томонига муваффақиятли қочиб ўтишиб, улар сафига қўшилишди. Бу пайтда югослав халқи Қизил Армиянинг ғалабаларидан руҳланиб, фашистларга қарши курашни кучайтириб юборганди. Ўзбек йигитлари қардошлар сафида туришиб, душманнинг ҳарбий ва полиция гарнизонларига, автомобиль йўлларида бораётган юк колонналарига ҳужум қилишда, Германиядан Болконга янги ҳарбий куч ва қурол-аслаҳа олиб келаётган темир йўл составларини портлатишда иштирок этиб, яхши ҳурмат қозона бошлашди.

1944 йил июнь ойи охирида фашистлар партизанларни таъқиб қилишни кучайтирдилар. Шу муносабат билан Боян Михнев батальонига Преполедан Болгария сари юриб, болгар партизанлари штабини Қаршилик ҳаракати билан бирлаштириш тўғрисида буйруқ берилди. Батальон Ғарбий Болгариянинг озод территорияси Трин сари юриш бошлади. Душман партизанларнинг бу режасини ўз вақтида пайқаб, уч юз жангчиси бўлган батальон йўлига тўрт минг аскарини қарши қўйди.

Оқшом батальон тоғ йўли ёқасидаги бир кўлбага етди. Боян Михнев йигитларига шу ерда бироз дам бермоқчи бўлди. Кўлба олдида бир кампир ёнида ўн икки-ўн уч ёшлардаги невараси билан партизанларни кузатиб турарди.

— Салом, кампир! — деди Боян унга.

— Салом, ўғлонларим, худонинг паноҳида юрибсизларми?

— Раҳмат, она. Чолингиз йўқми, елғизмисиз?

— Чолим уруш арафасида қазо қилган. Кузларингиз ич-ичига тушиб кетибди, чарчаган, очиққан кўринисизлар-ку?

— Қорин-ку очликка оч, чарчаганимиз ҳам рост.

— Менга қара, командир ўғлим. Анави бузбқ меники, — кампир тепалик ёнида ўтлаб юрган бузбқни кўрсатди, — ўшани тўтиб олиб келинглар-да, сўйиб, гўштини пишириб, еб кетинглар. Мен ҳозир қозонга сув солиб, олов ёқиб юбораман.

— Биттагина бузоғингиз бор экан, иккита бўлса ҳам майли эди. Шуни ҳам биз еб кетсак уят бўлмайдами?

— Ахир мен уни сизларга ўз розилигим билан бераяман-ку. Шуни сизлар есангизлар ўғлим еганидек суюнаман. У ҳам қаерлардадир очин-тўқин юргандир.

Михнев Файзиевга мурожаат қилди:

— Михаил, мол сўйиш қўлингдан келадами?

— Эплаймиз, ўртоқ командир.

— Яхши, бузоқни олиб келиб дарров сўйинглар.

Кампир қозонга сув солиб, ўчоққа олов ёқиб юборди. Сайлихон икки-уч йигитнинг ёрдамида бир пастда бузоқни сўйиб, калла-поча қилиб ташлади. Гўштларини қозонга солишди. Бир маҳал «қайнатма шўрва»га туз соламиз дейишади-ки, туз йўқ, аксига кампирнинг туздонида бир сиқим ҳам туз қолмаган экан. Ноилж гўштни тузсиз пиширишди. Уни еб бўлгач, кампирга раҳмат айтиб яна йўлга тушишди. Кампир партизанлар билан хайрлашар экан, чўқиниб:

— Илойим, парвардигор ҳаммаларингни ўз паноҳида асрасин! — деди.

Батальон ярим соатча йўл юргач, бир тепалик остидан оқаётган жилға ёнида тўхтади. Михнев рота ва взвод командирларини ёнига чақириб, қай бири қайси позицияни эгаллаши лозимлигини белгилаб берди. Барча қатори Файзиев отряди ҳам ўз позициясини эгаллади. Сайлихон отрядни уч гурӯҳга бўлиб, бирига Ҳусановни бошлиқ қилиб тайинлади.

...Оқшом тушди, йигитлар харсанг тошларни, ўнгирликларни паналаб, юқорига томон ҳаракат қила бошлашди. Шунда бирдан фашистлар қаттиқ ўт очиб қолишди. Зияматнинг бўлинмаси билан ёнма-ён ҳаракат қилаётган болгар йигитлардан уч-тўрт нафари ўқ еб қулашди. Бош кўтаришнинг ҳеч иложи бўлмай қолди.

Тоғда жанг қилишнинг ўз қонун-қоидаси бор. У жангчидан эпчил ва жасур, альпинизм спортдан озгина хабардор бўлишни тақозо этади. Тоғдаги жангда техникадан фойдаланиш имкониятлари ҳам чекланади. Юқорида жойлашган томон пастдагиларга нисбатан беқиёс устунликка эга бўлади.

Ҳозир пулемёт нуқтасини тўп билан йўқ қилиш мумкин эди, лекин тўп йўқ. Граната отиш учун орадаги масофа узоқ. Партизанлар душман амбразурасини пулемёт ва автоматлардан ўққа тутиб кўришди, аммо ҳеч бир натижага эришиб бўлмади.

Зиямат ётган жойида харсанг тош ёнидан секин мўралаб, душман пулемётчиси қаердан отаётганлигини яна бир кузатди. У эллик-олтмиш метрча баландликда ўсиб турган тоғолчами ёки наъматак ёнидаги баландликдан отаётганди, блиндаж олди катта тошлар билан паналанганди. У ерга тик чиқиб бориш ҳеч мумкин эмас.

Йигитлар пулемёт нуқтасидан чап томонга юрилса, ўттиз-қирқ метрча нарида қиялик борлигини айтишди. Агар шу қияликда мудофаа чизиқлари бўлмаса, душман блиндажига ўша томондан яқинлашиш мумкин. Бунинг учун фақат қоронғи тушишини кутиш керак.

Ҳадемай, қоронғи ҳам тушди. Душман эса ўқ узишни сўсайтириш ўрнига, янада кучайтириб юборди, атрофни яхши кузатиб туриш учун дамба-дам осмонга ракета ота бошлади. Бундай ҳолатда ўт пуркаб турган амбразура ёнига яқинлашиш даҳшатли эди. Улимни писанд қилмайдиган одам йўқ. Зиямат ҳам душман ўқиға учшдан қўрқарди. Лекин жангда ёнингдаги ўртоқларинг ҳалок бўлаётганлигини, вақт бой берилса бундан ҳам нохушроқ воқеалар юз бериши мумкинлигини тасаввур қилганинда ўз ҳаётининг қутқариш ҳақида камроқ ўйлар экансан. Зияматда эса шу кез фашистларга нисбатан шахсий алам, қасос олиш истаги ҳар вақтдагидан юқори эди. Кечаю-кундуз иложи борича кўпроқ фашистни ўлдириш хаёли билан юрарди.

Зиямат ёнидаги ўртоқларига мурожаат қилди: «Мен душман блиндажига яқинлашишга ҳаракат қиламан. Уни портлатишим билан ҳужумга ўтасизлар. Кетдим, ҳозирча хайр!»

— Хайр, Зиямат! — дейишди дўстлари ҳам секингина.

У ўнг томонга қараб эмаклаб кетди. Қияламага етиб, юқорига кўтариладиган жойда йигирма-ўттиз метр жой яланглик бўлиб, унда на тош, на бута бор эди. У ердан эмаклаб ўтилса, душман ракеталар ёруғида кўриб қолиши мумкин. Шунинг учун Зиямат ўридан маст туриб, ялангликдан югургилаб ўтди-да, биринчи дуч келган чуқурликка ўзини отди. Ичини ўт босган, худди ариққа ўхшаган бу чуқур тўғри душман блиндажи томон кетганди. У шу чуқурдан эмаклай бошлади. Боши устидан визиллаб ўқлар учиб ўтаётганди. Пулемёт нуқтасига ўн-ўн беш метрча қолганда бир харсанг тош бор эди. Зиямат ўша харсанг тош ёнига борганида-нафасини бироз ростлаб, ҳаяжонини босди. Кейин икки гранатанинг иллагини суғуриб, кетма-кет пулемёт нуқтасига отди. Кетма-кет кучли портлаш ва фашистларнинг бақиргани эшитилди. Пулемёт овози ўчди. Зиямат эса шу заҳоти тош панасидан чиқиб, тўрт хатлаб, душман блиндажи ёнига борди. У ерда уч фашист уч томонда чўзилиб ётарди. Бири ҳали ўлмаган, жон талвасасида типирчилаётганди. Зиямат ханжарини қинидан олиб, ўлишга қийналаётган фашистнинг кекиртагига тортиб юборди. Кейин шартта пулемётни эгаллаб олди-да, унинг ўтини душманга қаратди. Батальон жангчилари учун йўл очилди. Пастда «кура» садолари янгради. Ана, партизан дўстлари тошдан тошга кийикдай сакраб, унинг ёнига югургилаб кела бошлашди. Буни кўриб Зиямат янада руҳланиб кетди. Шунда бирдан рўпарасига бир нарса тушиб гумбурлади-ю, кўз олди ёришиб кетди. Кейин яна ҳаммаёқ зимистонга айланди-да, у ҳушидан кетди.

Зиямат бир маҳал кўзини очганида атроф жим-жит, осмонда тўлин ой сузиб юрарди. Ҳатто тик ётган товуш эшитилмасди. У хандақда чалқанчасига чўзилиб ётарди.

Зиямат аввал ўнг қўлини, кейин чап қўлини қимирлатиб кўрди. Икки қўли ҳам жойида эканлигига қаноат ҳосил қилгач, бармоқлари билан пайпаслаб оёқларини ушлаб кўрди. Икки оёғи ҳам бутун эди. Қўлини кўкрагига юборганида эса, бармоқларига шилимшиқ нарса ёпишди. «Ия, кўкрагимдан ўқ еганга ўхшайман-ку, — деди у ўзида. — Қизиқ, ундай бўлса, нега кўкрагим оғримайпти?». Зиямат ҳайрон бўлиб ёнбошига ағдарилди. Шунда миясининг чап томони зирқираб оғриб, дод деб юборай деди. Миясидан ўқ еганини англади. Чап қўлини секин қулоғининг орқасига юбориб, беш бармоқ сиагадиган жойи очилиб қолганлигини, ундан иссиқ қон сирқиб оқиб турганлигини сизди. Бошини хиёл қимирлатса ҳам мияси миҳ қоққандай зирқираб оғрир, оғриқнинг зўрлигидан додлаб юборгиси келарди.

Шу алфозда у гимнастёркасини, ички кўйлагини бир амаллаб ечди-да, йиртиб ярасини боғлаган бўлди. Кейин жуда сувсаганлигини ҳис қилди. Ёдига йўлдаги жилға тушди. Уша жилғага етолсам, сувидан бир симирардим, деди ўзича, етиб боришга қўрбим келармикан?

У секин-секин эмаклаб, тоғдан пастга туша бошлади. Инсон қандай оғир аҳволда бўлмасин, иродасини маҳкам қилиб кўзлаган мақсадига интилса, албатта шу мақсадига етар экан. Ушанда Зиямат бунга яна бир ишонч ҳосил қилди. Аҳволи ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, жилғага эмаклаб етиб келди. Унинг тиниқ, муздек сувидан тўйиб-тўйиб симиргач, ўзини анча енгил ҳис қилди. Шу ерда бироз дам олиб ётди. Кейин ёдига кечаги кампир келиб, ўшанинг кулбаси томон эмаклай бошлади. Кампирнинг уйига етиб келганида тонг отиб қолганди. Тоғ тошлари панжалари, тиззаларини шилиб юборганди. У тинкаси қуриганидан овоз чиқаришга ҳам ҳоли келмай, остонага шундоқ бош қўйди-ю, яна ҳушидан кетди.

Кампир оқ гуржи кучуги бетиним акиллаётганидан уйғониб, сергакланди. Секин ўрнидан туриб уй эшигини очди. Остонада қонга беланиб ётган йигитга кўзи тушганида эса қўрқиб кетди. — Худойим-э! — деди у чўқиниб. — Бу ким бўлди экан!?

Кампир унинг кечаги партизанлардан бири эканлигини дарҳол билди. Уйига қайтиб кириб неварасини уйғотди. Иккиси бир амаллаб йигитни ичкарига олиб кириб ётқизишди. Кейин кампир човғумда сув қайнатиб, Зияматнинг ярасини ювди. Унга йод шимдирилган пахта босиб, дока билан боғлади. Неварасига ярадор олдиди қимирламай ўтиришни тайинлаб, ўзи партизанларга хабар бергани шошилди. Тушдан кейин тўрт партизан келиб, Зияматни замбилга солиб олиб кетишди.

Зиямат кўзини очганида кенг ўтлоқ майдонда, самолёт яқинида замбилда ётарди. Атрофида эса нотаниш одамлар юрарди. Бир маҳал Боян тепасига келди-да:

— Ҳусанов, мени танияпсанми? — деди унинг пешонасини аста силаб.

Зиямат «ҳа» дегандек хиёл бош қимирлатди.

— Сенга минг раҳмат! Ҳаётингни таҳликага қўйиб батальонга йўл очдинг. Биз қўршовни ёриб ўтиб, Қаршилиқ ҳаракати жангчилари билан бирлашдик.

— Соз бўлибди, — деди Зиямат зўрғагина.

— Ҳозир сени Италиядаги госпиталга жўнатаяпмиз. У ерда яхши врачлар бор. Сени сал кунда оёққа турғизишди. Биз сен билан албатта учрашамиз.

Зиямат индамай кўзини юмди. Боян шундай ажойиб, жасур йигитнинг ҳаёти қил устида турганлигини ўйлаб кўзига жиқ-жиқ ёш олди.

Шу куни Зияматнинг бахтига қўшни районда ҳаракат қилаётган итальян партизанлари бригадасининг командири бўлган генерал оғир яраланганди. Уни партизанларнинг Торронтодаги яширин госпиталига жўнатиш учун самолёт чақирилганди. Зияматни ҳам шу самолётда Италияга жўнатишди.

Зиямат ўзини самолётга қандай чиқаришганини ҳам, самолёт қандай парвоз қилганини ҳам билмади. Фақат осмонда бораётганда бир марта кўзини очди-да, сал ўтмай яна ҳушидан кетди. Шундан кейин у ёруғ хонада, оппоқ чойшаб тўшоғлиқ кроватда ётганида ўзига келди. Ёнида оқ халат кийган ҳамшира қиз ўтирарди.

— Сув беринглар, — деди у оҳиста.

Ҳамшира унинг нима деганини елгади шекилли, дарҳол ташқарига чиқиб, стаканда сув келтирди. Унг қўли билан Зияматнинг елкасидан хиёл кўтариб, чап қўли билан стаканни лабига тутди. Сўнг уни яна ёстиққа ётқизаркан:

— Хотиржам ётавер, сен дўстларинг орасидасан! — деди серб ва болгар сўзларини аралаштириб. — Эртага сени операция қилишди. Албатта тузалиб кетасан.

Эртаси уни тўрт соат операция қилишиб, миясидан бир нечта металл парчасини олиб ташлашди. Сўнг унга қон қўйиб, қувватга киргазадиган ҳар хил дорилар бера бошлашди. Аҳволи бирмунча яхшиланди. Лекин чап қулоғи эшитмас, тинмай ғувилларди, миядаги оғриқ ҳам буткул йўқолмаганди. Фақат бешинчи марта операция столига ётқизирилиб, энг сезгир магнитли асбоблар ёрдамида миядаги металл зарралари олиб ташланганидан кейин оғриқ қолди, ғувиллаш йўқолди, аммо чап қулоқ томлигича қолаверди. Врачлар қулоқни очишнинг иложи йўқ, аммо яра битиб кетиши керак, деб муолажага зўр беришди. Зиямат итальян шифокорларининг ширинсуханлигини, беморга меҳрибонлигини, шифохонадаги юксак даражадаги тартиб-интизом, осойишталикни кўриб қойил қолди.

1945 йил февраль ойининг охирилари эди. Торронтодаги госпиталга бир совет майори келиб, Зиямат билан учрашиб, унинг бу ерга қандай келиб қолганлигини сўраб-суриштирди. Зиямат бошидан ўтган савдоларни гапириб берди. Майор уни Совет Иттифоқида жўнатажанини айтди. Зиямат хурсанд бўлди. Бу пайтда у ростмана соғаймаган эди. Аммо бегона юртда, тили тушунарсиз бўлган одамлар орасида етти ойдан ортиқ туриб зерикканди, Ўзбекистонни, ота-онасини жуда-жуда соғинганди. Шунинг учун ҳам врачлар унга шошмасликни, шу ерда ётиб, охиригача даволанишни таклиф қилишганида кўнмади.

— Сизларга минг раҳмат! — деди Зиямат. — Мана, даволаб шунчалик қилиб қўйдиларинг. Бизнинг юртимизда ҳам яхши шифохоналар, врачлар бор. Рухсат берсанглар, ўз юртимга қайтиб, даволанишни ўша ерда давом эттирсам.

Зияматнинг бу қарорини майор ҳам қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг шифокорлар ноилож унга рухсат беришди. Зиямат эса қувонганидан ҳатто касаллик тарихини олишни ҳам унутиб, шифокорлари билан хайрлашди. Кейинчалик эса бу хатоси учун кўп афсусланди.

1945 йил март ойи бошида Италия соҳилидан йўлга чиққан, ичида асирликдан озод қилинган қизил аскарлар бўлган совет кемаси бир ҳафтада Одессага етиб келди. Асирларни шу ерда кемадан туширишди-да, тўғри темир йўл станциясига пиёда олиб бориб, қизил вагонларга чиқаришди. Ҳар бир вагонда белига таққан таққан икки-уч НКВД ходими соқчилик қилиб турарди. Одамлар нима бўлаётганига ҳайрон эдилар.

— Нима гап ўзи, бизни қаёққа олиб кетаяпсизлар? — дейишди улар.

— Юқоридан сизларни қаёққа олиб бориш буюрилган бўлса, ўша ёққа.

— Билсак бўладими?



Совет Игтifoқи Қаҳрамони Зиямат Хусанов
болгар генерали Боян Михнев Чобанов билан.

— Етиб борганларингизда биласизлар! Ҳозирча гапни кўпайтирмай, тезроқ вагонга чиқинглар, акс ҳолда ёмон бўлади.

Ҳамма вагонга чиққач, поезд юрди. Тўрт кун деганда улар Уфа яқинидаги бир станцияга етиб келишди. Бу ерда ҳам уларни қуролланган НКВД ходимлари кутиб олишди. Лой қишлоқ йўллари-дан беш соатча пиёда юргизиб, Алкина қамоқ лагерига ҳайдаб келишди.

Зиямат Алкинадаги лагерда ноябрь ойигача турди. Шу ерда биринчи марта Италиядан ярасини охиригача даволатмай қайтганлигига қаттиқ ачинди. Алкинада яраси зўриқиб, қулоғининг орқасидан мадда оқадиган бўлиб қолди. Уни сотқинликда, югослав партизанларига қарши жанг қилганликда айблаб, роса қийнашди. Ҳатто айбингни бўйнингга олсанг уйингга жўнатиб юборамиз, деб алдаб ҳам кўришди. У эса тўғри гапни айтиб тураверди.

— Елғон айтасан, сен сотқинсан, умрингни Сибирда чиритаман! — дерди унинг алдовга учмаётганини кўрган турки совуқ НКВД лейтенанти.

— Ахир чет элда концлагердан қочиб партизан бўлганман, болгар Боян Михнев командирлик қилган батальонда жанг қилганман, суриштиринглар.

— Қани партизанлик гувоҳноманг?

— Гувоҳномам йўқ, сабаби мени Преполедаги жангда ярадор бўлганимдан сўнг Торронтдаги госпиталга жўнатиб юборишган. Шундан сўнг болгар дўстларни қайтиб кўрмадим.

— Ундай бўлса, қани касаллик тарихинг?

— Госпиталда қолган. Ким ўйлабди мени бундай қисувга олишларингизни.

— Барча гапларинг ёлғон. Сен власовчисан. Қилмишларингни бўйнингга олмагунча қутирмайсан.

Бир кун ярим кечаси камеранинг эшиги очилди-да:

— Хусанов, ташқарига чиқинг! — деди милтиқ кўтарган соқчи.

Зиямат уйқисираб уст-бошини наридан бери кийиб соқчи олдига тушди.

— Қаёққа олиб борасиз?

— Терговга.

Зиямат хонага кирди-да, терговчи столидаги катта шиша сиёҳдонни олиш учун қулайроқ жойга курсини суриб ўтирди. Терговчи унинг делосини очиб, кишини қонга ташна қилиб юборадиган «ўйинини» яна бошлади.

Шу орада соқчи нимагадир ташқарига чиқди. Терговчи ўрнидан туриб, дераза томонга юр-

ди-да, чекмоқчи бўлиб чўнтагидан папирос қутисини чиқарди. Зиямат фурсатдан фойдаланиб столдаги сиёҳдонни олди-ю, терговчининг башарасига отди. У бошини чангаллаганча бақириб, ўтириб қолди, афти бир зумда қон ва сиёҳга беланди.

Хонага кетма-кет одамлар югургилаб киришди. Улар Зияматни уриб ағдариб, қўлига кишан солишди. Лагерь бошлиғининг ўринбосари:

— Нега маҳбусни соқчисиз тергов қилдингиз?! — деб терговчини койиди.

— Мен шу ерда эдим, беш минутга ташқарига чиққандим, — деди соқчи гуноҳқорона аллозда.

Терговчини медресага олиб кетишди. Хонада лагерь бошлиғининг ўринбосари, икки соқчи ва Зиямат қолишди.

— Хўв, аблах, нега НКВД ходимини уриб бошини ёрдинг?! — деди лагерь бошлиғининг ўринбосари калтак еб ҳолдан тойган, оёғида зўрға турган Зияматга ўшқириб.

— Мени ноўрин қийнаганлиги, тўхмат қилганлиги учун урдим!

— У сени қийнаб тўғри қилган, хоинсан, власовчисан!

— Сенлар эса фашистлардан баттар ифлоссанлар! Хоин биз эмас, сенларсанлар! Сенлар бу ерда урушдан қочиб, одамлардан айб қидириб ўтирибсанлар.

— Олиб чиқинглар бу бандитни!

Уни судраб ташқарига олиб чиқишди-да, қоронғи, зах бир ертўлага қамаб қўйишди. Шу ерда бир ҳафта ётди. Икки кунгача лагерь ходимлари берган нон ва сувга ҳам қарамади.

Сақкизинчи кунни эрталаб уни ертўладан олиб чиқишиб, тўғри лагерь бошлиғининг хонасига олиб боришди. Бу одам ўрта ёшлардаги, сочининг қорасидан оқи кўп, бироз бадқовоқроқ рус киши эди. Соқчилар Зияматни ҳузурига олиб киришгач, у маҳбус қўлидаги кишанни олишни буюрди. Соқчилар буйруқни бажаришгач, бошлиқ уларга яна мурожаат қилди:

— Бизни озгина вақт холи қўйинглар.

Икки соқчи ҳайрон бўлиб бир-бирига қаради.

— Ахир бу умумий тартибга хилоф-ку.

— Буни мен илтимос қилаяпман! — деди бошлиқ қатъий оҳангда. Шундан сўнг соқчилар чиқиб кетишди. Бошлиқ рўпарадаги курсини Зияматга кўрсатди-да:

— Утиринг, ўртоқ Ҳусанов, тортинманг, — деди меҳрибончилик билан.

Нима воқеа бўлаётганлигига Зияматнинг ақли етмай қолди. Шу пайтгача бу ерда унга ҳеч ким мулозамат кўрсатмаган, ўртоқ деб мурожаат қилмаган эди.

— Ўртоқ Ҳусанов, аҳвол қалай? — деди яна бошлиқ ҳеч гапдан хабари йўқдай.

— Аҳвол қандайлигини кўриб-билиб турибсиз-ку.

— Гапингиз тўғри, — деди бошлиқ гапини салмоқлаб давом эттириб. — Аммо ҳозир мен сизни бу ерга яхши ният билан қақирдим, бунга ишонинг. Биз сизга уйингизга қайтишга рухсат бермоқчимиз.

— Мени отмоқчи бўлгандинглар-ку, ўлимимни кутиб ётгандим.

— Буни энди гапирманг, ўтган ишга салават. Ҳозир лагерьимизда сақланаётган кишиларнинг ҳаммаси уруш йилларида турли вазиятларда душманга асир тушган, Европанинг фашистлар босиб олган мамлакатларидан йғиб келинган кишилардир. Улар ҳар хил, ораларида сотқинлари ҳам, фронтда астойдил жанг қилиб, душман қўлига бахтсиз тасодиф туфайли ёки ярадор бўлиб тушиб қолганлари ҳам бўлиши мумкин. Биз эса сизларни бу ерда орангиздаги жиноятчиларни аниқлаш учун ушлаб турибмиз. Аммо биз ҳам янглишимиз мумкин. Мана, сизга нисбатан шундай бўлди. Сизнинг Ватан олдида гуноҳингиз йўқ экан, мардона жанг қилиб, оғир ярадор ҳолингизда душман қўлига асир тушган экансиз. Қуроқдош дўстларингиз сизни ҳалок бўлди, деб ўйлашган экан. Сизга 1944 йил 22 февралда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган экан. Биз сизни бу ерда ушлаб турганлигимиз, ноўрин азоб берганлигимиз учун узр сўраймиз. Бугундан эътиборан озодсиз. Сизга ҳозир янги уст-бош, йўл учун озиқ-овқат, пул беришади, уйингизга кетасиз.

Зиямат анча вақт суратдай қотиб, бу гаплар тушида ёки ўнгида бўлаётганлигини англолмай қолди. Кейин бирдан ҳаммаси кўз ўнгига келди.

Бу воқеа 1943 йил 5 июлда Курск ёйида бўлганди. Душман тонг саҳарда қаттиқ артиллерия ҳужумини бошлади. 7-армия ихтиёридаги 78-ўқчи дивизия қўмондонлиги ортиқча қурбон бермаслик учун олдинги маррадаги қўшинларнинг иккинчи хандаққа чекиниши ҳақида буйруқ берди. Шунда взвод командири кучли артиллерия ўти ҳалақит бериб, Шимолий Дон дарёси бўйидаги дзотга ўрнашган гвардиячи сержант Зиямат Ҳусанов командирлигидаги пулемётчилар бўлинмасига буйруқни етказа олмади. Шундай қилиб, бўлинма кучли душман билан ёлғиз ўзи бетма-бет бўлиб қолди. Аммо улар таслим бўлишмади. Кун бўйи етти марта душман ҳужумини қайтариб, ўнлаб фашистларни ер тишлатишди. Охири уларнинг ҳам икки нафари ҳалок бўлди, Зиямат ёлғиз қолди. У ўқлари тамом бўлгунча олишди. Кейин қутидаги энг сўнги икки гранатани қўлига олди-да, ўлимга тик боқиб, блиндаждан ташқарига чиқди. Олисда, лахча чўғ бўлиб сўниб бораётган барқашдай қуёш нури остида унинг барваста қадди худди қора шарпадай бўлиб кўринди.

Блиндаждан чап томонда, дарё бўйида қад кўтарган, снаряд ва бомбалар вайрон қилган похол томли қулба ортидан қўлида автомат тутган, шотидай узун икки немис аскарлари чиқиб, у томон кела бошлади.

— Шльюз, хенди хох! — деди фашистлардан бири блиндаж ёнида қаққайганча хўмрайиб турган, ёқавайрон, ҳаммаёғи тупроқ ва терга беланган қизил аскарга.

— Ватан учун! — деб ҳайқирди Зиямат қўлидаги гранаталардан бирини душманга иргатаркан. Граната мўлжалга бориб тушиб, икки фашистни ҳам ер тишлатди. Аммо бу орада улар ҳам автоматдан ўқ узишга улгуришди. Бу ўқлардан бири Зияматнинг ўнг қўлига тегди. Шунинг учун ҳам сержант иккинчи гранатани отдию, мўлжалга теккизолмади. У кучсиз ҳаволанди-да, беш-ўн метр нарига бориб тушди. Портлаш натижасида ҳосил бўлган тўлқин Зияматнинг ўзини ҳам қулатди. «Дўстларим ўшанда бу воқеаларнинг ҳаммасини кўриб-билиб туришган экан-да, — деди Зиямат ўзича. — Минг раҳмат сизларга, дўстларим!»

Зиямат ҳушёр тортиди. Унинг нима демоқчи бўлаётганлигини кузатиб турган бошлиққа:

— Сизлар буни қаердан суриштириб билдинглар, мен бу гаплардан мутлақо беҳабарман? — деди.

— Сизни ҳарбий хизматга жўнатган Тошкент шаҳар Сталин ноҳияси ҳарбий комиссариатига хат ёзиб билдик.

— Раҳмат, сизларга!

* * *

Кечқурун Зиямат Уфа вокзалига келиб, Тошкентга борадиган поездга ўтирди. Орадан тўрт кун ўтгач, хуфтон пайтида Тошкент вокзалига келиб тушди. Қорасувдаги уйларига етиб борганида эл ётар пайт бўлиб қолганди. Ҳаяжонланиб бориб дарвозани итарди, у берк эди. Зиямат дарвозани тақиллата бошлади.

Ҳовлида оёқ товуши эшитилди.

— Кимсиз? — деди аёл киши.

Бу Муҳтарам опа эди.

— Ойи, бу мен, Зияматман!

— Вой, Зиямат болам!.. Сенмисан?!

— Ҳа, мен, ўғлингизман, очинг тезроқ эшикни.

— Вой, кўнғироқдай овозингдан айланай сенинг!..

Она ҳаяжонланганидан оёқ-қўлларига қалтироқ турди. У қоронғида қўллари билан эшик ҳалқасини тимирскилаб ахтарарди-ю, ҳеч тополмасди. Ниҳоят, эшик очилди. Она фарзандининг бағрига ташланди-ю, ўзидан кетди.

Уйдан бошқалар ҳам югургилаб чиқишди. Хонадонларига қувонч ва ташвишнинг бирдан кириб келиши ҳаммани эсанкиратиб қўйди.

— Мен билан кейин кўришасизлар, оймга қаранглар аввал! — деди Зиямат шошганидан.

Муҳтарам опани уйга олиб кириб ётқизишди, оёқ-қўлларини уқалаб, юзига муздек сув сепишди. Она бечора ярим соатлар ўтгач ўзига келди. Тепасида ўгли ўтирганлигини кўриб:

— Зиямат, шу ростдан сенми? — деди унга термулиб.

— Ҳа, менман, ойи, душманни енгиб, урушни тамомлаб қайтиб келдим, — деди Зиямат онасининг пешонасини силаб.

Эрталаб уйни кўни-қўшнилар, қариндош-уруғ босиб кетди. Хусан ака ўғлига фронтдан келган қора хатни, командиридан келган мактубни, 1944 йил 23 февралда «Известия»да эълон қилинган, унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми чиқарган фармонни кўрсатди. Зиямат бу ҳужжатларни кўриб яна ҳаяжонланди, урушда бошидан ўтган воқеаларни отасига гапириб берди.

Зиямат уйда ўн-ўн беш кун дам олгач, мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Мактаб ўқувчиларининг киши таътили кунларида эса қаҳрамонлик гувоҳномасини олиш мақсадида Тошкент шаҳар Сталин ноҳияси ҳарбий комиссариатига мурожаат қилди. У ерда эса унинг асирликда бўлганлигини билишгач: «Масалангиз нозик экан, бу борада сизга фақат СССР Олий Советига мурожаат қилишни маслаҳат берамиз», дейишди. Зиямат Москвага борди. У ерда уни қабул қилиб, талабини тинглаганлар: «Биз бу масалани ўйлаб кўриб, сизга ёзма жавоб юборамиз» дейишди. Зиямат Тошкентга қайтди. Лекин СССР Олий Советидан жавоб келмади.

Орадан кўп ўтмай уни жумҳуриятнинг тегишли идорасига чақиришди. У ерда уни подполковник Мельников сўроқ қилиб, бир қоғозга мажбуран қўл қўйдириб олди. Яна уни Ватанга хиёнат қилганликда, фашистлар сафида туриб югослав партизанларига қарши жанг қилганликда айблашди. Тошкент шаҳрида яшамайсиз дейишди. СССР Олий Совети Президиуми 1952 йил 22 июнда чиқарган фармон билан унга берилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ҳам бекор қилинди.

Зиямат Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганидан кейин Хусан ака оиласининг тинчи бузилди. Зиямат ҳали уйланмаганди. Минг ўлимни енгиб қайтиб келган ўғлининг ёлғиз ўзини ота-она бошқа жойга жўнатармиди? Хусан ака оиласи билан Қибрайдаги боғдорчилик совхозига бориб, бир одамнинг уйини ижарага олиб туришди. Аммо бу ерда оила моддий жиҳатдан қийналди. Йил бўйи совхозда тинмай меҳнат қилиб, охирида қарздор бўлиб қолишди. Шундан кейин оила аъзолари маслаҳатлашиб, эски яшаган жойлари — Сайрамга кўчиб боришди. Бу ерда Хусан аканинг қизлари Ойқарам, Ойшакар, Асалоилар кўниқишолмади. Биз Тошкентда ўсдик, ўша ёққа кетамиз, деб туриб олишди. Ота-она қизларининг райига қаради. Шунинг учун ҳам Хусан ака билан Муҳтарам опа 1948 йилда Зияматни уйлантиришгач, уни Сайрамда қолдиришди-да, ўзлари бошқа болалари билан Тошкентга қайтишди. Шундай қилиб Зиямат Хусанов яна сайрамлик бўлиб қолди.

* * *

«Московские новости» газетаси 1990 йил 7 январь сонисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 30—40-йилларда ва 50-йилларнинг бошида содир бўлган қатағон билан боғлиқ материалларни қўшимча ўрганиш бўйича комиссияси раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет котиби А. Н. Яковлевнинг газета муҳбири билан суҳбатини эълон қилди. «Ахлоқий демократия» деб номланган бу суҳбатида Яковлев қизиқ бир фактни келтиради. У Канадада совет элчиси бўлиб ишлаётган пайтида бу олис ўлкага келиб қолган собиқ совет гражданидан илиқ бир хат олади. Уруш пайтида бу одам жасорат кўрсатади, оғир ярадор ҳолида асирга тушиб қолади. Бизникилар буни билишмайди. Унга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади. Қаҳрамон туғилиб ўсган жойдаги мактабга унинг номи берилади. Синглиси ҳам ўша ерда яшарди. Лекин у обрўси тўкилиши мумкинлигидан кўрқиб, синглисига хат ёзмайди. Бу йиллар мобайнида у Ватанини жуда соғинади. Ниҳоят, қариган чоғида бошидан ўтган ҳамма воқеалар ҳақида гапириб беришга қарор қилиб, совет элчисига мурожаат қилади. Соддалик билан ҳаммасига одилона қаралади, деб умид қилади. Яковлев дарҳол Москвага, бу одамнинг уйига,

¹ Рус, қўлингни кўтар! — (немисча).

синглисникига, унинг номи билан аталган мактабга сафарини ташкил қилинлар, деган мазмунда телеграмма юборади ва кўп ўтмай беадабларча ёзилганлиги билан кишини ларзага соладиган жавоб олади. Унда бу одам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан маҳрум қилинганлиги, сабаби бу унвон унга янглишиб берилганлиги ёзилганди. Мактабдан унинг номи олиб ташланади, оила аъзолари эса имтиёزلардан маҳрум этиладилар. Фожиа шу йўсунда яна такрорланади.

Уруш даврида ва ундан кейинги даврда инсон тақдирига бундай юзак муносабат ҳоллари кўп бўлган. Мен Яковлевнинг ўша суҳбатини ўқиганимда беихтиёр Зиямат Хусановнинг тақдирини ўйладим. Канададаги муҳожирининг бирдан-бир айби ўзининг ҳаёт эканлигини, чет элда яшаётганлигини оиласига маълум қилгани бўлган. Хусановнинг бирдан-бир айби эса чет элда қолишни хоҳламай Ватанига қайтиб келгани бўлди. Агар у урушда ҳақиқатда ҳалок бўлганида ёки ўша даврдаги жуда кўплаб ҳарбий асирлар сингари ўзга юртларни ватан қилиб кетганида, ҳеч сўз-сиз, унинг номи урушдан кейинроқ абадийлаштирилган, шон-шарафга бурканган бўларди. Ватанга қайтиш эса бу одамга қимматга тушди.

Қаҳрамоннинг уйда ундан қолган катта папка бор. Ундаги ҳужжатларнинг асосий қисми Зиямат аканинг ўзига нисбатан бўлган адолатсизлик хусусида турли маҳкамаларга, мансабдор шахсларга ёзган шикоят хатлари ва бу хатларига олган жавобларидан иборат. Бу хатларнинг ҳаммаси натижасиз қолган. Охири Зиямат ака хат ёзишдан чарчаб, ҳафсаласи пир бўлган.

Зиямат аканинг дўстлари унинг ўша пайтдаги кайфиятини ифодаловчи бир воқеани гапириб беришди. 1964 йил 19 февралда «Правда»да «Қаҳрамонлар шуҳрати сўнмайди» сарлавҳали хабар босилади. Газетанинг Софиядаги мухбири ёзган бу хабарда бу ерда иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар қўлида асирликдан қочиб, Ватан озодлиги учун болгар партизанлари билан ёнма-ён туриб жанг қилган совет жангчилари ҳақида ҳикоя қилувчи янги ҳужжатлар жамоатчиликка маълум қилинганлиги ҳақида ёзилган ва бир қатор совет жангчиларининг, жумладан Зиямат Хусановнинг номи ҳам тилга олинганди.

Сайрамдаги Калинин номи колхоз партия ташкилоти котиби ушбу хабарни ўқигач, кўчада Зиямат акани учратиб қолди.

— «Правда»даги хабарни ўқидингизми, Зиямат ака? Сизни ёзибди-ку, — деди у шошиб.

— Ҳа, ўқидим, — деди Зиямат ака жилмайиб. — Лекин у ердаги одам мен эмас.

— Ким бўлади, сиз бўлмасангиз?! Ахир болгар партизанлари билан бирга жанг қилганман, дер эдингиз-ку!

— У бошқа одам, — деди Зиямат ака яна бепарволик билан. — Менинг исмим Зиямат, у ерда эса Зиямат ёзилган.

Зиямат ака шундай деб йўлида давом этди. Колхоз партия ташкилоти котиби эса ҳайрон бўлиб унинг ортидан қараб қолди. Аслида Зиямат ака «Правда»даги хабарда ўзи ҳақида гап бораётганлигини биларди. Лекин айни чоқда бу ҳақиқатни юқори идоралардаги бюрократларга исботлаб, ўзининг пок номини оқлаш мушкул вазифа эканлигини ҳам яхши англади.

Бир кун Зиямат ака ўзи ишлайдиган мактабнинг ўқитувчилар хонасида диванда газета ўқиб ўтириб, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг тўртинчи саҳифасида босилган «Игирма саккиз ўзбек жангчисининг жасратини» сарлавҳали хабарга кўзи тушди. У бу хабарни ўқиркан «Уша, ўша!» дея ранги оқариб, титраб, газета қўлидан тушиб кетди. Юрагини чангаллаганча диванда чўзилиб қолди.

Ўқитувчилар хонаси бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Одамлар нима бўлганлигига ақллари етмай бири врачга, иккинчиси сувга югурди. Икки киши хона деразасини очиб, Зиямат аканинг қўл-оёқларини уқалай бошлашди.

Зиямат ака врач келиб укол қилгач ўзига келди. Кейин уни уйига олиб бориб қўйишди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1963 йил 26 май сониди «Огни Болгарии» журналидан таржима қилиб босилган бу хабарда эса Югославия ва Болгарияда жанг қилган 28 ўзбек партизани ҳақида гап борарди. Хабар остида эса Болгария солдат партизанлари батальонининг собиқ командири, Силестра шаҳридаги Ватан fronti раиси Боян Михнев Чобановнинг имзоси турарди.

«Файзиев ва унинг ўзбек ўртоқлари Совет Армияси етиб келгунга қадар биз билан елкама-елка туриб жанг қилишди, — деб ахунлаганди Боян Михнев Чобанов ўз хотираларини. — Биз Болгарияда, Брезнике шаҳрида ажралишдик. Мен унга 27 совет жангчиси билан бирга партизанлар батальонида жанг қилгани ҳақида гувоҳнома бердим. Файзиев Ўзбекистонга қайтиб кетди.

Шундан сўнг у билан кўришмадик. У менга фақат эски суратини эсдалик қилиб қолдирди. Мен ўзбек жангчиларни, уларнинг мардлиги ва жасратини тез-тез эслайман. Файзиевни қидириб топишга кўп ҳаракат қилдим — менга қолдирган адресига хат ёздим, лекин жавоб олмадим. Ҳозир, шу сатрларни ёзаётганимда ҳам ўз жанговар дўстларимни қидириб топишдан умидимни узганим йўқ.

Қадрли дўстим Файзиев, менинг батальонимда жанг қилган қизил аскарлар, сизлар қаерда бўлсангиз ҳам, ушбу хотираларимни ўқигач, қаердалигингизни билдингиз!».

Орадан ўн кунча ўтгач Зиямат ака уруш йиллари бошидан ўтган воқеаларни қоғозга тушириб, «Қизил Ўзбекистон» газета редакциясига келди. Редакцияда унинг хати билан танишиб чиқишгач, бу масала билан ёзувчи Аҳам Раҳмат шўғулланаётганлигини, ўша кишига учрашиш лозимлигини айтишди. Шундан кейин Зиямат ака Аҳам Раҳматнинг ҳузурига бориб, Боян Михнев Чобанов билан алоқа ўрнатиб беришни илтимос қилди. У эса Зиямат аканинг қўлидаги хат билан танишиб чиққач:

— Сиз Болгарияда жанг қилган йигирма саккиз ўзбек партизаннинг бириман, деб менинг олдимга келганларнинг бир юз тўртинчиси бўлдингиз, — деди атайлаб синамоққа.

— Ия, тоза ғалати гап бўлди-ку, — деди Зиямат ака ҳам таажжубланиб. — Агар сиз менинг сўзларимга ишонмаётган бўлсангиз, ишонтирадиган далилларим бор.

— Масалан.

— Михневга хат ёзингда, шундай деб сўранг: ўша қуршовдан чиқши учун бўлган жанг олди-дан бир кампирнинг бузоғини сўйиб, тузсиз пишириб еганларингиз ростми? Зиямат Хусанов қури-нан терак баргини уқалаб, тамаки деб тугганида, уни чекиб тоза йўталганингиз, Хусановни сўкка-нингиз ростми? Ярадор Хусановни замбилда самолётга олиб чиқиб кетишаётганда, у кўзини очган экан, сиз пешонасидан силаган экансиз, шу ҳам ростми?

Шундан кейин ёзувчи Зиямат аканинг гапларига ишонгандай бўлди, Михневга у айтганидай қилиб хат ёзишга ваъда берди.

Орадан кўп ҳам вақт ўтмади. Сайрамга — Зиямат Хусановнинг номига олис Болгариядан хат келди. Бу хатни унинг собиқ батальон командири, генерал-майор Боян Михнев Чобанов ёзган эди.

У хатида Зияматни ҳалок бўлган, деб ҳисоблаб юрганлигини, унга ўлиmidан сўнг «Халқ озодлиги учун» ордени, «Болгария халқ партизани» унвони берилганлигини, қора ипак газлама билан хошияланган катта портрети эса Софиядаги Инқилоб ҳаракати музейига қўйилганлигини ёзганди. Зияматдан урушдан кейинги ҳаёти ҳақида батафсил ҳикоя қилишни, ўзи ва оила аъзоларининг расмларини юборишни илтимос қилганди.

Шундан кейин Зиямат ака урушдан кейин бошидан ўтган савдоларни батафсил баён қилиб, командирига хат ёзди. Михнев бу хатни олиб ўқиб қаттиқ ҳаяжонланди. У қуролдош дўстига иккинчи марта ёзган хатида ҳақиқатни юзага чиқариш учун курашни тўхтатмасликни, тегишли юқори ташкилотларга яна мурожаат қилиб кўришни маслаҳат берди. Шундан кейин Хусанов турли ташкилотларга талабномалар ёзишни яна давом эттирди. Мана, ўша хатлардан бири:

«КПСС Марказий Комитетининг биринчи котиби Л. И. Брежневга.

Ҳурматли Леонид Ильич! Мен ушбу мактуб билан Сизга мурожаат қиларканман, бу хатимни охиригача диққат билан ўқиб чиқишни ва унга эътибор билан қарашни қаттиқ илтимос қиламан. Ахир мен бундай хатларни илгари СССР Мудофаа министри Р. Малиновскийга ҳам бир неча марта ёзганман. Лекин бу хатларим ҳаминша СССР Олий Советининг мукофотлар бўлимига юборилган ва у ердан доимо қуйидагича жавоб олганман: «Хусанов Зиямат Усмонович Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан СССР Олий Совети Президиумининг 1952 йил 22 июндаги фармони билан маҳрум қилинган». Лекин бунда ҳеч ким мени юксак унвондан нима учун маҳрум қилинганлигимни дурустроқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрмайди. Агар мен бундай унвонга номуносиб бўлсам, у ҳолда нима учун уни менга беришган! Мабода мен кейинроқ жиноят қилган бўлсам уни айтиб, исботлаш керак.

Фикримча, менга берилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонининг бекор қилиниши Берия сиёсатининг натижаси бўлди, унинг даврида гитлерчиларга асир тушганларнинг ҳар бири мукофотдан маҳрум этилган. Ҳозир эса Берия йўқ. Шундай бўлгач, нима учун эндиликда у қилган ножўя ишлар тўғрилимайди!

Ушбу ҳолда йўл қўйилган хатони тўғрилаш шунинг учун ҳам зарурки, мен немис фашистлари босиб олган ерларда партизанлар отрядида фашистлар армиясига қарши жанг қилишни давом эттирганман. Бу ҳужжатлар ва тирик гувоҳлар билан тасдиқланади. Шундан бири менинг собиқ батальон командири, Болгар Халқ Армиясининг генерал-майори Боян Михнев Чобановдир.

Мен бу ҳақда ёзавериб чарчадим. Лекин осон бўлмаган бу ишни, гитлерчи босқинчиларга қарши фидокорлик билан жанг қилганим учун эмас, балки менга берилган юксак унвон бекор қилинганлиги фактининг ўзи мени ва менга яқин бўлган кишиларни руҳан эзади.

Ҳозир мен мактабда муаллим бўлиб ишляпман. Юқори синф ўқувчилари «Ўзбекистон ССР тарихи»ни ўқишади. Унинг 421-бетига менинг Курск ёйидаги жасорати ҳақида ёзилган. Ўқувчилар тарихга кирган бу одам аслида қаҳрамон эмас, бировнинг хизматини ўзиники қилиб олган қаллоб эканлигини билганларида, қандай ўй-хаёлларга боришларини тасаввур этиш қийин эмас.

Наҳотки бизда менинг тақдирим билан жиддий шуғулланадиган бирон-бир инсон топилмаса!! Менга қаҳрамонлик унвони 1944 йил 22 февралда берилган.

**Хусанов Зиямат Усмонович,
Қозоғистон ССР Чимкент вилоятидаги
Сайрам қишлоғи.
1965 йил 26 апрель».**

— Бу мактубнинг натижаси нима бўлган? — дерсиз. Мана ўша мактубга олинган жавоб: «Сизга шуни маълум қиламизки, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонингизни тиклаш ҳақидаги талабномангиз қараб чиқилди ва қониқтирилмасдан қолдирилди».

Шундан кейин Боян Михнев Чобанов дўсти тақдирига ўзи аралашшига жазм қилди. У 1967 йилда Софиядан Москвага — СССР Олий Совети Президиуми Раиси А. И. Микоянга кўнги-роқ қилиб, Зиямат Хусановга нисбатан бўлган адолатсизликлар ҳақида батафсил гапирди. Анастас Иванович бу масалани ўрганишни тегишли кишиларга топширишга ваъда берди. Шундан кейин Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари, москвалик капитан Н. М. Чибисов ва лейтенант А. В. Беляков Зиямат Хусанов масаласи билан жиддий шуғулланишди. Улар Болгарияда бўлиши, Зиямат Хусановни билган кишилар билан учрашишди. Унинг ўзи билан эса Давлат хавфсизлиги комитетининг Чимкент вилоят бошқармасида суҳбатлашишди. Чибисов унга шундай деди:

— Уртоқ Хусанов, мана ҳозир сиз фашистлар билан бир сафда туриб югослав партизанларига қарши жанг қилган, деб 1952 йилда ўзингизга қўйилган айбномани инкор қилаяпсиз. Бу гапларингизни тўғри деб ҳисоблайлик. Асирликдан қочган пайтимизда немис комендантига биринчи бўлиб Файзиев ҳужум қилган эди, деган гапни ҳам айтдингиз. Шу гапингиз ҳақиқат эканлигига ҳеч бир шубҳангиз йўқми?

— Ҳеч қандай шубҳам йўқ. Немис комендантига биринчи бўлиб Файзиев ҳужум қилганлиги кечагидай ёдимда.

— 1952 йилда берган жавобингизда эса немис комендантига биринчи бўлиб Хўжаев ҳужум қилган эди, деган экансиз. Бу жавобларингизнинг қайси бирига ишонсак бўлади?

— Мен немис комендантига биринчи бўлиб Хўжаев ҳужум қилди, деб ҳеч қачон айтган эмасман. Файзиев ҳужум қилган, деб айтганман. Ушанда терговчи нотўғри ёзиб юборган бўлиши мумкин.

— Сўроқ протоколининг остида имзоингиз турибди-ку.

— Ушанда менга сўроқ протоколни ўқишга ижозат беришмаган. Бир қоғозга мажбурлаб қўл қўйдириб олишган.

— Урушдан сўнг собиқ командири Сайлихон Файзиев билан учрашганмисиз?

— Учрашганман. 1952 йилда тергов пайтида мени у билан юзлаштиришган.

— Ушанда у Болгарияда сиз билан бир отрядда бўлганлигини тан олганмиди?
— Тан олган.
— Кейин Файзиевни ҳеч учратдингизми?
— Йўқ, унинг кейинги тақдирини билмайман.
— Сизга охириги саволимни бераман. Нега сиз илгари ҳам, ҳозир ҳам фронтда кўрсатган жасоратларингиз ҳақида гапираяпсиз-ку, лекин концлагердаги ҳаётингиз ҳақида лом-мим де-маяпсиз?

— Чунки мейдан концлагерда қанча вақт бўлдинг, қандай азоб-уқубатларни бошдан кечирдинг, деб шу пайтгача ҳеч бир инсон сўрамади-да!

— Берган жавобларингиз учун раҳмат! — деди Чибисов суҳбат сўнггида. — Биз сиз тўғрингиздаги ҳақиқатни тегишли жойларга маълум қиламиз. Уйлаймизки, сизни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан маҳрум қилиш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг 1952 йил 22 июндаги фармони бекор қилинади.

* * *

1968 йил февраль кунларидан бирида Сайрам ноҳия фирқа кўмитасига Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумидан кўнғироқ қилишиб, Калинин номидаги ўрта мактаб ўқитувчиси Зиямат Хусановнинг Олмаотага — Қозоғистон ССР Олий Советига етиб келишини илтимос қилишди. Ноҳия кўмитасидагилар дарҳол бу хабарни Зиямат акага етказишди. У белгиланганидан бир кун аввал Олмаотага етиб бориб, меҳмонхонага жойлашгач, жумҳурият Олий Советига кўнғироқ қилди. Телефон трубкасини кўтарган аёл ундан эртага соат ўн бирда Ҳукумат уйига келишни илтимос қилди.

Эртаси Зиямат ака башанг кийиниб, Олмаотанинг замонавий кўчаларидан пиёда юриб, белгиланган соатда Ҳукумат уйига борди. Уни кенг, ҳашамдор хонага олиб киришди. Шу ерда Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Собир Билолович Ниёзбеков Зиямат Хусановга Ленин ордени ва қаҳрамонлик Олтин юлдузини топшириб, уни қизғин табриклади.

* * *

1972 йил апрель ойида Зиямат Хусанов Болгария Халқ Республикасидаги курулдош дўстлари ҳузурида меҳмон бўлди. У ерда унга «Халқ озодлиги учун» ордени ва «Болгария халқ партизани» фахрий унвони гувоҳномаси тантанали суръатда топширилди. Собиқ командири Боян Михнев билан меҳнат коллективларида бўлиб, қон билан мустаҳкамланган совет-болгар халқларининг дўстлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди.

1974 йилда Боян Михнев Чобанов Болгария делегацияси сафида Ўзбекистонда бўлди. Шунда у Зиямат аканинг уйида ҳам бир кун меҳмон бўлди.

Делегация Тошкент вилоят партия комитетида қабул қилинганда мезбонлар генералдан: «Қандай шахсий илтимосингиз бор?» деб сўрашди. У Файзиевни кўриш истаги борлигини айтди. Вилоят партия комитети котиби Аъло Махсумович Хўжаев дарҳол Бухоро вилоят партия комитетига кўнғироқ қилди. У ердагилар Файзиевни топишда ёрдам беришга ваъда қилишди.

Қоракўл районидаги Дарғабог қишлоғида Файзиев фамилиялик фронт қатнашчиси бўлган кишилар уч нафар эди. Улардан қай бири болгар партизанлари билан жанг қилганлигини аниқла-гунча анча вақт ўтди. Ниҳоят, бу одам колхоз темирчиси Сайлихон ака эканлиги маълум бўлди. У дарҳол отланиб, жияни билан Бухорога келиб самолётга ўтирди. Самолёт парвоз қилдию, аммо Тошкент аэропортига бориб қўнолмади, у ерда об-ҳаво ноқулай бўлганлиги учун орқага қайтиб, Самарқанд аэропортига қўнди. Сайлихон ака эртаси Тошкентга етиб борганида эса Боян Михнев делегация билан Олмаотага учиб кетганди.

Тошкент вилоят партия комитетида Сайлихон акага Зиямат Хусановнинг адресини беришди. Шундан кейин у тўғри Сайрамга борди.

Сайлихон ака Сайрамнинг Пушкин кўчасидаги 16-уйга кириб борганда оқшом эди. Зиямат ака айвонда оила аъзолари даврасида ўтирганди. У билан бирга Боян Михневни Тошкент аэропортида кузатиш учун борган ҳаммаси дўсти, Калинин номидаги мактаб ўқитувчиси Турсунхўжа Хонхўжаев ҳам шу ерда, ҳали уйига кетмаганди. Бир маҳал кўча дарвоза тақиллади.

Зиямат ака йўлакда келаётган икки кишини кўрди. Уларнинг каттаси — олдинда юриб келаётгани кўзига иссиқ кўринди.

— Сайлихон ака! — деди у беихтиёр.

— Зиямат, қадрдоним!

Икки курулдош қадамларини тезлатишди. Ҳовли ўртасида учрашиб, кучоқ очиб, бир-бирларининг бағирларига отилишди. Узларини тутолмай ўкраб-ўкраб йиғлашди.

Айвондагиларнинг ҳаммаси ҳовлига чиқишди. Улар ҳам беихтиёр кўзларига жиқ-жиқ ёш олишди.

Дўстлар икки кун бирга бўлиб, бошларидан ўтган воқеаларни эслашди.

— Бу азоблардан қачон қутиларкинмиз, Сайлихон ака? — деганди бир кун Люкенвальдда Зиямат Хусанов.

— Шу ювинди овқатни минг марта ичсак қутилармиз, — деб жавоб берганди Сайлихон ака. Зиямат ака унинг шу сўзларини эслади. Кейин дўстидан:

— Фронтидан қачон қайтингиз? — деб сўради.

— Урушни Германия тупроғида тамомлаб, 1946 йил май ойида қайтдим.

— Кейин нима бўлди?

— Колхозда ҳосилот кенгаши раиси бўлиб ишлаётгандим. 1946 йил 29 июль кuni тунда НКВД ходимлари уйимга келиб, қамоққа олиб кетишди. Фашистлар билан бир сафда югослав партизанларига қарши жанг қилганлиқда айблашиб, ўн йилга озодликдан маҳрум этишди. Уй-жойларимни ҳам мусодара қилишди. Жазо муддатини Қарағандада ўтадим.

— Юқори идораларга ҳеч шикоят қилиб кўрдингизми?

— Қарағандадаги лагерда турганимда бегуноҳ қамалганлигим ҳақида Сталинга ҳам, Шверника ҳам ёздим. Лекин ҳеч бир хатимга жавоб олмадим. Бунинг сабабини кейинроқ билдим. Лагерь территориясидан ҳеч қандай шикоят чиқарилмас экан. Почта кутисига ташланган хатларни ҳар куни лагерь бошлиғи олиб, кўздан кечириб, шикоят хатларни ёқиб юборар экан.

— Отряддаги бошқа дўстларимизнинг тақдири нима бўлганлигидан хабарингиз йўқми?

— Қамалганимдан кейин, худди сиз билан бўлганидек, тергов пайтида уч-тўрттаси билан юзлаштиришди. Кейин уларнинг тақдири нима бўлди, билмадим. Очиғи, бу иш билан шуғулланиш юрагимга ҳам симади, вақтим ҳам бўлгани йўқ.

Зиямат ака делегациянинг программаси тиғизлиги учун Боян Михнев ортиқча кутиб туролмаганлигини айтиб, Сайлихон акага унинг узрини етказди ва адресини берди. Шундай қилиб эски қуролдошлар топишиб олишди. Михнев Сайлихон ака билан ҳам хат ёзишиб турди. Унга янги партизанлик гувоҳномасини, 1974 йилда Софиядаги ҳарбий наشريётда чоп этилган эсдаликлар китобини юборди. Бу китобнинг алоҳида бир боби 28 ўзбек партизанининг жасоратига бағишланган. Китобнинг ички муқовасига болгар тилида қуйидаги сўзлар битилган. «Жанговар дўстим С. Файзиевга, фашизмга қарши мардона жанг қилган инсонга эсдалик учун. (Б. Михнев) Силистра шаҳри. 22/ III. 75 й.»

1944 йил сентябрь ойида Сайлихон Файзиев Б. Михневга эсдалик учун берган сурат ҳозир Софиядаги Инқилобий ҳаракат музейида Зиямат Ҳусановнинг портрети билан ёнма-ён қўйилган. Совет Иттифоқидан Болгарияга борган сайёҳлар бу суратларга ҳайрат билан тикилишади, уларнинг урушдан кейинги тақдири билан қизиқишади.

Сайлихон ака лагерда темирчилик касбини ўрганганди. 1956 йилда қишлоғига қайтгач, умрининг охиригача колхоз устахонасида темирчилик қилди. «Пенсияга чиққач кўча юзига дўкон қураман-да, бутун Дарғабоғ халқига текинга хизмат қиламан», дегувчи эди. Лекин у бу мақсадига етмади. 1977 йилда пенсияга чиққач, бир ойдан сўнг вафот этди.

* * *

Бу воқеа Белгород шаҳри меҳнатқашлари гитлерчи қўшинлар Курск ёйида тор-мор этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаётган унитилмас кунларда бўлди. Ушанда Белгороддаги тантаналарга мамлакатнинг турли томонларидан уруш қатнашчилари боришди. Улар жанглар бўлган жойларда бўлишди, полкдошлари, жанговар қуролдош дўстлари дафн этилган биродарлик қабристонларига гулчамбарлар қўйишди.

Меҳмонлар орасида Белгород яқинида жанг қилган 78-гвардиячи ўқчи дивизия сиёсий бўлимининг собиқ бошлиғи полковник Б. И. Мутовин ҳам бор эди. Ветеран дивизия бўлинмалари қаттиқ жанг олиб борган Крутой Лог ва Разумное қишлоқларида бўлгиси келди.

Разумное қишлоғида полковник мангу машъала ёниб турган қардошлик қабристонига ҳаяжон билан қадам қўйди. Мармар тахталарга битилган жангчиларнинг номларини диққат билан ўқий бошлади. У сержант Зиямат Усмонович Ҳусановнинг номини ўқиганда ҳайрон бўлиб қолди.

— Бу нотўғри, Зиямат Ҳусанов тирик, — деди полковник ёнидаги ҳамроҳларига. — Мен баҳорда Болгарияга борган эдим. Софиядаги Инқилобий ҳаракат музейида бўлиб, унинг расмини кўрдим, тирик эканлигини билдим. Унга мактуб ёзиб жавоб олдим. Зиямат Ҳусанов ҳозир Қозоғистон ССРнинг Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғида яшайди.

Шундан кейин Разуменский совхозидаги мактабнинг қизил изтопарлари Зиямат Ҳусановга мактуб ёзишди. Кўп ўтмай ўқувчилар қаҳрамондан жавоб хати олишди. Кейин эса уни ўз қишлоқларига таклиф этишди. Зиямат Ҳусанов бу таклифни қабул қилиб, Белгородга борди. Жанг қилган жойларини кўрди, полкдош дўстлари қабрларини зиёрат қилиб, гулдасталар қўйди. Сўнгра совхоз клубида қишлоқ меҳнатқашлари ва мактаб ўқувчилари билан учрашиб, уларга уруш йиллари бошидан ўтган воқеаларни гапириб берди. Унинг бу ҳикоясини тинглаганда залда ўтирган кўпгина кишиларнинг кўзига ёш келди. Аммо ушанда бу уруш қаҳрамонини олдинда янги фожиалар кутаётганлигини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаганди.

Ўтган уруш кўплаб қаҳрамонларни юзага чиқарди. Аммо бу қаҳрамонлар орасида тақдирида нурли ва фожиавий томонлар Зиямат Ҳусановники сингари уйқашиб кетганлари кам топилса керак.

Зиямат ака билан Қумри опа 37 йил турмуш қуришиб, икки фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Аммо бу фарзандларнинг ҳаёти фожиали бўлди. Кичиги Азамат 1972 йилда автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлди. Аширмат эса Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетини 1976 йилда битириб, Чимкентдаги электр тармоқлари қурилиши трестидан инженер бўлиб ишлаётган эди. 1979 йилда Красноярскка ёғоч олиб келиш учун бориб, қулаётган даратх остида қолиб, бир умрга юролмайдиган бўлиб қолди.

Зиямат аканинг ўша кезлардаги руҳий ҳолатини бизга унинг Тошкентда яшайдиган синглиси Асалоӣ Усмонова гапириб берди.

— Акам Красноярскка жиянлари билан бориб, Аширматни олиб келиб, Тошкентдаги шифонахонага ётқиздилар, — деди Асалоӣ опа. — У шифонахонада анча вақт ётди. Охирида врачлар Аширматни бир умрга юролмайдиган бўлиб қолишини айтишди. Акам шу гапни эшитгач, меникига келди. Ўзларининг аччиқ тақдирларини ўйлаб ўкраб-ўкраб йиғладилар.

Ушанда Аширматнинг хотини Муҳаббат тўнғич ўғлини янги туққан эди.

— Агар энди келиним кетиб қолса, мен ҳам, ўғлим ҳам тамом бўламыз, — деди Зиямат ака синглисига.

Лекин Муҳаббатнинг бундай мақсади йўқ эди. У яхши оилада ўсган, ўйлаб иш қиладиган инсон эди. Аширмат шифонахадан чиқishi олдидан Зиямат ака юрак ютиб, бу ҳақда келиннга гапириб кўрди. Шунда у қайнотасининг сўзларини охиригача тинглади-да, шундай деди:

— Дадажон, қўлингизга келин бўлиб тушганимда, ҳаммамиз биринчи марта дастурхон атрофида ўтирганимизда менга нималар деган эдингиз?

— Бу хонадонга келин бўлиб эмас, ҳақиқий фарзанд бўлиб келдингиз. Энди менинг фарзандим битта эмас, иккита. Қизим бўлдингиз, Муҳаббатхон, дегандим.

— Мен ҳам бу хонадонга кетаман, деб эмас, бир умрга яшайман, деб келганман, дадажон. Сизни, ойимни, Аширмат акамни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. Бошқа бир хонадонга бориб, ўғлимнинг тирик етим бўлишини ҳам хоҳламайман.

Келинидан бу гапларни эшитиб, Зиямат аканинг ҳам, Қумри опанинг ҳам кўзларидан ёш оқди. Иккиси ҳам уни дуо қилишди. Аммо оила бошига кетма-кет тушган фожиалар отанинг бусиз ҳам уруш йиллари ишдан чиққан саломатлигига таъсир қилди. У 1986 йил 18 январда иккинчи марта такрорланган инфаркт хуружи натижасида вафот этди.


Сайрамликлар ўзбек халқининг шавкатли фарзандини, икки халқ қаҳрамонини зўр иззат-ҳурмат билан дафн этдилар. Вафот этгач кўп ўтмай унинг номи абадийлаштирилди. Ҳозир Сайрам ноҳиясидаги бир мактаб, бир пионер лагери Зиямат Ҳусанов номи билан аталади.

Мен Зиямат Ҳусановнинг хонадонида биринчи марта 1987 йилда бўлгандим. Шунда Аширмат билан Муҳаббат яна бир фарзанд кўришган экан. Унга марҳум бобоси хотираси учун Зиёбек деб исм қўйишибди. Кейин бу хонадонда яна икки-уч марта бўлдим. Бир бориб Қумри опа билан айвонда суҳбатлашиб ўтирганимда телефон жириглаб қолди. Қумри опа трубкани кўтариб, ким биландир гаплашди. Сўнг трубкани жойига қўйиб, ўрнига келиб ўтирди.

— Зиямат акангизнинг дўсти Турсунхўжа телефон қилаяпти, — деди у. — Жуда бир ажойиб, оқибатли инсон, доим кўнғироқ қилиб ҳол-аҳволимиздан хабардор бўлиб туради. Ҳовлидаги ер чопиш учун етилдими, агар тобида бўлса, ўқувчилардан уч-тўрттасини дарсдан сўнг юбораман, деяпти. Мен икки кун тура турсин, деб айтдим.

Турсунхўжа ака билан биринчи марта учрашиб суҳбатлашганимда, уни Зиямат аканинг дўсти бўлганлиги учун яхши кўргандим. Қумри опанинг шу гапларини эшитиб, бу одамга ҳурматим янада ортди.

Раҳмат, Турсунхўжа ака! Бу дунё сиз ва Муҳаббатхон сингари яхши одамлар борлиги учун турибди.



Қайта қуриш ва тарихий мерос

ҚУРЪОН ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Хурматли редакция! «Шарқ юлдузи» да Қуръон таржимаси чиқа бошлагани маданий ҳаёти-миздаги улкан воқеа деб ҳисоблаймиз. Журнал коллективига, таржимонга, хуллас, бу ишга ҳисса қўшаётган жамғири яхши ниятли кишиларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Бир иста-гимиз бор эди: Қуръонни замонавий ўзбек тилига ўсираётган таржимон Алоуддин Мансур ҳақида, бу ишга бош-қош бўлаётган таҳрир ҳайъати тўғрисида маълумот берсангиз.

Насриддин ФАЕЗОВ, Махмуджон ЖҲРАЕВ,
Каримжон АҚБАРАЛИЕВ ва бошқалар.
Жами 30 имзо, Андижон вилояти, Қўрғонтепа
ноҳияси, Тўхтағул колхозси.

Журналда Қуръон босила бошланиши билан ўқувчилардан хат ва телеграммалар ёғилиб кетди. Улар орасида оддий қишлоқ аҳлидан тортиб раҳбар ходимларгача, талабадан тортиб профес-сор ва академиккача — турли касб эгалари бор. Журналхонлар бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаб, ўз тилак ва истақларини билдирмоқдалар. Журналга нисбатан кундан-кун қизиқиш ўсиб, унинг тиражи кун сайин ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Кўп минг сонли ўқувчиларнинг талабларини инобатга олиб, қуйидагиларни баён этмоқчимиз: Қуръон таржимасининг эълон қилиниши «Шарқ юлдузи» журнали ташаббуси билан, дуч келинаётган маълум қийинчиликлар, тўсиқларга қарамай, амалга оширилаётир. Лекин бу иш фақат-гина журнал ёки кимларнингдир хоҳишига кўра бўляпти, деб ўйлаган киши адашади. Гап шундаки, Қуръоннинг замонавий ўзбек тилидаги таржимасини 1990 йилда «Шарқ юлдузи»да босиш масала-си Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Котибиятининг 1989 йил 14 сентябрь мажлисида кўрилган ва шунга қарор қилинган эди. «Шарқ юлдузи» таҳрир ҳайъати шу қарордан келиб чиқиб, 1989 йил 10 октябрь кенгашида Қуръон таржимасини синчиклаб ўрганиш ва эълон қилиш учун махсус ҳайъат тузди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Бадий таржима ва адабий алоқалар маркази ҳамда Ўрта Осиё жумҳуриятлари Диния нazorатидаги мутахассислар бир қанча таржималар билан танишиб чиқиб, кенг ўқувчилар оmmasига мос ва Қуръон маъноларини тўғри етказувчи Алоуддин Мансур таржимасини танлашга қарор қилдилар. Журнал ҳайъати ҳам шу фикрга келди. Алоуддин Мансурнинг илмий унвони йўқ. Бироқ араб тилини, Қуръонни чуқур биладиган мутахассис. Муфтий ва Алибек Рустамов сўзбошисида («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 3-сон) таъкидланганидай, журналда эълон қилинаётган таржима ўзига хос. Унда кичик-кичик изоҳ ва тушунтиришлар борлиги кенг ўқувчилар оmmasига, айниқса, манзур бўлмоқда. Шунга қарамай, журнал келгусида бошқа ўртоқ-ларнинг таржималаридан ҳам фойдаланади. Уйлаймизки, бу улкан тарихий обида ҳали кўп бор таржима қилинади. Академик наشري ҳам тайёрланмоқда. Айни пайтда баъзи ўртоқлар Қуръон-нинг фақат китоб ҳолида илмий наشريни чиқариш керак, «Шарқ юлдузи»даги таржима тўхтатил-син, деб даъво қилмоқдаларки, биз бу фикрга асло қўшилмаймиз. Қуръон таржимаси миллион-лаб халқ хоҳиши билан, замон руҳидан, қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб амалга оширил-япти.

Қуръоннинг «Шарқ юлдузи»даги таржимасини тайёрлашга мутасадди бўлган ҳайъат аъзолари рўйхати:

Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ — Ўрта Осиё жумҳуриятлари Диния бошқармасининг Раиси, муфтий. СССР халқ депутати. Ҳайъат раиси.

Алибек РУСТАМОВ — филология фанлари доктори, профессор, арабшунос олим.

Эркин ВОҲИДОВ — Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Озод ШАРАФИДДИНОВ — Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, ТошДУ профессори.

Неъматилла ИБРОҲИМОВ — филология фанлари доктори, профессор, ТошДУ Шарқ факультетининг декани, арабшунос олим.

Уткир Ҳошимов — «Шарқ юлдузи» журналининг Бош муҳаррири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

Умарали НОРМАТОВ — филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.


Нурали ҚОБУЛ — «Чўлпон» нашриёти директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Муҳаммад АЛИ — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Бадий таржима ва алоқалар марказининг бошлиғи.

Омон МУХТОРОВ — «Шарқ юлдузи» журнали Бош муҳаррирининг ўринбосари, ёзувчи.

Носир ФОЗИЛОВ — «Шарқ юлдузи» журнали масъул котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Ортиқ АБДУЛЛАЕВ — «Шарқ юлдузи» журнали адабий танқид бўлими мудири, филология фанлари номзоди.



*Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.*

*Чун Зуҳал толиъ бўлур холинг хаёли фитнадин,
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.*

*Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.*

*Чун чиқар Баҳроми қотил, кўзларинг андишаси
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.*

*Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.*

*Зухра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.*

*Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.*

*Ой ҳалокимға тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.*

*Тийра айлаб бениҳоят кеча умрум шамъини,
Васл субҳи ҳасрати ранжим юз ул миқдор этар.*

*Ростлиғ улдурки, етқач ул қуёш, раҳм айлағай,
Улча аҳволимға ҳар тун чархи кажрафтор этар.*

*Эй Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,
Жонинга жавру жафосин ҳар нечаким, бор этар.*

Ростлиғ улдурки...

Мавзу хусусиятига кўра, бу Алишер Навоийнинг ишқий ғазаллари тоифасига кирди. У шоир ижодий такомилнинг учинчи босқичи маҳсули бўлиб, Навоий уни илк бор «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритган. Кейинчалик бу ғазал «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига кўчган. Ғазалнинг ўзига хос ва мураккаб образлар силсиласи мавжудлиги, ҳажмининг катталиги (ўн бир байтдан иборат) тили ва бадиий тасвир услубининг ўзга ишқий ғазалларга нисбатан оғирлиги ҳам уни Навоий айни ижодий кучга тўлган ўрта ёшларида яратганлигини тасдиқлайди. Бу — Навоийнинг кўпмаънолилик хусусиятига эга асарларидан. Унда васф этилган ишқ «мажозий ишқ», яъни оддий инсоний муҳаббатдан кўра кенгроқ маъноларга эга. Ғазал руҳий мундарижасининг нисбатан мураккаблашувиға сабаб шуки, унда шоир инсоний ишқ билан пантеистик

дунёқарашдаги «ҳақиқий ишқ» хусусиятларини бир нуқтада мужассамлаштиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган.

Ғазалда Навоий лирик қаҳрамон кечинмалари ҳамда тахайюлини тасвирлашда янгича йул тутади.

*Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнғлум зор этар.*

Бир қарашда, бу — анъанавий руҳдаги байт.

Унда Мавлоно Лутфий таҳсинига сазовор бўлган «Оразин ёпқач, кўзимдин сочилуру ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлуру юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш» матлаъига ҳамоҳанглик бор. Мазкур байтларни инсон ва табиат муносабатлари, инсон руҳияти ҳамда табиат манзараларининг қиёсий талқини туташиради. Бирида аввал инсон руҳияти лавҳаси ёритилиб, сўнг унга мутаносиб табиат тасвири яратилади. Таҳлил қилинаётган ғазал матлаъида эса бўлакча. Аввал, илк мисрада, табиат, аниқроғи, осмоннинг ҳижрон шомидеги қиёфаси яратилади. Кун билан туннинг алмашилиши гўзал бадиий ифодаланади. Яъни, шоир наздида, осмон кундузи бинафшазор эди. Бинафшаранг кўм-кўк самони тасаввур қилинг-а! Кўк қадаҳига шом бодаси қуйилиши билан, наргисдек сочилган юлдузлар кўк бинафшазорини наргисзорга айлантирди.

Иккинчи мисрада табиатдаги ҳолатдан келиб чиқиб, инсон руҳи таҳлил этилади. «Кўк бинафшазори»га лирик қаҳрамон кўнгли, «анжум» ва «наргис» образларига маъшуканинг наргисмонанд кўзлари ва бинафшаранг хатти, бинафшашакл зулфи шеъринг параллелизм усули билан таносиб қилинади. Бу тасвирдан лирик қаҳрамон кўнгли маъшуқа висолига зор-интизорлиги англашилади. Лекин биз мазкур байт матлаъ эканлиги ва матлаънинг бадиий вазифаси лирик киришни ифодалашдан иборатлигини ҳам унутмайлик.

Матлаъда «кўк бинафшазори» ва «анжум» — юлдузлар ҳақида сўз очилдими, демак ғазал давомида фалакка муносабат, осмоний жисмлар тасвири акс этиши муқаррар. Дарҳақиқат, Навоий Зухал (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Баҳром (Марс), Меҳр (Қуёш, Венера), Уторид (Меркурий), Ой каби сайёраларни ғазалга олиб кириб, назмийлаштиради. Бу шеъринг образларни ўз бадиий муддаосини ифодалашга хизмат қилдиради.

*Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.*

Байтда маъшуқа ёки ғазалнавис кўзда тутган бошқа бир эстетик идеал васлидан жудолик қуйидагича тасвирланган. Шоир бу маъшум айрилиқ фожиасига сабабчи қилиб Муштарий сайёрасини кўрсатади. Форсий номи Биржис бўлмиш бу сайёра, Навоий даври мунажжимларининг тасаввурича, олтинчи фалакда жойлашган еттинчи осмонга энг яқин юлдуз бўлгани учун мунажжимлар уни «Фалак қозиси» деб аташган. Гўё у илохий қудрат низомиларига кўра, жамики мавжудот устидан ҳукм юритган. Навоий Муштарий сайёрасининг мана шу қозилик аъмолини назарда тутганлигини инobatга олсак, қуйидагича мазмун юзага чиқади: Муштарий, яъни фалак қозиси чеҳранг ёдини кўз хотирасидан ўчиргач, юзлаб бахт юлдузлари ҳар замон дур ёғилгандек, кўз ёш селини оқиздилар. Демак, фалак қозиси ҳукми билан лирик қаҳрамон бахтсизлик — мангу айрилиққа гирифтор бўлди.

Ғазалда изчил руҳий таҳлил кўзга ташланиб туради. Мана, юқоридаги воқеа лирик қаҳрамонни қандай кайфиятга олиб келди:

*Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.*

Байтнинг санъаткорона хосияти шундаки, Навоий «меҳр» сўзининг турли маъно товланишларидан усталик билан фойдаланган. Шоир «меҳр» сўзининг луғавий ва кўчма маъноларини ишга солиб, «ийҳом» санъатини вужудга келтиради. «Ийҳом» асосида қатлам-қатлам маъно мағзига эга бўлган мисра яратади. Мисрани ўқирканмиз, дастлаб лирик қаҳрамон маъшуқадан меҳр-шафқат нишонаси топа олмаганини кўрамиз, сўнг маъшуқагина эмас, балки умуман «гардунда ҳам» меҳр-вафо топмаганлигини англаймиз. Бу — «меҳр»нинг луғавий маъносигагина суяниб ифодаланган мазмун. «Меҳр» кўчма маънода қуёшни билдиради. Бундан айрилиқ азобидаги лирик қаҳрамон гардунда қуёш ҳам топа олмаганлиги англашилади. Демак, висолсиз одам — офтобсиз олам, деган мусибатли мазмун юзага чиқади. Бу мусибат эса ёруғ оламни лирик қаҳрамон кўзига қоронғу кўрсатади. Лирик қаҳрамон аҳволини халқ жонли тилидаги «кўзига

жаҳонни тор этмоқ» ибораси билан ифодалаш байтнинг бадий салмоғини яна чандон оширади.

Лирик қаҳрамон нақадар аянч аҳволда қолганлигини ўша муболағали манзара воситасида кўрсатишга ҳам Навоий сайёралар образини сафарбар қилади:

*Зухра ҳолимга сурудин навҳаға айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.*

Зухра — Чўлпон юлдузи азалдан Шарқ адабиётида осмон чолғувчиси, созандаси сифатида тасвирланиб келади. Зухра юлдузининг шу хосиятини назарда тутмай туриб, Навоий байтини тўла тушуниш қийин. Хуллас, байтда мужассам бадий мазмун шундан иборатки, чолғувчи сайёра лирик қаҳрамон аҳволини кўриб, чалиб турган куйини мунгли ва нолавор йиғига айлантириб юборади. Унинг кўлидаги чанг эса сочларини ёйиб, кўз ёш дурларини оҳанг либосида соча бошлайди.

Кечинмалар фожелигига асосланган лирик сюжет тобора авж нуқтасига кўтарилга боради. Зухра юлдузининг чолғуси билан бирга сочларини ёйиб фарёд чекиши лирик қаҳрамон ҳалокатидан дарак берса, кейинги байтлар буни қонунийлаштиради:

*Улмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.*

*Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.*


Уторид — Меркурий планетаси қадимий адабиётда афсоналарга суяниб фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси сифатида талқин этилган. Навоий ҳам шу талқинга суяниб, Уторидни шоир ва ҳомий янглиғ гавдалантиради. Гўё Уторид лирик қаҳрамон ўлимини англаб, марсиялар ёзади. Унинг дардлари шарҳидан назмий марсиялар яратади. Лирик қаҳрамон дарди шу қадар кўпки, уни шарҳлаб ёзилган марсиялардан ҳар лаҳзада юз тумор — буклаб ўралган номалар майдонга келади.

Шоир сайёраларнинг фалакдаги ҳолатидан ғазалда жуда ўринли фойдаланади. Маълумки, ой қаро тун бағрида жойлашган бўлади. Шундан келиб чиқиб, Навоий уни қаро тўн кийган, (йиғлаб фарёд чекаётган) мотамсаро азакашга ўхшатади.

Хуллас, таҳлил доирасига тортилган байтлар жонлантириш — ташхис санъатининг гўзал намуналаридан. Бу байтлар ғазалда ўзига хос лирик воқебандликни ташкил этган.

Ғазал улкан бадий маҳорат маҳсули сифатида Навоий ижодида, умуман, ўзбек ғазалиётида муҳим ўрин тутади ва ҳамisha маънавий-маърифий аҳамиятини сақлаб қолади.

Нусратулла ЖУМАЕВ,
филология фанлари номзоди



Меросимизни ўзгандиз

Амир Хусрав Деҳлавий

Рубоийлар

1

*Эй сарви чаман, жилвагари бўстон бўл,
Эй боди сабо, чаманда кез, сайрон бўл.
Эй гул, сабр айлаки, нарғис мастдир,
Гул пардаси ичра бир нафас пинҳон бўл.*

2

*Сендин нечаким жабру жафо кўргаймен,
Мен барчасига ўзни ризо кўргаймен,
Кўнгил борича мен сени кўрсам дейман,
То етгунича кўзда зиё, кўргаймен...*

3

*Кулсанг, санамим, нозли кўзинг ноз этгай,
Гул икки юзингда ўзни оғоз этгай.
Гар гунча лабингдин сўз тилар эрса, санам,
Гул-гул очилиб, ўзини пардоз этгай...*

4

*Дедимки, лабингда кўп шакарлар бордир,
Дедингки, кўзингда кўп гуҳарлар бордир.
Дедимки, фақирман, дедингким, сенда,
Юзингдин аён бўлдики, зарлар бордир...*

5

*Ишқинг мени ошуфтаю ҳайрон қилди,
Ақлимни олиб, бесару сомон қилди.
Ҳар нечаки сўйласам, ғамим кам бўлмас,
Ювган била кетмади, бу доғ қон қилди...*

6

*Жонон, ичавер, айши мудоминг бўлсин,
Қоним тўкавер — бодаи жоминг бўлсин.
Май сенга ҳалол эмиш, нигоро, лекин
Менсиз уни ҳўпласанг — ҳароминг бўлсин.*

7

*Эй ёр, асиру мубталоман сенсиз,
Шу бори жаҳондан ҳам жудоман сенсиз.
Менсиз не этарсан? — дея бир сўрамасан,
Билмасман ўзимки, вой, нетоман сенсиз?*

Шайх Саъдий шоир Амир Хусрав Деҳлавий ҳақида гапириб: «Ҳар кимса у дунёда бир нарса билан фахрланиши керак. Мен ана шу туркнинг кўксидаги куюги билан фахрланаман», деган экан!

Амир Хусрав Деҳлавий 1253 йилда Ҳиндистон шимолидаги Патёли шаҳрида, шаҳрисабзлик Амир Сайфиддин Муҳаммад оиласида дунёга келган. Асли лочин уруғидан бўлган бу хонадон мўғуллар босқини даврида Ҳиндистонга кучиб, ўша ерда турғун бўлиб қолган.

Амир Хусрав Деҳлавийдан буюк адабий мерос қолди. «Хамса», «Дувалрони ва Хизрхон», «Нўҳ сипеҳр», «Тўғлиқнома» асарлари шулар жумласидандир. Унинг қаламига мансуб минглаб ғазал ва рубоийлар шарқ адабиётининг кўрки, жаҳон адабиётининг дурдоналари сирасига киради.

Амир Хусрав Деҳлавий 1325 йилда вафот этган. Орадан қарийб етти аср ўтса-да, унинг асарлари дунёга таралиб, ҳамон севиб ўқилмоқда. Қабри халқ зиёратгоҳига айланган.

Амир Хусрав Деҳлавийнинг журналхонларга ҳавола этилаётган рубоийларида ҳазрат Саъдий айтмиш, кўксидаги куйиш — оташин қалби акс этган.

Таржимон.

*Жонон, ки жафойинг била гар ўлгаймен,
Амринг ва ризойинг била гар ўлгаймен,
Меҳринг била боз ўзимга жон топгаймен,
Жоним тўла меҳринг била боз бўлгаймен.*

9

*Чун шони намоз бўлдию ёрим кетмиш,
Ҳижронзада қушману баҳорим кетмиш.
Ғам ичра нетайки, дили зорим кетмиш,
Тун ичра нетай, сабру қарорим кетмиш...*

10

*Хўблар сари бошлагувчи йўл — роҳимдир,
Жону дилу кўз ҳамиша бадхоҳимдир.
Йўқ кимсаки, ҳолимни кўриб, ўргангай,
Ургангувчи бўлса шу — фақат оҳимдир...*

11

*Жоним, санамо, сидқу вафойингга фидо,
Бошим ҳаваси саждаи пойингга фидо.
Ўз ҳою ҳавоси била юргай ҳар гул,
Иллоки, дилим ҳою ҳавойингга фидо...*

12

*Йўқ, кўз деманг, ул фитнаи оламни кўринг,
Йўқ, соч деманг, ҳар ёнга сочилганни кўринг.
Ул дамки итоб этиб, ниқобин очса,
Вой, қош деманг, ул камони Рустамни кўринг...*

13

*Лаълинг каби, ёр, ғунчаи хандон йўқ,
Юзинг каби гул? Чаманда ул чандон йўқ.
Лаб тишлар эмиш лабингни кўрган писта,
Аммо на иложки, оғзида дандон йўқ...*

14

*Ул сарвқи, сайр этарда шод ўлмишдир,
Дил эргашиб унга, номурод ўлмишдир.
Кўйингда ғубор бўлиб таралган жоним
Охирда шамолу гирдибод ўлмишдир...*

15

*Бир кеча висолинг, санамим, ёр ўлгай,
Лаълинг дағи бир маҳрами асрор ўлгай.
Кўзимни сурай дейман оёғингга, вале,
Кўзим ёши бирла пойинг афғор ўлгай...*

16

*Ҳажр ичра мудом муниси ёрсан, эй ғам,
Бас, менга не ғамки, ғамгусорсан, эй ғам.
Кўнглимда макон тутибсан, эй инсоф қил,
Ҳар нечаки бор эдинг ва борсан, эй ғам...*

Ҳасратга кўмилганим муборак бўлсин,
Заҳматзада бўлганим муборак бўлсин.
Бир бора кўролмадим юзингни, эй ёр,
Кўйингда шу ўлганим муборак бўлсин...

18

Не зар тиланиб, сийнаси оташдирмиз,
Не таъна била кўнгли мушаввашдирмиз.
Бир бурда қуруқ нон била сув, тинч гўша,
Ё раб, бу тириклик била биз хушдирмиз...

19

Эй тан, қаро ер масканинг бўлгусидир,
Ул чоғда кафан пироханинг бўлгусидир.
Дединги, кейин уйим қоронғу гўрми?
Шошилмаки, унда равшанинг бўлгусидир...

20

Айёми бақога боқ, чунон ўтгусидир,
Сўнгсиз ғаму ранж ила равон ўтгусидир.
Утгувчи бирор дамга нажот йўқ, умр —
Афсуски, ўтарда райгон ўтгусидир.

21

Наврўз кечибон, ғунчага юз ноз келгай,
Гул чехрасига ишваю пардоз келгай.
Наврўз кетаркан — ўзидан кетгай гул,
Наврўз келаркан — ўзига боз келгай...

22

Кўйинг сари ҳар сафар келарман, роҳ йўқ,
Куйсам дағи ўртаниб, менга огоҳ йўқ.
Васлингни тилаб йироқда юз йил юрсам,
Сўнг бори унутсам сени? Йўқ, валлоҳ, йўқ!..

23

Эй таъмаю ҳирс агарчи доҳил сенга,
Тупроқ бўладир бир куни манзил сенга.
Тупроқни намунчалар безарсан, эй дўст,
Тупроқ-ку касиб этгувчи ҳосил сенга...


24

Жоно, гаҳи боғу бўстондир, кўргил,
Вақти гулу вақти арғувондир, кўргил.
Гул деб нега сен қўлинг очарсан, эй жон,
Қўл очки, қўлингда гул ҳамондир, кўргил.

25

Йўқ-йўқ, наинки дин учун ўлгаймен,
Улсам, ўша нозанин учун ўлгаймен.
Дединги, фақирлик била умринг ўтди,
Айб айлама, ёр, мен чунин ўлгаймен...

Форсийдан Жамол Камол таржималари



ИСТИЛОҲЛАР ЎЗ ЎРНИДАМИ

Ҳозирги демократия, қайта қуриш, қайта баҳолаш даврида адабиётшуносликдаги айрим жараёнлар ва баъзи атамаларнинг қўлланиши масаласига ҳам янгича нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Чунки узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган кўпгина қарашлар бугунги кунда эскириб қолди. Энди уларга суяниш фойда ўрнига зарар келтиради. Шу жиҳатдан, адабиётшуносликда кўп ишлатиладиган «клерикал», «антиклерикализм» атамаларини кўздан кечирайлик.

«Клерикализм» атамасига қомус ва луғатларда шундай изоҳлар берилади: «Клерикализм» — (полит.) клерикализм. (Черковнинг таъсирини кучайтиришга уринадиган реакция оқим) ¹. Янада кенгроқ айтилганда, «Клерикализм... (черковга оид) — жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий-мадан-кенгроқ айтилганда, «Клерикализм... (черковга оид) — жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий-мадан-кий ҳаётида черков ва руҳонийларнинг етакчилиги ролини таъминлашга интиладиган диний-сиёсий оқим» ². «Клерикализм синфий антогонистик жамият ривожининг ҳамма босқичлари учун харак-терлидир. У эксплуататорлик тузумини ҳимоя қилиш ва оқлаш шаклларида бири сифатида ўта реакцияон кучлар томонидан фойдаланади. Клерикаллар ўз таъсирини оммага ёйиш, уларни реакцияон кучлар томонидан фойдаланади. Клерикаллар ўз таъсирини оммага ёйиш, уларни реакцияон-идеологик дунёқарашга эргаштириш, революцион ва миллий озодлик курашларидан қалғи-тиш учун турли миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда уюшмалар тузишга ҳаракат қиладилар. Империализм хизматида бўлган К. буржуа манфаатларини қўллаш, шунингдек, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатларидаги низоларни сақлаб қолишга уриниши билан ер юзининг турли районлари-да ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилмоқда. К. антикоммунизм билан чамабарчас бирлашиб бормоқда» ³.

Тарихга назар ташласак, бир неча юз йилликлар давомида бу таълимот Европа ва Осиё мам-лакатларида жамият ҳаётининг барча соҳалари бўйича ҳукмронлик қилиб келганлигини кўра-миз. Эки қадим кўҳна тарихдан: Миср фиръавнлари билан қоҳинлар ўртасида танҳо ҳукмронлик учун кетган курашлар натижасида мамлакат чет элликлар қўлига тушиб қолгани, Нил дарёси устида минг йиллаб чарақлаган маданият офтоби сўнгани маълум.

Антиклерикализм эса «клерикалчиликка қарши қаратилган қарашлар системаси ҳамда ижтимоий ҳаракат» бўлиб, «динни (таъкид бизники — Г. Р.) клерикализмни бартараф этишда» муҳим ўрин тутди. «Ҳозирги замон буржуазия дунёсида маърифатпарварликнинг атеистик анъаналари-ни давом эттираётган айрим группа, ташкилот ва уюшмалар, Жаҳон ҳурфикрлилар иттифоқи ва Халқаро гуманистик ва этика иттифоқи кирувчи бирлашмалар айни иш олиб бормоқдалар. Ком-мунистлар клерикализмни диндан (I) ажратмайдилар». (Атеистик энциклопедик луғат, 27-бет.)

Кўриниб турибдики, клерикализм ва антиклерикализм ўз моддий-техникавий ҳамда маънавий базасига эга бўлган икки қарама-қарши кучли кутбни ифодалайдиган ривожланган тузулмларга хос ижтимоий-сиёсий атамалардир.

Ҳўш, ижтимоий онг шакллари билан бири бўлган адабиётда бу тушунчаларга тегишли масалалар бирон тарзда акс этдими, акс этган бўлса қай даражада? Умуман, адабиётшуносликда мазкур атамаларнинг маъно-мазмунини, қўлланиш даражаси нечоғлик эканлиги устида тўхталасак. Аввало, истилоҳлар масаласини ойдинлаштириб олиш фойдалироқдир.

Гап шундаки, клерикал адабиёт, антиклерикал адабиёт, диний-мистик адабиёт каби истилоҳ-лар жаҳон адабиётига оид атамаларни ўз ичига олган қомус ва луғатларда («Литературная энциклопедия», М. 1929-1939; «Краткая литературная энциклопедия» М. 1962—1978, «Литературный энциклопедический словарь» М. 1987) умуман учрамайди.

Сабаби аён. Жаҳон фанида, жумладан, рус адабиётшунослиги тажрибасида адабиётнинг клерикал ва антиклерикал йўналишларга бўлиниши, умуман, адабиётнинг (санъатнинг ҳам) дунё-вий ва диний-мистик деб ажратилиши кузатилмайди. Чунки илғор Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар адабиётининг ўлчови ҳамма даврлар учун бир хил бўлиб келган: умуминсонийлик. Ва шунга биноан, клерикализм ҳамда унинг зидди бўлган антиклерикализм каби европача атамалар Европа адабиётшунослик фани учун бегона. Ўзбек адабиётшунослигида эса бу истилоҳлар «болалаб» кетган.

«Клерикальная литература — клерикал адабиёт, диний адабиёт. Дин, бидъат ва хурофотни тарғиб этувчи адабиёт» «Антиклерикальная литература — антиклерикал адабиёт. Дин, бидъат ва

¹ Русча — ўзбекча луғат, М, 1954, 292-бет.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси, Т. 1971, 5-том, 531-бет.

³ Атеистик энциклопедик луғат, 61-бет.

⁴ Н. Ҳотамов. Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., 1983, 155-бет.

хурофотга, турли руҳонийларга қарши қаратилган адабиёт»¹, деб таърифланади оммабоп қўлланмада.

Атеистик қомусий луғатда эса бидъат тушунчаси: «Бидъатлар (ереси)» деб олинади-да², изоҳлар христианлик дини мисолида берилади. Ахир, ислом диншунослигида ҳам «бидъат» тушунчаси мавжуд бўлиб, кенг қўлланилган-ку. Тўғри, ушбу луғатнинг асосий қисми «Атеистический словарь» (М., Политиздат, 1985)нинг таржимасидан иборат. Бироқ, ҳайъатнинг тушунтиришича, луғатга Шарқдаги дин ва фалсафа бўйича тушунчаларга хос кўпгина кўшимча мақолалар киритилган³. Шулар қаторида «бидъат» диний истилоҳи ҳам ислом нуктаи назаридан ёндашилиши керак бўлган асосий атамалар. Бидъатнинг иккинчи қўшимча маъноси сифатида унга маънодош сўзлар келтирилган: «бидъат — хурофот, таассуб мазмунида ҳам қўлланилади⁴. Хурофот тушунчаси ўша қомусий луғатда қуйидагича берилган: «Хурофот — худого, динга, диний эътиқодларга берилиш, девпарии каби ғайритабиий кучларга ишониш ва сиғиниш туфайли юзага келган урф-одатлар; ирим; умуман эскилик, эски урф-одатлар»⁵. Бу шарҳлар тўла илмий эмас. «Хурофот» эса бутунлай нотўғри изоҳланган. «Бидъат» тушунчаси «Ислом» расмийотмасида тўғри ва нисбатан илмий изоҳини топган: «Бидъат (араб. — янгилик, янгидан расмийлашган) — 1. Хукмрон дин доирасида маросимларни янгича талқин қиладиган майллар. Хукмрон диннинг асосий муқаддас китоби, ақида ва талабларини тан олган ҳолда, маълум давр, ижтимоий куч ва муайян мамлакат эҳтиёжларини назарда тутиб, унчалик принципиал бўлмаган масалаларда танқидий мулоҳаза юритган кишилар бидъатчи ҳисобланган... 2. Хурофот, таассуб мазмунида ҳам қўлланилади (Ислом. Справочник. Тошкент, ЎзСЭ, 1986, 59-бет.). Лекин ушбу мақолада ҳам «бидъатнинг дастлабки диний тушунча сифатидаги маъноси ўз аксини топмаган. «Навий асарлари луғати» китобида эса бу тушунча ўзининг соф мазмунига яқин: «Бидъат. 1) Янги пайдо бўлган одат. 2) Динга кейин қўшилган урф-одат; бидъати ҳасана — яхши урф-одат. Бидъати саййаъ — ёмон урф-одат» (Навий асарлари луғати. Т., 1972, 116-бет). Адабиётшунос Б. Қосимов бир рисоласида шундай ёзади: «Муаззин бу мактабларни (янги усул мактабларни — Г. Р.) «бидъатхона» деб атайдми» (Б. Қосимов, «Инқилобий шеърят саҳифалари». Т., 1977, 79-бет.). Бу ерда тараққиёт ёқтирмайдиган дин ар-боблари «бидъат» тушунчасини салбий маънода ишлатганлар. Қуйидаги далил ҳам тасаввуримизни кенгайтиради. Бу Абдурауф Фитратнинг «Мунозара» асаридан олинган парчадир: «Аммо бидъат икки навъ бўлур: бидъати ҳасана ва бидъати саййаъ. Масалан, Қуръонни насх хати ила қоғаз устига ёзмак (чунки асри саодатда қоғаз йўқ эди); ароба ва парохуд ила ҳажга бормок; мадраса бино қилиб вақф таъйинламоқ ва китоби толиф қилмак (китоб тузмақ — Г. Р.) — бидъати ҳасанадир. Мана шулар каби мактаби жадида ҳам бидъати ҳасанадир. Бидъати саййаънинг мисоллари: бир вазифан маъина (белгиланган — Г. Р.) соҳиби бўла туриб муллобачалардан ҳақ аттадрис (сабоқ пули — Г. Р.) олмак. (Чунки асри саодат ва ундан бошқа замонда уламои ислом вазифаси маъина соҳиби бўлғони ҳолда ҳеч кимдан ҳақ аттадрис олғонлари йўқ эди). От бўйинини олтун ва кумуш ила зийнат бермак. Ва шунга ўхшаш назар ва ёмон ишлардир». (Фитрат. Мунозара, Тошкент, 1913 йил, 20-бет.)

Кейинчалик, «бидъати саййаъ»га домла-имомларнинг ўлик пули, исқот пули каби турли мўмай даромад топиш йўлида «расмийлаштирилган» кирдикорлари, бинобарин, порохўр айрим дин пешволарининг, руҳоний, носихларнинг халқни нодонликда асрашга уринишларига оид барча ҳаракатлари киритилди. Ва буларга қарши ҳамма замоналарда ҳам даврнинг илғор маърифатли кишилари, хусусан шоирлар, мутафаккирлар қаттиқ курашиб келдилар. Биз антиклерикал шеърлар сирасига киритган Навоийнинг «Сода шайх» ғазалидан тортиб, кейинчалик шу мазмунда яратилган асарларнинг барчаси дин номидан иш кўриб ўз манфаатлари йўлида бойлик орттирган руҳоний, эшон, қозиларни фош қилмоқ учун ёзилгандир. Фақат уларнинг адабиётшунослигимиздаги аксарият таҳлиллари бир хил ва зерикарлидир.

«Диний-мистик адабиётнинг намояндалари, — деб ёзади Н. Маллаев, — ҳам музика санъатидан фойдаланадилар. Улар ўз реакция қарашларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида халқ куйларига мослаб шеърлар тўқидилар. Бироқ улар поэзия тараққиётига ҳеч қандай ҳисса қўшмай, уни реакция ақидаларни тарғиб қилувчи бир соҳага айлантиришга уринганларидек, музика санъати соҳасида ҳам бирор фойдали иш қилмадилар. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқалар шундай (яъни, бадиҳагўй; бадиҳа — музика билан лириканинг яқинлигидан туғилган санъат (экспромт) — Г. Р.) шоирлардан эди» (Ўзбек адабиёти тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1976, 87-бет). Биз фақат ҳозирги эмас, ҳатто, ўтмишдаги адабиёт ва санъатга ҳам бугунги сиёсатнинг талаблари билан ёндашдик. Натижада, мустаҳкам «қолип» барпо бўлди. Бизнинг ўлчовимиз ҳам бор-йўғи икки рангда: бутунлай оқ ва бутунлай қора. Шу ўлчовга мос келмаган ҳар қандай санъат асарларидан воз кечавердик. Маънавият дунёлари, инсон оламнинг кенгликлари бизнинг қолипимизга ҳеч қачон жо бўлмаслигини унутиб яшадик. Яна далиллар келтирсак бўладики, улар фойдадан холи эмас. «Реакцион адабиёт — феодал-клерикал адабиёт феодал синфнинг дунёқараш ва манфаатларини фойдалади, — деб ёзади академик В. Абдуллаев. — У феодал-клерикал истибоддини кучайтиришга, меҳнаткаш оммани эксплуататор зулми остида сақлашга хизмат қилди. Феодал-клерикал адабиётнинг ўзаро узвий боғланган икки тармоғи бор эди: реакция-сарой адабиёти ва диний-мистик адабиёт. Сарой шоирлари золим ва жоҳил феодал хукмронларни кўқларга кўтариб мақтадилар» (Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1967, 28-бет).

Сарой адабиётига кириши киритиш керак? Ахир, Фирдавсий ҳам жаҳон классик адабиёти дурдонаси ҳисобланмига «Шоҳнома»сини султон Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этиб, ҳар сатрига бир олтин танга миқдориде мукофот олган-ку. Ҳазрат Навоий улуғ вазир ўтган. Унинг дўсти, маслакдоши Хусайн Бойқаро шоҳлиги — «айби» учун ҳам бизнинг «қолип»имизга сиғмай қолган. Шоҳ Бо-

1 Уша луғат, 33-бет.

2 Атеистик энциклопедик луғат, Т. ЎзСЭ Бош редакцияси, 1988, 210-211-бетлар.

3 Уша китоб, 416-бет.

4 Уша китоб, 62-бет.

5 Уша луғат, 3-бет.

бурни-ку, кўяверинг. Унинг «гуноҳи» учун илм аҳлининг «улуғ»лари шоир Бобурга бўлган ҳаминқадар эътиқодини ҳам сотиб юборишига оз қолди. (Жоҳилаю, калтафаҳм раҳбарлар-ку, танқиддан ҳам тубандирлар.) Агар сарой адабиёти мадҳиябоз шоирлар гуруҳи десак, Сталинини улуғлаган ўзимизнинг совет шоирларини қайси «изм»га киритиш мумкин?

Кўчирма олишни давом эттирамиз. «Уларнинг (гап диний-мистик адабиёт ҳақида бормоқда — Г. Р.) ашаддий бадбинлик руҳидаги мистик қарашлари ва шу асосида ҳамма хатти-ҳаракатлари, умуман, уларнинг турган-битгани кишилик жамияти ва унинг тараққиёти учун зиёндан бошқа нарса бўлмаган (таъкид бизники — Г. Р.). Ўзбек адабиёти тарихида Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний номи билан боғлиқ бўлган бундай реакцион оқимларнинг...» (Юқоридаги китоб, 66-бет.)

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров «Чеки йўқ яккама-якка жанг» мақоласида ўзининг чет элларда босиб чиқарилган, ammo Совет Иттифоқида нашр этилмаган «Ўзгаришлар даври боласи» («Дитя перемен») китоби ўқилмай туриб қанчалар таъқибу ҳукмларга дучор бўлганини ёзиб, қайсидир адибнинг фаросат билан айтган сўзларини келтиради: «Биз Фейербахдан бирор сатр ҳам ўқимай туриб, унинг ҳамма хатоларини билар эдик» (Г. Каспаров. «Безлимитный поединок». «Совершенно секретно», 3 август, 1989 й.).

Фақат бир савол туғилади: «Унда нега халқ юрагидан уларнинг номлари, «Ҳикматлар»и кетмайди?

Ёхуд Машраб хусусидаги талқинларни олайлик. В. Абдуллаев «қалбан сиғингани ҳолда» дийга эътиқоднинг «рўза, номоз, ҳаж, закот, масжид... каби йўл-йўриқларни рад этган»лиги учун шоирни олқишлаб ёзади: «Мусулмончилик хурофотининг таомилларига тил теккизгани учун қанча-қанча кишиларнинг боши қиличдан ўтказилаётган мудҳиш бир шароитда Машрабнинг ҳамма қаттиқ эътиқод кўйган ислом расм-русумларини оёқ ости қилиши, шубҳасиз, прогрессив аҳамиятга эга эди». (Ўзбек адабиёти тарихи, 67-бет.) Академик олим исбот учун қуйидаги мисолларни келтиради:

**«Масжид ила хонақоҳ ошиқлара даркор эмас,
Истаса ёрин ёр ҳожат дару девор эмас.**

(Ернинг («Худонинг») васлига эришмоқ учун масжид билан хонақоҳ, дару девор ошиқларга керак эмас, фақат уни қалбдан исташ шарт);

«Дилда дардинг бўлмаса минг тоатинг бекордир» ва:

**«Иброҳимдин қолган ул эски дўконни на қилай!»
«Зоҳид, менга бир шишада май, сенга номозинг»,
«Минг тақвони бир шиша майга сота қолдим».**

Мазкур талқинни шу ҳолда икки хил тушуниш мумкин. Биринчиси — В. Абдуллаев назарда тутган мазмун қуйидагича: шоир қалбан сиғинади-ю, диний расмиятчиликка қарши. (Нега? Ушбу саволга бу усулдаги талқинлардан жавоб топиб бўлмайди.) Иккинчи хил маъно — асл ҳақиқат денгиз тубидаги дурдек ётибди. Дарҳақиқат, Машраб ҳамма қаттиқ эътиқод кўйган... расм-русумларга (динга эмас, расм-русумларга!) қарши чиқяпти. Негаки... Бу ерда Машрабнинг пантеизми («вахдати вужуд») намоеён бўлмоқда! У худога қалбан етишади, унинг учун Катъбаю («Иброҳимдан қолган дўкон») масжид ёки бошқа воситалар на ҳожат! Унинг учун «мутлак ҳақ» — оллох турганда авлиёю «эътиқоди» бойликда бўлган шайх-зоҳидлару уларнинг фатволари не даркор?! У бу расмиятчиликни кескин танқид қилиш билан ўзининг худога бўлган эътиқодида нечоғлик собит эканлигини намоеён этапти, ахир.

В. Абдуллаев Машрабнинг «ишқи илоҳийни куйлашни», «художўйлик йўлида ғафлатда қолган кишиларга раҳнамо-пайгамбар бўлиш орзу»сини (юқоридаги байтлардан бу мулоҳазаларнинг қандай гоъвий тафовути бор?!) «шубҳасиз, шоир дунёқарашининг ўткинчи бир лаҳзаларидир» деб изоҳлайди. (Уша китоб, 68—69-бет.)

Во дариғ! Мустаҳкам илоҳий эътиқоднинг буюк намояндларини ўзимизга ўхшаган чала, оғмачи «эътиқод»лиларга айлантриб кўймоқдамыз. «Агар биз Машрабни «жаннат, дўзах, «у дунё», Макка қабиларга паст назар билан қарайди, улардан қўл силтайди, уларни «бир шиша майга» алмаштиришга ёки «бир пулга сотишга» тайёрлигини баралла айтарди, худди шунинг учун ҳам ҳукмрон табақалар, реакцион дин арбоблари... қисман йўқотиш пайига тушдилар», деб (Абдурашид Абдуғафуров. «Машраб шеърятидан», 6-бет) шеърятини фақат юзаки, ташқи томондан таҳлил этсак, уни бус-бутун ўзлиги — ишқи илоҳийси, «ёр»идан ажратсак, шоирни дорга осган жаҳолат бандаларидан моҳиятан не фарқимиз қолади? Минг йил аввал Абу Али ибн Сино жоҳилу нодон кимсаларга қарата ушбу сатрларни битмаганмиди:

**Менинг куфрим айбларга
дилимдан ўзга сўлтон йўқ,
Бу оламда менинг покиза
имонимдек имон йўқ.
Замин аҳли аро танҳо
мусулмон мен эдим, эвоҳ,
Агар кофир эсам мен ҳам,
бу дунёда мусулмон йўқ.**

Энди Эркин Воҳидовнинг тубандаги мисраларига эътибор беринг:

**Имон денг, виждон денг, майли отини, —
Лекин одамзоднинг Худоси бўлсини.**

Халқимизда фарзандларини эзуликка эндириш ниятида айтиладиган шундай тилак бор: «Дилинг мусулмон бўлсин» (пок, тўғри маъноларида). Яна шундай қадим дуо ҳам бор: «Йўлинг оқ

бўлсин, йўлдошинг ҳақ бўлсин». (Ҳар гал мени Сурхондарёдан волидам шундай дея узатадилар. Мен бу дуога жуда эътиқод қўйганман. Унда кў-ўп эзгу маъно жо этилган.) Сиз қадим замонлардан давом этиб келаётган эзгуликнинг нақадар уйғунлигига диққат қилин! Биз эса шу эзгуликни «синф»ларга бўлиб юбордик.

«Диний тушунча» деб кун бермай келганимиз «эътиқод, дин («дин»нинг луғавий маъноси ишонч, эътиқоддир), имом, худо, ҳақ каби сеҳрли сўзларда мана қандай маънолар мужассам? Улардан қандай қилиб воз кечмоқ мумкин? Утмиш асрларда ҳам, бугунги кунда ҳам, жаҳолат эзгулики қурбон қилиб келган, агар биз «томошабин оломон»дек тураверсак, машрабларимиз яна ҳам «осилавериши» эҳтимолдан холи эмас. Умуман, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги кураш ҳамма замонларда — тарих миллари қайси ижтимоий-иқтисодий босқичга тўхташдан, жамият тепасида қайси синф вакиллари ҳукмрон бўлишидан қатъи назар, моҳиятан монанд бўлиб давом этаверишининг қонунийлигини англашни ўқувчининг тасаввур тафаккурига топширамыз.

Балки ўқувчи ҳайрон бўлаётгандир, клерикализм, антиклерикализм ҳақида гапиришдан четлаб кетмадикми, деб. Агар биз ушбу истилоҳларнинг асл луғавий маъносини таъкидласак, мазкур лекиннинг сабаби равшанлашади. Бу терминларнинг мазмуни нақадар кенглиги, уларнинг «бағрига» жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий масалалари сиғавериши ўқувчига аён бўлгандир?

Масалгага сиёсий-ижтимоий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, XX аср бўсағасигача феодализм ва унинг ягона мафкураси — ислом ақидалари ҳукм сурган Урта Осиё шароитида ҳақиқий маънодаги антиклерикал курашнинг кетиши объектив қонуниятга зид эди. Бас, шундай экан, бундан сўнг ушбу атамаларнинг адабиётшунослигимизда қўлланилиши ҳақида мулоҳаза юритмоқ вақти етди.

А. Абдуғафуров ўзининг «Мисраларнинг шафқатсиз тиғи» мақоласида Навоий меросидан ушбу:

Ҳури жаннат шаклидин ҳам дилрабо ҳуснинг латиф.

ҳамда:

Қайси кавсарнинг зилоли оби ҳайвонингча бор!!

каби мисраларни келтириб, «асл ишқ-муҳаббат мавзуидаги соф лирик мисраларга кескин антиклерикал руҳдаги мисра-байтларнинг «қистирилиб» кетиши, ғайридиний мотивларнинг «сунъий» равишда жойлаб юборилиши»ни «ўтмиш ижодкорларнинг дин ва унинг таълимолларига... нисбатан ўз танқидий-салбий муносабатларини очиқ-ойдин баён этиш имконияти йўқлигидан имо-ишораларга мурожаат этишга мажбур бўлганлар», деб тушунтиради, «реал, тирик инсон (маъшуқа)ни жаннат ва хуру ғилмонга тенглаштирилиши, кўпинча улардан **афзал** ва **кераклироқ** деб таъкидланиши ҳамда **улуғланиши**ни эса ижтимоий тарихий нуқтаи назардан олинганда, «адиблар меросидаги антиклерикал мотивларнинг катта исёнкорлик руҳи, ўткир тиғи равшан юзага чиққанлиги» деб баҳолайди. Ҳамда олим фикрича, бу каби «етакчи мавзуси батамом бошқа (масалан, ишқ-муҳаббат, ахлоқий-дидактик, ижтимоий-фалсафий) асарларда ҳам баъзи диний урф-одат ва маросимларни фож этувчи парча ва лавҳалар» ягона антиклерикал йўналишнинг узвий бир қисми ҳисобланиши керак» (Хурофотга ёв шеърят. Т., 1988, 8—9-бетлар). А. Абдуғафуров адабиётимизда жуда кўп қўлланган «ёр (маъшуқа)нинг қадди-қомати жаннатнинг муқаддас дарахти (тўбидан чиройлироқ, ...маъшуқа нафаси Исо пайғамбар (Масиҳнинг ҳаётбахш, тирилтирувчи нафасидан ўткироқ) каби «даҳрий» сифатлашларни биринчи бор киритишга журъат этган ижодкорнинг тақдир, ким билсин, қандай яқунланган?» дея фикрлайди (Уша китоб, 7-бет)... (Гап фақат ушбу мақолада эмас. Бу мақола орқали адабиётшунослигимиздаги умумий руҳ бериялпти, холос).

Биродарлар, у замонларда шеърятни, санъатни тушунгувчилар ҳозиргидан кўра кўпроқ бўлган. (Подшоҳу вазирлари улуғ шоир бўлган Ҳусайн Бойқаро ва Навоий замонасини эсланг.) Юқоридаги каби мисралардан ҳеч ким ё айб ё ғоя излаб ўқишмаган, ахир! «Ернинг юзи жаннатдан афзал» дейилгани билан жаннатнинг қадри тушиб қолармиди? Ҳозирги пайтларгача «биз уйган тоғ-тоғ пахта хирмонларимиз булутларга» етгани билан тоғлар ўз салоҳиятини йўқотмади-ку! Ва на «булутли осмон чўкиб кетмади».

Рус адабиётшунослигида диний тушунчалар билан боғлиқ мисралардаги оҳанглар ўзининг аниқ номида аталади («религиозные мотивы», «богоборческие мотивы», «библейские мотивы»), уларга ўзбек адабиётшунослигидаги сингари антиклерикал, сиёсий-ғоявий «талаб»лар қўйилмайди.

Биз ушбу мақолада «антиклерикал адабиёт»ни атама сифатида фандан чиқариш ёки адабиётни «изм»ларга бўлиш-бўлмаслик масаласини кўтаришдан, ҳал қилиб беришдан йироқмиз. Бунинг вақтининг ўзи кўрсатади, ҳал этади. Қолаверса, адабиётшунослигимизда антиклерикал, клерикализм истилоҳларининг қай даражададир объекти бор ва у ижтимоий-сиёсий атама сифатидаги клерикализм, антиклерикалликдан фарқли ўлароқ, ўзининг нисбатан чекланган маъносига эга. Бироқ... Биз антиклерикал адабиёт деб атаб келган асарлар мажмуаси динга қарши эмас, балки диннинг илғор ақидалари нуқтаи назаридан туриб, жамиятдаги жаҳолатга, хусусан, элнинг нодонлигидан манфаатдор бўлган, диний эътиқодидан қайтиб уни бойлик тўпловчи манбага айлантирган динфуруш кимсаларга қарши курашиш мақсадида яратилди. Бинобарин, «антиклерикал адабиёт»нинг «дин, бидъат ва хурофотга, турли руҳонийларга қарши қаратилган»лиги таърифи кишини шубҳалантиради, баъзи ўринлари мантиққа зид келади.

Умуман олганда, адабиёт фанимиздаги бу каби масалаларни кўтариш, хато ёки бирёқлама қарашларни аниқлаш, уларни тўзата бориш илмнинг обрўсини туширмайди, аксинча унинг ҳақиқати ва «пупур етган» мавқеини мустаҳкамлайди.

Гулшан РАҲИМОВА



Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор, ТошДУ
умумий тилшунослик кафедрасининг мудир.

МИЛЛИЙ АЛИФБОМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

«Уқитувчилар газетаси»нинг 1989 йил 6 декабрь сонида «Ҳозирги ўзбек алифбосига киритиладиган айрим ўзгартишлар» номи билан «Лойиҳа» эълон қилинди. Изоҳ текстида таъкидланишича, бу «Лойиҳа»ни ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг ишчи группаси тайёрлаган. Газета редакцияси бу «Лойиҳа»ни эълон қилишда усталик билан иш тутганини алоҳида таъкидлаш лозим: ишчи группа келтирган бир бетли «Лойиҳа»ни матбаа йўли билан тердирмай, машинка (қўлёзма) варағининг ўзини бостирган. Бу билан «Лойиҳа»даги барча хатоликларни шундоққина ишчи группасининг елкасига юклаб қўя қолган. «Лойиҳа»ни тузувчилар ўз бурчларига ўта масъулиятсиз қараганлари яққол кўриниб турибди. Майда-ю, лекин ишга лоқайд қарашни рўй-рост акс эттирувчи баъзи нуқсонларни кўрсатиб ўтмоқчиман.

Жумхурият газетасида эълон қилиш учун тайёрланган бир бетли текстни жиддийроқ ўқиб, ундаги оддий нуқсонларни бартараф этадиган киши наҳотки бутун бошли тил ва адабиёт институтида топилмаган бўлса? Наҳотки «ўтин»ни янгича (тавсия этилаётган) шакли олтин каби хато ёзилганини ҳеч ким кўрмаган бўлса?

«Лойиҳа»нинг иккинчи бандида «У ҳарфи ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилади» деб туриб, бешинчи бандида мисолларни яна ў ҳарфини сақлаб ёзганларини (жўра, жўжа, ўжар) наҳотки ҳеч ким сезмаган бўлса? «Лойиҳа»нинг учинчи бандида алифбога э ҳарфи қабул қилинишини таъкидлаб, бешинчи бандида эскича, яъни о ҳарфи билан ёзиб кўрсатилишини (тож, хирож) қандай оқлаш мумкин?

Бир бетли текстда шу қадар кўп фактик хатонинг юз бериши жуда муҳим ишга енгил-өлпи ёндашилганидан далолат беради. Тўғри, бу нуқсонларни осонлик билан бартараф этамиз, лекин шу ишни нега газетада чоп қилиб, кимлигимизни бутун дунёга кўрсатганимиздан кейин тузатишимиз керак? Қачон биз лоқайдликдан қутулиб, жавобгарликни тўла ҳис этган ҳолда ишлашга ўтамиз?

Энди масаланинг моҳияти бўйича фикр юритайлик. Таклиф қилинаётган ўзгартишлар графикамизда миллийликни кучайтиришга қаратилгани шубҳасиз. Ҳарф олиш билан тилимиздаги фонемаларни тўлиқ ифодалашга, тўғри талаффуз қилишга эришамиз, ўқув-ўқитув ишларидаги айрим қийинчиликларни бартараф қиламиз, саводхонликни бир поғона кўтарамиз, ўзбек алифбосини Иттифоқдаги бошқа тилларнинг алифбосига яқинлаштириб, улар орасидаги бир хилликни кучайтирамиз.

Ҳарф киритиш алифбода ҳарфлар сонини орттиради, албатта. Ҳарфлар сонининг ортишини салбий ҳодиса деб талқин қилувчилар ҳам учрайди. Асли икки нарсани яхшилаб фарқлаш керак: алифбода ортиқча ҳарфнинг бўлишига йўл қўймаслик бошқа-ю, зарур ҳарф олиб, тилдаги фонемаларни тўлиқ ифодалашга эришиш бошқа; булар бири иккинчисини инкор қилмайди.

Асли алифбомиздаги ҳозирги нохуш ҳолат графикамизни «минимум ҳарф — максимум товуш» принципига бўйсундириш натижасида юз берди. Кейин маълум бўлишича, рус графикасига ўтиш муносабати билан тилшуносларимиз тузган алифбо лойиҳасида бугунги кунда олайлик деб ҳаракат қилинаётган ҳарфларнинг дээрли ҳаммаси бор экан. Кўринадикки, тилшунослар ўз таклифларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмаганлар, натижада «минимум ҳарф — максимум товуш» принципининг тарафдори устун чиққан. Керакли ҳарфни олмаганимиз нотўғри бўлгани борган сари рўй-рост кўриниб, ҳарф олиш талаби кундан кунга кучайиб турибди. Демак, бу масалани ижобий ҳал этиш шарт.

Амалдаги алифбомизда 35та шакл бор, шулардан 33таси ҳарф, 2таси белги. «Лойиҳа»да алифбомизга учта ўзбекча фонема учун мустақил ҳарф киритиш талаби ҳисобга олинган.

Мукаммал графикада «битта фонема — битта ҳарф» принциpidан келиб чиқилади, ҳар бир графикада шу принципини мумкин қадар тўлиқ амалга оширишга ҳаракат қилинади. Биз бу принципдан чекиниб, айрим ҳарфларга икки фонемани кўрсатиш вазифасини юклаб қўйдик. Шундай вазият графикамиздаги о, ж ҳарфларида акс этиб қолди. Биз асосга олган рус графикасида ҳам, кўпчилик туркий графикаларда ҳам бундай номақбул ҳолат йўқ.

Туркий алифболарда ж ҳарфи рус графикасидаги вазифасида (сирғалувчи товушнинг ҳарфи сифатида) олинаиб, туркий тиллардаги портловчи-сирғалувчи (қоришик) товуш махсус ҳарф билан (3 тил графикасида ж ҳарфига диакритик белги қўйиб, 3 тил графикасида ч ҳарфига диакритик белги қўйиб) ёки ҳарфлар тизмаси [дж] билан (3 тил графикасида) кўрсатилади. Худди шундай

товуши бор тожик тилида бу фонема учун аввал махсус ҳарф олинмади (Биз йўл қўйган камчиликка улар ҳам йўл қўйган эдилар), аммо кейинроқ ҳеч қандай шов-шувсиз бу фонема учун **ч** ҳарфини киритдилар.

Юқорида таъкидланган ифода усулларидан махсус ҳарфли ҳолат танланиши тўғри, албатта. «Лойиха»да бу фонема учун **ж** ҳарфини олиш тавсия этилаётир. **Ж** ва **ч** ҳарфларидан ўзбек тилининг бу фонемаси учун кейинги ҳарф асосида ҳарф яратилса, ўринли бўлади. Чунки бу қоришиқ товуш таркибидаги бош, асосий компонент портловчи товушни, иккинчи компонент сирғалувчи товушни эслатади. Модомики **ж** ҳарфини сирғалувчи товуш учун қолдирар эканмиз, портловчи-сирғалувчи (қоришиқ) товуш учун ҳарфини портловчи товуш ҳарфи асосида олганимиз тўғри. Латин графикаси асосидаги алифбомизда ҳам бу товуш учун ҳарф портловчи товушни кўрсатувчи ҳарф асосида яратилган эди. Ана шу анъанани давом эттирсак, энг муҳими — бу товушнинг табиатини тўғри ҳисобга оламан десак, **ч** ҳарфини танлаганимиз маъқул.

Агар ўзбекча **ж** фонемаси учун ҳарф топиш осон кўчса, ўзбекча **о** фонемаси учун мақбул ҳарф топиш қийин бўлаётир. Бу ўринда биз туркий графикаларга суюна иш тутмаймиз, чунки ўзбекча **о** товушига тенг келадиган товуш туркий тилларда йўқ. Бу ўзбекча фонемага яқин товуш тожик тилида мавжуд. Афсуски, тожик графикасидаги аҳвол ўзбек графикасидаги аҳволнинг ўзгариши: улар ҳам бу фонема учун мақбул ҳарфини топа олмаганлар.

Ўзбек тилининг одатдаги ёзувида эмас, транскрипцион ёзувда ўзбекча **э** фонемаси **э** шакли билан (**с** ҳарфини тескари ёзиш билан) кўрсатилади. Бўлиб ўтган муҳокамалар даврида ана шу транскрипцион шакл ўзбекча **о** фонемаси учун ҳарф сифатида таклиф қилинган эди, бунга методистларимиз эътироз билдирдилар: «Дастхатда **о** ҳарфи **э** ҳарфи шаклини олади-ку!» Тўғри, қўлни узмай ёзиш шундай шаклни юзага келтиради. Ҳозирги графикамизда ҳарфлар бир-бирига қўшиб ёзилади, **э** ҳарфи олинса, бу принцип бузилади; чунки бу ҳарфни ўзидан олдинги ҳарфга ҳам, ўзидан кейинги ҳарфга ҳам қўшиб ёзиш ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Муҳокамалар давомида яна бир таклиф ўртага ташланган эди: бу ўзбекча фонема учун ҳарфни **а** ҳарфи асосида яратайлик, чунки бу ўзбекча фонема бошқа туркий тиллар графикасида **а** ҳарфи билан ёзиладиган фонема асосида вужудга келган. Шунга кўра бу ўзбекча фонема учун **а** ҳарфига диакритик белги қўшиб ҳарф яратиш ўринли. Худди **к** ҳарфи асосида **қ** ҳарфи, **х** ҳарфи асосида **ҳ** ҳарфи яратилганидек, **а** ҳарфи асосида **а** ҳарфини яратамиз.

Бу ўзбекча фонемага қайси ҳарф танланишидан қатъи назар, яна бир эътироз билдирилди: «Жуда кўп сўзларни янгича ёзиш керак бўлиб қолади-ку!» Ҳақиқатда, «Имло луғати»га 7500 туб сўз киритилган бўлиб, шуларнинг 2637таси таркибида **о** ҳарфи ёзилади. Бу ҳарф русча товуш учун ёзиладиган сўзлар 805та. Демак, **о** ҳарфи ўзбекча фонема учун ёзиладиган 1832 сўзни ёзиш керак бўлади. Агар биз 1832 сўзни янгича ёзишни эмас, балки шунча сўзда ўзбекча фонемани нотўғри ёзиб келаётганимизни ўйласак, ушбу хайрли ишдан чўшиб ўз-ўзидан йўқолади.

О ҳарфини русча сўзларда учрайдиган товуш учун сақлаб, ўзбекча фонема учун алоҳида ҳарф олсак, яна бир ижобий натижага эришамиз: туркий миллат вакилларининг, шунингдек русча сўзлашувчиларнинг ўзбекча сўзларни бузиб ўқишидан қутуламиз (Улар ёзувида **о** ҳарфи «ў» товушини билдиргани сабабли, масалан, ўзбекча от сўзини «ўт» деб, ўзбекча ол сўзини «ўл» деб ўқийдилар).

Туркий графикаларда (ўзбек графикасидан ташқари) русча **о** ҳам, туркий **о** ҳам шу битта ҳарф билан ёзилади. Бир-бирига яқин товушларни бундай бир ҳарф билан ёзиш ўзбек графикасида ҳам жуда кенг ўрин олган. Ҳақиқатда, фақат русча товушни кўрсатадиган (**ц** каби) айрим ҳарфларни истисно қилсак, бошқа кўпчилик ҳарфлар айна вақтда ҳам ўзбекча, ҳам арабча ёки тожикча ёки русча товушни кўрсатиш учун хизмат қилади: ўзбекча **а** ва арабча **а** сингари ва бошқалар.

Русча **о** товуши учун ва ўзбекча, **ў** ҳарфи билан ёзилаётган товуш учун битта **о** ҳарфининг ўзини ишлатсак, алифбомиздаги **ў** ҳарфи ортиқча бўлиб қолади (янги киритилаётган ҳарф учун ўрин бўшайди). Айна вақтда ўзбек графикасини туркий графикалар билан маълум нуқтада унификация қилишга ҳам эришамиз. Ўзбекча **а** фонемасини **о** ҳарфидан ажратиб олиш билан бир ҳарфга икки фонемани кўрсатиш вазифасини юклаган қутулсак, бир-бирига жуда яқин ўзбекча ва русча товушларни бир **о** ҳарфи билан ёзиш орқали графикамиздаги ҳарфий ортиқчаликни бартараф қиламиз.

«Лойиха»да тилга олинган учинчи фонема (**нг**) махсус ҳарфга эга бўлмагани сабабли алифбодан ҳам тушиб қолган. Графика талаби нуқтаи назаридан бир фонемани икки ҳарф билан ифодалаш салбий баҳоланади, чунки савод чиқаришда қийинчилик туғдиради, товушнинг бузиб талаффуз этилишига олиб келади, матбаада ҳам ортиқча сарф-харажатга сабаб бўлади. Кўпгина туркий алифболарда, шунингдек тожик тили алифбосида ҳам бу фонема учун махсус ҳарф (**ң**) олинган, демак, биз ҳам шу ҳарфни алифбомизга киритишимиз мутлақо зарур. Тилимиздаги бу ундошнинг илдизи шу қадар чуқурки, у ҳатто аффикслар таркибида ҳам қатнашади.

Юқорида айтилганлар амалга ошса, алифбомиздаги шакллар сони иккитага кўпаяди, 37та бўлади. Бу кўпми, анормал ҳолатми? Йўқ, албатта. Туркий алифболар орасида, озарбайфон алифбосини назардан соқит қилсак, энг оз шакл ўзбек алифбосида. Бошқа туркий алифболарда шакл 36тадан 43тагача. Масалан, қорақалпоқ алифбосида 41та шакл бор. Модомики тилининг фонемалар системаси ҳарф олишни зарур қилиб қўяр экан, керакли ҳарфни олиш айб ёки ортиқчалик деб қаралмайди.

Мушоҳада учун яна бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Диққат қилсак, **ъ** белгиларидан биринчиси ортиқча экани аён бўлади, чунки бу белги рус графикасида жуда тор доирада айриш белгиси вазифасини бажаради: сўз таркибидаги маъноли қисмларнинг кейингиси **й+е** каби товушлар билан бошланишини кўрсатишда ишлатилади (**съезд**, **подъезд** каби). Бундай белги билан ёзиладиган айрим сўзлар маъноли қисмларга ажралиши умуман ўқилмайди ҳам (адъютант каби). Қолган барча ҳолларда айриш белгиси вазифасини **ь** белгиси бажаради: **судья**, **батальон**, **преьера** каби. Демак, айриш кўрсаткичи бўлиб келиш **ь** белгисида устун. Бундан ташқари, **ь** белгиси яна бир муҳим вазифани бажаради — юмшоқлик кўрсатади: **альбом**, **асфальт**, **лагерь**, **нефть** каби.

Биз рус графикаси асосидаги алифбомизга дастлаб уч белгини киритдик (лотин графикаси

асосидаги алифбомиздан рус графикаси асосидаги алифбомизга апостроф кўчиб ўтди). 1956 йилга келиб апострофдан воз кечилди, унинг вазифалари (баъзи чекинишлардан ташқари) ь белгисига юкланди. Бу — нотўғри йўл эди. Уша йиллари рус тилшунослигининг ўзида бу икки белгидан бири ортиқча, фақат ь белгисининг ўзи етарли деган мазмунда мунозара бўлиб ўтди-ю, айрим тилшунос методистларнинг тазйиқи билан бу масала эскича қолди. Ҳозирги қайта қуриш, ин-қилобий ўзгаришлар даври тақозоси билан ёндашсак, графикамизда фақат ь белгисини сақлаб қолиб, ь белгисидан бемалол воз кечишимиз мумкин: ь белгиси билан ёзиладиган сўзларнинг барчасида ь белгисидан фойдаланиш ҳеч қандай салбий натижа бермайди, аксинча, 1956 йилда йўл қўйилган хатолар тузатилади. Бундан ташқари, янги киритилаётган ҳарфларга яна бир жой бўшайди.

«Лойиҳа» муаллифлари алифбомиздаги ҳарфлар миқдорини камайтириш ғоясига ўта берилиб кетганлари кўриниб турибди. Улар алифбомиздан ё, ю, я ҳарфларини ҳам ташлаш таклифини киритганлар. Асли бу таклифлар яна бир ҳарфдан (э ҳарфидан) воз кечишни ҳам кўзда тутати, лекин «Лойиҳа»да буни таъкидлаш унутилибди.

«Лойиҳа»да тавсия этилаётган ҳарф ташлашлар қандай сифат ўзгаришларига олиб келишини қисман кузатайлик. Ҳақиқатда, айна бир товушни бўғин бошида э ҳарфи билан, бўғин ичида е ҳарфи билан ёзишда ҳарфий ортиқчалик яққол кўринади. Лекин ёмон томони шуки, «Лойиҳа»даги таклифга рози бўлсак, рус графикаси асосидаги барча алифболардан кескин фарқланиб қоламиз: уларда экран деб ёзилса, биз экран деб ёзамиз. Бундай ўзгартишнинг барча оқибатларини бир чеккага суриб қўйиб, кўз олдингизга миллионлаб мактаб ўқувчиларини келтиринг (Бу фикр кейинги ҳарф ташлашларга ҳам тааллуқли): ўқувчи айна бир сўзни рус тили дарсида бир хил, ўзбек тили дарсида иккинчи хил ёзиши шарт, акс ҳолда орфографик хато воқе бўлади. Ҳарф ўқитисод қиламан деб ўзбекча ва русча ёзувимизда бу қадар катта қийинчиликлар туғдиришимиз ўзини оқламаса керак.

Энди бир оғиз сўз — ё ҳарфи ҳақида. Бу ҳарф асли рус-алифбосида бошқа ҳарфлар билан тенг ҳуқуққа эга эмас (е ҳарфининг ёнбошида ёрдамчи ҳарфдек жойланади), бу ҳарфлар ўзбек алифбосида бошқа ҳарфлар билан тенг ҳуқуқли; асли бу ҳарф 90 фоиз ўзбекча ҳарф: рус ёзувида бу ҳарфнинг ишлатилиши жуда чекланган; ўзбек ёзувида эса анча кенг ишлатилади. Демак, ўзимизники бўлиб кетган бу ҳарфни нега алифбомиздан қувишимиз керак?

Алифбомиздаги ю, я ҳарфларига алоҳида диққат билан ёндашиш зарур. Бу ҳарфлар шарқ сўзларида доим икки товушни (й+у, й+а) кўрсатишга хизмат қилади демак, юз ўрнига йуз, яра ўрнига йара деб бемалол ёзаверсак бўлади. Шу ўринда «Лойиҳа» муаллифлари яна бир ҳодисани қайд этишни унутибдилар: ер ўрнига йер деб ёзишга ўтишимиз керак бўлишини айтмабдилар. Бунга яна ёш ўрнига йош каби ёзиш лозимлигини ҳам қўшсак, жуда кўп шарқ сўзларини янгича ёзиш зарурияти намоен бўлади. Бир ҳарф ўрнига икки ҳарф ёзиш натижасида матбаа ишларида сарф-харажат сезиларли ортади (ҳар 200 бет текстга бир бет текст қўшилади).

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Агар алифбомиздан ё, ю, я ҳарфларини чиқарсак, е ҳарфини доим бир унли учун ёзсак, унда тилимиздаги интернационал сўзларни ҳам ўзгартириб, епископ ўрнига йепископ деб, юбилей ўрнига йўбилей деб, ядро ўрнига йадро деб ёзишга мажбур бўламиз. Э ҳарфини ташлаш билан бошланмишида шу ҳарф ёзиладиган 300 га яқин интернационал сўзни ҳам ўзгартириб ёзамиз: экипаж ўринга екипаж, экспорт ўрнига експорт каби.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Бу ҳарфлар икки товушни кўрсатадиган ҳолларда икки ҳарфга айлантириб ёзсак, бир товушни кўрсатиб келганида нима қиламиз, буларда ҳам й ортириб ёзамизми? Унда «Лойиҳа»нинг биринчи бандида нега Октябрь деб (Октябрь деб эмас), отряд деб (отряд деб эмас) ёзилибди?! «Лойиҳа»га рози бўлсак, актёр сўзини актёр деб, бюрократ сўзини бюрократ деб ёзишимиз лозим.

«Лойиҳа»даги яна бир нуқсонни айтмай бўлмайди: 2-, 3-, 5-, 6-, 7- бандларда «сира» сўзи ортиқча ишлатилган: гап алифбо ҳақида кетади, «алифбо сираси» ҳақида эмас. «Лойиҳа» бандларида «Алифбо сираси» илова қилинибди, энди бу ерда «ва унинг» сўзлари ортиқча.

Ҳар бир миллат тилининг ўз графикаси ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг ўз алифбоси ҳам бўлиши табиий. Шунга кўра ўзбек алифбосида ҳам ўзимиз киритган ҳарфлар уларга асос бўлган ҳарфлардан кейин жойланиши тўғри. Афсуски, тақдим этилган алифбо сирасида бундай ҳарфлар ягона ўлчов асосида жойланмабди (ж, э ҳарфлари); е ҳарфини ўз ўрнидан кўчириш учун ҳам ҳеч қандай асос ва зарурият йўқ.


Хуллас, «Лойиҳа»даги 7-, 8- бандларда олға сурилган таклифлар номақбул деб баҳоланиши зарур: бу таклифлар амалга ошса, ҳеч нарса ютмаймиз, балки ютқизамиз. Бу масалада кўпчилик миллатларга қараб иш тутишимиз адолатли бўлади деб ўйлайман.

«Лойиҳа» кишини бошқача ўй-хаёлларга ҳам етаклайди: ҳам шарқ сўзларини, ҳам интернационал сўзларни ёзишда шу қадар катта ўзгартишлар ясашга жазм қилсак, рус графикаси асосларини шу қадар кескин ислоҳ қилишга рози бўлсак, бундан кўра беозор йўлни танлашимиз, яъни лотинча алифбомизни тиклашимиз маъқул эмасмикан? Шунда тўққиз тўлғоқни бир йўла бартараф этган бўлармидик?

Юқорида баён қилинган мулоҳазаларимиз инobatга ўтса, алифбомиз шундай тус олади (амалдаги 35 шакл фақат биттага ортади):

Аа Аа Бб Вв Гг Гг Дд Ее Её Жж Зз Ии Йй Кк Ққ Лл Мм Нн Ўў Оо
Пп Рр Сс Тт Уу Фф Хх Хх Цц Чч Чч Шш ь Ээ Юю Яя

Алифбомизга ҳарфий ўзгартишлар киритиш — давр талаби, бунга тилшунослар ҳам, кўп минг сонли ўқитувчилар ҳам, маданият ходимлари ҳам аллақачон тарафдор. Асли аввал алифбомизни мукамаллаштириб, кейин имло қоидаларини тасдиққа олиб чиқишимиз тўғри. Чунки алифбога ўзгартиш киритиш имло қоидаларининг бир қанчасига ҳам ўзгартиш киритишни тақозо қилади. Агар аввал имло қоидаларини тасдиқлаб, кейин алифбомизни мукамаллаштиришга киришсак, тескари иш қилган бўлар эдик. Энг яхшиси, ҳар икки ишни биргаликда амалга оширайлик.



ОЙДИН САҲИФА

Бўрибой Аҳмедов. «Улуғбек». Эссе.
«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1989.

Маълумки, кўхна Туркистон азалдан илму фан, маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Улкамизда ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Форобий, Замаҳшарий, Наршахий, Нисавий каби талай алломалар, забардаст воқеанавислар, фан олами ва санъатнинг ажойиб порлоқ юлдузлари етишиб чиққан. Ана шундай аждодларимиздан бири буюк фалакшунос, давлат арбоби Мирзо Улуғбекдир (Муҳаммад Тарагой — 1394-1449 йил). У зўр иқтидор, ҳар томонлама чуқур билим, ўткир ақлу заковати билан ўз замонасидаёқ Туркистондагина эмас, балки бутун Шарқ ва Ғарб илмий муҳитида эътибор топган улуғ сиймодир. Бироқ у босиб ўтган ҳаёт йўлининг кўп жиҳатлари бизга қоронғилигича қолмоқда. Шу маънода «Улуғбек» эссесидаги воқеалар силсиласи бизни феодал жамият зулмати аро илм машъалини юксак кўтарган улуғ мунажжим, адолатпарвар султон замонага етаклайди.

Улуғбек бобоси жаҳонгир Амир Темурнинг кетма-кет зафарли юришлари пайтида дунёга келган. Болалик йиллари эса соҳибқироннинг вафотидан кейин авж олиб кетган ўзаро уруш, тўс-тўполонлар палласига тўғри келади. Улуғбекнинг кўз ўнгида Темур тузган ва емирилмас деб ҳисобланган салтанат дарз кетади. Бунга маълум сабаблар бор эди, албатта. Салтанатнинг парчаланиб кетишига аввало Темур сулоласининг якка ҳокимлик учун бош кўтариб чиқишлари асосий сабаб бўлган. Бунинг оқибатлари «Улуғбек» асарига, 1405—1409—1411 йилларда юз берган тарихий воқеалар силсиласида қисман таҳлил этилган. Шунингдек, Темур шахсиятининг зиддиятли томонлари ҳам мазкур эсседа бадиий-оммабоп тарзда ҳақоний ёритилган.

Соҳибқироннинг вафотидан сўнг Улуғбек бир қанча муддат отаси Шоҳруҳ ҳузурини, Ҳиротда яшайди. Чунки, Самарқанд тахтига Темурнинг набираси Халил Султон (Мироншоҳнинг ўғли) ўтирган эди. Бу ҳолга Шоҳруҳ, албатта бепарво, тек қараб турмайди. У Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандни жиянидан тортиб олиш учун мумкин бўлган бор воситани ишга солиди ва тўрт йил давом этган ҳарбий-сиёсий курашда зафар қучади. Шоҳруҳ Самарқандни эгаллагач, тутқун жиянига жазо белгиламайди, аксинча мурувват қўлини чўзиб, уни Эрондаги Рай шаҳрига ҳоким қилиб юборади. Бу воқеалар асарда холис гавдалантирилган. Аммо тарихга теранроқ назар солинса, Шоҳруҳ бу ишни шунчаки бир сиёсат, бошқалар олдида ўзини ўта ҳудожўй, одил, меҳр-шафқатли инсон сифатида кўрсатиш учун қилганлигини ҳам пайқаш мумкин. Негаки, орадан кўп ўтмай содир бўлган ходисалар жараёни айнан шундан далолат беради. Жумладан, асарда: «...Шоҳруҳ уни (Халил

Султонни — Ҳ. З.) ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетди ва бир-икки кундан кейин Халил Султонни Рай вилоятига ҳоким қилиб жўнатди. Лекин уни ўша ерда ҳам тинч қолдирмади», — дейилса, сал ўтиб «Абдураззоқ Самарқандий ва Фасих Аҳмад Ҳавофий Халил Султоннинг 814 йил ражаб ойининг 18 куни (1411 йил 8 ноябрь) Райда вафот этганини хабар қиладилар...» — деб ёзилади. Эсседа унинг хотини Шодимулк ва онасининг қисмати тўғрисида гап бормаган. Бошқа тарихий манбаларда эса Халил Султон заҳарлангани, унинг суюкли рафиқаси бу жудоликка чидаёлмай, ўша замон заҳар ичиб ўлгани баён этилади. Халил Султоннинг онаси Хонзодабегим ҳам сирли равишда оламдан ўтган экан. Бу воқеалар Шоҳруҳнинг қалбига тугиб қўйган ёвуз ниятини пинҳона амалга оширганга, у бир кишининг эмас, бир йўла уч кишининг қотили бўлганига шубҳа қолдирмайди.

Улуғбек Шоҳмалик оталиғида Самарқанд тахтига ўтиргач, ҳаммаёқда бирданига осойишталик ҳукм сурмаган, албатта. Узаро жанжал-нифоқларнинг энг йириги Темур лашкарбошиларидан бири шайх Нуриддин ва Шоҳмалик ўртасидаги кураш ҳисобланади. Шайх Нуриддиннинг пировардида маъв этилиши билан ур-йиқитларга ҳарҳолда биров чек қўйилганлиги китобда батафсил иншо этилади. Муаллиф бу курашнинг охириги босқичи ўқувчиларга ишонарли бўлиши учун Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» китобидаги далилларни келтиради. Умуман, Б. Аҳмедов ўз асарига ўнлаб тарихий асарлардан ниҳоятда ўринли фойдаланган.

Улуғбек 1411 йил, яъни ўн етти ёшидан бошлаб Самарқандда оталиқсиз мустақил ҳукм юргиза бошлайди. У салтанат хазинаси бўм-бўш бўлсада, биринчи галда бобосидан қолган асосий бойлик — олимлар, ҳунармандлар, мусаввирлар, бинокорларга таянган ҳолда иш тугиб, улкан мамлакат фаровонлиги, илм-фан, маданият, ҳунармандчилик ва савдо ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Шулар баробарида ўзи илмий асарлар ёзади ва улуғ аллома бўлиб жаҳонга танилади. Ҳаётлигидаёқ «Афлотунни замон» деган ном қозонади, адолат билан иш юритади. Унинг даврида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларда муҳташам бинолар қурилади. Айниқса, Самарқанддаги «Шоҳизинда», «Ўри Амир» мақбараларининг чала қолган қисмлари бутланади. Хусусан, Мўғлистон хонининг бош қароргоҳидан олинган икки бўлак катта қош тоши (нефрит) Самарқандга келтирилди. «Улуғбекнинг амри билан моҳир сангтарош усталар уларни тарашлаб Амир Темурнинг қабри устига ўрнатдилар». «Улуғбек мадрасаси», унинг ёнида хонақоҳ, масжид қурилади. Регистоннинг жануброғига катта ҳаммом солинади. Кўҳак тағида «Боғи майдон», «Чиннихона» чорбоғлари бунёд этилади. Уша Кўҳак тепалиғида уч ошёналик (уч қават) Расадхона юзага келади. Бироқ Расадхонанинг қачон қурила бошлаб, қачон тугаллангани асарда

қайд этилмаган. Аммо эссе муаллифи «Расадхона қурилишига қарийб беш йил вақт кетди» деб қайд қилади. Шунга қараганда, қурилиш тахминан 1438-1439 йиллари тамомланган, деб айтиш мумкин. Чунки, қурилиш битмай туриб, 1437 йили Қозизода Румий, кўп ўтмай Ғиёсиддин Жамшид Кошонийлар вафот этганлар. Абдураззоқ Самарқандий мазкур Расадхонани таърифлаб шундай ёзган:

«Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, деворлари эрса салтанат низомидек (султон Улуғбекнинг дидига мос этиб, дейилмоқчи — Ҳ.З.) устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устинларини кўтариш (оятдағи) «албатта ўша (қиёмат) кунни тоғлар сайр этади» дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар каби йиқилиш ва нурланишлардан омон қолатурғон қилиб бажарилди. Ва яна (оятдағи) «етти мустаҳкам куббадор қасрдин» намуна бўлгон ул олий бино ва улў сифатлик иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардин тортиб то ошираларига чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўрениши, ер куррасининг ҳайъати ва етти иқлим сурати тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаки тегишли бўлса барча бирлан дилназир нақшлар ва беназир рақамлар бирлан чизилди» (109-бет). Муаллифнинг ёзишича, Расадхонада хизмат қилувчилар ва олимлар учун шу теварақда махсуна катта-кичик хужралар ҳам қурилган. Расадхона кутубхонасида эса қарийб 150 минг китоб сақланган экан. Бу далиллар кўз олдимизда ўша давр илму фанининг қай даражада тараққий этгани ва унга ҳомилийк кўрсатилганини яққол гавдалантиради.

Албатта ўша даврда, Самарқандда Улуғбек етакчилиги ва раҳнамолигида, мавлоно Исомиддин, хожа Жалолоддин Фазлуллоҳ Абуллайиш, мавлоно Муъиниддин Кошоний, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий, хожа Абдулмуъин, мавлоно Бадахший, Аловиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи сингари юздан ортик замонасининг етук олимлари иш олиб борганлар. Улуғбекнинг ўзи қандай илмий асарлар ёзганлиги ҳам мазкур эсседа мукаммал кўрсатилган. Кези келганда шунини айтиб ўтиш жоизки, Улуғбек илм эшикларини ҳамма учун очик, шу жумладан хотин-қизлар ҳам илм эгаллашга ҳақли деб эълон қилган. Унинг кенг кўламда бошлаб юборган олижаноб ишларини ўз даврининг барча хурриятпарвар кишилари сўзсиз қўллаб-қувватлаганини ушбу асардан пайқаш қийин эмас. Жумладан, Самарқандда шайхулислом мансабини эгаллаб турган ва ғоят даражадаги билимдон Исомиддин деган аллома шундай кишилардан бири бўлган, Улуғбекнинг базми жамшидлариде қатнашишни гуноҳ деб ҳисобламаган, ҳатто ўзи ҳам шундай зиёфатлар уюштириб турган. Табиийки, бу қоқоқ дин пешволарига ёқмасди, улар бундай ишларга тўғридан-тўғри қарши чиққанлар. Мисол тариқасида хотин-қизлар ҳам жалб этилган зиёфатга келиб қолган мухтасиб Саид Ошиқнинг: « — Шайхулислом беислом! Хотинлар бирлан эркаклар бирга ўлтурсун, бирга кўшиқ айтсун деб қайси мазҳабда айтилғон?!» — деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Улуғбекнинг ҳарбий соҳадаги фаолияти ҳам мазкур асарда муфассал ёритилган. Давр, вазият уни ҳарбий салоҳиятини синбаб қиришга мажбур этади. Аммо зафарлардан кўра кўпроқ мағлубиятга учрайди. У 1427 йили ўзбек ўғлони Бароқхоннинг қақшатқич зарбасига дош беролмагач, қайтиб юришларга ортиқча эътибор бермай қўяди. Воқеалар силсиласи шундан дарак берадики,

Улуғбек катта лашкарбошилиқ истеъдодига эга бўлмаган. Бу фикрни Улуғбекнинг 1449 йил ўғли Абдулатиф билан бўлган сўнги муҳорабаси ҳам тасдиқлайди. Бу муҳорабада у ўз қўшинларини тўғри жойлаштира билмайди. Унинг мағлубиятга йўлиқшининг асосий сабаби биргина бунда эмас. Қалтис пайтда унга хиёнат қилганлар ҳам кўп бўлган. Бу зиддиятларни Б. Аҳмедов ўз асарида ғоят ишончли тасвирлаган.

Шоҳруҳ мирзонинг вафоти муносабати билан бошланган тўполонлардан фойдаланган Абдулатиф отасига қарши тиг кўтаргани ва Улуғбекни ўлдириб юборгани тарихдан маълум. Қатл ҳукмини Аббос деган нобакор кимса ижро этган. Бу машъум воқеа эсседа тарихчи Мирхонднинг «Равзат усафо» («Покиза боғ») асарида келтирилган парча билан исботланган. Шундан сўнг Абдулатиф Кўксаройда ҳибсда турган укаси Абдулазизни қатл эттиради. У бора-бора иғво, фиқсу фасодларга тез учиб ўзининг талай содиқ лашкарбошиларини ҳам ўлдиртириб юборади; бу ва бошқа қилмишлари туфайли охир-оқибатда халқ қаҳр-ғазабига учрайди. Бинобарин, олти ойлик ҳукмронликдан сўнг, Бобо Ҳусайн деган қасоскор томонидан ўзи ҳам ўлдиртириб, боши Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилган. «Бу воқеа 854 йил рабиул-аввал ойининг 26 куниде (1450 йил 9 май) содир бўлди». Бу ҳам албатта тарих ҳукми эди, доғули падаркуш қачон бўлмасин барибир бир кунни ўз жаозосини олмасдан қолмаслиги мумкин эмас эди. Тожу тахт, мансаб ва бойликларга учининг оқибати вой бўлиши, ҳар қандай ёмонлик жаозасиз қолмаслигини муаллиф ушбу асариде яна бир бор таъкидлайди.

Бундан кейинги тарихий воқеалар жараёни Самарқанд тахтига Мирзо Абдулло, Абу Саид ва унинг ўғли Султон Аҳмаднинг ўтириши ҳамда Мовароуннаҳрда кечган шиддатли ҳаракатлар ҳақида. Шунини айтиб ўтиш лозимки, асарда баҳсталаб ўринлар мавжуд. Масалан, «Хиёнат» бобида «Али Қушчи, унинг истеъдодли набираси Мирим», дейилса, «Абадият» бобида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: « — Ин кас авлоди алломайи бузург Али Қушчи анд. Песари аржуманд Мириам Чалабианд. Исм-шарифи эшон Махмуд Чалабий. Дар ин замон мударрисси мадраса ҳастанд. Яъни: Бу киши буюк аллома Али Қушчининг авлоди, Мирим Чалабийнинг катта ўғли бўладилар. Исми-шарифлари Махмуд Чалабий. Ҳозир мадрасада мударрислик қиладилар».

Асарда Мирим Чалабий фаалакиёт илмларига фаол аралашиб келган истеъдодли олим сифатида қаламга олинади Али Қушчи 1404 йили таваллуд топган, демак бу пайтда у қирқ уч ёшга тўлган, набираси эса камида йигирмадан кам бўлмаслиги керак. Бунга ишониб қийин. Шундай экан, Али Қушчи йигирма уч ёшида набира кўрган бўлиб чиқади. Бундан ташқари, Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига доир илмий тадқиқот яратган академик Қори Ниёзий: «Қозизода Румийнинг (тулиқ исми-шарифи Салоҳиддин Муср ибн Муҳаммад Қозизода) набираси Махмуд ибн Муҳаммад ҳам Улуғбек илмий мактабининг ажойиб намояндalarидан бири бўлган. У кўпроқ Марям Чалабий номи билан машҳур», — деб ёзади ва унинг илмий ишлари рўйхатини тўла келтиради. («Улуғбек ва унинг илмий мероси», Тошкент — 1971, 115-бет.) Бир киши ҳақида икки китобда икки хил манба илгари сурилиши ўқувчини чалғитади. Бошқа бир жойда эссе муаллифи ўзи келтирган далилни ўзи чалкаштиради.

«Али Қушчининг хайру худойилари ўтган куннинг эртаси Мирим Чалабий бобоси (Али Қушчи назарда тутилади — Ҳ. З.) кутубхонасини тафтиш қилаётиб қоғозлар орасидан муҳим бир хат му-

саввадасини топиб олди. У марҳум Фиёсиддин Жамшид Қошонийга — отаси номига юборган катта мактуб кўчирмаси экан».

Муаллиф ўз асариди Самарқандда 1908 йили Б. Л. Вяткиннинг олиб борган изланишлари, 1910—1911 йилларда Расадхона ва Регистонда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқа ва лўнда фикрларни айтиб ўтган. Шунингдек китобда Грузия подшоси Вахтанг Vнинг (1675—1737 йил) Улуғбекдан улги олиб, ўз атрофига олимларни тўплагани, «Улуғбек зижидан фойдаланиш истагида уни гуржи тилига ағдарганлиги сингари қизиқарли далилларни ҳам келтиради. Булардан кўринадики, муаллиф мавзуну лумкин қадар мукамал ёришиш учун теран изланишлар олиб борган.

Асарнинг, айниқса, бадий-оммабоп тилда ёзилганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Кўҳна манбалар асосида ёритилган бу хилдаги асарлар ўз тарихимиз, маданиятимиз ҳақида тиниқроқ, тўлароқ тасаввур ҳосил қилишда, урганишда бекиёс ўрин тутаети.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Маъруф Жалил. Бахтимга сен борсан.

Фафур Фулом номидаги

Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1989.

Камтарлик шоирнинг фазилатими, нуқсоними? Шеър нима учун ёзилади? Ном чиқариш, доврўқ қозониш учунми? Нега унда Сиз шеърларни шивирлаб ўқишни севасиз? Ҳар бир ижодкорнинг ўз йўли бўлади, дейишади. Адабиётга кимдир шодлик билан, кимдир армон билан кириб келади. Қай бир шоир қалами тиғидан марғуб садолар учса, қайси биридан маҳзун оҳанглар сачрайди. Оҳанглар нечоғлик ранг-баранг бўлмасин, барибир барча шоирларни (чинакам шоирларни) бир туйғу бирлаштиради. Бу — Ватан туйғуси. Шоирни ҳамиша бир дард қийнайди. Бу — Ватан дарди! Ватаннинг ўтмиши, бугунги кунни дарди.

**Табарий домладан Мирхондга қадар,
Қанча китобларга қилмадими сафар.
Қаландар сиёқли бир мажор олим,
Тарихида битди бурунги ҳолим.
Клавиҳо эса хотираларни —
Холис ёзган фикри бокраларин,
Кўрган-билганларин қалбимга қуйди,
Темурни олдимга келтириб қуйди.**

Ватан ўтмишини сурур билан, армон билан эсларкансиз, улўғ алломалар, жаҳонгирлар, шоҳу гадолар кўз олдингиздан ўтаверади. Самарқанд ёки Бухородаги ўлмас обидаларга ташна термуласиз. Кўҳна аждодларни тасаввурингизда жонлантиришга ҳаракат қиласиз. Уларнинг салобатига тимсол излайсиз. Боболарга баҳо беришда ҳам камтарлик, хокисорлик устивор.

**Ҳеч бўлмаса қўшни халқларнинг
Ёзувин ўрганиб олгандир.
Шаҳарлар бунёдга келтириб
Китоблар тартибга солгандир.**

Вақт дарёси шошилмай оқаверади, гўё у шо-

шилмаётган каби туюлади-ю, лекин юз йилликларни бир зумда босиб ўтади. Авлодлар алмашади, Ватан тарихи қайтадан ёзилади, кимларнингдир номига қора чизиқ тортилади, нималардир унутилади. Ҳаётнинг муқаррар қонунига кўра ҳар бир халқ инсоният турмушининг қайсидир бир қиррасини ифодалайди, барча миллатлар ўзига хос йўллардан борсагина, ўзига хос тарзда ҳаёт кечирсагина умуминсоният хазинасига ўз хиссасини қўшишга қодир. Боболаримиз билан нега фахрланамиз? Улар ўзига хос тарзда ашай олдилар. Улар бошларидаги шоҳлик тожларидан мағрурланмадилар, дунёнинг ўткинчи майлларидан ўзликларини йўқотмадилар. Тўғри, ҳамма замонларда ёмонлар, жоҳиллар, сотқинлар ўтган.

Аммо улар эзгулик қошида ҳамиша енгилган. Утмишни фахр билан эслайсиз-у, бугунги кунларга боқасиз. Пойтахтдан узоқ-узоқларда, Устюрт кенгликларига қийналаётган она Оролнинг оғир-оғир нафаси қулоғингизга урилади. Миллион йиллардан буён учқур тулпор янглиғ кўпик сачратиб чопаетган Жайхун ҳолдан тойган. Хаёлдан кечаетган хира ўйларни қувмоқ истайсиз. Қуволмайсиз. Адоқсиз тунларда бу оғир ўйлар юракка наштардай ботаверади, ботаверади.

**Амударё қани, Сирдарё қани
Бағримга келарди юғуриб-елиб.
Келарди танимга мажор бўлгани
Гоҳ тошиб-ҳайқириб, гоҳида кулиб.
Помир бағридаги она музларим
Ўзга ёнбағирга кулаб кетдим!
Ё бор-йўғингизни, қора кўзларим,
Йўлда қароқчилар талаб кетдим!**

Ажабо, шундай замонда қароқчилар нима қилади? Она Оролимиз жон талавасасида алаҳсирамаяптими? Ундай десак, чўл-биёбонларни писанд қилмай минглаб фарсаҳ йўл босган телба дарё қани? Йўқ, йўқ, Орол алаҳсирамаяпти! У бешафқат ёвузликнинг қурбони бўлмоқда. Шўришни қарангли, уни ҳалокатга ўз болалари дучор этмиш. «Бошлар эгик, кўзлари гамгин, ичга ютиб дарду аламин, ўз юртидан ноумид бўлиб, чорасиз эл кўчиб боради».

Юртнинг фидойи фарзандлари қийин синовларда билинади. Агар унда эътиқод бут бўлса, имон саломат бўлса юрт учун ҳамма азобларга дош беради. Шу юрт шодланса ҳувониб, хомушу тортса изтироб чекади. Шоир ўз халқининг бир бўлаги дейдиган бўлсак, виждони дейдиган бўлсак, у битта Ватанга сиғинади.

Аммо сиғинишнинг ўзи камлик қилади. Ватан шаънига мадҳиялар ёзиш ҳам беҳуда. Ватанни агар боғ десак, у ҳам парваршига муҳтож. Боғ миришкор боғбон тасарруфиди бўлсагина гуллаб-яшнайдди, аксинча хазонга юз тутаети.

**Райҳонлар ўрнига алаф ўсибди,
Атиргўл ўрнига гуллабди тикон.
Шафтоли, узумни шира босибди,
Ўрик ўрнин акас этибди макон.
Эй боғбон,
Боғингга қарамайсанми!**

Боғ оила бўлса, боғбон унинг бошлиғи, боғ бу Ватан бўлса, боғбон унинг эгаси, яъни ҳукмдори-дир. Боғ дунё бўлса, боғбон уни яратган илоҳий кучдир. Боғбоннинг лоқайдлиги туфайли, райҳонлар ўрнига алаф ўсаётган экан, демакки боғбон ўз боғининг истиқболи учун қайғурмайди. У лоқайдлиги боис келажак авлодларни фалокатга маҳкум этишга қодир бўлган манкурт. Агар бутун юртнинг, дунёнинг тақдирини лоқайд, тошбағир кимсаларнинг илкига тушиб қолса, унда не офат-

ларни кутиш мумкин? Минг шукрки, ҳаётнинг адолатли қонуниятлари бунга йўл қўймайди. Ҳақиқатни, зиёни ҳеч бир куч маҳв этолмайди. Афсуски, тақдирнинг баъзи шум уйинлари борки, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Унда гоҳ ишончлар лат ейди, оқ деб юрганимиз қора, яхши деб юрганимиз ёмон бўлиб чиқади. Шундай ҳолатлар шоирнинг қалбига ўчмас из қолдиради.

**Ҳеч кимга ишонмай яшамок қийин,
Алданиш ундан ҳам аччиқ фожиа.**

У гўё ўт билан сувнинг орасига тушиб қолган, одамзодга ишонишни истаса-да, алданиб қолишдан кўрқади. Бир мuddат иккиланади. Ниҳоят ҳал қилувчи қарорни қабул қилади. Ишончини синдирган, мунофиқликни ўзига касб қилиб олган кимсаларга нафрат билан мурожаат қилади:

**Сиз, эй, ўз уйига тупуриб қочган,
Ўзга оёғига бош урган кўрлар!
Мен сиздан ҳеч нарса талаб қилмасман,
Сиз-чи, мендан нима истайсиз, мендан!**

Ақалли бирор дилда ёмонлик уруғи ниш урар экан, ундан кўз кўрмаган ёвузликларни кутиш мумкин. Шоир эзгуликнинг устиворлигига имон келтирса-да, барибир одамзодни ҳаминша хушёр бўлишга чақиради. Зеро ёмонликнинг оз-кўпи бўлмайди.

**Дунёда бор экан Куч билан Макр.
Ғафлатда қолдирар ортиқча ишонч.**

**Хушёр бўл, одамзод
Хушёр бўл, замин.**

Номинг ўчиб кетмасин тагин.

Алғов-далғовларга тўлиқ асрда шоир хаёлидан нималар кечмайди? У дунёнинг қалқиб туришидан баъзан ўзини қўярга жой тополмаса, баъзан эртанги кунга умидвор қоқиб тасалли ахтаради. Уруш мавзуси қирғинбарот у йиллардан тобора узоқлашганимиз сайин ўзининг жами даҳшатлари билан намоён бўлаётир. Инсоннинг бир-бирига кўрол ўқталиши, хунрезликка қўл уриши асримизнинг тузалмас жароҳатидир. Урушнинг шум қадами бўстонларни биёбонга, шаҳарларни кул-тепаларга айлантирди. Не-не гулдаи умрларни ҳазон қилди. Қай миллат, қай этъиқодга мансуб бўлишидан қатъи назар, шаҳидлар руҳи қалбларимизда акс садо бераверади. Бу акс садо урушга қарши исён бўлиб шоир юрагига портлайди.

**Ҳар куни қишлоққа келар қораяхат,
Аза очилади ҳар кун даъфатан.**

Уруш йилларининг гувоҳи бўлган одамгина бу оғриқни тўла ҳис қилиши мумкин. Қаҳатчилик, қирғин йилларини бошидан кечирган болаларнинг алами янада зиёда. Улар вояга етган чоғда ҳам уруш даҳшатларидан халос бўлолмайдилар. Босириқ туш ичра ярим кечаларда уйғониб заминнинг фарёдини тинглайдилар.

**«Ёрдам беринг», дейди кимдир бехосдан
Билмайман бу фарёд кимнинг розидир.
Балки бу, одамлар, сизларни ўйлаб
Ҳасрат чеккан замин илтижосидир.**

Уруш болалари эндиликда сочларига оқ оралаган, турмушининг паст-баландидан бохабар зотлар. Улар дунёнинг тақдирига ўзларини масъул деб билганлари, ҳолда, ҳали ҳам қаерлардадир хунрезлик тўхтамаётганидан изтироб чекадилар. Хунрезлик, ноҳақлик бор экан, шоир қалби бир зум ором олмайди.

Бахтни ҳар ким ўзича талқин қилади. Бировлар бахтни бойликда, мансабда деб билса, бошқалар аксинча фикрлайди. Юрагида орзулари ўлмаган, ўзлигидан сира кўнгли тўлмаган зот шоир наздида энг бахтиёр инсондир. Бир жойда қотиб қолиш, лоқайдлик, маҳдудлик одамни бевақт қаритади. Шеър дунёни ёшликка, гўзалликка чорловчи оҳанрабодирки, у ҳеч қачон турғунлик, маҳдудлик билан чиқишолмайди. У мудом исён билан яшайди. Бу исён, бу оғриқ ила ўз қалбининг ташан кенгликларига нигоҳ ташлайди. У бетараф умр кечиришни хоҳламайди. Ёмонга ҳам яхшилик қилмоқ керак, деган анъанавий удумни рад этади.

**Яхши бўлмоқ қийин ҳаммага,
Ёмон бўлмоқ ундан ҳам оғир.
Лекин яшаб бўлмас дунёда
Яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмасдан ахир.**

У ёмон кўрмаслик учун бировга ёлғон гапиршдан, хушомад қилишдан ор қилади. Чунки у ҳаммага ҳам рост гап ёқмаслигини тушунади. «Элнинг ғурурига оёқ қўйган», «пок одамнинг субутини лойга қорган», «ота-бобо удумига тупурган» одамлардан ошқора нафратланаркан, улар ҳар қанча лаънатга сазовор бўлса ҳам, нега улар бемалол яшаб келаётганидан таажжубланади. Наҳот, беш кунлик ўтар дунёда бир-бирова ёмонлик қилмасдан яшаб бўлмаса?

**Бир марта келади дунёга одам,
Юз йил даврон суриб яшаб ўтган кам.
Нега бир-бирига ёмонлик қилар
Яхши, ёмон нима, билиб турса ҳам.**

Зеро, инсониятнинг энг машъум хатоси, таъбир жоиз бўлса нуқсони ҳам шунда. Тузумлар, ақидалар ҳам эзгулик у ёвузлик қўлидаги қўрол эмасли аслида. Шоир руҳидаги сўнгсиз оғриқларнинг боиси ҳам шу! Негаки оқни оққа, қорани қорага ажратиш, ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини кўрсатиб бериш шоирнинг бурчи. Шу бурч туфайли шоир баъзан дор остига боришга мажбур, юртдан бадарга бўлишга маҳкум. У қийналишдан изтироб чекмайди, асло. У ўз елкасида нақадар вазмин юкни кўтариб бораётганини билади. Фақат бу юкни виждонан кўтариб бора-яптими, йўкми, шунга ўйлаб изтироб чекади.

Изтироблар исканжасида қоларкан, шоир бўлишнинг нақадар оғирлигини ҳис қилади. У замондошлардан, ўтмишдан кўмак сўрайди. Ҳазрат Навоий, дарвиш Машраб, мусофир Фурқат руҳларидан паноҳ ахтаради.

Тарих билан дадил мулоқот қилаётган шоир негадир кутилмаганда сўхбатни тўхтатиб қўяди. Минг шукрки, бу ҳолат шоир иходида ўткинчи ҳодиса бўлиб, у ҳам давр ва шеърхонлар савияси билан изоҳланиши керак. Шеърхонлар савияси дейишимизнинг боиси шуки, шоир ва унинг илосмандлари камолотида уйқашлик мавжуд. Фикримизнинг далили сифатида шоирнинг кейинги шеърларини олиб қарашимиз мумкин.

Бу шеърлар унинг ўктам овози бир парда кўтарилганидан шаҳодат беради. Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт шоирнинг нималарга қодир эканини кўрсатишга етадиган фурсат. Мўҳими, ўтган йиллар давомида у ўз имон-этиқоидида собит қолганидир. Янги тўппам шарофати билан шоирнинг айрим шеърларига бироз тўхталиб ўтдик. Унинг ижоди ҳақида бундан ҳам марғуброқ фикрлар айтишни зуккотаъб танқидчиларимизга қолдирсак...

Алишер АЗИМОВ

205



УЙГУН
(1905—1990)

Ўзбек совет адабиёти яна бир оғир жудоликка учради. Адабиётимизнинг катта авлодига мансуб оксоқолларидан бири, улкан шоир ва драматург, таниқли жамоат арбоби Раҳматилла Отақўзи ўғли Уйғун узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг оламдан ўтди.

Халқимиз Уйғуннинг номини ва асарларини узоқ йиллардан бери ардоқлаб келади. Атоқли сўз санъаткори яратган ўнлаб шеърӣ китоблар, «Алишер Навоӣ» номли драма (Иззат Султон билан ҳамкорликда битилган), «Хуррият», «Парвоз», «Парвона», «Абу Райҳон Беруний», «Зебуннисо» каби саҳна асарлари, йирик адабий-танқидий мақолалар унинг номини жумҳуриятимиздан ташқарида ҳам машҳур қилди. У В. Шекспир, А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, Т. Шевченко, А. П. Чехов каби жаҳон адабиёти классиклари асарларини таржима қилиб, элга манзур эта олди. Адиб «Алишер Навоӣ», «Ленин йўлланмаси билан» кинофильмларининг яратилишига муносиб ҳисса қўшди. Ўнлаб қўшиқлари халқ орасида севиб ижро этилмоқда.

Уйғун адабий ҳаракатчиликнинг йирик ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам катта обрў ва эътибор қозонганди. У «Шарқ юлдузи» журналининг ташкилотчиларидан бири ва кўп йиллардан бери таҳрир ҳайъати аъзоси эди. Журналда эълон қилинаётган асарларнинг сифатини оширишдек шарафли ва масъулиятли ишда Уйғун ҳеч қачон амалий ёрдамини, самимий маслаҳатларини аямасди.

Адибнинг адабиётимизни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамиша муносиб тақдирланиб келинди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган эди.

Устоз мураббий ва оксоқол адиб, моҳир ижодкорнинг номи халқимиз қалбида абадий қолади.

«Шарқ юлдузи» журнали таҳрир ҳайъати,
редакция ходимлари.



Ҳаётда авлодлар бир-бири билан боғланади. Адабиётда ҳам шундай...

Афсуски, биз бу ҳикматни доим ҳам бирдек қабул қилавермаймиз. Тушунавермаймиз!..

Бундан бир неча йил муқаддам буюк шоиримиз Муқимийнинг уй-ҳужрасида яшаган, унинг содиқ шогирди — Ўзбекистон халқ шоири Чархий билан, бояги уй-ҳужрада, адабиёт ва ҳаёт, умуман, турли мавзуларда суҳбатлашиш менга насиб этди. Бу — Чархий вафотидан озгина муддат илгари эди! Ажойиб шоир, хаттот, ўзига хос камтарин турмуш тарзини танлаган — косибчилик ҳам қилган инсон — Чархий, менда жуда кучли таассурот қолдирди.

Аммо ҳозир гап бу тўғрида эмас.

Хайрлашаётган пайтимизда, менга Чархий-домла ўзи эмас, негадир машҳур бошқа бир шоир — Уйғуннинг Қўқонда ўтган қайсидир учрашувдаги суратини эсдалик тариқасида топширди. Табиийки, мен, ўз суратингиз бўлса, яхшироқ бўларди, деган мазмунда гап қилдим. Чархий-домла сал қисиниб, у кишининг қони-жонида бўлган камсуқумлик билан, менимча, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, ўғлим, деб кулумсираб қўйди.

Мен ўшанда фақатки ажабланган эдим.

Устоз Уйғун вафоти муносабати билан шу воқеаларни беихтиёр эслаб, ғаладондан шу суратни қайтиб қўлимга олдим.

Чархий-домланинг мутафаккирлигига ҳозир яна бир қарра тан бердим.

Уйғун адабиётда қилган хизматлари, ҳаётдаги ютуқлари, хато ва камчиликлари билан бирга тарихга йўл олган айни паллада, менга қўлимдаги сурат орқали қадимдан келган ҳикматни яна бир қарра эслатгандек бўлди:

Ҳаётда авлодлар бир-бири билан боғланади. Адабиётда ҳам шундай...

Омон МУХТОРОВ

Редакциядан: Азиз журналхонлар! Уйғун билан суратда акс этган учрашув қаерда ўтган эди? Уша учрашувни ҳамон одамлар эслайдими? Шоир қўлида кўтариб турган боланинг қисмати кейин қандай шаклланди?! Ораларингда шу ҳақда биладиган кишилар бўлса, бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ШЕЪРИЯТ

| | |
|--|----|
| Султон Акбарий. Қатағон. Достон | 2 |
| Мўхаммад Раҳмон. Руҳингнинг занжирини уз | 79 |

НАСР

| | |
|---|----|
| Турсун Иброҳим. Бўсаға. Қисса | 16 |
| Илҳом Ҳасанов. Таҳлика. Ҳикоя | 83 |

БОЛАЛАР ДУНЕСИ

| | |
|---|-----|
| Тоҳир Қаҳҳор. Кўзга кўринмас махлуқ. Эртақ-достон | 103 |
|---|-----|

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

| | |
|--|-----|
| Қудрат Дўстмуҳаммад. Бош сабаб | 111 |
|--|-----|

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

| | |
|--|-----|
| Жуманиёз Шарипов. Бахт, толе излаб | 118 |
|--|-----|

ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР

| | |
|---|-----|
| Г. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи | 124 |
|---|-----|

ЕДНОМА

| | |
|--|-----|
| Хандақларда битилган сатрлар | 151 |
|--|-----|

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

| | |
|---|-----|
| Али Назар Эгамназаров. Саргардонликда. Хужжатли қисса | 154 |
|---|-----|

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

| | |
|---|----|
| Мўхаммад Содиқ Кошғарий. Яхши кишилар одоби | 89 |
|---|----|

| | |
|-------------------------------------|-----|
| Қуръон таржимаси хусусида | 170 |
|-------------------------------------|-----|

ҚУРЪОН

| | |
|-----------|-----|
| | 171 |
|-----------|-----|

НАВОИЙХОНЛИК

| | |
|---|-----|
| Нусратилла Жумаев. Ростлиғ улдурки... | 189 |
|---|-----|

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

| | |
|-------------------------------------|-----|
| Хисрав Деҳлавий. Ғазаллар | 192 |
|-------------------------------------|-----|

БАҲС

| | |
|--|-----|
| Гулшан Раҳимова. Истилоҳлар ўз ўрнидами? | 195 |
|--|-----|

| | |
|--|-----|
| Шавкат Раҳматуллаев. Миллий алифбомиз мукамал бўлсин | 199 |
|--|-----|

ТАҚРИЗЛАР

| | |
|---|-----|
| Ҳабибулла Зайниддинов. Ойдин саҳифа | 202 |
|---|-----|

| | |
|--|-----|
| Алишер Азимов. Юзма-юз мулоқот | 204 |
|--|-----|

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
№ 5

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев.**

Рассом **Ф. Алимов.**

Мусаҳҳиҳ **И. Султонов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурия «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 11.03.90 й. Босишга рухсат этилди 20.03.90 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-07731. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 204107. Буюртма 2865. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.